

А. ЎЛМАСОВ, М. ШАРИФХУҶАЁВ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан иқтисодий олий ўқув юрғларига
дарслик сифатида тавсия этилган.

ТОШКЕНТ — «МЕХНАТ» — 1995

65.01я73
У70

Тақризчилар: Ўзбекистон Ғанлар академиясининг мухбир
аъзоси, иқтисод ғанлари доктори **С. С.**
Ғуломов, иқтисод ғанлари доктори, про-
фессор **А. А. Абдуганиев**

© «Меҳнат» нашриёти,
Тошкент молия институти
буюртмаси бўйича, 1995.

ISBN 5-8244-1051-8

СУЗБОШИ

Иқтисодиёт ҳар бир кишининг, ҳар бир оилаининг, жамоа ва умуман жамиятнинг ҳаётида муҳим ўрин тутади. Иқтисодий аҳволга қараб ижтимоий ҳаёт шаклланади. Халқимизда олдин иқтисод, сўнгра сиёсат деган иборанинг ишлатилиши бежиз эмас, албатта. Иқтисодиёт — бизнинг нафақат бугунги, балки эртанги ҳаётимиз, ҳозирги ва келажакдаги фаровонлигимиз. Иқтисод бақувват бўлмаса, фаровонлик кафолатланмайди, моддий етишмовчилик бўлади, турмуш тапшиқлари ортади. Аксинча, иқтисодий ўсиш шароитида фаровонлик ортади, социал вазият барқарорлашади, одамларда келажакка ишонч пайдо бўлади, уларнинг фаоллиги ҳам кучайиб, боради.

Ҳозирги вазиятда жамиятимизда иқтисодиёт фанини билишга интилиш кучайди, аммо уни фақат иқтисодий қийинчилик билан изохласак нотўғри бўлади. Гап шундаки, эркин бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан тадбиркорликка интилиш кучайди. Тадбиркор бўлиб яхши пул топиш учун ишнинг кўзини, иқтисодий фаолиятнинг барча сир-асрорларини ва наздик томонларини чуқур билиш талаб қилинади.

Иқтисодиёт ривожланиб борган сайин мураккаблашади, чунки у кўп қиррали алоқаларни тақозо этади. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун турли-туман корхоналар, фирмалар ўртасида, нафақат миллий, балки халқаро миқёсда алоқа ўрнатилга тўғри келади. Бундай шароитларда ишбилармонлик учун иқтисод сир-асрорларни, қонун-қоидаларни яхши билиш зарур. Иқтисод қонун-категорияларини иқтисодиёт назарияси ўргатади. Назарияни билиш нафақат амалий фаолият учун, балки иқтисодий иш билан шуғулланмайдиган кишилар учун ҳам керак, чунки улар ҳеч бўлмаганда истеъмолчи бўлиб майдонга чиқадилар, пул топадилар, уни сарфлайдилар, оила бюджетини юритадилар,

умуман олганда иқтисодий муносабатларга киришмай яшайдиган бирорга ҳам одам бўлмайди. Гап шундаки, улардан бири кўпроқ иқтисодий алоқага киришса, иккинчиси камроқ кириши мумкин. Барибир иқтисодий муносабатни ҳеч ким четлаб ўта олмайди. Назария иқтисодий фикрлашга ўргатади, қонун-қоидаларга биноан тежамли хўжалик юритишга, меҳнатни қадрлашга чорлайди, инсонга хос иқтисодий тарбия беради. Атоқли ватандошимиз машҳур маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг ёзишича: «Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоққа айтилув. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас¹. У киши ўз фикрини исботи сифатида Расулulloҳнинг «Иқтисод узра ҳаракатли кишилар фақир бўлмас деган» — ибратли сўзларига ҳавола этганлар. Инсон жамиятда яшагани туфайли ҳам шу жамиятдаги иқтисодий муносабатлардан ҳоли бўла олмайди. Шу сабабдан иқтисодий назарияни эгаллаш фақат мутахассислар ёхуд бизнесчилар иши бўлмай, балки барчага баробар, ҳар бир фуқаро учун зарур ишдир. Ҳеч бўлмаганда назарияни ўрганувчилар уларнинг билим савияларини оширадилар. Билим эса ҳеч қачон кераксиз оғир топ бўлмаган, бўлмайди ҳам.

АҚШ профессори П. Самуэльсоннинг ёзишича, олдинлари иқтисодий назарияни сиёсий иқтисод деб юритишган. Марксистик сиёсий иқтисодда ҳодисалар асосан синфий нуқтаи назаридан, синфий кураш ва революция жиҳатларидан олиб қаралган. Умуминсоний жиҳатлар орқага сурилган. Бундан ташқари бу назариянинг ўз даври учун йирик кашфиёт ҳисобланган илмий хулосалари давр ўтиши билан эскира бошлади. Унинг қоидаларига асосланиб ҳозирги иқтисоддаги бир қатор ҳодисаларни изоҳлаб бўлмайди. Аммо, марксизмнинг ҳодисаларни таҳлил этишда қўллаган илмий принципларининг аҳамияти йўқолганича йўқ. Унинг умумиқтисодий қонулар ва категорияларга оид хулосалари ҳозир ҳам аҳамиятга молик, лекин шунга асосланиб ортодоксал назарияни олға суриш, эски қоидалари ва хулосаларга таяниб, янгиликдан кўз юмиш нотўғри бўлади. Ҳозир назария ҳақида гап кетганда жами замонавий назариялар кўзда тутиллади. Улар умумлашган ҳолда қаралади, иқтисодий

¹ Абдулла Авлоний. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ». Тошкент, «Ўқитувчи». 1992, 33-бет.

воқеликлар уларнинг қонун-қоидалари нуқтаи назаридан таҳлил этилиб изоҳланади.

Мазкур китобга умуминсоний назариялар асос қилиб олинди, шу сабабли иқтисодиётнинг умуминсоний жиҳатларига бирламчи аҳамият берилган. Китобнинг ички тузилиши, унинг турли қисмлари ўртасидаги мантиқий боғланишлар ана шундан келиб чиқади.

Китобда воқеликларнинг синфий жиҳатлари умуминсоний муносабатлари доирасида олиб қаралади, умуминсоний тараққиётдаги босқич сифатида баҳоланади. Кипилар қайси синфга мансуб бўлишидан қатъий назар ҳар доим уларнинг иқтисодий фаолиятидаги умумийлик бўлган. Маъна шу умумийлик ривож топиб, пировард натижада умуминсоний, носинфий муносабатлар ҳукмронлиги ўрнатилади. Мазкур китобда умуминсоний ёндашувга асосланиб, кўпгина иқтисодий ҳодисалар «изм»ларсиз қаралди, аммо «изм»ларнинг тарихда тутган ўрни инкор этилмади.

Ҳозир бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан Ғарбдаги ўқув қўллабмайлари, илмий асарлар ва маълумотномаларни ўрганиш расм бўлиб борапти. Бу тушунарли албатта, чунки биз ортодоксал синфий назарияга сажда қилган кезларимизда, Ғарбда замонавий, реал воқеликка яқин турган назариялар пайдо бўлди, улар умуминсоний интеллектуал бойлик, улардан баҳраманд бўлмаслик жоҳилликдир. Аммо бу назариялар ривожланган бозор иқтисодиёти, аниқроғи, аралаш иқтисодиёт кўринишларининг инъикосидир, бу иқтисодиёт амалиётининг назарий ифодасидир. Худди шундай хусусиятлар «Экономикс» деб аталган катта-катта дарсликларга ҳам хос.

Биз бозор иқтисодиёти томон илк қадам қўйдик. Ҳали аралаш иқтисодиёт, моддий тўқинчилик муҳайё, тақчиллик деган нарса бўлмаган, ишлаб чиқариш энг илгор жамият томон боришимизга анча вақт бор. Биз бозор иқтисодиётига ўтиш даврига эндигина кириб бораялмиз, ўтиш даврининг босқичлари ва қанча давом этишини олдиндан айтиш қийин. Ўтиш даврининг қонуниятлари ўзига хос, уларни Ғарбдаги янги назариялар нуқтаи назаридан ҳамма вақт ҳам изоҳлаб бўлмайди. Суриштирмай-нетмай Ғарбдаги назарияларга асосланадиган бўлсак, назарий билимлар реал воқеликдан йироқланиб қолади. Шунинг учун ҳисобга олиб мазкур қўллабмаида бизга мерос бўлиб қолган назарий принципларни, ҳозирги «Экономикс»лардаги бир қатор хулосалар билан биргаликда синтез

қилишга интилиб кўрилди. Назарияни амалиётга яқинлаштириш учун қўлланмада мустақил Ўзбекистон тараққиётининг иқтисодий баъзи бир муаммолари ҳам қараб чиқилди, бир қатор қонун-қоидалар Ўзбекистон мисолида ёритилди.

Ҳозирги аралаш иқтисодиётнинг Ғарбга мос келадиган назариялари яратилган бўлсада, тоталитар иқтисодиётдан бозор иқтисодига ўтишнинг назарияси ҳали яратилганича йўқ. Шу сабабли мазкур китобни яратишда катта қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келди. Шубҳасиз, йиллар давомида асосли ва изчил тадқиқотлар олиб бормасдан туриб, Тошкент молия институтининг бир гуруҳ ўқитувчилари томонидан ёзилган кичик дарслиқда улкан муаммони атрофлича ёритиш амри маҳол. Қўлланма муаллифларнинг ҳоли қудратига қараб ёзилади десак, хато бўлмайди. Аммо шундай китобларга қўл уришнинг ўзини назарияни яратиш ва оммага сингдириш йўлидаги қадам деб қараш мумкин. Шу нарса аёнки, собитқадамлик билан иқтисодий назария ишлаб чиқилмаса, ишмиз юришмайди, чунки назария тараққиёт йўлини ёритиб, иқтисодиёт қайси йўлдан, қандай воситалар билан ривожлана боришини, унинг қандай манзилларга олиб боришини кўрсатиб бериши шарт. Мазкур китобни мутолаа эта бориб, китобхонлар ўз иқтисодий билимларини бир қадар ошира олсалар, муаллифлар муроди ҳосил бўлади. Шунинг учун китобнинг мазмун-мундарижаси бўйича билдирилган ҳолисона истак, таклиф, фикр ва мулоҳаза, маслаҳатларни муаллифлар бажонидил қабул қиладилар.

Дарслиқнинг айрим қисмларини ёзишда асосий муаллифлардан ташқари қуйидаги профессор-ўқитувчилар қатнашган: проф. Э. Эгамов, доц. А. Ваҳобов — IV боб, доц. В. А. Дмитриев (проф. А. Ўлмасов билан ҳаммуаллифликда) — X боб, XXII боб, доц. Х. Оллоқулов — XIV боб, И.ф.н. Т. Каримова (проф. А. Ўлмасов билан ҳаммуаллифликда) — XX боб, доцентлар А. Исломов, Х. Аҳмедов, М. Абдураҳмонова — XXI боб. Доцент С. Меҳмонов материаллари XVI бобни ёзишда қисман ишлатилган,

**ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
УМУМИЙ АСОСЛАРИ**

І БОБ

**ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛ
УСУЛИ**

**І. Иқтисодиёт назарияси қандай фан ва у нимани
ўрганади**

Илм-маърифат ривожланган сари кўпгина янги фанлар пайдо бўлади ва билимлар тизимида ўз ўрнини топади. Шартли равишда фанларни икки катга гуруҳга бўлиш мумкин: табиий — техникавий фанлар ва ижтимоий — гуманитар фанлар. Иқтисодий фанлар иккинчи гуруҳга киради, улардан бири иқтисодиёт назариясидир.

Иқтисодий назарияга ҳар хил таъриф берилган. Назария сиёсий иқтисод деб юритилган кезларда, дастлаб уни айирбошлаш ҳақидаги фан деб аташган. Кейинчалик унинг предметига ишлаб чиқариш фаолиятини, хусусан деҳқончиликни жиритишган. Сўнгра назария — сиёсий иқтисод — бойликни яратиш, уни айирбошлаш ва уни истеъмол этиш ҳақидаги фан деб талқин этилган. Иқтисодчилар пировард натижада иқтисодий назария ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмолни ўрганади деган хулосага келишди.

Ғарбдаги йирик иқтисодчилар назария қандай фан деганда, унга қисқа ва лўнда жавоб бериб бўлмайди деб ҳисоблашади. П. Самуэльсон шундан келиб чиқиб, қуйидагиларни ёзади:

1. Иқтисодиёт назарияси айирбошлаш, пуллик битимлар билан боғлиқ иқтисодий фаолият турлари ҳақидаги фан.

2. Иқтисодиёт назарияси ҳар хил товарларни /буғдой, мол гўшти, пальто, концертлар, йўллар, кичик кемалар/ ишлаб чиқариш мақсадида кишилар томонидан ноёб ва чекланган унумли ресурслардан /ер, ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарлар, меҳнат, машиналар, техникавий битимлар/ фойдаланиши тўғрисидаги фан.

3. Иқтисодиёт назарияси кишиларнинг кундалик ишбилармонлик фаолияти, кишиларнинг тирикчилик маблагаи топиши, унда фойдаланиши тўғрисидаги фан.

4. Иқтисодиёт назарияси инсоният истеъмол ва ишлаб чиқариш борасида ўз вазифаларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги фан.

5. Иқтисодиёт назарияси бойлик тўғрисидаги фан.¹

Маъқур таърифда иқтисодиёт назарияси предмети қисмларга бўлиб баён этилган. Бу ерда асосий масала фан предметига кишилар, бутун жамият иқтисодий фаолиятининг киритилишидир.

Иқтисодиёт назарияси жамиятда юз берадиган иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар, уларга хос бўлган алоқа-боғланишларни, уларнинг қонун-қоидаларини ва кишилар фаолиятида намоён бўлишини ўргатувчи фандир. Иқтисод ҳар қандай жамиятнинг яшаши ва ривожланиб бориш шарт-шароити, чунки тирикчилик неъматлари ишлаб чиқарилмайдиган ва кишиларнинг ҳаётий талаб-эҳтиёжлари қондирилмайдиган жамият бўлиши асло мумкин эмас. Жамият бор экан, у ерда ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол мавжуд, улар ўзаро боғланган, узлуксиз бирин-кетин юз беради. Жамият кишилардан иборат экан, унинг иқтисодий тузумини кишиларнинг фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Кишилар ўз иқтисодий алоқа-боғланишларни, иқтисодий муносабатларни эркин ўз билганича танлай олмайдилар, чунки бу объектив реалликдан келиб чиқади. Агар жамият бозор иқтисодиётига асосланган бўлса, кишилар бозор муносабатидан бошқа алоқалар ўрната олмайдилар, чунки объектив иқтисодий шароит шундай. Иқтисодий жараёнлар ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол соҳаларида юз берад экан, шу соҳаларнинг ҳар бирига ва уларнинг жамига хос бўлган ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг оқибати иқтисодий назарияда ўрганилади. **Иқтисодий воқелик — объектив реаллик, уни ҳар ким ўз билганича, субъектив ҳоҳиш-продага қараб ўзгартириб бўлмайди.** Аммо иқтисодиётнинг табиатдаги ҳодисалардан муҳим фарқи бор: 1. Табиат кишилик жамияти бўлмасада амалда бўлиши мумкин, лекин жамият табиатдан ташқарида бўла олмайди, чунки у табиат ресурсларини ишлатиш билан боғлиқ, табиат иқтисодиётнинг моддий асоси. 2. Иқтисодиётдаги ўзгаришлар табиатдаги ўзгаришларга қараганда ғоят тез боради, шу сабабли иқтисодиётнинг ривожланиш қонунилари доимо

¹ П. Самуэльсон «Экономика». I том, Москва, МГУ «Альгон» ВНИИСИ. 1992, 6—7 бетлар.

ўзгариб туради, айниқса, бу иқтисодий системалар ўрин алмашганда юз беради; 3. Табиий ҳодисалар кишилар иштирокисиз ўз-ўзидан юз бера олма, иқтисодий ҳодисалар кишилар фаолиятисиз юз бермайди, аммо бу фаолиятни объектив шароит тақозо этади.

Назарияда мана шу фарқланиш ҳисобга олинади. Иқтисодий фаолият объектив тақозо этилса-да, кишиларнинг маълум мақсадни кўзлаган, оинги хатти-ҳаракатидан иборатдир. Назарияда иқтисодий қонунларнинг моҳияти, амал қилиш усуллари, қонунлардан амалий иқтисодиётда фойдаланиш механизми ўрганилади.

Иқтисодиёт учун ишлаб чиқариш бирламчи, устиворликка эга. Ишлаб чиқариш деганда фақат маҳсулотларни эмас, балки кишиларнинг талаб-эҳтиёжини қондирувчи турли хизматларни яратишни ҳам тушунилади. Назарияда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган омишлар ёки ишлаб чиқарувчи кучлар ва уларнинг юқори самара билан ишлатилишини таъминловчи иқтисодий шарт-шароит (муносабатлар) ҳамда улардан келиб чиқадиган стимуллар баён этилади. Аммо ишлаб чиқариш омишларининг техникавий, химиявий ёхуд физиологик хоссалари эмас, балки уларнинг социал-иқтисодий шакли, уларнинг реал иқтисодда турган ўрни қараб чиқилади. Иқтисодий назария техника-технологияни бевосита ўрганмасда, унинг иқтисодиётга таъсирини четлаб ўтмайди, аксинча, ҳисобга олади. У техника-технологияни жорий этиш ёки этмасликнинг иқтисодий чегараларини назарий асослайди. Назария табиий ҳодисаларни таҳлил этмайди, албатта. Лекин у хўжалик фаолиятининг табиатга таъсирини ва у нима-ларга олиб келишини қараб чиқади.

Назария иқтисодни соф ҳолда эмас, балки социал-сиёсий, руҳий-ахлоқий, миллий-демографик омишлар таъсирини инобатга олиб ўрганади. Иқтисодиёт—ижтимоий ҳаётнинг бир қисми, унинг таъсирдан ҳоли эмас. Иқтисодий жиҳатни ягона ҳал қилувчи жиҳат деб қараш мавҳумий ва бемаъниликдир. Иқтисодиёт бирламчи бўла туриб бошқа турдаги муносабат таъсирда бўлади, албатта.

Сиёсий вазиятлар, ўзгаришлар иқтисодга таъсир этиши турган гап. Масалан, сиёсий шароит ўзгариши билан биржадаги товарлар нархи, акциялар курси, валюталар курси ошади ёки пасаяди. Бу билан капитал оқими ўзгариб, ишлаб чиқариш ҳолатида силжиш юз беради.

Назария сиёсатнинг иқтисодиётга қайта таъсирини

ҳам ўрганади. Сиёсат иқтисодга қараб шаклланади. Шу маънода иқтисод сиёсатга нисбатан бирламчи. Аммо тўғри танланган сиёсат иқтисодга ижобий, нотўғри юритилган сиёсат эса унга салбий таъсир ўтказиши. Иқтисодий вазиятни, шу вазиятда қонуларнинг амал қилиши, бинобарин, иқтисодий зарурат мавжудлигини, уни юзага чиқариш чора-тадбирларини белгиловчи сиёсат иқтисодий ривожланишга фаол таъсир этади. Иқтисодий назария экан, уларга таяниб тараққиётнинг асосий йўналишларини ёритар экан, шу маънода у сиёсатнинг илмий асоси бўлади.

2. Иқтисодий категориялар ва қонунлар

Иқтисодиётда турли ҳодисалар, жараёнлар, улар ўртасидаги алоқалар ўрганилганда улар конкрет шароитда (масалан, корхонада) текширилмайди, балки умумназарий, яъни қонун-категориялар даражасида илмий жиҳатдан изоҳланиб берилади. Шу хусусда П. Самуэльсон ёзишча: «Иқтисодиёт назарияси корхонани бошқариш тўғрисидаги фан эмас. У қандай қилиб миллион долларни топишдан иборат муваффақият сирини, йиллик молиявий ҳисобот тузиш, яхши реклама стратегиясини ишлаб чиқиш ёхуд биржадаги акция курсини олдиндан била олиш сирларини очиб бермайди. Мазкур фан назарий бўлганидан умумиқтисодий қонунлар ва категорияларни таҳлил этиш ва изоҳлаш орқали ўз предметини ўрганади».¹

Ҳар бир фан ўз предметини категориялар ёрдамида текширади. Физикада масса, тезлик, тезланиш ва бошқа тушунчалар бор. Иқтисодиёт назариясида ҳам тушунчалар ишлатилади.

Иқтисодий категориялар — бу иқтисодни ўрганишда қўлланадиган назарий тушунчалар бўлиб, улар реал иқтисодий воқеликнинг илмий инъикоси, ифода этилишидир.

Категориялар — илмий фикрлаш маҳсулидир. Уларни кундалик ҳаётда учрайдиган тушунчалардан фарқлаш зарур. Масалан, кундалик ҳаётда бозор деганда, кўпчилик йиғилиб савдо қилинадиган жой тушунилади. Назарияда эса бозор деганда жой эмас, пул ёрдамидаги айирбошлаш, яъни кишилар ўртасида олди-солди муносабатлари англанади. Назарияда категориялар гуруҳларга бўлиб ўрганилади:

¹ П. Самуэльсон, «Экономика», том I, М., 1992, 7-бет.

1. **Умумиқтисодий категориялар** — иқтисодий тараққиётнинг ҳамма босқичларига хос бўлган, лекин социал-иқтисодий системага алоқаси бўлмаган умуминсоний муносабатларни ифодаловчи категориялар. Масалан, ишлаб чиқариш, мулк, меҳнат жараёни, маҳсулот, иш вақти, меҳнат тақсими, эҳтиёж каби тушунчалар.

2. **Формацион-маҳсус категориялар** — иқтисодий тараққиётнинг муайян тарихий босқичига хос бўлган, социал-иқтисодий системанинг табиатига алоқадор, ўткинчи муносабатларни ифодаловчи маҳсус категориялар. Булар жумласига масалан, эксплуатация, рента, экспансия, ориқча аҳоли, қашшоқланиш, монополия, моносония, олигополия каби категорияларни киритиш мумкин.

3. **Даврий-оралиқ категориялар** — умуминсоний характердаги, лекин бир неча иқтисодий системалар шароитида амал қилувчи, узоқ тарихий даврда сақланувчи, аммо ўткинчи мазмундаги иқтисодий муносабатларни ифодаловчи категориялар. Булар жумласига бозор муносабатларига хос категориялар киради: товар, пул, талаб, таклиф, маркетинг, нарх, инфляция ва ҳақозолар.

Иқтисодий муносабатлар ривожланиб боради, бир муносабат ўрнига янгиси келади. Бошқа бир муносабат тубдан янгиланмасада, у бойиб боради, унинг янги қирралари пайдо бўлади, янги сабабли иқтисодий назарияда янги категориялар пайдо бўлади, қўлланиб келаётган категорияларнинг мазмуни кенгайди. Масалан, интеграция, диверсификация, инфраструктура, конверсия ва ҳақозолар.

Иқтисодиёт назариясида иқтисодий ҳодисаларнинг белгилари умумлаштириш асосида қонунларда таърифланади. **Иқтисодий қонунлар** — иқтисодий жараёнларнинг турли муҳим томонлари ўртасидаги муҳим тақрорланиб ва юзага келиб турадиган узвий иқтисодий заруратни тақозо этувчи сабаб-оқибат, алоқа боғланишларидир. Қонунлар маълум иқтисодий жараён ва айрим ҳодисаларнинг муқарраллигини билдиради. Масалан, меҳнат тақсими қонуни муқаррар равишда ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини билдиради. Категориялар каби иқтисодий қонунлар ҳам ҳар хил бўлади. Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. **Умумиқтисодий қонунлар** — жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида, иқтисодиётнинг аниқ ижтимоий шаклидан қатъий назар амал қилувчи қонунлар. Булар жумласига меҳнат тақсими, жамғариш, меҳнат унум-

дорлигининг ўсиб бориши, эҳтиёжларнинг юксалиши, меҳнат турларининг ўрин алмашуви қонунилари кабилар киради.

2. **Формацион-махсус қонулар** — махсус иқтисодий қонулар — фақат муайян социал-иқтисодий тизим доирасида амал қилувчи, шу тизимнинг ўзига хос хусусиятларини ифода этувчи қонулар ёки «изм»лар қонуни. Булар таркибига масалан, феодализм, капитализм қонунилари кабилар киради.

3. **Даврий-оралиқ қонулар** — бу турли социал-иқтисодий системада, аммо маълум даврда амал қилувчи системаларнинг махсус тузумига алоқаси бўлмагани ҳолда, уларни бирлаштириб боғлаб турувчи муносабатларга хос қонулар. Бу ҳозирчалик ўз маъмуни билан бозор иқтисоди қонуларидир. Бу қонулар нафақат «изм»лар шароитида, балки улар бўлмасда амал қилади, чунки улар маълум тарихий босқичдаги умуминсоний муносабатларни билдиради.

Иқтисодий назария категория ва қонуларни улар қайси гуруҳга мансуб бўлмасин, яхлитликда олиб қарайди, қонуларни бир тизимида ўзаро таъсир остида амал қилишини ҳисобга олади. **Категория ва қонулар тизими** — иқтисодиётга хос бўлган барча, бир-бирини тақозо этувчи қонулар ва категориялар мажмуасидир.

3. Иқтисодиёт назариясининг таҳлил усуллари

Иқтисодий назария ходисаларни билишга бағишланган умумфалсафий усуллари қўллаёди. Энг аввал иқтисодиётни акс эттирувчи, уни талқин этишга ёрдам берувчи маълумотлар (фактлар) жамланиб баҳоланади. Бу маълумотлар айрим ёки бир гуруҳ ходисаларга оид бўлади. Бу иқтисодиётни тафаккур этишдаги **эмпирик босқич ҳисобланади**. Бу босқичда тўшланган маълумотлар иқтисодий хатти-ҳаракатларга тааллуқли бўлади. Иқтисодий маълумотлар поиктисодий маълумотлардан ажратиб олинади. Жамланган маълумотларга **бир қатор умумий тарзда баҳо берилади**. Натижада дастлабки синаб кўрилмаган **хулоса — гипотеза** олға сурилади.

Предметни ўрганишнинг иккинчи босқичида тўшланган маълумотлар жамланган ҳолда ўзаро алоқада олиб қаралади. Иқтисодий ходисалар ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишлари аниқланади, фактлар умумлаштирилиб, фикр-мулоҳаза синалган **назарий хулосалар, қонун-қонда**

лар даражасига келтирилади. Назарий хулосалар иқтисодий принциплар деб ҳам юритилади. Иқтисодий фактлар биринчидан, умумлаштириш учун илмий маълумот хизматини ўтади, яъни улардан назария назария келтириб чиқарилади; иккинчидан, улар назарияни текшириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Назарий асосланган қонун-қоидаларнинг тўғрилиги, реал иқтисодий муҳитда текшириб борилади.

Назарий хулоса чиқарилганда иқтисодий хатти-ҳаракатларни тасодифийси эмас, балки кўп ҳолларда учрайдигани асос қилиб олинади, асосий ҳодисалар бошқаларидан ажратилган ҳолда қаралади, маълум чегарада олиб ўрганилади. Акс ҳолда, алоқа-боғланишлар ғоят кўп бўлганидан, ҳодисаларнинг боришини маълум тизимга солиб хулосалар чиқариб бўлмайди. Фактларни тартиб-лаб хулосага келишда абстракциядан усули асосий усул бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий назария табиий-техникавий фан эмаски, у ўз гипотезаларини тажрибалар ёхуд лаборатория таҳлили орқали текшириб кўrsa. У ижтимоий фан, у иқтисодиётдаги ғоят кўп қиррали, чирмашиб кетган алоқа-боғланишларга дуч келади. Иқтисодиётни назарий таҳлили хусусида К. Маркс ёзганки «бу ишда на микроскоп, на кимёвий реактивларни қўллаб бўлмайди. Унисини ҳам, бунисини ҳам ўрнини абстракция кучи эгаллайди».¹

Ғарбдаги энг обрўли «Экономикс» муаллифлари Р. Макконнелл ва Л. Брю ёзишича назария — бу лаборатория фани эмас.² Шу сабабли назарияда илмий абстракциялаш усули бош ўрин тутаети. Бу усул — иқтисодий ҳодисаларни уларга таъсир этувчи ўткинчи, иккинчи даражали фактлардан ҳоли этган тарзда таҳлил этиб, назарий умумлаштириш, илмий хулосалар чиқаришдир. Бу усул иқтисодий ҳодисаларнинг табиатини, уларга хос қонуниятларни очиб имконини беради.

Абстракциялаш асосида категориялар ва қонунлар таърифланади, улар илмий муомалага киритилади. Абстракциялаш юз берганда иқтисодиётга оид асосий, муҳим, юзага чиқиб турадиган фактлар ажратиб олинади, улар таққосланади, улар ўртасидаги боғланиш аниқланади. Буларнинг ҳаммаси онг, тафаккур орқали бажа-

¹ К. Маркс. Капитал. I-том. Тошкент, 1956, 5-бет.

² Кэмбелл Р. Макконнелл, Стенли Л. Брю «Экономикс—принципи, проблемы, политика». Москва, изд. «Республика». 1992, с.21.

рилади. Абстракциялаш бўлмаса гоят қўл, тартибланмаган фактлар орасида ўралашиб қолиб назарий хулоса қилиб бўлмайди. **Абстракциялаш — бу иқтисодиётнинг назарий моделини яратишдир.** Фактларга асосланган назарий умумлаштириш илмий асосга эга, чунки у реал воқелиқдан келиб чиқади.

Илмий хулосалар абстракциялаш натижаси бўлганидан, уларни гоят мавҳум ва амалий аҳамиятсиз деб қараб бўлмайди. Умумлаштиришлар иқтисодиётга хос қонунларга оид бўлганидан амалий аҳамиятга эга. Иқтисодий қонунларга риоя қилмай фаолият юритиб бўлмайди. Бу қонунлар нимани тақозо этишини англамай туриб иқтисодиётда амалий иш тутиб бўлмайди.

Иқтисодий назария предметини ўрганишдаги учинчи босқич **назарияни иқтисодий сиёсат** билан боғлашдир.

Назария иқтисодиётга қандай тенденциялар хос бўлиши, унинг қандай омиллар таъсирида ривожланиши, унда қандай ўзгаришлар бўлишини башорат эта олади. Шу сабабли **назария — иқтисодий сиёсатнинг илмий асоси** деб айтиш мумкин. Сиёсат деганда нафақат давлатнинг умуммиллий, умумжамият миқёсидаги сиёсатини, балки айрим корхона, фирманинг амалиёти дастурини, унинг қандай хатти-ҳаракатга қўл уришини ҳам тушунмоқ зарур.

Назарияда индуктив ва дедуктив усуллар ишлатилади. **Индуктив усул** деганда эмпирик билимдан абстракцияга ўтиб, назарий хулосалар чиқариш, сўнгра улардан иқтисодий сиёсатга ўтишни тушунинг керак. **Дедуктив усули** қўлланганда назариядан иқтисодий фактлар таҳлилига ўтилади. Бунда олға сурилган хулоса қайтадан фактлар асосида текшириб кўрилади. Ҳар иккала усул бир-бирини тўлдиреди.

Назария умумицсоний бўлганидан унда мантиқийлик ва тарихийлик усуллари жам ҳолда қўлланилади. Иқтисодий ҳодисаларнинг ички ва ўзаро алоқалари мантиқий фикрлаш орқали аниқланади. Бу усул билан иқтисодий ҳодисаларнинг моҳияти, туб белгилари аниқланади. Аммо улар тарихан ривожланиб, ўзгариб туривчи деб қаралади. Иқтисодий муносабат қандай пайдо бўлган, қандай ривожланган, нимага айланганлиги тарихий усул билан аниқланади.

Масалан, мантиқий усул билан пулнинг моҳият жиҳатидан нима эканлиги аниқланади. Тарихий усул билан эса пул функциялари, пул шакллари ўзгариб, оддий товар

шаклидаги пулдан олтин-кумуш тангалар шаклидаги пулга ўтиш, қороз пул, ниҳоят электрон пулнинг пайдо бўлиши қараб чиқилади.

Назарий хулосалар икки даражадаги — макро ва микро даражадаги — иқтисодий таҳлилдан келиб чиқади. Иқтисодиёт ўрганилганда миқдор ва сифат таҳлили қўлланади. Назария учун албатта сифат таҳлили бирламчи. Бунда абстракт фикрлаш орқали иқтисодий ҳодисаларнинг моҳияти уларга хос қонун ва категориялар назарий асосланади. Миқдор таҳлилида ҳодисаларнинг миқдорий ўлчами, кўрсаткичлари асос қилиб олинади ва математик усуллар билан ҳисоблаб чиқилади. Масалан, меҳнат унумдорлиги ўрганилганда, аввал сифат таҳлили асосида унинг қандай тушунча экани аниқланади, сўнгра математик формулага кўра унинг аниқ кўрсаткичи ҳисоблаб топилади. Ҳисоблаб топишган унумдорлик кўрсаткичларини узоқ даврдаги ўзгаришларга қийслаб унумдорликка хос бўлган қонуниятлар таърифланади. Шундай қилиб миқдор ва сифат таҳлили бир-бирини тақозо этади. Иқтисодий назарияда қонуниятларни баён этиш учун эгри чизик чизмалари, статистик жадваллар қўлланади.

4. Иқтисодиёт назарияси ва бошқа иқтисодий фанлар.

Иқтисодий фанлар шартли равишда икки гуруҳга бўлинади: 1) Умумиқтисодий фанлар, яъни иқтисодиётни яхлит олиб ўрганувчи фанлар; 2) Хусусий иқтисодий фанлар — иқтисоднинг у ёки бу соҳасини ёхуд корхона иқтисодини ўрганувчи фанлар. Иқтисодий назария биринчи гуруҳга жиради. Унинг ўзи ўз номи билан ҳам ажралиб туради, яъни у умумий иқтисодга назарий жиҳатдан ёндашади, унга хос қонун-қоидаларни ўрганади.

Назария биз сўз юритаётган фаннинг танҳо ўзида кўрилади, аммо унинг монопол тасарруфида бўлади деб ўйлаш хатодир. Бошқа фанларда ҳам ўз предметига назарий ёндашув бор. Лекин хусусий иқтисодий фанлардаги назария ҳодисаларнинг фақат айрим хусусий жиҳатларига тегишли ва бу фанлардаги бош масала эмас. Иқтисодиёт назариясида иқтисодий фаолиятни қаерда, қандай ижтимоий шаклда, қандай миқёсда ва қандай шиддат билан юз беришидан қатъий назар, унга хос бўлган жамики алоқа-боғланишларни, уларга хос бўлган қонун-қоидаларни ўрганади.

Хусусий иқтисодий назария иқтисодиётнинг айрим

Хусусий томонларига хос бўлган мураккаб муносабатларни ва қонуниятларни ўрганади. Хусусий назария ҳар хил. Масалан, молия, бухгалтерия, статистика, пул муомаласи назариялари мавжудки, улар иқтисодиётнинг айрим соҳаларидаги фаолиятни таҳлил этади. Биз назария дега нимизда гап умумий назария устида боради. Иқтисодиёт назарияси умуминсоний фан бўлиб, у уч хил вазифани бажаради: 1) **иқтисоднинг сир-асрорларини билиб олиш**, уларни оммага етказиб, уларнинг иқтисодий билим савиясини ошириш; 2) **бошқа иқтисодий фанларга илмий-услубий асос бўлиб хизмат қилиш**. Бошқа фанлар назария асослаб берган категориялар ва қонунларга таянган ҳолда ўз предметини ўрганади. Айни вақтда назария бошқа фанлар ҳулосасига асослаиб, иқтисодий ҳодисаларни умумлаштиради. Масалан, назария микроиқтисод фани корхона (фирма) фаолиятини ўрганишдан олган натижаларига қараб, маълум умумлаштиришни ўтказган ҳолда янги қондаларни асослайди, эскиларга ўзгариш киритади; 3) **амалий тавсиялар бериш**. Бу тавсиялар умумиқтисодий характерда ва иқтисодий сиёсатга тегишли бўлади.

Улар иқтисодий ўсишни ва унинг самарадорлигини ошириш, аҳолини тўла иш билан таъминлаш ва унинг фаровонлигини ошириш, иқтисодий барқарорлаштириш ва инфляцияни бартараф этиш, иқтисодни интеграциялаш ва ташқи алоқаларни кенгайтириш каби умумий аҳамиятга молик тавсиялар беради.

Иқтисодий назария реал иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришларни умумлаштириб, илмий жиҳатдан ўзига сингдириб боради ва фан сифатида янги ҳулосалар билан бойиб боради. Айни вақтда иқтисодий фаолиятни назарияда асосланган қонун-қоидаларга биноан ташкил этиш иқтисодий ўсиш ва фаровонликни ортиб боришини таъминлайди. Жамият иқтисодиёти назария асосида илмий бошқарилиш шарт. Аммо назарий ҳулосаларни суриштирмай-ветмай, кўр-кўрона қўллаш иқтисодни издан чиқаради. Масалан, монетаризм назариясидан келиб чиққан рейганомика (АҚШ президенти Р. Рейган номидан) сиёсати 80-йилларда АҚШда иқтисодий ўсишни таъминлади, чунки бу назария шаклланган бозор иқтисодининг принципларини ҳисобга олади ва у АҚШ шароитига мос тушар эди. Монетаризм чора-тадбирларини 1992 йил Россияда қўлланиши мамлакат иқтисодини хароб этди, чунки бу ерда шаклланиб улгурган бозор иқтисоди йўқ эди, шу

сабабли монетаризм тавсиялари реал шароитта тўла мос келмади.

Иқтисодий назариянинг етуклик даражаси фаннинг нақадар ривожланганлигини билдиради. Агар жамиятнинг интеллектуал қуввати қанчалик юқори бўлса, иқтисодиёт назарияси шунчалик ривож топади, унинг иқтисодиёт учун аҳамияти ортиб боради.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Иқтисодиёт назарияси қандай фан деган саволга қуйидаги жавоблардан тўғриси топинг: 1) Ишлаб чиқариш технологияси ҳақидаги фан. 2) Савдо-сотиқ ҳақидаги фан. 3) Иқтисодий тараққиётнинг қонун-қоидаларини ўрганувчи фан. 4) Фирма уй хўжалиги иқтисоди ҳақидаги фан. 5) Умуминсоний фан. 6) Синфий фан. 7) Бошқариш тўғрисидаги фан. 8) Иқтисодий сиёсат ҳақидаги фан.

2. Иқтисодиёт назариясини нима сабабдан чуқур ўрганиш зарур?

3. Назарияни бошқа иқтисодий фанлардан қандай фарқи бор?

4. Иқтисодий категориялар ва қонулар тизими нима, унинг таркибий тузилиши қандай?

5. Нима сабабдан янги иқтисодий категориялар пайдо бўладилар?

6. Нима сабабдан назарияда абстракциялаш асосий таҳлил усули ҳисобланади?

7. Талаба Б. Маҳмудов назарияда сифатли таҳлил муҳим деб жавоб берди. Талаба С. Содиқова миқдорий таҳлил асос дейди. Ким ҳақу ким ноҳақ?

8. Назария фирма ёки оила иқтисоди юзасидан тавсиялар берадими?

9. Иқтисодий назария бошқа иқтисодий фанлар билан қандай алоқада бўлади?

II БОБ

СОЦИАЛ—ИҚТИСОДИЙ ЭҲТИЁЖЛАР

1. Эҳтиёж ва унинг турлари

Жамиятнинг тузилиши қандай бўлишидан қатъи назар унинг аъзолари ўз эҳтиёжларини қондиришлари шарт, чунки ҳаёт кечирish эҳтиёжларининг қондирилишини билдиради. Ҳаётгий эҳтиёжлар турлари кўп. Улар иқтисодий, социал, маданий, сиёсий, маънавий ва ҳатто соф физиологик эҳтиёжлардан иборатдир. Албатта, улар ора-

сида социал-иқтисодий эҳтиёжлар устивор аҳамиятга эга, чунки уларни қондиришнинг ўзи инсон учун бирламчи зарурат, бу ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминлайди. Одамлар маданият, санъат, сиёсат ва бошқа қандайдир ижтимоий фаолият билан шуғулланишдан аввал уларни бирламчи эҳтиёжлари — овқатланиш, кийиниш, бошпанага эга бўлиш, меҳнат қилиш эҳтиёжлари юзага чиқиши зарур. **Социал-иқтисодий эҳтиёжлар — кишиларнинг яшashi, меҳнат қилиши ва маълум иқтисодий мавқега эга бўлиши учун истеъмол этилиши зарур маҳсулотлар ва хизматлар мажмуидир.** Бу фақат тирикчилик эҳтиёжи эмас, балки инсоннинг шахс сифатида камол топиш зарурати ҳамдир. Унинг одатдаги жисмоний эҳтиёждан фарқи шуки, уни меҳнат воситасида ва табиат иштирокида қондирилади, яъни у ишлаб чиқариш фаолиятини талаб қилади. Эҳтиёж, авваламбор, якка тартибда бўлади, чунки ҳар бир одамнинг хусусиятига қараб эҳтиёж фарқланади. Эҳтиёж одамнинг жисмоний ҳолати, меҳнати, диди ва одатларига боғлиқ.

Шундай эҳтиёжлар ҳам борки, улар якка бўлса-да, биргаликда қондирилиши мумкин. Шундай шароитда гуруҳий эҳтиёжлар пайдо бўлади. Бу маълум гуруҳга бирлашган кишиларнинг умумий эҳтиёжидир. Оилавий эҳтиёж — қон-қариндош кишиларнинг биргаликдаги эҳтиёжидир. Бу ерда ҳар бир оила аъзосининг якка эҳтиёжи оиланинг умумий эҳтиёжи билан бирлашади. Оиланинг умумий уй хўжалиги мавжуд, у ердаги буюмлар биргаликдаги эҳтиёжни қондиради. Кишилар меҳнат жамоасига, касбий ёки сиёсий уюшмаларга бирлашадилар. Бу ўринда ҳам гуруҳий эҳтиёж пайдо бўлади. Масалан, меҳнат жамоасининг умумий эҳтиёжи ишлаб чиқариш, техника ва технологиясини янгилаш бўлса, бу ҳар бир якка аъзо даромадини оширишдан иборат эҳтиёж билан уйғунлашади.

Умумжамият эҳтиёжи ҳам борки, у биринчидан, барча турдаги якка ва гуруҳий эҳтиёжларнинг мажмуидан иборат бўлса, иккинчидан, жамиятни яхлит организм сифатида яшаб туриши учун зарур эҳтиёждир. Масалан, табиий ресурсларни авайлаш, муҳофаа, иқтисодий захиралар ҳосил этиш, жамиятни бошқариб туриш билан боғлиқ ва бошқа эҳтиёжлар.

Жамиятдаги эҳтиёжлар ўзининг туридан қатъи назар:

1. Жамият иқтисодий тараққиётида эришилган даража.

2. Жамиятнинг социал-иқтисодий тузуми.
3. Ҳаёт кечиришнинг табиий-жўғрофий шароити.
4. Тарихий-миллий анъаналар ва одатлар билан боғланиб кетади.

Иқтисодиёт қолоқ бўлса эҳтиёжлар доираси тор бўлади. Аксинча иқтисод юксак бўлса, эҳтиёж кенг ва хилма-хил бўлади. Шу жиҳатдан ўрта асрда эҳтиёж билан ҳозирги XXI аср бўсағасидаги эҳтиёжни солиштириб бўлмайди. Агар ўша даврдаги яқка эҳтиёж энг зарур тирикчилик воситалари билан чекланган бўлса, ҳозирги эҳтиёжлар инсоннинг баркамол ривожланишини кўзлайди, у бир амаллаб тирикчилик ўтказиш талаби доирасидан аллоқачон чиқиб, тўкинчилик шароитида фаровон яшаш эҳтиёжига айланган.

Жамиятнинг эҳтиёжи турли ижтимоий тоифа ва гуруҳларга мансуб кишилар эҳтиёжининг яхлитлигидир. Шу сабабдан, у жамиятнинг ички тузумига боғлиқ. Агар жамият мулкдор ва мулксизларга, бой ва камбағалларга, эксплуататорлар ва эксплуатация этилувчиларга ажралган бўлса ёки жамиятда ижтимоий тенглик бўлиб, у чуқур табақалашмаса, унинг асосини ўртанча синфлар ташкил этса, шунга қараб эҳтиёж ҳар хил бўлади. Гап шундаки, жамият эҳтиёжи йиғма эҳтиёж бўлганидан унинг ҳолати уни ташкил этувчи унсурлар ҳолатига боғлиқ.

Жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар ва уларга мансуб кишилар эҳтиёжи фарқланар экан, шунга қараб турли эҳтиёжларнинг нисбати умумжамият эҳтиёжини юзага келтиради. Бой қатламларнинг ўта сифатли, ноёб маҳсулот ва хизматларга эҳтиёжи бўлса, камбағаллар эҳтиёжи энг зарур маҳсулотлар ва хизматлар билан чекланади. Бу ҳол умумий эҳтиёжларга таъсир этмай қолмайди.

Табиий-иқлим шароити ҳам эҳтиёжларга таъсир кўрсатади. Совуқ иқлимда ҳаёт кечириш учун оқсил ва ёнга бой овқат, иссиқ кийим, уй ва транспорт воситасига эҳтиёж чақирса, иссиқ иқлим шароити буларни талаб қилмайди. Ёнингарчилик кўп ерда зонгта ва плашга қатта эҳтиёж бор, қуруқчиликда буларнинг умуман кераги йўқ.

Эҳтиёжлар ҳаёт кечиришнинг нафақат табиий шароити, балки унга хос тарихий анъаналар билан ҳам боғлиқ. Анъаналар миллий ва диний омиллар таъсирида шаклланади. Масалан, мусулмонларда бор маросимлар, христианларда йўқ ва аксинча. Тарихан шаклланган маросимлар эҳтиёжга таъсир этиши турган гап. Миллий (этник) ва

диний урф-одатлар ўзаро чирмашиб кетгани ҳолларда махсус эҳтиёж юзага келади. Масалан, Марказий Осиё давлатларидаги Наврўз байрами этник бўлса, рўза, рамазон ҳайити, қурбон ҳайитлар диний байрамлардир. Уларни ўтказиш бошқа халқларда бўлмаган барқарор қўшимча эҳтиёжларни юзага чиқаради.

Инсон эҳтиёжи абадий. Инсон бор экан, унинг эҳтиёжи мавжуд. Эҳтиёж инсон ҳаётининг ажралмас қисмидир. Аммо, эҳтиёж инсон учун туғма белги эмас, у наслдан-наслга ўтмайди ҳам. У жамиятда инсоннинг субъектив хусусиятига боғлиқ ҳолда юзага келади. Шу сабабли кишиларда у ёки бу неъматни афзал кўриш мавжуд.

Инсон биосоциал тип. У ҳар қандай жонзот каби физиологик эҳтиёжга эга. Лекин инсон жамият маҳсули. Кишининг эҳтиёжи у яшаган шароитга қараб шаклланади, эҳтиёжнинг қондирилишида инсоннинг фақат ўзининг эмас, балки ўзгаларнинг меҳнати ҳам қатнашади. Шу жиҳатдан эҳтиёж **ижтимоийдир**. Агар шундай бўлмаганда, у янги ижтимоий муҳитда ўзгариб кетмас эди. Масалан, эҳтиёжи Ўзбекистон шароитида шаклланган киши Ғарб мамлакатига кўчиб ўтиши билан унинг эҳтиёжи ҳам ўзгариб кетади.

Эҳтиёжнинг муҳим хусусияти унинг қатъий равишда **яккалашуви**, яъни ҳар бир кишига нисбатан алоҳидалашувидир. Эҳтиёжнинг субъективлиги шундаки, у истеъмолчининг одати, диди, нимага қизиқиши, маданий даражасига боғлиқ.

— Эҳтиёжлар хилма-хиллигидан бир одамнинг эҳтиёжи бошқасиникига ўхшамайди, чунки у қатъий равишда яккалашган. Аммо эҳтиёжда бир қатор йирик белгилар борки, уларга қараб эҳтиёжни гуруҳларга бўлиш мумкин. Бунга эҳтиёжнинг характери, унинг нимага қаратилиши асос қилиб олинади. Шу жиҳатдан қаралганда социалистикодий эҳтиёжлар уч қисмга бўлинади:

1. Моддий эҳтиёжлар;
2. Социал-маънавий эҳтиёжлар;
3. Меҳнат эҳтиёжи.

Моддий эҳтиёжлар азалий, улар инсон пайдо бўлиши билан юзага келган. Улар табиий эҳтиёжлардир. Улардан фарқлироқ, маънавий ва социал эҳтиёжлар азалий бўлмай, жамият тараққийотининг маълум босқичида, аниқроғи цивилизация пайдо бўлиши билан юзага келадилар.

Моддий эҳтиёжлар энг зарур ва ҳаётий бўлиб, озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, транспорт, алоқа, гигиена

эхтиёжларидан иборат бўлади. Уларнинг қондирилиши яшашнинг бирламчи шартидир. Аммо жамият ривожланган сари социал-маънавий эҳтиёжлар ҳам табиий заруриятга айланади. Бу эҳтиёжлар таркибан билим олиш, маданий савияни ошириш, малака-маҳоратга эга бўлиш, соғлом бўлиб, узоқ умр кўриш қабиладан иборат бўлади.

Моддий эҳтиёжлар, албатта, **моддий кўринишга эга.** Масалан, кийиниш эҳтиёжи костюм, пальто, кўйлак, туфли каби моддий шаклга эга. Социал-маънавий эҳтиёжлар асосан хизматлардан (масалан, ўқитувчи, врач, санъат арбоби хизматида) иборат бўлиб, улар маълум фаолият шаклига эга, уларнинг яққол моддий кўриниши йўқ.

Меҳнат эҳтиёжининг мавжудлиги фақат меҳнатсиз нозу-неъматлар яратиб бўлмаслигидан эмас, балки меҳнатсиз инсон ҳаётининг бўлмаслигида, меҳнатсиз инсон шахси камол топа олмаслигидадир. **Меҳнат эҳтиёжи инсонни ўзида мужассамлашган**, унинг моддий шакли йўқ, у ишлашга бўлган иштиёқда ифода этилади. Меҳнат эҳтиёжи инсонда меҳнат қилиш, ижод этиш қобилияти борлигидан келиб чиқади. Инсон меҳнатда ўз ўрнини топиши, ўз қобилиятини ишга солиб элга танилиши керак. Меҳнат эҳтиёжининг ўзи моддий шаклда бўлмаса-да, маълум моддий шарт-шароитни талаб қилади. Меҳнат эҳтиёжи моддий жиҳозланган иш жойи бўлишини билдиради. Эҳтиёжнинг учала тури бир-бирини тақозо этади, улар фақат узвий бирликда социал-иқтисодий эҳтиёжларни билдиради.

Эҳтиёжнинг юзага келиши янги маҳсулот ёки хизматларнинг яратилиши билангина изоҳланмайди. Улар истеъмолга кириб боргандагина эҳтиёж пайдо бўлади. Янгиликнинг зарурлигини аниқлаш истеъмолчининг **маданий савиясига боғлиқ.** Маданий савияси паст кишиларда эҳтиёж юксак бўлмайди. Истеъмолни қондириш учун реал шароит йўқ жойда ҳам эҳтиёж пайдо бўлмайди. Масалан, электрлашмаган хонадон аҳлининг электр асбобларга эҳтиёжи бўлмайди, албатта. Уларда қўл билан ишлатиладиган асбобларга эҳтиёж бўлади. Бу табиий ҳол, чунки маҳсулот ёки хизматдан амалий баҳраманд бўлиш имкони бор ерда эҳтиёж ҳам мавжуд. Ишлатиш мумкин бўлмаган нарсага эҳтиёжнинг йўқлиги ўз-ўзидан тушунарли.

Эҳтиёж яққолашган экан, барчага эҳтиёжнинг ягона ўлчами билан ёндашиб бўлмайди. Ҳар қандай яққа эҳтиёж уч ёқлама хусусиятга эга. Биринчидан, унда умум-

инсоний эҳтиёжлар мавжуд; иккинчидан, унда инсоннинг мулкый, касбий мақоми ёки бошқа ҳолатдан келиб чиққан эҳтиёж бор; учинчидан, унда инсоннинг субъектив ҳиссиётидан, унинг одати ва руҳиятидан келиб чиққан эҳтиёжи бор. Якка эҳтиёжнинг жамиятга боғлиқ эканлигини асосий деб, унинг якка субъектив жиҳатларини ёдан чиқариш нотўғри бўлади.

Мисол учун муайян бир тадбиркорни олайлик. У ҳамма қатори инсон, унинг овқатланишдан иборат эл қатори эҳтиёжи бор. Унинг мулкый мақомига қараб бойлик тўплаш эҳтиёжи ҳам бор. Унинг овқатланиш эҳтиёжига келсак, бу ниҳоят мазали, тўйимли, экологик тоза овқатга бўлган эҳтиёждирки, унинг юзага келишини бой қатламга мансублиги изоҳлайди. Чунки ўз мавқеида бўлиши учун бойлар каби овқатланиши керак. Шу тадбиркор бошқа бойлардан фарқлироқ овқатни маълум турини ёқтириб, уни маъқул кўради. Бу субъектив ҳиссиётдан келиб чиқади.

Эҳтиёжлар кишиларнинг ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, меҳнатнинг тури каби омилларга боғлиқ. Кекса одамларда енгил ҳазми таомга, кўлай кийимга, дори-дармонга, кўпроқ дам олишга, шовқин-суронсиз уйга эҳтиёж кучли. Ёшларнинг эҳтиёжи эса бошқача. Оилавий, болачақали кишиларда болалар кийими, ўйинчоқларга эҳтиёж бўлса, сўққабошларда бундай эҳтиёж йўқ, уларнинг эҳтиёжи шахсан ўзининг яшаш зарурати билан чекланади.

Эҳтиёжга кучли таъсир этувчи омил — бу киши меҳнатининг характериدير. Ақлий ва жисмоний, оддий ва мураккаб меҳнат аҳлининг эҳтиёжи ҳар хил. Оғир жисмоний иш билан банд бўлганларда сарфланган мускул энергиясини тиклаш учун зарур маҳсулот ва хизматларга эҳтиёж бор. Ақлий меҳнат соҳибларида эса ақлий энергия сарфини тиклаш зарурати бор. Оддий фаррош эҳтиёжи тор бўлса, олим эҳтиёжи юқори даражада кенг ривожланган бўлади.

Жамиятнинг умумий эҳтиёжи жамиятда яшаётган кишиларнинг якка эҳтиёжларидан иборат экан умумий эҳтиёжга аҳолининг сони ва таркиби ҳам таъсир қилади. Кейинги 200 йил ичида Ер юзидаги аҳоли сони деярли 5 марта кўпайди. Бу—эҳтиёжга таъсир этмай қолмайди, албатта. Аҳолининг ёш, жинс, маълумот ва касб жиҳатидан таркибига, унинг sanoat, қишлоқ хўжалиги, илм-

маърифат соҳаларида банд бўлишига қараб жамиятдаги умумий эҳтиёжлар ҳар хил миқдорда ва турларда шаклланади.

2. Эҳтиёжларнинг юксалиши

Эҳтиёжларнинг узлуксиз ўзгариб туриши ҳар қандай жамиятга хосдир. Фанда инсон ўзининг эҳтиёжини чексизлиги ва кенгайиб бориши имконияти билан ажралиб туриши аллақачон қайд этилган. Ҳозирги назариячилар ҳам шундай ҳодисани мавжуд деб биладилар. Улар эҳтиёжни чексиз деб қарайдилар.

Эҳтиёжларнинг чексизлиги уларнинг тўхтовсиз янги-ланиб боришидан иборат. Бундай жараён барча социалистикодий тизимларда мавжуд бўлган. Инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб шу кунгача эҳтиёжларнинг ўсиши кузатилади. Эҳтиёжни қондиришга интилиш ҳар доим иқтисодий ўсишни таъминлаб келган. Эҳтиёж ўсишининг тўхташи жамият ҳаётининг тўхташини билдиради. Бу эса мутлақо мумкин эмас, эҳтиёж ўсмаганда эди, ишлаб чиқаришни тараққий эттиришга зарурат бўлмас эди, албатта. Эҳтиёжнинг юксалиш қонуни борки, у умумиқтисодий қонунлар жумласига киради ва жамиятнинг ички тузилишидан қатъи назар инсоният тараққиётининг ҳамма босқичларида амал қилади. Бу қонунга кўра жамият аъзоларининг, бутун аҳолининг эҳтиёжлари узлуксиз юксалиб боради, эҳтиёж миқдоран ўсиб, таркибан янги-ланиб туради, эски эҳтиёжлар ўрнига янгиси келади, эҳтиёжларнинг ривожланиши мураккаб тарзда юз беради. Бир эҳтиёж узоқ вақт сақланса, бошқаси қисқа вақтда йўқолиб кетади. Эски эҳтиёж мутлақо янгиси билан алмашмасдан туриб ривожланиши, такомиллашиб бориши ҳам мумкин. Эҳтиёжнинг трансформацияси — бошқа эҳтиёжга айланиб кетиши билан биргаликда, мутлақо янги, новиз ва ўта юксак эҳтиёж пайдо бўлади. Мазкур қонун ишлаб чиқариш билан эҳтиёж ўртасидаги алоқа-боғланишларни билдиради. Бундай алоқадорлик ҳар доим мавжуд бўлган, ҳозир ҳам мавжуд, бундан кейин ҳам сақланади. Айтилган алоқалар умуминсоний, умумиқтисодий ҳисобланади. Жамиятнинг ички тузуми бу алоқа — боғланишларга таъсир этади. Аммо улар бундан қатъи назар ҳамма ерда-ишлаб чиқариш учун хизмат қилади. Эҳтиёж яратилган маҳсулотлар ва хизматларни истеъмол этиш орқали қондирилади.

Истеъмолсиз эҳтиёж юзага келмайди, чунки фақат истеъмол жараёнида маҳсулот ва хизматларнинг нақадар фойдалиги, яъни эҳтиёжни қондира олиш хусусиятлари амалий синовдан ўтади. Шундан сўнггина янги эҳтиёж тарқалиб, оммавий тус олади. Эҳтиёжни қондириш учун ишлаб чиқариш юритилади. Ўз навбатида ишлаб чиқариш янги эҳтиёжларни юзага келтиради. Уларни қондириш яна ишлаб чиқариш ривожини талаб қилади. Хуллас, ишлаб чиқариш билан эҳтиёж бир-бирини етаклаб ҳар доим олға қараб боради. Ишлаб чиқаришда янги маҳсулотлар ва хизматлар яратилгач, уларга эҳтиёж пайдо бўлади. Агар телевизор яратилмаганда унга эҳтиёж бўлмас эди. Унинг пайдо бўлиши, янги эҳтиёжни, рангли телевизорга эҳтиёжни яратди. Бу эса телевизор ишлаб чиқаришни кенгайтди.

Эҳтиёж даражаси ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда шаклланади. К. Маркс таълимотига кўра ишлаб чиқариш кам ривожланган жойда оддий, чекланган эҳтиёж бўлади, аксинча ишлаб чиқариш етук жамаиятда эҳтиёж ҳам ривожланган бўлади. Масалан, ибтидоий жамаиятда инсон эҳтиёжи фақат овқатланиш билан, аниқроғи ўлиб қолмаслик учун овқат топиб ейишдан иборат бўлган. Ҳозирги эҳтиёж эса ғоят бой, турли-туман, миқдоран каттадир, чунки ҳозирги ишлаб чиқаришни унум жиҳатидан ибтидоий ишлаб чиқариш билан мутлақо солиштириб бўлмайди.

Умумжамаият миқёсидаги эҳтиёжларнинг ривожланиши энг аввал техника тараққиётига боғлиқ. Шу сабабли кўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришда, Ғарб иқтисодчилари анъанавий деб атаган иқтисодиётда эҳтиёжлар секин ривожланган. Иқтисодий қолоқлик шароитида эҳтиёж истеъмол буюмларини тайёр ҳолда табиатда учрашига, уларни чуқур қайта ишламай туриб истеъмолга мослаштириш билан чекланиб қолган. Бу ерда янги материалларни олиш амри-маҳол бўлган. Ривожланган иқтисодиётда табиий ресурслар ҳисоб-китобли бўлса-да, улардан кўплаб истеъмол буюмлари яратиш имкони бор. Шу сабабли табиий ресурслар эҳтиёжни каттиқ чеклай олмайдилар. Машиналашган ишлаб чиқаришга ўтиш билан унинг эҳтиёжга таъсири кучайган. Айниқса, ҳозирги фан-техника революцияси шароитида эҳтиёжнинг тез янгиланиши юз беради. Фан-техника ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши олдин ҳаёлга келмаган янги маҳсулот олиш ва хизмат кўрсатишга имкон беради.

Айниқса, электрониканинг ишлаб чиқаришга кириб келиши мутлақо янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, бинобарин унга эҳтиёжни юзага келтиради. Эҳтиёжнинг юксалиш шиддатини фан-техника тараққиёти белгилаши турган гап.

Аҳоли сонининг ўсиши, унинг таркибидаги ўзгаришлар, малакали меҳнат билан банд бўлганларнинг кўпайиши ҳам эҳтиёжга таъсир этувчи омил ҳисобланади. Ниҳоят, давлатлар, миллатлар, элатлар, минтақалар ўртасидаги алоқалар, айниқса, маҳсулот ва ахборот айирбошлаш янги эҳтиёжнинг тарқалишига олиб келади. Дастлаб тор доира билан чекланган эҳтиёж оммавий тус олади.

Қолоқ ишлаб чиқариш шароитида эҳтиёжнинг янгиланиши суст боради. Унга монанд равишда ахборот ривожланмаганлигидан, айирбошлаш сустлигидан янги эҳтиёж пайдо бўлса-да, у дарҳол маълум ҳудуд доирасидан чиқиб, оммавий тус олаолмайди. Ўзгалар янгилликдан тез хабар топа олмайдилар, натижада бир ердаги эҳтиёж бошқа ерга тез кўча олмайди. Машиналашган ишлаб чиқаришда бундай тўсиқлар барҳам топади. Аммо бу ерда ҳам ишлаб чиқариш юзага келтирган янги эҳтиёж ўз-ўзидан истеъмолчига етиб келмайди. Бу, албатта, ахборот орқали амалга ошади. Ахборот маҳсулот ёки хизматларнинг эҳтиёжбонлиги ҳақидаги ҳолисона маълумот бўлади, у янги эҳтиёжнинг шаклланишида фаол қатнашади. Масалан, «Бурда моден» журналининг кенг тарқалиши туфайли истеъмолчилар янгилликлардан хабар топдилар ва бу янги эҳтиёжнинг юзага чиқишига кўмаклашди. Бундан Ўзбекистон ҳам истисно эмас.

Эҳтиёжлар занжирли реакция сингари бир-бирини тақозо этади. Бир эҳтиёж ўз кетидан бошқа эҳтиёжни чақиради. Тузилиши мураккаб ва истеъмоли малака талаб қилувчи маҳсулотларга бўлган эҳтиёж кетидан, уларнинг ишлатилиши билан боғлиқ эҳтиёжлар келиб чиқади. Масалан, автомобилга эҳтиёж кетидан уни гаражда сақлаш, таъмирлаш, техникавий хизматдан ўтказиш, ёнилғи билан таъминлаш, уни бошқаришни ўрганиш эҳтиёжи келиб чиқади.

Бундай боғланиш, айниқса, ҳозирги фан-техника революцияси яратган эҳтиёжларга хосдир.

Ишлаб чиқариш байналмилал тус олан сари эҳтиёж ҳам шундай қиёфа юла боради. Эҳтиёжнинг ишлаб чиқаришга боғлиқлиги халқаро миқёсда ифода этилади. Бир

мамлакатда пайдо бўлган эҳтиёж бошқаларига тарқалиб, халқаро характерга эга бўлади. Компьютер АҚШда пайдо бўлган, лекин тез орада унга эҳтиёж байналмилал миқёсда тарқалди. Эҳтиёжнинг бир ердан бошқа жойларга тарқалиши намойишкорона истеъмол билан боғлиқ. Бир ердаги маҳсулотни истеъмол этиш самараси ахборот орқали бошқа ергача етиб бориб, шу маҳсулотга эҳтиёж туғдиради.

Ривожланган жамиятда эҳтиёжнинг миллий хусусиятлари қисқарган ҳолда унинг миллатлараро, байналмилал белгилари ривож топади. Бу турли халқларнинг бири-бирига кўрсатган таъсири натижасидир. Масалан, костюм Европада пайдо бўлган, лекин унга эҳтиёж умуминсоний тус олган, у ер юзидаги ҳамма миллат ва элатларнинг кийимига айланган.

Эҳтиёжнинг юксалиши силлиқ бормади, чунки бунга тўсқинлик қилувчи омиллар бор. Улардан бири ишлаб чиқариш ҳолати, биз уни кўриб чиқдик, иккинчиси жамиятдаги муносабатлардир. Эҳтиёжнинг юксалишидаги чегаралар жамиятнинг социал структураси (тизими)га боғлиқ. Агар аҳоли бир қатламнинг истеъмоли чекланса, бошқасиники эса эркин кенгайиб борса, бу эҳтиёжнинг юксалишига таъсир этади. Аҳолининг турли тоифаларига нисбатан эҳтиёж нотекис ўсади. Эҳтиёжи ҳар хил ўсаётган қатламларнинг нисбатига қараб, жамиятдаги умумий эҳтиёж ўзгаради. *

Аҳолининг бой қатлами қўлида катта даромад жамланган ҳолда, кўпчилик аҳоли камбағал бўлганда, биринчи тоифада юксак эҳтиёж бўлса, иккинчи тоифа эҳтиёжи чекланиб қолади. Бунда янги эҳтиёжлар аҳолининг кичик доираси билан чекланиб, улар оммавий тус олмай қолади. Бундай жамиятда бутун аҳолининг эҳтиёжи учун кетадиган маҳсулотларнинг бир қисми ишлаб чиқаришни ўстиришга ва олий мартабали қатламнинг ўсиб бораётган шахсий эҳтиёжини қондиришга юборилади. Аҳоли истеъмоли чекланган жамиятда эҳтиёжлар тез юксалмайди. Мана шундай ҳодиса эксплуатация бор жамиятга ҳосдир. Аммо бу ҳолат эҳтиёжларнинг ўсмай тўхтаб қолиши эмас, бу фақат уларнинг юксалиши тезлигига таъсир этади. Эксплуататор жамиятдан моддий тўкинчилик ва оммавий фаровонлик мавжуд бўлган инсонпарвар демократик жамиятга ўтилиши муносабати билан эҳтиёж йўлида чекланишлар минимал ҳолга келтирилади. Шу

сабабли ҳозирги ривожланган мамлакатларда эҳтиёжнинг шиддат билан ўсиб, янгиланиши юз бермоқда.

Эҳтиёжлар юксалишининг тўрт жиҳати бор:

1. Эҳтиёж кенгайиб **миқдоран ўсиб боради**, яъни муайян эҳтиёж сақланган ҳолда унинг орғиб бориши. Масалан, газламага эҳтиёж бошқа эҳтиёж билан ўрин алмашмайди, аммо унинг миқдори ошади. Масалан, ҳозир газлама эҳтиёжи 1 млрд. м² бўлса, кейинчалик 3 млрд. м² га етади.

2. **Мутлақо янги эҳтиёжлар** пайдо бўлиб, эскиларини суриб қўяди, эҳтиёжнинг ички таркиби — структураси ўзгаради. Масалан, телевидение ва видеоаппаратура пайдо бўлиши билан уйда хоҳлаган томоша кўриш эҳтиёжи пайдо бўлиб, театр ёки кинога бориш эҳтиёжи қисқаради. Бунда янги бир эҳтиёж оммавий бўлиб, эскиси. айрим тоифанинг танланган эҳтиёжига айланади.

3. Муайян эҳтиёжлар гуруҳи доирасида турли **эҳтиёжлар нисбати** ўзгаради. Бунда эҳтиёж умумий тарзда сақланади, лекин унинг аниқ кўринишлари ва шакллари ўзгаради. Масалан, умуман транспорт эҳтиёжи сақланган ҳолда, транспортнинг аниқ турларига эҳтиёж ўзгаради. Темир йўл транспорти ўрнига ҳаво транспортига, сув транспорти ўрнига автомобиль транспортига устивор эҳтиёж пайдо бўлади. Унинг замирида транспортнинг қулайлиги туради.

4. Бир эҳтиёжнинг иккинчиси билан **алмаштирилиши**. Бундай алмашув **ўринбосар** эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши билан юзага келади ва бундай эҳтиёжлар юксак ривожланган иқтисодиётга хос. Эҳтиёжларни қондириш имкони кенг шароитларда улар бир-бирининг ўрнини боса олади. Ўринбосарлик маҳсулотларнинг сифатига, нархига ва истеъмол учун қулайлигига боғлиқ. Масалан, пакар, қанд, конфет, торт, новвот ширинликка эҳтиёжни қондиради, аммо бир-бирининг ўрнини босиши уларнинг фойдалигидан келиб чиқади.

Эҳтиёжнинг юксалишида ундаги **структура силжишлари** муҳим аҳамиятга эга, чунки бу иқтисодий ривожланиш аломатидир. Эҳтиёждаги структура ўзгаришларига хос қонуният — бу саноат маҳсулотларига, фан-техника ривожига яратган янги маҳсулотларга ва, ниҳоят, турли хизматларга бўлган эҳтиёжнинг жадал ўсишидир. Ўсиш эҳтиёжлар таркибини тубдан янгилайди. Эҳтиёжлар янгиланиш жиҳатидан чексиз, шу сабабли улардаги миқ-

дорий ўзгаришларни илғаб олиш ва ҳисоблаб чиқиш мушкул ҳисобланади.

Шундай эҳтиёжлар борки, уларнинг юксалишини ўлчаб бўлмайди. Масалан, кишиларда билимга, савияни оширишга бўлган эҳтиёж. Аммо айрим моддий эҳтиёжларни чамалаб кўриш мумкин. Овқатланиш эҳтиёжининг физиологик чегараси борлиги сабабли унинг доирасида зарур озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорини аниқлаш мумкин. Уни физиологик овқатланиш норма (меъёр)лари белгилайди. Бу нормага кўра ўртача ҳар бир кишининг йиллик овқатланиши учун қанча пўшт, сут-қатиқ, сабзавот, шакар, мева-чева, ун ва ундай олинган маҳсулотлар кетиши аниқланади. Мазкур норма инсоннинг тетик, соғлом яшashi учун зарур миқдорни белгилайди. Шунингдек, тирикчилик қийматини ҳам ҳисоблаб кўриш мумкин. Бунда тирикчилик учун зарур маҳсулотлар ва хизматлар миқдори белгиланиб, у пулга қақилади, натижада тирикчилик учун йилга ёки ойга қанча сўмлик неъматлар кераклиги аниқланади. Айтилган ҳисоб-китоблар хом чўт бўлиб, тахминий миқдорни билдиради, улар фақат мўлжал бўлиб хизмат қилади, лекин эҳтиёжнинг ҳақиқий ҳажминини ифодаламайди.

Эҳтиёжни ўлчаб бир қолишга солиш, ҳамма эҳтиёжни тенглаштириб, бир андоза билан бичишга интилиш ўринсиздир. Бундай интилишлар собиқ СССР да мавжуд эди, лекин амалий натижа бермаган. Эҳтиёжни аниқ ўлчаб бўлмайди, чунки у ўта ўзгарувчандир.

3. Эҳтиёжларни қондириш воситалари ва усуллари

Юксалиб бораётган эҳтиёжларни қондиришнинг бирдан-бир воситаси ишлаб чиқаришдир. Амма маҳсулот ва хизматларни яратишнинг ўзи ҳали эҳтиёж қондирилганини билдирмайди. Яратилган моддий ва номоддий неъматлар истеъмолга етиб боргандагина бунга эришилади. Яратилган маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари истеъмол этишлари шарт эмас, бу кўп ҳолларда юз бермайди ҳам. Шу сабабли улар айирбошлаш орқали истеъмолга келиб тушади, яъни истеъмолчиларга керакли маҳсулотлар айирбошланиб, эҳтиёж қондирилади.

Эҳтиёж юксалар экан уни қондириш воситалари ҳам ривожланади. Гап шундаки, эҳтиёжлар чексиз ўзгаргани

Ҳолда уни таъминлаш учун керак бўлган ишлаб чиқариш ресурслари (табiiй ресурслар, меҳнат ресурслари, техника ва технология) чекланган бўлади. Буни Ғарбдаги иқтисодчилар **ресурсларнинг камёблиги** деб аташади. Эҳтиёж ва ресурсларнинг номутаносиблиги, бирининг чексизлиги ва иккинчисининг камёблиги ишлаб чиқариш имкониятларидан тўла ва самарали фойдаланишни талаб қилади.

Ресурслар деганда **пулни тушуниш нотўғри**. Ресурслар, биринчидан, моддий шаклга эга бўлиб, ер-сув, ер ости ва ер усти бойликлари, асбоб-ускуна, машина-механизмлар, био-иншоотлар ва бошқалардан, иккинчидан, инсон ресурслари ёки меҳнат ресурсларидан, аниқроғи кишиларни меҳнат қилиб ишлаб чиқара олиш қобилиятидан, ишбилармон бўлиш, хўжалик фаолиятини бошқара билиш қобилиятидан иборат бўлади.

Ер қурраси ва қаъридаги табiiй бойликлар — экин майдони, ўрмонлар, қазилма бойликлар, умуман ўсимлик ва ҳайвонот дунёси миқдоран чекланган. Масалан, Марказий Осиёдаги сугорма деҳқончилиқ Амударё ва Сирдарёнинг сув захираси билан чекланган. Ишга яроқли аҳоли ҳам чекланган. Айниқса, аҳолининг ўсиш суръатлари пасайган шароитда, аҳоли қарийди, унинг таркибидан ишга лаёқатли кишилар салмоғи қисқаради. Меҳнат қуролларини (асбоб-ускуна машина ва ҳ. к.) миқдоран кўпайтириш имкони ҳам маълум чегарада бўлади. Агар жамият уларни кўп ишлаб чиқарса, аҳоли учун тирикчилик воситалари, истеъмол буюмлари етишмай қолади, натижада меҳнат ёки инсон ресурсидан фойдаланиб бўлмайди.

Тўхтовсиз юксалиб борадиган эҳтиёжни қондириш учун камёб ресурслар оқилона ишлатилиши шарт. Шу сабабли ҳатто ибтидоий жамиятдаги кишилар ерни чириндилар ва кул билан ўғитлаб, ҳосилдорликни оширишга интилганлар. Ишлатилиши осон ресурсларни кўп пайтларда ишлаб чиқариш унуми паст бўлади. Ақсинча, ресурслар камёблашган сари, улардан тўлароқ фойдаланиш натижасида иш унуми кўтарилади. Бинобарин, **ҳар доим чекланган ресурсларни тежамли ишлатиш чексиз эҳтиёжларни қондириш воситаси бўлиб келган**. Аммо ресурслардан самарали фойдаланиш даражаси уларнинг камёблик даражасига тескари мутаносиб бўлди. Ресурслар қисқарган сари улардан тўлароқ фойдаланиш зарурати келиб чиқади.

Юксалаётган эҳтиёжнинг уни қондириш воситаси билан алоқаси икки ёқлама бўлади:

1. Эҳтиёжнинг миқдоран ортиб бориши ресурс бирлигидан кўпроқ истеъмол буюмлари олишни талаб қилади. Масалан, 1 тонна металдан кўпроқ бир хил уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқарилади.


2. Эҳтиёж таркибининг янгилалиши ресурс бирлигидан кўп хилдаги маҳсулот олишни талаб қилади. Масалан, 1 тонна металдан 10 хил эмас, 25 хил уй-рўзгор буюмлари олинади.

Жамият ўзининг ишлаб чиқариш имкониятларини эҳтиёжга монанд равишда ривожлантириб бориши шарт. Акс ҳолда кўпгина эҳтиёжлар қондирилмайди. Бу имкониятлар кенгайиши учун янги техника-технология жорий этилиши ва шунга мувофиқ равишда ишловчиларнинг малакаси, билими ва маҳоратининг ортиб бориши талаб қилинади. Натижада инсон фаолиятига боғлиқ ресурсларнинг самараси ошади. Ўз навбатида бу ҳол табиатнинг ўзи чеклаб қўйган ресурсларни самарали ишлатиш имконини беради. Масалан, нефть захиралари табиатан чекланган, ammo янги технология жорий этилса, 1 тонна нефтдан олиннадиган фойдали маҳсулотлар кўпайиб, эҳтиёж тўлароқ қондирилади.

Эҳтиёжлар тез ўзгаргани сабабли муайян ресурслар шароитида уларнинг ҳаммасини бирдан қондириб бўлмайди. Бир эҳтиёжнинг тўла қондирилиши бончасининг чала қондирилишини ва тўла қондиришни кечиктириб, бунинг учун моддий шароит ҳозирлашни билдиради. Ишлаб чиқариш ресурсларининг чекланганлиги эҳтиёжларнинг бирин-кетин, босқичма-босқич қондириб борилишини билдиради, чунки уларнинг барчасини бир вақтда бажариш имкони бўлмайди. Шу сабабли жамият **муқобил маҳсулотлардан** қайси бирини ишлаб чиқаришни таллаб олади. Ресурслар чекланганидан бир маҳсулотни кўпайтириш иккинчисини камайтиради, чунки кўшимча маҳсулот кўшимча ресурс талаб қилади. Масалан, сут ишлаб чиқариш ҳисобидан кўпайтирилса, сут олиш учун ем керак, ем донни талаб қилади, бинобарин нон учун ун етишмайди. Сутни қайта ишлаш машиналари учун металл кўпроқ керак бўлади, бу эса шон машиналарига зарур металлни ҳам қисқартиради. Худди шунингдек, ёнилги ва энергия ҳам шон ишлаб чиқаришдан олиниб, сут ишлаб чиқаришга юборилади.

Ресурснинг бир маҳсулот учун кўп сарфланиши, уни

бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришдан кўпроқ ажратиб олишни талаб қилади. Гап шундаки, ҳар хил маҳсулотда бир хил ресурс сарфи турлича бўлади. Масалан, 1 тонна нон учун 700 кг дон керак дейлик. 1 тонна сут учун эса 1200 кг дон керак бўлади. Сутни тобора кўпроқ ишлаб чиқариш учун бундан ҳам кўпроқ нон ишлаб чиқаришдан воз кечиш керак. Айтилган боғланишларни қуйидаги эгри чизиқли графикда кўриш мумкин (1-рasm).



1-рasm

Эгри чизиқдан маълумки, 1 тоннадан сут ва нон учун бир хил ресурс, яъни дон керак. Сутни 2, 3, 4 тонна олиш учун 3,6 ва 10 тонна нон ишлаб чиқаришдан воз кечишга тўғри келади. Бунга сабаб шуки, нон ва сутга ҳар хил миқдорда ресурс талаб қилинади. Шу сабабли 3 тонна сут олиш учун 6 тонна нонга кетадиган ресурсни олиш керак, чунки нонга кетган ресурсларнинг бир қисми сутга яраса, бошқаси ярамайди. Масалан, нон ишлаб чиқаришдан ажратиб олинган дон, сут олишга зарур бўлган ем бўлади, лекин ҳар тонна сут олишда дон кўпроқ керак бўлади (Мисолимизда 700 кг ва 1200 кг дон). Сут ишлаб чиқаришда нон ишлаб чиқаришдан ажратиб олинган

энергия ва ёқилги ярайдди. Аммо иш кучи ва машина ярамайди. Чунки ишчиларни касбий малакаси ҳар хил, технология мутлақо фарқланади. Хулоса қилсақ, чегараланган ресурслар доирасида ҳамма эҳтиёжларни бир вақтнинг ўзида, бир йўла қондириб бўлмаганидан ишлаб чиқариш имконига қараб, у ёки бу эҳтиёжларни қондиришнинг оптимал (мумкин бўлган ва энг қулай) даражасини танлаб олиш керак бўлади. Агар шундай қилинмай, бир эҳтиёжни қондириш учун бошқа ресурслар сафарбар этилаверса, бошқа эҳтиёжлар умуман қондирилмайди ёки чала қондирилади. Бунинг устига ресурсларнинг бир қисми яроқли бўлмаганидан нес-нобуд бўлиб, жамият зарар кўради. Агар электроника маҳсулотини фақат космик тадқиқотларга йўллавса, авиация, телевидение, алоқа, автоматика воситалари ва ЭҲМ ишлаб чиқариш ривожланмай кўпгина эҳтиёжлар қондирилмайди.

Муайян миқдордаги бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун воз кечилиши зарур бўлган бошқа маҳсулот миқдори биринчи маҳсулот зиммасига тушган ишлаб чиқариш харажатлари деб юритилади.

Зиммасига тушган харажатлар ортиб боришга мойил бўлади. Уларни камайтириш эҳтиёжни қондириш омили ҳисобланади, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш дегадда турли маҳсулотларни бир маромда ишлаб чиқариш, ресурсларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик, жамияти эҳтиёжларни бирин-кетин қондиришга эришишни тушунмоқ лозим.

Эҳтиёжнинг узлуксиз юксалиши иқтисодий ўсишнинг тўхтовсиз боришини талаб қилади. Эҳтиёжни тўлароқ қондириш учун иқтисодий ўсиш юксак самарали бўлмоғи зарур. Ресурслар сарфининг бирлигидан олинган натижа кўпайса, эҳтиёж яхши қониқади ва аксича. Ресурсларнинг тежалиши улар сарфининг яратилган маҳсулотлар ва хизматлар бирлигига нисбатан қисқариши демақдир.

Ишлаб чиқариш ривожланган жойда эҳтиёж ҳам яхши қондирилади. Уни истеъмол ҳажми ишлаб чиқаришга боғлиқ эканлигидан кўриш мумкин (1-жадвалга қаранг).

**Турли мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол
(доллар ҳисобида)**

Мамлакатлар	Аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш		Аҳоли жон бошига истеъмол	
	1980	1991	1980	1991
АҚШ	17 775	22 175	13 000	16 380
Россия	9 200	6 575	4 700	3 600
Бразилия	4 850	5 000	3 400	3 000
Куба	1 650	1 800	1 165	1 275
Гаити	1 050	850	935	750

Эҳтиёжнинг қондирилиши самарали ишлаб чиқариш билангина чекланмайди. Бунинг учун иқтисоднинг бошқа жиҳатларида тақсимот ва айирбошлаш ҳам яхши йўлга қўйилиши керак. Агар яратилган маҳсулотлар ва хизматлар тақсимланганда улар аҳолининг бир қисмига фоят кўп, бошқасига кам тегса, фақат айрим тоифаларнинг эҳтиёжи тўла-тўқис қондирилади, кўпчилик эҳтиёжи эса ярим йўлда қолиб, энг зарур тирикчилик воситалари билан чекланади.

Демак, эҳтиёжнинг қондирилиши ҳаётий неъматлар тақсимланиши орқали истеъмолчига керакли миқдорда ва таркибда етиб боришига ҳам боғлиқ.

Иқтисодиёт ривожланган сари истеъмол неъматлари кўпаяди, уларнинг тақсимоти ҳам тобора кўпчилик манфаатини ҳисобга олади. Ҳозирги ривожланган мамлакатлар иқтисодига хос нарса айрим тоифани эмас, балки кенг омма эҳтиёжини тобора тўла қондирилишидир.

Эҳтиёжни қондириш усуллари ҳам ўзгариб боради. Тарихан шу даврга қадар шахсий эҳтиёжни қондиришнинг икки усули мавжуд: 1) эҳтиёжни **натурал истеъмол** орқали қондириш; 2) эҳтиёжни **товар истеъмоли** орқали қондириш. Биринчи усул яратилган маҳсулотни ишлаб чиқарилган жойнинг ўзида, унинг эгалари томонидан бевосита истеъмол этилишидир. Масалан, етиштирилган дон деҳқон хўжалигининг ўзида ўз эҳтиёжи учун, хусусан емга, уруғликка ва ишловчиларнинг истеъмолига сарф бўлади. Эҳтиёжнинг бундай усул билан қондирилиши қолақ иқтисодиётга, хусусан, натурал иқтисодиётга хос.

Бу усулни бозор иқтисодиёти инкор этади. Бозор иқтисодиёти шароитларида эҳтиёжлар товарларни сотиб олиш орқали қондирилади.

Бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш ихтисослашган бўлиб, яратилган маҳсулотлар ўзгалар эҳтиёжини мўлжаллайди ва шу сабабли бозорга чиқади. Бозорда маҳсулот сотилиб, унинг ўрнига керакли маҳсулот олиниб истеъмол қилинади. Олдинги мисолга қайтсак, деҳқон хўжалиги ўз домини сотиб, ўрнига тайёр омихта ем, сараланган уруғлик ва истеъмоли учун тайёр нон сотиб олади. Бу усул эҳтиёжни товар истеъмоли орқали қондирилишни билдиради.

Одатда маҳсулотларнинг яратилиши ва эҳтиёжларнинг қондирилиши бир вақтнинг ўзида юз бермайди, чунки истеъмол ишлаб чиқаришдан сўнг келади. Аммо шундай хизматлар борки, уларнинг яратилиши айни вақтнинг ўзида эҳтиёж қондирилишини билдиради. Масалан, билим олиш ва даволаниш хизматларини олсак, муаллимнинг ўқитишдан иборат хизмати синфнинг ўзида ўқувчилар томонидан истеъмол этилади. Шифокорнинг беморга кўрсатган хизмати шу заҳотиёқ унинг даволаниш эҳтиёжини қондиради.

Эҳтиёжлар якка тарзда ва биргаликда қондирилиши мумкин. Бу эҳтиёжнинг характери ва уни қондирувчи буюмлар хусусиятига боғлиқ. Шундай буюмлар ва хизматлар борки, улардан фақат биргаликда фойдаланиш мумкин. Масалан, автомобиль ёки қайиқдан якка тартибда фойдаланиш учун албатта дарё, денгиз ёки автомобиль йўлидан биргаликда баҳраманд бўлиш керак. Чунки, уларни ҳар кишига тақсимлаб бериб бўлмайди. Спорт ўйинлари ва ҳар хил томошаларни биргаликда кўриш орқали эҳтиёж қондирилади.

Эҳтиёжларнинг нақадар қондирилиб боришини турмуш даражаси ифода этади. Турмуш даражаси — аҳоли эҳтиёжларининг қондирилиши меъеридир. У, биринчидан, эҳтиёжнинг юксалишини, иккинчидан, ишлаб чиқариш уни қондиришга қанчалик қодир эканлигини билдиради. Оқилона эҳтиёжларнинг тобора тўлароқ қондирилиши узоқ умр кўриш гаровидир. Бунинг учун албатта ҳар хил маҳсулотлар ва хизматларга бўлган эҳтиёж қондирилиши билан бирга соғлом турмуш тарзи, соғлом экологик муҳит ҳам талаб қилинади. Юксак ривожланган мамлакатларда одамларнинг узоқ умр кўриши ва қоқоқ мамлакатларда, айниқса, Африка мамлакатларида, умрнинг нисбатан қис-

қа бўлиши эҳтиёжларнинг ҳар хил даражада қондирилиши билан боғлиқдир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Эҳтиёжнинг қандай турлари мавжуд?
2. Нима сабабдан эҳтиёжлар яққалашган бўлади?
3. Эҳтиёжга қандай омиллар таъсир этади?
4. Эҳтиёжларнинг юксалиш қонуни нималарни тақозо этади?
5. Ишлаб чиқариш билан эҳтиёж қандай алоқада бўлади?
6. Эҳтиёжларнинг ўсиши қайси йўналишларда боради?
7. Ўзбекистон аҳолисининг 44 фоизи болалардан иборат, аҳолининг 60 фоизи қишлоқ жойларда яшайди, асосан деҳқончилик билан шуғулланади, ўртача оила 5-6 кишидан иборат, мулоҳаза қилиб кўринг: айтилганлар Ўзбекистондаги эҳтиёжларга қандай таъсир этади ва уларга қандай хусусиятлар беради?
8. Эҳтиёжлар билан ишлаб чиқариш ресурсларининг зиддиятлиги нимада?
9. Эҳтиёжларни қондириш воситалари ва усуллари нима билан фарқланади?
10. Нима сабабдан зиммага тушган харажатлар пайдо бўлади?

III БОБ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УНИНГ ЯИГИЛАНИШИ

1. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг бирикиши

Жамият фаолиятининг ўта муҳим жиҳати — бу ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ресурслар ишлатилади, маҳсулотлар ва хизматлардан иборат ҳаётий неъматлар яратилади. Ишлаб чиқариш юз бериши учун унинг омиллари ҳаракатга келиши шарт. Иқтисодий назарияда бу омиллар турлича талқин этилади. Француз иқтисодчиси Ж. Б. Сей ишлаб чиқаришнинг уч омили назариясини асослаб, уларга ер, капитал ва меҳнатни киритган, уларнинг ўзаро таъсири ишлаб чиқариш эканлигини қайд этган. К. Маркс таълимоти ҳам

ишлаб чиқаришнинг уч омили борлигидан келиб чиқади, лекин уларни иш кучи, меҳнат предметлари ва меҳнат воситалари деб атайти. Ҳозирги Фарб мамлакатларида йирик иқтисодчилар **иқтисодий ресурс** деган тушунчани олга суриб, уларга ер, капитал, меҳнат ва нихоят тадбиркорлик қобилиятини киритадилар.¹ демак, тўртинчи омил ҳам мавжуд деб ҳисоблайдилар. Турли назария намояндлари ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлигидан келиб чиқадилар, лекин уларга талқин беришда ҳар хил жиҳатларни асос қилиб оладилар. Марксизм таълимотида мазкур омилларнинг социал шаклига қатта эътибор берилади, яъни уларнинг эксплуатация воситаси бўлиши ёки бўлмаслиги эътиборга олинади. Бошқа таълимотларда омилларнинг умуман ишлаб чиқаришдаги ўрни баҳоланиб, уларнинг социал шакли назарга олинмайди. Мана шу жиҳат умуминсоний, уни марксизм ҳам инкор этмаган. К. Маркс қайд этганки, ишлаб чиқариш қандай ижтимоий шаклда бўлмасин, барибир ишчилар ва ишлаб чиқариш воситалари унинг омиллари бўлиб қолаверади.² Ишлаб чиқаришнинг умуминсоний фаолият деб қаралиши унинг шахсий-инсоний ва моддий-ашёвий омиллари борлигини айтиб ўтиш керак. **Шахсий-инсоний** омил деганда иш кучини, унинг амал қилиш натижаси бўлган меҳнати тушуниш керак. Иш кучи — бу инсоннинг меҳнат қилишга қаратилган жисмоний ва ақлий қобилиятидир. Бу қобилият соҳиби ҳар бир меҳнатга лаёқатли кишидир. Мазкур қобилиятни амалда ишлатиш меҳнат юз берганини билдиради. Жамиятдаги меҳнатга қобилиятли кишилар унинг ресурсларини ташкил этади, унинг таркибига меҳнат ёшидаги (16—65 ёшдаги) кишилар киради. Иш кучини фақат жисмоний куч билан чеклаб бўлмайди. Иш кучи соҳиблари билим, малака, маҳорат ва иш тажрибасининг ҳам соҳиблари бўладилар. Шундагина улар ишлаб чиқаришдаги маҳсулот ва хизматларни яратувчи куч бўла оладилар. Иш кучининг миқдорий ва сифатий ўлчами бор. Миқдоран олганда бу ишлай оладиган кишиларнинг сони. Сифат жиҳатидан — бу ишловчиларнинг малака-маҳорати, билими-тажрибасидир. Жамиятнинг қанча ноз-неъматлар ярата олиши мана шу икки жиҳатга боғлиқдир. Иш кучи шундайки, уни инсондан ажратиб бўлмайди, у моддий шаклга ҳам эга эмас, яъни

¹ Ремпбелл Р. Макконелл, Стенли Брю. «Экономикс», 37-бет.

² К. Маркс «Капитал» 1-том, 217-бет.

инсоннинг ўзидаги қобилият. Шу сабабли уни ишлаб чиқаришнинг инсон омили деб ҳам аташади. Иш кучи ишлаб чиқаришнинг бирламчи омили ҳисобланади, чунки инсон меҳнатсиз, унинг ижодисиз энг мукаммал машиналар бўлганда ҳам, тирикчилик буюмларини яратиб бўлмайди. Инсон жамиятнинг олий ишлаб чиқарувчисидир. Аммо ишлаб чиқариш учун моддий шарт-шароит ҳам талаб қилинади. Шу сабабли ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омиллари ҳам борки, уларга табиий бойликлар, яратилган ашёлар (меҳнат предметлари) ва ниҳоят меҳнат воситалари-қуроллари киради. Ишлаб чиқариш ҳар доим табиатга таянган. Ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмонлар ва бошқалар унга материаллар етказиб беради, унинг учун моддий шароит вазифасини ўтаган. Табиат инъоми бўлган нарсалар қайта ишланиб, улардан керакли маҳсулот олинади. Табиатда учрайдиган материаллар ундириб олишгач ва дастлабки ишловдан ўтгач, хом ашёга айланади. Табиий хоссаларидан фойдаланган ҳолда улар маҳсулотга айлантирилади. Табиий ресурслар қишлоқ ҳўжалиги, ундирма саноат учун ўта аҳамиятли. Ерсиз деҳқончиликни тасаввур этиб бўлмайди, ўрмонсиз ёвоч саноати, сувсиз балиқчилик бўлиши мумкин эмас. Қурюқчилик минтақаларида, масалан, Марказий Осиёда, сув ер каби деҳқончилик учун асосий восита родини ўтайди. Табиат қанчалик бой бўлмасин, барибир, бу бойликни меҳнатсиз ишлаб чиқаришга жалб этиб бўлмайди. Таниқли инглиз иқтисодчиси У. Петти ўтган асрдаёқ «бойликнинг отаси меҳнат, онаси ер» деб айтган. Меҳнат жараёни — бу ишлаб чиқаришдир. Меҳнат инсон билан табиат ўртасидаги муносабатни билдиради. Меҳнат орқали табиатдаги нарсалар инсон эҳтиёжига мослаштирилади. Меҳнат билан табиатни бойлик манбаи сифатидаги аҳамияти бир хил эмас. Бир мамлакат ишлаб чиқариши у ердаги табиий бойликка таянса, бошқасиники асосан меҳнатга таянади. Масалан, Қувайт, Саудия Арабистонининг иқтисодий гуллаб-яшнашига асосий ҳисса қўшган омил улар табиатининг нефтьга бой бўлишидир. Аксинча, табиий ресурслар камёб бўлган Япония, Корея Республикаси иқтисодий ривожининг асосий омили меҳнат, аниқроғи интеллектуал меҳнат, яъни шахсий-инсоний омил бўлди. Табиий ресурсларнинг турли мамлакатлар учун аҳамияти уларни оз ёки кўп бўлишидадир. Бундан қатъи назар табиий ресурсларни ишлатилиши меҳнат воситаларига, уларнинг қўллаш усулининг мукамаллигига


боғлиқдир. Ер қаърида чуқур жойлашган нефть қазиб олиш техникаси бўлгандагина ишлаб чиқаришда қатнашади.

Бошқа мисол, муайян мамлакат олтин конларидаги олтин ўта қаттиқ тоғ жинсларига жойлашган ва ўта кам миқдорда учрайди, гоъят тоза ажратиб олиш технологиясини келтириб ишлатилганган сўнг бу—олтин ишлаб чиқариш омилига айланади.

Бу мисоллар меҳнат қуролларининг ҳолати, ишлаб чиқариш жараёни учун нақадар муҳимлигидан далолат беради. Меҳнат воситалари ишлаб чиқариш омили сифатида икки хил бўлади: 1. **Меҳнат қуроллари**, унга қўл меҳнати қуроллари, машина, механизм, ускуна, ўлчаш асбоблари, ҳисоблаш ва алоқа машиналари кабилар киради. 2. **Меҳнат шароити воситалари**, унга ҳар хил биволар, иншоотлар, ёрдамчи қурилмалар, йўллар, сув омборлари, каналлар киради.

Меҳнат қуроллари инсон билан меҳнат предметлари ўртасида туради. Ҳеч қачон меҳнат беш панжанинг ўзи билан бажарилмаган. Иш кучи қуролларини ҳаракатга келтириб, улар воситасида меҳнат предметларига ишлов бериш орқали маҳсулот яратилади. Меҳнат воситалари таркибида турли унсурларнинг аҳамияти ўзгариб туради. Қўл меҳнатига таянган ишлаб чиқаришда инсоннинг ва иш ҳайвонининг мускул энергияси — кучи бирламчи бўлган. Машиналашган ишлаб чиқаришда табиат кучларини жиловлаш орқали олинган энергиянинг масалаи, электр энергияси, иссиқлик энергиясининг аҳамияти беқиёс ортади. Биринчидан, электр энергия машиналарни ҳаракатга келтирувчи куч, иккинчидан эса, унинг ўзи ашёларни қайта ишлашда меҳнат қуроли сингари қатнашади. Мураккаб машиналар системасига таянган ишлаб чиқаришда ахборот унинг омилига айланади. Ахборот машиналар системасини ЭХМ ёрдамида бошқариш учун хизмат қилади. Ҳозирги робототехникани ахборотсиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки у ЭХМсиз ишлаши мумкин эмас. Хулоса қилсак, ишлаб чиқариш омиллари маълум тизимни ташкил этади, улар ҳар хил унсурлардан иборат, бу унсурлар бажарадиган вазифалар бир хил эмас. Улар бажарадиган вазифалар бир-бирига мослашган шароитда ишлаб чиқариш содир бўлади. Моддий-ашёвий омиллар шахсий-инсоний омил билан бириккан тақдирдагина ишлаб чиқариш юз беради, ҳаётий неъматлар яратиладики, улар биринчидан, моддий маҳсулотлардан,

иккинчидан ҳар хил хизматлардан иборат бўлади (2-расм).



2-расм.

Ишлаб чиқариш нозматларининг яратилиши, уларнинг пировард қандай мақсадга ишлатилишига қараб икки қисмга бўлинади:

1. **Моддий ишлаб чиқариш** — моддий шаклдаги маҳсулотларни, масалан, озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой ва бошқаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хизматларни яратиш, масалан, юк ташини, йўл хизмати кўрсатиш, ишлаб чиқариш ахборотини узатиш ва ҳоказолар. Мазкур соҳага саноат, транспорт, алоқа, қурилиш, қишлоқ хўжалиги қабилар қиради.

2. **Номоддий ишлаб чиқариш** — моддий шаклда эга бўлмаган ва аҳоли учун зарур хизматларни ишлаб чиқариш. Мазкур соҳага аҳолига маданий-маиший, медицина, спорт-физкультура хизмати кўрсатиш, билим бериш хизмати қабилар қиради.

Моддий ишлаб чиқариш бирламчи, унга қараб номоддий соҳа ривожланади. Моддий ишлаб чиқариш номоддий соҳа учун иш кучини бўшатиб беради, уни моддий ресурслар билан таъминлайди, бу соҳада ишловчиларни боқайди. Унинг даражаси қанча юқори бўлса, номоддий соҳа ҳам шунчалик ривож топади. Масалан, АҚШда ишлаб чиқариш юқори бўлганидан номоддий ишлаб чиқариш соҳасида аҳолининг (ишловчиларнинг) 50 фоизидан кўпроқ қисмини банд этиш имкони бор. Аксинча, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кам ривожланганидан ишловчиларнинг фақат 25 фоизи номоддий соҳада банд. Ишлаб чиқариш омилларининг бириктириш усули иқтисодий учун катта аҳамиятга эга, чунки шунга қараб, уни ўстирувчи куч пайдо бўлади. Уларнинг бириктириш икки хил бўлади: 1. Билвосита бириктириш. Бунда ўзгага тегишли моддий омиллар ўзганинг иш кучи билан бириқайди. Ҳар иккала омилнинг эгаси ҳар хил бўлади. Меҳнат бир томонда бўл-

са, воситалар иккинчи томонда туради. Шу сабабли меҳнат аҳли бўлмиш ишлаб чиқарувчида маънафатдорлик ва маъсулият кучсиз бўлади.

2. Бевосита бириктириш. Бунда моддий ва шахсий омиллари бир қўлда бўлади, мулкчилик уларни бир-бирдан ажратмайди. Ҳам мулк эгаси, ҳам ишловчи айнан бир шахс бўлади. Ўз мулки бўлмиш моддий омиллари ўз кучи билан ишлатиш ишлаб чиқаришни яхши рағбатлантиради, чунки унинг натижаси ишлаб чиқарувчининг ўзига тегади.

Ишлаб чиқариш натижаси унинг омилларининг бириктириш усули билан чегарланиб қолмайди. У энг аввал омилларининг сифатига, сўнгра, миқдорига ва ниҳоят уларнинг нисбатига боғлиқдир. Моддий ва шахсий омиллари бир-бирига мос бўлгандагина ишлаб чиқариш раво ривожланади.

2. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг таркиби Меҳнат унумдорлиги.

Ишлаб чиқариш жараёни индивидуал (якка) тартибда, корхона ва хўжалик доирасида, тармоқ ва ҳудуд миқёсида, миллий ва жаҳон хўжалиги миқёсида юз беради. Қаерда бўлмасин, барибир у истеъмол учун зарур бўлган маҳсулот ва хизматларни яратишдан иборат бўлади. Кишилар учун ишлаб чиқаришнинг ўзи эмас, балки у яратган воз-неъматлар муҳимдир. Бинобарин жамият ва унинг ҳар бир аъзоси учун ишлаб чиқариш натижалари бирламчи аҳамиятга эга.

Жамият аъзолари ишлаб чиқариш фаолияти натижаси — бу яратилган барча маҳсулотлар ва хизматларнинг мажмуасидир. Уларнинг фойдали хоссалари, кишилар эҳтиёжини қондира билиш хусусияти, уларнинг фойдалилиги ёки наф келтиришидир. Маҳсулотлар ва хизматлар ишлатилиши, яъни қандай эҳтиёжларни қондиришига қараб ишлаб чиқариш воситаларидан (асбоб-ускуна, машина-механизм, ашё-ёқилғи кабилардан) ва истеъмол буюмларидан (озиқ-овқат, кийим-кечак, уй асбоб-анжомлари, маданий-маиший хизматлар кабилардан) иборат бўлади. Ўз маҳсулоти характерига қараб ишлаб чиқариш икки йирик бўлинмадан иборат:

I бўлинма — ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш. Унга ишлаб чиқариш учун зарур хизматларни яратиш ҳам кирди;

II бўлинма — истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш, унга аҳолига хизмат кўрсатиш ҳам қиради.

Ишлаб чиқаришнинг жами ҳажмини ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ифода этади. Ялпи миллий маҳсулот — бир йил давомида жамиятда пировард натижада яратилган маҳсулотлар ва хизматларнинг бозор қийматида ҳисобланган миқдоридир. Ишлаб чиқариш ҳажми икки усулда ўлчанади. Биринчиси — натурал моддий ўлчам, Бу усулда айрим маҳсулотлар ҳажми ўлчанади. Масалан, млн. тоннада кўмир, нефть металл, пахта, дон, цемент; кубометр билан эса ёғоч, тахта, газ, ўлчанади. Маҳсулотлар хилма-хил ва хоссаи турли-туман бўлганидан уларни ягона моддий ўлчам билан ўлчаб бўлмайди, айтилик хизматларнинг умуман моддий ўлчами йўқ. Масалан, даволаш ёки ўқитиш хизматиғи тонна, метр, кубометр орқали ўлчаб бўлмайди. Шу сабабли уларнинг ҳажми пул билан, яъни неча пуллик хизмат кўрсатилганлигига қараб ўлчанади. Ишлаб чиқариш ҳажми яратилган маҳсулотлар ва хизматлар миқдорини уларнинг бозор нархиға кўшайтмасидан иборат. ЯММ пировард маҳсулот ва хизматларни англади, яъни **истеъмолға тайёр** ҳаётий неъматларни билдиради. Шу сабабли қайта ишлан ёки қайтадан сотишға мўлжалланган маҳсулотлар бунға кирмайди. Жами ижтимоий маҳсулот (ЖИМ) ҳам борки, у, пировард натижани билдирмайди, чунки унинг таркибида қайта ишланадиган оралиқ маҳсулот мавжуд бўлади. Бир неча бор қайта ишланадиган маҳсулотлар қиймати ЖИМдан чегирилиб ташланади, шунда ЯММ қолади. Мисол учун колхоз 1 кг пахтани пахта заводиға 12 сўмға сотади. Уни завод қайта ишлаганда унга 3 сўмлик қиймат қўшилади ва у 15 сўм туради. Уни йигирув ва тўқимачилик фабрикаси олиб газламаға айлантирганда 5 сўмлик қиймат қўшилади ва газлама 20 сўм бўлади. Уни тикувчилик фабрикаси олиб кўйлака айлантирганда 5 сўмлик қиймат қўшади. Демак, тайёр кўйлак 25 сўм, уни магазин шу нархда сотади. Бу ерда ЯММ ҳажмини тоқиш учун пахта нархи бир марта ҳисобға олинади ва пахта нархиға кўшилган қийматлар киритилади. Бизнинг мисолда $12+3+5+5=25$ сўм. Агар пахта нархи бир марта эмас, балки ҳар сафар ҳисобға олинганда ЯММ ҳажми 36 сўмға олган бўлар эди ($12+12+12=36$). Натижада ЯММ ҳажми 25 ўрниға 61 ($25+36=61$) сўмға тенглашар эди. Бу эса (61) ЖИМдир. ЯММ ҳажми уни яратиш учун кет-

ган жами меҳнатни эмас, балки унинг бозорда тан олинган, яъни бозор нархига кирган қисмини билдиради. Масалан, маҳсулот 50 долларга тушган, лекин у 45 долларга сотилади. Мана шу сўнги сумма ЯММга қиради. Бу маҳсулот таркиби ишлатилишига қараб, ҳисобланганда қуйидагилардан иборат бўлади: 1. Аҳоли истеъмолини қондириш учун аҳоли сотиб олган истеъмол буюмлари ва хизматлари (II бўлишма маҳсулоти). 2. Мамлакат ичидаги тадбиркорлар инвестиция учун, ишлаб чиқаришда истеъмол қилиш учун сотиб олган ишлаб чиқариш воситалари (улар ресурс ҳам дейилади, I-бўлишмада яратилади). 3. Давлат харид этган маҳсулотлар ва хизматлар (улар ҳар шккала бўлишмада яратилади). 4. Соф экспорт маҳсулоти, яъни экспортнинг импортдан ортиқча қисми. Импорт товарлар ЯММ бўлмаса-да, ички бозорда сотилади, айни вақтда экспорт товарлари миллий бўлса-да, хорижда сотилади. Шу сабабли экспорт товарлари ЯММ қўшилган ҳолда, импорт товарлари ундан чегириб ташланади. ЯММ ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмини бўрттириб кўрсатади, чунки у нафақат янгидан олинган маҳсулотни, балки янгидан ишлаб чиқариш учун кетган маҳсулотни ҳам ўз ичига олади. Масалан, унинг таркибида ишлаб чиқариш учун қўлланган инвестицион товарлар, яъни сарфланган воситалар ўрнини қопловчи маҳсулот ҳам мавжуд. Шу сабабли янги ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажмини соф миллий маҳсулот (СММ) белгилайди. Соф миллий маҳсулот миқдоран ялпи миллий маҳсулотдан амортизация ажратмаларини чегириб олингандан сўнг қолган қисмига тенг бўлади:

$$\text{СММ} = \text{ЯММ} - \text{Аа}$$

Агар жамиятдаги ялпи маҳсулот 100 млн. бирликка тенг бўлса, шундан 20 млн. бирлик тўзиган машиналар, ускуналар, бино-иншоотлар ўрнини қоплаш учун кетади, яъни бу амортизация учун кетадиган маҳсулот. Ялпи маҳсулотнинг бир қисми олдин ресурс шаклида бўлган, лекин ишлаб чиқариш учун сарфланган маҳсулот ўрнини қоплаши керак. Шу сабабли уни чегириб ташлаш зарур. Бизнинг мисолда 100 млн. — 20 млн. = 80 млн. Мана шу миқдор соф миллий маҳсулотни ташкил этади, у халқ истеъмоли ва ишлаб чиқариш омиллариининг ортиб боришини таъминлай олади. СММ моҳияти билан меҳнат туфайли янгидан ҳосил этилган маҳсулот бўлиб, у пул (қиймат) шаклида ўлчанади, СММ икки қисмдан иборат:

1) зарур маҳсулот; 2) қўшимча маҳсулот. Бу тушунчаларни назарияга К. Маркс киритган. **Зарур маҳсулот**—СММ яратишда ўз меҳнати билан иштирок этганларнинг — ишчи-деҳқон ва хизматчиларнинг (буларга менежерлар ҳам киради) ишлаш қобилиятини тиклаш, оиласини таъминлаш учун кетадиган маҳсулот. **Қўшимча маҳсулот** зарур маҳсулотдан ортиқча бўлган маҳсулотдир. Агар зарур маҳсулот иш кучи эгаларига ёки меҳнат соҳибларига тега, қўшимча маҳсулот моддий ашъвий омил эгаларига уларнинг даромаддаги ҳиссаси орқали тегади. СММ уни яратишда иштирок этган омиллар эгасига даромад бўлиб — ер эгасига рента, капитал эгасига фойда ва процент, иш кучи эгасига иш ҳақи, менежерга иш ҳақи ва фойда¹ шаклида тегади.

СММнинг жамият аъзоларига уларнинг даромади сифатида теккан қисми миллий даромад (МД) деб юритилади. Миллий даромад жамият миқёсидаги барча даромадлар йиғиндисидир, у табиатан янгидан ҳосил этилган маҳсулот, лекин унинг пул шаклида ифодаланишидир. МД моддий жиҳатдан олганда ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат бўлиб, зарурий ва қўшимча маҳсулотнинг асосий қисmini ўз ичига олади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий миқёсини билиш учун ЯММ ва унинг пул шаклида ҳисобланадиган таркибий қисми бўлмиш СММ ва МДни нархнинг ўзгариши таъсиридан ҳоли этиш керак бўлади, юқорида айтганимиздек маҳсулотнинг пулда ҳисобланган ҳажми нарх даражасига нисбатан тўғри мутаносибликда ўсади. Маҳсулот миқдори ўзгармай туриб — нарх ошса, унинг пулдаги ҳажми ортади. Масалан, 10 млрд. маҳсулот яратилган, ҳар бир маҳсулот нархи 10 сўм, маҳсулот ҳажми 100 млрд ($10 \times 10 = 100$). Маҳсулот миқдоран кўпаймади, лекин унинг нархи 10 сўмдан 12 сўмгача ортди. 100 млрд. ўрнига 120 млрд. бўлади ($10 \times 12 = 120$). Демак, маҳсулотнинг моддий ҳажми унинг пулдаги ҳажмига тўғри келмай қолади. Шу сабабли номинал ва реал ЯММни фарқлаш зарур. Пулда ифодаланган ва муайян нархларда ҳисобланган маҳсулот номинал ЯММ деб юритилади. Номинал маҳсулот ҳажми маҳсулотнинг моддий миқдори ва нархга боғлиқдир. Жамият эҳтиёжини моддий шаклдаги маҳсулот қондиради. Истеъмол учун маҳсулотнинг ўзи керак,

¹ Бу тушунчаларнинг мазмуни бошқа бобларда ёритилади.

маҳсулотнинг неча пул туришига эмас, унинг миқдори ва сифатига қараб истеъмол юз беради. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий моддий ҳажмини реал ЯММ белгилайди. **Реал ЯММ — нарх ўзгариши назарда тутилиб ҳисобланган, ишлаб чиқаришнинг амалдаги миқёсини ифодаловчи маҳсулотдир.** Реал ЯММ ҳисоблашда нархнинг ўзгариши эътиборга олинади, шунга қараб номинал маҳсулот ҳажми ортган шароитда реал маҳсулот камайиши ҳам мумкин. Ҳамма гап номинал маҳсулот ҳажми билан нархлар ўзгариши ўртасидаги нисбатдир. Агар номинал маҳсулот ҳажмига нисбатан нархлар секин ўсса, реал маҳсулот кўпаяди ва аксинча. Реал маҳсулот ҳисобланганда нархлар индекси¹ қўлланади. Реал маҳсулот номинал маҳсулотнинг нархлар индекси бўлинмасига тенгдир:

$$\frac{\text{Номинал ЯММ}}{\text{Нархлар индекси}} = \text{Реал ЯММ}$$

Мисол: 1990 йил номинал ЯММ 80 млрд. сўм эди, 1993 йилга келиб, у 240 млрд. сўмни ташкил этди. Нарх индекси 1993 йил 1990 йилга нисбатан 1,85 ни ташкил этди. Рақамларни тенгламадаги жойига қўямиз.

$$\frac{240 \text{ млрд.}}{1,85} = 121,3 \text{ млрд. сўм.}$$

Бинобарин, 1991—93 йилларда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми 2,4 марта эмас, балки 1,2 марта ошди. Чунки ўсишнинг қолган қисми нарх ортини ҳисобидан бўлиб, ҳақиқий ўсишни ифода этмайди.

Ишлаб чиқариш миқёси асосан икки омилга боғлиқ бўлади: меҳнат умумдорлиги ва ишловчиларнинг сони. Уларга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми тўғри мутаносибликда ўзгаради. Ресурслар чекланганидан жамият ўз эҳтиёжини қондириш учун меҳнат умумдорлигини ошириши йўлидан боради. Меҳнат умумдорлиги меҳнат натижасини, меҳнат самарадорлигини аниқлатади. **Меҳнат умумдорлиги вақт бирлигида яратилган маҳсулот ва хизматлар миқдори ёки маҳсулот ва хизматлар бирлигини яратиш учун**

¹ Нарх индекси — муайян йилдаги нархга нисбатан, кейинги йиллардаги нархнинг ошган ёки камайганини ифодаловчи кўрсаткич. Масалан, ҳозир нарх индекси 1,0 бўлса, кейин у 0,90 ёки 1,2 бўлиши мумкин.

сарфланган иш вақтидир. Агар 7 соатлик иш куни давомида бир ишчи 210 долларлик маҳсулот яратса, унинг бир соатлик меҳнат унуми 30 долларга тенг бўлади ($210:7=30$). Унумдорлик ошса 280 долларлик маҳсулот олинади. Бир соатлик унум 30 доллардан 40 долларга ($280:7=40$) етади. Бунда меҳнат унумдорлиги 1,33 марта ($40:30=1,33$) ошган бўлади. ЯММ ҳажми жамиятда йил давомида сарфланган иш вақтига ва меҳнат унумдорлигига боғлиқ бўлади. Жамият бир йилда 1 млн. кишининг ишлаши ҳисобидан 2 млрд. соат вақт сарфласа ва ҳар соатлик меҳнат унумдорлиги 20 доллар берса, йил давомида яратилган ЖММ 40 млрд. долларга тенг бўлади. Демак, ЯММ ҳажми қанча кишининг ишлашига ва ҳар бир кишининг меҳнат унумдорлигига боғлиқ. Ресурслар камёб бўлар экан, уларни тобора кўпроқ ишлатиш орқали эҳтиёжларни тўла қондириб бўлмайди. Шу сабабли жамият ресурсларни тежаб ишлатиш йўлига ўтади, ресурс бирлигидан кўпроқ маҳсулот олади, бунда ҳам моддий, ҳам меҳнат ресурслари тежалади. Бу меҳнат унумдорлиги ўсишини билдиради. К. Маркс сўзи билан айтганда, меҳнат унумдорлиги меҳнат минимуми бўлгани ҳолда, маҳсулотнинг максимум бўлишидир. Унумдорликни ошириш орқали эҳтиёжни қондира бориш иқтисодий жиҳатдан энг қулай йўл ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигининг уч асосий омили бор:

1. Меҳнат қуролларининг нақадар мукамаллиги, яъни ишлаб чиқаришнинг техника-технологик даражаси. Қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги паст ва аксинча машиналашган ишлаб чиқаришда у гоят юқори ва муттасил ортиб боради. Янги техника ва технологияни қўллаш, унумдорликда бурилиш ясайди. Масалан, замонавий роботлар техникасининг қўлланилиши меҳнат унумдорлигини 8—10 марта оширади. Олимлар ҳисобига кўра меҳнат унуми ўсишининг $2/3$ қисми фан-техника тараққиёти ҳисобига, $1/3$ қисми эса бошқа омиллар ҳисобига юз беради, айтайлик меҳнат унумдорлиги йилига 6 фоиз ўсган бўлса, шундан 4 фоизи техника тараққиёти ҳиссасига тушади.

2. Ишловчиларнинг билим савияси, меҳнат малакаси ва маҳорати, яъни ишлаб чиқариш шахсий-инсоний омилининг сифати. Бу омил машиналашган ишлаб чиқаришда беқийс аҳамиятга эга. Мураккаб техника-технология юксак савия ва малакани талаб қилади, акс ҳолда уни самарали ишлатиб бўлмайди. Гап шундаки, ишлаб чиқа-

ришнинг моддий ва шахсий омилилари бир-бирига мос бўлиши керак. Масалан, робототехникани ишлатиш чуқур техникавий билим ва иш тажрибасини талаб этади.

3. Ишлаб чиқаришнинг табиий шароити, табиий ресурсларнинг ишлатилиши шароитининг нақадар қулай бўлиши. Бу, айнақса, ундирма саноат ва қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигига жиддий таъсир этади. Қазилмалар таркибида фойдали моддалар кўп ва улар саёз жойлашган бўлса, шубҳасиз уларни ундириб олиш кам меҳнат талаб қилади. Қувайт нефть конларида меҳнат унумдорлиги Россиянинг шимолидаги конларга нисбатан анча юқори. Бунинг сабаби Қувайт табиий шароитининг қулайлигидир. Ўзбекистон жанубидаги пахтачиликда унинг шимолидагига нисбатан меҳнат унумдорлиги юқори. Бунинг сабаби ҳам табиий шароитнинг ҳар хил бўлишидир. Гап шундаки, табиий шароитга қараб, бир хил меҳнат ҳар хил натижа беради.

Ишлаб чиқаришнинг, умуман иқтисодийнинг нақадар ривожланганлигининг асосий мезони меҳнат унумдорлиги даражасидир. Иқтисодийга баҳо беришда жамият миқёсидаги меҳнатнинг, яъни **ижтимоий меҳнатнинг унумдорлиги** асос бўлиб хизмат қилади. Бу жамият миқёсида сарфланган меҳнат эвазига яратилган **ЯММ ёки миллий даромадни (МД) билдиради.** Ижтимоий меҳнат унумдорлигини аниқлаш учун бир йилда яратилган реал ЯММ ишловчилар сонига бўлинади. Уни **Му** деб белгиласак, ишловчилар сонини **Ис** деб олсак, формула қуйидагича бўлади:

$$Mu = \frac{\text{ЯММ}}{\text{Ис}} ; Mu = \frac{\text{МД}}{\text{Ис}}$$

ЯММ = 3 млрд. доллар, Ис = 500 минг.

$$Mu = \frac{3 \text{ млрд.}}{500 \text{ минг}} = 6 \text{ 000 доллар.}$$

Бу кўрсаткич меҳнат унумдорлиги даражасини билдиради ва жамиятнинг ишлаб чиқара олиш қobiliятини ифодалайди.

Унумдорлик даражаси билан унинг ўсиш суръатлари фарқлаш керак, чунки даража юқори бўлтуриб, суръатлар паст бўлиши мумкин ва аксинча. Унумдорлиқнинг ўсиш суръати унинг юксалиш тезлиги бўлиб, фотз билан


ифодаланади. Масалан, меҳнат унумдорлиги 10 йилда 57 фоизга ошган бўлса, унинг йиллик ўсиш суръати 4,6% бўлади. Аммо бу унумдорлик даражасини билдирмайди. Иқтисодда шундай қонуният борки, унумдорлик даражаси юқори бўлса, унинг ўсиш суръатлари шибатан паст бўлади. Шу сабабли унумдорлик ўсиш суръатлари паст мамлакатнинг иқтисодий қудрати юқори бўлиши мумкин. Аксинча ҳам бўлади. Меҳнат унумдорлигининг ортиши ЯММни тездан кўпайтириб қолмасдан, балки иш вақтини тежаб, кишиларнинг бўш вақтини ҳам кўпайтириб беради. Бўш вақтни К. Маркс жамиятнинг бойлиги деб атаган. Унумдорлик ошиб, бўш вақтнинг ортиб бориши вақтнинг тежалиш қонуни мавжудлигидан далolat беради. Бу қонунга кўра ҳар қандай тежам вақтнинг тежалиши демакдир, жамият эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган вақт муттасил қисқариб боради, кам вақт сарфланган ҳолда эҳтиёж тўлароқ қондирилади. Мажкур қонун умум-иқтисодий қонун бўлиб, у ҳамма ерда амал қилади. Бу қонун кам сарфлаб кўп ишлаб чиқаришни билдиради. У нафақат ишлаб чиқаришда, балки иқтисодиётнинг бошқа жабҳаларида ҳам, хусусан, истеъмол борасида ҳам вақт тежалишини билдиради. Эҳтиёжни қондиришга зарур вақт қисқариши билан бўш вақт ортиб бориши керак. Бундай вақт инсон роҳат-фароғатининг ҳар тарафлама камол топишини таъминловчи вақт бўлади. Айтилган қонун иқтисодиётнинг умуминсоний жиҳатига хос хусусиятини ифода этади. Ишлаб чиқаришнинг умуминсоний томони иқтисодий тузумларнинг таъсиридан ҳоли бўлади. Унга инсонпарварлик қоидалари объектив тарзда хосдир. Бу ҳақда вақтнинг тежалиши борасида инсоннинг ҳам моддий, ҳам социал-маиший, ҳам маданий эҳтиёжларининг қондирилиши гувоҳлик беради. Вақтни тежаш қонуни тўфайли вақт бирлигида яратилган ҳаётий неъматлар кўпайган сари кишилар турмуши фаровон бўла боради.

3. Ишлаб чиқаришнинг янгиланиш шарт-шароити

Ҳар қандай жамиятнинг яшаши учун ишлаб чиқариш узлуксиз юз бериши шарт. Унда узилиш юз берса кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжлари қондирилмайди. Ишлаб чиқариш бир дафъа юз бермасдан доимо янгиланиб, қайтарилиб туради, натижада тирикчилик воситалари узлуксиз яратилиб борилади. Ишлаб чиқаришнинг янгиланиши, унинг қайтарилиб туриши такрор ишлаб чиқариш дейилади. Такрор ишлаб чиқаришнинг иккита асосий тури бўлади: оддий ва кенгайтирилган. Оддий такрор ишлаб чиқа-

риш — ишлаб чиқаришни ЯММ ҳажми ўзгармаган ҳолда янгилавишидир. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш миқдоси кенгайди, ЯММ ҳажми ортади, шу тахлитда ишлаб чиқариш жараёни янгиланади. Қисқарган такрор ишлаб чиқариш ҳам бўлиши мумкин. Бунда ишлаб чиқаришнинг янгилавиши ЯММ ҳажми қисқарган ҳолда юз беради. Бў иқтисод учун кутилмаган, тасодифий ва истисно тарзида юз берадиган ҳодиса. У одатда урушлар, катта табиий офатлар юз берганда бўлиши мумкин. Ривожланган иқтисодга кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш хосдир.

Фаровон яшаш учун ЯММ тобора кўпроқ яратилиши керак, лекин бу кифоя қилмайди. Яратилган маҳсулот самарали ишлатилиши ҳам шарт. ЯММ, биринчидан, жамият аъзоларининг шахсий эҳтиёжларини қондирса, иккинчидан, ишлаб чиқаришни қайтадан янгилаш учун сарф бўлади (3-расм).



Ишлаб чиқариш воситаларидан иборат маҳсулот инвестиция учун ишлатилади, яъни қайтадан ресурсларга айланади. Инвестиция икки хил бўлади: ялпи инвестиция, соф инвестиция.

Ялпи инвестиция — умуман ишлаб чиқариш соҳасида истеъмол этиш учун ажратилган маҳсулот ва хизматлар йиғиндиси, бошқача айтганда ишлаб чиқаришда ишлатиш учун харид этилган барча инвестицион товарлардир. Улар, биринчидан, ишлаб чиқаришда истеъмол этилган моддий ресурслар ўрнини қоплаш, иккинчидан, мавжуд ресурсларни кўпайтириш учун сарфланади.

Соф инвестиция ялпи инвестициянинг моддий ресурсларини ўстириш учун, уларни жамғариш учун ишлатиладиган қисмидир. Соф инвестицияни соф жамғариш деб ҳам атайдилар. Инвестицион товарлардан иборат ЯММ нинг икки қисмга ажралиши ишлаб чиқаришни янгилаш заруратидан келиб чиқади. Ишлаб чиқариш янгидан юз бериши учун ҳеч бўлмаганда сарфланган воситалар ўрни тўлдирилиши шарт. Акс ҳолда ишлаб чиқариш қисқариши мумкин. У барқарор ўсиши учун маҳсулотнинг бир қис-

мини соф инвестицияга юбориб, жамғариш фондини ташкил этиши керак. Иқтисодиёт аҳволи инвестициянинг ҳолатидан келиб чиқади. Агар ялпи инвестиция суммаси ишлатилган меҳнат воситалари амортизациясидан кўп бўлса, соф жамғариш (инвестиция) юз беради. Бу ишлаб чиқаришга кўшимча моддий ресурс келиб тушганини билдиради, бинобарин, иқтисодий ўсишни таъминлайди. Соф инвестициянинг 1 фоиз ўсиши ЯММнинг 0,4 фоизга ўсишини таъминлайди деб фараз қилайлик. Шу йил 500 млрд. долларга тенг ЯММ яратилган. Бунинг учун 100 млрд. долларга тенг машина, ускуна-иншоотлар ишлатилди, яъни амортизация юз берди. Маҳсулотнинг 120 млрд. доллари ялпи инвестицияга ажратилди, соф инвестиция 20 млрд. доллар ($120 - 100 = 20$) бўлди. Олдинги йили у 16 млрд. доллар эди. Бунда соф инвестиция ўсиши 4 млрд. долларни ($20 - 16 = 4$) ёки 25 фоизни ташкил этади. Бу эса ишлаб чиқаришнинг 10 фоиз ўсишини таъминлайди ($25 \times 0,4 = 10,0$). Борди-ю, ялпи инвестиция 100 млрд. доллар бўлиб қолди, соф инвестиция ҳосил бўлмади, ($100 - 100 = 0$). Демак, ишлаб чиқаришда ўсиш бўлмайди ($0 \times 0,4 = 0$), иқтисодий турғунлик юзага келади. Учинчи вазиятни кўриб чиқайлик. Ялпи инвестиция 80 млрд. долларга тушиб қолди, кетган моддий ресурслар ўрни қопланмади, улар 20 млрд. долларга ($100 - 80 = 20$) қисқарди. Бунда ишлаб чиқариш торайган ҳолда янгиланади, у 8 фоизга қисқаради. Мисоллардан маълумки, иқтисодий барқарорлик бўлиши учун маҳсулотнинг инвестицион товарлардан иборат қисми албатта ишлаб чиқаришга юборилиб, у ресурслар ўсишини таъминлаши зарур.

Маҳсулотнинг ресурслар сифатида амортизацияни қоплаш ва соф инвестиция учун кетадиган қисмлари ўртасидаги нисбат ўзгарувчан бўлади. Бу нисбат ишлаб чиқаришнинг даражасига боғлиқ. Агар у қанчалик юксак бўлса, шунчалик маҳсулотнинг камроқ улуши соф инвестиция учун кетади. Қолоқ иқтисодиёт шароитида уни ўстириш маҳсулотнинг тобора катта улушини қайтадан ишлаб чиқаришга соф инвестиция орқали йўналтиришни талаб қилади. Гап шундаки, ривожланган ишлаб чиқариш катта миқдорда жамланган моддий ресурсларга, аниқроғи, меҳнат воситаларига таянади. Улар истъмоли кенг бўлганидан, ўрнини тўлдириш катта амортизация ресурсини талаб қилади. Сарфланган воситалар ўрнини унумлироқ асбоб-ускуналар билан тўлдириб бориладиги, шу ҳисобдан меҳнат унумдорлиги юксалиб, ишлаб чиқариш ўса

олади. Шу сабаб соф инвестицияга талаб-эҳтиёж қисқаради. Тўғри, ЯММ ўсган ҳолда инвестиция ҳажми ҳам мутлақ ўсади, лекин у маҳсулотнинг камроқ улушини ўзига жалб этади. Бунинг натижасида маҳсулотнинг кўпроқ қисмини истеъмолга ажратилиши юз беради. Бу эса ЯММ таркиби ўзгаришини талаб қилади. Натижада ресурслар кўпроқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга қаратилади. Бинобарин, яратилган ЯММ таркибида шу буюмлар салмоғи ортади.

ЯММнинг талайгина қисми аҳолининг шахсий истеъмолини қондиради. Истеъмол буюмларидан иборат маҳсулот пул даромадларига аямаштириш орқали оилалар ва айрим шахслар ихтиёрига келиб тушади ва уч йўналишда ишлатилади:

1. Қундалик-жорий истеъмолни қондиради, бу вазифани озиқ-овқат, кийим-кечак, санитария-гигиена моллари бажаради.

2. Узоқ муддат ишлатиладиган товарлар /автомашина, телевизор, кир ювини машинаси, гилам, видеомагнитофон, мебель ва ҳ. к./ истеъмолини таъминлайди.

3. Турли-туман хизматларга бўлган эҳтиёжни қондиради.

Аҳоли истеъмолининг ЯММ ҳисобидан қондирилиши, биринчидан, ишлаб чиқаришнинг инсонпарварлик вазифасини адо этса, иккинчидан, меҳнат қобилиятини тиклаши ва ривожлантириш шартини бўлиб, ишлаб чиқаришнинг янгилашга хизмат қилади.

ЯММнинг яна бир қисми давлат ихтиёрига ўтиб, жамиятни бошқариш йўлида ишлатилади. Бу қисми давлат қўлига тушган пул солиқлари ҳисобидан маҳсулот ва хизматларни сотиб олиш орқали истеъмол этилади. Бу қисм давлат маъмуриятини таъминлаш, ҳарбий ишлар учун, шунингдек, корхона, ташкилотлар, айрим ҳудуд аҳлига давлатнинг моддий ёрдами шаклида ҳам ишлатилади. У илм-маърифат ишларига давлат томонидан қўмак беришга, аҳолининг шочор қатламларини давлат ҳисобидан таъминлаб туришга ҳам ишлатилади. Юқсак ривожланган ишлаб чиқариш шароитида маҳсулотнинг тобора кўпроқ улушини давлат интироқида тақсимлаб ишлатиш заруратга айланади, чунки умумжамиyat эҳтиёжи ортади ва уни қондиришни давлат ўз зиммасига олади. Шу билан АҚШда 1929—1988 йиллар мобайнида давлат қўлидан ўтган маҳсулот ва хизматлар 9 млрд. доллардан 964 млрд. долларга етди. Бу давлатнинг миллий даромаддаги ҳис-

сасининг 4 фоиздан 20 фоизгача етиб борганини билдиради. Хулоса қилсак, ЯММ маълум пропорцияларда тақсимланиб ишлатилади. Унинг ишлатилишни маҳсулот ва хизматларни компаниялар, фирмалар, аҳоли ва, ниҳоят, давлат томонидан шахсий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш учун сарфланишини билдиради.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Ишлаб чиқариш омиллари тарқибан нималардан иборат?

2. Ишлаб чиқариш омиллари қандай усуллар билан биригади?

3. Ялли миллий маҳсулот билан жами ижтимоий маҳсулотнинг қандай фарқи бор?

4. Соф миллий маҳсулот ва миллий даромад миқдоран тенг бўлиши мумкинми?

5. Нима сабабдан реал ЯММни аниқлаш зарур?

6. Меҳнат унумдорлигининг вақтни тежаш қонунига қандай алоқадорлиги мавжуд?

7. Такрор ишлаб чиқаришнинг қандай турлари бор?

8. Ялли ва соф инвестициялар қандай фарқланади?

9. Соф инвестиция юз бермаганда ҳам ишлаб чиқариш кенгайиши мумкинми?

10. АҚШда 1965—1985 йилларда ялли миллий маҳсулот 705 млрд. доллардан 4015 млрд. долларга етди. 1985 йилда нархлар индекси 1965 йилга нисбатан 3,2 ни ташкил этди. 1965 йил ишловчилар сони 74,5 млн. киши, 1985 йилда 115,5 млн. кишини ташкил этди. Ҳисоблаб топингчи, ижтимоий меҳнат унумдорлиги неча марта ўсган?

11. ЯММ 125 млрд. доллар, шундан истеъмол учун 85 млрд. доллар ажратилган, амортизация (қоплаш) учун 25 млрд. доллар кетади. 1 доллар соф инвестиция 0,65 долларга тенг кўшимча равишда ЯММ беради. Айтилган шартлар сақланса, ЯММ қанчага ўсиши мумкинлигини топинг: 11,15 млрд. доллар, 7,18 млрд. доллар, 10,25 млрд. доллар, 9,75 млрд. доллар, 12,35 млрд. доллар, 9,55 млрд. доллар.

12. Жадвални синчиклаб ўрганинг. Жадвалга қараб нима сабабдан турли мамлакатларда соф инвестиция миқдори ва улуши ҳар хил деган саволга жавоб топинг. Шу масалами ўзингизча шарҳлаб кўринг.

Айрим мамлакатларда маҳсулотдан ажратилган инвестиция ҳажми (1990 йил, млрд. доллар ҳисобида) ва улуши (фоиз ҳисобида)

Мамлакатлар	Ялпи инвестиция	Шу жумладан		
		Амортизация	Соф инвестиция (жамғариш)	Хорижга қўйилган инвестиция
АҚШ	940	650	160	130
	100,0	69,0	17,0	14,0
Япония	915	420	570	—75
	100,0	46,0	62,3	—8,3
Англия	195	125	50,0	20,0
	100,0	64,0	25,6	10,4
Греция	12,0	6,0	5,0	1
	100,0	50,0	42,0	8,0
Португалия	14	3	12	—1
	100,0	21,0	86,0	—7

IV БОБ

НАТУРАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

1. Натурал ишлаб чиқариш

Ишлаб чиқариш иккита умумий шаклда юз беради: натурал ишлаб чиқариш ва товар ишлаб чиқариш. Шунга кўра натурал ва товар маҳсулоти мавжуд бўлади. **Натурал хўжалик умуминсоний иқтисоднинг тарихан биринчи шакли бўлиб, бунда меҳнат маҳсуллари ишлаб чиқарувчиларнинг ўз шахсий эҳтиёжини қондиришга қаратилади.** Натурал хўжалик шароитда маҳсулот айирбошланмайди ва ишлаб чиқарувчининг ўзи учун ҳаётий воситага айланади: ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол воситалари сифатида унинг ҳар кунги эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади. Ишлаб чиқарувчи меҳнат жараёни учун керакли бўлган воситаларни ўзи яратади. Натурал хўжаликнинг дастлабки асоси аввал ер, кейинчалик хонажи саноат бўлган (бу ўринда саноатнинг дастлабки асоси бўлган ҳунармандчилик назарда тутиланти). **Натурал хўжалик бир неча тарқоқ, бир хил типдаги хўжаликларнинг массасидан, яъни деҳқон, оилавий, давлат ва жамоа**

хўжаликларидан иборат бўлган. Бу хўжаликларда ишлаб чиқариш хом ашёни олишдан бошлаб, то тайёр маҳсулот истеъмолгача бўлган меҳнат жараёнини ўз ичига олади.

Натурал хўжалик дастлаб ибтидоий тузум даврида, яъни ивсонларнинг дастлабки ишлаб чиқариш фаолияти бошланиб, деҳқончилик вужудга келган даврдан бошланган. Унинг энг соф кўриниши ибтидоий жамоа тузуми даврида бўлган, чунки ўша даврда одамлар меҳнат тақсироти, айирбошлаш ва хусусий мулк нималигини билмас эдилар.

Натурал хўжалик бозор иқтисодиётига қадар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий шакли бўлиб келган. У асосан иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган Қадимги Шарқ давлатларида ҳукмронлик қилган. Мисол учун Бобилда натурал хўжалик асоси тўла сақланиб қолган ҳолда, қисман товар-пул муносабатлари ривожланган. Хитойда «конфуцийчилик», Ҳиндистонда «архашастра» асосчилари натурал хўжалик ғоясини ёқлаб чиқишган. Қадимги Ювонистонда натурал хўжаликни мустаҳкамлаш учун хўжаликни ривожлантириш ғоясини Платон, Аристотель олға сурганлар.

Платон ўзининг «Сиёсат ва давлат» асарида натурал қўлдорлик хўжалигини асослаб жамиятдаги ҳар қандай душманликни келтириб чиқарадиган ягона манба — пул деб ҳисоблайди ва натурал хўжаликни ҳимоя қилади. Платон фикрига кўра натурал хўжалик жамият аъзолари ўртасидаги иқтисодий табақаланишга чек қўяди.

Натурал хўжаликнинг йирик назарийчиси Аристотель уни мустаҳкамлаш билан биргаликда товар хўжалигини ривожлантириш керак, лекин бунда товар ишлаб чиқариб сотишдан мақсад ўз эҳтиёжини қондиришдир деб ҳисоблайди. Демак, бундан кўриниб турибдики, Қадим замонларда натурал хўжалик билан биргаликда унинг заминида товар хўжалиги ривожланган. Ўрта асрларда ҳам натурал хўжалик иқтисодиётда тўла ҳукмронлик қилган. Натурал хўжаликда деҳқон ер эгасига қарам бўлади. Деҳқонлар зироат, чорвачилик маҳсулотларини етиштириб, уларни қайта ишлаб тайёр маҳсулот олганлар. Ҳунармандлар меҳнат қурооллари ишлаб чиқарган, қурувчи бино қурган, тикувчи кийим тиккан, лекин ҳаммаси ўз меҳнат маҳсуллари асосан бир-бирларига натурал формада айирбошлаганлар. Мулк эгалари ўз ери ва ишлаб чиқариш воситаларини вақтинча фойдаланишга берганда бунинг учун натура формасида ҳақ олганлар. Иш-

лаб чиқарувчилар хусусий мулк эгаларига иқтисодий жиҳатдан тобора қарам бўлиб борганлар. Натурал хўжалик деҳқонларнинг мустақил жамоасида ҳам вужудга келган. Бу жамоа ўз эҳтиёжлари учун керакли бўлган ҳамма нарсаларни ўзи ишлаб чиқариб, айирбошлаш нималигини билмаган. Жамоа ичида меҳнат ихтисослашиб, унга ҳар хил хунарга эга бўлган оилалар бирлашган.

Натурал хўжалик шароитида ҳар бир йирик мулкдорнинг ўзига алоҳида хўжалиги бўлган. Унинг оиласи ва кўп сонли хизматкорларнинг эҳтиёжлари хўжалигида яратилган маҳсулотлар ҳисобидан қондирилган. Бу шароитда деҳқончиликни хунаромандчилик тўлдирган. Шу йўл билан мулкдорлар ўзларини турли-туман маҳсулотлар билан таъминлаганлар. Бу ерда яратилган маҳсулот шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш омилига айланиб, ишлаб чиқариш ўзгалар интирокисиз янгиланади.

Майда деҳқон хўжалиги ҳам натурал характерда бўлган. Деҳқонлар қишлоқ хўжалиги билангина эмас, балки ўзлари ишлаб чиқарган хом ашёни қайта ишлаш, йиғирувчилик, тўқувчилик, кийим, шойафзал, хўжалик асбоб-ускуналар тайёрлаш ва бошқалар билан шуғуланганлар. Демак, натурал тузумда асосий хўжалик тармоғи деҳқончилик бўлиб, унга кўшимча тарзда хонаки хунаромандчилик ривож топган. Бу ерда ишлаб чиқариш узоқ вақтгача биқиқ, универсал ва ўзига хос мустақил характерга эга бўлади, ўз қобилигида ўрналиб бошқалар билан онда-сонда алоқа қилади. Тирикчилик учун гоёт зарур бўлган оз сонли маҳсулотларгина сотиб олиш орқали истеъмол этилади.

Натурал хўжалик барча иқтисодий жараёнларни тўра доира билан чеклайди. Иш кучи ва моддий ресурслар муайян хўжаликка жуда қаттиқ бириктириб қўйилади ва кўчиб юришидан маҳрум бўлади. Натурал хўжалик иқтисодий ўзини йўлларини ҳам тўсиб қўяди. Унинг худди шу хусусиятлари қишлоқ жамоаларининг минг йиллар давомида барқарор, ўзгармай қолишини таъминлайди. Натурал хўжалик ишлаб чиқарувчи кучларнинг гоёт паст даражасига хос бўлиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бинобарин, маҳсулотни тез кўнайитириш имкони бормади. Ишлаб чиқариш тўла-тўқис қўл меҳнатига таянади, меҳнат қурооллари ва ишлаб чиқариш технологияси асрлар оша ўзгармай қолади. Қўл меҳнати ҳуққронлиги меҳнатчидан юксақ билим, маҳорат ва малакани талаб қилмайди. Ишлаб чиқариш моддий омилни ривож топмаганига муво-

фиқ равишда унинг шахсий-инсоний омили ҳам ўта паст даражада сақланади. Меҳнат унумдорлиги деярли ўсмайди. Ишлаб чиқаришнинг кенгайиши икки омил ҳисобидан бўлади. Улардан биринчиси оддий меҳнат сарфининг кўпайиши, яъни қўл меҳнати кўп сарфига мувофиқ маҳсулот ортиб боради. Иккинчиси — табиий омил, яъни табиат инъом этган ресурсларни кўпроқ ишлатиш, уларнинг яхшиисини қўллаш орқали маҳсулот кўпайтирилади.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши чегараланганлиги сабабли иқтисодий ўсиш ғоят суст бориб, асосан **табиий омиллар** ҳисобидан, масалан, табиатан камҳосил ердан, ҳосилдор ерга ўтиш ҳисобидан юз беради.


Ишлаб чиқариш ҳамм жиҳатдан жуда кичик, тур жиҳатдан бир хил бўлганидан энг оддий аҳтиёжларни қондиришга бўйсундирилади. **Натурал хўжалик консерватив**, эскиликка мойил бўлиб, янгилликни ярата олмайди, унинг асрлар давомида сақланиши ҳам шунда. Унга ўта архаик, яъни даққиюнусдан қолган муносабатлар хос бўлиб, улар узоқ вақтгача сақланиб қолади.

Натурал хўжаликка хос белги бу **иқтисодий автаркизм**, яъни ўзини таъминлаб, бошқалар билан камдан-кам алоқага киришишдир. Шу сабабли у ташқи дунё таъсиридан ҳоли бўлади, унинг ўзгариб, бошқа илғор хўжаликка айланиши ғоят суст боради.

Ўзини-ўзи маҳсулот билан таъминлаш истеъмол сарф-харажатларини тежайди, шу сабабли натурал хўжаликнинг баъзи бир сарқитлари нисбатан ривожланган иқтисодиётда ҳам сақланади. Натурал истеъмол ҳозирги қишлоқда ҳам мавжуд. Хусусан, деҳқонлар томорқа хўжалигида, ишчи-хизматчилар дала ҳовлисида етиштирилган маҳсулотнинг бир қисми хўжаликнинг ўзида истеъмол этилади, бунинг ўзига хос қулайлиги бор, чунки **истеъмолчи ўз маҳсулоти сифатига ўзи кафил бўла** олади. Бундан ташқари маҳсулотни ўз жойида истеъмол қилиш уни бошқа ердан қидириб топиш, **харид этиш ва таниб келтириш харажатларини тежайди**. Ўз маҳсулотини ўзи истеъмол этиш, йирик ишлаб чиқаришда ҳам қисман сақланади. Ўзини ишончли равишда керакли шёе, материаллар ва аҳтиёж қисмлари билан канда қилмай таъминлаш учун йирик фирмалар ва хўжаликлар олдин сотиб олинган маҳсулотни ўзи учун ишлаб чиқара бошлайди ва бевосита ўзи истеъмол қилади. Натижада маҳсулот товар маҳсулоти ва натурал маҳсулотга ажралади. Аммо натурал маҳ-

силотнинг ҳиссаси катта бўлмайди, у ишлаб чиқаришнинг характерини белгилмайди. **Натурал ишлаб чиқаришнинг айрим нафли жиҳатлари қанчалик узоқ сақланмасин, бари-бир унинг ўрнига товар ишлаб чиқариш келади.** Қонуний равишда натурал ишлаб чиқариш товар ишлаб чиқаришга айланади, лекин бу жараён узоқ давом этган. Яратилган моддий неъматлар таркибида натурал маҳсулот ҳиссаси мутассил камайгани ҳолда товар маҳсулоти ҳиссаси ортиб боради (4-расм), пировард натижада товар маҳсулотнинг умумий ва танҳо ҳукмрон шаклига айланади. Бу бозор иқтисоди пайдо бўлишини билдиради. Бозор иқтисоди табиатан натурал хўжалигини эмас, балки товар ишлаб чиқаришни тақозо этади.

Товар маҳсулотининг ўсиб бориши



4-расм

2. Меҳнат маҳсулининг товар шакли

Натурал ишлаб чиқариш иқтисодий раванқни таъминлай олмаганидан унинг ўрнига товар ишлаб чиқариш келади ва маҳсулотнинг натурал шакли товар шакли билан ўрин алмашади. **Товар хўжалиги бозорда сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни билдиради.**

Натурал ва ярим натурал деҳқон хўжалиги замонида товар ишлаб чиқариш, гарчи маълум даражада ривожланган бўлса-да, кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг асосий шаклига айланган эмас. Аммо у секин-аста кенгайиб борган ва пировард натижада ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига айланган. Товар хўжалиги натурал хўжаликдан фарқли ўлароқ, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмол қилувчиларнинг бозор ор-

қали, товарларни олиш-сотилш орқали алоқа қилишни тақозо этади. Бас шундай экан, товар ишлаб чиқариш деганда маҳсулотни бозор учун, яъни уни пул воситасида олди-сотди қилиш учун яратилишини тушуниш керак. Товар ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши тасодиф эмас, балки қонуний заруратдир. Уни кишилар бекорчиликдан ўйлаб чиқармаганлар. У кишиларни хоҳиш-иродасидан ташқарида, объектив тарзда пайдо бўлган. Уни иқтисодий зарурат юзага келтирган, чунки маҳсулотларни бозор орқали айирбошламай туриб кун кўриш қийин бўлган.

Товар ишлаб чиқариш объектив тарзда икки асосга таянади, яъни уни икки зарурат юзага келтиради:

1. **Меҳнат тақсироти** — бунда меҳнат турлари ихтисослашади, илгари бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар кейинчалик маҳсулотнинг айрим турини ишлаб чиқаришга мослашадилар. Шундай шароитда эҳтиёжни қондириш учун ўз маҳсулотини бошқа керакли маҳсулотга айирбошлаш зарур бўлади. Айирбошлаш учун эса маҳсулот бозорга чиқарилади ва сотилади. Меҳнат тақсироти меҳнат унумдорлигини оширади. Демак, айирбошлаш нафақат зарур, балки фойдали ҳам бўлади.

2. **Ишлаб чиқарувчиларнинг бир-биридан алоҳидалашиб, мустақил фаолият юритиши.** Бунда маҳсулот ишлаб чиқарувчи мулкдор бўлиши зарур. У ишлаб чиқариш омиллари ёки яратилган маҳсулотнинг эгаси бўлиши керак. Маҳсулотни ўз билганича тасарруф этиш уни эркин айирбошлаш ҳуқуқини беради, чунки ўзганинг маҳсулотини айирбошлаш мумкин эмас.

Мулкдорлар ўртасида товар айирбошлаш юз берганда мулк эгаси манфаатлари кўзланади. Ишлаб чиқариш ривожланиши билан айрим маҳсулот эмас, барча маҳсулот айирбошлаш учун яратилади, яъни бозор учун товар ишлаб чиқариш умумий характерга эга бўлади. Товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш бундай шароитда бир марта бўладиган тасодифий ҳодиса эмас, балки миллиард марта такрорланадиган узлуксиз жараёнга айланади.

Маҳсулотни товар шаклида ишлаб чиқариш — бу ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муайян тузилиши бўлиб бунда кишилар ўртасида иқтисодий муносабатлар **бозор орқали**, уларнинг меҳнати маҳсулларини олди-сотди қилиш орқали намоён бўлади. Товарни сотишдан мақсад унинг ўрнига бошқа товарни сотиб олиб эҳтиёжни қондиришдир. Бу шахсий эҳтиёж бўладими ёки ишлаб чиқариш

эҳтиёжи бўладими, фарқи йўқ, албатта. Ишлаб чиқарувчи айтиб бир вақтда истеъмолчи ҳам бўлади. У бир томондан сотувчи бўлса, бошқа томондан харидордир. Кишиларнинг меҳнати бозор орқали жами меҳнатнинг бир қисми эканини инфодалайди. Бозордаги алоқалар аслида бу меҳнатни ижтимоий эътироф қилишнинг бевосита эмас, балки билвосита йўли, яъни товарни бозорда, олди-сотди этиш йўли билан меҳнатнинг эътироф этилишидир.

Товар ишлаб чиқариш умуминсоний иқтисодий ҳодиса, у ҳамма ерда mavjud. Меҳнат маҳсули товарга, ишлаб чиқарувчи эса товар ишлаб чиқарувчига айланиши ҳамма жамиятлар учун муқаррар ҳодисадир.

Товар ишлаб чиқарувчининг мавқеи зиддиятлидир. Бир томондан, унинг меҳнати жами меҳнатнинг кичик бир қисми, бинобарин, у **ижтимоий характерга** эга, яъни яратган товарига муҳтож бўлган шахслар тимсолида жамият учун зарурдир. Иккинчи томондан, унинг меҳнати **алоҳидалашган** меҳнат бўлиб, ўз ҳисобидан қилиниб, бозорга мўлжалланган, яъни ижтимоий бўлатуриб, бошқалар меҳнатидан ажралган. Товар ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнатнинг ижтимоий аҳамияти товар бозорда харидор тошган, сотилган тақдирдагина тасдиқланади.

Меҳнатнинг ижтимоий характери билан унинг алоҳидалашуви ўртасидаги зиддият товар ишлаб чиқаришнинг алоҳида зиддиятидир. Ҳар бир товарга татбиқан бу зиддият бозорда унинг сотилишига қараб ҳал этилади, лекин шу билан бирга у товар хўжалигининг зиддияти сифатида доим такрор пайдо бўлиб туради. Товар сотилгандагина унга сарфланган меҳнатнинг ижтимоийлиги тан олинади. Шу сабабли ўз меҳнатиининг жами ижтимоий меҳнат таркибига кириши ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи учун энг мураккаб ва ҳаётий муҳим муаммодир, чунки муваффақиятсизликка учраган тақдирда у ўз маҳсулотини сота олмайди ва зарар кўради, баъзан эса хонавайрон бўлиши мумкин. Ижтимоий эҳтиёжлар таркиби ҳаминча бирдай бўлмасдан, у вақти-вақти билан ўзгариб туради. Бу бозордаги талабни ўзгартиради. Шунинг учун ўз товарларининг сотилмай қолиши хавфи товар ишлаб чиқарувчини бозорни ҳушёрлик билан кузатиб боришга ҳамда унга доим мослашни туришга мажбур қилади.

Модомики, товар меҳнат маҳсулининг бир шакли экан, меҳнат маҳсулининг барча хоссалари товарга ҳам хосдир. Аммо товарнинг маҳсулотдан фарқи бор. **Товар энг аввало ўз истеъмоли учун эмас, балки бошқа маҳсулотларга бо-**

зорда пул воситасида айирбошлаш учун яратилган меҳнат маҳсулидир. Товар ишлаб чиқарувчилар эса индивидуал (якка) ишлаб чиқарувчилар ва ишлаб чиқарувчилар жамоаси (корхона)дан иборатдир.

Ҳозирги шароитда товар ишлаб чиқарувчиларга фирма, компания, бирлашма, завод, фабрика, якка тартибда ишловчи, фермер хўжалиги, дала ҳовли эгаси, томорқа хўжалиги соҳиблари, кооперативлар, жамоа ва давлат хўжалиги, жамоат ташкилотлари ва бошқалар киради. Улар бир-бири билан бозор орқали алоқа қилишлари керак. Уларнинг товар ишлаб чиқариб, даромад топишдан иборат мақсадлари бор, улар бир-биридан алоҳида-лашган, ҳар бирининг ўз манфаати мавжуд.

Маҳсулот товар бўлиши учун у энг аввал кишиларнинг муайян талаб-эҳтиёжини (масалан, овқатланиш, кийиниш, ўқиш, дам олиш ва бошқаларни) қондира билиши зарур. Товарнинг бу хосаси товарнинг истеъмол қиймати деб аталади. Ҳар бир товарнинг нафлиги бор, лекин у ўзини яратувчининг эҳтиёжларини қондирмайди, балки бошқа кишиларнинг эҳтиёжларини қондиради, унинг нафлиги ўзгалар учун, бинобарин, унинг истеъмол қиймати ижтимоий ҳисобланади. Истеъмол қиймати товарнинг бошқа товарларга айирбошлаш имконини бергани учунгина у ўзининг яратувчисини қизиқтиради. Товарларнинг алмана билиш хусусияти уларни алмашув қиймати деб аталади.

Юзаки қараганда товар деганда биз бирор бир буюмни, айтайлик, костюмни, у тикилган газлама, унинг фасони, бичими ва бошқаларни тушунамиз, яъни унинг моддий-ашёвий хусусиятларини кўз олдимизга келтирамиз. Аслида товарнинг буюм сифатидаги хусусиятидан ташқари бошқа хусусияти ҳам мавжуд.

Товарнинг эҳтиёжини қондиришдан иборат хусусияти бор, лекин бу деган сўз ҳар қандай инсон эҳтиёжини қондирадиган нарса товар бўлади деган маънони англатмайди. Мисол учун ҳаво. Сўзсиз у ҳамма учун зарур, яъни инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжини қондиради. Аммо табиат маҳсули бўлмиш ҳаво сотилмайди, ҳеч ким уни сотиб олмайди ҳам, ҳатто ҳеч нимага айирбошланмайди. Лекин ҳавонинг таркибига кирадиган кислород товар бўлиши мумкин, чунки кислородни олиш учун маълум миқдорда меҳнат сарф қилиш керак. Кислород товар бўлишига инсон меҳнати сабаб бўлади. Демак, товар фақат инсонларнинг эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилмасдан, бал-

ки инсон меҳнат фаолиятининг маҳсули ҳам ҳисобланади. Аммо ҳар қандай меҳнат маҳсули ҳам товар бўла олмайди. Агар маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ўзи учун яратилса ва бозорга чиқарилмаса, албатта, у товар бўлмайди. Масалан, фермер хўжалигида бугдой етиштирилди. Унинг бир қисми хўжалик эҳтиёжини қондиришга, бир қисми маҳаллага сумалак ва ҳалим қилиш учун ҳады қилинади, учинчиси эса бозорда сотилади. Албатта биринчи ва иккинчи қисм бугдой эҳтиёжини қондирса-да, товар эмас, чунки у айирбошлангани йўқ. Учинчи қисм товарга айланади, чунки у бозорда сотилади. Демак, маҳсулот фақат истеъмолни қондириш билан товар бўлиб қолмайди, бунинг учун уни инсон меҳнати яратиши керак, товар бошқалар эҳтиёжини қондирилганлигидан олди-сотди қилиш учун ишлаб чиқариладиган бўлиши зарур.

Айирбошлаш юз бериши учун меҳнат маҳсули нафлигининг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун айирбошланадиган маҳсулотлар маълум миқдорий нисбатда бир-бирига тенглаштирилиши шарт.

Хулоса қилсак, маҳсулот товар бўлиши учун икки хусусиятга эга бўлиши керак: истеъмол қийматиغا, яъни инсоннинг бирон-бир эҳтиёжини қондириши шарт; алмашув қийматиغا, яъни бошқа товарга маълум миқдорий нисбатда айирбошлана олиши керак. Бу товар хусусиятлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Товар истеъмол қиймат тариқасида истеъмолга, алмашув қиймати тариқасида сотишга ишлаб чиқарилган.

Товар — бу шундай буюмки, у ижтимоий хусусиятга эга. Шу сабабли инсонлар товарларни олиш-сотиш орқали иқтисодий муносабатларга киришадилар, бозор орқали алоқа ўрнатадилар.

3. Товар қиймати ва уни белгиловчи омиллар

Биз юқорида кўрдикки, товарлар бир-бирига маълум миқдорда айирбошланади. Миқдорий нисбат сунъий бўлмайди, албатта. Унинг асосида товарларга сарфланган меҳнат ётади. Масалан, бугдой эгаси уни сотиб, газлама олади. Бир кг бугдой пулига 0,5 м газлама келади. Бунда 1 кг бугдой = 0,5 м газлама нисбати ҳосил бўлади.

Табиий, бу ерда савол туғилади, нима учун 0,5 м, нега 0,8 ёки 0,2 м эмас? Айирбошлаш мутаносиблиги нимага асосланади? Баъзи бир иқтисодчилар ҳар қандай айирбошлаш асосида талаб ва таклиф ётади деб таъкидладилар.

Инглиз иқтисодчиси Д. Макмод фикрича, талаб ва таклиф ораллигида ягона нарх дастаги мавжуд қиймат деб аталади. Унинг таъқидлашича, агарда бозорда айирбошланидиган бугдойга таклиф талабдан кўп бўлса, унда бугдойнинг алмашув қиймати камайди, 1 кг бугдойни айирбошлаш учун 0,5 м дан камроқ газлама керак. Агар бугдойга талаб кўп бўлса, аксинча, бугдойнинг алмашув қиймати ошади, унда 1 кг бугдойга 0,5 м эмас, балки 0,75 м ва ундан ортиқ газлама берадилар.

Талаб ва таклиф ҳақиқатан айирбошлаш мутаносиблигига таъсир кўрсатади, лекин товарнинг алмашув қийматини яратмайди. Фараз қилайлик, талаб билан таклиф бир-бирига тўғри келди, яъни бугдой қанча талаб қилинса, у шунча бор. Бундай ҳолатда алмашув мутаносиблиги нима асосида ўрнатилади? Нима учун 1 кг бугдой 0,5 м газламага айирбошланади? Нега бошқача миқдорда бўлмайди? Бу саволга талаб ва таклиф назарияси жавоб бера олмайди.

Энди бошқа таълимот борки, бунга биноан айирбошлаш мутаносиб товарларнинг истеъмол учун нақадар фойдалилиги, яъни нафлиги билан белгиланади. Бу тўғрисида Австрия иқтисодчиси Е. Бем-Баверк қуйидагича фикрни билдиради: буюмнинг нархи, бу буюмнинг фойдалилиги билан белгиланиши керак. Бундай қараганда бундай гоё тўғри ва етарли даражада ишонарли, буюм қанчалик фойдали бўлса, истеъмолчига шунча зарур бўлади, унинг нархи, баҳоси шунча юқори бўлади.

Лекин ҳаётда буюмларнинг фойдалиги товарларни айирбошлаш учун асос бўла олмайди. Агар товарлар фойдалигига қараб айирбошланса, унда инсон эҳтиёжи учун керакли бўлган: нон, гўшт, сут ва бошқалар ҳамма товарларга қараганда қиммат бўлиши керак, улар нафли бўлганидан кўпгина товарга айирбошланиши керак. Бироқ бизга маълумки, шундай товарлар борки, сут ва нон каби зарур эмас, лекин улар жуда қиммат туради.

Бундай ҳолатни кўриб, оғт фойдали маҳсулот арзон бўлиши керак экан, деган хулосага келиш нотўғри. Мисол учун, қуруқ беда ем тариқасида сомонга қараганда фойдали, лекин сомонга қараганда қиммат. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Товарларнинг фойдалиги билан алмашув қиймати ўртасида боғлиқлик бор, аммо бу ягона сабаб эмас. Бир буюм фойдали ва қиммат, бошқаси — фойдали, лекин арзон. Бу ерда табиийки, бир нечта савол туғилади.

Товарлар айирбошлаш мутаносиблигига фақат истеъмол қиймати (фойдалилик) асос бўла олмайди. Айирбошланадиган товарлар турли-туман бўлганидан уларнинг ўлчами ҳам бир хил эмас, уларнинг моддий ўлчами метр, кубометр, килограмм, дона, гектар, квадрат метр ва ҳ. к.; яъни моддий ўлчам билан товарларни тенглаштириб бўлмайди. Айтайлик, литрни метрга тенглаштириб бўлмайди. Товарларни тенглаштириш учун асос — уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнатдир. Бугдой, газлама, машина, игна, болта, самолёт — бу ҳаммаси инсон меҳнати маҳсули. Товарни тенглаштириш ҳамда айирбошланиши учун уларга бир хил миқдорда меҳнат сарф қилиниши керак. Шу сабабдан 1 кг бугдой 0,5 м газламага тенглашади. Сабаб 1 кг бугдойни еттиштириш учун кетган меҳнат 0,5 м газламага кетган меҳнатга тенг. Товарда гавдаланган меҳнат унинг қийматини вужудга келтиради. Албатта, бу ерда жами ишлаб чиқариш босқичларида сарфланган меҳнатнинг ҳаммаси назарда тутиляпти.

Ҳар қандай товарнинг истеъмол қийматини, унинг фойдалигини сезиш ёки билиш мумкин. Лекин товар қийматида моддийлигининг заррачаси ҳам бўлмайди, уни сезиш қийин. «Сиз ҳар қандай товарни ушлаб, қараб кўришингиз мумкин, — деб ёзади К. Маркс, — лекин унинг қийматини ушлаб бўлмайди».¹ Истеъмол қиймати товарнинг ҳар хил табиий хусусиятларини ифода этади, қиймат эса ижтимоий, социал-иқтисодий хусусиятларини ифода этади.

Қиймат меҳнат маҳсули бўлиб, товарнинг ички хусусиятини ифода этади. Товар ўзида истеъмол қиймати ва қийматни биргаликда мужассам этади, лекин улар ўзини алмашув қиймати орқали ифода қилади.

Товар қиймати манбаи, юқорида таъкидлаганимиздек, меҳнат. Буни биринчи бўлиб инглиз сиёсий иқтисодининг дастлабки намояндаси В. Петти асослаган. Қийматнинг ҳажми бевосита унга сарфланган меҳнатнинг миқдори билан белгиланади. Мисол учун, илгарилари алюмин ишлаб чиқаришда кўп миқдорда меҳнат сарфланар эди ва у олтиндан ҳам қиммат турарди. Шу сабабли Наполеон кийимига алюмин туғма тикқаялар. Кейинчалик алюмин ишлаб чиқаришга кам меҳнат сарфланиб, у олтинга қараганда анча арзон бўлган. Тарихан бундай ҳолатни темир мисолида ҳам кўриш мумкин. Темир буюмини ишлаб

¹ К. М а р к с. «Капитал», I том. 59-бет.

чиқариш жуда қийин бўлган олдинги даврларда бир жанг-чини қуроолантириш юз буқадан ҳам қиммат турган. Кейинчалик темир буюмни яратишга сарфланадиган меҳнат бир неча марта камайди ва натижада темир бир неча марта арзовлашди. Шундай қилиб, меҳнат сарфи қанча кам бўлса, товар қиймати шунча пасаяди ёки аксинча.

Меҳнат сарфлари ва қийматни бир-бирига аралаштириш асло мумкин эмас. Ҳамма меҳнат сарфи ҳам қийматни яратмайди. Мисол учун натурал хўжалик шароитида меҳнат сарфлаш орқали маҳсулот яратилган, лекин ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари истемол қилганлар. У даврда меҳнат сарфланганига қарамай, маҳсулот товарга айланмаган ва қийматга эга бўлмаган. Бинобарин **фақат товар яратилганда меҳнат сарфи қийматни билдиради.**

Товар хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари муайян мулк шаклига /хусусий, жамоа, давлат мулкига/ таянади, айни вақтда ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи яқка тарзда меҳнат қилади. Унинг меҳнати қандай маҳсулот яратишга ихтисослашган бўлишига қарамасдан жамият учун зарур, шу нуқтани назардан, у ижтимоий меҳнатнинг бир бўлаги ҳисобланади. Лекин бир товар ишлаб чиқарувчининг бошқалари билан алоқаси бозорда юз беради. Товар яратганда эса таваккалига иш қилинади, ишлаб чиқарувчи ўз товари қанчалик кераклигини билмаслиги ҳам мумкин. Буни бозорда товарнинг ўтиши ёки ўтмаслиги аниқлайди. Қиймат меҳнат натижасида ишлаб чиқаришнинг ўзида яратилади, лекин бозорда намоён бўлади. Товар буюм шаклида бўлса-да, унинг қийматини буюмлар муносабати деб унга моддий тус бериш нотўғри. Қиймат товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги **иқтисодий муносабатни** билдиради. Қисқаси қиймат бу иқтисодий категориядир.

Қиймат одамларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги муносабатларини ифода этади, лекин улар товарни бозорда олиш-сотиш орқали юзага чиқади, бинобарин, қиймат маҳсулотнинг табиий эмас, балки ижтимоий-иқтисодий хусусиятидир. Натурал хўжалик шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулот /масалан, дон/ ўзининг табиий сифати билан товар шаклига кирган маҳсулот (дон)дан фарқ қилмайди, лекин иқтисодий жиҳатдан фарқланади, хусусан, бирининг қиймати бўлмаса иккинчисиники бор.

Қиймат тарихий категория бўлиб, товар ишлаб чиқаришининг вужудга келиши билан боғлиқ, чунки у фақат товарнинг хусусиятидир. Товар хўжалигининг классик назариясига кўра, товар икки ёқлама хусусиятли бўлиши-

га /истеъмол қиймати ва қиймат/ сабаб товар ишлаб чиқарувчи меҳнатининг икки томонламалигидир. Товар ишлаб чиқарувчи меҳнатининг ўзи, биринчидан, муайян турдаги меҳнат, иккинчидан, умуман инсон меҳнатидир. У ўзига хос меҳнат қуроли ва предметларининг қўлланилиши, ишлаб чиқариш юмушларининг ўзига хослиги, ходимнинг касбий малакаси ва унинг мутлақо конкрет натижа бериши, муайян турдаги истеъмол қийматини яратипи билан характерланади. Шунинг учун **истеъмол қийматини яратган меҳнат конкрет меҳнат деб аталади**. Меҳнат аниқ бир маҳсулот яратади. Масалан, тўқувчи меҳнати — газлама, деҳқонники — пахта, олимники — илмий кашфиёт беради. Демак, конкрет меҳнат истеъмол қийматини яратади.

Биз биламизки, бозорда ҳар хил истеъмол қийматига эга бўлган товарлар айирбошланади. Бу ерда айирбошлаш бўлишига сабаб — ҳамма товарлар ўзининг аниқ шаклидан қатъи назар, умуман инсон меҳнатининг натижаси бўлишидир.

Ҳар бир ишловчи касбга эга бўлишидан қатъи назар, меҳнат жараёнида ўзининг ақлий ва жисмоний қувватини сарф қилади. Инсон иш кучининг физиологик маънода сарф қилиниши ҳамма турдаги конкрет меҳнатларга хос умумий белгидир.

Меҳнат аниқ шаклидан қатъи назар умуман сарфланган иш кучидир, жами ижтимоий меҳнатнинг қисмидир. Ўзининг шу сифатида меҳнат **абстракт меҳнат деб аталади**, бу меҳнат товар қийматини яратади («абстракт сўзи ўзбек тилида мавҳум деган маънони билдиради»). Шунинг учун гоҳида (абстракт меҳнат» деганда инсоннинг нима ишлаб чиқаришидан қатъи назар ақлий ва жисмоний қувватини сарф қилиши тушунилади. Меҳнатни мавҳумлаштириш онг маҳсули деб бўлмайди. У инсоннинг онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда юз беради. Товар ишлаб чиқарувчи ўз товарини бошқасига айирбошлаганда умуман меҳнат сарфини таққослайди, чунки меҳнатнинг аниқ турини таққослаб бўлмайди.

Энди бу ерда шундай савол туғилади. Ҳар қандай ақлий ва жисмоний қувватларнинг сарф қилиниши абстракт меҳнатни вужудга келтирадими? Йўқ, албатта. Агар товар хўжалиги бўлмаса, абстракт меҳнат ҳам бўлмайди.

Абстракт меҳнат товар ишлаб чиқаришга хос категориядир. Маҳсулот товарга айланган шароитда, у олди-

соғди этилгандагина ақлий ва жисмоний қувват сарфи абстракт меҳнатга айланади.)

Товар ишлаб чиқарувчи бир томондан алоҳидалашган бўлса, иккинчи томондан ижтимоий меҳнат тақсимоги орқали бошқалар билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса абстракт меҳнатни юзага келтиради. Меҳнат қиймати яратмаганида ҳар бир товар ишлаб чиқарувчининг меҳнати бир вақтни ўзида ҳам абстракт, ҳам конкрет меҳнат бўлмайди. Бинобарин, товар хўжалиги ишлаб чиқарувчининг меҳнатига икки ёқлама характер беради.

Хўжалик амалиётида товар ишлаб чиқарувчилар меҳнати хусусий, алоҳидалашган бўлиб, улар нима хоҳласа, ўшани ишлаб чиқариши мумкин. Лекин барибир ҳар бир кишининг меҳнати жамиятдаги меҳнатнинг бир бўлаги бўлиб қолаверади. Шу сабабли товар хўжалиги шароитида ҳар бир ишлаб чиқарувчи фақат ўзининг шахсий меҳнати орқали ўз эҳтиёжини қондира олмайди. Бунинг учун у бошқалар меҳнатига боқиб, улар билан товар айирбошлаши керак. Демак, (ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи меҳнати бевосита хусусий, ammo шу билан биргаликда ижтимоий меҳнатнинг таркибий қисмидир.

Товар қиймати меҳнат билан белгиланади деб айтдик. Албатта, меҳнатнинг табиий ўлчами иш вақти бўлиши керак. Ammo меҳнат мазмунан ҳар хил бўлганидан вақт бирлигида унинг сарфи ҳар хил бўлади. Шу сабабли амалда товар қийматини вақт сарфи билан ўлчаш қийин, албатта. Назарий жиҳатдан вақтни асос деб олиш мумкин, ammo индивидуал ва ижтимоий зарур иш вақтини фарқ қилиш керак. **Индивидуал иш вақти** деганда бирор бир турдаги товарни ишлаб чиқариш учун айрим ишлаб чиқарувчининг сарф қилган вақти тушунилади. Маълумки, бир турдаги товар яратиш учун ишлаб чиқарувчилар ҳар хил иш вақти сарфлайдилар. Бу асосан уларнинг малакасига, билимига, иш вақтидан тўғри фойдаланишига, меҳнат қуролининг қай даражада унум бераолишига боғлиқ бўлади.

Шартли равишда бирор бир турдаги маҳсулот, айтайлик, стул ишлаб чиқарадиган учта корхонани олайлик. Улардан бири яхши, иккинчиси ўртача ва учинчиси ёмон корхона ҳисобланади. Ўртача корхона умумий ҳажмдаги стулларнинг 70 фоизини яратади ва ҳар бир стулга 4 соат вақт сарф қилади деб фараз қилайлик. Яхши корхона 20 фоиз стулларни ишлаб чиқаради, ҳар бир стул ишлаб чиқариш учун 2 соат сарфлайди. Ёмон корхона 10 фоиз

стулларий ишлаб чиқаради, у ҳар бир стул учун 6 соат сарф қилган. Хўш, қайси корхонанинг меҳнат сарфи товар қийматини белгилайди. Албатта, ўртачасиники! Нима учун? Чунки товарларнинг асосий қисмини шу корхона етказиб берапти. Бу корхонадаги иш вақти ижтимоий зарур иш вақтини ташкил этади, у талабни қондиргани учун эътироф этилади.

Бундан кўриниб турибдики, индивидуал эмас, балки ижтимоий зарурий иш вақти товар қийматини белгилайди. Ижтимоий зарурий иш вақти жамият аҳтиёжини қондириш учун керак бўлган вақтдир. Шу сабабли бу вақтни англатувчи қийматни бозор тан олади. Ижтимоий зарур вақт — бу товарлар аксарият қисмини яратишга сарфланган вақт бўлиб, ўртача техника даражаси, меҳнат малакаси ва маҳорати, шунингдек, ўртача меҳнат шиддати (интенсивлиги) шароитидаги сарфни билдиради.

Товар қиймати меҳнат сарфини билдирганидан унинг миқдори доимий эмас, балки ўзгарувчандир. Қиймат миқдори меҳнат сарфининг кўпайиши ёки камайишига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигига нисбатан тескари мутаносибдир. Унумдорлик ошса, қиймат камайди ва аксинча. Унумдорлик ошса вақт бирлигида яратилган товарлар кўпаяди, бинобарин, ҳар бир товар камроқ вақт сарфлаган ҳолда ишлаб чиқарилади.

Шундай қилиб, қиймат миқдори меҳнат самарасига нисбатан тескари ўзгаради. Меҳнат унумдорлигидан фарқлироқ меҳнат шиддатининг ортиши қийматни ҳам оширади, яъни унга нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгаради.

Меҳнат унумдорлиги ва интенсивлигининг бир-бирига ўхшаш томони шундан иборатки, уларнинг ҳар иккаласи ошган шароитда товарлар миқдори ортади, лекин уларнинг қийматга таъсири бир хил эмас.

Агар меҳнат унумдорлиги вақт бирлигида яратилган маҳсулот миқдорини билдирса, меҳнат интенсивлиги вақт бирлигида қанча меҳнат сарф бўлганини билдиради. Шу сабабдан меҳнат интенсивлигининг ортиши қийматни ҳам оширади, чунки товарлар сони кўпайгани билан товар бирлигига кетган меҳнат сарфи ҳам ошади.

Масалан, пойафзал фабрикасида бир ишчи кунига бир дона абллар этигини тикади ва у 20 долларга сотилади. Фабрикада ишлаб чиқариш технологияси ўзгармагани ҳолда шиддат билан ишлаш туфайли бир ишчи 2 дона этик яратди ва у 42 долларга сотилди. Бунда товар қийматининг миқдори ошди, холос. Нима ҳисобига? Маълум

вақт бирлиги давомида меҳнат сарфи кўп бўлиши ҳисоби-га. Айтилган корхонада янги технология жорий этилиб, ишчилар малакаси оширилиши натижасида ҳар ишчи 2 дона этик ярата бошлайди. Ҳар бир этик 10 доллардан сотилади. Бунда меҳнат унумдорлиги ортиб, меҳнат сарфи қисқарганидан қиймат камайди ва этик арзонлашди.

Товар айирбошлаш жараёнида меҳнатнинг қийинлик даражаси ҳам ҳисобга олинади. Маълумки, оддий ва мураккаб меҳнат бор. Махсус тайёргарлик кўрмасдан, ҳар қандай жисмоний жиҳатдан соғлом одам бажариши мумкин бўлган меҳнат оддий меҳнат ҳисобланади. Лекин, шундай меҳнат борки (масалан, токар, ижженер, созловчи меҳнати), у маълум даражада касбий малака ва маҳорат, яъни махсус тайёргарлик талаб қилади. Бу мураккаб меҳнатдир. Мураккаб меҳнат сарфи натижасида вужудга келган товар қиймати шу вақт бирлигида оддий меҳнат сарфланиши орқали яратилган қийматдан юқори бўлади. Нима учун? Сабаб шуки, мураккаб меҳнат махсус тайёргарлик талаб қилади, унинг соҳиби юксак савияли бўлиши керак. Мураккаб меҳнат сарфланиб ишлаб чиқарилган бир товарга кўп миқдордаги оддий меҳнат сарфланган товар айирбошланади. Мисол учун мураккаб меҳнат маҳсули бўлган бир дона компьютер 1 000 доллар туради, шу пулга 8 дона жостюм ёки 40 дона туфли ёки 200 кг гўшт олиш мумкин. Одатда мураккаб меҳнат сифатлироқ маҳсулот беради.

Хуллас қийматнинг ички мазмуни унинг ўлчов мезони меҳнатнинг миқдори ва сифатидир. Лекин амалиётда товарлар қийматини меҳнатнинг ўзи билан эмас, балки уни ифода этувчи бошқа ўлчов билан аниқланади. Бу ўлчов воситаси пулдир. Шу сабабли бозорда товар сотилганда, у шунча пул туради деб айтаемиз. Ҳеч ким товар шунча соат туради ёки шунча килоколлория энергия сарфи туради деган фикрни хаёлига ҳам келтирмайди. Пул товар хўжалигининг маҳсули, фақат унга хизмат қилади.

4. Пулнинг пайдо бўлиши

Энди пул нима, у қандай пайдо бўлганини кўриб чиқамиз. Бу саволга жавоб беришдан олдин Робинзон Крузони эслайлик. Кема фалокатга учрагандан кейин, унга пулдан бошқа ҳамма буюмлар асқотади. У олтин пул топиш учун озмушча меҳнат қилмаган. У бирдан яккаланиб

қолгандан кейин ундаги пул ҳар қандай қийматини йўқотади. Тангага қараб Робинзон Крузо «Ҳеч кимга кераксизсан, мен учун нима керагинг бор», деб хитоб қилади. Нега? Чунки у яккаланиб, бозор муносабатига асосланган жамиятдан чиқиб кетди. У ҳамма нарсани ўзига-ўзи ярата бошлади, пулга товар айирбош қилмай қўйди. Бинобарин, товар ишлаб чиқариш бор жойда пул керак экан.

Пулни товар айирбошлашнинг ўзи яратади. Пул узоқ тарихий ривожланиш маҳсулидир. Товар хўжалигининг ривожланиши товар қийматининг ифодаси бўлмиш пулни келтириб чиқарди. Дастлабки товарлар пулсиз бири-бирига бевосита айирбошланган. Бу айирбошлаш дастлаб тасодифий бўлса, кейинчалик муттасил такрорланиб турган. Маҳсулотни айирбошлаш учун ишлаб чиқармаганлар, лекин ортиқча маҳсулотлар пайдо бўлган, улар тасодифий шаклда айирбошланган. Нима учун тасодифий деган савол туғилади? Бунга сабаб, биринчидан, айирбошлаш ишлаб чиқарувчилар тасодифан учрашиб қолгандагина юз берган. Иккинчидан, айирбошлаш ўта содда тусга эга бўлган, яъни маҳсулот айирбошланадими ёки йўқми — эгаси учун ҳеч қандай иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган.

Бундай айирбошлаш муносабатларида қийматнинг оддий ёки тасодифий шакли пайдо бўлади. Тасодифий айирбошлаш меҳнат маҳсулининг товарга айланганлигини ифодалайди. Айирбошлаш оқибатида товар маҳсулоти ўзига тенг қийматли эквивалент маҳсулотга айирбошланади. Айирбошлаш муносабатларида ҳар бир товар ҳар хил ролни бажаради. Ўз қийматини бошқа товарда ифодаловчи товар қиймати нисбий шаклда бўлади (товар А товар Б га алмашса, у нисбий шаклда). Товар Б эса қийматни ўзида ифода этувчи материал бўлиб хизмат қилапти, унинг қиймати эквивалент қиймат бўлади. Демак, айирбошлашда қийматнинг ҳам нисбий, ҳам эквивалент шакли мавжуд бўлади.

Аммо икки шаклдаги товарнинг истеъмол қиймати ҳар хил бўлади, ақс ҳолда улар алмашилмайди. Товар А ни товар Б га тенглаштириш учун уларнинг фойдалиги турлича бўлиши шарт, ақс ҳолда улар айирбошланмайди. Товар нисбий ёки эквивалент қиймат шаклида бўлишидан қатъи назар ўзининг табиий сифатини сақлаб қолади. Айтилган шаклларда ҳар хил товарлар бўлиб, улар ўрин алмашиб турадилар. Нисбий шаклдаги товар эквивалент

шаклига ўтади ва аксинча ҳам бўлади. Товар айирбошлаш ривожланиши билан тасодифий қиймат шаклидан тўла ёки кенгайган шаклга ўтилган. Бундай айирбошлашда кўп товарлар иштирок этади, бир товарнинг ўзи бир неча товарга айирбошланади. Мисол учун Судан негрларида тузга қуйидагича товарлар айирбошланган:

$$10 \text{ қоп туз} \quad \left\{ \begin{array}{l} = 10-15 \text{ қўй} \\ = 20-30 \text{ эчки} \\ = 2 \text{ буқа} \end{array} \right.$$

Тасодифий айирбошлашда бир товарга қарама-қарши фақат битта товар туради. Кенгайтирилган шаклда нисбий қийматда турган товарга (бизнинг мисолимизда 10 қоп тузга) бир неча товар айирбошланипти, яъни туз эчки, қўй, буқада ўз қийматини ифода этапти. Бунда бир товар нисбий қиймат шаклида, қолганлари эквивалент қиймат шаклида туради.

Қийматнинг бундай шакли асосида товар айирбошлаш орқали ўсаётган эҳтиёжларни қондириб бўлмайди, чунки керакли товар топиш учун кўп овора бўлинади. Мисолимизда туз эгасига қўй, қўй эгасига эса буқа керак бўлади. Агар қўй эгаси тузга мухтож бўлмаса-ю, туз эгаси ҳатто қўйга эҳтиёжи бўлса ҳам айирбошлаш бўлмаслиги мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан айирбошланадиган маҳсулотлар соши ҳам ортиб боради, бинобарин, айирбошлашда қийинчилик ҳам кўпаяди. Аста-секин товарлар орасидан ҳамма товарларга айирбошланаоладиган ва ҳамма товарлар қийматини ўзида ифода эта оладиган махсус товар ажралиб чиқади. Шундай товар пулдир. Турли вақтда ҳамма жойнинг табиий шароитига қараб ҳар хил товар умумий айирбошланиш хусусиятини олган. Мисол учун, бирида мўйна, иккинчисида дон, учинчисида қўй-эчки каби товарлар амалда, пул вазифасини ўтаган. Товарлар дунёсидан чиққан махсус товар қолган барча товарлар учун умумий эквивалентга айланади. Қийматнинг кенгайган шакли аста-секин қийматнинг эквивалент шаклига айланади. Энди бир неча товарлар ўз қийматини битта товарда ифода этади.

$$\left. \begin{array}{l} 1 \text{ қоп буғдой} = \\ 10 \text{ кг чой} = \\ 40 \text{ кг кофе} = \end{array} \right\} 10 \text{ та қўй}$$

$$\left. \begin{array}{l} 0,5 \text{ тонна темир} = \\ 2 \text{ унция}^1 \text{ олтин} = \end{array} \right\} 10 \text{ та кўй}$$

Бу ерда умумий эквивалент ролини товарлардан фақат биттаси бажарган. Юқорида таъкидлаганимиздек, энди барча товарларнинг қиймати бир товарда ифодаланади, бу товар ижтимоий меҳнатнинг бевосита ифодаси сифатида чиқади. Умумий эквивалент товар ҳамма товарларга айирбошланиш хоссасига эга.

Умумий эквивалент зарурлиги боиси шуки, ишлаб чиқариш тараққиётининг муайян босқичида айирбошлаш мунтазам ҳодисага, иқтисодий ҳаётнинг муҳим омилига айланади. Айирбошлашсиз яшаб бўлмай қолади, ҳар бир ишлаб чиқарувчи меҳнатига умумий ўлчов керак бўлади. Фақат умумий эквивалент умумий ўлчов воситаси бўлади.

Қийматнинг оддий ва кенгайган шакллари шароитида айирбошлашда шубҳасиз қийинчиликлар бўлган. Бироқ улар катта аҳамиятга эга бўлмаган, чунки айирбошлашнинг ўзи тасодифий, номунтазам характерга эга бўлган, усиз ҳам кун кўриш мумкин эди. Айирбошлаш доимий ҳаётий заруратга айланганлиги сабабли уни амалга оширишдаги қийинчиликлар товар ишлаб чиқарувчиларнинг тақдирига бевосита таъсир қилган. Товар ишлаб чиқарувчилар яшаши учун ўз товарини керакли бошқа товарга айирбошлашлари ёхуд унинг эвазига ҳар турли товарларга айирбошлаш мумкин бўлган товар олишлари лозим бўлган.

Иқтисодий зарурат эквивалентнинг пайдо бўлишига олиб келади, у кишилар ўртасидаги келишув натижаси эмас. Ҳаётнинг ўзи тақозо этган муносабатлар туфайли оддий товар кўринишидаги умумий эквивалент ўрнига пул шаклидаги эквивалент майдонга келади:

$$\left. \begin{array}{l} 1 \text{ қоғ бугдой} = \\ 10 \text{ та кўй} = \\ 10 \text{ кг чой} = \\ 40 \text{ кг кофе} = \\ 0,5 \text{ тонна темир} = \end{array} \right\} 2 \text{ унция олтин}$$

Бунда олтин оддий товар эмас, балки пул кўринишини олади. Пул шаклидаги қиймат қуйидагилар билан фарқ қилади. Биринчидан, умумий эквивалентликни фақат

¹ У н ц и я — 35,6 грамм.

битта товар (пул) танҳо бажаради, иккинчидан, умумий эквивалентлик вазифасини бажарувчи пул тор ички бозордан чиқиб, давлатлараро, ҳатто халқаро миқёсга тарқалади, кенгроқ ҳудуд олади.

Шундай қилиб, товар ишлаб чиқаришнинг узоқ вақт ривожланиши натижасида пул вужудга келади.

Пул нима? Пул — бу шундай махсус товарки, у ҳамма бошқа товарлар учун умумий эквивалент вазифасини бажаради. Ҳамма бошқа товарлар сингари пул ҳам қиймат, ҳам истемол қийматига эга. Бу маънода у бошқа оддий товарлардан фарқ қилмайди.

Пулга хос муҳим белги унинг алоҳида товарлигидир. Пул шундай кучга эга бўладики, у умумий ижтимоий қийматга эга, ҳамма товарларни харид этиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Пул товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнида кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ифода этади. Шу сабабли, товар-пул муносабатлари пайдо бўлади.

Пул родини қандай товарлар ўйнаган? Турли халқларда пул вазифасини турли хил товарлар, масалан, Қадимги Юнонистон, Римда, араб ва ҳинд қабилаларида чорва бажарган.

XX аср бошларида Африканинг баъзи бир халқларида чорва пул бўлиб хизмат қилган. Машҳур инглиз сەҳнатчиси Ливингстоннинг айтишича, маҳаллий халқ унда Англия қиролчаси бойлигини билиш мақсадида, қанча моли бор деб сўраган.

Латинлар пулни «ресиния» деб атаганлар. Латин тилида «ресия» — «чорва» деган маънони билдиради. «Капитал» сўзи ҳам пул сингари «чорва» сўзи билан боғлиқ. Чорва мол бошига қараб ҳисобланган ва «капитал» сўзи латинча «капит» — бош (қўнчиликда — капита) сўзидан олинган.

Тинч Океан ва Африка халқларида қимматли чиганоқлар пул вазифасини бажарган. Марказий Африкада Фил суяги, Қадимги Мисрда —буғдой, Хитойда—туз, Мўғилистонда — чой айирбошлаш жараёнида пул вазифасини бажарган. Қимматбаҳо металллар қадим замонлардан бери пул вазифасини ўтаб келган. Милоддан олдинги 3 минггинчи йилларда Шумер давлатида асал ва қумуш пул вазифасини бажарган. Қумуш пуллар милоддан олдинги 2 минггинчи йиллари Осиё мамлакатларида кенг тарқалган. Рубль деган пул XII—XIII асрларда пайдо бўлиб, қумуш-

ни бўлиш, бўлакларга ажратиш (рубить) деган маъно беради.

Майда савдо ривожини майда пулни зарур қилиб қўйган. Танга пулнинг (майда пул) ватани қадимги Лидия давлати ҳисобланади. Бу давлатда биринчи танга милоддан аввалги VII асрда вужудга келган. Бироз кейин Юнонистоннинг Эгина шаҳрида танга ишлаб чиқариш бошланади. Қадимги Римда танга ишлаб чиқарадиган жой юнонлар монет деб атаган ибодатхона бўлган. Бу ердан «монета» сўзи келиб чиққан. Муомалага нодир металллар, яъни олтин ва қумушдан тайёрланган пуллар чиқарилган.

Нима учун олтин пулга айланди? Бунинг сабаби олтиннинг табиий хусусиятлари билан изоҳланади. Биринчидан, олтиннинг қиймати юқори, ҳажми кичик, иккинчидан, олтинни бўлакларга бўлинишдан қатъи назар унинг сифати бугунлигидай қолади. Бошқа товарларда, масалан, қорамолда бундай хусусият йўқ. Учинчидан, савдо соҳасидаги майда муомалаларни бажариш учун олтиннинг катта қийматли бўлаги майда қисмларга — тангаларга бўлина олади. Тўртинчидан, олтин яхши сақланади. Бешинчидан, олтин олиб юришга қулай. Аммо олтиннинг пулга айланиши унинг табиий хоссасидан эмас, балки товар бўлишидан келиб чиқади.

Ҳар бир мамлакатнинг ўз пул бирлиги бўлади. Ҳозир доллар, динар, рубль, лира, рупий, фунт, марка, сўм, танга каби пуллар мавжуд.

Пул белгиларининг номланиши тарихан шаклланган. Пул, биз юқорида қайд қилганимиздек, айирбошлаш жараёнидан алоҳида ажралиб чиққан товар. Эквивалент ролини ўйнаш учун авваламбор ўзи қийматга эга бўлиши керак. Шунинг учун маълум миқдордаги олтин ёки қумуш пул у айирбошланаётган товар қийматиغا мувофиқ бўлиши керак. Шунинг учун кўп тангаларнинг номи оғирлиги ва ҳажмидан келиб чиққан. Англиянинг фунт стерлинги фунт оғирлигида қумуш деган маънони билдиради. Италия лираси ҳам «либра» сўзидан келиб чиққан, бу сўз римликларнинг оғирлик бирлигида ишлатилган. Қадимги Римда қумуш динар деган танга ҳам бўлган, у 10 фунт асалга тенг бўлган. Динар латин тилида «ун» деган маънони билдиради.

«Доллар» «тахлер» сўзидан келиб чиққан бўлиб, бу катта қумуш тангаларни билдирган, Голландия, Венгрия, Германия бозорларида муомалада юрган. Чехияда руда қазиб олувчилар қисқа қилиб «талер» деб атаганлар, улар

XVI асрда пул зарб қилиш учун хом ашё қазиб олиш билан шуғулланганлар.

Моҳиятан пул ижтимоий меҳнат ва қийматни билдиради. Пул учун ижтимоий меҳнат қайси соҳада сарфланганлиги ва қиймат қаерда яратилганлиги фарқсиздир. Қимнинг пули бўлса, у ижтимоий меҳнатнинг тегишли қисмини ўзи истаган натурал (товар) шаклида олиш ҳуқуқига бевосита эга бўлади. Пулнинг ҳамма нарсадан қудратлилиги ҳам шундан келиб чиққан. Унинг моҳиятини буюк иқтисодчи К. Маркс қуйидаги ибора билан ифодалаган: «Индивид ўз ижтимоий ҳокимиятини, ўзининг жамият билан алоқаси каби, ўз чўнрагида олиб юради»¹.

Товарлар дунёсининг товар ва пулга ажралиши истеъмол қиймати билан қиймат ўртасидаги ички қарама-қаршилиқнинг ташқи ифодасидир. Айирбошлаш муносабатининг бир қутбда истеъмол қиймати сифатидаги барча товарлар турса, бошқа қутбда уларга қийматнинг тимсоли сифатидаги пул туради. Демак, товарнинг қарама-қарши томонлари ҳатто масофа жиҳатдан ҳам бўлинган бўлиб чиқади.

Товар ва пулнинг алоҳидалашуви оқибатида товарнинг ички зиддияти — истеъмол қиймати билан қиймат ўртасидаги зиддият ҳал этилади. Агар товар пулга сотилса, бу билан унинг истеъмол қиймати қимгадир кераклигини биламиз, унинг қийматга эга эканлиги ҳам исботланган бўлади. Пул шаклидаги қиймат товар ишлаб чиқарувчи қўлида қолади ва у қийматнинг миқдорига мувофиқ равишда ўзига керакли ҳар қандай истеъмол қийматини олиш имконига эга бўлади. Пул товар хўжалиги маҳсули экан, хўжалик ривожланиши билан пулда ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Пул иқтисодиётнинг муҳим қуролига айланади. Пул бозор иқтисодиётининг муҳим унсурини ташкил этади. Ҳозирги иқтисодий ҳаётни пулсиз тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Пул пайдо бўлиши билан жамиятда пулга доир иқтисодий муносабатлар келиб чиқади. Пул муомаласини уюштириш, пулларни айирбошлаш, уларни сақлаш, тақсимлаш, бўш пулни қарзга бериш, яъни уни сотиш, пул воситасида молияни ташкил этиш каби иқтисодий алоқалар юзага келади. Пул ҳақида кўпгина фикр-мулоҳазалар кейинги бобларда кўрилади.

¹ К. Маркс, Капитал, 1-том, 124-бет:

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Натурал ишлаб чиқаришнинг қандай белгилари мавжуд?
2. Нима сабабдан натурал хўжалик узоқ сақланган?
3. Натурал хўжаликнинг афзалликлари борми?
4. Товар ишлаб чиқариш қайси жиҳатлари билан натурал хўжаликдан фарқланади?
5. Қандай сабаблар товар ишлаб чиқаришни юзага чиқаради?
6. Товарнинг истеъмол қиймати, алмашув қиймати ва қиймати деган тушунчаларнинг қандай фарқлари бор?
7. Товар ишлаб чиқарувчи меҳнатнинг зиддиятлиги нимада?
8. Индивидуал ва ижтимоий зарур иш вақти деганда нималарни тушуниш зарур?
9. Товар қиймати миқдorigа қандай омиллар таъсир этади?
10. Пул деганда нимани тушунинг керак?
11. Қийматнинг қандай шакллари бўлган?
12. Пулни ким ўйлаб чиқарган?

V БОБ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ ВА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ

1. Меҳнат тақсимои жараянида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви

Ҳар қандай ишлаб чиқариш энг аввал умуминсоний иқтисодий фаолият бўлиб, унга хос белгилардан бири ихтисослашувдир. Ихтисослашув — ишлаб чиқаришнинг муайян маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга мослашувидир. Ихтисослашув асосида меҳнат тақсимои туради. Ҳар бир меҳнат тури аниқ бир маҳсулотни ёки унинг баъзи бир қисмини яратишга қаратилади. Масалан, дурадгор меҳнати ёғоч буюмлар яратишга, чевар меҳнати кийим-кечак тикишга, чорвадор меҳнати гўшт-сут етиштиришга, врач меҳнати тиббий хизмат кўрсатишга қаратилади. Меҳнат турлари аниқ, универсал, яъни ҳамма нарсани бирдан яратишга қодир меҳнат асло йўқ. Жамият аъзоларининг жами меҳнати бу ижтимоий меҳнат бўлиб, унинг турлари ихтисослашади. **Меҳнат тақсимои**

Ижтимоий меҳнатнинг мустақил вазифаларни бажарувчи меҳнат турларига ажралиши жараёнидан иборат.

Меҳнат тақсимоти ижтимоий меҳнат фаолиятининг сифат жиҳатидан ажралишини билдиради. Меҳнат тақсимоти юз берганда бир меҳнат туридан иккинчиси, иккинчисидан учинчиси ва ҳоказо ажралиб чиқади ва шу жараён узлуксиз давом этаверади. Ҳар бир меҳнат тури мустақил вазифани бажаради, лекин бошқа турлар билан боғланган ҳолда ишлаб чиқаришда қатнашади. Меҳнат тақсимоти меҳнат турларини кўпайтириб, уларни айрим кишиларга касб сифатида бирктиб қўяди. Ишлаб чиқаришда ҳар хил меҳнатни бажарувчи кишилар қатнашадики, уларни инглиз иқтисодчиси, классик сиёсий иқтисод асосчиси А. Смит «Иқтисодий индивидлар» деб атаган. Меҳнат тақсимоти ана шу кишиларнинг ўзаро муносабатда бўлишини тақозо этади. Унинг воситасида кишилар ўз фаолияти билан бир-бирига хизмат қилади, яъни аниқ меҳнат тури билан банд бўлган кишилар бошқаларнинг аниқ меҳнати натижаларидан баҳраманд бўладилар.

Фаолият турлари бўйича қаралганда меҳнат тақсимоти уч йўналишда ривожланади: умумий, хусусий, қисман.

Умумий меҳнат тақсимоти— йирик меҳнат турларининг бир-биридан ажралиб, мустақил аҳамият касб этиши, меҳнатнинг йирик соҳаларига бўлиниши. Бунга меҳнатнинг моддий ва номоддий, саноат ва қишлоқ хўжалиги, транспорт ва қурилиш, савдо ва маиший хизмат, маориф ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги меҳнат турларига ажралишидир. Шу жиҳатдан олганда индустриал меҳнат, аграр меҳнат, хизмат кўрсатиш меҳнати мавжуд.

Хусусий меҳнат тақсимоти — йирик соҳалар ичидаги меҳнат тақсимоти. Муайян соҳадаги бир меҳнатдан бошқаси ажралиб чиқиб ихтисослашади, меҳнат турлари кўпаяди. Масалан, қишлоқ хўжалигидаги аграр меҳнат деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик меҳнати турларига ажралади. Саноатда ҳам шундай жараён юз беради, хусусан ундирма ва ишлама, оғир ва енгил саноатдаги меҳнат турлари. Машинасозликни олсак, у ерда автомобилсозлик, тракторсозлик, самолётсозлик, станоксозлик каби тармоқларга хос меҳнат турлари пайдо бўлган.

Қисман меҳнат тақсимоти — корхона доирасида бўладиган меҳнат турларининг ўзаро ажралиб, ихтисослашуви. Бунда меҳнат муайян маҳсулот ишлаб чиқариш босқичлари бўйича, аниқроғи маҳсулот учун керак бўлган айрим қисмларни ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган тур-

ларга ажралади. Масалан, қурилиш корхонасида гипс терувчи, сувоқчи, бўёқчи, дурадгор, электрик, сантехник меҳнати каби турларга ажралади. Меҳнат тақсимоти айтилган уч йўналишда узлуксиз юз беради.

Меҳнатнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши билан биргаликда, унинг муайян майдон доирасида ҳам тақсимланиши юз беради. Меҳнатнинг ҳудудий миқёсда тақсимланиши икки хил бўлади:

1. Ҳудудлараро меҳнат тақсимоти — муайян мамлакат доирасида айрим ҳудудлар ёки минтақалардаги меҳнатнинг ихтисослашуви. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳудудлари борки, улар индустриал ёки аграр меҳнат соҳасида ихтисослашадилар. Ҳар бир ҳудуд доирасида ҳам ички ихтисослашув юз беради. Масалан, аграр ҳудудда дончилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ёки чорвачиликка ихтисосланган кичик ҳудудий бўлинмалар ҳам бўлади.

2. Халқаро меҳнат тақсимоти — меҳнатнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиб, унинг мамлакатлар ўртасида маълум нисбатда ва иқтисодий пафни кўзлаган ҳолда тақсимланиши. Бу меҳнат турининг бир-биридан ажралиши эмас, балки мавжуд меҳнат турларининг айрим мамлакатларга уларнинг устивор фаолияти сифатида бирктилишидир.

Халқаро меҳнат тақсимоти — ижтимоий меҳнатнинг турли давлатлар ёки давлатлар гуруҳи ўртасида тақсимланиши, ишлаб чиқаришнинг байналмилал миқёсда ихтисослашувини билдиради, давлатлараро иқтисодий алоқаларни заруратга айлантиради. Халқаро меҳнат тақсимоти меҳнат тақсимотининг энг юксак даражаси ҳисобланади.

Меҳнат тақсимоти доираси доимо кенгайиб боради. Албатта, миллий доирадаги, яъни мамлакат ичидаги меҳнат тақсимоти умумий ва хусусий тус олгани халқаро меҳнат тақсимотига нисбатан бирламчи бўлади. Мамлакат ичкарисидаги меҳнат турларининг шаклланишига қараб, халқаро меҳнат тақсимоти юзага келади.

Дастлаб у корхона ичидаги ходимлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти шаклида пайдо бўлиб, сўнгра корхоналараро, тармоқлараро, ҳудудлараро ва, ниҳоят, давлатлараро тус олади. Ҳамият миқёсида меҳнат тақсимоти ижтимоий бўлади. Бундай меҳнат тақсимоти халқ хўжалигининг йирик соҳаларга ажралишини билдиради. Қишлоқ хўжалигидан саноат ажралиб чиқиб, мустақил аҳамият касб этади. Ишлаб чиқаришдан ишлаб чиқариш

соҳалари алоҳидалашиб, мустақил вазифаларни бажара бошлайди. Умумий меҳнатдан бошқариш, мудофаа хизматларини бажарувчи меҳнат турлари ажралиб чиқади.

Қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқариш шароитида меҳнат тақсимоти сустр боради, машиналашган, яъни индустриал ишлаб чиқаришга ўтилгач, у шиддат билан кечадди. Машиналашган меҳнат жараёни ўта ихтисослашган бўлиши шарт, акс ҳолда меҳнат унуми тез ўса олмайди.

Меҳнат тақсимоти қанчалик чуқурлашса, шунчалик меҳнат унуми юқорилашади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг нақадар ривож топганини меҳнат тақсимотининг ривожидан кўриш мумкин. Меҳнат универсал бўлса, бунинг устаси фаранги бўлиш қийин. Агар меҳнат қанчалик тор ихтисослашган бўлса, унинг сир-асрорларини чуқур эгаллаб, маҳоратни ошириб, иш унумини кўтариш мумкин, иш операцияларини аниқ бажариб, маҳсулот сифатини таъминлаш мумкин. Хуллас, меҳнатнинг ихтисослашуви унинг унумдорлигини ошириш шартига айланади.

Меҳнат тақсимотининг муқаррар юз бериши ва давом этиши маълум иқтисодий қонун таъсирида боради. Умумий иқтисодий қонулар жумласига меҳнат тақсимоти қонуни ҳам кирадик, унга биноан меҳнат турлари узлуксиз равишда бир-биридан ажралиб, янги меҳнат турлари пайдо бўлади, меҳнатнинг тобора ихтисослашиб бориши, унинг унумдорлигини оширади. Мазкур қонун иқтисод тараққиётининг ҳамма босқичларига хосдир, аммо унинг амалга ошиш миқёси ва шиддати бир текисда бормайди. Қонуннинг кенгроқ ва чуқурроқ амал қилиши меҳнатнинг мазмунига, унинг характериغا боғлиқ. Қўл меҳнати ҳукмрон жамиятда меҳнат турлари консерватив, яъни аста ўзгарувчан бўлади. Муайян меҳнат турлари узоқ сақланиб, улардан янгисининг ўсиб чиқиши ғоят секин боради. Қадимги дунё ва Ўрта асрларда қўл меҳнати иқтисодиётнинг асоси бўлганлигидан унинг янги турларининг пайдо бўлиши учун асрлар талаб қилинган. Бундан ташқари меҳнат кенг ихтисослашмаган, ишлаб чиқарувчилар ҳамма ишни бажарувчи универсал ходимлардан иборат бўлишган, шу сабабли унинг унуми ҳам паст бўлган. Меҳнат қуроллари ривожлангач, ихтисослашган ходимлар пайдо бўлади. Машиналар пайдо бўлгач, ишлаб чиқариш техника-технологиясида бурилиш ясалади. Меҳнат вазифалари табақалашади, меҳнат ихтисосликлари тез кўпаяди. Меҳнат мураккаблашгач, малака ва маҳоратни талаб қилади. Шундай шароитда ҳамма касбни эгаллаб, универсал иш-

чи бўлиши мумкин эмас. Меҳнат маълум ишни бажариш юзасидан ихтисосланиши шарт бўлади, шундагина техника ёрдамида ишлаб, меҳнат унумини ошириб бориш мумкин. Аммо бу меҳнат қобилиятининг бир ихтисос билан чегланиши бўлмайди. Мазкур қобилият юксалиб борса-да, маълум ишга ихтисослашган меҳнат яхши натижа ибрганидан, универсал ходим керак бўлмайди.

Меҳнат турларининг хилма-хил бўлиб, тўхтовсиз янгиланиб туриши иқтисодий прогресс (равнақ)ни билдиради. Меҳнат тақсимотиға боғлиқ ҳолда меҳнат алмаштирилиб турилади. Ҳар қандай иқтисодиётда меҳнатнинг алмашиб туриши қонуни бўладики, унга кўра, меҳнат тобора ихтисосланган сари меҳнат турларини танлаш кўпаяди, бир меҳнат туридан бошқасига ўтиб иш билан банд бўлиш юз беради. Ишлаб чиқариш техника базаси янгиланиши билан янги меҳнат турларига ўтиш заруратга айланади, чунки янги касблар пайдо бўлади, эски касб доирасидаги меҳнат мураккаблашади. Малакали касблар махсус тайёргарликни талаб қилади, бусиз янги мукамал техника самарали ишлатилмайди. Ишлаб чиқаришнинг моддий омили даражасига лойиқ инсон омили вужудга келмаса, иқтисодиёт яхши ривожланмай қолади. Шу сабабли меҳнат алмаштирилиб, ходимлар унинг янги турларини оғаллашлари шарт бўлади. Айтилган қонун фақат заруратни эмас, балки уни юзага чиқариш воситаларини ҳам билдиради. Бундай зарурат машиналашган ишлаб чиқаришда кучаяди. Айни вақтда имкониятлар ҳам ўсади. Гап шундаки, меҳнат турлари янгиланиб узлуксиз кўпайиб боради. Шу билан бирга меҳнат қобилияти ҳам ўсади, меҳнат бир касб доирасида ўралиб қолмай, зарур бўлганида ундан ташқарига ҳам чиқа олади. Меҳнатнинг алмашилиб туриши иқтисодиётнинг ўсиш шартига айланади. Бундай ҳолат иш кучининг иқтисодий ҳаракатчанлигида ифода этилади. Ҳаракатчанликнинг иқтисодийлиги шундаки, у ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш эҳтиёжидан келиб чиқади ва самарали бўлгандагина иқтисодий мазмун касб этади. Ҳаракатчанлик иш кучининг кўчиб туришида намён бўлади, лекин иш кучининг ҳар қандай ҳаракати меҳнатни алмаштириш бўлавермайди. Агар ходим эски касбни сақлаган ҳолда, эскича техника шароитида, лекин бошқа ерга ўтиб ишласа, бу меҳнатнинг алмаштирилиши эмас, албатта. Меҳнатни алмаштириш деганда мутлақо янги касбни ўзлаштириш, эски касб доирасида техника билан яхши қуролланган меҳнатга, оддий меҳ-

натдан мураккаб меҳнатга ўтишни тушунмоқ керак. Масалан, бир автомобилни таъмирлаш заводидан бошқа заводга ўтиб 3-разрядли слесарлигича қолиб ишлаганда иш кучи ҳаракатга келади, ammo бунда меҳнат алмашмайди. Агар бошқа таъмирлаш заводига ўтиб 5-разрядли слесарь бўлиб ишланса ёки авиация заводига бориб механиклик қилинса, меҳнат алмашган бўлади. Хуллас, меҳнатни алмаштириш бир меҳнат туридан бошқасига ёки оддий меҳнатдан мураккаб, махсус малака талаб қилувчи, меҳнатга ўтишни билдиради. Албатта, бунинг учун, биринчидан, ишсизлик бўлмасдан, аксинча, бўш иш ўрин муҳайё бўлиши керак; иккинчидан, янги касб талаби даражасида билим ва малака бўлиши зарур; учинчидан, иш жойини янгилаш учун моддий-маиший шароит мавжуд бўлиши керак.

Агар малака етишмаса ёки янги ишга ўтиш учун турар-жой, умуман, ҳаёт кечириш учун қулай шароит бўлмаса, иш кучи ҳаракатга келмайди, бинобарин меҳнат турлари алмашмайди. Демак, меҳнатнинг алмашиш қонуни амал қилиши учун етарли шароит бўлиши керак. Шундай шароит ҳозирги ривожланган мамлакатларда мавжуд. У ерда меҳнатни алмаштириш учун иш жойи бўлса бас, чунки малака масаласи, ҳаётнинг барча ижир-чикир муаммолари ҳал бўлган ва улар иш кучининг кўчишига тўсиқ бўла олмайди.

Меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришни ихтисослаштиради. Ихтисослашув халқ хўжалигида турли соҳалар ва тармоқларни яратади, уларнинг ҳар бирида маълум турдаги иқтисодий фаолият олиб борилади. Халқ хўжалиги икки йирик соҳага ажралади, бири ишлаб чиқариш бўлса, иккинчиси хизмат кўрсатиш соҳасидир. Ўз навбатида ишлаб чиқариш моддий ва номоддий ишлаб чиқаришдан иборат бўлади. Моддий соҳа саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш кабиларни, номоддий соҳа соғлиқни сақлаш, мудофаа, маориф, маданият кабиларни ўз ичига олади. Айтилган соҳалар маҳсулот яратиш ёки ҳар хил хизмат кўрсатиш билан машғул бўладилар. Моддий ва меҳнат ресурслари соҳалар бўйича тақсимланади. Соҳалар меҳнат тақсимотидан келиб чиққанидан, улар ўртасида фаолият алмашув юз беради, улар бир-бирига маҳсулот етказиб туради ёки хизматлар кўрсатади. Соҳалар доирасидаги ихтисослашув умумий меҳнат тақсимоти натижаси бўлса, тармоқлар ва корхоналар ихтисослашуви хусусий меҳнат тақсимотидан келиб чиқади. Тармоқлар

муайян гуруҳни ташкил этувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мослашадилар, корхоналар эса маълум турдаги маҳсулот яратиш билан машғул бўладилар. Масалан, енгил саноат халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаради, унинг корхоналарида эса аниқ бир маҳсулот, масалан, оёқ кийим, мебель, идиш-товоқ, пайпоқ, костюм, пальто, кўйлак ва бошқалар яратилади.

Корхона аниқ бир маҳсулот яратса, унинг ички бўлинмалари шу маҳсулотни яратиш жараёнида меҳнат операция (ҳаракат)ларини бажариш бўйича ихтисослашади. Масалан, тўқимачилик корхоналарини олсак, унинг бир бўлинмаси ип йигирув билан, иккинчиси, бевосита газлама тўқиш билан, учинчиси газламага гул босиш билан, яна бошқаси эса ускуналарнинг ишлашини таъминлаш билан шуғулланади.

Меҳнат тақсимоти чуқурлашуви билан корхоналар маҳсулот яратиш учун зарур бўлган айрим қисмлар ва ҳатто деталларни яратишга ихтисослашадилар. Бундай ихтисослашув ҳудудлараро ва ҳатто давлатлараро юз беради.

Халқаро меҳнат тақсимоти XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида шаклланган. У ўз ривожига икки босқичга эга. Биринчи босқичда мустамлакачиликка хос меҳнат тақсимоти юзага келади, индустриал ривожланган давлатлар босқинчилик орқали мустамлака тизими яратадилар. Улар билан мустамлакалар ўртасидаги меҳнат тақсимоти қарамлик ва қолоқликни келтириб чиқаради. Мустамлакалар индустриал мамлакатларга арзон ҳом ашё етказиб беришга ихтисослашадилар, улар иқтисоднинг думига айланадилар. Ишлаб чиқариш таркиби бир ёқлама бўлиб, қарамликни келтириб чиқаради, мустамлакалар ҳом ашё бергани ҳолда тайёр саноат маҳсулотини ташқаридан келтирадилар. Қарамлик ва қолоқликни таъминлаган бундай меҳнат тақсимоти XX асрнинг 70-йилларига қадар сақланган. Иккинчи босқичда мустамлакалар озод бўлиб, янгича меҳнат тақсимоти келиб чиқади. Унга биноан озод бўлган мамлакатлар нафақат ундирма, балки ишлама саноат бўйича ҳам ихтисослашадилар. Улар миллий саноати ишлаб чиқарган ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига қатнаша бошлайди. Меҳнат тақсимоти ҳамма мамлакатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқли - иқтисодий алоқаларга хизмат қила бошлайди.

Ўтмишдаги меҳнат тақсимоти Ўзбекистонни ҳам қарамликка маҳкум этган. Ўзбекистон дастлаб Россия им-

периясининг мустамлакаси бўлган. Совет даврида ҳам меҳнат тақсимотида Ўзбекистонга хом ашё базаси бўлишдек ўрин ажратилган. Бу ерда ишлаб чиқариш аграр-мустамлака характерида бўлган. Ўзбекистон аввал Россиянинг сўнгра СССРнинг саноат марказларини пахта билан таъминлашга ихтисослашган. Пахта яккахокимлиги келиб чиққан, саноат ҳам шу аснода шаклланган. Ўзбекистон 1991 йили мустақил бўлгач, у ўз иқтисодиётининг чин эгасига айланди, халқаро меҳнат тақсимотида мустақил равишда ва ўз манфаатларини таъминлаш йўлида қатнашади. Яқин келажакда Ўзбекистон ишлаб чиқариши қайта қурилиб, республика тугаллаган саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришга ўтади ва ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорида қатнашади.

Меҳнат тақсимоти натижасида ишлаб чиқаришнинг ихтисос бўйича табақалашуви ўзаро **хўжалик алоқаларини кучайтиради**, корхоналар юзлаб ва ҳатто минглаб бошқа корхоналар билан алоқада бўлмай туриб, маҳсулот яратма олмайдилар (масалан, Тошкент авиация бирлашмаси бошқа 1200 корхона билан алоқада бўлади). Улар ҳатто хорижий корхоналар билан ҳам олди-берди муносабатини бўладилар, ҳозир халқаро миқёсда фирмаларо ихтисослашув, йирик фирмаларнинг филиаллари ўртасидаги ихтисослашув юз беради. Илғор мамлакатлар доирасида ихтисослашув саноатнинг замонавий тармоқларига тааллуқли бўлса, илғорлар билан ривожланаётган давлатлар ўртасидаги ихтисослашув у ерда хом ашёга ишлов беришга асосланади.

2. Иқтисодий интеграциянинг юзага келиши ва чуқурлашиб бориши

Ихтисослашув меҳнат турларининг бир-бири билан боғланиб, яхлит жараён ҳосил этишни талаб қилади. Чунки бусиз ишлаб чиқариш юз бермайди. Гап шундаки, меҳнат тақсимоти чуқурлашган сари, меҳнат тор доирада ихтисослашиб, майда иш операцияларига ажралади. Маҳсулот яратилиши учун ҳамма меҳнат турлари бир-бирини тўлдириб бориши керак. Меҳнат турлари маҳсулотнинг муайян бир қисмини яратишга ёки бирор ишни бажаришга ихтисослашар экан, улар фақат биргаликдагина истеъмолга тайёр маҳсулотни бериши мумкин. Масалан, тракторни яратишда ўнлаб корхоналарда яратилган қисмлар йиғиладики, бу корхоналарда минглаб одамларнинг их-

тисослашган меҳнати турли-туман деталларни яратади, уларнинг моддийлашган ва маълум ихтисосли меҳнати бир-бири билан уланиб, тайёр маҳсулотни беради.

Меҳнат тақсимоли халқаро доирага чиққач, дастлаб маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича, сўнгра маҳсулотнинг турли қисмлари ва ҳатто деталларини ишлаб чиқариш бўйича корхоналарнинг ихтисослашуви юз беради. Шундай шароитда маҳсулот яратиш учун ихтисослашган меҳнатнинг халқаро миқёсда бир-бирига боғланиши юзага чиқади. Бу меҳнат кооперацияси доираси кенгайиб, миллий чегаралардан чиқиб, байнатмилал тус олишини билдиради.

Меҳнат кооперацияси — ихтисослашган меҳнат фаолиятининг ўзаро бирлашиб, яхлит меҳнат жараёнини ташкил этишидир. У кишилар фаолияти маҳсулот яратиш ёки хизматлар кўрсатиш йўлида уйғунлашувини билдиради. Унинг асосида меҳнат тақсимоли ётадики, у меҳнат турларини ихтисослаштириб, ўзаро бирикишини талаб қилади. Меҳнат кооперацияси ҳар қандай жамиятга хос бўлади, у жамият миқёсидаги, яъни ижтимоий меҳнатнинг унумдорлигини таъминлайди. Меҳнат кооперацияси ҳам умумиқтисодий категория қаторидан ўрин олади.

Меҳнат кооперациясининг икки асосий тури мавжуд: оддий ва мураккаб. Оддий меҳнат кооперациясида бир турдаги, бир хил ихтисосли, аммо турли кишилар томонидан ижро этиладиган меҳнат бирлашади. Бунда бир хил меҳнатни кўпчилик ишловчилар бир вақтни ўзида бажаришади. Масалан, фишт саф тортиб, қўлма-қўл узатиш орқали ташилганда бир хил меҳнат вазифасини кўпчилик биргаликда бажарди, натижада оддий меҳнат кооперацияси юз беради. Оддий меҳнат кооперацияси учун янги техника ва технология қўллаш шарт эмас, чунки ҳатто қўл меҳнати бўлса-да, у меҳнат унумдорлигини оширади. Бир хил ишни биргаликда бажарганда меҳнат сарфига нисбатан унинг натижаси юқори бўлади. Олдинги мисолга қайтсак, фиштни бир киши ташиганга нисбатан уни қўлма-қўл узатиш унумлироқ бўлади.

Оддий меҳнат кооперацияси кўпинча қўл меҳнати шароитига хос бўлади. Тарихан у Осиёча ишлаб чиқаришда кенг тарқалган. Қадимий ва Ўрта аср давридаги Осиёда қўл меҳнат кооперацияси асосида сермеҳнат ишшоотлар, каналлар, ҳовузлар, ариқлар, пирамидалар, ҳар хил бинолар ва истеҳкомлар қурилган. Масалан, Буюк Хитой девори. У даврдаги меҳнат кооперацияси эркисиз, қарам

бўлган кишилар, асирлик орқали қулга айланганлар меҳнатини бирлаштирган. Эркин меҳнат кооперацияси Ўзбекистондаги ҳашар ўтказиш одатига сингиб кетган. Ҳашар бўлганда кўп ҳолларда бир хил меҳнат биргаликда жамоа бўлиб бажарилади.

Мураккаб меҳнат кооперацияси — тақсимланиш асосида ихтисослашган меҳнат турларининг бирикиб, ягона меҳнат жараёнини ташкил этишдир. Бунда ҳар хил вазифани бажарувчи меҳнат турлари уйғунлашади. Ихтисослашган меҳнатни ҳар хил кишилар бажарадилар. лекин улар меҳнати бир-бирига узвий боғланади. Мисол учун тикувчилик фабрикасини олсак, бу ерда костюм тикиш газдамани бичишдан бошлаб, тайёр костюмни дазмоллашгача бўлган жараёни ўз ичига олади. Бу жараёнда меҳнат бир неча ихтисослашган операцияларга ажралган. Ҳар бир тикувчи маълум ишни бажаради, аммо бир меҳнат тури иккинчисининг давоми бўлиб амал қилади. Бу ерда ихтисослашган меҳнат турлари бир-бирини тўлдириб боради ва пировард натижада костюм тикишдан иборат яхлит меҳнат жараёнини юзага чиқаради. Мураккаб меҳнат кооперациясида меҳнат тақсимоли тўлароқ намоён бўладики, у йирик машиналашган ишлаб чиқаришга хосдир. Индустрлашган ишлаб чиқаришда машиналар ёрдамида бажарилувчи, аммо аниқ ихтисослашган меҳнат кооперацияси юз беради. Меҳнат юзга кенг миқёсда ихтисослашганидан меҳнат кооперацияси корхона ичиди, корхоналар, тармоқлар, ҳудудлар, мамлакатлараро миқёсда амалга ошади.

Меҳнат кооперациясининг энг олий шакли бу халқаро меҳнат кооперациясидирки, у меҳнат тақсимолининг байналмилал қўламда боришини билдиради.

Меҳнат кооперацияси меҳнатнинг ижтимоий тус олишини англатади. Ўсиб бораётган эҳтиёжни меҳнат унумдорлигини ўстириш орқали қондириш мумкин, бу эса ўз навбатида меҳнат тақсимоли ва кооперациясини талаб қилади. Ихтисослашмасдан, универсал тусда қолган ва яқка тартибда бажариладиган меҳнат эҳтиёжни тўла қондира олмайди. Маҳсулотни қўлаб ва сифатли ишлаб чиқариш учун ижтимоий меҳнат зарур бўлади. Муайян маҳсулот тобора кўпчилигининг кооперация орқали уйғунлашган меҳнати натижасига айланиши бу меҳнатнинг ижтимоийлигини билдиради. Ижтимоий меҳнат, яқка тартибдаги меҳнатга нисбатан афзал, чунки у биринчидан, ихтисослашув орқали меҳнат унуми ошиб боришини, ик-

кинчидан, меҳнат операцияларининг тор касб доирасида аниқ ажарилиб, маҳсулот сифати юқори бўлишини таъминлайди.

Меҳнатнинг ижтимоийлашуви иқтисодий интеграцияни зарур қилиб қўяди, чунки интеграциялашмай туриб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бўлмайди. Иқтисодий интеграция иқтисодий фаолиятнинг бирлашуви, унинг чатишиб, умумийлашиб кетишидир. Унинг бирламчи моддий асоси меҳнат тақсимотида. **Иқтисодий фаолият деганда тириқчиликни таъминлаш усули, унинг воситалари мажмуи тушунилади.** Унинг таркибига энг аввал моддий ва номоддий ишлаб чиқариш киради, чунки у фаолият учун устивор аҳамиятга эга бўлиб, нафақат меҳнатни, балки меҳнат маҳсулини ўзлаштиришни ҳам ўз ичига олади. Инсон иқтисодий фаолиятнинг субъекти ҳисобланади. Иқтисодий фаолиятдан маълум мақсад кутилади, у ҳам бўлса ҳаётий эҳтиёжларни қондиришидир. Унинг аниқ шакли хўжалик ҳисобланади. **Хўжалик юритиш — иқтисодий фаолият демакдир.** Иқтисодий фаолият яқка тартибда ҳам юз беради, аммо унинг муҳим хусусияти ижтимоий шаклда, жамоа фаолияти шаклида бўлишидир. Индивидуал (яқка шахслар) ва жамоа фаолиятининг умумжамият миқёсидаги мажмуи жамиятнинг иқтисодий фаолиятини ташкил этади.

Иқтисодий фаолият икки хил йўналишга мойил бўлади, бири — **дифференциация** (табақаланиш, мустақилланиш); иккинчиси — **интеграция** (яқинлашиб, бирлашиб бориш). Иқтисодий фаолиятнинг асоси ишлаб чиқариш бўлар экан, у меҳнатни тақозо этади. Эҳтиёжни қондириш учун меҳнат унумдорлиги ошиб бориши керак, бунинг шартларидан бири меҳнат тақсимоти — меҳнатнинг ихтисослашуви ҳисобланади. Меҳнатнинг тақсимланиши иқтисодий фаолиятни дифференциацияга олиб келади. Дифференциация уч йўналишда кечади: 1. Ишлаб чиқаришнинг аниқ бир маҳсулот яратиш ёки хизмат кўрсатишга мослашиб, бошқалардан ажралиб, мустақил фаолият шаклига кириши. 2. Ишлаб чиқариш фаолиятининг табиий-географик муҳитга қараб табақалашуви, яъни табиий ресурсларнинг оз-кўплигига, хилма-хиллигига, иқлим шароитига, ер қаърининг тектоник характерицикасига ва ҳ. к. қараб ихтисослашган фаолият турларининг шаклланиши. 3. Фаолиятнинг ўз функционал белгиси (бажарадиган вазифаси)га қараб бошқа фаолиятдан ажралиб туриши.

Бевосита ишлаб чиқариш фаолиятдан бoshқариш фаолияти алоҳидалашади, жисмоний фаолиятдан интеллектуал (ақлий) фаолият ажралиб туради.

Агар дифференциация фаолият турларини бир-биридан ажратса, бунга қарама-қарши ўларок, интеграция уларни бирлаштиради.

Муस्ताқил иқтисодий фаолият турларининг ўзаро чирмашиб кетиб, ягона жараёнга айланиши иқтисодий интеграцияни билдиради. Интеграциялашув объектив зарурат, чунки фаолият турлари бирлашмаса, иқтисодий ривожлана олмайди. Гап шундаки, интеграциялашув меҳнат кооперациясининг муқаррарлигидан келиб чиқади. У ихтисослашган фаолият турларининг, алоҳидалашган хўжалик субъектлари хатти-ҳаракатларининг ягона хўжалик жараёнига қўшилганини аниқлатади. Интеграциялашув иқтисодий фаолиятнинг умумлашувини, унинг ижтимоий тус олишини билдиради. Интеграция объектив зарурат бўлса-да, инсон томонидан аниқланган сўнг, инсон уни амалга ошириш чораларини кўрган сўнг юзага келади. Интеграция хўжалик субъектлари ўз мақсади йўлидаги хатти-ҳаракатларининг мослашувини талаб қилади. Шу сабабли, интеграциялашув унда иштирок этувчиларнинг манфаати таъминлангандагина юз беради. Интеграция меҳнат унумдорлигини ошириб, унда иштирок этувчилар даромадларини кўпайтиради. Шу сабабли манфаатлар уйғунлашади, хўжалик субъектлари ихтиёрий равишда интеграциялашувда қатнашадилар. Интеграция ҳам меҳнат кооперацияси каби турли поғона ва босқичлардан ўтиб, ривожланади.

Унинг узлуксиз кенгайиб бориши умумиқтисодий ҳодиса ҳисобланади.

Интеграция субъектлар ўртасидаги хўжалик алоқаларининг онда-сонда эмас, балки мунтазам амалга оширишини тақозо этади. Интеграцион алоқалар хўжалик фаолиятининг умумлашувига қараб ҳар хил шиддат билан кечади. Гап шундаки, дастлаб меҳнатнинг чекланган турлари ўртасида кооперация юз беради. Шу сабабли интеграцион алоқалари ҳам чегараланади. Меҳнат турлари кўпая боргач, бу алоқалар кенгайди. Дастлаб корхона ичидаги меҳнат турлари интеграциялашиб, жамоанинг иқтисодий фаолиятини ҳосил этади. Бунда уларнинг жамланган натижасида тайёр маҳсулот ёки ўнинг маълум бир қисми яқинлашади. Корхоналар ўртасида меҳнат ихтисос-лашган мушарофатлари пайдо бўлади, маҳ-

сулот яратиш бир неча корхоналар фаолияти интеграциялашувини талаб қилади. Интеграция жараёнлари тармоқлараро доирада ҳам юз беради. Бунга мисол қилиб агро-саноат интеграциясини олиш мумкин. Бунда қишлоқ хўжалигидаги фаолият билан саноат, савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш фаолиятлари бирлашиб кетади. Маҳсулотларни етиштириш, сақлаш, саноат усулида қайта ишлаш, истеъмолга етказиб бериш қўшилиб кетади.

Тармоқларнинг туташиб кетишидек интеграция йирик корхоналар, уюшмалар ва бирлашмалар иши орқали юз беради. Масалан, ҳозирги йирик компаниялар қазилма бойликларнинг қидирув-геология ишлари, бойликларни ундириб олиш, уларни қайта ишлаб, ҳар хил тайёр маҳсулот олиш, маҳсулотни сотиш каби фаолиятни бирлаштиради. Улар **диверсификациялашган** компаниялар дейилади, чунки уларнинг фаолияти турли тармоқларни қамраб олади. Интеграцион алоқалар ҳудудлараро доирада ҳам ўрнатилади, у **регионал интеграция** деб юритилади. Турли ҳудудларда жойлашган корхоналар меҳнат тақсимооти тизимида биронта соҳа бўйича устивор ихтисослашади. Уларнинг иқтисодий жиҳатдан бирлашиб, ягона фаолиятни ташкил этиши, биринчидан тармоқлараро, иккинчидан, эса ҳудудлараро интеграциялашувни билдиради. **Иқтисодий интеграциянинг олий даражаси — бу ҳалқаро интеграция** бўлиб, бундай интеграция мамлакатлараро интеграциядан бошланади. Ҳалқаро меҳнат тақсимооти ишлаб чиқаришга байналмилал тус беради, чунки айрим мамлакатларнинг миллий доирасидан чиқиб, мамлакатлараро иқтисодий воқеликка айланади. Унда иштираётган этниш меърига қараб, ҳар бир мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти, унинг бошқалар билан бўлган интеграция алоқалари шаклланади. Бу алоқаларнинг ривожини ишлаб чиқаришнинг нақадар байналмилаллашганини билдиради.

Ҳалқаро иқтисодий интеграциянинг бир қатор белгилари бор. Энг аввал мамлакатлараро ишлаб чиқариш кооперацияси мавжуд бўлиб, улар ташқи иқтисодий алоқаларнинг доимий ва мунтазам бўлишини шарт қилиб қўяди. Улар ўртасидаги меҳнат тақсимооти шундай ихтисослашувга олиб келадикки, мамлакатлар истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситаларини бир-бирига қанда қилмас етказиб туради. Бир мамлакат ишлаб чиқариши бошқасиникига боғланиб қолади. Ўзаро мунтазам экспорт алоқалари миллий ишлаб чиқаришнинг шарт

ди. Маҳсулот яратишда ва маҳсулот истеъмолида ташқи савдонинг ҳиссаси ортиб боради. Масалан, 1950 йили Дунё мамлакатлари экспорти уларда яратилган маҳсулотнинг 8,1 фоизига тенг бўлса, 1982 йилга келиб бу ҳисса 16,7 фоизга етди. Демак, экспорт ишлаб чиқаришга нисбатан тез ўсди. АҚШлик проф. В. Леонтьев ҳисобига кўра дунёда 1971—1980 йилларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1 фоиз миқдорда ортишига экспортни 1,08 фоиз ортиши тўғри келди. 1981—1990 йилларда эса экспортнинг 1,21 фоиз ортиши юз берди.

Иқтисодий интеграциянинг белгиси — бу ягона иқтисодий майдонни, кенгликни ташкил топишидирки, бу ерда миллий чекланмаган эркин иқтисодий фаолият юритиш мумкин бўлади. Бу майдон бир неча мамлакатлар ҳудудини ўз ичига олади, у миллий чегаралардан ҳоли бўлади. Ягона иқтисодий майдон доирасида ишлаб чиқариш омилилари эркин ҳаракатда бўлиб, улар чекланмаган ҳолда бир мамлакатдан иккинчисига кўчиб туради.

Интеграция шароитида маҳсулотлар ҳеч бир тўсқинликсиз мамлакатлардан ҳам чиқарилади, ҳам киритилади. Интеграциянинг яна бир белгиси умумий транспорт ва алоқа, шунингдек, ахборот тизимини, умумий пулнинг барчага хизмат қилишидир. Айтилган белгилар ривожланган халқаро иқтисодий интеграцияга хос. Маълумки, ташқи иқтисодий фаолият қадимдан бери бор. Қадимги Дунёда маълум давлатлар доирасида чекланган ташқи иқтисодий фаолиятнинг фақат савдо-сотиқдан иборат айрим унсурлари пайдо бўлиб, улар ҳали ривожланмаган меҳнат тақсироти меваси бўлган. Урта асрларда алоқалар анча кенгайган. Бунга мисол қилиб Ипак йўли орқали юритилган савдонини олиш мумкин. Машиналашган ишлаб чиқаришга ўтиш билан интеграциянинг моддий базаси кенгайди. Ниҳоят XX асрнинг ўрталарига келиб халқаро иқтисодий интеграция жадаллик билан ривож топди. Дастлаб, бу Ғарбий Европада юз берди. 1957 йили интеграциялаш битими тузилиб, «Умумий бозор» деб аталган гуруҳга 6 давлат (Италия, Германия, Франция, Бельгия, Голландия, Люксембург) кирган. Интеграциялашув кенгайиб, 1992 йилда унинг доирасига Европадаги 12 мамлакат тортилди. Барча Европа мамлакатларининг интеграциялашуви XXI аср бошларида тугалланади. Нагжида ягона Умумевропа иқтисодийёти ташкил тонадикки, бу бир-бирини тақозо этувчи, яъни бир-бирисиз ривожлана олмайдиган миллий иқтисодиётларнинг узвий яхлитлигини

ҳосил этади. Европа мамлакатларининг иқтисодий бирлашуви интеграция дастлаб бир-бирига яқин турган қўшни мамлакатлардан бошланишини билдиради. Бу ҳолни мамлакатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларнинг азалдан мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин. Интеграциянинг муҳим шарти унинг эркин юз беришидир. Мустақил миллий иқтисодиёт ривожлана бориб, ўз-ўзидан интеграцияни заруратга айлантиради. Бу демократик интеграциядир. Мустақилликни паймол этиб, зўрлик билан ўтказилган тоталитар, антидемократик интеграция ҳам бўлган. Бунга мисол қилиб собиқ СССР доирасида юз берган, СССР ягона хўжалик комплекси фаолиятида ифодаланган интеграцияни олиш мумкин. Мазкур интеграция умумиттифок меҳнат тақсимотига асосланиб, унга кўра Ўзбекистонга асосий пахта базаси бўлиш вазифаси юклатилган эди.

СССР вайронасида пайдо бўлган мустақил мамлакатлар олдинги интеграция алоқаларини чуқурлаштириб ва янгилаб борадилар. Натижада бу мустақил иқтисодиётларнинг эркин ва барчанинг манфаатини ҳисобга оладиган интеграциясига айланади. Умумий интеграция жараёнида Марказий Осиё давлатларининг интеграцияси алоҳида аҳамият касб этади. Бу мамлакатларнинг тарихий, этник умумийлиги бор, анъаналари ҳам деярли бир хил, ишлаб чиқариш структураси ва иқтисодий даражаси ўзаро яқин туради, уларнинг умумий чегараси мавжуд, алоқалари дўстона, қардошлик мазмунида, табиий ресурслари бир-бирини тўлдириб боради.

Марказий Осиёдаги интеграция самарали, катта истиқболга эга.

Интеграция орқали иқтисодиётни ўстириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга эришилар экан, интеграцион алоқалар унинг ҳамма иштирокчиларини шу мақсадга етказиши керак, шундагина бундай алоқалар миллий манфаатларга мос тушади. Акс ҳолда дезинтеграция, яъни интеграциядан чекиниш юз беради. Дезинтеграция алоқаларни чеклаш, уларни узиб қўйиш ёки уларни ривожлантирмаслик, давлатлараро иқтисодий уюшмалар сафидан чиқиб кетишда кўринади. СССР ягона хўжалик комплексининг вайрон бўлиши дезинтеграция натижасидир, чунки бу комплекс миллий манфаатларни рўёбга чиқара олмади, иқтисодий тенгсизликка асосланди, турли собиқ республикаларнинг иқтисодий даражасида кескин тафовутларга олиб келдики, улардан бири индустриал ривожлан-

ган бўлса, бошқаси қолоқ аграр иқтисодийёт доирасида қолиб кетди. СССР ўрнида мустақил миллий давлатлар пайдо бўлиб, уларнинг иқтисодий алоқалари тоталитар интеграция харобаларида демократик интеграцияни келтириб чиқаради.

Интеграция жараёни узлуксиз, чунки, иқтисодийётнинг ўзи бир ерда тўхтаб қола олмайди. У самарали ишлаб чиқаришнинг таъминлаганидан доимий равишда юз беради, аммо унинг қўлами, шакллари ва усуллари ўзгариб туради. Интеграция корхонанинг тор доирасидан чиқиб, халқаро даражагача ўсиб боради. Ҳозир интеграция давлатлараро миқёсда юз беради, яъни бир неча давлат иқтисодийётини қамраб олади. Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви муқаррар бўлганидан интеграция алоқалари доираси кенгайиб, янги ва янги мамлакатларни қамрайди. Бу хўжалик фаолияти бир мамлакат доирасидан чиққач, иқтисодийётнинг давлатлараро интеграцияси шиддат билан кенгайиб, пировард натижада умумжаҳон миқёсига тарқалишидан дараж беради. Бир неча мамлакатга хос бўлган иқтисодий интеграция умумбашарий тус олади.

ТАҚРОРЛАШ ВА ЗУҚКОЛИҚНИ СИНАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Меҳнат тақсимоти нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
2. Меҳнат тақсимотининг қандай иқтисодий аҳамияти бор, у қандай иқтисодий қонун таъсирида бўлади?
3. Меҳнатнинг алмашиб туриш қонунига биноан нималар юз беради?
4. Меҳнатни алмаштириш учун нималар муҳайё бўлиши керак?
5. Ўзбекистонда қишлоқ аҳлини шаҳарга ўтиб ўз касбини ўзгартиришига нималар тўсқинлик қилади?
6. Нима сабабдан МДХ мамлакатлари мустақил бўлатуриб, ўзаро хўжалик алоқаларини тиклашлари заруратга айланган?
7. Меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперациясининг қандай алоқадорлиги бор?
8. Меҳнат кооперацияси турлари қандай фарқланади?
9. Иқтисодий фаолият дифференциацияси ва интеграциясининг қандай ўзаро алоқаси бор?
10. Иқтисодий интеграциянинг қандай турлари мавжуд?

11. Ўзбекистон хўжалиги жаҳон хўжалиги билан интеграциялашуви зарур деймиз, буни қандай тушуниш керак?

12. Марказий Осиёдаги интеграциянинг аҳамияти нимада?

VI БОБ

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА УНИНГ ОМИЛЛАРИ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ

1. Иқтисодий ўсиш ва унинг аҳамияти

Жамият аъзоларининг хилма-хил ва юксалиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг бирдан-бир воситаси иқтисодий ўсишдир. Агар иқтисодий ўсиш бўлмаса ҳеч қандай жамият ривожлана олмайди, эски иқтисодий тизим ўрнига янгиси келмайди, хуллас ижтимоий прогресс юз бермайди.

Иқтисодий ўсиш нима?

Иқтисодий ўсиш деганда кишиларнинг талаб-эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган моддий маҳсулот ва хизматларни, яъни барча ноз-неъматларни ишлаб чиқаришнинг кўпайиб бориши тушунилади. Иқтисодий ўсиш нафақат истеъмол буюмлари, балки ишлаб чиқариш воситалари, яъни ресурсларни ҳам кўплаб ишлаб чиқаришни англатади, чунки ўсиш жамият аъзоларининг жорий истеъмолини қондириш билан чекланмай, келажакда ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали бўлғуси истеъмолини қондиришни ҳам мўлжаллайди.

Ишлаб чиқариш фаолияти жамият ҳаётининг бирламчи асоси бўлганидан иқтисодий ўсиш ижтимоий тараққиёт учун моддий замин яратиб беради. Жамиятдаги чуқур ва сифатли ўзгаришлар иқтисодий ўсиш суръатларига қараб юз беради. Қадимги Дунё ва Ўрта асрларда ижтимоий прогресснинг сустиги, консерватив ижтимоий тизимларнинг сақланганлиги иқтисодий ўсишнинг секин борганлиги билан изоҳланади. Худди шундай хусусият мустамакчилик тизимида ҳам хос. Ҳозирги босқичда жамият ҳаётидаги шиддатли ўзгаришлар, барқарор иқтисодий ўсиш натижасидир.

Иқтисодий ўсиш жамиятдаги ишлаб чиқариш ҳажмини ёки аҳоли жон бошига яратилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини ортиб бориши билан ўлчанади. Уни албатта **реал ялпи миллий маҳсулот** ёки реал миллий даромаднинг кўпайиши ифода этади. Шу сабабли иқтисодий ўсишнинг бориши маҳсулот ҳажмини таққосий нархларда ҳисоблаб аниқланади. Акс ҳолда нархлар қимматлашуви иқтисодий ўсиш натижаларини бузиб кўрсатиши мумкин. АҚШда иқтисодий ўсиш динамикаси 1982 йилги нархлар асосида ҳисобланади. Шу нархларга кўра ҳисобланганда АҚШнинг ялпи миллий маҳсулоти 1988 йилда 1950 йилга нисбатан 3,3 марта кўпайган.

Иқтисодий ўсиш моддий тақчилликдан мўл-кўлликка, бинобарин, паст турмуш даражасидан юқори турмуш даражасига, аҳолининг кичик, озчилик гуруҳи фаровонлигидан бутун халқ фаровонлигига ўтишнинг шарти ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш жамиятнинг бойиб бориш шартидир. У қанчалик жадал борса, шунчалик жамиятнинг иқтисодий қуввати ортади, келажак учун ишончли замин ҳозирланади. Иқтисодиёт ўса борган сари янги пайдо бўлаётган, юксалиб турган эҳтиёжларни қондириш имкони бўлади, ресурслар чекланишидан келиб чиқадиган тўсиқларни бартараф этиш имконияти кенгайди, чуқри қудратли иқтисодиёт шароитида ресурслар сарфи бирлигига нисбатан ҳисобланганда кўпроқ ишлаб чиқариш имкони мавжуд. Иқтисодиёти кучли мамлакат халқаро доирада обрў-эътиборли бўлади, у қарамлик хавфидан ҳоли туради. Шунини ҳисобга олсак, Ўзбекистонга буюк келажак бериш учун унинг иқтисодиётини жадал ўстириш керак, иқтисод устиворликка эга бўлиши шарт.

Иқтисодий ўсиш икки даражада — микро — ва макро даражада юз беради. **Микроиқтисодий ўсиш** — бу корхона, хўжалик, фирма ва тармоқ доирасидаги ўсишдир, шу доирада меҳнат қилувчилар иқтисодий фаолиятнинг, аниқроғи гуруҳий фаолиятнинг натижасидир. **Макроиқтисодий ўсиш** бутун жамият миқёсидаги, масалан, мамлакат миқёсидаги иқтисодий ўсишдир. У жамият ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси бўлади, турли корхона ва тармоқлардаги микроиқтисодий ўсишнинг мажмуи сифатида юзага келади.

Иқтисодий ўсишга қараб жамиятнинг иқтисодий аҳволига баҳо бериш мумкин. Агар ўсиш юз берса, жамиятда иқтисодий жонланиш, юксалиш бор деб айтиш мумкин,

агар бўлмаса, иқтисодда турғунлик юз беради, иқтисодиёт ўсиш ўрнига, пасайиб кетса, танглик мавжуд бўлади.

Иқтисодий ўсишнинг икки жиҳати бор. Биринчиси — унинг кўлами, у ишлаб чиқариш ҳажмини билдиради, бутун жаҳиятда қанча маҳсулот ва хизматлар яратилишини, улар ўсиши қандай миқдорда бўлишини кўрсатади. Масалан, бир мамлакатда иқтисодий ўсиш оқибатида маҳсулот 100 млрд. долларга, бошқа мамлакатда эса 50 млрд. долларга, учинчисида эса фақат 5 млрд. долларга ортган бўлади. Ўсиш сифимининг ҳар хиллиги, яъни унинг миқдоран фарқланиши мамлакатнинг иқтисодий қувватига боғлиқ. АҚШ ва Ўзбекистонни, Япония ва Қирғизистонни, Россия ва Тожикистонни таққосласак, уларда ишлаб чиқариш ҳажми ҳар хил бўлганидан иқтисодий ўсиш миқдори ҳам ҳар хил чиқади.

Иқтисодий ўсишнинг иккинчи томони — унинг суръатлари бўлиб, иқтисодий ўсишни нисбий жиҳатдан ҳарактерлайди, унинг мутлақ ўсишини эмас, балки ўсиш тезлигини кўрсатади. Уни ўсиш суръати кўрсаткичлари билан ифодалаш мумкин. Иқтисодий ўсиш 3, 5 ёки 10 фоиз бўлади деб айтаемиз. Бунда ўсим илгариги ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан олинади. Масалан, мамлакатда яратилган маҳсулот ҳажми 50 млрд. доллар бўлса, ўсиш туфайли 55 млрд.га етди, бу маҳсулот ҳажми олдинги 100 фоиздан 110 фоизга етганини, яъни 10 фоиз иқтисодий ўсиш бўлганини, бинобарин, шундай ўсиш тезлиги бўлса, маҳсулот ҳар 10 йилда 2,6 марта ортишини кўрсатади. Ўсиш суръати иқтисодий ўсишнинг ҳақиқий кўламини билдирмайди. Бунинг учун ҳар 1 фоиз ўсиш негизда нима ётишини, яъни у миқдоран нимага тенглигини билиш зарур. Масалан, 1992 йилда АҚШда аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1 фоиз ўсиши 221 долларга тенг бўлса, Гаитида 8,5 доллар бўлди. Бир фоиз ўсиш амалда ўз кўлами бўйича ҳар хиллиги муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли бир мамлакатда иқтисодий ўсиш 5 фоиздан 1—2 фоизгача тушса, бунинг хавфи бўлмайди, чунки у ерда ишлаб чиқариш кўламининг ўзи каттадир. Бошқа ерда иқтисодий ўсишнинг ҳатто 1 фоизга пасайиши катта муаммоларни келтириб чиқаради, чунки иқтисодиёт қоққ бўлганидан эҳтиёжларни таъминлаш олмайди. Иқтисодий ўсишни таҳлил этишда унинг ҳар икки жиҳатини биргаликда қараш лозим.

Ўўчилик мамлакатларнинг тарихий тажрибасида тасдиқланган қонуният борки, унга кўра иқтисодий ўсиш-

нинг кўлами ва суръатлари ўзаро тескари мутаносибликда ўзгаради, яъни ўсиш кўлами миқдоран ошган сари, унинг суръатлари пасайишга мойил бўлади. Буни узоқ давр мобайнидаги иқтисодий ўсишдан кўриш мумкин. Масалан, АҚШда 1950—1975 йилларда реал ялпи миллий маҳсулот 2,41 марта, 1976—1988 йилларда эса 1,48 марта кўпайган. Демак, биринчи даврда ўртача иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлса, иккинчи босқичда у пастга тушиб қолган. Аммо иқтисодий ўсим кўлами ғоят катталашган. Масалан, 1950 йили 1 фоиз ўсиш 12 млрд. долларни ташкил этса, 1988 йилга келиб, 40 млрд. доллардан иборат бўлди. Бу, албатта, иқтисодиёт кўламининг катталигидан келиб чиқади.

Иқтисодиёт кўлами ортиши билан иқтисодий ўсишини таъминлаш қийинлашади, аммо ўсиш секин борган шароитда ҳам аввалгидан кўпроқ маҳсулот яратилганидан талаб-эҳтиёж тўлароқ қондирилади.


Иқтисодий ўсишнинг нафақат миқдорий, балки сифат меъёри ҳам мавжуд. Шу сабабли яратилган маҳсулот ва хизматлар миқдоран кўпайибгина қолмасдан, ўз сифати жиҳатидан талаб-эҳтиёжини қондиришга қодир бўлиши талаб қилинади. Сифатли маҳсулот ва хизматлар эҳтиёжни тўлароқ қондира олади, шу боисдан унинг ҳиссасининг ортиб бориши иқтисодий ўсишнинг муҳим томони ҳисобланади. Аммо миқдор ва сифат кўрсаткичлари тарихан иқтисодий ўсишда турлича ўрин тутади. Қолоқ иқтисодиёт шароитида иқтисодий ўсишнинг миқдорий томони бирламчи бўлади, чунки ишлаб чиқариш даражаси паст бўлганидан маҳсулотларни танлаб олиб, истеъмол этиш имкониятлари жуда чекланади, сифати етарли бўлмаса-да, кўпроқ маҳсулот талаб қилинади. Ишлаб чиқариш юксалган сари сифатга талаб ошиб боради. Ривожланган иқтисодиёт шароитларида маҳсулот ва хизматлар миқдоран кўп бўлганидан уларни танлаб истеъмол этиш имкони катта бўлади, бинобарин сифат устивор аҳамият касб этади. Масалан, Германия ривожланган мамлакат, у ерда озиқ-овқатнинг экологик тоза, тўйимли, истеъмол учун қулай бўлишига катта аҳамият берилади. Аксинча, Эфиопия ўта қолоқ мамлакат бўлиб, очликка йўлиққан, шу сабабли бу ерда озиқ-овқатнинг миқдори муҳим, унинг сифати масаласи иккинчи даражада туради. Сифат ва миқдорнинг нисбати барча турдаги ишлаб чиқаришга хос, аммо улардан бирининг устивор бўлиши тақчиллик ёки тўқчиликка боғлиқдир.

2. Иқтисодий ўсиш омиллари

Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи ва ишлаб чиқаришда амал қиладиган кучлар унинг омиллари ҳисобланади. Ўсиш юз бермаса итисодиёт статик (ўзгармас), аксинча бўлса динамик (ривожланувчи) ҳолатда бўлади. Иқтисодий динамикани эса ишлаб чиқаришни ўстирувчи омиллар таъминлайди. Энг сўнгги иқтисодий ўсиш назарияларига кўра омилларнинг асосийлари: **табiiй ресурсларнинг миқдори ва сифати, меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати, ишлаб чиқаришдаги асосий капитал (фонд) миқдори ва таркиби, ва ниҳоят, ишлаб чиқаришнинг технология даражаси.** Булар, албатта, ишлаб чиқариш омилларининг ҳажми ва сифатини билдиради, иқтисодий ўсиш имкониятларини аниқлатади. Аммо жадал иқтисодий ўсиш бўлиши учун айтилган ресурслар керакли соҳаларга жойлаштирилиб, самарали ишлатилиши зарур. Ресурсларнинг чекланган бўлиши иқтисодий ўсишни ҳам чегаралайди, албатта. Эришилган технология шароитида ресурслар маълум даража доирасидагина иқтисодий ўсиш бериши мумкин, чунки ундан чиқишга ресурслар имкон бермайди. Агар бу ҳолатни деҳқончиликда қараб чиқсак, мисол учун, ҳозирги пахтачилик технологияси бир гектардан 30 ц пахта олиши имконини беради. Бинобарин, 1,5 млн. га ердан 4,5 млн. тоннадан ортиқ ҳосил кўтариб бўлмайди. Шу доирада айтилган мўлжалга чиқиш учун ҳамма ресурслар тўла ишга тушиши керак. Бир тонна рудадан 300 кг чўян олинса, янги технология асосида рудани чуқур қайта ишлаганда ҳам уни 400 кг олиши мумкин, аммо ҳеч қачон 1 тонна рудадан 800 кг чўян олинмайди, чунки бу руданинг табиий таркибида шунча чўянинг ўзи йўқ. Муайян даврда техника имкони ҳам чекланган бўлади. Масалан, бир станокда бир киши иш қилиб 1200 та деталь яратади, лекин уни 10 000 дана тайёрлаш имкони йўқ. Самолёт 100 тонна юкни кўтариши ва соатига 8000 км учини мумкин. У 500 тонна юкни олиб соатига 5 000 км уча олмайди, чунки бунга технология даражаси имкон бермайди. Ишловчилар сони ҳам чекланган. Мамлакатда 100 млн. аҳоли яшаса, ишга яроқлилар 50 млн. бўлиши мумкин, улар ҳеч қачон 80 млн. киши бўлмайди, чунки болалар ва қариялар ишга ярамайди. Инсоннинг ишлаш қобилияти ҳам чегараланган. У ишни оғир-енгиллигига қараб 7—10 соат ишлаши мумкин. У ҳеч қачон бир кеча-кундузда 20 соат ишлай олмайди ва

ҳоказо. Ресурслар чекланганлигидан ишлаб чиқариш ресурслар белгилаган доирадан чиқа олмайди, аммо улар тежамли ишлатилса, ўсиш максимал даражага чиқа олади.

Ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланишга қараб иқтисодий ўсиш ҳар хил натижа беради. Буни 5-расмдан кўриш мумкин.



5-расм.


Иқтисодий ўсишнинг чегараланиши.

Расмдаги ёйсимон чизиқлар ҳар хил иқтисодий ўсиш ва уни чегарага тақалишини кўрсатади. Энг юқори ўсиш чегараси OQ ёйида жойлашган ва 16 (8+8) бирликка тенг. Ресурсларнинг ишлатилишига қараб, иқтисодий ўсиш АВ (3+3), CD (5+5), EF (7+7) ёйлари доирасида бўлиб, энг кўп дегадда OQ чизигига бориб тутаган. Бинобарин, ўсиш АВ дан OQ ёйига қадар бориб, ундан юқорилаша олмаган. Тасвирланган ҳаракатни таъминлашда ресурсларнинг ҳиссаси ҳар хил бўлган, албатта.

Умумлашган ҳолда олинганда иқтисодий ўсиш икки омилга — меҳнат сарфининг массасига (ҳажмига) ва меҳнат унумдорлигига боғлиқ. Лекин улар бошқа кичик омиллар ҳосиласидир. Меҳнат массаси ишловчилар сонига ва ишланган вақтга боғлиқ. Меҳнат унумдорлиги эса техника тараққиётига, инвестиция миқдорига, ишловчиларнинг

маълумоти ва касбий малакасига, ресурсларнинг жойлашувига, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришига боғлиқ. Агар ишловчилар сони 1 млн. киши бўлса, улар кунига 7 соат ишлайди, бир йилда 270 иш-кун бор деб олсак, ҳаммаси бўлиб 1 млрд. 890 млн. соат ишланган бўлади. Агар меҳнат унумдорлиги 1 соатда 30 фунт стерлинг миқдорида маҳсулот яратиш имқонини берса, ҳаммаси бўлиб 56,7 млрд. фунт стерлингга тенг маҳсулот яратилади. Ишловчилар сони 3 фоиз (30 000 киши)га, бир соатлик меҳнат унумдорлиги 1,5 фунт стерлинг (5 фоиз) га ошса, яратилган маҳсулот 61 млрд. 321 млн. фунт стерлингга тенг бўлади.

Бунда иқтисодий ўсиш 4 млрд. 621 млн. (61 млрд. 321 млн. — 56 млрд. 700 млн.) фунт стерлингга ёки 8,15 фоизни [(4 млрд. 621 млн. x 100) : 56 млрд. 700 млн. = 8,15] ташкил этади. Айтилган омилларнинг график тасвирини 6-расмда кўришимиз мумкин.



6-расм.


6-расмдан кўриниб турибдики, меҳнат массаси ишловчилар сонига ва уларни жами ишлаган вақтига боғлиқ. Улар ўз навбатида ишга яроқли аҳоли сонидан, иш кунини ва иш ҳафтасининг узунлигидан, иш билан банд бўлиш-

дан келиб чиқади. Иш билан чала банд бўлганда меҳнат массаси қисқаради, тўла банд бўлганда, у ортади. Шу сабабли М. Кейнс¹ назариясида иш билан тўла банд бўлиб иқтисодий ўсиш омили деб, ишсизлик эса ўсишга тўқтириш қилувчи куч деб қаралади. Меҳнат массасининг меҳнат унумдорлигига кўпайтмаси ялпи миллий маҳсулотни беради. Олдинги мисолга қайтсак, бир йилги меҳнат массаси 1 млрд. 890 млн. соат, меҳнат унуми соатига 30 фунт стерлинг миқдоридаги маҳсулот беради. Уларнинг кўпайтмаси $(1 \text{ млрд. } 890 \text{ млн. } \times 30) = 56,7 \text{ млрд. фунт стерлинг миқдорида ялпи миллий маҳсулот бўлади.}$

Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар талайгина. У энг аввал техника даражасига боғлиқ. Техника қанчалик мукаммал бўлса, меҳнат шунча кўп ҳудуд беради. Шу ўринда робот техникаси оддий техникага нисбатан 8—10 баробар юқори унум беришини эслатиб ўтишнинг ўзи kifой қилади. Унумдорлик учун техниканинг сифати билан бирга миқдори ҳам аҳамиятли. Шу боисдан 5 станокка хизмат қилувчи тўқувчига нисбатан 10 станокка хизмат қиладиган тўқувчи юқори меҳнат унумдорлигини беради. Техниканинг кўпроқ қўлланилиши капитал (асосий фондлар)нинг кўпроқ ишлатилишини билдиради, чунки капитал фондлар ҳажмида ифода этилади. Ҳар бир ишловчига тўғри келадиган фондлар миқдори меҳнатнинг фондлар билан қуролланиш даражаси ҳисобланади ва бу кўрсаткич меҳнат унумдорлигига таъсир этади. Меҳнатнинг фондлар билан қуролланиш даражаси миқдоран фондлар суммасининг ишловчилар сонига бўлинадир. Фондлар суммаси ишловчилар сонига нисбатан қанчалик кўп бўлса, меҳнатнинг фонд билан таъминланиши шунчалик юқори бўлади (7-расм).

Инсон асосий ишлаб чиқарувчи куч, унинг меҳнат фаолияти бўлмаса ҳеч бир иқтисодий ўсиш бўлиши мумкин эмас, албатта. Унинг ишлаб чиқара билиш қобилияти меҳнат унумдорлигини англайди. Бу қобилият ишловчининг билим савияси, касбий малакаси, иш тажрибаси ва маҳоратига боғлиқ. Инсон қобилиятини оширишга кетган маблағ — инсон капиталига қўйилган пул деб юрийтилади ва пул сарфининг энг қулай усули ҳисобланади. Кишиларнинг билим даражаси ва касбий малакасини ошириш учун қанча кўп маблағ сарфланса, шунчалик иқтисодий ўсиш тез юз беради (8-расм).

¹ М. Кейнс — машҳур инглиз иқтисодчиси, иқтисодий тафаккур тарихида янги саҳифа очган олим.



8-расм

Меҳнат унумдорлиги орқали иқтисодий ўсишни таъминловчи яна бир омил — бу ресурсларнинг турли соҳаларга тақсимланиши ёки **ишлаб чиқариш структураси** (таркиби) дир. Гап шундаки, турли соҳалар нотекис ривожланади, шу сабабли у ерда меҳнат унумдорлиги юқори ва истиқболи катта соҳалар устивор ривожланса, иқтисодий ўсиш тезлашади. Аксинча, унумдорлик шарт соҳаларга ресурслар юборилиб улар ривожлантирилса, иқтисодий ўсиш суст боради. Агар ишлаб чиқариш структураси қолоқ, яъни унда эски тармоқлар етакчи бўлса, меҳнат унумдорлиги тез ўсмайди, бинобарин, иқтисодий ўсиш ҳам самарали бўлмайди. Шу сабабли **структура силжишлари** иқтисодий ўсишнинг шартига айланади. Аграр, мустамлакага хос структура сақланиб, қишлоқ хўжалиги ва хом ашё етказувчи соҳалар устун ривожланса, иқтисодий ўсиш суст боради. Аксинча, ишлама саноати ва унинг истиқболли турлари устиворликка эга бўлса, иқтисодий ўсиш жадал юз беради. Иқтисодий ўсиш эса қолоқликдан қутулиб, илғорлар сафидан ўрин олиш воқитасидир. Шунинг назарда тутилган ҳолда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш дастурида ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш устивор вазифа дейилади. Ўзбекистон иқтисодиёти заиф, қишлоқ хўжалиги миллий даромаднинг 45 фоиз (1992 й.), экспорт потенциалининг 80 фоиздан зиёд қисмини беради, умуман саноат, айниқса, унинг тайёр маҳсулот етказиб берувчи тармоқлари яхши ривожланмаган. Қалажакда ривожланган мамлакатга айланиш учун Ўзбекистондаги ресурсларни саноатни, айниқса, унинг замонавий тармоқларини ривожлантиришига

йўналтириш мўлжалланади. Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш структураси жадал итисодий ўсишни таъминлашга қодир бўлиши зарур.

Иқтисодий ўсиш омиллари амал қилиши учун табиий ресурслар — ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмонлар ва бошқалар бўлиши шарт, чунки ишлаб чиқариш бўлиши учун табиат материалларини ундириш ва уни қайта ишлаш зарур. Аммо бу умумий шарт, чунки ресурсларнинг ишлатилиши технология даражаси, иш кучи сифати ва ниҳоят инвестиция ҳажмига боғлиқ. Шу боисдан ресурслар мавжуд бўлатуриб, камбағал мамлакатлар, ресурслари бўлмасада, бой мамлакатлар мавжуд. Масалан, Россия табиий ресурсларга ғоят бой мамлакат, лекин у иқтисодий ва ижтимоий нуфузи жиҳатидан дунёда 149 ўринда туради. Японияда ресурслар ғоят кам, лекин у нуфузи бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллайди (1992 й.).

Ресурслар кўп ва юксак технология бор жойда иқтисодий ўсиш кучли юз беради. Бунга мисол қилиб АҚШ ни олиш мумкин. Мазкур мамлакатда 1988 йили аҳоли жон бошига ҳисобланган ялпи миллий маҳсулот 1929 йилга нисбатан 3 марта кўп бўлди. Ўзбекистонда табиий бойликлар кўп бўлса-да юксак технология етишмаслигидан унинг иқтисодий даражаси паст. Хуллас, иқтисодий ўсиш учун табиий ресурсларнинг мавжудлиги муҳим омил, лекин улар юксак технология ва малакали иш кучисиз самара бермайди.

Иқтисодий ўсиш омилларининг ишлаб чиқариш тараққиётидаги аҳамияти ҳар хил. Саудия Арабистони ва Қувайт учун нефтга бой бўлиш иқтисодий ўсишда ҳал қилувчи, Японияда техника тараққиёти ва иш кучининг малакаси устивор аҳамиятга эга. Тараққиёт давомида турли омилларнинг нисбати ўзгариб туради. Аммо қонуний шунки, жамият ривожланган сари иқтисодий ўсишда фан-техника тараққиёти ва инсон омилларининг аҳамияти ортиб боради. Америка иқтисодчиси Эдвард Ф. Денисон ҳисоб-китобларига кўра АҚШ даги иқтисодий ўсишда унинг омиллари ҳар хил ўрин тутуди (3-жадвал).

Иқтисодий ўсиш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг натижасидир. Иқтисодий ўсиш бўлиши учун энг аввал ишлаб чиқаришнинг олдинги даражасига етиш, сўнгра ундан ортиқроқ маҳсулот яратиш зарур. Шу сабабли ресурсларнинг, авваламбор, олдин сарфланиб кетган ресурслар (машина, ускуна, ёқилғи, материал, хом ашё,

АҚШ реал миллий даромадининг ўсишида турли омилларнинг таъсири, 1929—1982 йиллар¹

Иқтисодий ўсиш омиллари	Ҳар бир омилнинг ўсишидаги ҳиссаси, % ҳисобида
1. Меҳнат сарфининг (массаси) ўсиши	32,0
2. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши:	68,0
а) техника тараққиёти	28,0
б) капитал сарфи	19,0
в) таълим ва касбий тайёргарлик даражаси	14,0
г) ишлаб чиқариш кўлами келтирган тежам	9,0
д) ресурслар тақсимотини яхшилаш	8,0
е) бошқа омиллар	—9,0

уруғлик, ўғитлар ва ҳоказо) ўрнини қоплаши талаб қилинади. Шундагина ишлаб чиқаришнинг илгариги кўламига эришилади, аммо бу ҳали иқтисодий ўсишни бермайди. Бунинг учун қўшимча ресурс керак ёки ресур. самарали ишлатилиб, ундан кўпроқ маҳсулот олиниши шарт. Иқтисодий ўсиш инвестицион ресурссиз бўлиши мумкин эмас. Бу ресурс ўз моҳияти билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган ресурсдир. Ресурсларни ишлаб чиқаришга йўналтириш иқтисодий ўсишни инвестициялаш дейилади. Энг аввал инвестицияга пул ажратилади, лекин пулнинг ўзи ишлаб чиқариш омили бўлмаганидан, уни керакли моддий воситаларга алмаштириш зарурати туғилади. Пул шаклидаги инвестиция номинал инвестиция дейилади. Моддийлашиб амалда ишлаб чиқариш ресурсларига айланган инвестиция реал инвестицияни билдиради ва иқтисодий ўсишни таъминлайди. Масалан, инвестицияга 5 млрд. доллар ажратилди дейлик. Бу ҳали ҳеч гап эмас. Шу пулга машина, ускуна, ёқигели, материал, хом ашё сотиб олиб, ишлаб чиқаришга қўйилгач, реал инвестицияга айланади. Иқтисодий ўсиш юз бериши учун

¹ Кэмпбелл Р. Макконелли, Стенли Р. Брю. Экономикс, стр. 384

ялпи инвестиция сарфланиб, кетган ресурслар ўрнини қоплашдан ортиб қолиши шарт. Шу ортиқча қисм ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг моддий шarti ҳисобланади. Инвестиция икки қисмдан иборат бўлади. Биринчиси — қоплаш фонди бўлиб (бу меҳнат қуроллари ва бино-иншоотларга тадбиқан амортизация фонди деб юритилади) сарфланган ресурслар ўрнини тўлдиришга хизмат қилади. Иккинчиси соф инвестиция ёки жамғариш фонди бўлиб, ресурсларни ўстириш ёки уларнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Соф инвестиция ҳам инвестицион маҳсулотлар бўлишини талаб қилади. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг 1-бўлинимаси яратади. Ижтимоий маҳсулот таркибида ишлаб чиқариш воситаларидан иборат маҳсулот бўлганидан улар инвестицияга хизмат қилади. Соф инвестиция манбаи — бу жамиятда яратилган қўшимча маҳсулотдир. Шу маҳсулотнинг бир қисми ишлаб чиқариш воситаси шаклида инвестиция ресурсига айлана олади. Бинобарин, иқтисодий ўсиш бўлиши учун янгидан яратилган маҳсулотнинг ҳаммаси истеъмол қилиниб, еб юборилмасдан, унинг бир қисми жамғарилиб, инвестицион ресурсга айланиши шарт. Соф инвестициянинг мутлақ ва нисбий ўлчами мавжуд. Соф инвестициянинг миқдори унинг мутлақ ҳажмини кўрсатади. Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси унинг нормасини ёки даражасини билдиради, бу нисбий ўлчамдир. Уни жамғариш нормаси деб ҳам юритилади. Жамғариш (инвестиция) нормаси — жамғариш суммасининг миллий даромадга бўлган ва процент билан ифодаланган нисбати дир. Унинг формуласи қуйидагича: $ЖН = \frac{ЖС}{МД} \times 100$. Бунда ЖН — жамғариш суммаси. Бунда ЖН — жамғариш нормаси, ЖС — жамғариш суммаси. Ялпи инвестиция нормаси /ЯИН/ ҳам мавжуд. Бу ялпи инвестиция суммасини /ЯИС/ ялпи миллий маҳсулотдаги /ЯММ/ ҳиссасини билдиради: $ЯИН = \frac{ЯИС}{ЯММ} \times 100$. Агар ЯИС = 50 млрд. доллар, ЯММ = 200 млрд. доллар бўлса, $ЯИН = \frac{50}{200} \times 100 = 25\%$. Демак, яратилган ЖММнинг 1/4 қисми инвестицияга кетади.

Иқтисодий ўсиш жамғариш (инвестиция) нормасига боғлиқ. Аммо бу маъкур норма қанчалик оқса, шу қадар иқтисодий ўсиш албатта юз беради деган хулосани билдирмайди. Улар ўртасида алоқадорликнинг миқдорий мезони соф инвестициянинг самарадорлигига боғлиқ. Шунта қараб инвестиция ўсиши иқтисодий ўсиш бериши мум-

кин. Мисол учун иқтисодий ўсишнинг А, В, С вариантлари бор деб олайлик. Ҳамма вариантларда миллий даромад 100 млн. га тенг, лекин жамғариш нормаси 10, 12 ва 14 фоиз. А вариантыда самарадорлик юқори бўлиб, 1 фоиз инвестиция 0,7 фоиз иқтисодий ўсиш беради, 10 фоизлик инвестициядан жами 7 фоиз ўсиш олинади. В вариантыда самарадорлик ўртача, 1 фоиз инвестиция 0,4 фоиз ўсиш беради, 12 фоизлик инвестиция нормаси 4,8 фоиз ўсиш беради. Ниҳоят С вариантыда самарадорлик ўта паст бўлганидан 1 фоиз инвестиция 0,2 фоиз ўсиш беради, 14 фоизлик инвестициядан 2,8 фоиз ўсиш олинади. А вариантыда миллий даромад мутлақ ўсиши 7 млн. ($100 \times 7 : 100$), В вариантыда 4,8 млн. ($100 \times 4,8 : 100$), С вариантыда 2,8 млн. ($100 \times 2,8 : 100$) бўлади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, юқори инвестиция нормаси шароитидаги иқтисодий ўсиш талаб-эҳтиёжни қондира олмагани ҳолда, паст норма берган иқтисодий ўсиш катта бўлганидан талаб-эҳтиёжни қондира олади. Бунинг сабаби инвестиция самарадорлигининг ҳар хиллиги билан изоҳланади.

Умуман олганда, иқтисодиёт юксалган сари меҳнат унумдорлиги ошиб боради ва шу боисдан инвестиция самарадорлиги юқорилашади, натижада инвестиция нормаси пасайишга мойил бўлади. Айниқса, бу ҳолат фан-техника тараққиёти жадаллашган кезларда юз беради, иқтисодиёти юксак ривожланган мамлакатларга хос бўлади. Инвестиция самарадорлиги инвестициянинг иқтисодий ўсишга таъсирини билдиради. Бу самарадорлик миллий даромад ёки янги миллий маҳсулот ўсимининг инвестиция миқдориغا нисбати орқали аниқланади: $ИС = \frac{\Delta МД}{ИМ}$. Бунда ИС — инвестиция самарадорлиги, $\Delta МД$ — миллий даромад ўсиши, ИМ — инвестиция миқдори.

Мисол учун, ўтган йилги миллий даромад 800 млрд. сўм бўлиб, шу йили 260 млрд. сўм инвестицияланган, шундан 160 млрд. сўм соф инвестиция. Бу йил миллий даромад кўпайиб, 880 млрд. сўмга етган ёки унинг ўсиши 80 млрд. сўмни ташкил этган. Бу рақамларни формулага қўйсақ, $ИС = 80 : 160 \times 100 = 0,5$ чиқади. Демак, 1 сўмлик инвестиция 50 тийинга тенг ўсиш берган. Агар миллий даромад ўсиши 120 млрд. сўмни ташкил этганда эди, 1 сўмлик инвестиция 75 тийинлик ўсим берар эди.

Инвестиция иқтисодий ўсишга кўп томонлама таъсир этади: биринчидан, янги технологияни жорий этиш орқали меҳнат унумдорлигини оширади; иккинчидан, қўшимча иш жойларини яратиб, ишлаб чиқаришга янги меҳнат

ресурсларини тортади, яъни ишловчилар сонини қўпайтиради; учинчидан, у янги табиий ресурсларни хўжалик оборотига туширади, яъни ишлаб чиқаришнинг табиий ресурслар билан таъминлашга хизмат қилади. Демак, инвестиция ишлаб чиқариш омилини ҳаракатига куч қўшади.

Одатда иқтисодий ўсиш соф инвестиция талаб қилади. Аммо, ишлаб чиқариш кўлами катта жойда, яъни асосий капитал катта ерда соф инвестиция бўлмаса ёки у минимал даражада бўлса ҳам, иқтисодий ўсиш бўлиши мумкин. Бу ўсиш ялпи инвестиция таркибига кирувчи ва қоплаш фонди бўлиши амортизация ҳисобидан бўлади. Бунинг учун, албатта, шу фонд янги технологияни жорий этишга қаратилиши шарт. Агар у эскидан қўлланиб келган техникани ўз ўрнида тикласа, ўсиш юз бермайди, чунки меҳнат унумдорлиги ўзгармайди. Эски техника ўрнига янги техника тикланса, меҳнат унуми ошиб, иқтисодий ўсиш юз беради. Масалан, 100 киши 100 та станокда кунига 7 соатдан ишлаб, ҳар соатда 200 долларлик, кунига эса 140.000 долларлик маҳсулот беради. Маскур тўзиб бўлган станоклар ўрнига 100 дан янги, 1,5 марта юқори унум берувчи станоклар тикланади. Натижада 7 соатлик иш кунида ўшанча ишчи 210.000 долларлик маҳсулот яратади. Бу, албатта унумдорлик ҳисобидан иқтисодий ўсиш юз берганини билдиради. Иқтисоди кучли мамлакатларда асосий капитал кўп бўлганидан, амортизация ҳам катта суммани ташкил этади. АҚШ да амортизация ажратмалари қуйидаги миқдорда бўлган (млрд. доллар ҳисобидан): 1940 йилда — 9,4, 1958 йилда — 42,8 1978 йилда — 229,9, 1988 йилда — 505,0 млрд. Ярим триллион долларга тенг амортизация бор ва техника шиддат билан ўсаяётган мамлакатда амортизациянинг иқтисодий ўсишдаги ҳиссаси ортиб боради, бу эса нисбатан кам соф инвестиция ажратган ҳолда ишлаб чиқаришни барқарор ўстириш имконини беради.

3. Иқтисодий ўсиш турлари. Ишлаб чиқариш самарадорлиги

Иқтисодий ўсиш турли йўллар билан боради ва турлича натижа беради, чунки уни юзага келтирувчи такрор ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳар хил. Маълумки, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг икки усули мавжуд: экстенсив ва интенсив усуллари. Экстенсив такрор иш-

лаб чиқариш юз берганда ишлаб чиқаришнинг кенгайиши олдингига нисбатан кўпроқ иш кучи, ишлаб чиқариш воситаси ва табиий бойликлар талаб қилади, бинобарин, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига монанд равишда ресурслар сарфи ҳам ортиб боради. Ишлаб чиқариш 10% ўсди деб фараз қилсак, шу ўсим ишловчилар сонини 5% га, меҳнат қуроллари миқдорини 2% га, хом ашё ва материалларни 3% га ошириш натижасида юз беради. Бунда маҳсулот бирлигини яратиш учун кетган моддий ва меҳнат сарфлари қисқармайди, меҳнат унумдорлиги ошмайди. Иқтисодий ўсиш меҳнат ва моддий ресурсларни кўпроқ қўллани натижасида юз беради. Экстенсив иқтисодий ўсишнинг мавжудлиги қолақ иқтисодиётнинг асосий белгисидир. Моддий базаси заиф, қўл меҳнати ва эски технологияга асосланган ишлаб чиқариш шароитида экстенсив ўсиш устивор бўлади. Машиналашган ишлаб чиқаришга ўтиш меҳнат унумдорлигини ўстиришга кенг имкониятлар очди, бинобарин интензив такрор ишлаб чиқариш (ўсиш) учун шароит ҳозирланади. Аммо, бундан илгарй, тарихан интензив усул мутлақо бўлмаган деб хулоса қилиш мумкин эмас. Қўл меҳнат қуроллари ва уларга асосланган технология ҳам гоят секин бўлса-да, такомиллашиб борган, меҳнат унумдорлиги имиллаб бўлса ҳам ўсган, лекин бу омилларнинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси сезиларли бўлмаган. Натижада иқтисодий ўсишнинг экстенсив усули ҳукмрон бўлиб қолаверган. Машиналашган ишлаб чиқариш шароитида ўсиш интензив усулининг аҳамияти муттасил ошиб боради. Ишлаб чиқариш кўлами, яратилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмининг ресурсларни тежамли ишлатиш ҳисобидан ошиб бориши, улар сифатини яхшиланиши интензив иқтисодий ўсиш деб аталади. Экстенсив усул ресурс бўлса, яъни у ишлаб чиқариш ҳажмига қараб ресурс сарфини кўпайтиришни талаб қилса, интензив усул кам ресурс ҳисобланади, яъни ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига нисбатан ресурслар сарфи қисқаришини билдиради. Ресурс ҳақида гап кетганда унинг мутлақ миқдорини эмас, балки нисбий миқдорини, маҳсулот ҳажмига нисбатан миқдорини тушуниш керак, аниқроғи маҳсулот бирлигига кетган ресурс сарфини назарда тутиш керак. Интензив усулдаги сарфланган ресурслар ҳажми экстенсив усулдагига нисбатан миқдоран кўп бўлиши мумкин, лекин олинган маҳсулот бундан ҳам кўпроқ бўлади. Масалан, экстенсив йўл билан 5 млрд. бирликка тенг маҳсулот

олинди ва бунинг учун 1 млрд. бирликка тенг ресурс сарфланди. Интенсив йўл билан 10 млрд. маҳсулот олинди ва бунга 1,5 млрд. ресурс кетди. Бинобарин, ресурс сарфининг миқдори 1,5 баравар ошди, аммо маҳсулот 2 баравар кўп олинганидан, маҳсулот бирлигига кетган ресурс сарфи 25% қисқарди.

Маҳсулот бирлигига кетган ресурс сарфи маҳсулотнинг ресурс сизими дейилади. Бу алоҳида олинган ресурсни эмас, балки ҳамма турдаги ресурслар сарфини билдиради. Шунга биноан маҳсулотнинг меҳнат сизими, фонд (капитал) сизими, энергия сизими каби кўрсаткичлар мавжуд. Интенсив иқтисодий ўсиш ҳамма турдаги ресурслар сизимининг пасайишини тақово этади. Бу эса берилган ресурс доирасида уни яхши ишлатиб, ундан кўпроқ маҳсулот олишни, яъни кам ресурс сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олишни билдиради. Масалан, бир метр ип тазлама яратиш учун ҳозир 200 г пахта толаси, 20 г бўёқ, 2 кВт элктр энергияси, 20 минут иш вақти кетса, кейинчалик 180 г пахта, 18 г бўёқ, 1,7 кВт электроэнергия, 16 минут иш вақти кетади. Бу маҳсулотнинг ресурс сизими пасайганлигини кўрсатади. Экстенсив ўсиш ўз мазмуни билан миқдорий бўлса, интенсив ўсиш эса сифат ўсишидир, яъни у иқтисодий ўсишнинг сифатини билдиради. Интенсив ўсиш шароитида ишлаб чиқариш натижаларининг сифағли томоний катта аҳамиятга эга бўлади. Бу энг аввал маҳсулотнинг сифати, унинг янгилашиб боришидир. Сифатли маҳсулот қанчалик кўп бўлса, эҳтиёж шу қадар тўлароқ қондирилади.

Интенсив ўсишнинг ўз шарт-шароитлари бор. Уни таъминлайдиган энг асосий шарт фан-техника тараққиётидир. Фақат янги техника ва технология шароитида ресурсларни тежаш ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш мумкин. Тежамли технологиянинг ишлаб туриши учун эса малакали иш кучи талаб қилинади. Интенсив ўсиш ҳозирги фан-техника революцияси шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Бу биринчидан, арзонга тушадиган табиий ресурсларнинг тобора камайиб бориши, табиий ресурсларни жалб этишнинг қимматлашиб кетиши; иккинчидан, мутлақо янги техника ва технологиянинг яратилиши, янги материаллар ва энергия манбаларининг очилиши билан боглиқ. Ҳозирги босқичда иқтисодиётнинг азалий зиддияти — эҳтиёжнинг чексиз юксалиши билан ресурсларнинг чекланганлиги ўртасидаги зиддиятнинг чуқурлашуви хос. Шу зиддиятни ечишда ишлаб чиқариш-

нинг интенсив ривожланиши қўл келади, чунки бу усул нисбатан кам ресурс сарфи билан эҳтиёжни тўлароқ қондириш имконини беради, чекланган ресурсе шароитида фаровонлик ўсиб боришини таъминлайди.

Иқтисодиёт яхлит нарса, шу сабабли экстенсив ва интенсив ўсиш алоҳида ва ажралган ҳолда амал қилмайди. Улар ягона ҳўжалиқ фаолиятига хос усуллардир. Бир вақтнинг ўзида иқтисодий ўсишда ҳам миқдорий (экстенсив), ҳам сифат (интенсив) жиҳатлари мавжуд бўлади, ammo уларнинг нисбати ҳар хил бўлади, албатта. Юқорида таъкидланганидек, иқтисодиёт қўл меҳнати технологияси ва малакасиз иш кучига асосланган жойда экстенсив ўсиш устун туради. Аксинча, ишлаб чиқариш машиналашган, серунум технология ва юксак малакали иш кучига таянган жойда интенсив ўсиш биринчи ўринда туради, ишлаб чиқариш ривожланган сари қонуниятли тарзда интенсив ўсишнинг аҳамияти тўхтовсиз ошиб боради.

Икки усулнинг иқтисодий ўсишдаги ҳиссасини унинг омиллари берган натижага қараб баҳолаш мумкин. Буни, хусусан, меҳнат массаси ва меҳнат унумдорлигини маҳсулот яратишга қўшган ҳиссаси ифодалайди. Агар 3-жадвал маълумотларига қайтсак шуни кўрамызки, АҚШ да 1929—1982 йиллар мобайнида миллий даромаднинг ўсишда меҳнат массаси ўсишининг ҳиссаси 32%, меҳнат унумдорлиги ўсишининг ҳиссаси эса 68% бўлган. Бинобарин, экстенсив омиллар ҳисобидан ўсишнинг $\frac{1}{3}$ қисми, интенсив омиллар ҳисобидан эса унинг $\frac{2}{3}$ қисми олинган. Айни вақтда бир қатор Осиё ва Африка мамлакатларида (1960—80 йилларда) иқтисодий ўсишнинг фақат 25—30% интенсив, яъни сифатли омиллари ҳисобидан олинган. Демак, иқтисодий ўсишдаги бу икки усулнинг нисбати иқтисодий тараққиёт даражасига бoғлиқ деб хулоса қилиш мумкин.

Иқтисодий ўсиш омиллари ҳаракати ишлаб чиқариш самарадорлигида мужассам ифода этилади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ишлаб чиқариш харажатлари билан олинган натижанинг нисбати дир. Қанча ресурс сарфлаб, қанча ва қандай сифатли маҳсулот ва хизматлар яратилганини самарадорлик ифодалайди. Унинг бош мезони — пировард натижа ҳисобланади. Маълумки, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси — бу ялпи миллий маҳсулот ва унинг таркибий қисми бўлган миллий даромад. Миллий даромад талаб-эҳтиёжни қондириш ва келажакда иқтисодни ўстиришга хизмат қилувчи соф инвестиция маъ-

баи. Шу боисдан самарадорлик яратилган миллий даромаднинг ишлатилган ресурсларга нисбати билан аниқланади. Самарадорлик синтетик ва умумлашган кўрсаткич бўлиб, интеграл характерга эга, яъни ўзида бир неча кўрсаткичлар натижасини жамлайди. У маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими ва инвестиция сиғимидан келиб чиқадиган ҳосилadır. Маҳсулотни яратишга кетган меҳнат сарфи унинг меҳнат сиғими, материал сарфи — ашё ёки материал сиғими, ишлатилган фондлар миқдори унинг фонд сиғими, ниҳоят маҳсулот олиш учун кетган инвестиция сиғими бўлади. Уларни аниқлаш учун меҳнат массаси (иш ҳақида ифода этилади), материал сарфи, фондлар суммаси ва ниҳоят инвестиция суммаси яратилган маҳсулот миқдорига бўлинади:

$$\frac{\text{меҳнат массаси}}{\text{маҳсулот}} = \frac{MM}{MX}; \quad \frac{\text{ашё массаси}}{\text{маҳсулот}} = \frac{AM}{MX};$$

$$\left. \frac{\text{фондлар суммаси}}{\text{маҳсулот}} = \frac{FC}{MX}; \quad \frac{\text{инвестиция суммаси}}{\text{маҳсулот}} = \frac{IC}{MX} \right\}.$$

Меҳнат унумдорлиги ошса меҳнат сиғими камаяди, ашёлар тежаб ишлатилса, ашё сиғими камаяди. Ўз навбатида фондлардан яхши фойдаланилса, фонд сиғими қисқаради. Инвестициялар самарали бўлса, инвестиция сиғими камаяди. Хуллас, самарадорлик ҳам меҳнат, ҳам моддий сарфлар тежалишини талаб қилади. Унинг ортиши кам сарфлаган ҳолда кўплаб ва сифатли маҳсулот яратилишини билдиради. Албатта, самарадорлик даражасини шакллантирувчи унсурларнинг унга таъсири бир хил бўлмаслиги турган гап. Бир шароитда меҳнат унумининг ортиши оқибатида маҳсулот меҳнат сиғимининг камайиши асосий омил бўлса, бошқа шароитда, ашёларнинг тежалиши, учинчи шароитда эса z фондларнинг яхши ишлатилиши самарадорлик учун ўта аҳамиятли бўлади. Бундан қатъи назар барча омилларнинг биргаликдаги таъсири самарадорлик умумий даражасини келтириб чиқаради. Иқтисодий ўсиш самарадорлиги уни вужудга келтирган сарфларга нисбатан қаралади, чунки бу сарф-натижа деган умумий қоидадан келиб чиқади. Шу жиҳатдан қаралганда иқтисодий ўсиш самарадорлиги формуласи қуйидагича:
$$\dot{Y}C = \frac{\Delta MD}{\Delta / MC + AC + FC + IC}.$$
 Бунда $\dot{Y}C$ — ўсиш самарадорлиги; Δ — ўсим; MD — миллий даромад; MC — меҳнат сарфи; AC — ашё сарфи; FC — фонд сарфи; IC — инвестиция сарфи. Мазкур

формула воситасида сарфлар эвазига нима олганини ҳисоблаш мумкин. Масалан, шу йил ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қилинган қўшимча сарфлар қуйидагича бўлди: $\Delta MC=3$, $\Delta AC=4$, ΔFC /амортизация/ = 3, $\Delta IC=2$. Ҳами қўшимча сарфлар 12 бўлади, улар қўшимча равишда бга тенг миллий даромад берди, яъни $\Delta MD=6$

шунда
$$\mathcal{U}C = \frac{\Delta 6}{\Delta/3+4+3+2} = \frac{6}{12} = 0,5.$$
 Келаси йили $\Delta MC=3,5$, $\Delta AC=5$, $\Delta FC=4$, $\Delta IC=3$ бўлди, аммо $MD=10$ эди. Демак,
$$\mathcal{U}C = \frac{\Delta 10}{\Delta/3,5+5+4+3} = \frac{10}{15,5} = 0,64.$$

Бинобарин, $0,64 > 0,5$. Демак самарадорлик 28% га ошди ($0,64 \times 100 : 0,5$). Самарадорликнинг ортishi ишлаб чиқариш яхши натижа берганлигини, форовонликнинг ўсиши моддий жиҳатдан ҳозирланганлиги ва ниҳоят бўлғуси ўсиш учун асос солинганлигини билдиради. Иқтисодий ўсиш самарадорлиги унинг интенсив усуллари амал қилганда барқарор тус олади, лекин шундай барқарорлик ҳар доим ҳам бўлавермайди, чунки иқтисодий ўсишда узилишлар ҳам бўлиб туради.

4. Иқтисодий ўсиш цикллари

Иқтисод бир маромда ривожланмайди, унга нотекис тараққиёт ҳам хос. Тарихда ҳар доим иқтисодий ўсиш ўрнига турғунлик ва ҳатто тушкунлик келган, сўнгра яна иқтисодий ўсиш бўлган. Иқтисоддаги шундай тебранма ҳаракат маълум даврларда такрорланиб турган. Иқтисодий динамикадаги кўтарилиш ва пасайиш ҳодисаларини ўз ичига олувчи, иқтисоднинг тебраниб туриши билан характерланувчи давр иқтисодий ўсиш цикли дейилади. Иқтисодий назарияларда цикллار ҳар хил талқин этилган. Марксизм назариясида циклли ривожланиш фақат капитализм белгиси деб қаралган, цикл кризис (инқироз) дан кризисгача бўлган давр сифатида баҳоланган, унда кризис, турғунлик, жонланиш ва юксалиш фазалари мавжудлиги қайд этилган. Бу назарияда кризис циклнинг бошланғич нуқтаси деб олинган. Мазкур назария XIX асрдаги циклли ривожланишга хос ҳодисаларни умумлаштирган, аммо цикллarning умумий ҳодиса эканлигини эътибордан қочирган. Ҳозирги замон назарияларида иқтисодий цикллarning мавжудлиги тан олинади, цикл иқтисодий ўсишга хос тебранма ҳаракат деб талқин этилади, аммо унинг сабаблари ҳар хил изоҳланади.

Цикллар азалдан мавжуд, улар иқтисодиётнинг ҳамма

турларига хос бўлган, аммо иқтисоддаги тебранма ҳаракат турли даврда ва турли шаклда намоён бўлган, Қадимги Дунё ва Ўрта асрлар иқтисодиётидаги тебранма ҳаракат асрлар давомида юз берган, чунки иқтисодий ўсиш омиллари кучсиз бўлганидан улардаги сифат ўзгариши секин борган ва бу омиллар иқтисодиётга фаол таъсир эта олмаган. Иқтисодиёт қолоқ бўлганидан, уни ривожлантириш учун инвестиция етишмаган, бунинг устига инвестициялар янги технологияни жорий этиш билан боғлиқ бўлмаган, чунки унинг ўзи асрлар давомида камдан-кам ўзгарган. Кишилар табиий кучлардан (масалан, шамол, сув кучи) фойдаланишни ўрганишлари учун кўп асрлар керак бўлган. Тараққиёт суст борганидан цикл ўта узун бўлган. Иқтисодиётнинг кўтарилиши ва пасайиши ўқтин-ўқтин бўладиган кашфиётлар, табиий офатлар ва урушлар билан боғлиқ бўлиб келган. Ўрта асрлардаги иқтисодий жонланишлар елканли кеманинг кашф этилиши ва савдо йўллариининг очилиши, Америка қитъасининг очилиши каби воқеалар билан изоҳланган.

Иқтисодий тараққиёт суст жойда цикли ривожланиш аниқ намоён бўлмайди. Машиналашган ишлаб чиқаришга ўтиш муносабати билан иқтисодий ўсишнинг интенсив усуллари ҳаракатга келгач, иқтисодиётдаги тебранма ҳаракат очиқ-ойдин намоён бўлади ва тез-тез такрорланиб туради. Машиналар тизими пайдо бўлгандан сўнг цикли ривожланиш қонуний ҳодисага айланади. Айниқса, бу ҳозирги фан-техника революцияси замонида кучаяди. Қолоқ ва ривожланган жамиятдаги иқтисодий тебранишлар сабаби айнан бир хил эмас. Қолоқлик даврида бу кўпинча табиий омиллар ва фалокатлар натижаси бўлган, чунки иқтисодий фаолиятга тасодифлар кучли таъсир кўрсата олган. Иқтисодий қуввати кучли жамиятда ишлаб чиқариш табиий ва бошқа тасодифий ҳодисалар таъсирини кучсизлантира олади. Шу сабабли тебранишлар иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Уларни асосан икки нарса келтириб чиқаради. Биринчиси — фан-техника тараққиёти билан боғлиқ инвестициялар, иккинчиси — маҳсулот ва хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжнинг ўзгариши. Улар биргаликда иқтисодий ўсишга таъсир этади. Маҳсулотга талабнинг ортиши ёки камайиши ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ёки қисқартиришни тақозо этади. Бу ўз навбатида инвестицияларни ўзгартиради. Талаб кетидан инвестициянинг кўпайиши ишлаб чиқаришдаги техника ва технологияни янгилайди. Аммо

ишлаб чиқариш ҳаддан ташқари кўпайса, маҳсулот туриб қолади, уни кўпроқ ишлаб чиқариш зарурати бўлмайди, натижада уни қисқартиришга тўғри келади. Ишлаб чиқаришнинг техникавий янгиланиши вақти-вақти билан бўлиб туради, шу сабабли иқтисодий ўсиш нотекис юз беради. Иқтисодий ўсиш ўрнига турғунлик ёки тушкунлик келади, сўнг ишлаб чиқариш яна ўнгилашиб кетади. Техника тараққиётининг шиддатига қараб техникавий янгиланиш муддати қисқаради. Агар XIX асрнинг 1-ярмида техниканинг янгиланиши, яъни мавжуд техниканинг тўзиб бўлиши натижасида унинг янгиси билан алмаштирилиши 12—15 йилда бўлса, XX асрнинг охирига келиб, бу муддат 3—5 йилга тушиб қолди. Бунинг устига талаб-эҳтиёж ҳам тез янгиланади. Шу боисдан ўсиш ва пасайишдан иборат тебранма ҳаракат цикли (даври) ҳам қисқаради.


Собиқ социалистик мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, иқтисодий циклга жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши ҳам таъсир этади. Бир иқтисодий тизим (тоталитар тизим) инқирозга юз ўтириб, иқтисодий ўсишни таъминлай олмагани ҳолда, унга нодир бўлган янги тизим (бозор тизими) шаклланиб улгурмаган шароитда ишлаб чиқаришнинг ўсиши унинг тушкунлиги билан ўрин алмашади. Натижада ишлаб чиқаришнинг камайиб кетиши билан боғлиқ иқтисодий кризис келиб чиқади. Тушкунликнинг давомийлиги, ундан чиқиш муддати янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланишига боғлиқ. Иқтисодий тизимларнинг ўрин алмашуви билан боғлиқ бўлган иқтисодий ўсишдаги ўзгаришлар ўтқинчи, бинобарин, вақтинча бўлади. Янги тизимга ўтилгач, иқтисодий цикл ўзининг қонуний ҳолатига қайтади.

Иқтисодий цикл, ҳозирги назарияларга кўра тўрт фазадан иборат: 1) ўсиш чўққиси, 2) пасайиш, 3) турғунлик (депрессия), 4) жонланиш. Шу фазалар кетма-кет ўрин алмашиб туриши натижасида тўлқинсимон ҳаракат юз беради. Тўлқиннинг келиб-қайтиши, кўтарилиши-тушиши каби ҳаракат иқтисодиётда юз беради, лекин бу иқтисоднинг илгарилаб боришига хос. Тўлқинсимон ҳаракатни АҚШ иқтисодчилари¹ қуйидагича тасвир этишадди (9-расм).

Расмдан кўринадики, юқориллашиб борадиган тўғри чизик иқтисодий ўсишни билдиради. Аммо шу ўсиш жа-

¹ Кэмпбелл Р. Макконелли, Стенли Р. Брю. Экономис, стр. 156.

Иқтисодий цикл фазалари



9-расм

раёнида иқтисодиётнинг кўтарилиб-пасайиб, яна кўтарилиб-пасайиб туришидан иборат ҳаракат юз беради. Бу ҳаракат маълум даврда такрорланади. Расмда тўлқинсимон ҳаракатни уч бор такрорланганини кўрамыз, чунки иқтисодиёт уч марта ўз чўққисига чиққан.

Иқтисодиётнинг бир фаза узра ҳаракати ўз хусусиятига эга. Усиш чўққисидан иборат фаза ишлаб чиқаришнинг юксалишидан далолат беради. Бу фазада иқтисодий фаоллик кучаяди, буни Фарбада «бум» деб аташади. Ишлаб чиқариш суръатлари ошади, тўла иш билан банд бўлиш пайдо бўлади, ишлаб чиқариш қувватлари тўла ишлайди, маҳсулот кўп ярагилса-да, соғилиб кетади, аммо инвестиция фаолияти кучли бўлмайди. Шундан сўнг ишлаб чиқариш пасая боради ва қуйи нуқтага тушади, ишсизлик орта боради, ишлаб чиқариш қувватлари бўшаб қолади, товарлар ҳам туриб қолиб, бозор касодлашади. Мана шундай тушқунликни иқтисодий кризис деб ҳам

аташади. Шундан сўнг депрессия (турғунлик) фазаси келади. Бу фазада иқтисодиёт на пасаймай, на ўсмай бир ҳолатда қалқиб туради. Ишсизлик ҳам бир меъёрда туради, нархлар ўзгармайди, аммо инвестицион фаоллик бошланади. Инвестиция кўпайиб, ишлаб чиқариш янгиланади, инвестиция касал иқтисодиётни даволаш учун берилган инъекция (укол) муолажа вазифасини ўтайди. Ишлаб чиқариш техникаси янгиланади, янги харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш бошланади. Бунинг натижасида иқтисодиётда жонланиш бошланади, у секин-асга юқорига кўтарила бошлайди, талаб ўсади, нарх ошади, иш билан банд бўлиш ортади, ишлаб чиқариш қувватлари тобора тўла ишлаб бошлайди. Натижада ишлаб чиқариш яна чўққига чиқиб олади. Шундай ҳаракат қайта-қайта юз беради ва ҳодисалар занжири бу цикли ривожланишни билдиради. Иқтисодий ўсишнинг цикли ривожланиш орқали бориши унинг муаммолари мавжудлигидан дарак беради. Иқтисодий ўсиш муаммоларини ҳал этиш ижтимоий тараққиётга йўл очади.

ТАҚРОРЛАШ ВА ЗУҚҚОКЛИНИ СИНАБ КЎРИШ УЧУН САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Иқтисодий ўсиш нима ва унинг қандай ўлчами бор?
2. Иқтисодий ўсиш нима билан чекланган?
3. Нима сабабдан иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш структураси (таркиби)га боғлиқ бўлади?
4. Саудия Арабистони ва Жанубий Қурия ҳар иккаласи бой мамлакат, аммо уларнинг иқтисодий ўсишига ва бойиб кетишига таъсир этувчи омилларнинг фарқи борми? Шунини мулоҳаза қилиб кўринг.
5. Инвестиция нормаси билан иқтисодий ўсишнинг қандай алоқадорлиги бор?
6. Қандай шароитда интенсив (сифатли) иқтисодий ўсиш мумкин бўлади?
7. Интенсив иқтисодий ўсиш қандай зиддиятни ҳал этади?
8. Ишлаб чиқариш самарадорлиги нималарга боғлиқ бўлади?
9. Иқтисодий тебранишларнинг сабаби нима?
10. Нима учун иқтисодий циклар такрорланиб туради?
11. 1990—1993 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий циклнинг қайси фазаси мавжуд бўлган ва унинг сабаби

нима эканлигини ўйлаб кўринг. Бунинг учун мамлакагимиз иқтисодий аҳволига доир маълумотни ўрганиб чиқанг ва хулоса қилинг.

VII БОБ

МИЛЛИЙ БОЙЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ПОТЕНЦИАЛ

1. Миллий бойлик ва унинг таркиби

Иқтисодий ўсиш жамиятнинг бойиб боришини билдиради, чунки ишлаб чиқариш фаолияти жорий эҳтиёжларни қондириш билан чекланмай, яратилган неъматларнинг бир қисмини жамланган бойликка айлантириш имконини беради. Одатда ишлаб чиқариш тўхтовсиз кенгайиб борганидан маҳсулотларнинг бир қисми ҳар доим бойлик ҳосил этавермайди. Бойлик деган тушунча иқтисодий назарияда кенг қўлланади. Биринчи марта бойлик деган тушунчани А. Смит киритган. К. Маркс ижтимоий бойлик ғоясини асослаган. А. Смит яратилган маҳсулотларнинг жамғарилишини бойлик деб атаган ва уни ишлаб чиқарувчилар меҳнати оширади деб уқтирган. У «миллат бойлиги» деган ғояни олға сурган. К. Маркс таълимотига кўра меҳнат яратган ва жамият қўлида тўпланган маҳсулотлар бойликка айланади, унинг ўзлаштирилиши синфий бўлганидан бой, камбағал синфлар келиб чиқади. Ҳозирги замон بازارияларида ҳам яратилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ресурсига айланиб, бойлик ҳосил этиши эътироф этилади.

Миллий бойлик ёки ижтимоий бойлик умумиқтисодий категория. Ишлаб чиқариш бор жойда миллий бойлик вужудга келади. Ҳар қандай жамият ўзининг ички тузумидан қатъи назар маълум даражадаги бойликка таянади. Миллий бойлик — бу миллат ёки элат бойлиги бўлмай, муайян жамиятнинг бойлигидир. Шу жиҳатдан уни ижтимоий бойлик деб қараш мумкин. Миллий бойлик ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулидир. Миллий бойлик деб асрлар оша ҳамма авлодлар меҳнати билан яратилган ва жамиятда жамғарилиб келинган моддий ва маданий-маънавий неъматлар, авлоддан-авлодга ўтган табиат инъомлари, тўпланган билимлар, малака ва маҳоратлар мажмуига айтилади.

Миллий бойлик кенг маънодаги тушунча, у моддий ва номоддий, меҳнат яратган ва табиат инъоми неъматлари-

дан иборат бўлади. Уни амалда ўзлаштириш юзасидан ҳар хил иқтисодий муносабатлар, жумладан, мулккий муносабатлар келиб чиқади. Аммо бундан қатъи назар миллий бойлик бир қатор умуминсоний белгиларга эга. Қаерда бўлишдан қатъи назар у меҳнат натижасида яратилади ва кўпайиб боради. Меҳнат бойлигининг ички мазмунидир, чунки уни ташкил этувчи буюмларни инсон меҳнати яратади. Бойлик меҳнат маҳсули бўлса-да, у қайтадан меҳнат жараёнида ишлатилади. Айниқса, бундай хусусият жамланган моддий ресурсларга хосдир. Масалан, миллий бойлик бўлган бино-иншоот ёки машина-механизм ўзи меҳнат натижаси бўлатуриб, қайтадан меҳнат фаолиятида, унинг моддий воситаси сифатида иштирок этади.

Миллий бойлигининг яна бир хусусияти унинг жамғарилиб боришидир. Жамғарилиш учун меҳнат маҳсули нафақат жорий истеъмолни, балки келажак истеъмолни ҳам қондира билиши зарур. Ўзининг хусусиятларига қараб, тез бузиладиган ва узоқ сақлавадиган маҳсулотлар борки, улардан биринчисида жамғарилиш хусусияти бўлмайти, иккинчисида шундай хосса мавжуддир. Аммо бундай чегара шартлидир, чунки фан-техника тараққиёти туфайли маҳсулотларни узоқ муддатда сақлаш технологияси пайдо бўлади. Бу эса жамғарила билиш қобилиятини янгидан-янги маҳсулотларга бахшида этади. Натижада миллий бойликни тўплаш имкониятлари кенгайди. Янгича таъмирлаш технологиясининг пайдо бўлиши, йўқолиб кетаётган миллий бойликни, масалан, тарихий обидаларни тиклаш ва умрини чўзиш имконини беради.

Миллий бойлик жамият фаолияти маҳсули ва табиат инъоми бўлганидан, уларнинг таъсири остида бўлади. Бойлик ҳаракатини, биринчидан, жамиятдаги иқтисодий қонунлар белгиласа, иккинчидан, унга табиий қонунлар таъсири ҳам кучли. Моддий маҳсулот бўлган бойлигининг юзага чиқиши ва ортиб бориши иқтисодий муносабатларга боғлиқ, чунки улар бойликни асраш, нес-нобуд этишдан иборат жараёнларни, хатти-ҳаракатларни юзага чиқаради. Масалан, тоталитар социализм даврида Ўзбекистоннинг тарихий бойлиги эскиликка, хусусан динга қарши кураш шиори остида поймол этилган, вайрон қилинган ёки ташиб кетилган. Ҳозирги мустақиллик ва демократик жамият қуриш шароитида тарихий бойликни эъзозлаш, уни авайлаб, авлодларга қолдириш рағбатлантиради.

Бойлик мулк сифатида ўз эгаси қўлида бўлса, сақлана-

ди, аксинча ҳеч кимнинг мулки бўлмай эгасиз қолса, талон-тарож қилинади. Табиий бойликларнинг такроран яратилиши, албатта, табиат қонунилари таъсири остида кечади. Тушроқ ҳосилдорлигининг тикланиши ёки ер қаърида қазилмаларнинг ҳосил бўлиши табиий қонунлардан келиб чиқishi шубҳасиз. Аммо бойликнинг ортиб бориши инсон хўжалик фаолиятининг табиий қонунларга мос келишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Миллий бойликнинг яна бир хусусияти унинг **такроран ҳосил бўлишидир**. У яратилади, ишлатилади ва қайта янгидан яратилади. Шу жараён узлуксиз боради. Жамият эҳтиёжини қондириш учун миллий бойлик сарфланар экан, у тўлдириб борилмаса, иқтисод ривожлана олмайди, бинобарин, бўлгуси эҳтиёжлар қондирилмайди. Шу сабабли бу бойликни такроран жамият ва табиат иштирокида ҳосил этишни тақозо этади.

Миллий бойликнинг яна бир хусусияти унинг муайян **молу-мулк сифатида кишилар тасарруфида бўлишидир**. Миллий бойлик ўзининг моддий таркибидан қатъи назар жамиятнинг миллий мулки ҳисобланади. У айрим жамият аъзоларининг, улар гуруҳи ва уюшмасининг ёхуд давлатнинг мулки бўлиши зарур. Мулк бўлмаган жойда бойлик йўқ.

Миллий бойлик ҳамма жойда ўзининг ички тузилишига эга бўлади. Бунга ҳар хил ёндашиш керак. Яратилиши манбаи жиҳатидан у икки қисмдан иборат: **1. Меҳнат маҳсули бўлган бойлик. 2. Табиат инъоми бўлган бойлик**. Меҳнат ва табиатнинг биргаликдаги иштирокисиз бойлик яратилмайди, лекин уларнинг ҳиссасига қараб бойликни фарқлантириш керак.

Шундай бойлик борки, у моддий ёки номоддий шаклда бўлишига қарамай, уни табиатдаги материалларни ишлатган ҳолда инсон меҳнати бунёд этади. Бойлик таркибидаги бичо-иншоот, машиналар, металл, уруғлик ғамламалари кабилар меҳнат яратган бойликдир. Ер, сув, ер ости ва ер устидаги бойликларни инсон яратган эмас, улар табиат инъоми. Аммо уларни бойлик сифатида инсон манфаати йўлида ишлатилиши меҳнатсиз бўлмайди, албатта. Чунки табиат инъомлари ўз-ўзидан қайта ишланмай туриб истеъмолга туша олмайди. Масалан, ер қаъридаги нефть, агар у қазиб олиниб, қайта ишланмаса, ўз-ўзидан ёқилғи бўла олмаслиги ҳаммага аёндыр.

Иқтисод ривожланган сари табиатта меҳнат кўпроқ синга боради, инсон табиий бойликларининг қайта ҳосил

этилишида фаол қатнашади, у тайёр нарсани табиатдан олиш билан чекланмай, табиатга ўз бойлигини яратишда кўмаклашади. Натижада табиий бойликлар ҳам меҳнат маҳсулига айланади. Бинобарин, бойликнинг бу икки тури ўртасида чегара тораяди. Табиий бойликларнинг ўзи икки хил бўлади: тикланадиган ва тикланмайдиган бойликлар. Биринчи туркумга ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бойликлари киради. Инсон меҳнати иштирокида улар қайтадан ҳосил бўлади. Бунинг учун қўриқхоналар очилади, ўсимликлар генофонди (уруғлик фонди) ташкил этилади, ноёб ўсимликлар давлат ҳимоясига олинади. Табиат сирларини ўрганиш асосида табиий бойликларнинг ўз-ўзидан кўпайишига шароит ҳозирланади. Чунки уларнинг ҳосил бўлиши объектив тарзда кечувчи табиий жараён бўлибгина қолмай, инсон меҳнатини ҳам тақозо этади.

Ер қаъридаги бойликлар қайта тикланмайди, уларни қайтадан ҳосил этиш ҳозирчалик жамиятнинг қўлидан келмайди. Шу сабабли меҳнат маҳсули бўлган бойликни кўпайтириш учун тикланмайдиган табиий бойликларни эҳтиёткорлик билан авайлаб ишлатиш, имкон бўлганда уни келажак учун сақлаб қўйиш зарур. Мазкур заруратдан келиб чиққан ҳолда АҚШ ўзининг кўпгина конларини атайлаб ёпган, яъни ишлатишни тўхтатиб қўйган, керакли ёқилғи — ашё ресурслари импортини кенгайтирган.

Табиатдаги ресурслар жамиятнинг потенциал (бўлғуси) бойлигидир. Улар меҳнат воситасида ишлатилгач, реал (амалдаги) бойликка айланади. Потенциал бойликнинг реал бойликка айланиши учун, биринчидан, унга талаб пайдо бўлиши керак; иккинчидан, бунинг учун зарур технология мавжуд бўлиши керак. Масалан, тоғ жинсида мавжуд бўлган маъданни реал бойликка айлантиришга эҳтиёжнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун жинсни майдалаб, ундан маъданни эритиб олиш технологияси муҳайё бўлиши шарт.

Ернинг ўзи инсонга табиат инъом этган бойликдир. У инсон учун нафақат ишлаб чиқариш воситаси ва шартшароит, балки унинг ҳаёт кечирish маконидир. Ер миллий бойликнинг муҳим унсуридир, уни бойлик таркибига қўшмаслик катта хато. Ерга минглаб авлодларнинг тери тўкилган, у меҳнат меваси ҳамдир. Ўзбекистонда 4 млн. гектарга яқин суғорма ер бор. Бу ерга миллионлаб кишилар меҳнати синган, бўз ерлар очилган, каналлар ва сув омборлари, қоллектор-дренаж тизими яратилган. Бу иш-

ларга моддий ресурслар ва инсон меҳнати сарф этилган. Бинобарин, ер табиат инъоми бўлса-да, уни миллий бойликка айлантиришда меҳнатнинг ҳиссаси улүүдир. Шу сабабли миллий бойлик таркибида ер алоҳида ўрин тутаетди. Ўзбекистонда, бошқа МДХ мамлакатларидаги каби ер миллий бойликка киритилмаган, натижада миллий бойлик асосан жамланган меҳнат маҳсули билан чегараланиб, унинг ҳажми сунъий равишда қисқартирилади. Ерни миллий бойлик қаторига қўшмаслик, унинг эгасини аниқ белгиламаслик, ерга нотўғри муносабатни юзага чиқаради. Ер бойлик сифатида қадрланиши зарур, унинг баҳоси бошқа мамлакатлардагидек юқори бўлиши шарт.

Миллий бойлик таркиби унинг унсурлари мазмуни ва шаклига қараб ҳам фарқланади. Бу жиҳатидан миллий бойлик **моддий ва номоддий** бойликдан иборат. Моддий бойлик — бу жамиятнинг моддий эҳтиёжини қондирувчи ва аниқ моддий-ашёвий шаклдаги бойликдир. У моддий маҳсулотлар ва табиат бойликларидан иборат бўлиб, жамланган асбоб-ускуна, бино-иншоот, машина ва механизмлар, ғамланган ашё, ёқилғи, шунингдек, истеъмол буюмлари йиғиндисидир. Унинг таркибига ер ва ундаги ресурслар ҳам кириши керак. Моддий бойликнинг ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги қисми Ғарбда **асосий** ва айланма капитал деб, МДХда эса **асосий** ва **айланма фондлар** деб юритилади.

Бойлик ўз кўринишига кўра моддий бўлса-да, номоддий эҳтиёжларни қондиради. Бундай бойлик номоддий асосий фондлар деб аталади. Бунга социал-маданий ва сиёсий эҳтиёжларни қондирувчи бино, иншоот, асбоб-ускуна, транспорт воситалари ва ҳар хил анжомлар киради. Улар соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, физкультура ва спорт, уй-жой хўжалиги ва давлатни бошқариш тизимига хизмат қилади, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун моддий база вазифасини ўтайди. Номоддий бойликка адабиёт ва санъат асарлари ҳам киради. Улар моддий кўринишга (масалан: китоб, ҳайкал, расм шаклига) эга, лекин номоддий эҳтиёжни қондиради. Уларнинг бойлик сифатидаги қадри-қиймати моддийлигида эмас, балки ижод маҳсули бўлишида, такрорланмайдиган ўзига хос ноёб маҳсулот эканлигида.

Миллий бойликнинг шундай турлари мавжудки, улар инсон қобилиятини мужассамлаштиради ва шахсдан ташқарида бўлмайти. Уларга **интеллектуал бойлик**, иш тажрибаси ва маҳорат киради. Интеллектуал бойлик ақл-

идрок, билим ва ижодий қобилиятдан ташкил топади. Унинг таркибига илмий-техникавий ғоялар ва ишланмалар, илмий кашфиётлар ҳам киради. Буларнинг ҳаммаси жамланган ҳолда баҳоси йўқ бойликни юзага келтирадики, у моддий бойлигидан ҳам афзал, унинг самараси ҳам юқори. Инсонда гавдаланган қобилият тугалмас бойлик, у тинимсиз тикланиб ва ривожланиб боради, моддий бойлигидан фарқлироқ, у камаймайди. Интеллектуал бойликни яратиш учун кетган сарф-харажат ўзини ғоят тез оқлайди.

Бойликнинг яна бир тури — бу анъана шаклига кирган, ишлаб чиқаришга тааллуқли тарихий тажрибадирки, у авлоддан-авлодга ўтиб сақланади ва иқтисодийга шубҳасиз таъсир этади. Бунга мисол қилиб меҳнатсеварлик, тиришқоқлик ва ишбилармонликни олиш мумкин, Ўзбекистондаги меҳнатсеварлик тажрибаси, иқтисод структурасининг қолоқ, техникавий даражаси паст бўлишига қарамай, ишлаб чиқаришдаги ҳозирги тушқунликнинг енгил кечилиши таъминлайди. Хитой, Япония ва Корея Республикасидаги миллий белги тариқасига кирган тиришқоқлик иқтисодий ривожга сезиларли ҳисса қўшди. Америкаларча ишбилармонликни олсак, бу соҳадаги тажриба АҚШ ни илгорлар қаторига олиб чиқди. Хуллас, миллий бойлик таркибини кенгроқ қараб, унга номоддий неъматлардан ташқари интеллектуал бойликни ва тарихий тажрибани ҳам киритиш зарур.

Миллий бойлик таркибининг яна бир жиҳати унинг қайси авлод яратганлигига қараб табақаланишидир. Авлоддан-авлодга ўтувчи ва бир авлод ҳаёти даврида тугалланадиган бойлик бор. Тарихий обидалар қадимий қўлёзмалар, санъат асарлари, бинолар, иншоотлар, каналлар, сув омборлари, темир йўллар, автомобиль йўллари бир неча авлодга хизмат қилади. Масалан: Катта Фарғона каналини ўтган авлод яратган, лекин у бир неча авлодга хизмат қилмоқда. Асбоб-ускуна, машиналар, ўлчаш асбоблари, ашё ғамламалари кабилар бир авлод ҳаёти даврида ишлатилиб бўладиган ва такроран бир неча марта яратиладиган бойликдир. Мустақиллик туфайли миллий бойлик ўз эгасини топади. Унинг шарофати билан Ўзбекистон ўз миллий бойлигининг эгасига айланди. Тоталитар тизим даврида Ўзбекистон мустақил давлат бўлмаганидан миллий бойлиги алоҳида ҳисоб-китоб қилинмаган. 1992 йилда биринчи бор Ўзбекистон миллий бойлигининг миқдори ҳисобланиб чиқилди (4-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси миллий бойлиги (жорий нархларда йил охирига ҳисоблаб чиқилган)

	1986 йил		1991 йил	
	млн. сўм ҳисобида	% ҳисобида	млн. сўм ҳисобида	% ҳисобида
Жами миллий бойлик (ер, ер ости бойликлар ва ўрмонлар қиймати киритилмаган.	143116,2	100,0	240666,0	100,0
Жумладан:				
1. Асосий фондлар жумладан:				
а) асосий ишлаб чиқиш фондлари	85804,0	60,0	116305	55,3
б) асосий ноишлаб чиқариш фондлари	59588,0	41,7	76255,0	36,2
2. Моддий оборот маблағлари	25766,0	18,3	46477	19,1
3. Аҳоли уйида жамғарилган мол-мулк	25766,0	18,0	46472	22,1
	31549,2	22,0	47689,0	22,6

Миллий бойлик миқдори пул воситасида ўлчанади. Муайян давлатнинг миллий бойлиги шунча млрд. доллар, сўм ёки франкка тенг деб айтамыз. Аммо бойликнинг шундай унсурлари борки, уларни пулга чақиб бўлмайди. Булар жумласига тарихий обидалар, ноёб ва бетакрор антиквар буюмлар киради. Масалан, Ўзбекистоннинг миллий бойлиги ва ғурури бўлган қўлёмалар, жумладан, халифа Усмон даврида битилган Қуръони шарифнинг энг кўҳна нусхаси бебаҳодир. Давр ўтиши билан ноёб буюмлар қадри янада ошади.

2. Миллий бойлик ҳаракати

Миллий бойликнинг ҳосил бўлиши ва ортиб бориши ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши, яъни иқтисодий ўсиш натижасидир. Яратилган моддий ва маънавий неъматларнинг бир қисми истеъмол этилиб йўқ бўлиб кетса, бошқа қисми жамғарилиб миллий бойликка айланади, ўзининг моддий шаклини сақлайди ёки моддийликдан номоддий шаклга кўчади. Ҳатто истеъмол этилган маҳсулот ва хизматларнинг бир қисми ном-нишонсиз йўқолиб кетмайди, балки инсон қобилиятида мужассамлашган

бойликка айланади, яъни шу қобилиятнинг ўсишини таъминлаб, миллий бойликни кўпайтиради. Иқтисодиёт тўхтаб қолмаганидек, миллий бойлик ҳам ҳаракатда бўлади. Бу унинг **обороти**, яъни айланиб туришида ифодаланади. Бойлик яратилади, ишлатилади ва яна қайтадан тўлдириб борилади. Бойликнинг истеъмол этилишига нисбатан кўпайиши тезроқ боради, шу сабабли у камаймасдан ўсиб туради. Миллий бойликнинг ўсиши, жамғариш қонуни асосида юз беради. Бу қонун ҳам умумиқтисодий қонунлар туркумига киради. **Бу қонунга биноан иқтисодиётнинг ўсиши юз берганда яратилган ялпи маҳсулотнинг таркиби бўлиши қўшимча маҳсулотнинг жамғариладиган қисми миллий бойликка айланади.** Бу қонун жамғаришнинг ўзини билдириб, унинг ижтимоий томонларини белгиламайди. Албатта, жамғариш ҳар хил ижтимоий оқибатга эга. Бир иқтисодий тизимда жамғарилган бойлик озчилик қўлида тўпланиб, эксплуатация воситаси бўлса, бошқа тизимда у халқ манфаатига хизмат қилиши мумкин. Аммо жамият тузуми қандай бўлмасин, барибир, иқтисодий ўсиш билан бойликнинг ортиши бир-бирига алоқадор бўлади. Агар бойликнинг ҳосил бўлиши ва ўсиши жамғаришда юз берса, унинг ишлатилиши истеъмол соҳасида кечади.

Бойликнинг айланма ҳаракати (обороти) унинг иккиёқлама хусусиятидан келиб чиқади. Биринчидан, бойлик ишлаб чиқаришнинг натижаси бўлса, иккинчидан, унинг шартшароитидир. Миллий бойлик яратилиши жиҳатидан натижа бўлса, ишлатилиши жиҳатидан сарфиётдир. Яратилган маҳсулот тақсимлаш орқали бойликка айланади, аммо бунинг шarti — ишлаб чиқаришнинг истеъмолдан ортиқча бўлишидир.

Бойликнинг ҳаракати унинг сарфланиши, тикланиши ва ўсишидан иборат. Аммо бу жараён бойликнинг турли унсурларида ҳар хил кечади. Тикланиш ва ўсиш моддий бойликка хос. Ҳар иккала жараён ишлаб чиқариш ҳисобидан боради. Номоддий бойлик ўзининг такроран яратилиш базасига эга эмас. Унинг ҳам тикланиши, ҳам ўсиши ишлаб чиқариш ҳисобига бўлади. Тикланиш ва ўсиш бойлик унсурларининг хусусиятига боғлиқ, чунки шунга қараб бойликнинг тикланиш муддати ҳар хил бўлади. Моддий бойлик унсурларининг хизмат қилиш муддати бир хил эмас. Масалан, машина 10 йил, темир йўл 100 йил, канал ҳатто 1000 йил ишлаб туриши мумкин. Бас шундай экан, уларнинг тикланиш вақти ҳам фарқланади.

Ашё ғамламалари бойлик шаклида 3—5 йил турса, бино иншоотлар 100 йиллаб туради. Тикланиш вақти бойликнинг жамғарила олиш хусусиятига ҳам боғлиқ. Бу хусусият қанчалик кам бўлса, шунчалик бойлик тез сарфланиб, унинг ўрни қисқа вақтда тўлдирилади.

Қолоқ иқтисодиёт шароитида бойликнинг ҳаракати ишлатилиш ва ўрнини тўлдириш билан чекланиб, ўсиши узоқ вақтни талаб қилади, чунки ишлаб чиқариш истеъмолдан камдан-кам ҳолларда ортиб қолади. Юксак ривожланган иқтисодиётда ҳар доим ишлаб чиқариш истеъмолдан анчагина ортиб қолганидан, бойликнинг ҳаракатида унинг ўсиши муҳим хусусиятга айланади.

Миллий бойликнинг айланма ҳаракати ЯММ ҳаракатининг давомидир. Аммо уларнинг фарқи ҳам бор. Маҳсулотнинг ҳаракати у яратилган йилда тугайди, бойлик ҳаракати эса бир неча йил давом этади. Шу жиҳатдан қараганда бойлик ҳаракати маҳсулот ҳаракатидан алоҳида далашадди, унга нисбатан узоқ давом этади. Миллий бойлик ўсиши учун энг аввал унинг ўрни тўлдирилиши керак. Бу вазифани маҳсулотнинг амортизацияни қоплаш учун кетган қисми, яъни қоплаш фонди бажаради. Бойликнинг ўсиши жамғариш ҳисобидан юз беради. Аммо унинг ўсишида маҳсулотнинг шахсий истеъмолга ажратилган қисми ҳам қатнашади. Масалан, жамиятнинг бойлиги бир триллион доллар, йил давомида у истеъмол этилиш ҳисобига йкки юз миллиард долларга қисқаради. Энг аввал шу қисм 200 млрд. долларлик маҳсулот ҳисобидан тўлдирилади, яъни бойлик тикланади. Сўнгра маҳсулотнинг 75 миллиард долларга тенг қисми жамғарма сифатида бойликка келиб қўшилади. Бундан ташқари шахсий истеъмолга кетадиган неъматлар, узоқ муддатда ишлатиладиган маҳсулотлардан иборат бўлган ва 25 млрд. долларга тенг қисми бойликка келиб қўшилади. Шундай қилиб бойлик 1,1 триллион долларга етади, яъни унинг ўсими 100 млрд. долларни ёки 10% ни ташкил этади.

Миллий бойликни кўпайтириш имкони ишлаб чиқариш структураси (таркиби)га ҳам боғлиқ. Агар ишлаб чиқаришда узоқ муддат хизмат қилувчи истеъмол моллари кўп яратилса, уларнинг бойликка айланиш имкони шунчалик кўп бўлади. Масалан, енгил машина, совутич, телевизор, видеомагнитофон қанчалик кўп яратилса, шунчалик улар ҳисобига миллий бойликнинг ўсиши юз беради. Шундай шароитда аҳолининг молу мулки бўлган

миллий бойлик кўп бўлади. Демак, аҳолининг бой бўлиши жамиятнинг бой бўлишидир.

Агар миллий бойлик ишлатилмаганда эди, унинг ўрнини тўлдиришга ҳожат қолмас эди. Бойлик эҳтиёжни қондириш учун яратилади ва шу йўлда сарфланади, унинг тикланиши ўзи эҳтиёждан келиб чиқади. Миллий бойлик икки йўсинда сарфланади: **бири ишлаб чиқариш ресурслари сифатида, иккинчиси, истеъмол воситаси сифатида.** Бойлик ресурсга айланганда унинг бир қисми меҳнат қуроллари, иккинчиси эса меҳнат воситаси бўлиб амал қилади. Улар жамиятнинг ишлаб чиқариш фонди сифатида янгидан маҳсулот яратишда иштирок этади. Бу жараёнга бойлик бўлмиш табиий ресурслар ҳам тортилади. Бойлик моддий омил тарзида ишлаб чиқаришда қатнашар экан, жамият учун бойликнинг ишлатилиш самараси муҳимдир. Бу самарани, бойлик сарфи эвазига ишлаб чиқаришдан олинган натижа беради, бойликни ишлаб чиқариш фонди сифатида ишлатилиши туфайли яратилган маҳсулот ҳажми ифода этади. Мазкур фонд самарасини /ФС/ аниқлаш учун яратилган маҳсулотни /МХ/ фонд миқдорига /ФМ/ тақсимлаш зарур: $ФС = \frac{МХ}{ФМ}$. Бунда бир сўмлик фонд ишлатиб, қанча маҳсулот олинганлиги аниқланади. $ФМ = 100$ млрд. сўм $МХ = 70$ млрд. сўм бўлса, $ФС = \frac{70}{100} = 0,7$. Демак, 1 сўм бойлик ишлатиб 70 тийинлик натижа олинган бўлади. Агар 80 тийин олинса, самара ортган бўлади.

Миллий бойликнинг ашё, ёқилғи ва материал ғамламаларидан иборат қисми ҳам ишлаб чиқариш орқали **оборот** қилади. Ғамламасиз ишлаб чиқариш бир меъёрда ўса олмайди. Аммо бойликнинг ҳаддан ташқари кўп миқдорда ғамламага айланиши, унинг ҳаракати секинлашганини билдирадики, бу ижобий ҳодиса бўла олмайди. Шундай ҳодиса собиқ СССР иқтисодиётига хос эди. СССР да ресурслар обороти секинлашганидан катта миқдорда товар-моддий бойликлар тўпланиб қолган эди. 1980—1990 йиллари СССРда товар-моддий ғамламалар ўсим 238 млрд. сўмни ташкил этиб, 570 млрд. сўмга етди. Амалда қўшимча равишда яратилган миллий даромаднинг ҳаммаси ғамламага айланди, унинг маҳсулотдаги ҳиссаси ортиб борди.

Соғлом иқтисодиёт шароитида миллий бойлик обороти тез кечади. Шу ҳисобдан эҳтиёж тўлароқ қондирилади. Миллий бойликнинг ноишлаб чиқариш фондларидан иборати

рат қисми (масалан, турар-жой, маданий-маиший бинолар) истеъмолта узоқ хизмат қилганидан уларнинг обороти секин юз беради. Бойликнинг маданий-маиший буюмлардан иборат қисми обороти нисбатан тез кечади, чунки уларнинг хизмат муддати қисқариб боради, улар янгилари билан тез алмашиб туради.

Яратилган маҳсулот сарфланган бойликдан кўп бўлганидан, унинг ўсиши юз беради. Буни фондлар шаклидаги бойлик ҳаракатида кўриш мумкин. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари улардан фойдаланиш орқали миқдоран қисқаради, уларнинг бир қисми оборотдан чиқиб кетади. Аммо яратилган маҳсулотларнинг инвестиция товарларидан иборат қисми янгидан фондларга айланади, яъни бино-иншоотлар қурилади, эски асбоб-ускуналар янгилари билан алмаштирилади. Бинобарин, янги фондлар ишга туширилади. Янги фондлар ишдан чиққан фондларга қараганда кўп бўлади. Шу сабабли улар ўсади, демак бойлик ортади. Бу жараён кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга хос бўлгани учун муқаррар юз беради. Ўзбекистонда асосий фондлар ҳаракатини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистонда асосий фондларнинг 1990 йилдаги ҳаракати (млн. сўм ҳисобида)

	1 январдаги фондлар	Йил давомида ишдан чиққан фондлар	Йил давомида янгидан киритилган фондлар	31 декабрь-даги фондлар	Фондлар ўсиши	
					мулқ ўсим	Нисбий ўсим, фоизда
Ишлаб чиқариш фондлари	49033	6761	6902	51655	2622	5,3
Ноишлаб чиқариш фондлари	29793	1875	4026	33038	3345	11,0
Жами фондлар	78826	8636	10928	84693	5687	7,4

Бойликнинг янгиланиш тезлиги уни хизмат қилиш муддатига нисбатан тескари ўзгаради. Қисқа муддат наф берувчи бойлик унсурлари тез янгиланади ва аксинча. Бойликнинг янгиланиши унинг моддий тузилишидаги ўзгаришларга ҳам боғлиқ. Янги сифатли маҳсулотлар яра-

тилгач, эскилари суриб чиқарилади. Бунда бойлик янги-ланади. Масалан, оддий станок ўрнига робот техникаси келади, оддий телевизор ўрнига ранглиси пайдо бўлади, эски автомобиль янги электроникали автомобилга ўрин беради. Умуман олганда ишлаб чиқариш ривожланиши билан бойлик тез ўсибгина қолмай, унинг таркиби янги-ланади, бойликнинг моддий шакли шиддат билан ўзгаради.

Иқтисодий ўсиб, жамият аъзолари фаровонлиги ошган сари миллий бойлик таркибида истеъмол буюмлари ҳиссаси ортади, натижада аҳоли мол-мулки бўлган бойлик тез ўсади. Бу ҳам миллий бойликнинг тобора умуминсоний манфаат йўлида ишлатилишидан дарак беради.

3. Жамиятнинг иқтисодий потенциали

Миллий бойлик ишлаб чиқариш ресурсларидан иборат экан, у жамиятнинг иқтисодий куч-қувватини кўрсатади ва иқтисодий потенциални ташкил этади. **Жамиятнинг ишлаб чиқара билиш қобилияти иқтисодий потенциал деб аталади.** Бу қобилият ишлаб чиқариш ресурслари миқдори ва сифати билан белгиланади, яратилган маҳсулотлар ва хизматлар миқдори билан ифода этилади. Шу сабабли унинг муҳим кўрсаткичи ялпи миллий маҳсулотдир. Бу маҳсулотни ишлаб чиқариш эса миллий бойликнинг ҳажми ва структураси (таркиби)га, ундан нақадар яхши фойдаланилишига боғлиқ. Шундай экан, иқтисодий потенциал юксалган сари жамият тобора бойиб боради. Айтганимиздек, потенциални маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўрсатиб туради, лекин бу потенциални тўла-тўқис ифода этмайди, чунки ишлаб чиқариш натижаси потенциалдан фойдаланиш даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Юксак потенциал бўлатуриб, жамият оз ёки кўп ишлаб чиқариши мумкин. Шу сабабли иқтисодий потенциал эришилган ва бўлғуси потенциал кўринишларига эга.

Эришилган потенциал — амалда ишлатилган потенциал бўлиб, муайян ишлаб чиқариш даражасини билдиради, лекин потенциалнинг ишлатилмаган имкониятларини билдирмайди. **Бўлғуси потенциал** шу имкониятларни ҳисобга олган, тўла-тўқис ишлатиладиган потенциалдир. Бўлғуси потенциал ресурслардан максимал даражада фойдаланишни тақозо этади. Масалан, жамият ўз ресурсларига таяниб 5 триллион сўмлик маҳсулот яратди. Бу

эришилган потенциални билдиради, лекин бу билан имконият чекланмайди, у қўшимча равишда яна 0,5 триллион сўмлик маҳсулот олиб, унинг жами миқдорини 5,5 триллион сўмга етказиши мумкин. Мана шу бўлғуси потенциалдир. Демак, бўлғуси потенциал, амалдаги эришилган потенциалдан ортиқ бўлади.

Иқтисодий потенциал жамият аъзоларининг эҳтиёжини қондириш учун ишлатилади. Агар эҳтиёжлар тўлароқ қондирилса, иқтисодий потенциал самарали ишлатилган бўлади. Потенциални ташкил этувчи ресурслар экстенсив ва интенсив ишлатилади. Улардан интенсив фойдалангандагина потенциал эҳтиёжга тўла хизмат қилади. Бунинг учун потенциал унсурлари бир-бирига мувофиқ бўлишлари керак. Иқтисодий потенциалнинг тўрт хил унсури мавжуд (10-расм)



10-расм

Меҳнат потенциали — жамиятдаги меҳнатга лабқатли, билим ва малакага, ишлаб чиқара олиш қобилиятига эга бўлган кишилардир. Меҳнат потенциалининг миқдорий ўлчами ишга яроқли кишилар сони бўлиб, унинг ўсиб бориши аҳолининг кўпайишидан келиб чиқади. Сифат жиҳатидан меҳнат потенциали маъмур аҳолининг билим савияси, касбий малакаси ва тажрибасини билдиради. Мана шу миқдорий ва сифат жиҳатлар бир-бирини тўлдиради. Аммо юксак техника ва технологияга таянган ишлаб чиқаришда меҳнат потенциалининг сифати бирламчи бўлади ва уни оширишга катта моддий ресурслар йўналтирилади, иш кучини тайёрлаш сарф-харажатларининг ялпи миллий маҳсулотдаги ҳиссаси ортиб боради. Натижада иш кучида сифат ўзгаришлари юз бера-

ди. Масалан, АҚШ саноатида 60-йилларда ўртача бир ишчининг маълумоти 9 йиллик бўлса, 80-йилларга келиб 12 йилликка етди. Япония келажакда ишловчиларни олий маълумотли қилиш режаларини олға сурмоқда. Гап шундаки, ҳозирги илғор мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлашда меҳнат сифатининг ҳиссаси 20—25 фоизни ташкил этади.

Меҳнат потенциалининг ортиши аҳоли ўсишидан келиб чиқади. АҚШда аҳоли 1929 йилда 121,8 млн. киши бўлса, 1988 йилга келиб 241,6 млн. кишини ташкил этди. Шу даврда меҳнат потенциали (ишга яроқли аҳоли) 50,8 млн.дан 128 млн. кишига кўпайди.

Меҳнат потенциали ишлаб чиқариш орқали миллий бойликни оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Аммо бунинг учун жамият инвестиция шаклидаги миллий бойликни иш ўринларини яратиш учун сарфлаши тақозо этилади. Акс ҳолда ишсизлик юзага келиб меҳнат потенциалининг бир қисми бекор қолиши мумкин. Миллий бойликни мутасил ошириш шарт — аҳолини умуман иш билан таъминлаш эмас, балки аҳолини оқилона равишда иш билан банд этиш, яъни меҳнат унумдорлиги ошган шароитда ишловчилар сонини кўпайтиришдир. Шундагина иш билан бандлик даражасининг юксалиши миллий бойликни ошира олади. 1976—1988 йилларда АҚШда иш билан банд бўлиш даражаси 91,5 фоиздан 94,5 фоизгача кўтарилди.

Айни вақтда меҳнат унумдорлиги 16,5 фоиз ошди. Бу эса ишлаб чиқаришни 1,5 марта оширди, натижада миллий бойликнинг кўпайиши юз берди.

Илм-маърифат потенциали — илм-маърифатга хизмат қилувчи моддий ва инсоний ресурслар, фан эришган даражадир. Унинг уч асосий унсур мавжуд: жамланган илмий маълумотлар, илм-маърифат аҳли, илм-маърифатнинг моддий базаси. Биринчи унсур илмий кашфиётлар, янги кашфиёт учун хизмат қилувчи билимлар мажмуасидан иборат. Иккинчи унсур илмий-педагогик ходимлар ва уларнинг касбий маҳорати ва билимдонлигини қамрайди. Учинчи унсур илм-маърифат ихтиёридаги моддий ресурслар (бинолар, илмий ускуна, жиҳозлар, илмий асарлар, дарсликлар, ҳар хил тадқиқот асбоблари каби-лар)дан ташкил топади. Илм-маърифат потенциалини унга сарфланган маблағлар (жумладан, инвестиция ҳам) ва илмий педагогик кадрлар сони ва малакаси белгилайди. Унинг самарали ишлатилиши ишлаб чиқариш нати-

жасига қараб аниқланади. Ишлаб чиқаришда олинган натижа бир сўмлик харажатга солиштирилади. Буни аниқлаш учун 5—10 йил ичида олинган ялпи маҳсулот ўсиши илм-маърифат сарфларига бўлинади. Масалан, 10 йил ичида илм-маърифат ишига 200 млрд. доллар сарф бўлди. Бу ишнинг ялпи миллий маҳсулот ўсимидаги ҳиссаси 40% ни ташкил этади. Шу даврда қўшимча яратилган ялпи маҳсулот 300 млрд. долларга тенг бўлди, шундан 120 млрд. доллар (300х40:100) илм-маърифат ҳисобидан олинган. Демак, 200 млрд. доллар сарфланган ҳолда 120 млрд. долларлик натижа олинган. Бинобарин, илм-маърифат учун кетган 1 доллар пул 0,6 долларга (120:200) тенг миқдорда ялпи маҳсулот ўсишини таъминлаган.

Қонуний шундайки, илм-маърифат ривожига қанчалик кўп маблағ юбориб, уни самарали ишлатиш таъминланса, иқтисодий ўсиш шунчалик тезлашиб миллий бойлик кўнаяди.

Техника-технология потенциали — жамиятдаги машина-механизмлар миқдори, уларнинг таркиби, техникавий даражаси ва ниҳоят технологик тизимлар мажмуини ўз ичига олади. Бу потенциал фан ютуқлари нақадар янги техника ва технологияда моддийлашганлигини билдиради. Техника-технология даражаси фан тараққиётига монанд тушиши шарт, аммо бунинг учун фан ютуқларини амалиётга жорий этишни таъминловчи иқтисодий воситалар амал қилиши талаб қилинади. Агар бундай восита бўлмаса, фан ва техника потенциали бир-бирини таъминламай қўяди. Масалан, собиқ СССРда ер юзидаги олимларнинг 25 фоизи ишлаган, лекин фан билан техникани боғловчи восита заифлигидан, улкан мамлакат ишлаб чиқариш даражаси бўйича дунёда 68 ўринни эгаллаган. Техника-технология потенциали илмий потенциалдан юқори бўлиши ҳам мумкин, аммо бу ҳол ишлаб чиқариш импорт қилинган техника-технологияга асосланганда юз берди.

Табиий потенциал — табиий ресурслар миқдори ва сифати, ишлаб чиқаришнинг об-ҳаво шароити. Табиий потенциал чекланган ва нотекис жойлашган бўлади. Табиий потенциални ер, жумладан, япроқли ер майдони, сув захиралари, ўрмон ва ер ости бойликлари, сув бойликлари, иқлим қулайликлари ташкил этади. Улар иқтисодиётга кўмаклашуви ёки унга қийинчилик туғдириши мумкин. Аммо табиий ресурслар яратган тўсиқларни илмий ва

техникавий потенциал бартараф этиши мумкин. Масалан, Япония табиий ресурслар камёблигини юксак техника-технология потенциали воситасида ортиғи билан қоплайди.

Иқтисодий потенциал унсурлари биргаликда амал қилиб, бир-биридаги етишмовчиликни тўлдира олади. Уларнинг самарали амал қилиши учун жамиятдаги иқтисодий шароит улардан тўлароқ фойдаланиш юзасидан ҳам маънафатдорлик, ҳам жавобгарликни юзага келтириши зарур. Ҳозирги инсоният тажрибаси кўрсатганидек, иқтисодий потенциалнинг ўсишини ва самарали ишлашини таъминловчи куч — бу эркин бозор механизмидир.

МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ ВА ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Шу йил 100 та 9 қаватли бино ишга туширилди, 50 км канал қазилди, 2 млн. тонна мева етиштирилди, 500 минг тонна гўшт, 800 минг тонна сут, 300 млн м² газлама, 40 млн. жуфт оёқ кийим, 5 мингта трактор, 10 мингта станок, 2 млн. тонна цемент ишлаб чиқилди. Айтилган маҳсулотларнинг қайси бири миллий бойликка айлана олади?

2. Йил бошида 520 млрд. сўмлик асосий фондлар, 50 млрд. сўмлик ашёлар ғамламаси мавжуд эди. Йил давомида эскирганлиги туфайли 30 млрд. сўмлик асосий фондлар чиқиб кетди, лекин янгидан 25 млрд. сўмлик асосий фондлар киритилди. Ғамланган ашёларнинг 30 млрд. сўмлиги ишлатилди, лекин 35 млрд. сўмлик ашёлар яратилди. Ҳисоблаб кўрингчи, миллий бойлик ўсдими?

3. Жадвалдаги рақамларни синчиклаб ўрганиб, солиштириб чиқинг. Улардан хулоса чиқаришга уриниб кўринг. Жадвалдаги кўрсаткичларни миллий бойликка қандай алоқаси борлигини аниқланг, уларнинг ўсиб бориш сабаби нима эканлигини изоҳлаб кўринг.

Ўзбекистон аҳолиси қўлидаги узоқ муддат ишлатиладиган
товарлар миқдорининг ўзгариши

	Ҳар 100 оила ҳисобида, дона		
	1970	1980	1988
Радиоприёмник	67	80	101
Телевизор	42	72	87
Магнитофон	8	20	36
Совутгич	37	75	81
Қир ювиш машинаси	36	52	59
Тиқув машинаси	64	76	81

4. Миллий бойликнинг ўсиш манбалари қандай?

5. Миллий бойлик нималардан иборат бўлади?

6. Самарқанддаги «Регистон» обидаси билан шу ердаги совутгичлар заводидаги машина-ускуналарни миллий бойлик сифатида қандай фарқи бор?

7. Миллий бойлик обороти нималардан иборат бўлади?

8. Жамият иқтисодий потенциалининг миллий бойликка қандай алоқаси бор?

9. Иқтисодий потенциал унсурларини бир-бирига алоқадорлиги нима учун зарур?

10. Эришилган иқтисодий потенциал билан бўлғуси потенциал ўртасидаги фарқни иқтисоднинг ўсиш резерви деса бўладими?

VIII БОБ

МУЛҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

1. Мулкчилик нима?

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тизими мулкчиликдан бошланади. Ҳамиша авлодлар меҳнати яратган ва табиат инъом этган бойликлар мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмасликка қараб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аниқроғи уларнинг социал мақоми юзага келади. Мулккий муносабатларга асосланмаган иқтисодиёт бўлиши мумкин эмас. Ишлаб чиқариш ресурс-

лари биронта мулк бўлиб ҳаракатга келади. Яратилган маҳсулотлар ҳам муайян мулк доирасида ўзлаштирилади.

Мулкчилик муносабатлари — жамиятдаги бойликларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатлардир. Мулкчилик, биринчидан, инсон билан бойлик бўлиши буюм ёки бошқа нарса ўртасидаги муносабат, иккинчидан, бойлик хусусида кишилар ўртасида юзага келадиган муносабатдир. Кишилар буюмларни ўзиники қилиб олгандагина ўзлаштиришлари мумкин, чунки жамиятда ўзганикни ўзлаштириб бўлмайди. Бойликнинг ўзиники ёки ўзганики бўлиши кишиларни мулкдор ёки мулксиз қилиб, улар ўртасида маълум алоқаларни юзага келтиради. Мулк соҳиби мустақил ўз мулкига таяниб иш юритади, у қарам эмас. Мулксиз, ўзга мулкни ижарага олиб, фаолият юргизиши ёки мулкдорга ёлланиб, ёки вочорликдан унга қарам ҳолда ишлаши, бировнинг қўлига қараб қолиши мумкин. Ҳар бир киши ўз мулки орқасидан кун кўради. Ер эгаси деҳқончилик қилиш ёки ерни ижарага беришдан, пул эгаси уни қарзга бериб процент олишдан, капитал эгаси уни бизнесда ишлатишдан, ниҳоят иш кучи эгаси ёлланиб ишладан даромад товади.

Мулкчилик ўзлаштириш борасидаги муносабат бўлар экан, у эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишнинг яхлитлигини тақозо этади. Мана шу уч жиҳат мулкчиликнинг ажралмас унсурларидир.

Эгаллик қилиш — мулкдорлик ҳуқуқининг мулк эгаси қўлида сақланиб туришидир. Эгаллик шароитида мулк бўлган бойлик қисман ўзлаштирилади. Мулкка эгаллик сақланган ҳолда, уни амалда ишлатиш ўзга қўлида бўлади. Бунинг оқибатида мулкдан келган наф икки қисмга ажралади: бир қисмини мулкдор, иккинчисини мулкни амалда ишлатувчи ўзлаштиради. Масалан, бино ижарата берилганда эгаллик қилиш мулкдор қўлида қолади ва у мулкдан келган нафнинг фақат бир қисмини ижара ҳақи шаклида ўзлаштиради. Бошқа қисмини эса ижарачи ўзлаштиради. Хуллас, эгаллик қилиш қисман, чекланган ўзлаштиришни билдиради.

Фойдаланиш, ишлатиш — мулк бўлган бойликни иқтисодий фаолиятда қўллаб, хўжалик жараёнига киритиб, ундан натижа олишдир. Фойдаланиш юз берганда бойлик даромад топиш ёки шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилади. Мулкдор ўз мулкни ўзи ишлатганда эгаллик қилиш ва фойдаланиш бир қўлда бўлади. Олинган натижани мулкдор тавҳо ўзи, бошқа билан баҳам кўрмаган ҳолда ўзлаштиради. Эгаллик қилиш ва фойдаланиш

ажралганда мулк келтирган наф ҳам тақсимланган ҳолда ўзлаштирилади.

Тасарруф этиш — мулк бўлган бойлик тақдирини мустақил ҳал этиш, яъни мулкни сотиб юбориш, ижарага бериш, меросга қолдириш, асраб-авайлаб кўпайтириш ёки уни йўқотиб юборишдан иборат хатти-ҳаракатларни амалга ошира билишдир. Мулкчилик муносабат экан, албатта, унинг объекти ва субъекти бўлиши шарт.

Мулкчилик объекти — бу мулкка айланган барча бойлик турлари. Унга ер, сув, конлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, машиналар, машина-ускуналар, бино-иншоотлар, маҳсулотлар — хизматлар, тарихий-маданий ёдгорликлар, илмий-техникавий ғоялар, товар белгилари, товарларнинг ўзи, меҳнатга — ақлий-жисмоний қобилиятлар ва бошқалар киради. Мана шу моддий ва номоддий шаклдаги неъматларни ўзлаштириш юзасидан мулккий алоқа шаклланади. Неъматлар мулкка айлангандагина ўзлаштирилади.

Мулкчилик субъекти — мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулккий муносабатларнинг иштирокчилари. Булар жумласига айрим кишилар, оилалар, аҳолининг социал гуруҳлари, ҳудудий бирлашмалар, ҳар хил жамоалар, ижтимоий, диний ташкилотлар ва, ниҳоят, давлат киради. Айтилган субъектларга қараб ўзлаштириш индивидуал, оилавий, социал-синфий, ҳудудий ва умуммиллий тус олади. Социал табақалашган жамиятда ўзлаштириш ўзининг даражаси ва усулига қараб ҳар хил бўлади.

Ўзлаштириш икки йўсинда боради: 1) **ишлаб чиқариш ресурслари**, яъни воситаларини ўзлаштириш. Бунда моддий ва меҳнат ресурслари ишлаб чиқариш соҳибининг мулкига айлангандан сўнг ўзлаштирилади. Ишлаб чиқаришдаги ўзлаштириш бирламчи. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг ҳар иккала омили (моддий ва инсон омиллари) бирикади, маҳсулот ва хизматлар яратилади. Мана шу омилларнинг ўзлаштирилишига қараб, меҳнат натижаларига нисбатан мулк шаклланади;

2) **Ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш** — яратилган маҳсулот-хизматларни, уларни сотишдан келган даромадни кимнинг мулкига айланишини билдиради. Ресурслар кимнинг мулки бўлса, натижа ҳам уники. Аммо бу қоида эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш яхлит ҳолда ва бир субъект ихтиёрида бўлганда юз беради. Мулкка эгалик ва мулкдан фойдаланиш ажралган ҳолда, натижани ўзлаштириш мулкдор билан мулкни

ишлатувчи ўртасида юз беради. Масалан, бир кишининг 10 гектар ер мулки бор. Ерни ишлашдан йилига 100 минг доллар даромад келади. Агар у ерни ўзи ишлатса шу даромаднинг ҳаммасини ўзлаштиради. Модомики, у ерни бировга ижарага берса, яъни ерни ишлатиш ўзга қўлида бўлса, айтилган 100 минг доллар даромадни 40 минг долларини ер эгаси, 60 минг долларини эса ижарачи ўзлаштиради. Мулкчилик ўзлаштиришнинг иқтисодий усуллари англатади. Аммо, унинг ғайри иқтисодий у.уллари ҳам учраб турадики, бу бойликни мулк эгасидан зўрлик билан тортиб олиш ёхуд уни ўз эгаси томонидан ихтиёрлий равишда умуммиллий мақсад йўлида, савоби-хайрия ишлари учун бошқа субъектга берилиши, унинг мулкига айланишидир. Ислол мамлакатларида азалдан дин ривожига учун хайрия бериш бор. Бу ерда вақф мулки, вақф бошқармаси ва ҳатто вақф банклари бор. Вақф мулки кўнгилли хайриядан ташкил топади, унинг шаклланиши ғайри иқтисодий усулда юз беради. Мулк эгаси ўз бойлигини диний ташкилот ихтиёрига вақф қилиб беради, яъни ўз мулкидан кўнгилли равишда воз кечади ва у ўзга мулкига айланади.

Иқтисод инсонийлаштириб борган сайин, унинг самараси ошган сайин бойликнинг хайрия учун ажратилган қисми ортиб боради. Турли-туман хайрия фондлари — пул маблағлари ташкил топадики, уларни турли мулк эгалари ажратадилар. Масалан, Орол фонди, Наврўз фонди.

Молу мулкни зўрлик билан тортиб олиш **экспроприация**, яъни мусодара дейилади. Агар унинг ҳақини тўламасдан суд ҳукми ёки маъмурий йўл билан тортиб олинса **конфискация** дейилади. Мулк эгаси билан келишган ҳолда ва ҳақини тўлаб қонуний равишда олинса **реквизиция** юз беради.

Мулккий муносабатлар ҳар доим юридик қонунларда қайд этилади. Бусиз мулкчилик амал қилмайди. Қонунчилик орқали мулккий алоқа — боғланишлар бошқариб борилади. Ўзбекистон Конституциясида «Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади — деб ёзилган. «Ўзбекистон жумҳуриятининг мулк тўғрисидаги қонуни»да фуқароларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи кафолатланади, ҳамма шаклдаги мулкларнинг тенглиги, мулк дахлсизлигини давлат таъминлаши, мулк ривожига тўсқинлик қилиш ман этилиши қайд этилган. Бу қонунга кўра мулкдор ўз мулкни руҳсат этилган ҳамма соҳада ишлатишга ҳақли, хорижий мулк ҳам давлат ҳимоясига олинади.

2. Мулк — бу ҳам манфаат, ҳам масъулиятдир

Мулкчилик — бу масъулият билан манфаатнинг узвий бирлиги ҳисобланади. Мулкчилик реал бўлиши учун мулкдорнинг иқтисодий манфаати амалга ошуви шарт. **Мулкдорнинг иқтисодий манфаати — унинг бойлик эгаси сифатидаги ҳаётий эҳтиёжи бўлиб, хатти-ҳаракат, феъл-атвори, иқтисодий фаолият мотивацияси (сабабини) юзага чиқаради.** Мулкдор манфаати бу фақатгина тирикчилик эҳтиёжи эмас, албатта. Бу мулкнинг миқёси ва характерига қараб, тирикчилик зарурати чегарасидан чиқиб, бойлик орттириш, маишат, ижтимоий ҳаётда мартабали мавқега эга бўлиш, эл орасида обрў-эътибор орттиришни ҳам ўз ичига олади. Инсоннинг шахс сифатида манфаати билан мулкдор сифатидаги манфаати фарқланади. Шу сабабли мулкдор билан мулксизнинг манфаати бир хил бўлиши мумкин эмас. Инсоннинг манфаати унинг ҳаётий эҳтиёжлари билан чегараланса, мулкдор манфаатига бундан ташқари бойлик орттириш ҳам қиради. Манфаат мулк объектининг мазмуни ва унинг миқёсига ҳам боғлиқ. Ер эгаси ва капитал эгаси билан иш кучи эгасининг манфаатини тенглаштириб бўлмайди. Иш кучи эгасининг манфаати яхши кун кечирish бўлса, ер ва капитал эгаси манфаатига бундан ташқари ўз бойлигини кўпайтириш ҳам қиради.

Эҳтиёж ҳар хил бўлганидан мулкдорлар манфаати ҳам фарқланади. Бу нафақат мулкнинг ўзига, балки мулкдорнинг шахсий фикри, дунёқарashi, одати ва дидига ҳам боғлиқ. Мулкдорлар манфаатини касб эгалари манфаати билан аралаштириб бўлмайди, чунки улар кишиларнинг ҳар хил ижтимоий мақомидан келиб чиқади, аммо уларнинг боғлиқлиги ҳам мавжуд. Мулк эгаси мулкни ўзи ишлатганида мулкдор манфаатининг нақадар юзага чиқиши унинг касбий маҳоратига ҳам боғлиқ. Масалан, мулк эгаси — фермер манфаати тўлароқ амалга ошиши учун, у деҳқончилик касбини яхши эгаллаган бўлиши керак. Касбий манфаат умуминсоний манфаатдан келиб чиқади ва фақат тирикчиликни кўзлайди.

Жамиятда кишиларнинг мулкий мақомига қараб, индивидуал (жумладан, шахсий), корпоратив-гуруҳий, умумдават ва миллий манфаатлар мавжуд. Уларнинг замирида хусусий, жамоа ва давлат, миллий мулк ётади. Бу манфаатларнинг ўз ифодаси мавжуд. **Индивидуал (якка) манфаат** мулк эгасининг шахсан ўзига теккан даромадда

ифодаланади. **Гуруҳий манфаат** мулк эгаси бўлган жамоанинг ҳамжиҳатлик билан ўзлаштирадиган даромади орқали юзага чиқади. **Умумдавлат манфаатини** давлат бюджети даромадлари ифодалайди. **Миллий манфаат** — жамиятдаги миллий бойликнинг кўпайишини билдириб, индивидуал, гуруҳий ва умумдавлат манфаатларининг бирлигидан иборат. Манфаат иқтисодиёт амалиётида мулкдорнинг мақсадига айланади.

Манфаат — мақсадга эришиш — мулкнинг ўз эгаси учун реализация этилиши (амалга ошириш)дир. Мулкнинг характери ва миқёсига қараб унинг **реализацияси** ҳар хил усуллар орқали юзага чиқади:

1. Ўз мулкни капитал сифатида ишлатиб, ўзгалар меҳнاتини қўллаб, тадбиркорлик қилиш орқали фойда олиш.

2. Ўз мулкни ижарага бериб (бунга лизинг¹ ҳам киради), ижара ҳақи шаклида даромад олиш.

3. Ўз мулкни қимматига сотиш ҳисобидан, яъни, чайқовчилик орқали даромад кўриш.

4. Ўз мулкига таянган ҳолда меҳнати билан даромад топиш, ўз меҳнатиغا асосланган хўжалик юритиш йўли билан пул топиш.

5. Пул шаклидаги ўз мулкни қарзга бериб, ундан процент (қарз ҳақи) ундириб олиш.

6. Ёлганиб ишлаш орқали ўз мулки бўлган иш кучидан даромад топиш, яъни иш ҳақи олиш.

Демак, ҳар хил иқтисодий алоқалар орқали мулк юзага чиқиб, ўз эгасига наф келтиради. Айтилган усулларнинг мавжудлиги мулк фақат бир усул билан амалга ошади деган гап эмас. Бу усуллар биргаликда қўлланиши мумкин. Масалан, йирик ер эгаси ернинг бир қисмида ўзи хўжалик юргизиб фойда олса, бошқа қисмини ижарага бериши, учинчи қисмини сотиб, тушган пулни банкка жойлаштириб, процент олиши ҳам мумкин. Фермер ўз ерида ўзи ишлаганида келган даромад, биринчидан, ерга бўлган мулкнинг, иккинчидан, ўз иш кучига — ишлаш қобилиятига бўлган мулкнинг реализациясидир. Хуллас, мулк ҳар хил иқтисодий фаолият орқали ўз эгасига наф келтиради.

Мулкдорлик **номинал**, яъни хўжакурсин тақлидида ва **реал**, яъни амалда тасарруф этиш, мулкни ўз билганича ишлатиш шаклида бўлади. Эркин тасарруф этиш бўлма-

¹ Лизинг — бу машина, ускуналарни ижарага бериш.

ган жойда реал мулк бўлмайди. Масалан, автомобиль эгаси ўз машинасини ўзи миниб ёки ижарага бериш, гаровга қўйиш имконига эва эмас, чунки бунга шароит йўқ. Бас, шундай экан, мулк формал бўлади.

Мулк реал бўлиши учун мулкдор уни ўз манфаати йўлида ишлата олиши, ундан наф қўриши керак. К. Маркс реал мулкни мулк титули, яъни мулкдор деган номдан фарқлантирган. Биринчи ҳолда мулк эгаси ҳақиқий мулкдор. У ўз мулкни чекланмаган ҳолда ишлатади. Масалан, ер эгаси капитал сарфлаб, деҳқончилик қилиб даромад кўради. Бунда ерга эгалик ва уни ишлатиш бирга боради, бинобарин мулкий муносабатнинг ҳамма жиҳатлари намоён бўлади. Иккинчи ҳолда мулк эгаси мулкдор деган мақомини ўзида сақлаб қолади, ammo мулкдан амалда фойдаланиш бошқалар қўлида бўлади, ёки мулк умуман ишлатилмай ётади. Масалан, ер эгаси, қурилиш бўлишини, қазилма топилишини ёхуд ерни ижарага сўралишини кутиб, уни амалда ишлатмайди. Бас шундай экан, мулк титули сақланади, лекин реал мулкчилик пайдо бўлмайди. **Мулк ўз эгасини топгандагина ҳақиқий мулкка айланади.** Мулкни ишга солиш ундан наф кутиш билан боғлиқ. Унинг муқобил (альтернатив) йўллари ҳам бўлади. Мулкни сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун пулга ер, уй, қимматбаҳо буюмлар, антиквар нарсалар, акция, облигация сотиб олиш мумкин. Бу альтернатив усуллардан қайси бирини танлаш келадиган нафга боғлиқ. Агар ер ёки уйни ижарага беришдан тушадиган даромад акция келтирадиган даромаддан кўп бўлса, мулкдор шубҳасиз биринчи йўлни танлайди. Мулк қатта бўлса унинг эгаси бирданга бир нечта альтернатив йўллارни танлаши мумкин, чунки бир соҳада ютқизса, бошқасидан ютиб чиқади.

Мулкий муносабатлар бошқа ижтимоий муносабатлардан ҳоли эмас. Унга сиёсий, миллий, ахлоқий вазият таъсир этади. Хорижда ишловчи ишчилар тўқнашувлардан қўрқиб, ўз мулкни хатардан сақлаш учун топган пулини ўз юртига ўтказиб қўйишади, уни жавоҳиротга айлантиради, билим олиб малака оширишга сарфлайди, чунки булар мулкни сақлашнинг қулай усуллариدير. Мулк бўлган боиликни шахсий истеъмолга сарфлаб юбориш ёки инвестицияга ишлатиб капиталга айлантириш кутиладиган натижага боғлиқ. Агар мулкни инвестицияга сарфлаш яхши наф берса, у келажакда қатта истеъмолни таъминлаши мумкин. Шу сабабдан жорий истеъмолдан кўра келажакдаги истеъмолга афзаллик берилади.

Кишиларнинг ҳар бир қадами уларнинг мулкчилик муносабатидан келиб чиқади. Ишчи ўз кучининг эгаси бўлганидан ёлланиб ишлайди, чунки унинг мулки иш ҳақи олиш имконини беради. Пул эгасининг акция, облигация, ер-сув, завод-фабрика сотиб олишдан мақсади ўз мулкидан келган даромадни ўзлаштириш ҳуқуқига эга бўлишдир. Кишилар ўз мулкига таяниб хатарли ишни бошлайдилар, таваккалга ё остилан, ё устидан деган қабилда ҳаракат қиладилар. Мулкнинг мавжудлиги иқтисодиётдаги хатти-ҳаракатни олдиндан белгилаб қўяди. Ўз-ўзидан маълумки, бировнинг мулкига таяниб таваккал қилиб бўлмайди. Агар пахта бировнинг мулки бўлмаганда ҳеч қачон нархни ошишини кутиб, уни сотмай туриш, яъни хатарга бориш (чунки нарх пасайиб зарар кўриш хавфи ҳам бор) мумкин бўлмас эди. Мулкдан ажралиш хўжасизликни келтириб чиқаради. Тежамкор одамни исрофгарга айлантириш учун уни мулкидан ажратиб керак. Ўзга мулкни ҳеч ким тежамайди.

Мулк тежамкорликни юзага чиқаради. Ўз-ўзидан маълумки, эгаси йўқ буюмга ҳеч кимнинг жони ачимайди. Буюмнинг ўзиники ёки ўзганики бўлиши унга бўлган муносабатни ўзгартиради, чунки харажатни биров кўтариши ҳаммага ёқади. Агар мулк эгаси ўз моли қадрига етмай арзон сотса, уни ишлатувчи ҳам пули оз кетганидан уни қадрламайди.

Ҳар қандай иқтисодий тизимда кишиларнинг хатти-ҳаракати, бирор ишга киришиш ёки киришмаслиги уларнинг мулкий мақомига боғлиқ. Кишиларнинг бу ҳолати уларнинг мулкий ҳуқуқда ифода этилади. Мулкий ҳуқуқ — бойликни тасарруф эта билиш, ресурсларни ишлатишни назорат қилиш, харажат, фойда-зарарни ўз зиммасига олиш ҳуқуқидир. Мулк йўқ жойда моддий ва меҳнат ресурсларни тежашга интилиш бўлмайди. Бойлик ўз эгасининг қўлида тўпланганда, у авайлаб ишлатилади. Табиий ресурсларнинг эгаси тайин бўлмаганда, улар талон-тароҳ қилинади. Табиий ресурслар фирма, корхонанинг ўзиники бўлмагани учун ҳам улар сувни, ерни, ҳавони заҳарлашдан тап тортмайдилар. Орол денгизи эгасиз қолганидан, хароб бўлди. Мулкий масъулият мулкдорни ўз қадамини ўйлаб ташлашга ундайди, натижада унинг хатти-ҳаракатлари ўлчовли бўлади, чунки у масъулиятни сезади.

Жамият бойлигини сақлаш ва қўпайтириш учун кўнчиликни мулк соҳибига айлантириш зарур. Бу мулкий муносабатларни демократиялаштириб, халқни миллий бой-

ликнинг ҳақиқий эгасига айлантиради. Мулкка эга бўлишнинг икки асосий йўли бор: мулкни ишлаб топиш, бунда топилган даромад ҳисобидан акциялар сотиб олинади, ёки пул бошқа йўл билан мулк объектига айланади; давлат мулкидан ўз улушини у приватизациялашганда олиш. Бу усул ҳозирги даврда кенг тарқалган. Мулкдорларнинг кўпайиши мулк шакллари ҳар хил қилади.

3. Мулк шакллари

Мулккий муносабатлар турли тип, шакл ва турдаги мулкни ўз ичига олади. **Мулк тили — ҳар хил ёки турдош социал-иқтисодий тизимларга хос бўлган мулккий муносабатни, мулк характери билдиради.** Шу жиҳатдан эксплуатацияга асосланган ва эксплуатацияни инкор этувчи мулккий тизимлар мавжуд. Биринчи тизим азалдан мавжуд бўлган ва озчиликнинг мулкдор бўлиши кўпчиликнинг мулксиз қолиши ва эксплуатация қилиниши билан характерланади. Бундай типдаги мулкчилик қулдорлик, феодализм, капитализм ва бюрократик давлат социализмига хос бўлган. У ишлаб чиқариш моддий омилларининг ҳукмрон синф ва тоифалар қўлида тўпланиши; меҳнат омилининг эса мазлумлар томонида бўлиши билан ажралиб турган. Шундай шароитда ҳар хил мулккий мақомдаги кишилар қўлидаги омиллар бирикиб, ишлаб чиқариш юз берган. Меҳнат соҳиблари ишлаб туриб, кам даромад олишган, воситалар эгалари ишламай туриб, ўзгалар меҳнати ҳисобидан бойлик орттиришган. Эксплуатацияга асосланган мулккий тизим узоқ вақт ҳукм сурган, унинг ривожланиш замида янги тизим пайдо бўлган. Ўз меҳнати, билими ва маҳоратидан кун кўришни тақозо этган мулкчилик ҳам кўҳна, лекин у ҳукмрон бўлмаган. Қулдорлик, феодализм, капитализм ва давлат социализмида ҳам ўз кучи билан яшаган деҳқон, қосиб, ипчи ва хизматчилар бўлган, лекин улар мулкки жамият иқтисодий тузумининг ҳал қилувчи асоси бўлмаган. Иқтисодий ўсиб, оддий фуқаро қўлида ҳам мулк жамланиб боргач, янги мулккий тизим пайдо бўлади. Эксплуатацияни инкор этувчи мулккий тизим аралаш иқтисодиётга хос бўлиб, у юксак ривожланган, тўкинчиликни таъминлай оладиган ишлаб чиқариш шароитида пайдо бўлади. Бу тизимда кўпчилик мулк эгаси бўлади. Нафақат иш кучи, балки моддий ресурсларни ва яратилган бойликларни ўзлаштиришда ҳам аҳолининг тобора кенг қатлами иштирок эта-

ди. Бу ерда иқтисодий ўсишдан ҳамма баҳраманд бўлади. Мулк кўпчилиқники бўлганидан топилган даромад ҳам кўпчилик манфаати йўлида тақсимланади. Янги мулккий тизим юксак ишлаб чиқаришга таянганидан оммавий фаровонликка қаратилди.

Ҳар бир мулк типига хос белгилар бирдан пайдо бўлиб ёки йўқолиб кетмайди. Шуниси борки, биз юқорида кўриб ўтган мулк тизимларининг мавқеи ҳар хил бўлса-да, улар биргаликда амал қилади, чунки соф мулккий тизим ҳеч қачон бўлмайди.

Ўз меҳнати эвазига ўзлаштириш, бировлар яратган бойликни текинга ўзлаштириш, яқка тартибда, жамоа таркибида, шерикчилик асосида ўзлаштиришлар борки, улар ҳар хил мулкчиликни билдиради. Тарихан турли социал-иқтисодий тузумлар бўлганки, уларга жамоа мулки, эксплуатацияни билдирувчи қулдорлар мулки, феодал мулки, капиталистик мулк ҳукмрон бўлган. Бир мулкдан иккинчиси ўсиб чиққан. Мулккий муносабатлар ривожида эксплуатацияни инкор этувчи мулкдан уни тақозо этувчи мулкларга ва ниҳоят улардан эксплуатацияга ёт бўлган мулкка ўтиш юз беради. Собиқ СССРдаги социалистик эксперимент натижасида, «бюрократик-казарма социализми» яратилиб, унга монополашган давлат мулки хос бўлган. Бу мулк халқни давлат томонидан эксплуатация қилинишига асосланган.

Жамият тараққиёти тарихий-табiiй жараён сифатида, ўз изидан четга чиқмай борганда, мулккий муносабатлар бир хил мулк ҳукмронлигидан турли-туман мулкнинг мувозанатига ўтиш томонига қараб ривожланади. Турли-туман мулкчилик ҳозирги аралаш иқтисодиёт тизимига хосдир.

Ўтмишдаги иқтисодий тузумларда эксплуатацияни тақозо этмайдиган мулк бўлгани каби ҳозирги ўта ривожланган давлатларда аралаш иқтисодиёт бўлса-да, барибир ҳар иккала мулккий тизимга хос белгилар мавжуд. Агар ўтмишдаги мулккий тизим муайян мулк шаклининг ҳукмронлиги билан ажралиб турса, ҳозирги янги мулккий тизим турли мулк шакллариининг мувозанати ва биргаликда ривожини билан характерланади.

Мулк шакллари — бу ўзлаштиришнинг характеридир, яъни унинг кўринишидир, қиёфаси, мазмунидир. Ўз меҳнати эвазига ўзлаштириш, ўзгалар яратган бойликни текинга ўзлаштириш, яқка тартибда, жамоа бўлиб, шерикчилик асосида ўзлаштириш борки, улар мулкчиликнинг ҳар хил шакллариини билдиради.

Дастлаб, ибтидоий тузумда уруғ-жамоа мулки пайдо бўлган, сўнгра хусусий мулк келиб чиққан. Хусусий мулк турли кўринишда эксплуатацияга асосланган социал-иқтисодий тизимларда ҳукмрон бўлган. Хусусий мулқдан давлат мулки ўсиб чиққан, монополиядан давлат мулки юзага келган. Жамият тараққиёти монополиядан мулккий демократия томон боради. Шу сабабли бир мулк монополияси, ўрнига турли мулкларнинг мувозанати вужудга келади. Бу дегани мулккий моноструктура (танҳо мулкчилик) ўрнига мулккий полиструктура (ҳар хил мулкчилик) қарор топади. Мулккий полиструктура аралаш иқтисодиёт тизимига хосдир. Энди ҳар бир мулк шаклини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусий мулк — айрим кишиларга тегишли ва даромад топишга қаратилган мулк. Унинг икки кўриниши бор: индивидуал—хусусий мулк, корпоратив-гуруҳий мулк. **Индивидуал мулк** бор жойда бойликни ўзлаштириш алоҳидалашган ҳолда, айрим мулкдор томонидан амалга оширилади. Масалан, корхона индивидуал мулк бўлса, келган фойдани фақат унинг эгаси олади. Корхонани ижарага бериш ёки акционер жамиятга айлантириш танҳо мулкдор ихтиёрида бўлади. **Корпоратив хусусий мулк** деганда — бойликни индивидуал тарзда ўзлаштириш, лекин мулкдорлар шерикчилик асосида маълум гуруҳларга бирлашган шартда ўзлаштириш тунунилади.

Мазкур мулк ҳиссадорликка таянади. Мулкдор ўзининг индивидуал ҳиссасини пай (влуш) сифатида умумий, яъни гуруҳий ишга қўяди. Унинг мулки алоҳида эмас, бошқа шериклар мулки билан биргаликда ишлатилади. Топилган даромад ўз улушига қараб индивидуал тарзда олинади. Бу ерда ўзлаштиришнинг индивидуал—гуруҳий шакли юзага чиқади. Мазкур мулк шакли акционер жамиятлар фаолиятида кўринади. Аммо ҳар қандай акционер жамият эмас, балки **индивидуал капиталларни биолантиришга асосланган жамиятлар корпоратив хусусий мулк** бўлади. Гап шундаки, акционер жамиятда давлат ва жамоа мулки ҳам бўлиши мумкин. Бунда корпоратив мулк пайдо бўлмайди. Хусусий-корпоратив мулкнинг пайдо бўлишига сабаб шуки, ишлаб чиқариш кўлами ортиб борган сари индивидуал бойлик катта ишни бошлашга етишмай қолади, яъни серкапитал сохаларга капитал солиш учун индивидуал маблағ миқдори озлик қилади. Маблағларни бирлаштириш зарур бўлади, зарурият корпоратив мулкчиликни тақозо этади. Бундан ташқари мулкдорлар сони ортиб боради, айни вақтда тадбиркор-

ликда хавф-хатар кучаядики, уни кичик мулкдор зиммасига ола билмайди. Майда мулклар бирлашиб корпоратив масъулият пайдо бўлади. Хатар кўпчилик зиммасига тушиб, енгдай кечади. Бундай жараён хусусий мулк ривожининг юқори босқичларига хосдир.

Хусусий-корпоратив мулкнинг муҳим кўриниши монополистик мулкдир. Монополистик хусусий мулк — гуруҳга бирлашган йирик мулкдорларнинг иқтисодиётнинг у ёки бу соҳасида танҳо ҳукмронлигига таянган ҳолда ўта катта бойликни озчилик томонидан ўзлаштирилишини билдирувчи мулкдир. Унинг намоёндаси бўлмиш монополиялар ҳам корпоратив таркибга эга бўлади. Улар амалиётда корпорация деб ном олган. Монополиялар ҳукмрон шароитда монополлашган бозор мавжуд бўлади. Индивидуал хусусий мулк XIX асрда гуллаб яшнаган ва у ёввойи капитализм, тартиблашмаган бозор иқтисодига хос бўлган XX асрнинг биринчи ярмида монополистик хусусий мулк ривож топган. XX асрнинг II ярмидан бошлаб номонополистик хусусий мулкнинг корпоратив шакли тез ривожлана бошлади. 80-йиллардан бошлаб майда акционер жамиятлар (булар эркин монополлашмаган корпоратив мулк) тез ривожлашиб бордики, бу аралаш иқтисодиётга хосдир.

Ўзбекистонда ҳам ўтмишда хусусий мулкчилик ривожланган. Октябрь инқилобидан олдин индивидуал хусусий мулк кенг кўламда мавжуд эди.

Туркистон ўлкасида индивидуал мулк соҳиби бўлган деҳқонлар ва қосиблар I млн. кишини ташкил этган. XIX асрнинг охирларида корпоратив мулк ҳам пайдо бўлган. Масалан, «Беш-Бош» (5 қорхона эгаларини бирлаштирувчи), «Андреевское товарищество», «Полеляховское товарищество» деган жамиятлар амал қилган. Тоталитар социализм даврида хусусий мулк тақиқланган. Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан Ўзбекистонда мулккий эркинлик вужудга келди. «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни (1990 йил 31 октябрда қабул қилинган) хусусий мулкка рухсат берди. Ўзбекистонда асосан майда индивидуал хусусий мулк бўлиб, у яқка тартибда ишловчилар қорхонаси, фермер хўжаликлари, томорқа хўжалиги, ёлланма меҳнатга таяниб иш юритувчи хусусий қорхоналардан иборат. Ўзбекистонда корпоратив хусусий мулкнинг илк кўринишлари мавжуд бўлиб, уларни айрим фуқаролар маблағларини бирлаштирувчи жамиятлар ташкил этади.

Хусусий мулкдан ташқари шахсий мулк ҳам борки, у

ҳам индивидуал ўзлаштиришни билдиради. Аммо у хусусий мулкдан фарқлироқ даромад топишга хизмат қилмайди, балки шахсий эҳтиёжни қондиришга қаратилади. Асосан истеъмол буюмлари, яъни озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, транспорт воситалари шахсий мулк объекти бўлиб хизмат қилади. Улар пул топишга эмас, шахсий ҳаёт кечиришга қаратилади. Бу мулкнинг ўсиш манбаи истеъмолга ажратилган даромад ҳисобланади. Шахсий мулкнинг қўплиги жамият бойлигини билдиради. Хусусий ва шахсий мулк биргаликда **фуқаролар мулки** деб юритилади. Улар ўртасидаги чегара нисбийдир. Муайян бойлик шахсий мулкдан хусусийга айланиши мумкин. Масалан, муайян бир кишининг топан пули истеъмол товарлари ва хизматлари харид этиб, истеъмол қилишга ишлатилса, у шахсий мулкка айланади. Агар уни акцияга айлантириб, даромад топилса, хусусий мулк бўлади.

Жамоа мулки — бойликнинг муайян мақсад йўлида айрим жамоаларга бирлашган кишилар томонидан биргаликда ўзлаштирилишидир. Бу мулк шароитида ўзлаштириш жамоадан ташқарида бўла олмайди. Ўзлаштиришнинг шarti жамоага киришдир. Ҳамжихат ўзлаштириш бирламчи, бошқа ўзлаштириш кўринишлари фақат у орқали бўлиши мумкин. Ўзлаштириш учун мулк эгаси бўлиш кифоя этмайди. Бунинг учун иш фаолиятида биргаликда қатнашиш зарурдир. Жамоа мулки меҳнатсиз ўзлаштиришни инкор этади ва корпоратив-хусусий мулкдан фарқлироқ нафақат мулкка, балки меҳнатга ҳам ҳисса қўлини талаб қилади. Шундагина ўзлаштириш юз беради, ишлаб чиқариш ресурслари биргаликда ишлатилади, аммо олинган натижанинг бир қисми индивидуал ўзлаштирилади, лекин бу ҳам мулкдаги, ҳам меҳнатдаги ҳиссадорликка қараб бўлади. Натижанинг қолган қисми умумий талаб-эҳтиёжларни биргаликда қондириш, мулкни кўпайтириш мақсадларида ўзлаштирилади. Хусусий мулкдан фарқлироқ, жамоа мулки эксплуатацияни инкор этади.

Жамоа мулкнинг афзаллиги шуки, бу мулк ишлаб чиқарувчининг ўзини мулкдор қилади. Бу ерда мулк эгалари ва ишловчилар айнан бир кишилардир, шу сабабли ишлаб чиқариш омиллари тўғридан-тўғри бирикади, яъни ходимлар ўз иш кучи билан ўзининг мулки бўлган воситаларни ҳаракатта соладилар. Мулк ходимларнинг ўзиники бўлганда моддий жавобгарлик ва манфаатдорлик

кучли бўлади, мулк авайлаб ишлатилади ва яхши самара беради. Балтимор университети (АҚШ; 1992 й.) таҳлилига кўра ходимларнинг ўзларига қарашли корхоналарда бошқаларга қараганда 1,5 баробар кўп фойда олинган.

Жамоа мулки майда мулк эгаларининг кўнгилли тарзда ва ўз манфаати йўлида турли жамоаларга бирлашувни орқали юзага келади, унинг объекти моддий-маънавий бойликлар, субъекти эса жамоа аъзоларидир. Жамоа мулки объектининг кўпайиши икки йўл билан боради: 1) жамоага янгидан кирган кишилар берган мулк, улар ҳиссасининг умумий мулкка келиб қўшилиши; 2) жамоа олган даромадининг бир қисмининг моддийлашиб, мулк объектига қўшилиши.

Жамоа мулки ҳам тарихан кўҳна мулк, лекин хусусий мулк ҳукмрон шароитда ёрдамчи мулк шакли бўлиб хизмат қилади. Масалан, Октябрь инқилобидан олдин Ўзбекистонда экиладиган ерлар (ҳаёт ери деб аталган) хусусий мулк бўлган, деҳқончиликка яроқсиз ерлар қишлоқ жамоасининг умумий ери бўлиб (пайкал ери деб аталган), ундан биргаликда фойдаланишган. Мулкый монополия барҳам топиб, мулкый муносабатлар эркин демократик тус олган шароитда жамоа мулки ривожлана бошлайди. Аралаш иқтисодийётда жамоа мулки салмоқли ўрин тутади. Масалан, АҚШда акционер жамиятлар акциясининг 20% дан 51% га қадари ишловчи ходимларнинг биргаликдаги жамоа мулкидир. Жамоа корхоналари, ишловчиларнинг ўзига тегишли корхоналар ва фермер хўжаликлари **халқ корхонаси** ҳисобланади. АҚШда 1991 йил шундай корхоналарда 11 млн. киши ишлади. Ўз меҳнатига асосланган хусусий мулк ва жамоа мулки халқ корхоналари учун таянч бўлар экан, бу ерда меҳнат функцияси ва бойликни ўзлаштириш функцияси айнан бир субъектга мужассамлашади. Ўзлаштириш шартли меҳнат қилиш бўлганидан эксплуатацияга, яъни ўзга ҳисобидан бойлик орттиришга ўрин қолмайди. Шу жиҳатдан олганда ҳозирги ривожланган давлатларда ёввойи капитализмга хос эксплуатация секин-аста суриб чиқарилмоқда. Бундан ташқари у ерда ўзга меҳнатидан фойдаланиб, бойлик орттиришга давлат назорати орқали чегара қўйилади. Ёлланиб ишлаш ихтиёрий, меҳнатга иқтисодий мажбурлашга йўл қўйилмайди, ҳар бир киши меҳнат соҳаси ва турини танлай олади, корхона эгаси ўз билганича иш ҳақини пасайтира олмайди, у ишчи-хизматчиларга нормал иш шароити яратиб бериши, уларни ҳар

хил социал нафақалар билан таъминлаши шарт. Жамоа мулки ички унсурлари, унинг турларидан иборат.

Кооператив мулки — жамоа мулкининг асосий тури, ҳар хил кооперативларга бирлашган кишиларнинг умумий мулки, мулкдаги ҳиссадорликка асосланган бўлиб, гуруҳий мазмунга эга.

Ижарага олинган корхона жамоаси мулки — ижарачилар жамоаси ўзи ишлаб топган мулк. Бундай корхонада мулк икки қисмдан иборат: 1) корхона эгасига қарашли мулк; 2) жамоага қарашли умумий мулк. Шу иккинчи мулк объекти биргаликда ишлаб топилган пул ёки пулга олинган ва жамоа тасарруфидаги ва унинг манфаати йўлида ишлатилувчи моддий бойликдир. Унинг субъекти фақат ижарачилар жамоаси ҳисобланади. Жамоа корхона эгаси мулкидан ҳам фойдаланади, лекин уни тасарруф эта олмайди.

Корхона жамоасининг мулки — ишчи ва хизматчилар жамоаси давлатдан ёки хусусий мулк соҳибидан сотиб олган ва умумийлаштириб, биргаликда ўзлаштирилаётган мулк. Бу ерда мулк иккига ажралмайди, ҳамма мол-мулк ва пул маблағлари корхона жамоаси ихтиёрида туради.

Корхона ва ташкилотлар уюшмаси (ассоциацияси) мулки — маълум мақсад йўлида уюшма ташкил этганларнинг умумий мулки. Ўз фаолиятини уйғушлаштириш, савдо-сотiq, ишлаб чиқариш, бошқаришни ташкил этиш учун ҳар хил ёки бир хил мулкка оид корхоналар ва ташкилотлар ажратган моддий ва пул маблағи ҳисобидан ташкил топган, лекин иштирокчилар мулкидан алоҳидалашган умумий мулк пайдо бўлади. Уни ҳар бир иштирокчи эмас, балки уюшма тасарруф эта олади. Бу мулк умумий манфаат йўлидагина ишлатилади.

Ижтимоий ташкилотлар мулки — ижтимоий ташкилотлар (партиялар, касаба ташкилотлари, халқ ҳарақатлари, турли фондлар ва бошқаларга аъзо бўлган ва ўз улушини қўшган кишиларнинг умумий мулкидир. У бадал пули, ажратмалар, хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар ҳисобидан пайдо бўлади, ташкилотлар низомида кўрсатилган фаолиятни амалга оширишга хизмат қилади.

Диний ташкилотлар мулки — диндорлар ташаббуси билан вужудга келган ташкилотларнинг мол-мулки. Бу мулк ҳам биргаликда тасарруф этилади ва у ўтмишдан мерос қолган диний бино-иншоотлар билан чекланмай, диндорлардан тушган маблағлар, корхона ва ташкилотларнинг хайрия ёрдами, диний маросимлардан тушган

даромад ҳисобидан шаклланади. Мазкур мулк объекти — масжид, мадраса, черковлар, костёллар, синагогалар ва у ердаги асбоб-анжом, китоблар, маросим учун зарур буюмлар, ташкилотлар ихтиёридаги пул маблағи ва бошқалардир. Унинг субъекти диндор кишилар. Улар номидан мулкни диний ташкилотлар тасарруф этади. Мазкур мулк фақат дин йўлида ишлатилади.

Ўзбекистон Республикаси Қонунида юқорида кўриб ўтилган жамоа мулки турларидан ташқари оила мулки ва маҳалла мулки қонун йўли билан қайд этилган. Оилавий корхона ва хўжаликлар борки, у ердаги мол-мулк даромад топишни кўзлайди, биргаликда ўзлаштирилади. Бир неча қондош оилалар уюшмаси жамоа бўлиб, унинг доирасида мулкый алоқа пайдо бўлади. Оила мулки объекти оилага қарашли мол-мулк бўлиб, у меҳнат воситалари билан бирга истъмолад буюмларидан ҳам иборат. Оила мулки заминида микроиқтисодиётнинг бир тури — оила хўжалиги амал қилади.

Маҳалла жамоатчилиги асосида ўз-ўзини бошқариш тизими бўлиб, у маълум ҳудудда яшовчи барча оилаларни бирлаштиради. Маҳалла мулки — маҳалла аҳлидан иборат жамоа доирасида унга қарашли бойликнинг ҳамжиҳатлик билан ўзлаштирилишидир. Маҳалла ихтиёридаги биноиншоотлар (кутубхона, идора биноси), маросимларга хизмат қилувчи асбоб-анжомлар маҳалла мулкининг объекти бўлса, унинг субъекти жами маҳалла аҳли ҳисобланади. Маҳалла аҳлининг пул маблағлари, давлат (маҳаллий ҳокимият) берган маблағлар, маҳаллада жойлашган корхона ва ташкилотларнинг ҳайрия ажратмалари ҳисобига маҳалла мулки шаклланади ва ўсиб боради.

Давлат мулки — бойликни ўз вазифасини адо этиш учун давлат томонидан ўзлаштирилишидир. Бу мулк давлат пайдо бўлиши билан вужудга келади, аммо унинг мақсади ва миқёси ўзгариб туради. У хусусий ва жамоа мулкдан ўсиб чиқади, яъни уларга тегишли моддий ва маънавий неъматлар давлат тасарруфига ўтади.

Давлат мулкининг пайдо бўлиши ва ривожланиши қуйидагилар ҳисобидан бўлади: 1) мулкнинг национализация этилиши (миллийлаштирилиши), яъни хусусий мулкни давлат мулкига айланттилиши; 2) давлат маблағи ҳисобидан корхоналар қурилиши; 3) жамоатда яратилган, аммо бошқа мулкларга тааллуқли даромадларнинг бир қисмининг солиқ ундириш орқали давлат бюджетига олинлиши.

Давлатнинг характерига қараб, унга тегишли мулк айрим социал гуруҳларнинг тор эгоистик манфаатларига ёки умуммиллий манфаатга хизмат қилади. Бу мулкнинг аҳамияти давлатнинг иқтисодийда тутган ўрни билан боғлиқ. Гап шундаки, иқтисодийга таъсир этиш учун давлат ўз мулкига таянади. Агар иқтисодий ўсиш учун давлат мулки зарур бўлса, у кенгайди ва аксинча зарурат бўлмаса, у қисқаради. Серкапитал, тезда яхши фойда бермайдиган, сарфлар зудлик билан оқланмайдиган соҳалар борки, у ерга хусусий ёки жамoa мулки соҳиблари ошиқмайди, аммо бу соҳа улар фаолияти, иқтисодий ўсишининг умумий шарти ҳисобланади. Шу сабабли улар давлат тасарруфига ўтиб, давлат ҳисобидан ривожланади. Катта каналлар, сув омборлари, гидростанциялар, ер, темир йўллар, йирик портлар, атом саноати, космик саноати ва хизмати шулар жумласига киради. Бошқа мулклар қатори давлат мулки объектида ҳам турли-туман бойлик бўлади. Олий ҳокимият органлари бу мулк субъекти ҳисобланади. Ўзбекистонда давлат мулкни тасарруф этишга Олий Мажлис ва ундан ваколат олган органлар ҳақлидир.

Турли мамлакатларда давлат мулки, объекти бир-биридан фарқ қилади. Кўпчилик мамлакатларда ер хусусий мулк объектига киради, Ўзбекистонда мулк тўғрисидаги қонунга кўра ер, сув, қазилмалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси давлат мулки деб эълон қилинган.

Давлат мулки маълум меъёрда бўлади. Аммо тоталитар иқтисодий тизимида ўта давлатлаштириш, давлат мулки монополияси вужудга келади. Давлат мулки танҳо кучга айланади, бутун иқтисодий устидан назорат ўрнатишга хизмат қилади. Бундай ҳолат иқтисодий эркинликка зид бўлганидан мулкни давлат ихтиёридан чиқариш заруриятга айланади. Демократик, аралаш иқтисодий тизимида давлат мулки монополиясига ўрин қолмайди, балки иқтисодий зарурият белгилаган меъёрда сақланади, устунликка эга бўлмай, бошқа мулк шакллари билан ёнма-ён туради. Давлатнинг иқтисодийдаги роли давлат мулкни талаб қилади, аммо иқтисодий бу мулкнинг ҳиссаси, салмоғи билан ўлчанмайди. Ривожланган мамлакатларда давлатнинг мулкдаги ҳиссаси қандай бўлишидан қатъи назар яратилган даромаднинг деярли 50% давлат орқали тақсимланади. Давлат умуммиллий манфаатларни ифодаловчи куч сифатида, иқтисодийда катта ўрин тутди. У даромадларни, моддий ресурсларни, иш кучини тақсимлашда фаол қатнашади. Хуллас, аралаш иқтисо-

диёт давлатнинг мулкдан четлашуви эмас, балки давлатнинг мулккий муносабатларда маълум меъёردа иштирок этишидир.

Давлат мулки фақат унга қарашли корхоналар мол-мулки билан чекланмайди, унга давлат ташкилотлари маҳкамаларидаги мол-мулк, давлат бюджетининг пул маблағлари, давлатга қарашли акциялар ҳам киради. Шунингдек, давлатнинг хорижда ҳам мол-мулки бўлади. Давлат мулки бошқа мулклар билан ҳам ўзаро киришиб кетади. Масалан, акционер жамият акциясининг асосий қисми давлатники бўлгани ҳолда, қолган қисми хусусий ва жамоа мулки бўлиши мумкин.

Тоталитар иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат мулкининг мавқеи кучли бўлади, чунки ўта давлатлаштирилган мулкдан хилма-хил мулкчиликка ўтиш дарҳол юз бермайди. Буни Ўзбекистон тажрибаси ҳам кўрсатиб турибдики, 1990 йилдан бошлаб Ўзбекистон иқтисодиётида давлат мулки ҳиссасининг камайиб бориши кузатилди, аммо у 1993 йилда 60 фоиз даражасида сақланиб қолди. Давлат мулки кучли бўлса-да, у ўз ичидан ўзгариб, бозор шароитига мослашади, давлат корхоналари мустақиллиги, улар ишига давлатнинг аралашуви чекланади, корхона ўз манфаати йўлида мустақил фаолият юргизади. Демак, давлат мулки сақланса-да, у янги иқтисодий алоқалар иштирокчисига айланади.

Давлат мулкининг мавқеи турли мамлакатларнинг танлаган йўлига боғлиқ. Ҳозир бозор иқтисодиёти бош, умуминсоний йўл, аммо унга ўтишнинг миллий хусусиятлари мавжуд. Янги иқтисодиётга бирдан ўтилса, давлат мулки шиддат билан қисқаради. Агар бу ўтиш секин-аста борса, давлат мулкининг салмоғи узоқ сақланади. Масалан, Венгрия, Чехословакия ва Польшада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш тез борди, Хитойда эса давлат мулки сақланмоқда. Шундай ҳодиса Ўзбекистонга ҳам хос бўлиб, давлат мулки салмоқли ўрин тутди.

Турли шаклдаги мулклар бир-биридан тамомилан ажралиб қолмайди, уларнинг ўзаро алоқаси фақат бозор орқали бўлмай, улар киришиб ҳам кетади, натижада аралаш мулк пайдо бўлади. Аммо у мулккий монополия бор жойда шаклланмайди, чунки бунинг учун мулккий эркинлик ва тенглик бўлиши зарур. Шу сабабдан кейинги даврда аралаш мулкнинг пайдо бўлиши тасодиф эмас. Аралаш мулк муайян бир объектининг турли мулкдорлар иштирокида ўзлаштирилишини билдиради. У ҳозирги очиқ типдаги қорихма акционер компанияларида аниқ

ифода этилади. Бу ерда хусусий мулк, жамоа мулки ва ҳатто хорижий мулк ҳиссадорлик асосида бирлашади. Мулк объекти бирлашган ҳолда ишлатилиб, ўз эгаларига даромад келтиради.

Турли мулк шакллари алоҳидалашган бўлса-да, уларнинг яхлитлиги бор, чунки иқтисодиёт ягона фаолият бўлиб, мулкдорлар хатти-ҳаракатининг бир-бирига боғланишини билдиради. Шу билан барча мулк шакллари **нинг мажмуаси мамлакатнинг миллий мулки бўлади.** Миллий мулк танҳо бир миллат ёки элат мулкини билдирмайди. У муайян жамяятдаги ҳар хил социал қатламга мансуб кишилар мулки ва умуммиллий манфаатларни ифодаловчи давлат мулкининг бирлигидир. Миллий мулк бойлиқнинг муайян мамлакатга тегишли эканлигини билдиради ва шу билан ўзга давлатлар, улар фирмалари ва фуқароларига қарашли мулк бўлмиш хорижий мулкдан фарқ қилади.

4. Приватизация

Мулкий муносабатлар тараққиётида приватизация ҳам заруратга айланади. Мулкий монополиядан мулкий эркинликка ўтиш муқаррарлигидан приватизация зарурати келиб чиқади. **Приватизациянинг луғавий маъноси хусусийлаштириш дегани.** Аммо приватизация иқтисодий жиҳатдан мулкни давлатлаштиришдан чекинишни, давлат мулкининг бошқа мулкларга айланишини билдиради. У давлат мулки ҳисобидан нодавлат мулк шаклларини **ривожлантиришдир.** Юқорида айтганимиздек, мулкий муносабатларга хос нарса эркин мулкдан монопол мулкка (бунга давлат мулки ҳам киради) ва қайтадан монопол мулкдан эркин мулкка ўтишдир. Шу сабабли приватизация фақат ҳозир биз яшаб турган даврда юз бермоқда десак нотўғри бўлади. Ўтмишда ер, сув, ўрмон бойлиқлари, бино, иншоот ва бошқалар давлат мулкидан чиқарилиб, айрим шахсларга — уларнинг давлат олдидаги алоҳида хизматлари учун, хусусий мулк сифатида бериш мавжуд бўлган. Аммо у пайтларда приватизация давлат мулкининг фақат хусусий мулкка айланишидан иборат бўлган ва айрим мамлакатларда юз берган. Ҳозирги приватизация умуминсоний, умумдунё ҳодисаси бўлиб, монополашган бозор иқтисодиётидан эркин бозор иқтисодига ўтиш билан боғлиқ. Бу ҳодисанинг ўз моддий асоси бор. Илгари ишлаб чиқариш фақат катта миқёсда тўпланган ҳолда ривожлана олган, чунки техника-технология шуни

талаб қилган. Эндиликда ишлаб чиқаришнинг катта қисми озчилик қўлида тўпланиши шарт эмас. Аксинча майда фирмалар доирасида ҳам самарали ишлаб чиқаришни юргизиш мумкин, чунки катта хусусий маблағ бўлмасанда, уни қарз олиб, ҳатто асбоб-ускунани ижарага олиб тадбиркорлик қилиш мумкин. Майда тарқоқ ишлаб чиқариш рақобатга шароит ҳозирлаб, иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Мулкнинг давлат ихтиёрида бўлиш зарурати қамайди. Шу боисдан приватизация оммавий тус олиб, ҳамма давлатларда юз бермоқда, бозор иқтисодиётига ўтиб бўлган мамлакатларда ҳам амалга ошмоқда.

Приватизация мулкни демократиялаштириш сифатида давлат мулкни кўпчилик ўртасида тарқатиб, мулкдорларни кўпайтиришни билдиради. Уни амалга оширишнинг бир неча йўллари мавжуд:

1. Давлат корхоналарини акционерлар жамиятига айлантириб, унинг молу-мулки ҳисобидан чиқарган акцияларни халққа сотиш. Акцияни сотиб олган киши мулкдорга айланади.

2. Ижарага олинган давлат корхонасини ижарачилар жамоаси томонидан ўзи ишлаб топган пулга ёки қарзга сотиб олиб, уни жамоа мулкига айлантириш. Бунда янги мулкдорлар халқ эмас, фақат корхона жамоаси бўлади.

3. Давлат мулкни қийматига қараб чиқарилган сертификатлар ёки ваучерларга биноан фуқароларга бепул бериш. Бунда мулк халқ ўртасида тарқатилади, чунки ваучер ва сертификат корхона акциясини олиш ҳуқуқини беради.

4. Давлат мулкни фақат тақилган, ишнинг кўзини биладиган, масъулиятни зиммасига ола биладиган тадбиркорларга, бошқарувчиларга (менежерларга) сотиш. Бунда ҳам маълум қатламгина мулк соҳибига айланади.

5. Давлат мулкни хорижий қарзни узиш эвазига чет эл фирмалари ва фуқароларига бериш. Бунда миллий мулк ҳисобидан хорижий мулк ўсади.

6. Давлат мол-мулкни аукционларда ким ошди савдоси орқали сотиш. Бунда ҳам фақат маълум тоифадаги кишиларгина янги мулк соҳибига айланадилар.

Приватизация усулларини танлаш ундаш кутилган мақсадга боғлиқ. Агар ишбилармонликни рағбатлантириб мулкий масъулиятни кучайтириш назарда тутилса, приватизация сараланган озчилик ўртасида ўтказилади. Мулкчиликда социал адолатни таъминлаб, ҳамма учун тенг имконият яратиш шарт бўлса, приватизация бутун халқ иштирокида ўтказилади. Бунга Россиядаги вауче-

ризация мисол бўла олади. Россияда 1992 йили ҳар бир фуқарога 10 000 рубллик ваучер тарқатилди, бу билан ҳар бир киши давлат мулкида шу суммага тенг ҳиссага эга бўлди. Ўзбекистонда приватизация корхона жамоаси учун устиворлик бериш йўсинида бошланди. Бунда корхона мол-мулки унинг жамоасига берилади. Бундан мақсад приватизация жараёнида кўпроқ жамоа мулкни ўстириш бўлди, ammo иқтисодни либерализациялаш учун халқ приватизациясига ҳам йўл берилди.

Агар приватизация чет эл капиталининг кириб келишига йўл очини зарур бўлса, давлат мулки хорижийларга бериш шаклида амалга оширилди. Приватизация усулларида айримларининг устиворлиги бошқа усуллари ҳам қўллашни билдиради. Масалан, Ўзбекистонда приватизация корхона жамоасига устунлик беради, лекин акционерлаш ҳам мавжуд, унда чет эл капитали ҳам иштирок этиб, мулкни сотиб олиши мумкин. Приватизация шароитга қараб пулли, бепул ёки имтиёзли тарзда ўтказилади. Ўз шакли ва усулидан қатъи назар бу тадбир хилма-хил мулкчиликни таъминлайди, чунки давлат мулки ҳисобидан нодавлат мулкчининг ҳамма шакллари ва турлари ривожланади. Приватизация давлат мулки монополиясини тугатишга қаратилган, яъни у антимонопол характерга эга, мулк соҳибларини, бинобарин, мустақил товар ишлаб чиқарувчиларни кўпайтириб, соғлом конкуренцияга йўл очади. Приватизациянинг пировард мақсади мулкий масъулиятни ишга солиш орқали иқтисодий самарадорликни таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА МУЛОҲАЗА УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Мулкий муносабатнинг ички тузилиши қандай?
2. Инсон манфаати билан мулкдор манфаатининг фарқи борми?
3. Мулкий муносабат қандай манфаатларни юзага келтиради?
4. Реал мулк муносабати қачон пайдо бўлади?
5. Мулкдорнинг масъулияти нимадан иборат?
6. Мулкий тизим нима дегани?
7. Мулкий моноструктура ва мулкий полиструктура қандай фарқланади?
8. Корпоратив хусусий мулк билан жамоа мулкни қайси белгиларига қараб фарқлаш мумкин?

9. Нима сабабдан ҳозирги босқичда приватизация оммавий тус олган?

10. Приватизация турли йўл билан боришини қандай изоҳлаш мумкин?

11. Қўйилган саволга қуйидаги муқобил жавоблардан тўғрисиани таянлаб уларни кетма-кет ёзинг. Топган жавобнингизнинг тўғрилигини шу бобда ёзилган мулоҳазаларга қараб текшириб кўринг.

Савол: мулкни сақлашнинг қайси усуллари қулай бўлади?

Жавоблар: мулкни сотиб юбориб, пулни банкда сақлаш; мулкни меросга ўтказиш; мулкни капитал сифатида тадбиркорликка ишлатиш; мулкни ўзининг билими, иш қобилиятини оширишга сарфлаш; мулкни жавоҳирлар ва антиквар буюмларга айлантириб қўйиш; мулкни ер ва иморат шаклида сақлаш; мулкни чет элга ўтказиб қўйиш.

12. П. Деҳқонбоев завод ишчиси, у ўз жамғармасига 10 минг сўмлик акция олиб, акционер жамият аъзоси бўлди, яъни гуруҳий-корпоратив мулк соҳибига айланди. Шифокор Л. Турсунова қурилиш кооперативига 10 минг сўм пул қўшиб ҳиссадор бўлди. Йил охирига келганда П. Деҳқонбоев ва Л. Турсунова акционер жамият ва кооператив тошган даромаддан ўз улушини беришни талаб қилишди. Уйлаб кўрингчи, ким ҳақу ким ноҳақ, бунинг сабаби нимада?

IX БОБ

СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР

1. Социал-иқтисодий тизимларнинг умумий белгилари

Маълумки, ҳар доим инсоният ҳаётининг маъддий асоси ишлаб чиқариш бўлиб келган. Технологик жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг икки тури мавжуд: қўл меҳнатига таянган ишлаб чиқариш ва мащиналашган ишлаб чиқариш. Маҳсулотнинг иқтисодий шакли жиҳатидан эса натурал ва товар ишлаб чиқариш мавжуд. Бинобарин, ишлаб чиқаришнинг умумтехнологик ва умумиқтисодий томонлари бўлиб, уларга таянадиган икки турдаги хўжалик алоқалари мавжуд: тўғридан-тўғри маҳсулот етказиб беришдан иборат бўлган бевосита хўжалик алоқалари ва бозор-пул воситалари орқали амалга ошадиган хўжалик алоқалари. Айтилган умумтехнологик ва иқтисодий асосларда турли социал-иқтисодий тизимлар пайдо бўлади, улар ўрин алмашиб туради. Ҳар бир тизим маълум давр-

да амал қилиб, ўз имкониятларини тугаллагач, унинг ўрнига янги тизим келади, у ҳам эскириб ўз ўрнини бошқасига бўшатиб беради. Тизим — бу жамиятнинг социал-иқтисодий тузилиши, уни ташқил этувчи, бир-бирини тақозо этувчи, ўзаро таъсир ўтказувчи унсурларнинг мажмуи бўлиб, бунда унсурлар биргаликда амал қилади, натижада айрим унсурларга хос бўлмаган умумий хусусиятлар пайдо бўлади. Тизим — бу ҳар хил унсурлар таъсирида пайдо бўладиган умумийликдир.

Тизим таркибига ишлаб чиқаришнинг шахсий-инсоний ва моддий-ашёвий омиллари киради, уларнинг бир-бирини тақозо этишга асосланган яхлитлиги жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари деб юритилади. Мазкур кучлар иштирокида табиатга фаол таъсир кўрсатилади ва табиатдаги материаллар аҳтиёжни қондирувчи маҳсулотга айланади. Ишлаб чиқарувчи кучлар ўз таркиби ва вазифалари жиҳатидан ҳамма социал-иқтисодий тизимларда бир хил бўлади, лекин уларнинг етуқлик даражаси, бинобарин, жамият учун нафлигида фарқлар бўлади. Иқтисодиётда инсон билан табиат ўртасидаги алоқалар ягона, танҳо эмас, кишилар ўртасида ҳам иқтисодий муносабатлар пайдо бўлади, бу муносабатларни ишлаб чиқариш муносабатлари деб ҳам айтамыз. Улар ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва, ниҳоят, истеъмол борасида муносабатларнинг яхлитлигини билдиради. Уларнинг омили турли социал-мақомдаги ва турли социал-гурuhlарга мансуб кишилар ҳисобланади. Шу сабабли ишлаб чиқариш муносабатлари мазмунан социал-иқтисодий муносабатдир. Улар турли тизимларда ўзига хос белгига эга бўлиб, ўзаро фарқланади. Бир тизимда мулк эгаси билан қарам ишлаб чиқарувчи ўртасида муносабат бўлса, бошқа тизимда мулк эгалари ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари бўлиб, улар жамоага бирлашадилар. Бир ерда мулк меҳнатдан ажралса, бошқа ерда улар бирикади. Шу жиҳатдан турли тизимлар бир-бирдан алоқидалашади. Ишлаб чиқариш муносабатлари тизимнинг моддий томонини ифодалайди. Тизим деганда унинг таркибида номоддий муносабатларни, хусусан, мафкуравий муносабатларни ҳам кўриш керакки, улар сиёсий ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва бошқа шаклларга эга бўлади. Аммо уларнинг ҳар бирида иқтисодиёт муҳри бор. Турли тизимнинг ўз иқтисодиётига мос равишда ўз дунёқараши мавжуд бўлади. Ғоясиз одам бўлмайди, у маълум ғояга риоя қилиб иш тутади. Бозор тизимига хос ғоя — бу эркинлик ва демократия ғоясидир. Тоталитар иқтисодиёт

тизимида тобелик ва итоаткорлик ғояси бирламчи бўлади. Машҳур иқтисодчи М. Кейнс¹ айтганидек, дунёни иқтисодчилар ва сиёсатчилар ғояси бошқариб туради. Ғоя эътиқоднинг ўзи билан чекланмай, маълум хатти-ҳаракатларни келтириб чиқарадики, улар бузувчилик ва яратувчиликдан иборат бўлади.

Социал-иқтисодий тизимга иқтисодий фаолият натижаси бўлган **ижтимоий, яъни жамият миқёсида яратилган маҳсулот ҳам киради**. Мазкур маҳсулот маълум ички тузилишга эга бўлиб, унга моддий маҳсулот ва хизматлар киради, улар ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари сифатида ўзлаштирилади. Маҳсулотнинг иқтисодий шакли натурал маҳсулот ва товар маҳсулотидан иборат. Бир тизимда натурал маҳсулот асосий бўлса, иккинчисида товар маҳсулот етакчи мавқега эга бўлади. Аммо ҳамма тизимларда маҳсулотни меҳнат яратади, меҳнат эса маълум мақсадни кўзловчи, эҳтиёжни қондиришга қаратилган фаолиятдир. Ҳамма тизимларда **меҳнат тақсимоги** юз бериб, меҳнат, биринчидан, **ихтисослашади; иккинчидан** — меҳнат турлари **бир-бири билан боғланиб, бир-бирини тўлдиради**. Натижада маҳсулот жамиятдаги ўзаро боғланган меҳнат турларининг натижаси бўлади. Ҳамма тизимларда меҳнат турлари **ўрин алмашади, кишилар бир меҳнатдан бошқа меҳнатга ўтадилар**, ўз касбини ўзгартирадилар. Қаерда бўлмасин меҳнат малака ва маҳоратни талаб қилади. Турли тизимларда, уларни ташкил этувчи унсурлар бир хил бўлса-да, уларнинг ўзаро боғланиши ҳар хил бўлади. Шундай боғланишлар орасида **ишлаб чиқариш омилларининг бирикishi мулкii муносабатларни** юзага келтиради. Тизимда омилларнинг бирикishi усули асосий ўрин тутади, шу жиҳатдан тизимлар фарқланади. Тизимлар учун умумий белги уларда мувозанатнинг бўлишидир. Мувозанат тизимнинг турли томонлари ўртасидаги мувофиқликдир. Мувозанатнинг статик (бир ҳолатдаги) ва динамик (ўзгарувчан) кўринишлари мавжуд.

Статик мувозанат — маҳсулотларни ўзлаштиришдан иборат бўлган турлича манфаатларнинг уйғунлашуви. Аҳолининг социал гуруҳлари, айрим шахс ёки хўжалик субъектининг ўзига хос манфаатлари бор, улар маҳсулотни ўзлаштириш жараёнида ўзаро тўқнашмаслиги зарур. Борди-ю, манфаатлар тўқнаш келиб қолса, жамиятда-

¹ Дж. М. Кейнс — йирик инглиз иқтисодчиси, ўз назарияси билан шуҳрат қозонган (1884—1946).

ги социал мувозанат бузилиб, ўзаро кураш бошланади ва бу ҳаракатлар иқтисодийни издан чиқариб юборади.

Динамик мувозанат ҳам манфаатларнинг мослашуви, лекин бу ҳодиса иқтисодийда ўзгарини бораётган шароитда юз беради. Манфаатлар маҳсулотни кўпайтиришни талаб қилади. Бунинг учун ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиши керак. Бу ўз навбатида моддий манфаатдорлик ва жавобгарликни талаб қилади. Иқтисодийни ривожлантирувчи куч юзага келиши учун ҳам манфаатлар уйғунлашуви зарур ва уйғунлашади ҳам. Осойишталик ва ўзаро мувофиқ ҳаракатлар иқтисодийни олға силжитади.

Тизим нормал ривожланиши учун статик ва динамик мувозанатлар ўзаро яна мувозанатлашуви керак. Мувозанат бор жойда жадал иқтисодий ўсиш юз беради. Ҳар қандай тизимда ишлаб чиқаришнинг ички бўғинлари ўртасида ҳам мувозанат бўлади. Олдинги бобларда кўрганимиздек, I—II бўлинма бўлиб, улар маҳсулотлари айирбошланмай туриб, ишлаб чиқариш тақрорлана олмайди. Бунинг учун бўлинмалар ўртасида ҳам, ҳар бир бўлинманинг ичиди ҳам, унинг турли қисмлари ўртасидаги нисбатлар сақланиб, мувозанат ҳолати келиб чиқиши зарур. Турли тизимларга баҳо берилганда уларнинг халқ фаровонлиги учун нима бера олганлиги бош мезон бўлади. Ҳозирги тараққиёт босқичида турли тизимларнинг самарали эканлигини халқ фаровонлигининг ўсиши кўрсатиб туради. Фаровонликни ошира билиш қобилияти тизимнинг яшовчанлиги ёки унинг бошқаси билан алмашуви зарурлигини билдиради. Қазарма социализми деб аталган тоталитар тизим СССР ва бошқа социал-демократик мамлакатларда шу сабабдан барбод бўлдики, у халқ фаровонлигини замонавий талаб даражасида ошира олмади, социалистик тизим бошқа замондош тизимларга нисбатан халққа фаровонлик беришда ўз афзаллигини кўрсата олмади, у инқирозга юз тутди. Айни бир вақтда бозор иқтисодийга ўтиш мазкур тизим шароитида юксак фаровонликка эришиш мумкинлигидан келиб чиқади.

Социал-иқтисодий тизимларнинг умумий аломатлари уларга хос бўлган ишлаб чиқариш муносабатларининг умумий жиҳатлари борлигидан далolat беради. Аммо мазкур муносабатларнинг характери айрим тизимларга хос хусусиятдир. Масалан, манфаатларнинг мавжудлиги умумий белги. Аммо уларнинг омили бўлган кишилар мавқеи, уларнинг аниқ мақсади турли тизимларда ҳар хил бўлади. Шунингдек, турли тизимларда мулккий муносабатлар зарур бўлса-да, мулкнинг тури ва шакллари

бир хил эмас. Бир тизимда якка мулк ҳукмронлиги асосий бўлса, бошқасида бунга ўрин йўқ, ҳамма мулк турлари тенг ривожланади. Социал-иқтисодий тизимларда умумийликдан ташқари хусусийлик ҳам мавжуд. Буни турли тизимларнинг ўзига хослигида кўриш мумкин.

2. Социал-иқтисодий тизим турлари

Инсоният тараққиёти турлича социал-иқтисодий тизимлар доирасида кечади, уларнинг ўртасида, албатта, муҳим фарқлар бор. Турли тизимлар таҳлил этилганда, уларни фарқлантирувчи мезонлар асос қилиб олинади, булар ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси, мулкый муносабатларнинг характери, хўжалик-иқтисодий алоқалар мазмуни, халқ истеъмоли даражаси, синфий белгилар ва ҳ. к. Тизимлар турли назарияларда ҳар хил мезон асосида табақалаштирилади. Марксизм назариясида мулкый-синфий мезонлар асос қилиниб, тизимлар **формация** деб қаралади, **формация** доирасида ишлаб чиқариш усули ажратилади. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг яхлитлигига **ишлаб чиқариш усули** деб қаралади. Марксизм таълимотига кўра беш **формация** мавжуд: ибтидоий-жамоа тузуми, қулдорлик, феодализм, капитализм ва ниҳоят коммунизм. Коммунизм энг сўнги тизим деб қаралади. Биринчи ва бешинчи **формация**ларда ижтимоий мулк ҳукмрон, хусусий мулк, бинобарин синфлар ва эксплуатация йўқ. Бу ерда социал тенглик қарор топади. Аммо биринчи босқичда ишлаб чиқариш даражаси ғоят паст бўлиб, у зўрма-зўр тирикчиликни таъминлайди. Аксинча, сўнги — коммунизм босқичида ишлаб чиқариш ғоят юксак, моддий мўл-кўлчиликни таъминлайди. Мазкур тузум энг инсоний ва сўнги тузум деб баҳоланади. Оралиқдаги қулдорлик, феодализм ва капитализм хусусий мулкка, эксплуатация ва жамиятнинг қарама-қарши синфларга бўлинишига ва уларнинг ўзаро қурашига асосланган, социал тенгсизлик ҳукмрон тизимлар деб қаралади. Аммо марксизмда улар ҳам фарқлантирилади. Агар қулдорлик ва феодализм қўл меҳнатига таянса, капитализм машиналанган ишлаб чиқаришни билдиради. Қарама-қарши синфлар ҳам бир хил эмас. Улар қулдор ва қуллардан, феодал ва қарам деҳқондан, капиталист ва ёлланма ишчидан иборат. Эксплуатация усуллари ҳам фарқланади. Марксизм учун тизимлар таҳлилида асосий ёндашув — бу синфий ёндашув бўлиб, умуминсоний ме-

зонлар иккинчи даражага ўтиб қолади. Асримизнинг 60-йилларида марксизмни алмаштира оладиган таълимот сифатида «ривожланиш босқичлари» назарияси¹ пайдо бўлди. Уни «Антикоммунистик манифест» деб аташган, у хорижда кенг тарқалган. Мазкур назария тизимларни таҳлил этишда ишлаб чиқарувчи кучларнинг етуклик даражасини мезон қилиб олади. Бу назария муаллифлари жамиятни икки типга бўлишади: анъанавий жамият, индустриал жамият. Шунга монанд равишда иқтисодий ривожланишнинг олти босқичи ажратилади: традицион жамият, ўтқинчи жамият, индустриал жамиятга ўтиш, индустриал жамият, оммавий истеъмол жамияти, янги турмуш сифати бор жамият.

Традицион жамиятга хос белгилар — бу иқтисодда қишлоқ хўжалигининг устиворлиги, техника даражасининг ва меҳнат унумдорлигининг пастлиги ҳамда оқибатда жамғариш имконияти йўқлигидир. Сўнгги икки босқичда индустриал жамият учун шарт-шароит ҳозирланади, меҳнат унумдорлиги ўсади, жамғариш бошланади, ишлаб чиқариш инфраструктураси (транспорт, йўл хўжалиги, энергетика, алоқа) ривожлана бошлайди. Бу ерда индустриал соҳалар ривожланиши саноат революцияси билан яқунланади, натижада қўл меҳнати ўрнига машиналашган меҳнат келади. Сўнгги босқич индустриал босқич бўлиб, унга жамғаришнинг жадал бориши, йирик саноатни, жумладан, оғир саноатнинг ривожланиши, саноат иқтисоднинг энг устивор етакчи соҳасига айланиши хосдир. Индустриал жамият ўзидан сўнгги оммавий истеъмол жамиятига моддий асос ҳозирлайди. Бу жамиятда ҳамма товарлар оммавий истеъмолга киради. Истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш устивор аҳамиятга эга бўлади. Олтинчи босқичда ишлаб чиқариш юксак даражага етиб тўқинчилик пайдо бўлади, жамият аъзолари учун истеъмолнинг сифати, умуман турмушнинг сифати биринчи ўринга чиқади. Бу босқичда аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳалар олдинги сафда туради. Истеъмол соғлом турмуш тарзига бўйсунди, узоқ умр кўриш, ақлий ва жисмоний жиҳатдан баркамол бўлиш — турмушнинг мазмуни мана шундан иборат бўлади. Аҳолини истеъмол буюмлари билан таъминлаш муаммоси ҳал бўлади, шу сабабли турмуш сифати биринчи ўринга чиқади.

Марксизмнинг қатор қонунлари ўз даври учун асосли

¹ Асосчиси У. Ростоу — АҚШ олими, социология бўйича мутахассис.

бўлганидек, «ривожланиш босқичлари» назариясининг тизимларга ёндашувида ҳам илмийлик бор. Бу назариянинг моддий омиллари тизимлар таҳлилига асос қилиб олиши хато эмас. Дарҳақиқат, иқтисодиётда техника-технология жиҳатидан олганда традицион ишлаб чиқаришдан индустриал ишлаб чиқаришга ўтиш бўлган. Буни марксизм ҳам инкор этмаган. Олдин айтиб ўтганимиздек, қўл меҳнатидан машиналашган меҳнатга ўтиш ҳамма ерда бўлган. Марксизмнинг нуқсони ҳамма нарсани синфий кураш ва революция жиҳатидан таҳлил этиш бўлса, босқичлар назариясининг нуқсони техника-технологияни бирламчи деб, социал-иқтисодий тафовутларни четлаб ўтишдир.

Ҳозирги назарияларда социал-иқтисодий тизимларга инсонийлик принципларига қараб баҳо бериш мавжуд. Мазкур принципларни ўтмишдаги кўпгина мутафаккирлар, жумладан, ҳазрат Навоий ҳам олға сурган. Марксизмдаги инсонпарварлик ғоялари синфий кураш ва коммунизм тантанаси билан боғланган бўлса, ҳозирги назарияларда инсоннинг фаровонлигини таъминлаш ривожланган бозор иқтисодиёти хусусияти деб талқин этилади. СССР ва бошқа мамлакатларда социализм қуриш тажрибаси кўрсатдики, хусусий мулк ўрнига давлат мулкнинг келиши ўз-ўзидан ишлаб чиқаришни инсонийлаштира олмайди. Айни вақтда тарихий тажриба бу иш танҳо хусусий мулкнинг ҳам қўлидан келмаслигини кўрсатди. Бунинг учун ишлаб чиқарувчининг ўзи мулк эгасига айланиши, яъни халқ мулки зарур экан ва у бошқа мулклар билан мувоzanатда бўлиши шарт. Социал-иқтисодий тизимнинг инсонийлашуви бу шахсни кадрлаш, унинг эҳтиёжини қондириш, инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш, унинг барча қобилиятини ривожлантириб, жамиятда ўз ўрнини топишидир. Буни ишлаб чиқаришнинг ҳар иккала омили — эркин бирикадиган, ишлаб чиқариш натижалари ишловчининг ўзиники бўлишига асосланган тизим таъминлай олади. Хусусий мулк танҳо ҳукмрон бўлган жойда ишлаб чиқариш моддий омиллари айрим субъектлар қўлида тўп-ланганидан ишлаб чиқаришнинг шахсий омили моддий омилга бўйсунди. Шахсий омил инсонда гавдаланганидан ва тобе бўлганидан ишлаб чиқаришда унинг бир бўлини бўлади, холос. Чунки, инсон меҳнати бўлмаса, у ривожлана олмайди. Шундай тизимда ишловчилар мулк-сиз бўлганидан, улар қарам аҳволда бўладилар, кам ҳақ олиб ишлашга мажбур бўладилар. Бундай тизимларга қулдорлик, феодализм, капитализм ва социализм киради.

Шундай иқтисодий тизимлар ҳам борки, унда меҳнат воситалари инсон ихтиёрида бўлганидан шахсий-инсоний омил ва моддий-ашёвий омил бевосита бириқади. Воситаларни ўларнинг эгаси ўз манфаати йўлида ишлатади, шу сабабли ишлаб чиқаришда инсонийлик принциплари амал қилади. Мулккий жиҳатдан қараганда социал-иқтисодий тизимларни икки тоифага ажратиш мумкин.

1) **Моноструктурали** (бир таркибли) тизимлар. Бу тизимларнинг асосий белгиси бир мулк шаклининг ҳукмрон бўлишидир. Бу ердаги мулккий монополия хусусий мулк ёки давлат мулкининг ҳукмронлиги билан ажралиб туради. Хусусий мулк устивор бўлган ва бозор алоқаларига асосланган тизим (буни назарияда капитализм деб аташади). XVIII асрнинг охиридан бошлаб, XX асрнинг II ярмигача, давлат мулкига таянган тизим собиқ социалистик давлатларда 1917 йилги Октябрь инқилобидан бошлаб, 1990 йилга қадар сақланган. Яққа мулкка таянган иқтисод **монотизим** ёки **моноиқтисодиёт** бўлади. Капитализмдаги моноиқтисодиёт бозор алоқаларини тақозо этади. Мустақил мулкдорларнинг алоқалари бозордаги олди-сотди орқали юз беради. Собиқ социалистик мамлакатлардаги моноиқтисодиёт бир марказдан туриб давлат орқали ўрнатиладиган планли алоқаларга асосланган эди;

2) Турли-туман мулк шаклларига таянган, айрим мулк шаклининг устиворлигини инкор этувчи социал-иқтисодий тизимлар. Уларни **политизм**, уларга хос иқтисодни **полииқтисодиёт** дейиш мумкин. Бундай тизимда мулккий мувозанат ҳосил бўлади, ҳамма мулк шакллари ривожланиш шароити бир хил бўлади. Моноиқтисодиётдан полииқтисодиётга ўтиш дарҳол юз бермайди, албатта. Бу жараён Ғарбда 20-йилларда бошланган бўлса, ҳозиргача давом этиб келмоқда. Собиқ социалистик давлатларда бундай ўтиш 80-йиллардан бошланган ва ҳали тугаллангани йўқ. Бу ерда ўтиш жараёни тоталитар планли иқтисодиётдан бозор иқтисодиётга ўтиш тарзида юз беради. Ўзбекистонда ҳам политизмга ўтиш жараёни бошланган. Моноиқтисодиёт бозор алоқалари роят чекланган, улар планли алоқалар билан алмашадиган шароитда ҳам амал қилиши мумкин. Бундан фарқлироқ полииқтисодиёт фақат эркин бозор муносабатлари шароитида бўлиши мумкин. У ҳар қандай монополияни инкор этади. Полииқтисодиёт мазмунан **аралаш иқтисодиёт**дир. Моноиқтисодий тизим тарихан муқаррар бўлганидек, унинг ўрнига полииқтисодий тизимнинг келиши ҳам заруратдир.

3. Социал-иқтисодий тизимларнинг хусусиятлари

Моноиқтисодиёт полииқтисодиётнинг тарихий ўтмиш-дошидир. Унинг доирасида ҳар хил тизимлар амал қилган, Қадимий Шарқда у давлат мулкига асосланган «осиб-ча ишлаб чиқариш усули» бўлиб, ишлаб чиқариш омиллари мустабид давлат ҳокимияти қўлида тўпланган. Ер, сув, ҳар хил иншоотлар ва ҳатто ин кучи ҳам давлатники бўлган. Давлатга қарашли қуллар, қарам деҳқонлар мавжуд бўлган. Уларни ғайрииқтисодий йўл билан, яъни зўрлаш орқали ишлаб чиқариш юритилган. Ғарбда моноиқтисодиёт кўпинча хусусий мулк монополиясига таянган. Бу монополия Қадимги Дунёда ва ўрта асрларда қулдорлар ва феодалларнинг мулки ҳукмронлигини билдирган. Уларга нафақат меҳнат воситалари, балки ишлаб чиқарувчилар ҳам тобе бўлган. Моноиқтисодиётнинг ўзи соф ҳолда учрамайди, у бошқа тизим унсурлари билан биргаликда боради, аммо ҳукмронлик мавқеини ҳар доим сақлаб келади. Шарқда давлат мулки асосий бўлатуриб, у билан ёнма-ён жамоа мулки, хусусий мулк ҳам бўлган. Ғарбда эса хусусий мулкчилик ҳукмрон бўлса-да, давлат мулки ва жамоа мулки ҳам мавжуд эди. Энг сўнги моноиқтисодиёт — бу классик капиталистик тизимдан иборат бўлган. Унга хос белги хусусий мулкнинг индивидуал капиталистик мулк шаклига киришидир. Албатта бу мулк моноиқтисодиётга хос бўлган ва ўрта асрда амал қилган феодал мулкидан фарқ қилади. Капиталистик моноиқтисодиёт тизимининг моҳияти, асосий белгилари, қонун, категориялари К. Маркснинг «Капитал» асарида батафсил ёритилган. Бу тизимга хос нарса ишлаб чиқариш моддий омилларининг, яъни ишлаб чиқариш воситаларининг капиталистлар мулки бўлиши, ишлаб чиқарувчи бўлмиш ишчиларнинг шу воситадан маҳрум этилишидир. Ишчиларни капиталистга ёлланиб ишладан бошқа тирқчилик иложи бўлмайди. Ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари капиталистик мулк бўлганидан, уларнинг ин кучи билан бирикиши капиталист ҳукмронлигида, унинг манфаати йўлида юз беради. Шахсий омил бўлмиш ин кучининг ҳаракати капиталга айланган моддий омилнинг ўсишига бўйсунди. Натижада ишлаб чиқариш ғайриинсоний мақсад томон бурилади, яъни у капитал эгасининг бойишига, капиталнинг ўсишига қаратилади. Мулкдан маҳрум бўлган ишчилар аҳволи ночор бўлганидан, улар кам ҳақ олиб ишлашга мажбур бўладилар. Ишчиларнинг олдидан икки йўл туради: капиталист қўйган шартга рози

бўлиб ишлаш ва тирикчилик воситасига эга бўлиш ёки бунга рози бўлмасдан умуман тирикчилик ўтказа олмаслик.

Капиталистик монотизимда жамиятнинг бир тоифаси мулк эгаси, иккинчи тоифаси мулксиз бўлганидан улар ўртасида эксплуатация муносабати пайдо бўлади. Капиталистлар ишчилар меҳнати натижаларини ўзлаштириб, бойиб борадилар, бу билан эксплуатация функциясини бажарадилар. Ишчиларнинг олган иш ҳақи улар яратган бойликдан кам бўлади. Иш ҳақи зарурий маҳсулот доираси билан чекланиб, қўшимча маҳсулот капиталистларга тегади. Ишчилар меҳнати яратган, лекин капиталистлар ўзлаштирадиган қўшимча маҳсулотнинг моноиқтисодиётдаги шакли, К. Маркс ифодаси билан айтганда, қўшимча қийматдир. Уни капиталистлар амалда фойда сифатида оладилар. Фойда эксплуатация натижаси, қўшимча қийматни яратиш ва уни ўзлаштириш капиталистик моноиқтисодиётнинг мақсади ҳисобланади. Меҳнат унуми ошган сари ишчилар меҳнати яратган миллий даромад кўпаяди, лекин унинг иш ҳақи сифатида ишчиларга тегадиган қисми салмоғи қисқариб, фойда сифатида капиталистлар оладиган қисмининг салмоғи ортиб боради.

Ишлаб чиқаришдан бевосита мақсад — бойлик ортириш бўлганидан моноиқтисодий тизимни инсонпарвар деб бўлмайди. Бу ерда инсоннинг талаб-эҳтиёжи, бойлик орттиришдек мақсадга бўйсунди. Жамғариш капитал тўплаб бойлик орттириш йўли бўлганидан унга катта эътибор берилади ва бу ҳол ишлаб чиқариш воситаларини яратадиган соҳаларнинг устиворлигини таъминлайди. Жамғариш тобора кўпроқ қўшимча қийматни қамраб олади, натижада иш ҳақи ўсмайди ёки секин ўсади, ишчилар аҳволи оғирлашади. Бу меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддиятни кучайтириб, социал тўқнашувларга олиб келади. Жамғаришга интилиш ишлаб чиқариш таркибини ўзгартиради, ишлаб чиқариш воситаларини яратиш истеъмол буюмлари яратишга нисбатан тез ривожланади, чунки биринчи соҳа капитални ўстириш эҳтиёжини қондиради. Капиталистик монотизимда хусусий мулк ҳукмрон бўлса-да, давлат мулки ҳам мавжуд бўлади, лекин у тараққиётда асосий ўрин тутмайди. Аммо давлат мулкчининг пайдо бўлиши бошқа турдаги монотизимга ўтиш зарурлигидан дарак беради. Хусусий мулкчиликка таянган капиталистик моноиқтисодиёт ўзининг ўтмишдошлари бўлган тизимларга нисбатан афзал томонларга

эга эди. Энг муҳим афзаллиги — капитализмнинг меҳнат унумдорлигини ўстира олиш қобилиятидир. Аммо унинг бу имконияти чексиз эмас, бу имконият тугаллана бориши билан моноиқтисодиёт инқирозга юз тутиб, бошқа тизим — полииқтисодиёт заруратга айланади. Шундай ривожланиш моноиқтисодиётнинг социалистик турига ҳам хос. У давлат мулки монополиясига, давлатнинг иқтисод устидан қаттиқ назоратига асосланади. Нимани қанча ишлаб чиқариш, ресурсни қаердан олиш, маҳсулотни кимга сотиш — буларнинг ҳаммаси бир марказдан туриб давлат томонидан режалаштирилади. Давлат юқоридан туриб белгилаган режани бажариш ҳамма қўйи бўғинлар, жумладан, корхоналар учун мажбурий топшириқ бўлиб, унй бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмайдй. Давлат нарх-наво устидан назорат ўрнатади, нархни ишлаб чиқарувчи эмас, давлат белгилайди, кучли нарх интизоми ўрнатади. Давлат белгилаган чизиқдан чиққан корхоналар жазоланади. Маҳсулотни тақсимлаш ҳам давлат ишига айланади. Олинган даромадларни корхонада тақсимлаш ҳам давлат белгилаган, унинг қонунлари ва фармойишларида кўрсатилган тартибда ва қоидаларга биноан амалга оширилади. Иш ҳақи ҳам давлат белгилаган миқдорда тўланади. Кредит бериш, ташқи алоқа юргизиш, валюта ишларининг ҳаммаси давлат монополияси бўлади. Айтилган белгилар хос бўлган иқтисодий тизимни **тоталитар-режали иқтисодий** тизим деб юритилади. Унинг асосий белгилари иқтисодиётни ҳар тарафлама давлатлаштиришдан келиб чиқади. Давлат мулки энг афзал, энг олий мулк, режали хўжалик энг устун хўжалик, фақат социалистик тизим халққа фаровонлик бера олади, деган таълимот ҳукмрон бўлади. Давлат мулкининг зўравонлиги натижасида, жамоа мулкига юзаки рухсат берилса-да, у амалда давлатлаштирилади. Жамоа хўжаликлари давлат ерида уюштирилади, улар давлат режасига биноан ишлайди, керакли, моддий ресурсларни давлатдан олади, маҳсулотни давлатга у кўрсатган нархда, сотади. Жамоа мулки амалда давлатга қарам бўлади. Давлат мулки унинг ўзига қарашли бўлсада, халқ мулки деб эълон қилинади. Аҳоли даромадлари паст бўлганидан унинг шахсий мол-мулки чекланади, бу мулкни даромад олиш йўлида ишлатиш ман этилади. Ҳеч қандай хусусий мулкка рухсат берилмайди. Миллий бойликнинг мутлақ кўп қисми давлатга қарашли бўлади. Тоталитар тизим иқтисодий эркинлик ва демократияга зиддир, у бозор алоқалари билан чиқинна олмайди. Бу билан у хусусий мулкка таянган моно-

иқтисодийётдан фарқ қилади. Тоталитар иқтисодийётнинг ҳам муҳим белгиси эксплуатациянинг мавжудлиги бўлиб, ammo бу ерда эксплуатация қилувчи индивидуал капиталист эмас, балки давлат ҳисобланади. Бу ерда меҳнаткашлар яратган кўшимча маҳсулотни давлат ўзлаштиради, чунки давлат мулкдор. Эксплуатация мавжудлигидан миллий даромаднинг тобора камроқ қисми ишловчиларнинг ўзига, тегади, кўпроқ қисми давлатга қолади. Собиқ СССР да тоталитар иқтисодийёт 30-йилларнинг ўрталарида социализм қурилиши муносабати билан шу ерда ҳукмрон мавқеини эгаллади. Ундан олдин эса турли мулкчиликка асосланган кўп укладли иқтисодийёт бўлиб, ўша даврда (20-йиллар охирида) миллий даромаднинг 60% меҳнаткашларнинг ўзига даромад бўлиб теккан бўлса, 80-йиллар охирига келганда миллий даромаднинг фақат 30% иш ҳақига айланган. Меҳнаткашларнинг ҳатто энг зарур эҳтиёжлари қондирилмаганидан уларда моддий қизиқиш ва жавобгарлик сусайган, улар иш натижасига бефарқ қарашга ўрганди, ташаббус сўна борди, натижада иқтисодий инқироз юзага келди. Тоталитар тизим СССРда 70 йил, бошқа собиқ социалистик мамлакатларда 30—40 йил ҳукм сурди. Унинг инқирози туфайли янги иқтисодий тизимга, бозор муносабатларига асосланган полииқтисодий тизимга ўтиш юз берди. Монотизимларни тугатиш заруратидан уларнинг вужудга келиши тарихнинг хатоси деб хулоса чиқариш ўринсиздир. Уларнинг пайдо бўлиши ва ҳам объектив ривожланиш тақозо этган, уларнинг тарихий вазифаси билан боғлиқ муқаррар ҳодисадир.

Ўтмишдаги анъанавий жамиятларда ишлаб чиқариш қолоқ бўлганидан келажак учун замин ҳозирлай олмаган. Аҳолининг ўсаётган эҳтиёжини қондириш учун янги машиналанган ишлаб чиқариш талаб қилинади, унинг учун ўз навбатида катта жамғарма керак бўладики, унинг айрим кишилар ёки давлат қўлида жамланиши шарт. Кўшимча маҳсулотни ишлаб чиқарувчининг истезмолидан ажратиб олиб, жамғармага айлантириш учун мулккий монополия қўл келади. Классик капитализм шароитида кўшимча қийматнинг жамғарилиши, унинг капиталлашуви шиддат билан бориб, моддий омиллар ривожланади. Қўл меҳнати қуроллари ўрнига машиналар системаси келиб, улар саноатдан бошқа соҳаларга ҳам ёйила бошлайди. Улар кенг жорий бўладиган энг сўнгги соҳалар — қишлоқ хўжалиги, ундан кейин эса номоддий соҳа бўлади.

Капиталистик монотизим индустриал ишлаб чиқаришдек моддий базани яратганлиги унинг тарихий ўрнини бел-

гилайди. Капиталистик монотизим ечиб улгурмаган жамгарини муаммосини тоталитар социалистик тизим бажаради. Шу сабабли бу тизимнинг нисбатан қолоқ, ҳали индустрлашиб улгурмаган, иқтисоди аграр характердаги мамлакатларда қарор топиши бежиз эмас, албатта. Социализм йўлига ўтган 12 мамлакат бўлса, улардан фақат бири (ҳозирги Чехия) индустрлашган мамлакат бўлиб, қолганлари қолоқ ёҳуд ўртача ривожланган мамлакатлар бўлган. Иқтисодиётни социализм шиори остида ўта давлатлаштириш, яъни, ҳамма ресурсларни давлат қўлида тўллаш, уларнинг катта қисмини жамғариш имконини беради. Бу эса халқ истеъмолини энг кам даражада тутиб туришни талаб қилади. Яратилган қўшимча маҳсулотни ғайрииқтисодий йўл билан, яъни сиёсий-маъмурий воситалар билан ишлаб чиқарувчидан тортиб олиш жамғаришни жадаллаштиради. Собиқ СССРда 30-йиллари жамғаришнинг миллий даромаддаги ҳиссаси (нормаси) 30—40%га етказилган. Бу эса қисқа вақтда индустриал потенциални, йирик саноатни яратиш имконини берган. Тоталитар тизим ҳам йирик машиналашган ишлаб чиқаришни яратишдек вазифани бажаргач, уни бошқа демократик иқтисодий тизим билан алмаштириш зарурати ўз-ўзидан пайдо бўлади.

4. Аралаш иқтисодиёт

Ҳозирги юксак ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти бу табиятан аралаш иқтисодиётдир. У турли хилдаги иқтисодий муносабатларнинг қорилимасидан иборат, лекин унинг асоси бозор муносабати, бу мазмунан полииқтисодий тизим ҳисобланади. Унинг бир қатор муҳим белгилари мавжуд.

Аралаш иқтисодиёт мукамал техника ва юксак технологияга асосланади, қўл меҳнатига ўрин қолмайди, гоят унумли машиналар ишлатилади, натижада, юксак даражадаги меҳнат унуми ва шунга кўра моддий тўқинлик таъминланади. Ишлаб чиқариш энг сўнгги фахтехника ютуқларига таянади ва мутлақо янги технологияни қўллайди. Бу иш кучи сифатига бўлган талабни мислсиз оширади, унга инсонийлик муносабатни юзага чиқаради. Юксак индустриал ишлаб чиқариш шароитида умуман ходим эмас, балки муайян малакали ва юксак савияли ишловчилар зарур бўлади. Натижада малакали меҳнат ҳам чекланган ресурсга айланади, шу сабабли меҳнат турларини танлаш имкони туғилади. Меҳнат гоят мурак-

кабланиданидан иш кучини тайёрлаш харажатлари ошади. 70-йилларда Ғарбий Европа мамлакатларида ёшларни ишлашга тайёрлаш учун улар 18 ёшга етгунча оила 50 минг доллар сарфлаган эди. АҚШда эса харажат бундан ҳам ортиқ бўлиб, 130 минг долларни ташкил этган. 1985 йилга келиб, бу миқдор 200 минг долларга етди. Ёшларни оилада тарбиялаш учун кетган вақт ҳисобга олинса, қўшимча яна 200 минг доллар сарфланган бўлади. Шундай қилиб бир ишловчини тайёрлаш учун жами сарфлар 400 минг доллардан иборат бўлган.

Олий таълим орқали ёшлардан бир илмий-техника ходими тайёрлаш учун яна 400 минг доллар харажат талаб қилинган. Хуллас, юксак малакали илмий-техникавий иш кучини тайёрлаш 800 минг долларга тушганлиги сабабли ва аynи пайтда уни ишлатиш самарали бўлганидан юксак малакали ходим учун рақобат боради. Агар монотизимли иқтисодиёт шароитида оддий иш кучи талаб қилинса ва у керагидан ортиқча бўлса, аралаш иқтисодиётда ўта малакали ва маълумотли иш кучи керак бўлади ва у ноёб ресурсга айланади. Мана шундай иш кучини шакллантириш ишлаб чиқаришни ривожлантириш шартига айланади. Иқтисодий раvнақ учун халқ хўжалиги миқёсида иш кучини бир соҳадан, иккинчисига, учинчисига ва бошқа соҳаларга кўчиб бориши заруратга айланади, энг муҳими иш кучи, албатта, иш ҳақи юқори соҳа томон ҳаракат қилади. Шунинг учун яратилган даромадларнинг талайгина қисмини иш ҳақига айланттиришга, бинобарин, унинг ҳиссасини ошириш ва фойда ҳиссасини камайтиришга тўғри келади. Бунинг уддасидан чиққан корхоналар ва соҳалар ноёб ресурс бўлиши энг малакали ишчилар ва хизматчиларга эга бўладилар. Иш кучи учун рақобат иш ҳақи юқори бўлган жойни танлаш имконини яратади. Бундан ташқари **аралаш иқтисодиётда майда бизнес мавжудлигидан ходимлар ёлланиб ишлаган билан ўзи тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин.** Бунга бўш пул капиталининг кўплиги ва уни арзонга олиб ишлатиш мумкинлиги қўл келади. Пул топиш имкони хилма-хил бўлиб, унинг энг қулайини танлаш мумкин экан, бу иқтисодиётда янги бир ҳодисани иш ҳақининг миллий даромаддаги ҳиссаси ортиб боришини келтириб чиқаради. Бу аралаш иқтисодиётнинг муҳим белгисига айланади. Мазкур ҳодиса зарур ва қўшимча маҳсулот чегараси ўзгаришини билдиради. Зарур маҳсулот чегараси кенгайса, қўшимча маҳсулот чегараси тораяди. Шу сабабли фойдани муттасил ошириб бориш имкони ҳам

чегараланади. Аралаш иқтисодиётда мулккий монополияга ўрин қолмайди, аксинча, бу ерда хилма-хил мулкчилик қарор топади. Аралаш иқтисодиёт кўп укладли, кўп секторли иқтисодиётдан иборат. Аралаш иқтисодиётда асосан уч хил мулк мавжуд: хусусий мулк, жамоа ва давлат мулки. Аммо биринчи ва иккинчи мулк шакли асосида халқ корхоналари ташкил топади, улар ишлаб чиқарувчиларнинг ўзига қарашли фермер хўжаликлари, фирмалар ва компаниялардан иборат бўлади. АҚШда корхоналари ишчи-хизматчилар жамоаси томонидан сотиб олишга йўл берилади. Бу мамлакатда 80-йиллар охирига келиб, ишчилар тўла ёки қисман сотиб олган корхоналар сони 11 мингта эди. 2000-йилга бориб АҚШда 25% ишчи ва хизматчилар ўзларига қарашли компания ва фирмаларда ишлай бошлайди. Меҳнатчиларга тегишли ва гуллаб яшнаётган фирмаларга АҚШда «Авис», «Моргон стенли», «Локхид», «Полоройд» каби компаниялар киради. Халқ корхоналарида ишлаб чиқарувчилар айти бир вақтда мулк эгаси ҳам бўлишади, шундай корхоналарда ўз манфаати, ўз фаровонлиги учун ишлаш юз беради. Бу омил ҳам кўшимча маҳсулотни чегаралайди, зарур маҳсулот ифодаси бўлмиш иш ҳақининг ошишига олиб келади. Мулк монополиясининг йўқлиги ёки унинг қаттиқ чекланганлиги ўз навбатида иш кучини ёллаш монополиясини ҳам йўққа чиқаради. Иш кучини жалб этиш учун рақобат кетган шароитда ишлаб чиқаришдан келган даромадни ишчиларнинг меҳнатига ва мулкдорлигига қараб тақсимлаш юз беради. Агар муайян корхона ёхуд соҳа доирасида иш ҳақи камайиб кетса, у ердан иш кучи бошқа ерга оқиб ўтади. Иш ҳақини пасайтириш малакали ишчилардан маҳрум бўлишни билдиради, айти вақтда, уларнинг меҳнатисиз умуман фойда олиб бўлмайди. Юксак малакали ва савияси баланд ишчилар ишчилар жамоасининг ўзаги ҳисобланадики, уларнинг унумли меҳнатисиз тадбиркорлар рақобатда енгиб чиқиши мумкин эмас. Малакали ишчилар кўнмиш ва уларнинг салмоғи катта корхоналарда одатда фойда ҳам юқори бўлади. Иш ҳақининг ўсиши жамғариш заруратига бориб тақалади. Ишлаб чиқаришнинг янгиланиши соф инвестиция ҳисобидан бўлганидан иш ҳақи чексиз ортиши мумкин эмас, акс ҳолда инвестицияга маблағ қолмайди, бивобарин, иш ўринлари кўнаймай, ишсизлик кенгайди. Шу сабабли иш ҳақи ҳиссаси чексиз ўсиб бормайди.

Аралаш иқтисодиётга даромадлар ишлаб чиқаришнинг ўзида тақсимланиб, юқори иш ҳақи берилиши хосдир.

Аралаш иқтисодиёт мавжуд, ишлаб чиқариш юксак ривожланган мамлакатларда 90-йилларнинг бошида даромадларнинг 60% иш ҳақи шаклида бўлди. Юқори малакали иш кучини жалб қилиш зарурати собиқ СССРда ҳам унинг давлат сектори билан нодавлат секторнинг ўртасида ўтиб туришини таъминлади, унга кооперативлар, хусусий ва қўшма корхоналарда иш ҳақининг юқори бўлиши сабаб бўлди. Масалан, 1987 йили СССР давлат корхоналарида ҳар бир ишчи 7 минг сўмлик маҳсулот яратди. Кооператив секторида ҳам худди шунча маҳсулот яратилди. Маҳсулот тенг бўлгани ҳолда, бир шароитда давлат корхонасида иш ҳақи 3 минг сўм бўлгани ҳолда, кооперативларда 5,5 минг сўмга етди. Бу ҳол энг малакали ишчиларнинг давлат корхонасидан кооперативларга кетишига олиб келди.

Аралаш иқтисодиётда ҳар хил мулкчиликка оид корхоналар иш ҳақи воситасида рақобатлашганда юқори самара билан ишлаган корхоналаргина бунга бардош бера олади, чунки фақат улар юқори иш ҳақини таъминлаб яхши фойда ҳам кўрадилар. Унинг илдизида самарали ишлаш туради. Самарали ишлаш учун юқори техника-технология даражаси бўлиши шарт. Демак аралаш иқтисодиёт учун мулкчиликнинг ҳар хиллиги ҳали кифоя қилмайди. Бунинг учун юксак индустриал ишлаб чиқариш бўлиши керак. Аралаш иқтисодиётда турли мулк эгаларининг манфаатлари рақобат орқали статик мувозанатга келиши лозим. Статик мувозанат ҳолатига хос қонун — бу миллий дармадни ишлаб чиқаришнинг ўзида унинг иштирокчилари томонидан ўзлаштирилиши қонунидир. Бу қонунга кўра меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромад устиворликка эга бўлади, чунончи тадбиркорлик даромади (фойда), жамғариладиган даромад, фуқароларни социал ҳимоя қилувчи даромад кабилар маълум мувозанатда бўлиши керак. Маъмур мувозанат рақобат орқали ҳар хил мулк соҳибларининг, ишлаб чиқариш иштирокчиларининг иқтисодий манфаатлари бир-бирига боғланиб қолишини билдиради. Масалан, юқори иш ҳақи олишдан иборат манфаат даромад бир қисмининг инвестициялашувини билдиради, чунки бусиз унинг ўзи юзага чиқа олмайди. Худди шунингдек, фойда кўришдек манфаатга иш ҳақини оширмасдан эришиб бўлмайди. Хуллас, аралаш иқтисодиётда меҳнатнинг маҳсулотга бўлган мулкдан ажрალიши каби монотизимли иқтисодиётга хос белгига ўрин қолмайди. Бу ерда меҳнат натижасини ўзлаштириш, уни яратишда қатнашган омиллар эгасининг

қўшган ҳиссасига қараб юз беради ва бу турли мудқларнинг рақобати орқали мувозанат ҳолатида бўлади. Аралаш иқтисодий манфаатларни соғлом рақобат орқали уйғунлаштириганидан уни ҳаракатлантирувчи ички механизм юксак самарадорликни таъминлайди. Мана шу юксак, мисли кўрилмаган самарадорлик аралаш иқтисодийнинг туб белгисидир. Самарадорлик ошган шароитда манфаатларнинг амалга ошиб бориши динамик мувозанатни билдиради. Умумжамиат миқёсида самарадорлик юксак бўлгани ҳолда, айрим тармоқлар ва корхоналар доирасида у тафовутланади. Айрим ишлаб чиқариш бўғинидаги самарадорлик ўртача самарадорликдан юқори бўлганда бошқаларникидан ортиқча даромад олинади. Бу инвестиция туфайли ва тадбиркорлик қобилияти натижасида ҳосил бўлади. Мана шундай шароитда қўшимча олинган даромаднинг катта ҳиссаси фойда шаклига киради, яъни тадбиркорлик даромадига айланади. Аммо иш ҳақининг даромад ўсимидаги ҳиссаси кам бўлса-да, унинг мутлақ миқдори ўсади. Масалан, ойлик иш ҳақи 2 минг доллар, фойда эса 500 доллар (бир киши ҳисобида). Самарадорлик ортиши туфайли қўшимча 300 доллар даромад олинди. Унинг 70% (210 доллар) фойдага айланди, 30% (90 доллар) иш ҳақи қилиб берилди. Бу ерда даромад ўсимида фойда ҳиссаси юқори бўлгани ҳолда иш ҳақи ҳиссаси 2,3 марта кам. Аммо иш ҳақи мутлақ ўсиб, энди 2000 доллар эмас, балки 2090 долларни ташкил этади. Самарадорлик ошган шароитда фойда ва иш ҳақи олишдан иборат манфаатлар мувозанатланади, яъни динамик мувозанат вужудга келади. Самарадорликни ошириш орқали тадбиркорлик даромадини кўпроқ олишга интилиш иқтисодий ўсишни таъминлайди. Аралаш иқтисодий табиятан полииқтисодий тизим, у монотизмни иқтисодийдан фарқлироқ манфаатлар тўқнашуви ўрнига манфаатларнинг мувозанатлануви келтириб чиқаради. Буни биринчидан, мулк шакллариининг хилма-хиллиги, иккинчидан, моддий омилдан инсон омилининг устунлиги, учинчидан, ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари мулк эгасига айланиб, мулкдор сифатида даромаднинг бир қисmini ўзлаштиришини таъминлайди. Аралаш иқтисодий инсоний бўлганидан ишлаб чиқаришнинг ҳалқ истеъмолини бевосита қондирувчи соҳалари устивор ривож топади. Улар жумласига истеъмол товарлари ва хизматларини ишлаб чиқариш киради. Миллий даромаднинг асосий қисми фуқаролар ихтиёрига тушиб, уларнинг шахсий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади, аммо унинг

нафи турли жамоалар ва давлатга ҳам тегади. Шахс, жамоа ва давлатдан иборат иқтисодий муносабатлар субъектлари ўз манфаати жиҳатидан нимани афзал кўришса, даромад шунга ишлатилади.

Миллий даромад индивидуал шахсий манфаат доирасида тирикчилик эҳтиёжларини таъминлайди. Бунинг учун истеъмол буюмлари ва хизматларини ишлаб чиқаришдан иборат II бўлинма устивор ривожланади, бўлинма яратган товарларга талаб катта бўлганидан ресурслар шу бўлинма томон оқиб келади. Бундай ҳодиса нафақат иш кучига, балки инвестиция ресурсларига ҳам хосдир. II бўлинманинг устивор ўсиши аҳоли даромадларини кенгайтиради ва хизматлар билан таъминлайди, истеъмолни кенгайтиради, унинг таркибини янгилаб боради. Аҳоли даромади унинг истеъмолидан тобора кўпроқ ортиб қолиб, миллий бойликка айланади. Шу боисдан аралаш иқтисодиётга хос белги **миллий бойлик таркибида аҳоли мол-мулки ҳиссасининг ортиб боришидир**. Монотизимли иқтисодиётдаги мулккий монополия миллий бойликни айрим мулк бағрида тўшлаб, уни капиталга ёки танҳо давлат бойлигига айлантиради. Бойликдаги аҳоли ҳиссаси ошмайди ёки гоят кам ўсади. Аралаш иқтисодиёт шароитида бойликнинг капитал ёки давлат ҳукмидан чиқариш юз беради. Утмишда танҳо ҳукмрон мулк эгаси ўзлаштириш қўшимча маҳсулотни аралаш иқтисодиётда омма ўзлаштириши боплайди. Монотизимли иқтисодиётдан фарқ қилган ҳолда, аралаш иқтисодиётда эксплуатация дастлаб чекланса, кейинчалик тугатилади. Аҳолининг асосий қатламлари мулк эгаси бўлганидан ва тўқ яшаганидан уларда революция йўли билан ўзгалар мулкни тортти олишга мойиллик бўлмайди. Аралаш иқтисодиётда ҳам иқтисодий ўсиш жамғаришни тақозо этади ва у соф инвестиция шаклига эга, аммо жамғаришда давлат ва тадбиркорлар билан бирга оддий фуқаролар ҳам қатнашади. Миллий даромаднинг тобора катта қисми аҳолига текканидан, аҳоли жамғармада фаол иштирок этиш имконига эга бўлади, чунки олдин айтиб ўтганимиздек, индивидуал даромад шахсий истеъмолдан ортиб қолади. Жамғариш молиявий жамғариш шаклига киради. Аҳоли ўз пулини банкка қўйиш, пулига қимматбаҳо қоғозлар (акция, облигация) сотиб олиш йўли билан жамғаришда қатнашади. Молиявий муносабатлар ривожланиб, унда аҳолининг кенг қатлами иштирок этади, чунки молиявий ресурс ҳосил қилиш учун аҳолининг пули етарли бўлади.

Аралаш иқтисодиётда жамғаришнинг яна бир устивор

шакли бу инсон омилида билим, малака ва маҳоратнинг жамланишидир. Малакали меҳнатнинг қадри-қиймати юқорилигидан ақл-идрокли бўлиш ҳар тарафлама қўлла бўлади. Жамғариш манбаларининг кенгайиши ва шакллари-нинг ўзгариши иқтисодий ўсиш учун ишончли моддий асос яратади. Иқтисодий ўсишнинг барқарорлашиб, миқёсининг улкан бўлиши, шунингдек, меҳнат натижаларини ўзлаштиришда ишловчиларнинг фаол иштирок этиши оммавий фаровонликни иқтисодиётдаги социал мақсад мўлжалга айлантиради, натижада иқтисодий ўсишдан ҳамма манфаатдор бўлади. Аралаш иқтисодиётнинг туб хусусиятлари унинг бош қонунда ўз мужассамини топади,—бу фаровонликнинг ўсиш қонуvidир. Бу қонунга кўра хилма-хил мулкчилик ва манфаатлар мувозанатига асосланган жамиятда ишлаб чиқариш ва унинг самарадорлигининг ошиб бориши оммавий фаровонликни таъминлашга қаратилади. Бу қонун интегратив қонун, яъни у иқтисодиётнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олади, шунингдек бошқа қонунлар ҳаракатларини бирлаштиради, қонунларни синтезлайди. Аралаш иқтисодиётда манфаатлар мувозанатлашганидан иқтисодий ўсишдан барча манфаатдор бўлади, чунки иқтисодий фаолият натижаларини ўзлаштиришда кўпчилик қатнашади. Мана шундай вазият иқтисодиёт учун рағбат кучини беради. Фаровонликни ошириш ишлаб чиқаришнинг ўсишини талаб қилади ва бу жараёнлар бозор механизмидан ташқарида бўла олмайди. Бозор муносабатлари орқали ишлаб чиқариш рағбатлантиради, унинг ўсишига кучли туртки берилади. Аралаш иқтисодиёт бозор иқтисодиётдан ўсиб чиқади, лекин у билан чекланмайди. Аралаш иқтисодиётда бозорга хос муносабатлар билан биргаликда унга табиатан хос бўлмаган муносабатлар ҳам мавжуд бўлади. Масалан, бу ерда нафақат бозорга хос рақобат, балки интеграция ва манфаатлар мувозанатлашуви муносабатлари ҳам мавжуд. Фойда кетидан қувиш бозор иқтисодиётига хос нарса, аммо аралаш иқтисодиёт шароитида бунга эришиш учун умумий фаровонликка ҳисса қўшиш шарт. Фаровонлик оммавий бўлса-да, унинг даражаси аҳоли қатламларига нисбатан ҳар хил бўлади. Бу аҳоли қатламларининг нафақат яхши ишлай олишга, балки эксплуатацияга тортилишига ҳам боғлиқдир. Монотизмлардан фарқлироқ аралаш иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида ҳар қандай социал гуруҳлар эксплуатацияга йўлиқиши мумкин ва бу ҳодиса манфаатлар мувозанати бузилганда юз бериши мумкин. Кўп ҳолларда эксплуатация тақси-

мот ва истеъмол соҳаларида юзага келади. Нархларни ошириш, даромаддан ушлаб қолинадиган чегирмаларни кўпайтириш орқали даромад ўзлаштирилади. Барча ишлаб чиқариш омиллари ёки уларнинг айримларини монополаштириш ана шундай эксплуатациянинг иқтисодий асоси бўлади ва у ҳозирчалик аралаш иқтисодиётдан пайдо бўлиб туради. Малакали иш кучи монополлашса, тадбиркорлар эксплуатация қилинади. Агар ишлаб чиқариш воситалари монополлашса, ишчи-хизматчилар эксплуатация қилинади. Эксплуатациянинг юзага чиқиши ёки чиқмаслиги манфаатлар мувозанатига боғлиқ бўлади. Монотизимда эксплуатация доимий бўлади ва у айрим социал тоифага нисбатан юз беради, кучли тус олади. Ҳозирги аралаш иқтисодиётда эксплуатация вақти-вақти билан юзага келса-да, кучли бўлмайди, чунки кучли эксплуатация шароитида ишловчилар манфаатига катта путур етганидан, уларда иқтисодиётни ўстиришга қизиқиш сусайиб кетади. Шундай шароитда фаровонликни ўстиришдан иборат бош иқтисодий қонун юзага чиқмай қолади. Шу сабабли давлат пайдо бўлиши мумкин бўлган эксплуатациянинг олдини олиш чораларини кўриб, уни чеклаб қўяди, Қонунчилик йўли билан иш кунини чўзишга йўл қўйилмайди, иш ҳақини маълум даражадан пасайтириш мумкин эмас, мулк эгалари ишловчиларни ҳимоя қилиш учун пул ажратиши керак, ишсизлик хавфи туғилганда ишчилар фирма ҳисобидан янги касбга ўрғатилади ва ҳоказолар. Гоҳо-гоҳо пайдо бўладиган эксплуатация муносабатларининг жиловлаб турилиши ҳозирги аралаш иқтисодиётга инсонийлик хос эканидан лалолат беради. Монотизимли иқтисодиёт бир мулк монополиясига асосланганидан эксплуататорлик тузумига айланади, у айриинсоний тус олади, социал зиддиятларни кескинлаштиради, бинобарин, ўзини-ўзи инкор эта бошлайди. Бундан фарқлироқ аралаш иқтисодиёт турли мулк шакллариининг мувозанатига асосланганидан иқтисодиётдаги инсонийликни келтириб чиқаради, натижада умумий фаровонликнинг ортиши қонуний ҳолисига айланади. Аралаш иқтисодиёт — бу иқтисодий цивилизациянинг ҳозирги босқичида энг юксак ютуқ деб айтиш мумкин.

ТАҚРОРЛАШ ВА ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Социал-иқтисодий тизимлар нима ва улар бир-биридан қандай фарқланади?
2. Моноиқтисодий тизимнинг қандай белгилари мавжуд? Унинг қандай турларини биласиз?

3. Моноиқтисодий тизимнинг тарихий роли нимадан иборат?

4. Полииқтисодий тизим нима, унинг қандай белгилари мавжуд?

5. Аралаш иқтисодиётнинг техникавий ва иқтисодий жиҳатидан қандай асосий белгилари бор?

6. Аралаш иқтисодиётдаги мувозанат нимадан иборат?

7. Аралаш иқтисодиётнинг бош қонуни нима?

И Б Ў Л И М

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Х БОЪ.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

1. Бозор иқтисодиётининг туб белгилари

Ҳозирги замон иқтисодиёти бозор иқтисодиётидир. Бу иқтисодиёт Ер юзидаги кўпгина мамлакатларда ҳар хил даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан ривожланиб бормоқда. Унинг моҳиятли белгиларини энг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кўриш мумкин.

Бозор асосида товар-пул муносабатлари ётади. **Товар-пул муносабатлари — товар ишлаб чиқариш, товарларни айирбошлаш ва пул муомаласига хос муносабатларнинг яхлитлигидир.** Товар ишлаб чиқаришга оид муносабатлар товарни яратишда моддий ва жонли меҳнат сарф этилиши, бу сарф-харажатлар жамият учун зарурий даражада бўлиши, товарнинг сифати ва нархининг мувофиқлиги таъминланиши, индивидуал меҳнат сарфлари зарурий сарфга келтирилиши, товарлар қиймати меҳнат унумдорлигига тескари пропорционал тарзда ўзгариши каби алоқаларни билдиради. Товар ишлаб чиқарувчилар мустақил равишда, бозорга қараб товарларни яратадилар, бозор талаби, қондирилгандагина даромад тошадилар. Яратилган товарларни айирбошлаш соҳасидаги муносабатлар сотувчи ва харидор ўртасидаги эркин олди-сотди муносабатларидир. Турли товар ишлаб чиқарувчилар бозорда айна бир вақтда ҳам сотувчи, ҳам харидор вазифасини ўташади. Бозор алоқалари керакли товарлар зарурий миқдорда ва келишилган нархда айирбошланишини билдиради. Товарлар бевосита эмас, балки пул воситасида

айирбошланади. Пул муҳим иқтисодий вазифаларни бажаради, унинг нуфузи юқори бўлади. Товар-пул муносабатлари умуминсоний ҳодиса, улар турли тизимларга хос, уларни бир-бирига боғлаб туради. Аммо бу муносабатлар юксак даражада ривож топгандагина бозор иқтисодиётига айланади.

Ҳозирги дунёда, айниқса, Ғарб мамлакатларида иқтисодиёт ҳақида гап кетганда фақат бозор иқтисодиёти англанади. Ҳозирги замон назарияларида бозор иқтисодиёти деганда иқтисодий хатти-ҳаракатларнинг эркин, мустақил равишда юз бериши ва уларнинг бозор механизми орқали бир-бирига боғланиб мувофиқлашуви тушунилади. Бозор иқтисодиёти гоят кўп қиррали ва мураккаб иқтисодиётдир. Унинг моҳиятини англаш учун унга хос туб белгиларни яхлитликда олиб қараш керак. Бу белгилар шаклланиб улгурган, аралаш иқтисодиётга айланган бозор иқтисоди шароитида вужудга келади, ҳозирги энг ривожланган мамлакатларда аниқ кўринади.

Бозор иқтисодиёти эркин товар-пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, социал мўлжалга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишига эга бўлган ва бошқарилиб (тартибланиб) турувчи иқтисодиётдир. Ўзига хос мулкый муносабатлари, социал йўналишлари ва тартибланиб туриш усуллари жиҳатидан бу тизим капиталистик иқтисодиётдан ва тарихда мавжуд бўлган социалистик иқтисодиётдан фарқ қилади.

Бозор иқтисодиётининг қуйидаги субъектлари мавжуд:

а) иқтисодий мустақил мулк эгаси ёхуд истеъмолчи бўлган айрим кишилар ёки гуруҳлар. Буларга одатда ёлланиб ишловчилар, ер эгалари, капитал соҳиблари, ишлаб чиқариш воситаси эгалари киради. Улар тадбиркорлик қилмай, ўз мулкидан даромад топади ёки ёлланиб ишлайди;

б) фирма, корхона, хўжаликлар, уларда банд бўлган тадбиркорлар. Улар фойда олиш йўлида мустақил иш юртадилар, ишлаб чиқариш омилларини ишга соладилар;

в) давлат, аниқроғи, давлатнинг барча маҳкама-идора ташкилотлари. Улар ҳам ишлаб чиқариш, ҳам истеъмол билан шуғулланадилар, бозор ва унда қатнашувчилар фаолияти устидан назорат қиладилар.

Бозор иқтисодиёти иштирокчилари ўзаро алоқага киришадилар. Иш кучи, ер, капитал ва бошқа восита эгалари уларни корхона, фирмаларга сотади. Улар ўз навбатида

ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиб товар ва хизматлар яратадилар, уларни таклиф этадилар.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси — **иқтисодий плюрализм** ҳисобланади, яъни мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли-туман бўлишидир. Турли шакллардаги мулклар эркин, ёнма-ён, ҳеч бир чегараланмаган ҳолда ривожланади. Турли мулклар мувоzanатда бўлиб, айрим мулк шаклининг ҳукмронлигига йўл берилмайди. Хўжалик юритиш усуллари ҳам ҳар хил бўлади. Якка тартибда, жамоа-уюшмага бириккан ҳолда, шерикчилик-пайчилик ёхуд акционерлик асосида, ўз маблағига ёки қарзга олинган маблағга таяниб хўжалик юритиш, ер ва бошқа воситаларни ижарага олиш ва ишлатиш кабилар биргаликда боради.

Бозор иқтисодиёти **эркин иқтисодиёт**. Иқтисодий фаолият эркинлигининг асоси ишлаб чиқариш омиллари ёки яратилган товарларнинг мулк объекти бўлиши, мулкдорларнинг эса мустақилликка эга бўлишидир. Ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи ўз товарини ёки пулини ўзи билганича ишлатади, бунга ҳақли. Ҳар бир корхона, ташкилот, айрим фуқаро ўз ихтиёрига кўра, ўзига маъқул бўлган иш билан шуғулланади. Хўжалик юритувчилар фаолияти бир-биридан **алоҳидалашган** бўлади, чунки улар, биринчидан, мулк эгалари, иккинчидан, меҳнат тақсимооти асосида ихтисослашиб, ҳар хил иш билан шуғулланишади. Бозор иқтисодиётини ташкил этувчи тадбиркорлар кўпчиликдан иборат бўлиб, тарқоқ ҳолда фойда-зарарни ўз зиммасига олиб иш юритадилар. Аммо уларнинг фаолияти қанчалик тарқоқ бўлмасин, барибир бозор орқали бир-бирига боғланади. Бозор иқтисодиёти эркин бўлганидан, у ҳар қандай **иқтисодий монополизмни** инкор этади.

Иқтисодий монополизм — корхона, ташкилот ёхуд давлатнинг умуман иқтисодиётда ёки унинг бирор соҳасида танҳо ҳукмронлик қилиши. Иқтисодиётдаги монополизм ишлаб чиқаришнинг ўзида, савдо-сотиқда, кредит-банк тизимида ёки истеъмол доирасида мавжуд бўлади. Иқтисодиётдаги монополизмнинг таянчи муайян мулк шаклининг танҳо ҳукмронлигидир. Бундай мавқеа эса сиёсий ҳокимият ва ғоявий соҳадаги монополизмни юзага чиқаради. Иқтисодий тараққиётга йўл очиш учун иқтисодиётдаги монополизмни тугатиш зарур, чунки монополия ўз табиатига кўра ишлаб чиқаришда турғунлик пайдо қилади, ҳукмрон мавқега таяниб, сарфларни камайтирмай, фойда кўриши мумкин, рақобатнинг йўқлиги ёки заифлигидан фойдаланиб, бозорда ўз измини ўтказиши

мумкин. Монополия турғунликни юзага чиқаради, та-
шаббусни чегаралайди. Шу сабабли бозор иқтисодиёти у
билан чиқиша олмайди. Мана шу жиҳатдан бозор иқти-
содиёти **антимонопол йўналишга** эга.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро муносабатлар
манфаатларни кўзлаган ҳолда ўрнатилади. Иш юзасидан
бўлган муносабатлар (шериклик) эркин шаклланади.
Турли ишлаб чиқарувчилар бир-бири билан манфаатли
алоқа ўрнатадилар. Бозорда эса харидор билан сотувчи
бир-бирини эркин танлайди. Бозор иқтисодиётида **товар**
тақчиллиги бўлмайди, шу сабабдан бозорда ишлаб чиқа-
рувчи эмас, балки истеъмолчи (харидор) ўз измини ўтка-
зади, товар ва хизматларни сифатига ва нархига қараб
танлаб олиш имконига эга бўлади.

Бозор иқтисодиётининг яна бир белгиси — **нархлар-**
нинг либераллашуви, яъни нарх-навонинг эркин ташкил
топишидир. Товарлар нархини давлат юқоридан белгила-
майди, нарх айрим ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи таз-
йиқи остида шаклланмайди. Нарх бозордаги талаб ва
таклифга қараб, харидор билан сотувчининг савдолашу-
вига биноан юзага келади. Бозор муносабатига келишил-
ган нархлар хизмат қилади. Нарх пул билан ўлчанади.
Бозор иқтисодиёти пулсиз бўлиши мумкин эмас. Пул иқ-
тисодий муносабатларнинг **асосий воситаси**, иқтисодиётда
ўта муҳим роль ўйнайди. Пул муносабатлари бозор иқти-
содиётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пул обороти,
пул эмиссияси, қадри-қиймати, инфляцияси, валюта курси
каби ҳодисалар иқтисодий вазиятнинг кўзгуси ҳисобла-
нади.

Бозор иқтисодиётида, унинг иқтисодий механизмида
рақобат асосий ўрин тутати. Рақобат иқтисодий муноса-
батлар иштирокчиларининг хусусий, ўзгаларникидан ало-
ҳидалашган манфаатини билдиради, лекин бу манфаат
йўлида кураш қоидаларига риоя қилиш шарт ҳисоблана-
ди. Манфаатларни юзага чиқаришнинг бирдан-бир йўли
талабгир, яъни жамият учун зарур товарларни ишлаб
чиқаришдир. Рақобат моддий ва меҳнат ресурсларини
кам сарфлаган ҳолда уларни самарали ишлатиш кўплаб
ва сифатли товарлар ишлаб чиқаришга ундайди. Шу жи-
ҳатдан рақобат бозор иқтисодиётини **ҳаракатга солувчи**
воситадир. Рақобат иқтисодиётни тартибловчи ва назорат
қилувчи куч ҳисобланади. Рақобатлашувчи кучлар муво-
занатда бўлиб, улардан биронтаси ҳам монопол мавқега
эга бўлмайди. Эркин рақобат чекланмаган иқтисодий эр-
кинликни, хоҳлаган усулда курашни, ҳатто монополия

ҳосил этган ҳолда ўз билганича иш юритишни билдирмайди, чунки рақобатни давлат тартиблаб туради. Тартибланмаган рақобат иқтисодий эркинликка кафолат бера олмайди, иқтисодиётни монополлаштиришга интилишни жиловлаб тура олмайди, чунки у ўзбилармончилик бўлади. Шақланган бозор иқтисодиётида антимонопол кучлар юзага келиб, улар ҳолис рақобатга йўл берган ҳолда монополлаштириш йўлини тўсади. Бозор иқтисодиётининг ҳамма субъектлари учун бир хил имконият яратилади, лекин улардан фойдалана олиш ишбилармонликка боғлиқ бўлади. Иқтисодий шароит шундай бўладики, ҳар бир субъект учун рақобат қилиш шarti бу ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланиш бўлади. Субъектлар бозорга чиққан эҳтиёж қондирилганда зарар кўрмасликни, фойда олиб ишлаганда бошқаларга тоба бўлмасликни, билган ҳолда рақобатга кириша оладилар. Ижтимоий фойдали иш билан шуғулланиш рақобатга енгилмаслик шarti ҳисобланади.

Замонавий бозор иқтисодиётида, биринчидан, **манфаатлар тўқнашиб рақобат юз берса, иккинчидан, субъектлар ўз фаолиятини, бинобарин, манфаатларини ҳам мувофиқлаштиришга интиладилар.** Акс ҳолда уларнинг иши юришмайди. Субъектларнинг ажралиши ва яқинлашиб ўз хатти-ҳаракатларини мослаштириши бу иқтисодиётнинг икки зиддий томонидир. Рақобат иқтисодий субъектларнинг ажралиши бўлса, интеграция уларни бирлаштиради. Интеграциянинг зарурлиги ҳам доим рақобат қилавермай, мурсоага келиш, шу йўсинда манфаатларни мослаштиришни талаб қилади. Гап шундаки, ишлаб чиқаришдаги ўзаро боғлиқлик кучайиши билан интеграциялашмай туриб яхши фойда кўриш қийинлашади. Мана шу ўзаро боғлиқлик айрим иқтисодий субъектларга монопол мавқе бермайди. Бинобарин, интеграция ва эркин рақобат монополлашувга йўл қўймайди. Замонавий бозор иқтисодиётида субъектларнинг ўзаро алоқалари тасоффий эмас, балки улар мунтазам бўлиб, барқарорлиги билан ажралиб туради. Бу алоқалар негизда этган нарса ишлаб чиқаришнинг чуқур ихтисослашуви, корхоналар ва тармоқларнинг бир-бирига интеграция орқали боғланиб қолишидир. Шу туйфайли мижозлар ўртасида тижорат алоқалари бозорда бир марта юз берадиган олди-сотиқ билан тугалланмай узоқ давом этади. Бу алоқаларни юзага чиқарувчи муҳим омил иқтисодий субъектлар ўртасидаги ишонч ҳисобланади, бу ҳалол рақобат шароитидагина бўлиши мумкин. Бозор иқтисодиётида **рақобатга хос бўл**

маган муносабатлар ҳам келиб чиқади. Масалан, маркетинг (ишлаб чиқаришни бозор билан боғлаш) орқали ишлаб чиқариш билан истеъмол боғланади. Бунда сотувчи билан харидор рақобати ўрнига ўзаро маъқул алоқа ўрнатилади. Харидорга керакли товар етказиб берилади, нарх эса сотувчи учун қулай бўлади. Бу ерда **манфаатларнинг уйғунлашуви** юзага чиқади. Ишчиларнинг ўзаро иш ўрни учун, хўжайинларни ишчилар билан ишга ёллашни қулайлиги учун кураши ўрнига иш топиб бериш, яхши иш билан таъминлаш муносабати пайдо бўлади. Масалан, фирма ишчига янги касбни олишга моддий кўмаклашади, токи у ишсиз қолганда кўчада қолиб кетмай, янги ишга жойлаша олсин. Давлат иқтисодий субъектлар муносабатига аралашиб, уни тартиблайди. У қонун йўли билан монополияни чеклайди, рақобатнинг ҳалол боришини таъминлайдиган қоидаларни жорий этади. Индивидуал мулк соҳиблари ҳадеб курашавермай, акционер жамиятга (шерикчилик ширкатига) бирлашадиларки, натижада уларнинг манфаати умумий бўлиб қолади. Бозор иқтисодининг субъекти бўлган ишчилар ҳам акция сотиб олиб, мулкнинг шериги-эгасига айланадилар. Фойда кўриш борасида уларнинг манфаати капитал эгалари манфаати билан яқинлашади. Демак, бозор иқтисодиётида рақобатдан бошқача, ҳамкорлик муносабатлари ҳам мавжуд. Бозор иқтисодиёти ўзининг регуляторларига эга. **Бозор регуляторлари** — бозордаги ўзгаришни ишлаб чиқаришга етказиб, унинг бозорга мослашувини таъминловчи восталардир. Албатта, улар маъмурий эмас, балки иқтисодийдир. Улардан энг муҳими бозор нархидир. Нарх ошиб, товарлар жадал сотилса, фойда кўпаяди, улар кўпроқ ишлаб чиқарилади. Товарлар нархи пасайиб, улар яхши ўтмаса, ишлаб чиқаришни қисқартириш ёки ундан тамомила воз кечиш керак бўлади.

Бозор муносабатларининг ҳар бир субъекти, бу корхонами, давлатми, айрим кишими — бунинг аҳамияти йўқ, ўз манфаатини кўзлаб фаолият кўрсатади. Аммо, кўр-кўрона хоҳлаган ишини қила олмайди. У бозор билан ҳисоблашишга мажбур, акс ҳолда иши юришмайди, даромад топмайди, хонавайрон бўлади. Ишлаб чиқарувчига ҳам, истеъмолчига ҳам нима қилиш кераклигини бозордаги нарх кўрсатади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти социал йўналишга эга, лекин бу унинг ўз табиатидан келиб чиқмайди, балки унинг аралаш иқтисодиёт тарзида ривожланиши натижасидир. Хилма-хил мулкчилик, меҳнаткашларнинг мулк эгасига айланиши, ишлаб чиқаришнинг тўқинчилик-

ни таъминлай олиши, каби янги ҳодисалар аралаш иқтисодиётга хоски, улар **социал кафолатларни юзага чиқаради.**

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос социал (ижтимоий) **адолат қондалари бор.** Иқтисодиётдаги ресурслар миқдори, уларнинг самарасига қараб ишлаб чиқилган товарлар ва хизматларни тақсимлаш ва шунга мос равишда даромадга эга бўлиб, юқори фаровонлик даражасига чиқиш адолат ҳисобланади. Аммо, адолат принципи ҳаммани бир қилиш эмас, балки жамиятнинг табақалашувини билдиради. Иқтисодий субъектлар меҳнатига, ишбилармонлигига ва мулкига қараб бир-биридан фарқланади, шу сабабли уларнинг даромади, турмуш даражаси ва жамиятдаги мавқеи бир хил бўлмайди. Табақаланиш, бойларга ҳавас қилиб, шундай бўлишга интилишни ҳосил қилади, бу эса яхши ишлашга ундайди. Бозор иқтисодиёти шундай иқтисодий муносабатларки, улар **ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантирувчи кучни юзага чиқаради.** Бозор регуляторлари моддий, меҳнат ва молия ресурсларини керакли товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш томон бурлади. У беҳуда меҳнат сарфини ҳеч қачон тан олмайди, аксинча унга йўл қўйганларни иқтисодий жиҳатдан жазолайди, яъни улар зарар кўради.

Бозор иқтисодиёти **мослашувчан иқтисодий тизимдир.** У шароит ўзгаришларига дарҳол жавоб беради, нима етишмаса, шунини дарҳол ишлаб чиқаришни таъминлайди. Унинг муҳим белгиларидан яна бири **новацияга мойилликдир.** У фан-техника янгиликларини дарҳол қабул қилади, янги товарларни, янги технологияни ва ишлаб чиқаришни бошқариш усулларини жорий этишни таъминлайди, чунки бу рақобатда ютқазмаслик, яхши фойда кўриш, обрў-эътибор орттириш шарт бўлиб хизмат қилади. Бозор иқтисодиёти **товарлар ва хизматлар тўқинчилигини юзага келтиради,** кўпчилик товарлардан энг яхшисини танлаб олган ҳолда эҳтиёжни қондириш имконини беради.

Аммо бозор иқтисодиётини ҳамма дардга даво деб, уни ҳаддан ташқари олқишлаш унга холисона баҳо беришдан йироқ. Унинг ўзига хос аммо-лекинлари, муаммолари, нобоз, заиф томонлари ҳам йўқ эмас, албатта. Бозор иқтисодиёти миллионлардан иборат ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг фаолияти бўлганидан унга тарқоқлик ва худбинлик (эгоизм) ҳам хос. У ўз-ўзидан давлат ва жамоатчилик иштирокисиз табиатни муҳофаза этиш, экологик мувозанатни таъминлашни юзага чиқармайди. Жамият учун зарур бўлган, лекин харажатлар қайтими сёкин бўладиган, катта маблағ талаб қиладиган иншоот-

лар ва биноларнинг қурилишини рағбатлантирмайди. Дарҳол фойда келтирмайдиган, лекин илм-маърифат келажак учун муҳим бўлган назарий изланишларни ҳам рағбатлантирмайди. Бозор иқтисодиёти ҳам сакраб-сакраб цикли равишда ривожланади, иқтисодий юксалишлар билан бирга инқироз ва танглик ҳам пайдо бўлади.

Бозор иқтисодиётининг ҳам, ҳар қандай иқтисодиёт каби ўз ривожланиш қонунилари мавжуд. Унга хос қонуналар тизимини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

а) умумиқтисодий, лекин бозор иқтисодиётида ҳам амал қилишда давом этган қонуналар;

б) фақат бозор иқтисодиётининг ўзига хос бўлган қонуналар.

Биз мавжур бўлимда бозор иқтисодиёти моҳияти ва белгиларини умумий тарзда кўриб чиқдик. Улар бошқа бобларда батафсил ёритилади.

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурати

Бозор иқтисодиётига хос бўлган туб белгилар секин-аста шаклланиб, дировард натижада яхлит иқтисодий тизим ҳосил этади. Бу жараён мураккаб бўлганидан, узоқ давом этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш XX асрга хос бўлган глобал, яъни умумжаҳон воқелигидир. Бозор иқтисодиётига ўтиш кишиларнинг хоҳиш-иродаси эмас, балки, объектив заруратдир. Инсоният тажрибаси кўрсатганидек, ҳозирча фақат бозор муносабатлари заминидагина ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш, кўлаб ва сифатли товарлар яратиш, уларга бўлган талабни қондириш, тежамли хўжалик юритиш тўқинчилик яратиш, халқни фаровон турмуш сари йўллаш, ҳалол ва самарали меҳнатни қадрлаш, адолатни ўрнатиш мумкин. Бозор муносабатлари тизимида шундай рағбат кучи жамланганки, у муттасил иқтисодий ўсиш ва социал ривожланишни таъминлайди. Бунинг ривожланган еттилик мамлакатлари (АҚШ, Япония, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция ва Италия) мисолида кўриш мумкин. Бозор тизимининг афзаллиги Тайланд, Тайван, Жанубий Қурия, Сингапур каби Осиё мамлакатлари ҳам намойиш этди. Масалан, Жанубий Қурияда, бозор муносабатлари асосида иқтисодиёт жадал ривожланди, 1965—1987 йиллар мобайнида аҳоли жон бошига миллий даромад йилига ўртача 6,4% кўпайди. Натижада қолоқ, камбағал мамлакат бўлмиш Жанубий Қурия ривожланган, бой, халқни тўқ мамлакатга айланди. Айни вақтда эркин бозор иқти-

содиётига ўтмай, давлат социализми номини олган тоталитар иқтисодий тизимда қолиб келган мамлакатлар иқтисодий тушқунликка йўлиқдилар, уларнинг халқлари йўқчиликдан халос бўлмади, замон талабига жавоб берувчи турмуш даражасига эриша олмадилар. Масалан, собиқ СССР ғоят катта табиий бойликларга эга бўлатуриб, 1988 йил ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан дунёда 69-ўринда, аҳоли истеъмоли жиҳатидан эса 78-ўринда эди. Ғарб экспертларининг таъкидлашича, 1993 йилнинг натижалари ва кейинги йилда ривожланиш имконини ҳисобга олиб, иқтисодиётнинг самарадорлиги 10 баллик тизимда баҳоланганда турли давлатлар иқтисодий тараққиёт жиҳатидан қуйидаги ўринларда бўлади: Сингапур — 10, Япония — 9,4; Тайван, Гонконг ва АҚШ — 9,1; Канада — 9; Ҳозогистон — 2,7; Украина — 2,3; Россия — 2,2; Мўғилистон — 2,1; Туркманитон — 1,7; Тожикистон — 1,1. Дунё иқтисодиётида тугган ўрни, нуфузи ва ишончли бўлиши (бунга 10 та кўрсаткич киради) жиҳатидан олганда, бозор тизимидаги мамлакатлар олдинги сафда борса, тоталитар тизимда яшаб келган мамлакатлар охириги ўринларда туради, хусусан, Япония 1, АҚШ 2, Украина 145, Россия 149-ўринда турадилар. Агар Осиёни олсак, Сингапур 14, Тайван 22, Саудия Арабистони 26, Малайзия 33, Ҳозогистон 148, Мўғилистон 151, Туркманитон 158, Тожикистон 160-ўринда туради. Агар Япония биринчи бўлса, Куба энг сўнги 169-ўринни эгаллайди. Айтилган рақамлар бозор иқтисодиётининг самарадорлигидан дарак беради.

Бозор муносабатлари иқтисоднинг жадал боришини таъминловчи учта кучни юзага келтиради: 1) **иқтисодий фаолият эркинлиги** — бу уддабуронлик учун кенг имконият беради; 2) **рақобат кураши** — бу ким ўзди қойдасини юзага келтиради, новацияга (янгиликни жорий этишга) ундайди, техника-технологияни, меҳнат унумдорлиги ва иш сифатини оширади, қаттиқ меҳнат интизомини жорий этади; 3) **даромадларнинг чекланмаслиги** — бу қўшимча даромад топишга интилишни пайдо этади. Бойликка ҳавас иқтисодий фаолликни юзага чиқаради. Иқтисодий зарурат сифатида бозор муносабатларига ўтиш тарихий муқаррар ҳодисага айланади. Шу сабабли бозор тизимига кирмаган мамлакат ер юзиде қолмайди. Тарихан бу тизимга энг сўнги навбатда қадам қўйганлар — бу собиқ социалистик мамлакатлар ҳисобланади.

Халқаро тажриба кўрсатганидек, бозор иқтисодиётига ўтишнинг уч шакли ёки модели мавжуд: 1) **Ғарбий Ев-**

ропа мамлакатлари ва бошқа ривожланган мамлакатлар йўли; 2) мустамлакачиликдан озод бўлиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтиб ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари йўли; 3) собиқ социалистик мамлакатлар йўли.

Бу йўлларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари бор, албатта. Уларнинг ҳаммаси бир манзилга — бозор иқтисодиётига олиб келадики, бу иқтисодиётнинг қонун-қоидалари, амал қилиш принциплари кўп жиҳатдан умумий бўлади. Аммо, бозор муносабатлари шаклланишининг социал-иқтисодий, тарихий, миллий ва халқаро шароити ҳар хил бўлганлиги туфайли, унга ўтишининг миллий ёки ҳудудий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлади. Умумийлик ва хусусийлик турли моделларда турлича омихталаниб муҷассамлашади.

Бозор муносабатларига ўтишининг илк, биринчи моделида, оддий товар хўжалигидан классик капитализм томон ва ундан бозор иқтисодиёти томон борилади. Мазкур йўл узоқ давом этган эволюцион ўзгаришлар орқали, яъни ўтмишдаги қолоқ анъанавий иқтисодиёт бағрида бозор муносабатларига ҳос белгиларнинг секин-аста ривожланиб бориши орқали, оддий товар-пул муносабатларининг капиталистик шаклга кўчиши, ва ниҳоят, унинг бозор иқтисодиётига трансформация (айлана бориши) орқали юз берган. Бу моделда бозор иқтисодиётининг ёввойи кўринишлари ҳам кузатилади. Унга ҳос бўлган ўта тарққилик, тартибсизлик, ўзбилармончилик, шафқатсиз эксплуатация, омманинг қашшоқлашуви, ғирром рақобат қилиш, ғайри инсоний хатти-ҳаракатларга мойиллик каби босқичлардан ўтиб, цивилизациялашган (маданийлашган) инсонпарвар иқтисодиётга келинди. Ғарбда ёввойи иқтисодиёт XIX аср охиригача ҳукмрон бўлган. XX асрдан бошлаб, айниқса, 30-йиллардан эътиборан, цивилизациялашган бозор иқтисодиётига ўтиш юз берди. Айниқса бу жараён 50-йиллардан бошлаб шиддатли тус олди.

Биринчи моделда бозор муносабатлари шаклланишига ҳос ҳамма босқичлардан ўтилади, уларнинг биронтасини четлаб бўлмайди. Бу модел асрлар оша тарихий-табиий жараён сифатида амалга ошиб, узундан-узоқ давом этган ўзгаришлар орқали бозор иқтисодиётига ҳос белгилар юзага келган. Биринчи модел бозор иқтисодиётининг ўзига ҳос классик шаклланиш жараёнидирки, у бошқалар учун андаза, намуна бўлиши мумкин, чунки мазкур иқтисодиётнинг қонун-қоидалари, унинг ҳаётийлиги шу моделда синаб кўрилган.

Иккинчи моделга хос муҳим томон — бу мустақилликдан меросга қолган қолақ, анъанавий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишдир. Бу модел миллий мустақиллик шароитида амалга ошади. Бунда бозор иқтисодиётига хос белгилар хўжалик турларининг трансформацияси орқали юз беради. Биринчидан, азалий натурал хўжалик бозор доирасига тортилиб, товар хўжалигига айланади ва ундан бозор иқтисодиёти белгилари ўсиб чиқади; иккинчидан, кам ривожланган, лекин реал мавжуд миллий капиталистик хўжалик бозор иқтисодиёти томон юз тутади: учинчидан, хорижий капитал яратган хўжалик, яъни ишлаб чиқаришнинг хорижий сектори заминида бозор иқтисодиёти унсурлари ривож топади. Иккинчи моделнинг муҳим белгиси унга ўтиш, бозор муносабатлари ривожига хос босқичларнинг ҳаммасидан ўтилмай, уларнинг айримларини четлаган ҳолда юз беради. Масалан, қолақ натурал хўжалик тўғридан-тўғри бозор иқтисодиётига хос йирик фермер хўжалигига айланади. Бу ерда қўл меҳнатига асосланган, лекин ёлланма меҳнатни тақозо этувчи ишлаб чиқариш босқичини четлаб, йирик машиналашган ва бозорни мўлжаллаган ишлаб чиқаришга ўтилади. Ривожланаётган мамлакатларда бозор муносабатлари қолақлик вазиятида ташқил топади, шу босқичдан уларнинг вужудга келишида хорижий капитал муҳим ўрин тутади. Бу модел шароитида биринчи моделга тааллуқли тарихий тажрибадан фойдаланиш имкони мавжуд бўлади. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини тезлаштиради. Гап шундаки, Ер юзиде мавжуд бозор муносабатлари доирасига янги мамлакатлар тортиладиган бўлса, уларнинг иқтисодиётининг бозор измига кўчишида чет элнинг ёрдами етакчи роль ўйнайди. Бозор иқтисодиёти томон йўлнинг нисбатан кам машаққатли ва қисқа бўлиши ривожланаётган мамлакатларга хос муҳим белгидир. Мазкур иқтисодиётга кириб боришнинг ўзи мустақиллик гарови ҳисобланади. Чунки шу асосга таянган ҳолда ишлаб чиқариш жадал ривожланади, бу эса истиқлолни мустаҳкамлайди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг **учинчи модели** бу жараёнга хос бўлган энг сўнгги йўлдир. Унинг энг муҳим белгиси тоталитар иқтисодий тизимдан эркин бозор тизимига ўтиш ҳисобланади. Тоталитар тизим давлатлашган социализм шаклида амал қилган. Унга давлат мулкнинг тап-хў ҳукмронлиги (СССРда 90% миллий бойлик давлатники бўлган), иқтисодиётнинг ўта давлатлашган бўлиши, унинг давлат томонидан юқоридан туриб бир режага, қолишга

Соллиниши, назорат қилиниши, унинг давлат чизган чи-
зиқдан бориши, моддий неъматларни ҳам давлат бир те-
кисда тақсимлаши, хусусий-иқтисодий фаолиятнинг ман-
этилиши, тадбиркорликни бўғиб қўйиб, маҳаллий ташаб-
бусга йўл бермаслик, экспорт-импортни қаттиқ назорат
қилиш ҳамда иқтисодиётнинг ўта ҳарбийлашган бўлиши
хосдир. Иккинчи модел амал қилганда бозор иқтисодиёти
учун зарур шароит мавжуд бўлади. Масалан, хусусий
мулк сақланади, кам ривож топган бўлса-да, тадбиркорлик
ҳаракатда бўлади. Иқтисодий муҳит табиатан бозор иқти-
содига қулайлик яратганидан, унга ўтиш энгил кечади.
Аммо бундай қулайлик учинчи моделда бўлмайди. То-
талитар иқтисодиётнинг бозор билан умумийлиги йўқ,
улар тамомла бир-бирига зид бўлгандан чиқиша олмайди,
табиатан ҳар хил бўлганидан бир-бирининг бағрида пай-
до бўла олмайди. Аксинча иккинчи модел шароитида бозор
иқтисодиётининг баъзи бир унсурлари эски традицион
иқтисод бағрида ушиб чиққан ва ривож топган бўлади.
Тоталитар тизимнинг ўзи бозор муносабатлари томон
ривожланишдан иборат табиий иқтисодий жараёнларни
революцион зўрлик билан тўхтатиб, бозор иқтисодиёти
унсурларини йўқотиб, уларнинг харобаларида давлатлаш-
тирилган иқтисодиётни яратиш орқали пайдо бўлган. Ун
йиллар давомида чуқур илдиз отган тоталитар тизим бозор
муносабатларига ўтишда қийинчилик яратади, чунки шу
тизим яратган бир тоифа кишилар бор, уларнинг иқтисо-
дий манфаатлари эски тизим шароитида юзага чиқиб тур-
ган, шу тизим улар учун фаровон турмуш берган. Албатта,
бу кишилар бозор муносабатларига ўтишдан манфаатдор
эмас, унга қаршилик қилади. Тоталитар тизим аҳоли кўп-
чилигида чекланган иқтисодий тафаккур ҳосил этган;
уларда тадбиркорликка, умуман пул топишга, мустақил
иш юритишга ёмон кўз билан қараш, яъни уларни қора-
лаш, айни вақтда давлатга боқиманда бўлиш, давлат қў-
лига қараб туриш, бир текисда тақсимлаш асосида оз
бўлса-да моддий кафолатли кун кўриш, бой бўлишни нуқ-
сон деб билиш каби ҳиссиётлар кишилар хулқ-атвори,
хатти-ҳаракатини белгилаб келган. Шундай шароитда
аҳолига бозор муносабатлари ғояларини сингдирмай ту-
риб, аҳолида янгича кўникма ҳосил этмай туриб, тоталитар
тизимни тарқ этиб, бозор тизимига кириб бўлмай-
ди. Учунчи моделнинг нафақат қийинчилиги, балки унинг
афзалликлари ҳам борки, у янги тизим ривожига кўмак
беради. Ҳар ҳолда тоталитар тизим ўзига хос усуллар
билан анча кучли ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва

кадрлар потенциалини яратган, унга таянган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтиш энгил кечади. Учинчи йўлнинг умумий жиҳатлари бўлса-да, унинг шароити турли мамлакатларда бир хил эмас. Масалан, СССРда хусусий мулк тамомила йўқотилгани ҳолда, Польшада бозор иқтисодиёти бўсағасида хусусий мулк кучли бўлган, аҳолининг деярли 50% хусусий мулк шароитида меҳнат қилган. Венгрияда ҳам хусусий мулкчилик анча сақланган эди. Шарқий Европа мамлакатларида табдиркорликка интилиш ҳам анча сақланиб қолган. Учинчи йўлга ўтган мамлакатларнинг иқтисодий даражаси ҳам ҳар хил. Россия ва Ўзбекистон, Украина ва Тожикистоннинг ёки Беларус ва Қирғизистоннинг иқтисодий потенциали ўзаро катта фарқ қилади. Мазкур мамлакатларда мулкчилик ҳам бир хил эмас. Масалан, Ўзбекистон ва Тожикистонда қишлоқларда жамоа мулки ва жамоа хўжалиги анча ривожланган. Қозғистонда эса қишлоқ хўжалигида давлат мулкининг мавқеи кучли. Умуман Марказий Осиё давлатларида индивидуал майда хўжалик, яъни томорқа хўжалиги ривожланган. Тожикистон ва Ўзбекистонда индивидуал хўжаликда ишловчилар қишлоқ хўжалиги билан банд аҳолининг 1/3 қисмини ташкил қилади. Бинобарин, бу ерда, майда товар хўжалиги анъаналари гоят кучли. Албатта, айтилган хусусиятлар бозор иқтисодиётига ўтишга таъсир этмай қолмайди.

Агар бир гуруҳ мамлакатларда бозор иқтисодиётига ўтиш тугалланган бўлса, бошқаларида шу жараён давом этмоқда, маълум мамлакатларда бу жараён эндигина бошланган. Бозор муносабати томон илк қадам қўйганлар — булар учинчи йўлдан бораётган давлатлардир. Бозор муносабатига ўтиш бирдан бўлмай, секин-аста, босқичма-босқич амалга оширилади. Бу эволюцион жараён бўлгандан, турли босқичларни тақозо этади. Мазкур босқичлар ҳамма ерда бир хил эмас. Иккинчи йўлдан борган, яъни ривожланаётган мамлакатларда уч босқичли ривожланиш юз беради: 1) иқтисодиётни барқарорлаштириш; 2) бозор инфраструктурасини яратиш; 3- бозор муносабатларига ўтиш. Собиқ социалистик мамлакатларда давлатлаштирилган, ўта марказлашган ва ягона бир марказдан бошқарилувчи иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш зарурлиги қуйидаги босқичларни тақозо этади: 1) бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, яъни уни таъминловчи юридик қонушлар тизimini яратиш; 2) бозор инфраструктурасини шакллантириш. Бунда бозор иқтисодиётига хос алоқаларни ўрна-

тишга кўмак берувчи, яъни бозорга хизмат кўрсатувчи соҳаларни, ташкилот, корхона ва муассасаларни яратиш; 3) мулкчилик ва хўжалик юритиш усулларини приватизациялаш, яъни давлат мулки монополиясини чеклаган ҳолда давлат мулкини бошқа нодавлат мулкларига, хусусан жамоа ва хусусий мулкка айлантириш, давлат мулкини ижарага олувчи, аммо давлатга тегишли бўлмаган хўжаликларни барпо этиш; 4) нарх-навони либераллаштириш, нархларни эркин қўйиб юбориш, нарх устидан давлат назоратини минимал даражага келтириш. Мазкур босқичлар шартли, улар қўшилиб кетиши ҳам мумкин.

Ўзбекистонда бу босқичлар туташиб кетгани ҳолда икки босқичли тараққиёт юзага келади. Биринчи босқичда давлатлашган ва эркин бозор хўжалигининг қорилишидан иборат ўткинчи иқтисодий тизим юзага келади. Режалаштириш сақланган ҳолда корхоналар ва хўжаликлар, жумладан, давлат корхоналари ҳам бозор алоқларига киришадилар. Бу босқичдаги бозор муносабатлари маълум даражада монополлашган бўлади, чунки давлат корхоналари танҳо маҳсулот яратувчи, яъни сотувчи ва ягона харидор сифатида бозорга чиқади. Аммо шу билан бир қаторда монопол мавқеда бўлмаган, рақобат қилувчи нодавлат корхоналари ҳам бозор муносабатларининг иштирокчисига айланади. Бу босқичда режалашган ва эркин бозор иқтисодиёти секторлари ҳосил бўлади, яъни иқтисодиёт икки секторли тус олади, у ярим либераллашган ҳолатда бўлади.

Иккинчи босқичда иқтисодиёт тўла-тўқис либераллаштирилади, хусусийлаштириш (приватизация) тугалланади, нархлар эркин қўйиб юборилади, давлат корхоналари миқдордан қисқариши билан бирга уларнинг монопол мавқеи тугатилади. Монополлашган бозордан эркин бозорга, давлатлашган иқтисодиётдан эркин рақобатга таянган иқтисодиётга ўтилади, иқтисодий демократизм принциплари юзага келади. Мазкур босқичлар ҳам шартли, шубҳасиз, иқтисодий амалиётда янгиликлар юз бериб, босқичлар ўзгариши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Айтилганлардан қатъи назар бозор иқтисодиётига турли босқичларни ўтиб борилиши турган гап, лекин босқичларнинг давомийлиги, улар доирасида ечиладиган муаммолар ҳар хил бўлади. Қонуният шундайки, тоталитар иқтисодиёт ва бозор иқтисодиёти табиатан ҳар хил бўлганидан ўтмиш тизими заминида бозор муносабатларини шакллантириш секин-аста, босқичма-босқич юз беради, бир босқичдан сакраб, бошқасига шошқалоқлик билан ўтиш

иқтисодий ва социал жиҳатдан катта талофат келтириши мумкин. Мисол учун, Россияни олайлик. Бу ерда приватизация амалга оширилмаган, давлат корхоналарининг монопол мавқеи сақланган ҳолда, яъни эркин рақобатлашувчи корхоналар бўлмаган ҳолда, нарх-наво либераллаштирилди, эркин қўйиб юборилди. Бу монопол корхоналарга қул келди. Улар харажатни камайтириб, товарни қўнайтириш ўрнига (чунки улар рақобатга йўлиқмоқда), ўзининг танҳо ҳукмронлигидан фойдаланиб, нархларни сунъий равишда кўтариб юбордилар. Бу қимматчилик ва қийинчиликка олиб келди, иқтисодий тушқунлик ғоят чуқурлашди, халқнинг асосий қатламлари қашшоқлашиб кетди, норозилик кучайиб, сиссий вазият таъғ бўлиб қолди. Бу шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётига ўтишнинг муқаррар босқичлари мавжудки, уларни меҳсимасликнинг ҳеч бир иложи йўқ, бозор муносабатларига ўтишни сунъий жадаллаштириб бўлмайди, чунки бунинг учун шароит яратиш зарур.

3. Бозор ислоҳотлари

Бозор муносабатлари тўсатдан ва бирданга пайдо бўлмай, мавжуд иқтисодий тизимдан ўсиб чиқади, бу жараён эски тузумни революция йўли билан йўқотиб, унинг харобаларида янгилик яратиш эмас. Улар эволюцион йўл билан вужудга келади. Шу сабабли эски тизимни собитқадамлик билан ислоҳ эта бориб, бозор иқтисодиётига келиш мумкин. **Бозор ислоҳотлари халқ иштирокида,** лекин давлат томонидан ишлаб чиқилган, бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни давлат назорати остида амалга оширилишидир. Ислоҳотлардан олдин бозор иқтисодиётига ўтишнинг концепцияси, яъни назарий модели яратилади. Шу концепцияда янги иқтисодиётга ўтишнинг умумий жиҳатлари ва миллий хусусиятлари назарда тутилади, ислоҳотнинг асосий йўналишлари белгиланади.

Концепцияга таянган ҳолда бозор ислоҳотини таъминловчи юридик қонунлар мажмуаси яратилиб, улар ҳаётга жорий этилади. Ислоҳотлар қуйидаги йирик гуруҳларга бўлинади:

1. Мулкчи муносабатлар ислоҳоти.
2. Аграр ислоҳот.
3. Молия-кредит тизими ислоҳоти.
4. Ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти.
5. Социал ислоҳотлар.

Уларнинг кетма-кетлиги, ўтказиш усуллари ва муддатлари ҳар хил бўлади. Аммо ислохотларнинг иқтисодийнинг барча томонларига тегишли бўлиши, улар иқтисодий муносабатларда чуқур ўзгариш ясаши зарурлиги — бу бозор ислохотларининг умумий шартидир. Ислохотлар **комплекс** характерда бўлади, улар иқтисодийнинг ҳамма соҳаларида ўтказилади, бир соҳа ислох этилиб, бошқаси эскичасига қолса, бозор муносабатлари шакллана олмайди, бинобарин, ислохотлар самарали бўлмайди. Гап шундаки, бозор иқтисодиёти фоят мураккаб тизим бўлиб, унинг ҳар бир бўғини ёки унсурни бошқаси билан боғланган, бир бўлмаса бошқаси амал қила олмайди. Бу тизим минглаб фирмалар, хўжаликлар, миллионлаб кишилар фаолиятининг узвий боғланишини билдиради. Бозор иқтисодиёти бирон бир фаолият соҳаси билан чекланмайди, у фоят кўп қиррали бўлиб, ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, даромадларни тақсимлаш, пиҳоят товарларни истеъмол этиш каби ва бошқа жараёнларни ўз ичига олади. Бозор муносабати иқтисодиётнинг барча унсурларини бир тизимга бирлаштиради, уларнинг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиради, яхлит умумжамиат иқтисодиётини, яъни макроиқтисодиётни ҳосил этади. Иқтисодиётнинг ҳар бир унсури бошқасисиз амал қила олмаганидан, айрим унсурларнинг ишдан чиқиши бутун иқтисодий тизимга салбий таъсир этади. Иқтисодиётдаги яхлитликнинг ўзи унга тааллуқли ислохотларни халқ хўжалигининг ҳамма жабҳаларида ўтказиш талаб қилади. Бас шундай экан, ислохотлар чала-чулпа, ярим йўлда қоладиган бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари бир соҳа ислохоти бошқасидан келиб чиқиши, унга таяниши керак. Масалан, тадбиркорликни яратувчи ислохот мулк ислохоти, молия-кредит ва нарх-наво ислохоти билан боғлиқ бўлиши керак. Бу муқаррар, чунки иқтисодиётнинг бир жиҳати янгилашиб, бошқаси эскичасига қолиши мумкин эмас.

Ислохотлар кундалик жорий иқтисодий муаммоларни ечиш билан чекланиб қолмай, **стратегик**, яъни узоқ истиқболдаги мақсадларни мўлжаллайди. Ҳозирги ислохотлар айрим товарлар, масалан, гўшт-ёғ, сут-қатиқ ёхуд кийим-кечак тақчиллигини тугатишни мўлжаллаш билан чекланмай, узоқ даврлар мобайнида барқарор иқтисодий ўсиш ва фаровон турмушни таъминлашга қаратилади. Ўзбекистондаги бозор ислохотлари **мустақиллик стратегиясига** хизмат қилади, уни юзага чиқариш воситаси бўла олади. Аниқроғи, улар Ўзбекистоннинг мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан таъминлаши, уни келажакда иқтисодий ривожланган, халқи тўқ ва фаровон ҳаёт кечирув-

чи, халқаро миқёсда обрў-эътиборли мамлакатга айланишига хизмат қилади.

Бозор ислохотларининг бош бўғини бу мулкчилик шакллари тубдан ўзгартиришдир, чунки янгича иқтисодиёт турли мулк шакллариининг эркин ва рақобат асосида ривожланишини билдиради, мулккий монополия билан сиғишмайди. Шу боисдан, ҳамма ерда мулк давлат тасарруфидан чиқарилиб, приватизацияланади, давлатлашган иқтисодиёт бор жойда хўжалик юритиш ҳам давлат иқтиёридан чиқарилиб, бошқаларга берилади. Мулкчиликнинг Демократиялашуви икки йўл билан ўтказилади: биричиси — приватизация, яъни давлат мулки ҳисобидан подавлат мулк шакллариини ҳосил этиш, иккинчиси — реприватизация. Бунда олдин давлат ихтиёрига олинган мулк унинг эгасига қайтадан хусусий мулк этиб қайтарилади. Тоталитар тизимдан чиққан мамлакатларда реприватизация юз бермайди ёки жуда кам бўлиши мумкин. Бу ерда давлат корхоналари приватизацияланиб, хусусий мулкка айланади ёки улар давлат тасарруфидан чиқарилиб акционер жамиятларига, жамоат корхоналарига ва ҳар хил демократик уюшмаларга айлантирилади. Мулккий ислохот пулли жамғариш ҳисобидан, яъни корхоналар қуриш ҳисобидан хусусий мулкнинг янгидан ҳосил бўлишига ҳам йўл қўяди. Ислохотлар қонун йўли билан барча мулк шакллариининг тенглиги, даҳлсизлиги ва давлат ҳимоясига олиншини кафолатлайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли, барча мулк шакллариининг ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилиши кафолатланган, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясида туради.

Мулккий ислохотлар мол-мулкни приватизациялашдан ташқари ер, мулкчилик, акционер жамиятлар ҳақидаги ва бошқа қонунларга кўра ўтказилади. Тадбиркорлик тўғрисидаги қонунларда ҳамма мулк шакллари доирасидаги тадбиркорликка руҳсат этилади, тадбиркорликнинг мақсади, турлари ва қоидалари аниқ кўрсатилади, Ислохотлар туркумида рақобатни жорий этиб, антимонопол тадбирларни ўтказиш алоҳида ўрин тутати. Мулккий эркинлик, ишбилармонлик эркинлигини таъминлаш учун монополияни қонун йўли билан чеклаш ва ҳатто тақиқлаш, рақобатга йўл очиб, унинг қонун-қоидаларини аниқ белгилаб қўйиш зарур бўлади. Акс ҳолда эркин бозор муносабати пайдо бўлмайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишни таъминловчи

бир қатор қонунлар мажмуаси қабул қилинган. Улар жумласига мулк, тадбиркорлик, корхона, ер, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, солиқлар, ташқи иқтисодий фаолият, чет эл инвестициялари, аудиторлик фаолияти, фермер хўжалиги, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунлар киради. Улар асосида ислохотлар ўтказилади.

Иқтисотнинг яхлитлигидан келиб чиққан ҳолда аграр ислохотлар ҳам ўтказилади. Чунки қишлоқ хўжалигини ўнгламай туриб, иқтисодий ўсишга эришилмайди. Бу ислохотлар мазмунан ерга мулкчилик қилиш ва ерни ишлатиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни бозор шароитига мослаштиришни ёки бозор тизимига хос аграр муносабатларни юзага келтиришни билдиради. Шу ўринда ер ҳақида, қишлоқдаги тадбиркорлик ҳақида, фермер хўжаликлари ҳақида қонунлар қабул қилинадик, улар аграр тизимни бошқаришга хизмат қилади. Аммо ислохотлар ерга ҳар хил мулкчиликни жорий этиш, эркин деҳқон хўжалигини ривожлантириш борасида турли мамлакатларнинг шароитини ҳисобга олади. Кўпчилик мамлакатларда ер ишлаб чиқаришнинг омили сифатида хусусий мулкка айлантирилади, ер товар сифатида эркин олдисотди қилинади. Аммо ерга бўлган бошқа мулк, хусусан давлат мулки ҳам сақланади.

Айрим мамлакатларда ерга дарҳол хусусий мулк жорий этилмагани ҳолда, ерда хусусий хўжалик юритишга рухсат этилади. Ер танқис бўлмаган давлатларда ерга хусусий мулкчиликка рухсат берилади. Ер, унинг унумдорлигига қараб маълум миқдорда, деҳқонларга мулк қилиб берилади. Шундай ислохот Россия, Украина ва Туркменистон каби давлатларда ўтказилган. Бир қатор мамлакатларда ерга хусусий мулкни янгидан киритиш эмас, балки шу мулкни кенгайтириб мустаҳкамлаш зарур бўлган. Масалан, Польшада ерга хусусий мулк мавжуд бўлганидан ислохот уни кучайтиришга қаратилади.

Ўзбекистондаги бозор ислохоти даставвал аграр ислохот шаклида бошланди, чунки жумҳуриятда, биринчидан, иқтисодиёт аграр мазмунда, аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида банд, иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан деҳқончиликнинг аҳволига боғлиқ; иккинчидан, мустақиллик шароитида қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат муаммосини ҳал этишдаги роли ортиб боради. Аграр соҳанинг устиворлиги ислохотни шу ердан бошлашни талаб қилади. Республикамизда аввал ерга давлат мулки сақланган ҳолда ерни экиш учун деҳқонларга бериш бошланди. Аммо

бу ерга хусусий мулкни инкор этиш эмас. Ер ҳам ҳар қандай бойлик сингари хусусий мулк бўлиши мумкин, лекин бунга аҳтиётлик билан борилади. Ер этишмаган шароитда уни бирдан хусусий мулкка айлантириш деҳқонларнинг бир қисmini ерсиз қилади, тирикчилик манбаидан маҳрум этади. Ер ҳам ресурс сифатида ҳар хил мулк объекти бўлиши керак.

Ўзбекистондаги аграр ислоҳотлар асосан 3 йўналишда ўтказилади: 1) деҳқонларга индивидуал хўжалик юритиш учун қўшимча ер бериш, бу ерда ёрдамчи томорқа хўжалиги ташкил бўладиги, у бозордаги талабга қараб маҳсулот етказиб туради; 2) қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш, давлат ва жамоа хўжалиги ҳисобидан фермер хўжалиқларини ташкил этиш. Бунда ерни ва бошқа воситаларни ижарага олиб ишлатувчи яқка деҳқон хўжалиги пайдо бўлади. Ўзини оқламаган жамоа ва давлат хўжалиқлари фермерлар уюшмасига айлантирилади; 3) сақланиб қолган давлат ва жамоа хўжалиқларини вайрон этмасдан, уларни бозор муносабатларига фаол тортиш оқали ривожлантириш, яъни уларга кўпроқ иқтисодий эркинлик бериш, давлат буюртмаси ва харид нархларини сақлаган ҳолда хўжалиқларга ўз маҳсулотининг бир қисmini келишилган, яъни ўзлари учун маъқул нархлар билан сотишга руҳсат бериш. Ўзбекистонда аграр ислоҳотни бошқа ердагидан фарқлашнинг республиканинг хусусиятларини ҳисобга олишдан келиб чиқади.

Бозор иқтисодиётининг муҳим белгиси иқтисодий эркинлик бўлар экан, буни нархлар эркинлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Нархларнинг эркин шаклланиши учун нархлар тизимини ҳам ислоҳ этиш зарур бўлади, айниқса, бу тоталитар тизимдан бозор муносабатларига ўтишда муҳим ўрнни тутати.

Давлат юқоридан туриб қатъий белгилаган нархлар ўрнини эркин ташкил топадиган нархлар секин-асета эгаллайди. Дастлаб давлат нархларининг амал қилиш доираси қисқартирилади ва шу ҳисобдан харидор ва сотувчи розилиги билан белгиланган, яъни битим билан келишилган нархлар жорий бўлади. Нарх белгилашда ишлаб чиқарувчи-сотувчининг маъқул чекланиб, шу ҳисобидан харидор маъқул мустаҳкамланади, натижада харидор ҳам ўз измини ўткази бошлайди. Ислоҳотлар эркин бозор нархига бирдан ўтишни кўзламайди, аксинча мулкий эркинлик ва рақобат ўз ўрнини топишига қараб, унга собит-қадамлик билан ўтилади.

Бозор иқтисодиёти амал қилиши учун унинг инфрас-

структураси ишлаб туриши керак. Бозор инфраструктура-си бозор алоқаларини ўрнаттишга ва самарали юритишга хизмат қилувчи корхона, ташкилот ва муассасалар мажмуидир. Бозор ислохотлари бозор инфраструктурасини яратиш чора-тадбирларини ҳам қамрайди. Бу инфраструктура беш бўғиндан иборат: 1) ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфраструктура (транспорт, алоқа, оғир хўжалиги, йўл хўжалиги, сув ва энергетика таъминоти кабилар). Улар бозор иқтисодиётидан олдин ҳам мавжуд бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида уларни коммерциализациядан, яъни тижоратчилик йўлига ўтказишга тўғри келади, яъни улар яхши ишлаб пул топиш ва ўз-ўзини молиялаштириш йўлига ўтказилади; 2) товарлар ва хизматлар муомаласига, яъни савдо-сотиқ ишларига хизмат қилувчи инфраструктура (биржалар, савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилик идоралари, реклама фирмалари ва агентликлари, давлатнинг савдо-сотиқ ва уларни назорат этувчи муассасалари). Тоталитар тизим шароитида, мазкур инфраструктуранинг кўпчилиги унсурлари бўлмайдди, шу билан улар ислохот йўли билан яратилади; 3) молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфраструктура (тижорат банклари, ўз-ўзини кредитлаш идоралари, суғурга компаниялари, молия компаниялари, солиқ ундириш маҳкамалари, ҳар хил пул фондлари). Улар ҳам ислохотлар жараёнида яратилади; 4) аҳолига хизмат қилувчи ёки социал инфраструктура (уй-жой, коммунал ва транспорт хизмати, маориф, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари ва идоралари). Уларнинг аксарияти бозор иқтисодиётидан олдин ҳам мавжуд бўлади, лекин уларни ислох этиб, бозор шароитида пулли хизмат кўрсатиш, тижорат йўлига ўтказишга тўғри келади. Меҳнат биржалари, ишга жойлаштириш фирмалари эса янгидан яратилади; 5) ахборот хизмати (иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ҳар хил ахборотлар — маълумотлар ва хабарларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи турли компаниялар, фирмалар, маслаҳат идоралари, давлат муассасалари). Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг ахборот ташкилотлари бўладик, улар фақат давлатга хизмат қилганидан, уларни ҳам бозор учун ишлашга мослаштириш керак бўлади. Бу соҳада, айниқса, иқтисодий ахборот тadbirkorлик учун сувдай зарур бўлади, унга қараб ўз ишини режалаштириш, пулни қаерга, нима учун сарфлаш, қанча товар ишлаб чиқариш, қандай нарх қўйиш каби иқтисодий хатти-ҳаракатлар

амалга оширилади. Шу сабабли пулли ахборот хизмати шахобчаларини яратиш бозор иқтисодиётига ўтиш шарт ҳисобланади.

Инфраструктура тизимида молия-кредит хизмати алоҳида ўрин тутади, чунки бозор иқтисодиёти пулга асосланган. Шу боисдан молия-кредит соҳасини ислоҳ эътиборга катта эътибор берилади. Ислоҳотлар натижасида молия-кредит алоқалари бозор йўлига туширилади, янги солиқлар тизими ташкил этилиб, тадбиркорларнинг давлат билан бўлган алоқалари солиқлар орқали уюштирилади, янги бож тўловлари жорий этилиб, миллий иқтисодиётни муҳофаза этишга қаратилади. Ислоҳотларда микромолияга, яъни корхона, фирма ва ҳар хил ташкилотлар молиясига бирламчи ўрин берилади, уларнинг молиявий алоқалари эркин олиб борилишига шароит ҳозирланади, ҳар хил молия ва инвестиция, суғурта компаниялари ва пул фондлари ташкил этиш таъминланади.

Банк тизими ислоҳ этилиб, айрим банклар монополияси тугатилади, рақобатлашувчи тижорат банклари очилади, зарур бўлганда инфляциядан қутулиш учун пул ислоҳоти ўтказилади. Валюта муносабатлари, қимматбаҳо қоғозлар билан ишлаш, акция ва облигация чиқариш тартиби қонунлар билан белгилаб қўйилади.

Ислоҳотлар валюта аукционлари, инвестиция компаниялари, фонд (қимматбаҳо қоғозлар) биржалари очилишни кўзлайди. Улар молия бозори, унинг асоси бўлмиш капитал бозорини шакллантиради, унинг амал қилиш тартиб-қоидалари ўрнатилади. Ислоҳотлар ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам тегишли бўлади, уларни ҳам бозор муносабатлари изига кўчиришни таъминлайди.

Хуллас, ислоҳотлар мавжуд иқтисодий тизимни изчиллик билан бозор тизимига ўсиб ўтишига қаратилади. Ислоҳотларни ўтказмай туриб бирон мамлакатда бозор иқтисодиёти юзага келмаганлиги аён. Бундай қоидадан Ўзбекистон ҳам мустасно эмас, албатта. Бу ердаги бозор ислоҳотлари янги иқтисодга ўтишнинг турли моделлари мавжудлигини, лекин уларни қўллаш ёки қўлламаслик мамлакатнинг миллий шартига қараб бўлишини ҳисобга олади. Улар жумҳуриятимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишда ўз йўли борлигини, бу йўл мавжуд моделларнинг ижобий томонларини миллий шароитга ижодий тарзда қўллашни, бозор иқтисодиёти умумий принциплари маҳаллий шароитда ҳар хил амал қилишини эътиборга олади.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Бозор иқтисодиётининг қандай белгилари бор?
2. Бозор иқтисодиёти ва аралаш иқтисодиёт деган тушунчаларни фарқлантириш мумкинми?
3. Бозор иқтисодиёти шароитида нобозор муносабатлар бўлиши мумкинми?
4. Бозор иқтисодиётининг афзаллиги нимада?
5. Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурати нимадан келиб чиқади?
6. Ёввойи ва цивилизациялашган (маданийлашган) бозор иқтисодиётининг фарқи нимада?
7. Бозор иқтисодиётига ўтиш моделларини фарқи нимадан иборат?
8. Бозор иқтисодиётига нима сабабдан секин-аста эволюцион йўл билан ўтиш керак?
9. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг қандай босқичлари бор?
10. Бозор ислохотлари нима ва қандай жиҳатларга эга?
11. Бозор ислохотларининг турли мамлакатлардаги хусусиятлари қандай бўлиши мумкин?
12. Бозор инфраструктураси қайси унсурлари янгидан ярагилади, қайси унсурлар азалдан бўлиб бозорга мослаштирилади?

ХІ БОБ

БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИДА ФИРМА (КОРХОНА) ФАОЛИЯТИ

1. Бизнес, тадбиркорликнинг моҳияти

Бозор иқтисодиёти бизнесга асосланган иқтисодиётдир. Бизнес бирор фаолият (иш) юзасидан бўлган муносабат, аниқроғи ишбилармонларнинг иқтисодий муносабаtidир. Бизнес билан шуғуullanувчиларни ишбилармонлар ёки бизнесменлар деб юритадилар (инглизча business — иш, тап — одам).

Бизнес муносабат сифатида бир қатор белгиларга эга: бизнесчилар ўз манфаатига эга, фойда олишга интиладилар, хатарли ишга қўл уришга тайёр, ташаббускор, ишнинг сиру асрорларини биладиган, ўзаро иқтисодий алоқалар маданиятини эгаллаган бўладилар, уларнинг ало-

қалари ҳамма иштирокчилар учун наф келтиради. Бизнес — бу рухсат этилган, жамият аъзоларига наф келтирувчи фаолият билан шуғулланиб, пул, даромад топишни билдиради. **Бизнес кенг маънодаги қонуний йўл билан даромад топишга қаратилган фаолиятдир.** Маданийлашган бозор иқтисодиёти пул топишнинг ғайри қонуний усулларини тан олмайди. Шу боисдан қаллоблик, товламачилик, порахўрлик, ўғирлик, фоҳишалик, тиламачилик, боқинчилик, наркотик моддалар билан шуғулланиб пул топиш кабиларни ҳақиқий бизнес деб аташ мумкин эмас. Ман этилган йўллар билан даромад топишни бизнес муносабати инкор этади. Аммо ижтимоий ҳаётда ғайри қонуний йўл билан пул топиш учраб туради, лекин бу бозор муносабати қонунилари билан боғлиқ эмас, улардан чекиниш ҳисобланади. Бизнес ишбилармончилик муносабати сифатида ўз субъектлари (иштирокчилари)га эга. Улар жумласига яқка тартибда бизнес билан шуғулланувчи кишилар, тадбиркорлар жамоаси ва уюшмаси, яқка истеъмолчилар, истеъмолчилар бирлашмалари ва, ниҳоят, давлатнинг иқтисодий идоралари киради.

Бизнеснинг энг асосий унсuri тадбиркорликдир. Тадбиркорлик бизнеси — бу маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш орқали даромад топишни кўзловчи фаолиятдир. Шунга кўра у ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тижорат иши ва тижоратда воситачилик қилишни ўз ичига олади.

Бизнесга бозор орқали талаб-эҳтиёжни қондирувчи фаолият ҳам қиради. Истеъмолчилар (харидорлар)нинг бизнесда иштирок этишдан манфаати товар ва хизматларни сотиб олишларидир. Тадбиркорлик бизнесидан фарқлироқ истеъмолчи бизнесида ҳамма фуқаролар қатнашади, уларнинг талаб-эҳтиёжларини бозор орқали қондириш зарурати фаол тадбиркорликни талаб қилади. Тадбиркорларнинг ўзлари, биринчидан, инсон сифатида ҳаёт кечириш учун истеъмолчи бизнесига киришадилар, иккинчидан, улар ишлаб чиқарувчи сифатида ресурсларни харид этиб ишлатадилар, ўз товарини сотадилар. Тадбиркорлик бизнеснинг бир қисми, у товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш йўли билан даромад топишдир. Бизнесга тадбиркорликдан ташқари бешка йўл билан, масалан, пул ёки қимматбаҳо буюмларни банкка қўйиб, даромад топиш ёки ерни ижарага бериб пул топиш кабилар ҳам киради, лекин бу фаолият соҳаларида яратувчилик йўқ, яъни ҳеч бир нарсани яратмай, у бойликдан бойлик ундиришдан иборат, холос.

Бизнес муносабатининг иккита асосий талаби бор. Биринчидан, бизнес иштирокчилари суверенитетга, мустақиллик, эркинликка эга бўлишлари шарт. Аммо бу бизнес субъектларининг мустақиллиги билан чекланмайди, балки ҳар бир субъектнинг бошқа субъект, яъни ўзи алоқа қиладиган субъект манфаатлари билан ҳисоблашини, унинг ниятларини ва хатти-ҳаракатларини билиш ва тўғри тушунишни ҳам талаб қилади. Бошқаларни назар-писанд қилмаган ерда ҳақиқий бизнес бўлмайди. Субъектларнинг бизнес юзасидан бўлган муносабатлари белгиланган тартиб-қоидалар доирасида бўлади ва буни давлат назорат қилади. Иккинчидан, бизнес алоқаларидаги субъектлар манфаатларининг муроаси муносабатда бўлиши талаб қилинади. Муроа иш юзасидан бир-бири билан алоқа қилувчилар ўзаро мажбуриятларини қанда қилмай бажаришларини, хатти-ҳаракатлари ҳар икки томонга зарар келтирмаслигини уларнинг суверенитетини бузилмаслигини тақозо этади.

Бизнеснинг энг асосий жиҳати — бу тадбиркорлик-дир.

Товарлар ва товарлашган хизматларни яратиш бозор иқтисодиёти учун бирламчи бўлганидан унинг асосини тадбиркорлик ташкил этади. Тадбиркорлик иқтисодиётнинг суянган тоғи-ю, ишонган боғи, ҳаракатга келтирувчи кучи ҳисобланади. Тадбиркорлик — кишилар (мулкчилик субъектлари)нинг моддий ва пул маблағларини (капитални) амалда ҳўжалик оборотига тушириб, даромад топиш мўлжалланган иқтисодий фаолиятидир. Тадбиркорлик умуман пул топиш эмас, балки яратувчилик фаолияти орқали даромад олишни билдиради. Пул топиш ёлланиб ишлаш, ерни ижарага бериб рента олиш, пулни банкка қўйиб процент олиш орқали ҳам бўлади. Аммо улар тадбиркорликка кирмайди. Шу сабабли, тадбиркорлик иш юритмай туриб, капитал ҳисобидан текин даромад кўриб, уни паразитларча ўзлаштиришни ишкор этади. К. Маркс капитални икки қисмга: капитал-мулк ва капитал-функция (вазифа)га ажратиб, тадбиркорликни капитал-функция билан боғлаган. Унинг фикрича, тадбиркор—капитални амалда ишга солувчидир. К. Маркс капитал-функция берадиган даромадни тадбиркорлик фойдаси деб атаган. Капитал-мулк эгаси процент олади, тадбиркорлик билан шуғулланмайди.

Тадбиркорлик мавҳум нарса эмас, балки аниқ мақсадга қаратилган фаолият, шахсланган ҳолда, яъни аниқ шахслар хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Тадбиркорлик

иши билан шуғулланувчи шахслар тадбиркор ёки ишбилармон деб юритилади. «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунга кўра «Тадбиркорлик — мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида амалда қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир».¹ Тадбиркорлар синфи эркин бозор иқтисодиётига таянган демократик жамиятдаги ўртанча синфдир. Улар иқтисодий фаол гуруҳ ҳисобланади. Ўртанча синф икки қутбдагилар — бойлар ва қамбағаллар ҳисобидан ортиб боради. Бу тоифа ўртанча мавқега эга, унинг вакиллари ҳам ўз бизнесига, мулкига эга, аммо айни вақтда ўзлари ҳам ишлайдилар. Улар ўзига тўқ гуруҳ, шу сабабли жамиятда социал кескинлик чиқармайдилар, синфий кураш ва революцияга мойил бўлмайдилар. Улар ўз табиати билан гибрид, яъни чагирилган социал табақадир. Тадбиркорлар синфи турли тоифадаги ишбилармонлардан иборат бўлади.

Тоталитаризмдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида тадбиркор-ишбилармонларнинг қуйидаги гуруҳлари пайдо бўлади:

1. Майда ишлаб чиқариш билан банд бўлган ишбилармонлар; улар одатда яқка тартибда фаолият кўрсатувчилар деб юритилади.

2. Интеллектуал мулк соҳиблари ақлий-ижодий меҳнат билан шуғулланувчи кишилар.

3. Фермерлар, томорқа хўжалиги соҳиблари, дала ҳовли эгалари.

4. Жамоа ва акционерлар мулкнинг биргаликдаги эгалари.

5. Ўз корхонасига эга, ўзгаларни ёллаб ишлатувчи мулк соҳиблари.

Айтилган тоифалар тадбиркорлик фаолиятининг субъекти, улар ўзаро муносабатда бўладилар.

Тадбиркорлик мулкий муносабатлар доирасида юз беради. Мулкчилик турли-туман бўлганидан тадбиркорлик ҳам бир хил эмас. Уни хусусий фаолият билан чеклаб бўлмайди. Хусусий тадбиркорлик билан бир қаторда жамоа, индивидуал-оилавий, давлат, аралаш (қўшма) тадбиркорликлар ҳам бўлади. Тадбиркорлик турли мулк қориймасига таяниши мумкин. Масалан, акционер жамият доирасидаги тадбиркорликда, хусусан, жамоа, давлат

¹ Ўзбекистон Республикаси. Қонун ва фармонлар. Тошкент, «Ўзбекистон». 1992, 137-бет.

ва хорижий капитал қатнашиши мумкин. Тадбиркорлик ривожланган жамиятда мулк эгалари кўпайганидан мол-мулкни талон-тарож қилгандан кўра, уни авайлаш ва кўпайтириш иқтисодий жиҳатдан ҳамма учун маъқул бўлади.

Тадабиркорликнинг муҳим белгилари ёки амал қилиш принциплари қуйидагича:

1. Мулкий муносабатларнинг иштирокчиси бўлиш, ишлаб чиқариш омилларининг барчасига ёки баъзи бирига ва яратилган товарларга эгаллик қилиш.

2 Иқтисодий эркинлик, хўжалик фаолияти турини тавлаш, уни ресурслар билан таъминлаш, олди-сотди ишларини юритиш, ишлаб чиқаришни бошқаришда эркинлик.

3. Иқтисодий хатти-ҳаракатлар учун масъулиятни ўз зиммасига олиш; иш натижасига жавоб бериш, таваккал қилиб иш юрита олиш, иқтисодий хатарли ишга қўл уриш.

4. Фойда олишга интилиш; фойдага эришиш чоратадбирларини кўриш, олинган фойдани ўз билгангича ишлатиш.

5. Тижорат сирига эга бўлиш; бизнесга оид ва ўзгаларга ошкор этилмайдиган маълумотларни сир тутиш.

6. Рақобат курашида қатнашиш; бозорда амал қилувчи қондаларга риоя этган ҳолда ҳалол рақобатда қатнашиб, унинг фирром, ёввойи усулларидан воз кечиш.

7. Ҳалоллик билан иш юритиш, қаллоблик, фирромлик ва алдамчиликка мойил бўлмаслик. Обрў (имиж)га эга бўлиш, бошқаларга ишониш ва бошқалар ишончини қозониб шаън-эътибор ортириш, фирма номини эъзозлаб, унга путур етказмаслик, фирмани обрўсизлантирмаслик.

Тадабиркорлик деганда унинг ўтмишдаги қўпол ёввойи шакллари эмас, балки замонавий турлари, яъни маданийлашган шакллари ҳақида гап кетади. Ҳозирги замон тадабиркори энг аввал бозорни талабгир товарга тўйдираладиган товар ишлаб чиқарувчидир. У янгиликни жорий эта оладиган, ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланиб, иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, ўзининг ва ўз жамиятининг бойлигини ошира оладиган, кишиларнинг фаровонлигига ҳисса қўша оладиган бўлиши зарур.

Тадабиркорликнинг ижодий фаолиятга айланишини таъминлайдиган сабаблар ҳам бор: иқтисодий келажак ва тақдирнинг тадабиркорнинг ўз қўлида бўлиши, ишбилармонлик фаолияти шахсий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиши, ўз иши услубини фаол ишбилармонлик тарзига сингдириш, қисқа вақт ичида фаровонлигини ўз меҳ-

нати билан таъминлай олиш, ишбилармонлиги билан эл назарига тушин, обрў-эътиборли, яъни имишга эга бўлиш. Булар маданийлашган тадбиркорликка хос иқтисодий муносабатларни билдиради. Тадбиркорлик фаоллашмаса, иқтисодий ўсин юз бэрмайди. Тадбиркорлик фаолияти одатда, муомала соҳасидан, савдо-сотикдан бошлаб, дастлаб шу ерда ривож топади. Шу сабабли савдо капитали саноат капиталидан, яъни ишлаб чиқаришга солинадиган капиталдан олдин, савдогарлар эса саноат капиталистларидан олдин пайдо бўлган. Масалан, машҳур тошкентлик Саидазимбой савдогар бўлиб, ўз ишини Қўқон хонлиги даврида бошлаган, андижонлик Миркомилбой саноатчи бой бўлиб, ўз ишини XX асрнинг бошида мустамлакачилик даврида бошлаган. Савдо-сотик соҳасидаги тадбиркорликнинг биринчи бўлиб бошланишига асосланиб, ўтмишдаги назарийетчилар, хусусан, меркантилистлар қиймат, фойда муомалада яратилади, муомала иқтисодий фаолиятнинг асосий жабҳаси деб ҳисоблаб, ишлаб чиқариш фаолиятини камситиб, хато қилишган. Аслида иқтисодиётда ишлаб чиқариш етакчи бўлади. Бозор иқтисодиётига йўл очилиши билан тадбиркорлик савдо-сотикда ва айниган шаклда юзага келади ва оддий чайқовчилик тарзига киради. Савдода катта капитал талаб қилинмайди, капитал тез айланади, капиталга нисбатан олинган фойда кўп бўлади, пул тўплаб бўлгач, ёнилиб кетадиган кичик корхоналар, хусусан тижоратчилик дўконлари пайдо бўлади. Савдодан тошилган капитал бу соҳада абадий қолиб кетмайди, балки у ишлаб чиқаришга ўтади, чунки товар ишлаб чиқариш кўнаймаса, тижорат ривож топмайди. Бозор иқтисодиёти учун мана шу ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорлик бирламчи аҳамиятга эга.

Савдо-сотикдаги тадбиркорликдан фарқ қилган ҳолда ишлаб чиқаришдаги тадбиркорлик нисбатан йирик капитал, узок вақт, катта тажриба, кенг ва чуқур билимлар, бошқариш маҳорати ва малакали иш кучини талаб қилади. У серкапитал, серхатар бўлади ва, ниҳоят, катта тоқат талаб қилади. Масалан, савдода 1 млн. сўмлик оборот қилиш учун 100 минг сўм оборот капитали ва бир ой муҳлат етарли бўлса, саноатда 1 млн. сўмлик маҳсулот яратиш учун 2—3 млн. сўмлик капитал ва 3—4 ой вақт кетиши мумкин. Ишлаб чиқариш тадбиркордан нафақат иқтисодий, балки техникавий ва бошқариш билимларини талаб қилади.

Тадбиркорлик инновация фаолияти тарзига кирса, яъни техника ва технология янгиликларини жорий этиш

билан боғлиқ бўлса, иқтисодий ўсиш тезлашади. Гап шундаки, инновация фан-техника янгиликларини ишлаб чиқаришда қўллаш демакдир. Инновация туфайли меҳнат унуми ўсади, янги товарлар пайдо бўлади, бозор янада тўйинади. Аммо инновацион тадбиркорлик учун илмий-техникавий ишланмалар, яъни патент, лицензия, ноу-хау бозори эркин ва байналмилал миқёсда амал қилиши шарт, токи инновацион компаниялар бозорда керакли янгиликларни тона олсинлар. Тадбиркорлик юзага чиқиши учун жамиятда иқтисодий эркинлик бўлиши шарт, яъни чекланмаган бозор, эркин нарх-наво, кредит, инновация, экспорт-импорт эркинлиги талаб қилинади. Тадбиркорлик ривожини учун эркинлик молиявий алоқаларни ҳам қамраб олиши керак.

Тадбиркор хоҳлаган банкни танлаб иш кўради, бир неча банкда ўз ҳисоб varaғи (счёти)ни очини, ўз пул маблағларини ўз билганича ишлатиши, ўз маблағини нақд пул қилиб ёки нақд пулсиз счёtdан счёtgа кўчириб олиши мумкин. Тадбиркор қонуний фаолият билан шуғулланганда унинг молиявий ишларига ҳеч ким аралашингга ҳақли эмас. Тадбиркор бюджет билан ҳам эркин алоқада бўлади. Белгиланган солиқ суммасини бюджетга тўлайди, бюджетдан тегадиган пулни ўзи ўзлаштиради. У хоҳлаган молиявий компания ёки ташкилот фаолиятида иштирок эта олади. Тадбиркорлик учун қулай муҳит — бу ягона иқтисодий майдоннинг, жумладан, ягона пул майдонининг мавжуд бўлишидир. Иқтисодий майдонда корхона эркин иш тутиши, иқтисодий битимлар туза олиши шарт. Бу ерда товарлар, капиталлар ва иш кучи эркин ва чекланмаган ҳолда кўчиб юра олиши керак, яъни ишлаб чиқариш ресурслари ҳар томонга қараб эркин оқа олиши керак. Иқтисодий алоқалар пул ва бозор орқали амалга ошади, бартер эмас, ҳақиқий олди-сотди амал қилади. Олди-берди бўйича ҳисоб-китоблар ягона валюта билан қилиниб, у эркин муомалада юрадиган (алмаштириладиган) бўлмоғи зарур. Ягона иқтисодий майдонда тадбиркорлик учун бир хил ишлаб чиқариш инфраструктураси хизматлари кўрсатилади. Бу ерда нарх ва тарифларнинг ташкил топини қоидалари ҳам бир хил бўлади. Ягона иқтисодий майдоннинг доираси ҳар хил бўлиши мумкин. Марказий Осиёнинг ягона иқтисодий майдони Ўзбекистон, Қозғбистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонни ўз ичига олиши мумкин ва айtilган давлатлар иқтисоди интеграциялашиб, яхлит ҳолда келгач, бундай майдон шаклланади. МДХ мамлакатларининг ягона иқтисодий

майдони, Европа, Осий мамлакатлари ва ниҳоят, умумжаҳон иқтисодий майдонлари мавжуд. Тадбиркорлар ҳамма майдонга иш тутадилар. Тадбиркорлик учун ягона пул зоналари ҳам бўлиши керак. Бундай зоналарда умумий пул ҳисоб-китоб қуроли бўлади. Масалан, Европа иқтисодий иттифоқи учун Экю пул бирлиги ягона ҳисоб-китоб воситаси бўлиб хизмат қилади.

Тадбиркорлик билан миллионлаб кишилар банд бўлганидан уни ҳеч қачон бир марказдан бошқариб бўлмайди. Шуниси муҳимки, тадбиркорликни иқтисодий механизм тартибга солади. Унинг муҳим хусусияти **автономизм**, яъни ўзини-ўзи бошқариш ва муниципал-маҳаллий ҳокимият доирасида бошқаришдир. Бундай бошқариш усуллари **иқтисодий федерализм** деб юритилади. Иқтисодий федерализм шароитида халқаро, миллий ёки ҳудудий миқёсда тадбиркорликнинг у ёки бу кўриниши устивор ривожланади. Очiq иқтисодий зоналарда хорижий тадбиркорлик ва қўшма-аралаш (хорижий ва миллий капиталнинг биргаликдаги иштирокида) тадбиркорлик, ички ҳудудларда ва йирик саноат марказларида миллий саноат тадбиркорлиги, қишлоқ ерларида агротадбиркорлик, дам олиш ва туризм ҳудудларида сервис тадбиркорлиги (хизмат кўрсатиш) ривож топади. Тадбиркорликнинг мулкий шакллари ҳам ҳар хил салмоққа эга бўлади. Саноат-савдо марказларида йирик бизнес, давлат тадбиркорлиги кенг ривожланади. Майда шаҳарларда кичик бизнес, қишлоқларда фермер хўжаликлари тарқалади, майда ҳудудий бўғинларда оилавий-индивидуал ва маҳалла, жамоа тадбиркорлигига шароит қулай бўлади.

Тадбиркорлик ўз-ўзидан давлат иштирокисиз, унинг ёрдамисиз ривож топмайди. Давлат солиқлар, субсидиялар, экспорт имтиёзлари, ўзининг ахборот хизматлари орқали, шунингдек, ўз ҳисобидан бепул умумий таълим бериш орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлайди. Тадбиркорлик юридик жиҳатдан қайд этилади, унинг шарт-шароити, қонун-қоидалари, ҳақ-ҳуқуқини белгилловчи, давлат ва жамоатчилик томонидан ҳимоя қилиниши ва кафолатланишини таъминловчи қонунлар амал қилади. «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда тадбиркорларга ўз мол-мулкидан фойдаланиш эркинлиги, маҳсулотларни тақсимлаш мустақиллиги, ҳуқуқий тенглик, ихтиёрий ишга ёллаш, чекланмаган даромад олиш имкони кафолатланади. Одатда тадбиркорлар қонунлар ман этмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишга ҳақли бўлади. Тадбиркорлик фаолияти мав-

ҳум бўлмай, аниқ, очиқ-ойдин ишда, яъни турли-туман фирмалар, компаниялар ва корхоналар ишида ўз ифодасини топади.

Тадбиркорликнинг ўз ахлоқий қоидалари бор, улардан энг муҳими ҳалоллик ва ҳаромдан ҳазар қилишдир. Бу қоида ислом таълимотида қўлланиши шарт деб билинади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда «ҳалол ва покиза нафақа энглар ва солиҳ ишлар бажаринглар» деб буюрган.¹ Ҳадиси шарифлардан бирида пайғамбаримиз «ҳалол нафақа билан таъминлаш ҳар бир мусулмон учун фарзидир»² — деганлар. Ислом таълимотига кўра меҳнатсиз қўлга киритилган луқма ҳаромдир. Тадбиркорлар ҳам ўз рискунасибасини ҳалол меҳнат билан топишлари шарт, ҳалоллик — имижга эга бўлишни кафолатлайди.

2. Фирма (корхона) турлари

Бозор иқтисодиётидаги корхона, у қандай бўлишидан қатъи назар, асосий товар ишлаб чиқарувчидир. Тадбиркорлик корхонадан бошланади. Корхона нима билан шуғулланмасин, қандай мулкка оид бўлмасин, барибир бозор учун ишлайди, унга товарлар ва хизматлар етказиб беради, унинг тирикчилиги бозор билан: бозорда ҳам сотувчи, ҳам харидор сифатида қатнашади. Корхона бозорга ўз товарини чиқаради, у ерда ишлаб чиқаришга керакли ресурсларни сотиб олади. Шу сабабли корхона бозор билан мунтазам алоқада бўлади, аммо бошқалардан алоҳидалашган хўжалик юритувчи субъект сифатида майдонга чиқади. Корхонанинг маъна шу мақоми унинг иқтисодий эркин бўлиши, мустақил иш тутишини билдиради.

Корхонанинг иқтисодий эркинлигини таъминлайдиган бир қатор омиллар мавжуд:

1. Корхона меҳнат тақсимотида ўз ўрнига эга ва махсус вазифаларни бажаради, ўзи танлаган алоҳида фаолият тури билан шуғулланади.

2. Корхона мулкчиликнинг муайян объекти бўлиб, унинг қўлидаги ресурслар ва яратилган маҳсулот³ бирор мулк шаклига тааллуқлидир, яъни корхонадаги бойлик унинг эгаси томонидан мустақил тасарруф этилади.

3. Корхона жамоасининг гуруҳий-корпоратив манфаатлари борки, унинг ишчи-хизматчилари шу манфаат йўлида бирлашиб, мустақил иш билан шуғулланадилар.

¹ Собир Сайхон, «Тижорат ва бир луқма ҳалол ош», «Нур», Тошкент, 1992, 6-бет.

² Уша ерда 6-бет.

Ҳар қандай иқтисодиёт каби бозор иқтисодиёти ҳам мураккаб тизим сифатида ички таркибга эга, ундаги турли бўғинларнинг ҳар бири маълум вазифани бажаради. Корхона ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг бирламчи, асосий бўғинидир. Барча корхоналар фаолиятининг мажмуи иқтисодиётни ташкил этади. Ишлаб чиқариш омиллари корхонада биригиб, бу ерда меҳнат жараёни юз беради, жамиятнинг талаб-эҳтиёжини қондиришга қаратилган моддий маҳсулотлар ва ҳар хил хизматлар яратилади. Ижтимоий меҳнат тақсимои тизимида корхона ўз ўрнига эга, маълум соҳада ихтисослашган бўлади ва шунга кўра корхонада муайян техника технология жамланади, шунга мослашган иш кучи фаолият олиб боради, яъни маълум касбий малака ва маҳоратга эга бўлган кишилар меҳнат жараёнига киринадилар. Бозордаги турли-туман товарлар, кўрсатиладиган ҳар хил хизматлар корхонадаги меҳнатнинг маҳсули ҳисобланади. Меҳнат тақсимои айрим корхонага ёки турдош корхоналар гуруҳига фақат уларга хос, яъни бошқалар бажармайдиган иш-вазифаларни бириктириб қўяди. Корхона муайян ишлаб чиқаришга ихтисослашар экан, жамиятдаги меҳнат кооперациясида иш-тирок этади. Гап шундаки, корхонадаги индивидуал меҳнат жамиятдаги меҳнатнинг ажралмас қисми сифатида юзага чиқади. Шу сабабдан корхонадаги ишлаб чиқариш ўмумжамият доирасидаги ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмидир. Бас шундай экан, корхона меҳнат кооперацияси орқали бошқалар билан боғланади, уларга хизмат қилиб қолмасдан, улар хизматида ҳам баҳраманд бўлади. Бошқалар билан-иқтисодий алоқа қилмайдиган корхона бўлмайди, чунки меҳнат тақсимоитининг ўзи шунини талаб қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ўз қобилига ўралган, ўзини ўзи таъминловчи — хўжалик автаркиясига асосланган корхона бўлмайди. Бундай корхона бозор иқтисодиётига қадар мавжуд бўлган.

Бозор иқтисодиёти меҳнат тақсимои тўғайли юзага келган бўлса-да, унинг ўзи фан-техника тараққиётини жадаллаштириб, бу жараённинг янада чуқурлашувини таъминлайди. Корхоналар ўта тор соҳада ихтисослашадилар, улар маҳсулотнинг айрим қисмларинигина яратадилар. Тугалланган тайёр маҳсулот, унинг мураккаблигига қараб юзлаб ва ҳатто минглаб бир ёки бир неча мамлакатлардаги корхоналар фаолияти маҳсулига айланади. Масалан, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси самолёт чиқариши учун МДХ мамлакатларидаги 1200 корхонадан турли деталлар, қисмлар, материаллар ва ашёлар

олади. Бир корхонадаги меҳнат ҳатто байналмилал миқ-
ёсдаги меҳнат билан унинг таркибий қисми сифатида
боғланади.

Корхоналар фаолият соҳаси ва ихтисослашувига қараб
саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, қишлоқ хўжалиги,
савдо-тижорат, маиший кизмат, маданий хизмат, даволанш,
ўқитиш ва бошқа корхоналарга бўлинади.

Бозор тизимида корхона — эркин қуш ҳисобланади.
Мулк эгаси бўлиш эркинлик гаровидир. Корхоналар мулк-
кий муносабатлар доирасига тортилган бўлади. Тотали-
тар-режали иқтисодиёт шароитида корхоналар давлат-
лаштирилиб, уларнинг асосий қисми давлат ихтиёрида
бўлади. Ҳатто жамса мулкки ҳам амалда давлатлаштири-
лади. Аксинча, бозор иқтисодиётида мулк эркинлиги
бўлганидан турли мулкка қарашли корхоналар мавжуд
бўлади. Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиёт, шу сабабли
корхоналар фаолиятини сунъий равишда давлат йўли
билан чеклашларга ўрин бўлмайди, улар бозорга қараб
ишлайдилар.

Корхона хўжалик юртувчи субъект сифатида иқтисо-
дий мустақилликка эга. Нимани, қанча, қандай усуллар
билан ишлаб чиқариш, уни кимга, қерда, қанчага сотиш-
ни, тушган пулни қайси мақсад йўлида ишлагани — бу
масалаларни корхонанинг ўзи ҳал қилади. Айтилган
муаммоларни ечишда корхона бозорга қараб иш тутади.
У бозордаги ресурслар нархи, ўзининг товарлари нархи,
қилган харажатлари-ю, оладиган фойдаси миқдорига қара-
б ишлайди. Нарх-наво ва харажатлар миқдори корхона-
га эл қатори фойда олиш имконини бергандагина у фаол
ишлайди. Бозордаги рақобат корхонани иқтисодий шаро-
итга тез мослашиб, доимо маневр қилишга — товарларни
янгилаш, сифатини ошириш, ишлаб чиқариш харажатла-
рини камайтириш, инвестиция ва инновация билан шуғул-
ланиш, фаол реғлама сиёсатини олиб бориш кабиларга
ундайди.

Тоталитар-режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига
ўтиш даврида корхонанинг эркинлиги чекланган бўлади.
Корхоналар, гарчи давлатники бўлмаса-да, давлат назора-
ти остида турадилар. Улар фаолият турини танлашда
эркин бўлмайдилар, балки давлат белгиллаган фаолият
билан машғул бўладилар. Лекин, улар аста-секин бозор
алоқаларига киришадилар. Корхонада ишлаб чиқариш
икки ёқлама тус олади: биринчидан, корхона давлат бу-
юртмаси-топшириги билан ишлайди, иккинчидан, буюртма
ҳажми қисқартирилиб, маҳсулотнинг бир қисми бозорда

Ўз билганича сотиш учун яратилади. Бу ҳолда корхонанинг ҳам давлат бозори, ҳам эркин бозорга ишлаши мавжуд. Ўзбекистонда, масалан, 1993 йил режадаги пахтанинг 80% давлат буюртмасига кўра сотилди, 20% режадаги пахта ҳамда режадан ортиқча пахтанинг ҳаммаси эркин бозорга чиқарилди.

Ўтиш даврида эркинлик даражасига қараб уч тоифа корхона пайдо бўлади: давлат буюртмаси сақланган корхона; ҳам буюртма ва ҳам бозорга ишловчи корхона; фақат бозорга ишловчи корхона. Корхонанинг учинчи тури ҳақиқий мустақил ҳисобланади. Эркин иқтисодиётда корхона ресурслари бозор талабига биноан тақсимланади, аммо мустақил ҳаракат қилади.

Корхоналарнинг мулкӣ мақоми ва хўжалик юритиш услуби ҳар хил бўлади. Бу ерда турли фирмалар-корхоналар иш юритадилар. Уларнинг асосий турлари қуйидагича: хусусий фирмалар, масъулияти чекланган жамоа (жамият) фирмалар, масъулияти чекланмаган фирмалар, яъни ширкатлар, давлат корхоналари — фирмалари, аралаш корхоналар, корхоналар бирлашмаси (консорциум ва концерн), фирмалар шохобчаси (бўлинмаси) ва ваколатхонаси. Фирмалар иш кўламига қараб кичик бизнес, ўрта бизнес ва йирик бизнесга ажратилади. Бунинг учун мезон қилиб фирмада ишловчилар сони ёки фирманинг ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ ҳажми қабул қилинган. АҚШда ишловчилар сони неча кишидан ошмаслигига қараб корхоналар 5 тоифага бўлинади: 1) ўта кичик корхона (10 киши); 2) жуда кичик корхона (20 киши); 3) кичик корхона (99 киши); 4) ўрта корхона (500 киши); 5) йирик корхона (500 кишидан зиёд).

Хусусий фирма — айрим шахсларга ёки оилаларга қарашли корхона бўлиб, индивидуал хусусий мулк ҳисобланади. Бундай корхоналар асосан қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес доирасида кенг иш юритадилар. Йирик ва ўртача ишлаб чиқаришда ҳозир улар камдан-кам учрайдилар. Аммо ўтмишда, масалан, XIX асрда, улар корхоналарнинг асосий тури ҳисобланган.

Масъулияти чекланмаган фирма — одатда жамоа мулки бўлган корхона. Унинг мол-мулкига шерикчилик йўли билан эгалик қилинади. Унинг фаолияти учун барча эгалари жавобгар бўлади. Ҳозир кичик бизнес соҳасида кенг тарқалган.

Масъулияти чекланган фирма — жамоа корхонаси, лекин мол-мулки уни таъсис этувчиларнинг пай (ҳисса) маблағи асосида шаклланади. Ўз фаолияти учун жавоб-

гарлиги йиғилган пайлар доираси билан чекланади. Даромад Устав капиталидаги ҳисса — пайга қараб тақсимланади, пай эгалари бу пайни сотиш-сотиб олиш йўли билан ўзгарини мумкин. Мазкур турдаги корхоналарнинг алоҳида шакллари борки, уларга аралаш фирмалар, акционер жамиятлар киради. Аралаш фирмалар **командит фирмалари** деб ҳам юритилади. Булар аҳоли қўлидаги кичик пул жамғармаларини йирик ишга жалб қилишга қаратилади. Уларнинг капитали пай тўплаш йўли билан ташкил топади. Ширкатга пул қўйганлар **командат** деб аталади.

Мажбурияти чекланган фирмаларнинг энг кенг тарқалган шакли акционер жамиятлар ёки корпорациялардир. Бу акциядорларнинг уюشمаси бўлиб, унинг аъзолари бизнес иши йўлида жамиятга бирлашадилар. Жамиятга қўйилган капиталга қараб махсус қимматбаҳо қоғоз — акция чиқарадилар. Акцияни сотиб олганлар ҳиссадорларга айланади ва фойдадан ўз ҳиссаси — дивиденд олишга ҳақли бўлади. Акционер жамиятларнинг ёпиқ ва очиқ турлари бўлади. Ёпиқ жамият акциялари фақат маълум гуруҳ кишилари, масалан, корхона ишчи-хизматчилари ўртасида тарқатилади.

Очиқ жамият пайдо бўлганда унинг акцияси барча хоҳловчиларга сотилади.

Давлат корхоналари — давлат мулки бўлган ва унинг назорати остида ишловчи корхоналар. Бозор иқтисодиётида давлат тадбиркорлиги мавжуд бўлганидан давлат корхоналари ҳам мавжуддир. Бу корхоналар марказий ва маҳаллий ҳокимиятга қарашли бўлади. Улар биргаликда ишлаб чиқаришдаги давлат секторини ташкил этадилар ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим ва маъсулиятли вазибаларини бажаради (мудофаа, алоқа, транспорт ва бошқалар).

Аралаш фирмалар — турли мулк шаклига тааллуқли фирмалар улар хусусий, давлат ва жамоа мулкининг аралаш маблағларига таянади. Шундай фирмалар қаторидан қўшма фирмалар (корхоналар) ҳам ўрин олади. Аралаш фирмалар миллий ва хорижий капиталга таянган корхоналардир. Улар капитали ҳиссадорлик қондасига биноан ташкил топади, фойдаси шунга қараб тақсимланади.

Консорциум корхоналарнинг вақтинча ташкил этилган бирланмаси бўлиб, унинг иштирокчилари ўз мустақиллигини сақлаб қолади, ammo муайян мақсад йўлида бирлашадилар. Одатда консорциум молиявий ишлар юзасидан тузилиб, унга давлат, банклар, молия-инвестиция кампаниялари, йирик фирмалар, ҳар хил пул фонди таш-

килотлари уюшади. У қатта пул талаб қиладиган ишларни бажаради.

Концерн корхоналарнинг шундай бирлашмасики, у ишлаб чиқариш, инвестиция, молия, техника ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида биргаликда иш юритишни кўзлайди. Концерн бир тармоқ доирасида ёки тармоқлар-аро (конгломерат) бирлашмалар шаклида бўлади.

Фирмалар шохобчаси (филиали) йирик фирмаларнинг таркибий қисми бўлиб, турли жойларда иш юритади. Маъмур корхона мустақил бўлмайди, бош фирманинг бир қисми ҳисобланади. Иш кўлами ҳудудий жиҳатдан кенгайган шароитда фирма бўлинималари ташкил этилади. Айниқса, бу халқаро фирмаларга хос бўлиб, улар турли мамлакатларда ўз бўлинималарини очдилар.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётганда юқорида айтилган корхоналар приватизация асосида ташкил топади. Аммо улардан ташқари тоталитар тизимга хос корхоналар — давлат корхонаси, жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги, томорқа хўжалиги кабилар сақланади, бироқ улар ҳам бозор муносабатига тортилади.

Корхоналар қайси турга мансуб бўлмасинлар, мустақил иқтисодий субъект ҳисобланади, лекин улар бозор орқали бир-бири билан доимий алоқада бўлади.

Мулкий мақомидан қатъи назар корхонанинг корпоратив-гуруҳий манфаати мавжуд.

Корхона, мулк шаклидан мустасно ҳолда, ишлаб чиқарувчилар жамоаси, уюшмасини ташкил этади. Бу жамоа аъзоларини бирлаштирувчи куч уларнинг иқтисодий манфаати бўлиб, манфаат фақат корхона доирасидагина, корхона нормал ишлагандагина юзага чиқади. Корхона жамоаси уч тоифа кишилардан ташкил топади — корхона эгалари, менежерлар (бошқарувчилар), ёлланиб ишловчилар. Улар турлича мулкий мавқега эга. Корхона эгалари мулкдорлар, корхонадаги моддий ресурслар, яратилган товарлар ва пул маблағлари уларга тегишли. Аммо корхона мақомига қараб, мулкдорлар таркиби турлича бўлади. Уларга корхона эгаси, тадбиркорлардан ташқари уларнинг шериклари бўлмиш менежерлар, оддий ишчи-хизматчилар ҳам қиради. Улар корхона ишида нафақат капиталли-маблағи, балки меҳнати ва тадбиркорлик истеъдоди, бошқариш маҳорати билан қатнашадилар. Корхона ишида капиталдан ташқари меҳнат ҳам қатнашар экан, олинган фойда ҳам эгасига, ҳам меҳнат аҳлига тегишни керак. Оддий ишчи-хизматчилар фойдада иштирок этадилар, аммо улар ёлланган ходимлар сифатида иш ҳақи ола-

дилар. Алоҳида олиб қараганда капитал эгаси, иш кучи эгаси, тадбиркорлик қобилияти эгаси манфаатлари индивидуал-хусусийдир. Аммо улар ўзаро бирлашиб, жамоанинг умумий корпоратив манфаатига айланмай туриб амалга ошмайди.

Иш ҳақи, фойда корхона фаолиятининг натижасига боғлиқ. Корхона ресурслари алоҳида мулк бўлиб, улар қўшилиб амал қилганидан корпоратив манфаат пайдо бўлди. Бу корпоратив манфаатнинг омили корхонага тегадиган даромад ҳисобланади. Корхона яхши ишласа, фойда ошади, юқори иш ҳақи берилади. Агар у ёмон ишласа, зарар кўрилади, иш ҳақи ҳам пасайиб кетади. Ҳатто корхона ёпилиб, унинг ходимлари ишсиз қолиши турган гап.

Шубҳасиз, фойданинг солиқ ёки бошқа тўлов шаклида чегириб олинган ва бошқаларга теккән қисми корхонанинг эмас, балки бошқаларнинг манфаатини ифодалайди. Корпоратив манфаат корхонанинг мақсадига айланиб, уни яхши натижага эришишига ундайди. У юзага чиққан корхоналарда социал ҳамжиҳатлик бўлиб, ҳамма масъулиятни сезади, ўз ишини сифатли бажаради, умумий ишга жавоб беради. Маъна шундай корхоналарда «фирма меники» деган ҳиссиёт пайдо бўлади. Бу ерда меҳнат интизомини бузиш, фирма мулкани ўғирлаш, фирма обрўсини тўкиш ходимларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Чунки ҳар бир киши ўз мулкидан, бу капиталми ёки иш кучими, барибир баҳраманд бўлади.

3. Фирма фаолияти. Харажатлар ва фойда.

Фирма (корхона) товар ишлаб чиқарувчи сифатида ишни ўз пулига ресурслар сотиб олишдан бошлайди, чунки уларсиз ишлаб чиқариш юз бермайди. Корхонадаги пул капитали билан реал капитал фарқланади. Пул капитали — бу ресурслар олиш учун ажратилган маблағ. Реал капитал — бу ишлаб чиқаришда товарлар ва хизматлар яратишда амалий қатнашадиган ва аниқ моддий шаклдаги воситалардир. «Реал капитал — асбоблар, машиналар ва бошқа ишлаб чиқариш ускуналари — бу иқтисодий ресурс. Пул ва молиявий капитал ҳали шундай ресурс эмас.

Корхона қўлидаги моддий ресурс пул билан ҳисобланганда «ишлаб чиқариш фондлари» деб ҳам юритилади. Ресурслар бозорда харид этилиб, ишлаб чиқаришга кириб келади. Бу ерда ресурслар ишлатилиб, товар ва

хизматлар яратилиб бозорга чиқарилади. Уларни сотишдан тушган пулга яна ресурслар олиниб, доиравий ҳаракат қайтадан бошланади. Корхонадаги ресурслар қийматининг ҳаракати капитал доиравий обороти шаклида юз беради.

Бу ҳаракат бозордан бошланиб, ишлаб чиқаришда давом этади ва, ниҳоят, бозор билан тугалланади. Шундай доирасимон ҳаракатнинг тўхтовсиз давом этиши капитал обороти деб ном олган. Доиравий ҳаракатда ишлаб чиқариш асосий босқичдир, чунки бу ерда товарлар яратилиши билан қийматнинг ўсиши юз беради, ишлатилган ресурсларнинг бозор қийматидан кўпроқ қиймат ҳосил бўлади. Қийматнинг ортиқча қисми фойда шаклига киради. Корхона ишлатган ресурслар 1 млн. доллар бўлса, яратилган товарлар қиймати 1,2 млн доллар бўлади. Товарлар яхши сотилса, корхонага 1,3 млн доллар пул тушади, товарлар яхши ўтмаса 1,1 млн. доллар пул тегади. Бу мисолда фойда 300 минг (1,3 млн. — 1,0 млн. = 0,3 млн.) доллар ёки 100 минг доллар (1,1 млн. — 1,0 млн. = 0,1 млн.) ни ташкил этади. Корхона ўз маблағини ишга солиб бозорни товарлар ва хизматлар билан таъминлаган ва фойда кўргандагина унинг корпоратив манфаати юзага чиқади.

Ўз манфаати — мақсадига етиш учун фирма имконият борича кўп фойда берувчи, яъни фойдани максималлаштирувчи иш билан шуғулланиши керак бўлади. Фирма учун камроқ ресурс (капитал) сарфлаган ҳолда, кўпроқ фойда олиш ўта муҳимдир. Кам ресурс ёки ишлаб чиқариш омилларини киритиб иш юритиш харажатларни минималлаштиришни билдиради. Фирманинг иқтисодий ресурслар учун қилган сарфи ишлаб чиқариш харажатлари деб юритилади.

Корхонанинг корпоратив манфаати кўпроқ фойда олишдан иборат бўлар экан, унинг шарти, товарни яратиш, уларни юқори нарх билан сотиш бўлса, иккинчидан, харажатларни пасайтиришдир. Харажатсиз ҳеч бир иқтисодий фаолият юз бэрмайди. Сарф-харажат фойда олишнинг шарти, чунки бусиз ишлаб чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Аммо нарх-наво ўзгармаса, фойда харажатларга нисбатан тескари мутаносибликда ўзгаради. Агар харажатлар ўзгармай қолса, фойда нархга нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгаради. Корхонанинг харажатлари — товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган сарфлар, яъни иқтисодий ресурсларни топиш, харид этиш ва улардан самарали фойдаланиш сарфларидир. Харажатлар табиатан моддийлашган ва жонли меҳнат

сарфини билдиради, улар товарлар корхонага қанчага тушганлигини кўрсатади.

Харажатлар икки нарсага боғлиқ:

1. Ресурсларнинг харид этиш нархиға; нарх эса бу ресурслар учун сарфланган, ammo бозор тан олган меҳнатни билдиради.

2. Ресурсларни тежаб, нес-нобуд қилмай ишлатилишига, яъни кам ресурс сарфлаб, кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот олишга.

Харажатлар моддий ва меҳнат сарфидан иборат. Моддий сарфлар бозор нархида харид этилган машина-механизмлар, асбоб-ускуналар, бино-иншоотларнинг, шунингдек, энергия, хом ашё, ёқилғи ва материаллар сарфидан иборат бўлиб, муайян нархларда ҳисоб-китоб қилинади.

Меҳнат сарфлари — иш ҳақи, мукофотлар, социал суғурта ажратмалари, тадбиркорни қониқтирадиган нормал фойдадан иборат. Харажатлар турли-туман. Улардан бири зиммасига тушган харажатлардир.

Зиммага тушган харажат ёки иқтисодий харажат ишлаб чиқариш учун танланган ресурсларни энг қулай ишлатган шароитдаги қийматидир, яъни фирма ресурсни ўзгалар ишлатишига йўл бермай, ўзига жалб этиш учун эгасига тўланган пулдир.

Ресурсларни муқобил ишлатиш уларнинг чекланганлигидан келиб чиқади. Агар ресурслар чекланмаган бўлганда эди, уларни танлаб ишлатишга эҳтиёж бўлмас эди. Фирма бор имкониятлардан энг қулайини танлаб олади. У ўз пул маблағларини, ишлаб чиқаришга сарфламай банкка қўйиши, унга акция сотиб олиши, ўз қўлидаги бино, иншоот, станокларни сотиб юбориши ёки ижарага бериши мумкин. Қайси йўлни танлаш зиммага тушган харажатларни келтириб чиқаради. Бу ресурсларнинг бошқача ишлатилишига йўл бермай, улар фирма ишига жалб этилганлиги учун кетган сарфидир. Зиммага тушган харажат ташқи ва ички харажатларга бўлинади. Ташқи харажат бу ташқаридан сотиб олинган ресурслар (масалан, иш кучи, хом ашё, транспорт, алоқа хизмати, энергия ҳақи кабилар) учун тўланган пул. Ички харажатлар фирманинг ўз ихтиёридаги ресурслар қийматининг пулдаги ифодаси, яъни бу ресурсларни ташқарида энг қулай ишлатилган шароитда уларга тўлавиши мумкин бўлган пул суммасидир. Масалан, корхона биноси, ундаги ускуналар ижарага берилиши ва ижара ҳақи олиниши корхона эгаси бошқа ерда ишлаб даромад олиши мумкин. Мана шулар харажатда ҳисобга олинади. Ички харажатларга

тадбиркорлик қобилияти, истеъдоди учун бериладиган нормал фойда ҳам кириши керак. Агар бу фойда олинмаса, тадбиркор фирмани ташлаб, бошқа иш билан машғул бўлади. Хуллас, харажатларга муқобил (альтернатив) йўсинда ишлатилиши мумкин бўлган ресурсларни фирма фаолиятига жалб этиш учун қилинган ташқи харажатлар ва нормал фойдани ўз ичига олган ички харажатлар киради (11-расм).


Харажат турлари

II-расм

Ишлаб чиқариш харажатлари										
Ташқи харажатлар					Ички харажатлар					
Иш хучи	Хом ашё	Ёқилги-энергия	Транспорт-алоқа хизматлари	Банк-тижорат хизматлари	Бино-ишлот	Машина-ускуна	Ўзгара ҳақи	Қарз пул маблағи ва унинг учун процент	Нормал фойда	

Фирма яратган товарлар ва хизматларни сотишдан тушган пул унинг кирими бўлиб, кетган харажатларни қоплайди ва фойда олиш имконини беради. Жамиятдаги фойда табиатан яратилган қўшимча маҳсулотнинг пул шаклидир. Фирма фойдаси қўшимча маҳсулотнинг унга пул шаклида теккан қисмидир. Фойданинг икки кўриниши бор. Биринчиси — нормал фойда бўлиб, у харажатлар таркибида бўлади ва тадбиркорлик қобилияти учун берилган ҳақдан иборат. Иккинчиси — иқтисодий фойда бўлиб, у харажатларга қирмайди. Бу нормал фойдадан ортиқча бўлиб, мазмуван соф фойдадир. Агар фирма олган даромади (пул) дан харажатлар чегирилиб ташланса, қолган қисми иқтисодий (соф) фойдани ташкил этади (12-расм).

Соф фойда капитал ва ишбилармонлик қобилиятини ишга солиб, ақл-идрок билан иш юритиб, хатарли ишга таваккал деб қўл урганлиги учун тегадиган муқофотдир.




Фойда нарх ўзгармаган шароитларда харажатларга боғлиқ. Аммо харажат унсурларининг фойдага таъсири бир хил эмас. Харажатларнинг ўзи доимий ва ўзгарувчан харажатлардан иборат.

Доимий деб шундай харажатларга айтиладики, уларнинг миқдори ишлаб чиқариш ҳажмига қараб ўзгармайди. Улар ҳатто ишлаб чиқариш бўлмаганда ҳам қопланиши шарт. Улар жумласига қарз юзасидан мажбуриятлар, рента тўловлари, амортизация, ижара ҳақи, суғурта пули, бошқарув ходимлари ва мутахассисларга олдиндан белгиланган маошлар киради. Бу харажатлар доимий бўлганидан ишлаб чиқариш қанчалик ўзгармасин, улар илгари белгиланган миқдорда қолади.

Миқдори ишлаб чиқариш ҳажмига қараб ўзгариб боровчи харажатлар ўзгарувчан харажатлар дейлади. Уларга хом ашё, ёқилғи, энергия, материаллар, транспорт хизмати сарфлари, ишчи-хизматчилар иш ҳақиси киради. Бу харажатларнинг ўзгариши нотекис боради. Ишлаб чиқариш ҳажми ортиши билан маълум чегарагача улар пасаяди, сўнгра бир ҳолатда сақланади ва ниҳоят ўса бошлайди. Бундай ҳодиса сарфлар қайтимининг маълум чегарада боришини билдиради. Шу чегарадан сўнг сарфлар тобора ўзини кам оқлайди, ва ниҳоят, оқламай қўяди. Ишлаб чиқариш маълум даражага етгач, меҳнат унумдорлиги пасая бошлайди, натижада қўшимча равишда маҳсулот олиш учун олдингидан кўпроқ харажат қилишга тўғри келади. Бундай аҳвол янги технология жорий этилгунга қадар давом этади. Шундан сўнг ресурслар тежалади, харажатлар пасаяди, чунки янги технология меҳнат унумдорлигини оширади.

Муайян ишлаб чиқариш ҳажми сақланган шароитда доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг йиғиндиси ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари деб аталади (13-расм).



13-расм

Умумий харажатлар муайян ишлаб чиқариш ҳажми доирасида кетган умумий сарфлар бўлиб, ҳамма маҳсулот қанчага тушганини билдиради. Корхона учун маҳсулот бирлигига кетган сарф муҳимдирки, уни ўртача харажат деб аташади. Ўртача харажатни (ЎХ) миқдоран топиш учун умумий харажатлар (УХ) маҳсулот миқдорига (ММ) бўлинади $ЎХ = УХ : ММ$. Масалан, бир турдаги маҳсулот, яъни кўзойнак чиқарувчи корхона бир ойда 5000 дона маҳсулот чиқариш учун 250 000 доллар харажат қилган бўлса, бунда бир кўзойнак учун кетган ўртача харажат 50 доллар бўлади ($250\ 000 : 5\ 000 = 50$).

Белгиланган ресурслар доирасида ишлаб чиқариш имкони чекланган. Шунга боғлиқ ҳолда чегараланган-меъёрли харажатлар деган тушунча ҳам бор. Меъёрли харажатлар (МХ) қўшимча яратилган маҳсулот бирлигини олиш учун кетган қўшимча харажатдир. У қўшимча харажатни қўшимча яратилган маҳсулотга нисбатидан иборат. Шунга кўра: $МХ = \Delta УХ : \Delta ММ$.

Чегараланган харажатлар меҳнат унумдорлигининг ўсишига қараб пасайиб боради, бироқ унумдорликни ошириш имкони тугаб, ўз чегарасига тақалиши билан харажатлар пасайиши ўрнига уларнинг ўсиши юзага келади. Буни бир мисолда кўрайлик. Корхонада 100 киши ишлаб, 15 минг дона маҳсулот чиқаради, бунинг учун эса 250 минг сўм иш ҳақи сарфланади. Ишчилар сони 200 кишига етиб, 500 минг сўм иш ҳақи берилади, 40 минг дона маҳсулот яратилади. Бунда маҳсулот ўсими 25 минг ($40\ \text{минг} - 15\ \text{минг} = 25\ \text{минг}$), иш ҳақи сарфининг ўсими эса 250 минг сўм ($500\ \text{минг} - 250\ \text{минг} = 250\ \text{минг}$). Бунда чегараланган харажат 10 минг сўм ($\Delta 250\ \text{минг} : \Delta 25\ \text{минг} = 10\ \text{минг}$) ишчилар сони 300 кишига етди, маҳсулот 63 минг дона бўлди, иш ҳақи сарфи 750 минг сўмни ташкил этди. Бинобарин, маҳсулот ўсими 23 минг дона ($63\ \text{минг} - 40\ \text{минг} = 23\ \text{минг}$) бўлгани ҳолда, иш ҳақи сарфининг ўсими 250 минг сўм. Бунда чегараланган харажат 10,8 минг сўм ($\Delta 250 : \Delta 23\ \text{минг} = 10,8\ \text{минг}$). Шу ҳисоб-киتابни давом эттирсак, ишчилар сони 600 кишига етганда чегараланган харажат 50 минг сўмга тенг бўлади. Мисолдан хулоса қилсак ишчилар 100 киши бўлиб, иш ҳақи сарфи 250 минг сўмга еткунча қадар харажат камайди, сўнгра эса у ошади. Унумдорлигининг ошиб бориши чекланганидан харажатларнинг камайиши ҳам маълум нуқтага бориб тўхтайдди. Шу боисдан, фойдани максималлаштириш учун меҳнат унумдорлигини ошириб, харажатни қисқартириш керак.

Харажатлар корхонага боғлиқ бўлмаган омилларга қараб ўзгаради. Масалан, ресурс нархи, ҳар хил хизмат ҳақининг тебраниши корхона ҳоҳишидан қатъи назар харажатларни ўзгартиради. Ташқи таъсирининг кучини кесиш учун корхонага боғлиқ омиллар ҳаракатда бўлиши шарт. Корхонада ишлаб чиқариш кўлами кенгайса, ресурслар сарфи қисқаради, чунки улар камроқ исроф этилади. Ресурсларни тежовчи технология жорий этилганда харажатлар кескин қисқаради. Ўртача харажатлар меҳнат унумига нисбатан тескари мутаносибликда ўзгаради. Меҳнат унумининг ортиши ҳам моддий, ҳам меҳнат сарфлари қисқартиради. **Бозордаги нарх, бинобарин, талаб барқарор шароитда меҳнат унумдорлиги харажатларни пайсайтириш орқали фойдани кўпайтиради.**

Олинадиган фойда корхона корпоратив манфаатини ифодалаганидан корхона иқтисодий фаолиятининг умумлашган кўрсаткичи ҳисобланади. Фирма учун фойданинг икки жиҳати бор. Биринчиси, **фойда массаси**, яъни унинг умумий миқдори. Иккинчиси — **фойда нормаси**, яъни унинг нима эвазига олингани. Фойдани максималлаштириш унинг ҳам нормасини, ҳам массасини оширишдир. Аммо фирма учун фойда нормаси муҳимроқ, чунки бу фирма фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди. Фойда нормаси жамики фойданинг (нормал фойда ва иқтисодий фойда) уни топиш учун қилинган умумий харажатларга бўлган ва процентларда ифодаланган нисбатидир:

$$ФН = \frac{Ф}{УХ} \times 100$$

Бундан $ФН$ — фойда нормаси, $Ф$ — фойда миқдори, $УХ$ — умумий харажатлар. Уни ҳисоблаш учун харажатлардан нормал фойда чегириб олинади ва иқтисодий фойдага қўшилади ва қолган харажатларга бўлинади.

Масалан, фирма 105 минг доллар харажат қилиб, 10 минг доллар иқтисодий фойда кўрган. Харажатлар таркибига 5 минг долларлик нормал фойда кирган. Шунда

$$ФН = \frac{10+5}{105-5} = \frac{15}{100} \times 100 = 15\%$$

Фойда нормаси юқори бўлгани ҳолда унинг массаси кичик бўлиши ва аксинча у паст бўлгани ҳолда, массаси катта бўлиши ҳам мумкин. Бу фирма фаолиятининг кўламига боғлиқ. У катта капитал сарфлаб, ишлаб чиқаришга кўп ресурслар жалб этса ва товарларни кўплаб чиқарса,

Фойда нормаси паст бўлса-да, унинг массаси кўп бўлади. Масалан, бир фирма 10 минг доллар сарфлаб, бир мингга товар чиқаради ва 1,5 минг доллар фойда олади. Демак, фойда нормаси 15% ($1,5 \text{ минг} : 10 \text{ минг} \times 100$) бўлатуриб, атиги 1,5 минг доллар фойда кўрилган. Бошқа фирма 100 минг доллар сарфлаб, 100 минг донга товар чиқаради ва 12 минг доллар фойда кўради. Иккинчи фирмада фойда нормаси 12% га тенг ($12 \text{ минг} : 100 \text{ минг} \times 100$). Иккинчи фирмада фойда нормаси кам, чунки $12\% < 15\%$, аммо фойда массаси кўп, яъни $12 \text{ минг} > 1,5 \text{ минг}$.

Фойда нормаси фирманинг жорий сарф-харажатлари нақадар самарали натижа берганлигини кўрсатади. Бу норма қанчалик юқори бўлса, фирма ихтиёридаги ресурслар муқобил тарзда шунчалик яхши ишлатилган бўлади.

Олинган фойда аввал тақсимланиб, сўнгра ишлатилади. Кўпчилик ҳолларда фойданинг бир қисми солиқ сифатида давлат бюджетига ўтказилади. Унинг яна бир қисми корхона эгалари ўртасида даромад сифатида, яна бир қисми ишчилар ўртасида уларнинг фойдадаги иштироки сифатида ва ҳар хил мукофотлар шаклида тақсимланади. Ниҳоят фойда инвестиция, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун кетади. Фойданинг шахсий даромад сифатида корхона эгалари ва ишчиларига теккан қисмини улар ўзи ихтиёри билан ишлатадилар.

Фирма корпоратив манфаатини амалга оширишнинг муҳим омили — бу фирма ишини яхши бошқариш ҳисобланади. Фирма ички ва ташқи алоқаларга эга. Корхонанинг ички тузилиши унинг турли бўлинмалари ўртасидаги алоқалардан, ходимлари билан бошқарувчилар (менежерлар) ўртасидаги муносабатлардан иборат. Унинг ташқи алоқалари бозор билан юз беради. Бозорда корхона ўзига ресурслар (ишлаб чиқаришга керак товарлар) етказиб берувчилар ва ўз товарининг харидорлари билан алоқа борлайди. Корхонанинг пул билан бўладиган алоқалари банклар, молиявий компаниялар, суғурта фирмалари орқали юз беради. **Корхона бўлинмалари ишини бир-бирига мослатиш, корхона фаолиятини бошқалар фаолиятига, бозордаги вазиятга мувофиқлаштириш корхонани бошқариш дейилади. Бошқариш санъати ва маҳорати менежмент деб юритилади.** Менежмент ўта мураккаб ва масъул иш бўлганидан, уни бажариш махсус билим, маҳорат ва тажрибани талаб қилувчи касбга айланди. Мана шу касб соҳиблари Ғарбда менежер дейилади. 1992 йили АҚШда 4 млн. менежер бор эди. Корхонани бошқариш мулк эгасининг вазифаси. Аммо бошқариш учун мулк эгаси бўлиш

парт эмас. Шу хусусдан оркестрни бошқарувчи дирижер мусиқа асбобларининг эгаси бўлмаса ҳам, ўз ишини қилаверишини эслаш ўринли. Бошқариш вазифасини корхона эгасининг ўзи ёки ёлланган, аммо мулкдорлар номидан иш кўрувчи менежер бажаради. Иқтисодий алоқалар мураккаблашган сари менежер хизматига талаб ошади, ўз ишининг устаси фаранг бўлган махсус ижтимоий тоифа — **менежерлар тоифаси** пайдо бўладики, унинг алоҳида ижтимоий мақоми бор. Улар гоят мураккаб, ўта масъулиятли иш билан шуғулланиши, фирманинг ҳаёт-мамотига жавобгар бўлгани учун ёлланиб ишловчилар орасида энг катта хизмат ҳақи оладилар. 1991 йил АҚШ да ишчи ва хизматчининг бир йиллик ўртача иш ҳақи 30 минг доллар бўлгани ҳолда, менежерларнинг ўртача хизмат пули деярли 200 минг долларга етди. Менежерлар олий табақасининг йиллик даромади миллион доллардан иборат бўлади. Менежерлар алоҳида, нуфузли ижтимоий қатлам. Улар ҳозирги ривожланган мамлакаатлардаги юқори мартабали кишилар, ўз даврининг оқсуякларидир.

Ҳозирги замон бошқариш назариясига биноан бошқаришнинг асосий объекти ўз қобилиятини юзага чиқарувчи, инсон фаолияти бўлиши керак. Фирма эса, қадриятлари умумий бўлган кишилар жамоаси, фирма фаолияти доимо янгиланиб боради. Фирмани бошқаришдаги асосий муаммо — бу уни ўзгартиб турувчи ташқи муҳит — бозор вазиятига мослаштириш бўлади. Фирманинг ички ишларини бошқариш шу вазифага хизмат қилади. Фирмаларни бошқаришда ягона ҳаммабоп модел бўлмайди. Фирманинг қуввати, нимани ва қанча ишлаб чиқариши, маҳсулотини қаерда ва кимларга сотиши, ресурсларни қаердан олиши, қайси банклар билан алоқа қилишига қараб, бошқариш модели танлаб олинади. Бошқариш шароитга мослашувчан бўлиб, тез-тез янгиланиб туради. Унинг самарадорлиги фирманинг рақобатга бардош бериши, яхши фойда кўриб ишлаши ва бизнес дунёсида обрў-эътиборга эга бўлиши ҳисобланади.

Менежмент фирма ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш (фирма режаси бизнесплан деб юритилади), меҳнат жараёнини ташкил этиш, савдо-сотиқ ишларини юритиш, фирма келажagini белгилаб, унга етиб бориш чора-тадбирларини амалга ошириш (бу фирма стратегияси бўлади), фирманинг иқтисодий потенциали (салоҳияти) ни бошқариш кабиларни ўз ичига олади. Корхонанинг муваффақияти янги техника-технология ва иш кучи си-

фатидан ташқари унинг яхши бошқарилишига ҳам боғлиқ. Шунинг ҳисобга олиб йирик иқтисодчилардан бири А. Маршалл¹ бошқаришни ишлаб чиқаришнинг муҳим омили деб атайди. Корхонанинг рақобат курашида жон сақлаши учун менежмент иши яхши бўлиши шарт. **Маркетинг** менежментнинг кўз ва қулоғидир.

Маркетинг — бу фирма фаолиятини бозор талабига мослаштириши, яъни унинг бозор алоқаларини ташкил этишдир. Шу маънода уни фирмадаги бозоршунослик иши деса ҳам бўлади. Айни вақтда уни фирмани бошқаришнинг махсус шакли, алоҳида усули деб ҳам қараш мумкин. Маркетинг иккита вазифани бажаради. Биринчидан, у фирмадаги ишлаб чиқаришни ҳозир мавжуд бўлган ва келажакда пайдо бўладиган талаб-эҳтиёжга қаратади. Иккинчидан, фирма товарларига бозорда талаб чақириш ва фирма савдо-сотиқ ишларини рағбатлантириш, айниқса, товарларни кўплаб ва яхши нархда сотилишини уюштиради. Фирмада махсус маркетинг хизмати бўлиб, бу билан махсус тайёргарлиги бор мутахассислар (маркетологлар) шуғулланадилар. Маркетинг иши бозор ҳолати ўзгаришларини ўрганиш, бозорга керакли товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, товарларни бозорга ўз вақтида бориб туришини таъминлаш ва ниҳоят товарларга нарх қўйишдан иборат бўлади. Юксак савияли маркетинг хизматига таянган фирмалар гуллаб-яшнайдилар. Бу иш умумиқтисодий аҳамиятга ҳам эга, чунки у қанчалик ривож топса, шунчалик ишлаб чиқариш жамиятдаги талаб-эҳтиёжни тўларақ ҳисобга олади, иқтисодий ривожланиш тез боради.

МУСТАҚИЛ ФИКР-МУЛОҲАЗА ЮРИТИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР ВА ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Х. Маҳмудовларнинг фермер хўжалиги картошка етиштириш учун ўзи уруғлик тайёрлади, минерал ўғит ишлатмади, хашаротларни йўқотиш учун хонаки дори тайёрлади. Етиштирилган картошканинг 10 фоизини рўзғори учун, 5 фоизини уруғлик учун ажратди, 85 фоизини «Ўзбексавдо» бирлашмаси бўлимига сотди. Тушган пул ҳисобидан ўз трактори учун эҳтиёт қисмлар олди, қолган пулини банкка қўйди.

II. Исҳоқовлар фермер хўжалиги сут етиштириш учун

¹ Альфред Маршалл — иқтисодий назарияда довги чиққан АҚШ иқтисодчиси.

кунжара, омихта ем сотиб олди, ўз ерида беда етиштиришди, бунинг учун уруғлик, минерал ўғит сотиб олди. Соғилган сутнинг ярмини сут заводига сотди, қолган қисмини ўзи қайта ишлаб сариеғ ва пишлоқ тайёрлаб, озиқ-овқат магазинига сотди. Тушган пулнинг 40% ни сарфлаб, Голландиядан яхши зотли бузоқ олди.

Ўйлаб кўрингчи, қайси хўжалик меҳнат кооперациясида фаол қатнашди?

2. «Истиқлол» маҳалласида 3 корхона бор деб фараз қиламиз: Карима холанинг новвойхонаси, Абдурахмон аканинг чойхонаси ва кичик тикувчилик фабрикаси. Бир ой давомида новвойхона 20 минг сўм, чойхона 15 минг сўм даромад берди. Фабрикада эса ҳар ишчига 80 минг сўм иш ҳақи тегди, киши бошига 2 минг сўм фойда олиди. Хўш, қайси корхонада корпоратив манфаатга тўлароқ эришилди?

3. Икки корхона бор. Биринчи корхона бинони ижарага олади. Янги ижара битимига кўра ижара ҳақи оширилди. Корхона банкдан қарз олгани учун процент ҳам кўпайди. Лекин корхонада янги технология киритилиб, хом ашё ва ёқилғи тежалди. Бу омилларнинг қайси бири доимий харажатга ёки ўзгарувчан харажатга ва қандай йўналишда таъсир этди?

Иккинчи корхона ўз биносида ишлайди, лекин бозорда вазият ноқулай бўлиб, хом ашё ва ёқилғи қимматлашди, айни вақтда менежернинг талабига биноан ушнинг хизмат ҳақи оширилди. Шундай вазиятда корхонанинг умумий харажатлари қайси харажат (доимий ва ўзгарувчан) ҳисобидан ошди? Шунга жавоб топинг.

4. Бизнес билан тадбиркорликни фарқи нимада?
5. Тадбиркорлик принциплари қандай?
6. Тадбиркорликни қандай турлари бор?
7. Тадбиркорликни асосий ахлоқий талаби қандай?
8. Фирмани қандай белгилари бор? Шуларни алоҳида ёзиб олиб, эслаб қолишга урининг.
9. Фирманинг қанақа турлари бор?
10. Харажатлар фирма ишида қандай аҳамиятга эга?
11. Харажатларни қандай турлари бўлади?
12. Нормал ва иқтисодий фойдани фарқи қандай?
13. Нима сабабдан харажатлар олдин камайиб; кейин ўсишга мойил бўлади? Буни ўзингиз эгри чизиқлар графигини чизиб тасвирланг.
14. Фойда массаси ва нормаси қандай аҳамиятга эга?
15. Менежмент ва маркетинг нима дегани?

БОЗОР ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. Бозорнинг моҳияти ва вазифалари

Бозор иқтисодий категория сифатида такрор ишлаб чиқаришнинг айирбошлаш босқичига хосдир. Аммо у ҳар қандай айирбошлашни эмас, балки пул воситасидаги, олди-сотди шаклидаги айирбошлашни билдиради. Айирбошлашда пул иштирок этмасдан бир товар бошқасига тўғридан-тўғри алмашганда бозор муносабатлари пайдо бўлмайди, албатта. Бозорнинг энг муҳим шarti айирбошланганда пулнинг воситачи бўлишидир. Бозорда товар муомаласи юз бериб, у икки жараённинг биргаликда боришини билдиради. Бозорда товар пулга алмашади. (Т—П), яъни товарни сотиш юз беради, айна вақтда пул товарга алмашади (П—Т), яъни товарни харид этиш келиб чиқади. Олди-сотди бозордаги яхлит муомаланинг икки томони бўлганидан, унда сотувчи ва харидорни иштирок этиши муқаррардир.

Бозор — бу сотувчилар ва харидорларнинг товарларни пул воситасида айирбошлаш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлари, уларнинг ўзаро алоқаларидир. Сотувчилар ва харидорларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари бозорни келтириб чиқаради, бозор эса уларни бирлаштирувчи механизм бўлади. Бозордаги олди-сотди муносабатларининг объекти хилма-хил товарлар бўлиб, улар таркибига истеъмол товарлари, ишлаб чиқариш воситалари бўлган товарлар, яъни моддий ресурслар, иш кучи, ер-сув, бино-иншоот, пул капитали, қимматбаҳо қоғозлар, ақлий меҳнат маҳсули бўлган товарлар, ҳар хил ишлаб чиқариш учун ва истеъмолчига кўрсатиладиган хизматлар киради. Ишлаб чиқариш қанчалик ривожланган бўлса, бозор объектлари шунчалик кўп ва хилма-хил бўлади. Ҳозирги ривожланган мамлакатларда бозор оборотига деярли 25 млн. хил товар ва хизматлар келиб туради.

Бозорнинг субъектлари-иштирокчилари ҳам бир хил эмас. Улар икки гуруҳга бўлинади: сотувчилар ва харидорлар. Улар бозор муносабатларида турли вазифани бажарадилар. Сотувчилар — бозордаги товар ва хизматларни тақлиф этувчи фирма, корхона ёки айрим ишлаб чиқарувчи, иш кучи, ер-сув, машина-ускуна, бино-иншоот эгаси, пул капитали, қимматбаҳо қоғозлар ва валюта со-

ҳибларидан иборат бўлиб, улар ўз товарларини сотадилар ёки ижарага берадилар. Харидорлар кенг қатлам истеъмолчилардан иборат бўлиб, улар бозорга ўз талаб-эҳтиёжи ва пули билан чиқадилар. Харидорлар оддий истеъмолчи фуқаролар, ресурслар олувчи ва иш кучини ёлловчи тадбиркорлар, давлат идоралари, жамоат ташкилотларидан иборат бўлади.

Бозорда талаб ва таклиф учрашади. Агар талаб харидор томонидан бўлса, таклиф ишлаб чиқарувчи қўлида бўлади.

Бозор субъектлари ўз манфаатларини кўзлайди. Бозор улар хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштиради, шу орқали улар манфаати амалга ошади. Бозордаги алоқалар нарх воситасида ўрнатилади. Олди-сотди маълум нархга биноан амалга ошади ва расмийлаштирилади. Бозорда тижорат фаолияти билан биржалар, савдо уйлари, тижорат фирмалари, аукционлар, яқка савдогарлар, товар ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари шуғулланади. **Бевосита бозор** алоқаси юз берганда товар ишлаб чиқарувчи ёки унинг вакили истеъмолчи, яъни харидорнинг ўзи билан тўғридан-тўғри олди-сотди ишларини олиб боради. **Билвосита** муносабат пайдо бўлганда ишлаб чиқарувчи билан харидор ўртасида алоқаларни ўрнатишда воситачи тижорат аҳли иштирок этади. Ривожланган бозор муносабатига билвосита савдо-сотиқ алоқалари хос, чунки бозор ривожланган сари унинг сир-асрорларини билиш, олди-берди операцияларини ўтказиш махсус тайёргарлик ва маҳоратни талаб қилади. Бу ишни ихтисослашган тижорат фирмалари, савдо-сотиқ агентлари, брокер, маклеер ва дилерлар каби даллоллар ўз зиммасига олади. Воситачиларнинг бўлиши товар ишлаб чиқарувчилар мушқулини онсон қилади, уларни бозор билан тез боғлайди, савдо-сотиқ харажатларини, муҳими — бунга кетадиган вақтни тежайди, бинобарин товарнинг ишлаб чиқаришдан истеъмолгача бўлган ҳаракатини тезлаштиради.

Ишлаб чиқарувчилар учун **бозор ҳажми** муҳим кўрсаткич, чунки у бозорда товарларнинг сотилиш миқдори бўлиб, товарлар ва ҳар бир товарнинг нархига боғлиқ бўлади. Бозор ҳажми нафақат ишлаб чиқариш миқёсига, балки унинг ихтисослашувига ҳам боғлиқ. Ихтисослашув қанчалик чуқурлашса, маҳсулотларнинг товарлик даражаси шунчалик ошади, шунчалик кўп товарларни бозорда айирбошлаш зарурати кучаяди. 1988 йилда АҚШ ички бозорининг ҳажми 3,4 триллион долларлик товар муомаласи билан ифодаланди. Бозор ҳажми ялпи миллий маҳ-

сулот ҳажмига нисбатан тўғри пропорционал ўзгаради. Ривожланган бозор фақат ўзининг ҳажми билан эмас, балки хилма-хил турлари ва мукаммал инфраструктураси билан ажралиб туради.

Бозордаги товарлар муомаласи кенг ва тор доирада юз беради. Кенг маънода бозор барча товарлар ва хизматлар муомаласини билдиради, тор маънода у айрим ёки чекланган гуруҳдаги товарларнинг айирбошланиши демакдир. Кенг маънода бозор ҳудудий жиҳатдан маҳаллий, минтақа, миллий ва жаҳон бозорларидан иборат бўлади. Булар бозор алоқаларининг кўлами билан ажралиб туради. Албатта, миллий бозор маҳаллий бозордан, халқаро бозор эса миллий бозордан кенг бўлади. Улар фақат олдисотди ҳажми жиҳатидангина эмас, балки субъектларнинг сони ва таркиби жиҳатидан ҳам фарқ қилади.

Бозор ўз ривожидан икки босқичдан ўтади. Биринчиси, **тартибсиз бозор босқичи**, бу босқичда бозор алоқалари стихияли тарзда ўрнатилади, ишлаб чиқарувчи учун бозор номаълум бўлади. Бозор нархининг қандай бўлишини ҳеч ким илғаб олабидмайди. Бу бозорда стихияли кучлар бамисоли табиат кучлари каби сотувчилар ва харидорлар устидан ҳукмронлик қилади. Стихияли бозорда белгиланган тартиб-қоида амал қилмайди. Бундай бозор маданийлашмаган, ёввойи бозор иқтисодиётига хос бўлиб, ўтмишда мавжуд бўлган. Аммо унинг айрим кўринишлари ҳозир мавжуд. Ҳозирги дехқон бозори ва чайқов бозорлари тартибсиз бозор намунаси.

Иккинчи босқич — бу **тартибланадиган бозор босқичи**дир. Бу шундай бозорки, унга хос бўлган қонунлар кўр-кўрона амал қилавермайди, бозор алоқалари шу қонунларга олдиндан мослаштириб борилади. Бу ерда номаълум бозорга ишлаб чиқариш юз бермайди. Бозор ва унинг сегментлари (кичик қисмлари) олдиндан таҳлил этилиб ўрганилади, ишлаб чиқариш маркетинг хизмати орқали бозор билан узвий боғланади. Мана шундай бозор ривожланган бозор иқтисодиётига хос, бундай бозор ҳозирги ривожланган мамлакатларда мавжуд.

Бозор бир қатор иқтисодий функцияларни бажаради.

Бозор айирбошлаш жараёни бўлганидан, у **ишлаб чиқаришни истеъмол билан боғловчи восита** вазифасини ўтайди. Маълумки, товар ҳаракати уни ишлаб чиқаришдан бошланиб истеъмол билан тугалланади. Шу ҳаракатнинг тез ёки секин бориши бозорга боғлиқ. Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқаришдан пировард мақсад товарни истеъмол этиш. Эҳтиёж бозорга талаб шаклида чиқади

ва товарларни пулга айирбошлаш орқали қондирилади, чунки товар ишлаб чиқариш бор жойда маҳсулотлар бозордан ўтмай туриб, тўғридан-тўғри истеъмолга келиб тушмайди. Талаб-эҳтиёжни қондириш ва фаровонликни ошириб боришда иштирок билан бозор **иш кучини тақдор ҳосил этишда қатнашади.** Иш кучи сарфини тиклаш ва иш қобилиятини ривожлантириш товарлар ва хизматлар истеъмолини талаб қилади, уларни эса бозор етказиб беради.

Бозордаги ягона ва универсал харид воситаси пул ҳисобланади. Кишилар маҳсулотдаги ўз улушини мана шу пул шаклида, яъни даромад тарзида оладилар. Улар пулга бозордан товарлар ва хизматлар сотиб олиб, тирикчилик қиладилар. Фақат **тўйинган бозорда** етарли миқдорда ва таркибда истеъмол буюмлари топилиши мумкин. **Тақчил бозор** бозор иқтисодиётига бегона, у албатта, тўйинган бозорни тақозо этади.

Тўйинган бозорда товарлар талабга етарли бўлади, уларни танлаш имкони мавжуд. Тақчил — оч бозорда товарлар сурункали етишмайди, товарлар талабга жавоб бера олмайди, нархлар ортиб бориши билан ажралиб туради. Тақчил бозор иқтисодиётнинг носозлом эканлигидан дарак беради. Тақчилликнинг ўзи ўткинчи ёки сурункали бўлиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқаришдан янги нарса пайдо бўлди, дейлик. Табиийки, янги товар турига бўлган талабни бирданига қондириб бўлмайди. Маълум давр, айтайлик, 3—4 ой янги товар тақчил бўлиб туради. Лекин маълум вақтдан кейин шу товар турига бўлган талаб қондирилса, бозор тақчилликдан халос бўлади. Агар шу товар турига бўлган эҳтиёж узоқ вақт давомида қондирилмай қолаверса, сурункали тақчиллик юзага келади.

Тўйинган бозор барқарор иқтисодиётни англатади. Бу ерда товарлар мўл-кўл, пул тақчил бўлади. Кузатувларга қараганда АҚШдаги супермаркетларда (универсал озиқ-овқат магазинларда) 12 000 хил озиқ-овқат маҳсулотларининг турлари бўлган. Тўйинган бозорда талабга қараб товар турлари ва маркалари тез-тез алмашиб туради.

Тақчил бозорда айирбошлаш ўзининг эркин табиий ҳолатидан чиқиб, назорат остига олинади. Бу ерда олди-сотди ўзининг аҳамиятини йўқотади, айирбошлаш нормали тақсимлаш шаклига ўтади. Тўйинган бозорда эркин олди-сотди юз беради, бунда эркин нарх, пул асосий восита бўлади. Бозорнинг табиий ҳолати мана шундай бўлиши шарт.

Бозорнинг тўйиниш даражасини бозорга чиққан талабнинг қондирилиши ифодалайди. Уни сотилган товарлар миқдорининг талабга нисбати билан аниқлаш мумкин. Бу нисбат тўйиниш коэффиценти дейилади. Коэффицент 1 га тенг бўлса, бозор тўйинган ҳисобланади. Бозордаги талаб 1 млн. доллар, сотилган товар суммаси 700 минг. доллар бўлса, бунда тўйиниш коэффиценти 0,7 бўлади, чунки $700\ 000:1\ 000\ 000=0,7$.

Товарлар кўпайиб, уларнинг сотилиш миқдори талабга тенглашса, бозор тўйинади. Айтайлик, талаб ўзгармай 1 млн. долларлигича қолди, аммо товар сотилиши 700 мингдан 1 млн. долларга етди. Бу ҳолда бозорнинг тўйиниш коэффиценти 1 га тенг бўлади, чунки $1\ 000\ 000:1\ 000\ 000=1$. Бозорнинг тўйиниши талабнинг ўзгаришини ҳам ҳисобга олади ва уни қондириш пайида бўлади. Тўйинган бозорда тақчил бозордан фарқлироқ товар кўп бўлиб, пул етишмайди, натижада, товарларни танлашга имконият пайдо бўлади. Бу эса пул топишга интилишни кучайтиради, ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Тақчил бозор шароитида эса талаб қондирилмагани сабабли товарларни миқдорий чегаралаб тақсимлаш келиб чиқади.

Бозорда қиймат шаклининг ўзгариши юз беради. Бозор қийматни товар шаклидан пул шаклига айлантиради. Бунинг учун бозорда ҳам товар, ҳам пул муҳайё бўлиши шарт. Дастлаб бозорда индивидуал (якка) меҳнат сарфларини ижтимоий сарфлар даражасига келтириш, яъни бозор қиймати ҳосил этиш юз беради. Бунда индивидуал меҳнат сарфларини бозорда тан олиш ёки олмаслик юз беради. Бир хил меҳнат сарфини бозор эътироф этса, бошқасини тан олмайди. Бозор меҳнатни тан олиши унинг миқдори ва таркибининг керакли товарлар яратишга сарфланиши билан боғлиқ. Агар меҳнат товарга беҳуда сарфланган бўлса, бозор уни тан олмайди. Агар меҳнат талабга жавоб берадиган даражада сарфланган бўлса, эътироф этилади. Мана шу меҳнат бозорда ўз эквиваленти бўлган пулни топади.

Бозордаги товар муомаласи $T-P-T$ шаклида бўлиб, олди-сотдининг бир бўлишини англатади. Шу жараёнда қийматнинг пулга айланиши юз беради. Аммо товарга тенглаштирилган пул қийматдан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин. Шу сабабли $T=P$ бўлиши шарт эмас. $T=P \pm P'$ бўлиши мумкин. Бунда P' қийматдан ортиқчалик ёки камликни билдиради. Миқдорий тенглик бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар бозорда қиймат, албатта, пул шаклига қиради.

Ишлаб чиқаришнинг янгилашиб туришига кўмак бериш — бозорнинг муҳим функциясидир. Ишлаб чиқариш такрорланиши учун яратилган товарлар сотилиши ва керакли ресурслар харид этилиши шарт. Бу иш ҳам бозор орқали бажарилади. Товар сотишдан тушган пулга ишлаб чиқарувчилар ресурслар харид этиш йўли билан биринчидан, сарфланган ишлаб чиқариш воситалари ўрнини қоплайдилар, иккинчидан, инвестицияга мўлжалланган пулни моддийлаштирадилар, учинчидан, меҳнат бозоридан керакли иш кучини топадилар.

Маълумки, товарлар дунёси гоёт бой бўлади. Бозорга нафақат шахсий истеъмолни, балки ишлаб чиқаришдаги истеъмолни қондирувчи товарлар ҳам чиқади. Улар жумласига машина-ускуналар, бино-иншоотлар, ер-сув, хом ашё-ёқилги, энергия ва материаллар кирадики, улар моддий ресурсларни ташкил этади.

Бозорда ишлаб чиқариш воситаларининг эркин сотилиши моддий ресурслар ҳаракатини тезлаштиради, улар нарх воситасида турли соҳалар ва қорхоналар ўртасида талабни ҳисобга олиб тақсимланади. Бу эса ресурсларни керакли томонга йўналтириш имконини беради. Бозор **ресурсларнинг эркин ҳаракатини** билдиради, ресурслар билан кафолатли таъминлавишга олиб келади, чунки уларни топиш енгиллашади. Пул бўлса бозорда ресурс ҳар доим топилади. Ресурслар бозори реал инвестиция қилишга шароит ҳозирлайди, чунки иқтисодий ўсиш учун жамғаришнинг пул шакли (номинал шакли) эмас, унинг моддий шакли зарур. Буни бозор таъминлайди, фақат бозорда пул шаклидаги инвестиция моддийлашиб, ишлаб чиқариш ресурсига айлана олади. Ресурсларнинг бозорда эркин тавланиши техника ва технологияни янгилаш шартини ҳисобланади. Бозор ўз механизми орқали бажарган функцияни давлат бажара олмайди, албатта.

Бозорнинг **иқтисодий тартибда** иштирок этишида регуляторлик функцияси ҳам бор. Бу функцияни бозор нархлар воситасида бажаради (буни сўнгги бобларда кўрамиз). Бозор ўзида талаб ва таклифни жамлаб, уларни мувозанатлаштиради. Бозор нарх пасайган ердан ресурсларнинг чиқиб кетишини, аксинча, уларнинг нархи юқори ерга оқиб келишини таъминлайди. Бу билан бозор нимани, қанча миқдорда ва қайси вақтда ишлаб чиқариш кераклигини аниқлаб беради. Бозор регулятори иқтисодий тартибловчи куч ҳисобланади.

Бозор халқаро меҳнат тақсимоти тақозо этган **иқтисодий алоқаларни ўрнатиш воситаси** бўлиб хизмат қилади.

Бозор муносабатлари халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг етакчи соҳаси ҳисобланади. Халқаро савдо-сотиқ орқали турли мамлакатлар, миллат ва элатлар ўртасида мунтазам алоқалар ўрнатилади, давлатлар иқтисодий жиҳатидан бир-бирига боғланади. Бозор меҳнат тақсмотини чуқурлаштириб, ишлаб чиқаришнинг давлатлараро миқёсда аниқ ихтисослашувини, халқаро миқёсдаги талаб-эҳтиёжни мўлжалга олиб юритилишини тақозо этади. Хуллас, бозор халқаро интеграцион алоқаларни ўрнатиш ва уларни кенгайтириш воситаси ҳам бўлади.

Бозор функциялари хилма-хил бўлгани ҳолда, улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга ошади. Бозорнинг ички структураси (таркибий тузилиши) бу функцияларни адо этишни таъминлаб беради.

2. Бозорнинг тузилиши

Бозор муносабатлари иқтисодий муносабатлар доирасида мустақил, лекин бошқа муносабатларга алоқадор кичик бир тизимни ташкил этади, унинг ўзига хос турли унсурлари бор. **Бозор унсурларининг ўзаро боғлиқ бўлиши ва бир-бирини тақозо этиши бозорнинг ички тузилишини ташкил этади.**

Бозорнинг ички тузилиши изоҳланганда ҳар хил мезонлар жиҳатидан ёндошиш мумкин. Бу мезонлар рақобат, бозор субъектларининг аҳволи, бозор объектининг характери, бозор муомаласининг миқёси, бозор алоқаларининг қонунийлиги кабилардир. Уларнинг орасида рақобат ва субъектларнинг социал-иқтисодий мавқеи асосий ўринда туради, чунки уларга қараб, иқтисодий муносабатларни характерлаш мумкин. Иқтисодий алоқалар характерига кўра, бозорни икки қатта турга ажратиш мумкин: а) эркин, рақобатли бозор; б) монополлашган, рақобат чекланган ёки рақобат мутлақо бўлмаган бозор.

✓ **Эркин бозорда** сотувчилар ва харидорлар кўпчилик бўлиб, улардан ҳеч бири бозорда ҳукмрон мавқега эга бўлмайди, аксинча, улар доимо рақобатда бўлишади. Рақобат сотувчилар билан харидорлар ўртасида, шунингдек уларнинг ўзлари ичида бўлади. Бу ерда нарх-навои ҳеч ким назорат қилмайди, нарх бозорда эркин шаклланади. Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес корхоналари маҳсулотларининг бозори эркин рақобатли бозорларга киради. Масалан, пахта ёки ғалла бозорида минглаб фермерлар сотувчи бўлса, минглаб фирмалар харидор бўлишади. Турли мамлакатларда эркин, лекин тартибсиз бозор ҳам амал қилади. Бу ерда

майда ишлаб чиқарувчилар ва тижоратчилар бўлади, сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам сон мингта, уларнинг алоқаси эркин олди-сотди муносабатига асосланади.

✓ **Монополлашган бозор** — бу озчилик сотувчилар ва харидорлар ҳукмрон бўлган, рақобат чекланган ёки рақобат умуман йўқ бозор. Монополлашган бозорнинг ўзи уч хил бўлади: монопол рақобатли бозор, олигополистик бозор, соф монополия бозори.

✓ **Монопол рақобатли бозорда** нисбатан кўп бўлмаган фирмалар иштирок этади, уларнинг бозордаги ҳиссаси катта бўлмайди, улар бозорда ҳар хил, лекин бир-бирининг ўрнини боса оладиган товарлар (масалан, куртка, плащ, пальто) билан иштирок этадилар, улардан ҳар бири бошқаси билан рақобатлашади. Айтилган бозорга мисол тариқасида АҚШдаги кийим-кечак бозорини олиш мумкин. Бу ерда эркаклар ва ўғил болалар учун костюм ва пальто етказиб беришда 32 фирма қатнашади, улардан 20 таси бозорга товарнинг 57%ини беради. Мазкур бозорда фирмалар рақобатлашади, аммо рақобат иштирокчилари миқдордан чекланган бўлади.

✓ **Олигополистик бозорда** саноқли, озчилик фирмалар ва компаниялар ҳукмрон бўлади, лекин улар ҳам ўзаро рақобатлашадилар, бу ерда бир хил ёки фарқланувчи товарлар чиқарилади. Рақобат кўп ҳолларда ишлаб чиқарувчилар билан харидорлар ўртасида юз беради. Олигополистик бозорга мисол қилиб Япония автомобиль бозорини олиш мумкин: бозорда товарларнинг ҳаммаси (100%) учта фирма — «Тойота», «Хонда», «Ниссан» фирмалариники. АҚШ автомобиль бозори эса «Форд», «Крайслер», «Дженерал-моторс» каби концернлар қўлида.

Соф монополия бозорида сотувчи сифатида бир фирма танҳо ҳукмрон бўлади, бутун бир тармоқ шу фирмадан иборат бўлиб, ундан бошқа товар берувчи бўлмайди, унинг товарини ўрнини босадиган бошқа товар ҳам топилмайди. Бу ерда рақобат бўлмайди. Шундай бозорга мисол қилиб АҚШдаги компьютер бозорини олиш мумкин, бу ердаги товарларнинг 80—85%ини танҳо ИБМ корпорацияси етказиб беради. Ўзбекистонда, умуман Марказий Осиёда пахта териш машиналари бозори ҳам соф монополия бозори, чунки бу ерда сотиладиган товарларнинг 100% ини танҳо Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводи беради.

Бозор савдо-сотиқнинг шарт-шароитига қараб кўпгина бўғинларга ажратиладики ва улар бозор сегменти деб аталади. Сегмент бозорнинг бир кичик қисми бўлиб, бу

ерда харидорлар чеklangан гуруҳ бўлиб, уларга маълум турдаги товарлар сотилади. Бозорнинг сегментларга ажралишига икки нарса сабаб бўлади: а) меҳнат тақсимоли чуқурлашиб, гоёт хилма-хил товарлар ишлаб чиқилиши ва уларнинг маълум гуруҳ истеъмолчиларга мўлжалланиши; б) истеъмолчиларнинг социал-иқтисодий жиҳатдан табақаланиши, улар талабининг ўзаро фарқланиши.

Бозорни сегментларга ажратиш мезонлари гоёт кўп. Сегментни ташкил этувчи устивор белгилар ҳам мавжуд. Бир сегмент учун аҳолининг харид қобилияти устивор бўлса, бошқа сегмент учун рақобатнинг бор ёки йўқлиги муҳим белги бўлади. Сегментлар ҳудудий ва социал-демографик мезонларга қараб ажратилади. Ҳудудий сегмент қуйидаги мезонларга эга: аҳолининг сони ва зичлиги, транспорт ва алоқа шохобчаларининг мавжудлиги ва ривожланиш даражаси, табиий-иқлим шароити, тижорат ишнинг асосий йўналиши, унинг қайси тоифа кишиларга хизмат қилиши, иқтисодиётнинг умумий аҳволи, инфляция даражаси, бозор инфраструктурасининг мавжудлигини ва ҳ.к. Бозорнинг социал-демографик сегментларга ажралиши ҳам бир қатор мезонларга қараб юз беради. Улар жумласига истеъмолчи-харидорларнинг ёши, жинси, уларнинг таркибида ишловчилар, ўқувчилар ва пенсионерларнинг ҳиссаси, уларнинг билим даражаси, пул даромадининг миқдори, касби-кори, ирқи ва миллати, оила ва унинг таркиби қабилар киради. Бозор сегментлари аҳолининг урф-одати, расм-русуми, турмуш тарзи ва товарларни афзал кўришига қараб ҳам ажралади. Сегментларга ажралиш муайян товарларга нисбатан ҳам юзага келади. Масалан, кийим-кечак бозори болалар кийими, эркаклар кийими, аёллар кийими, ёшлар кийими, қариялар кийими бозорларига ажралади. Турли-туман сегментлар яхлит бозорни ташкил этади. Бозор ҳажми қанчалик катта бўлса, шунчалик сегментларга бой бўлади.

Бозорни олди-сотди қилинадиган объектлар жиҳатидан қараганда истеъмол товарлари ва хизматлари бозори, ишлаб чиқариш воситалари (ресурслар) бозори, меҳнат (иш кучи) бозори, молия бозори, интеллектуал товар бозорига бўлиш мумкин.

Истеъмол товарлари ва хизматлар бозори истеъмолчилар бозори бўлиб, аҳоли учун зарур бўлган товарлар ва хизматларнинг олди-сотдисини билдиради. Истеъмол бозорида аҳоли ўз истеъмоли учун товарлар ва товар сифатидаги пулли хизматларни харид қилади. Бу ерда сотувчилар билан харидорлар ўртасида олди-сотди муно-

сабатлари юз беради, пул эгаси товар олса, товар эгаси пул олади. Сотувчилар товар ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг ваколатини олган корхона, ташкилот ёки айрим фуқаролар бўлса, харидорлар кенг истеъмолчилар оммасидан иборат. Харидорлар фақат фуқаролардан иборат бўлмайди. Улар таркибига аҳолига бепул хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар, масалан, қасалхона, етимхона, болалар боғчаси, қариялар уйи, ҳарбий ва милиция қисмлари, қамоқхоналар қиради. Улар ҳам кенг истеъмол буюмларини сотиб оладилар. Истеъмол бозорида аҳолига ҳар хил, лекин маърифий, маданий, тиббий, техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатилади.

Истеъмол товарлари бозорининг ички товар манбаи — бу турли мулкка оид корхоналар яратган товарлар. Ташқи манба — бу товарлар импорти. Истеъмол товарлари бозорида аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳам айирбошлаш домига тортилади. Хизматлар — товарлашган ва товарлашмаган хизматларга бўлинади. Товарлашган хизматлар пулли бўлиб, бозор объектига қиради, ҳар қандай товар сингари олди-сотди қилинади. Товарлашган хизматларнинг хусусияти шуки, уларни ишлаб чиқариш (кўрсатиш), айирбошлаш ва истеъмол этиш бир-биридан ажралмайди. Улар бир вақтда юз бериши мумкин. Кўрсатилган хизмат дарҳол истеъмол этилиб, ҳақи тўланиши мумкин. Бунда айирбошлаш алоҳидалашмайди. Истеъмол товарларини айирбошлаш эса алоҳидалашган бўлади. Масалан, плашч ишлаб чиқарилгандан сўнг вақт ўтиши билан пулга айирбошланади, харид юз бергандан сўнг уни эгаси истеъмол этади, яъни қияди. Сартарошнинг хизмат кўрсатиши ва хизмат истеъмоли бир вақтда юз беради, уни пулга айирбошлаш ҳам айнан шу вақтда амалга ошади. Хизмат ёки товар ҳақини олдиндан тўлаш ёки уларни насияга сотиш ҳам мавжуд. Бу айирбошлаш ва истеъмол жараёнининг кетма-кетлигини ўзгартириб юборади, аммо бу ҳол мустасно равишда юз беради. Қонуний ҳолда истеъмол айирбошлашдан сўнг келади.

Агар пулли хизмат кўрсатиш бозор муносабати бўлса, бепул хизмат кўрсатиш — бозорга кирмайдиган муносабатларидир. Истеъмол буюмларини тақсимлашда бозор асосий жабҳа, аммо пул иштирок этмайдиган, бошқача тақсимлаш усуллари ҳам мавжуд, лекин улар бундан истисно тарзида бўладилар.

Ишлаб чиқариш ресурслари (воситалари) бозори ишлаб чиқаришни юритиш учун зарур бўлган ва товарга айланган меҳнат воситалари, ашё материалларининг тўғ-

ридан-тўғри ёки воситачилар орқали олди-сотди қилиниши. Бу бозорда машина, ускуна, асбоблар, бино, ер, хом ашё, ёқилги ва материаллар олди-сотди қилинади. Ишлаб чиқариш воситалари улгуржи равишда йирик партия (тўплар)да кўтарасига сотилади. Мазкур бозор субъектлари ҳам турли мулкчиликка оид корхона, фирма, янға тартибда ишловчилар, фермерлар, уй хўжалиги ва томорқа хўжалиги соҳибларидир. Бу ердаги товар айирбошлаш шахсий истеъмолга эмас, ишлаб чиқаришдаги истеъмолга хизмат қилади, яъни ишлаб чиқариш талабини қондиради.

Ресурслар бозори ўзининг уч белгиси билан бошқа бозорлардан фарқ қилади: биринчидан, бу ерда аслида меҳнат маҳсули бўлмаган, табиат иноми бўлатуриб мулкчилик туфайли товарга айланган восита — ер ҳам айирбошланади; иккинчидан, олди-сотди этилган товарлар ўз эгасини ўзгартириши, яъни улар бир мулк объектдан бошқа мулк объектига айланиши шарт эмас. Улар ўз эгаси мулки бўлиб қолгани ҳолда сотиб олганлар томонидан қисман истеъмол этилади. Бунда воситани истеъмол этиш ҳуқуқи сотилади. Масалан, асбоб-ускуна лизинги (ижараси) юз-берганда ижарага берилган нарса ўз эгаси мулки бўлатуриб, ишлатиш ҳуқуқини сотиб олганлар томонидан амалда фойдаланилади. Ижара-нафақат машина — ускуналарга, балки ер, бино ва иншоотларга ҳам тегишлидир. Ижарада товар нафлигининг, яъни эҳтиёжни қондириш хусусиятининг бир қисми харид этилади. Учинчидан, мазкур бозордаги айирбошлаш муносабатлари одатда бевосита ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида юз беради. Улар ўртасида воситачилар кам ҳолларда иш юритадилар.

Товарлар бозори аниқ шаклларда ташкил топади. Бу шаклларга ярмаркалар, товар биржалари, савдо уйлари, улгуржи ва чакана савдо фирмалари, ҳар хил магазинлар, дўконлар, каталог савдосини уюштирувчи ташкилотлар, экспорт ва импорт ташкилотлари киради. Бу ердаги товар айирбошлаш фақат — шаклан эмас, балки мазмунан ҳам фарқланади. Савдо ярмаркалари маълум вақтда ўтказиладиган савдо-сотиқ йиғини бўлиб, бу ерда товарлар улгуржи равишда олди-сотди қилинади. Товар муомаласи унинг эгаси билан савдо фирмаси ёки ташкилоти ўртасида юз беради. Ярмарка муомаласида бевосита истеъмолчи қатнашмайди. Биржа товар бозорининг ўзига хос бир кўриниши бўлиб, ривожланган бозор иқтисодиё-

тига хос. Биржа — бу маълум доирада улгуржи савдо-сотиқ ишларини ўтказувчи тижорат корхонасидир.

Биржа операцияси иштирокчилари ўзгариб туради. Биржа операциясида унинг доимий иштирокчилари ёки янги-янги иштирокчилар қатнашади. Биржада товарларга талаб ва товарлар таклифи жамланади, бу ерда айирбошлаш иштирокчилари шу хусусда битим тузишади, лекин товарни етказиб бериш ва ҳақини тўлаш биржадан ташқарида юз беради. Биржа ишининг оддий савдо-сотиқдан фарқи яна шуки, бу ердаги айирбошлашда товарларнинг ўзи эмас, балки уларнинг намунаси ёки мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар қатнашади.

Оддий савдо-сотиқда товарнинг нақд бўлиши, харидор уни кўзи билан кўриши, қўли билан тутиб кўриши ва сифати ҳақида шахсан қаноат ҳосил этиши юз беради. Бу ерда харидор ва сотувчи юзма-юз туради.

Биржада ҳолат бошқача: операцияларда товар эгаси ва харидорнинг ўзи қатнашиши шарт эмас. Улар номидан ишни махсус шахслар — брокерлар (даллоллар) юриштишади. Биржада савдо-сотиқ нақд турган товарлар билан қилинмайди. Товар биржадан жуда узоқ масофада, бошқа мамлакатда, турган бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистондаги пахта Ливернулдаги (Англия) биржада сотилади. Биржа савдо-сотиғида товарларнинг нақд бўлмаслиги, ташиш-сақлаш харажатларини тежайди. Мисолга қайтсак, Ливернулда сотилган пахта Тошкентдан тўғри Лионга (Франция) боради. Уни олдин Ливернулга, сўнг Лионгача ташиб ўтириш керак бўлмайди. Биржанинг яна бир хусусияти шуки, бу ерда ҳали ишлаб чиқарилмаган, аммо тайёрланиши тайин товарлар ҳам барвақт сотилади, эгаси тасарруфига тушиб улгурмаган товарлар ҳам сотилаверади. Масалан, 1993 йил июль ойининг бошларида биржаларда келгуси йил ҳосили ҳисобидан пахта толаси тоннасига 1420 доллардан сотилди. Биржада сотилган товар учун пулни дарҳол тўлаш шарт эмас.

Биржа ишининг ҳажми унинг обороти билан ўлчанади. Масалан, биржада 10 млрд. сўмлик савдо-сотиқ битимлари тузилган бўлса, бу унинг иш ҳажмидир. Оборот жиҳатидан бирон-бир савдо-сотиқ фирмаси биржага тенглаша олмайди, чунки унда айрим ёки бир гуруҳ товарлар талаби ва таклифи бутун бир мамлакат доираси ёки халқаро доирада жамланади. Масалан, Лондондаги нодир металлар биржасида олтинга талаб ва олтин таклифи дунё миқёсида тўпланadi. Олтин савдоси бўйича ҳеч қандай фирма Лондон биржасига тенглаша олмайди.

Биржанинг яна бир белгиси — бу унинг юксак даражада ташкил этилган ва уюшган бўлишидир. Бу ерда чайқов бозоридаги каби, тартибсиз кўр-кўрона, савдо-сотиқ бўлмайди. Биржалар операцияларни белгиланган тартиб-қоида асосида ўтказадилар, келишиб белгиланган нарх амал қилади.

Биржа тожирлар жамияти бўлиб, ўз доирасидан ташқаридаги савдо-сотиқда ҳам товарлар баҳосини белгилашда қатнашади. Биржада товарларнинг катта қисми сотилганидан бу ердаги нарх бошқалар учун ҳам мўлжал бўла олади.

Биржалар универсал ва ихтисослашган бўлади. Универсал биржаларда ҳар хил товарлар, ихтисослашган биржаларда айрим турдаги ёки бир гуруҳ товарлар сотилади. Масалан, Лондон биржасида нодир металлар, Чикаго биржасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, асосан, ғалла сотилади.

Бозор кенгайган сари сотиладиган товарлар гоят кўпаяди, бу махсус ихтисослашган биржаларни талаб қилади, чунки бозорнинг ўзи табақалашиб сегментларга ажралади.

Савдо фирмалари муайян бозор сегментида тижорат ишини юритувчи ва ихтисослашган савдо-сотиқ корхоналаридир. Улар товар ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида воситачилик қилади. Уларнинг асосий вазифаси товарни истеъмолчига етказиш. Фирмалар мустақил бўлади ёки йирик саноат корпорациялари таркибида иш юритилади. Фирмалар улгуржи савдо ва чакана савдо билан шугулланадиган турларга бўлинади. Аммо ҳар иккала иш билан шугулланувчи фирмалар ҳам бор. АҚШда 80-йиллар охирида улгуржи савдо билан шугулланувчи фирмалар, идоралар, ташкилотлар ва якка савдогарлар жами 420 мингга бўлиб, улар 2 трлн. долларлик савдо қилишган.

Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бозорга чиқишида икки йўл бор: 1) **ўз товарини ўзи бозорда тақлиф этади.** Бунда корхона ўз вакиллар-агентлари орқали бозорга киради ёки ўз таркибида тижорат ишлари бўлимига эга бўлади, махсус агентларни ташқаридан ишга ёллайди. 1988 йили АҚШда товар ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг 50 мингдан ортиқ савдо агентлари бўлган. 2) **Товарлар махсус савдо фирмалари орқали бозорга чиқади.** Фирмалар ишлаб чиқарувчилар товарини харид этиб, бошқаларга сотиш билан банд бўлади. 1988 йили АҚШда 420 минг фирма, дўкон ва айрим шахслар улгуржи савдо

билан шуғуланган. Савдо фирмалари товарларни харид этганда унинг мулкдорига айланадилар ва шу сабабли уларнинг эгаси сифатида иш кўрадилар.

Бозорда фирмалардан ташқари агент (вакил) ва брокерлар (даллоллар) ҳам борки, улар ҳам харидор, ҳам сотувчи номидан иш юритадилар, лекин улар товарлар эгасига айланмайдилар, ўзганинг мулки бўлган товарларни айирбошланишига хизмат қиладилар.

Ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари бозор билан алоқа ўрнатганда улгуржи савдо функциясини бажарадилар. Ийрик фирмалар шундай қилишади. Масалан, АҚШдаги машҳур фирмалар бўлмиш «Дженерал-моторс», ИБМ, «Фрито Лей», «Проктер энд Гембл» ва «Континентал Бейнинг» нинг 50 мингта ўз савдо нуқталари бўлиб, улар орқали улгуржи савдонинг 40% ўтади.

Улгуржи иш юритувчи тижорат фирмалари товарни ўз мулкига олиб, сўнгра сотадилар ва бундан фойда кўрадилар. 1988 йили АҚШдаги тижорат фирмалари ҳиссасига улгуржи савдо-сотиқнинг 58% тўғри келди.

Агентлар ва брокерлар ўз зиммасига мулкдор мажбуриятини олмаган ҳолда товар эгаси билан пул эгасини бир-бирига боғлаб, воситачилик қиладилар. Улар воситачи ҳақини комиссия тўлов шаклида оладилар (комиссия тўлов улгуржи сотилган товарлар суммасининг 5—10% атрофида бўлади). Бозордаги воситачилар ишлаб чиқарувчиларни истеъмолчилар билан боғлаб товар ҳаракатини таъминлайдилар. Бозор кенгайиб борган сари уларнинг воситачилик аҳамияти ортади.

Товар ҳаракатини чакана савдо фаолияти яқунлайди. Бу фаолият билан ҳам савдо фирмалари шуғуланади. Улар товарни бевосита истеъмолчига сотадилар. Чакана савдо қилувчилар кўнчилик бўлади. 1988 йили АҚШда чакана савдо билан 2 млн. ташкилот шуғуланган. Чакана савдода товарларни йиғиб навларга ажратиб, товар ҳақида харидорларга ахборот бериш, товар бозорини ўрганиш, товарни сотишдек вазифалар бажарилади. Чакана савдода қатнашувчи субъектлар ниҳоят кўпчилик, улар миллион-миллион харидор ва сотувчилардан иборат.

Чакана савдо ҳар хил шаклда олиб борилади: мустақил дўкондорлар, махсус магазинлар, магазинсиз савдо автоматлари орқали бевосита ишлаб чиқарувчи корхонадан харид этиш каби савдо-сотиқ турларидан иборат. Ҳозир ривожланган мамлакатларда супер-маркет, яъни супермагазин орқали савдо қилиш ривожланган. Булар

харидорлар учун ҳамма нарса топиладиган ва аҳоли учун ҳар хил хизмат кўрсата оладиган корхонадир. Улар катта суммада савдо оборотига эга бўлади. АҚШда 1988 йили чакана савдо обороти 1,4 трлн. доллар бўлса, шундан 200 млрд. доллари супермаркетлар ҳиссасига тўғри келган.

✓ **Меҳнат бозори** — иш кучини олди-сотди қилиш муносабатини билдиради. Иш кучи инсонни меҳнат қилиш қобилияти сифатида товарга айланади, олди-сотди орқали ишлаб чиқаришнинг шахсий омили бўла олади. Потенциал меҳнат қобилияти бозордан ўтиб реал-амалда ишлайётган меҳнат қобилиятига айланади. Меҳнат бозорининг бир томонида иш кучи эгаси турса, иккинчисида иш кучига муҳтож корхона, фирма туради. Улар ўртасида айирбошлаш муносабати юз беради, бу ишга ёлланish ва ишга ёллаш шаклида юз беради ва товар бўлган иш кучини сотиш ва сотиб олишни билдиради. Меҳнат бозоридаги айирбошлаш оддий товарларни айирбошладан икки жиҳат билан фарқланади: оддий товарлар айирбошланганда улар бир томоннинг мулкидан бошқа томон мулкига айланади, яъни товарнинг эгаси ўзгаради. Иш кучи нулга айирбошланганда **иш кучи унинг эгаси мулки бўлиб қолаверади**, лекин уни ишлатиш сотиб олувчи ихтиёрига ўтади. Бинобарин, иш кучини бозор орқали истеъмол этиш уни эгасидан ажратиб олишни бирдирмайди. Гап шундаки, меҳнат бозорида инсоннинг ўзи эмас, балки унинг меҳнат қилиш қобилияти маълум муддатга сотилади. Иш кучи қанчалик бозор муомаласига тушмасин, барибир, инсоннинг қобилияти сифатида ундан ажралмайди, яъни ҳар доим индивидуал мулк бўлиб қолаверади. Одатдаги товарлар бозорида товарни амалда истеъмол этиш, уни сотиб олишдан аввал товарнинг ҳақи тўланиши шарт. Меҳнат бозорида муносабат бошқача. Бу ерда олди-сотди битими тузилади, холос. **Иш кучини нулга айирбошлаш** ундан кейин, яъни иш кучи **истеъмол этилиш борасида** амалга ошади. Демак, иш кучи аввал истеъмол этилиб, сўнгра унинг ҳақи тўланади. Иш кучи нархи — бу иш ҳақи, ишловчи ишга ёлланиб бўлиб, меҳнат жараёнига киришганидан сўнг берилади. Ўзининг функцияси жиҳатидан меҳнат бозори ресурслар бозорига яқин туради. У шахсий талабни эмас, балки ишлаб чиқариш талабини, яъни ишлаб чиқариш омилига бўлган талабни қондиради. Бинобарин унинг функцияси ишлаб чиқаришни ўстириш билан боғлиқдир.

Меҳнат бозори аниқ шаклларда юз беради, улардан

энг муҳими — меҳнат биржасидир. Савдо биржаси сингари меҳнат биржаси товарни — иш кучини пулга айирбошлашда воситачилик қилади, иш кучи эгаси билан уни ёлловчи корхона ёки фирма ўртасида туради. Биржада иш кучига талаб ва иш кучи таклифи бир-бири билан боғланади. Биржа бир вақтнинг ўзида ҳам иш кучини сотувчи, ҳам унинг харидори номидан иш кўради. У иш кучига тушган талабга биноан рўйхатдан ўтган ишсизларни бўш иш жойини эгаллаш учун ҳар хил фирма, ташкилот ва идораларга юборади. Меҳнат биржалари иш кучи сотилишини уюштириш билан чекланмайдилар, иш кучини истеъмолбон қилиш билан — кишиларни касбга йўллаш, касбни ўзгартириш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ишлари билан ҳам шуғулланадилар. Меҳнат биржаси бозор тизимининг унсур сифатида харажат қилади, пул топади. Унинг пул тушумлари ҳам иш кучи соҳиблари, ҳам ишга ёлловчиларнинг воситачилик хизмати учун тўлайдиган ҳақларидан иборатдир.

Меҳнат бозорида биржалардан ташқари ишга ёллаш билан шуғулланувчи хусусий фирмалар ҳам мавжуд. Улардан бири очиқдан-очиқ, расман иш юритса, бошқалари яширин ишлайди. Фирмалар асосан халқаро меҳнат бозорида фаолият кўрсатади, иш кучи экспорти ва импорти билан шуғулланади. Иш кучини импорт этувчи мамлакатдаги фирмалар иш кучига бўлган талабни ҳисобга олишса, иш кучи ортиқча бўлиб, экспорт қилинадиган мамлакатлардаги фирмалар эса хориждаги талабга биноан иш кучини ёллаб, уни иш жойига отказиш билан шуғулланадилар. Улар ўз хизмати учун ҳар икки томондан ҳақ оладилар. Халқаро меҳнат бозорида ғайриқонуний, яширин иш кўрувчи фирмалар ҳам бўлади. Улар арзон иш кучини қолоқ мамлакатларда ёллаб, ривожланган мамлакатларга отказиб беришади. Улар бу ишни миграция тўғрисидаги қонунларга зид равишда, яширин бажарадилар. Бир қатор мамлакатларда тартибсиз ички меҳнат бозори ҳам мавжуд. Бунга мисол қилиб айрим чет мамлакатларда кишиларни, айниқса, ёшларни яширин ишга ёллаб, бошқа мамлакатларга юборувчи фирмаларни кўрсатиш мумкин.

Меҳнат биржалари ва ошқора иш юритувчи фирмалар меҳнат бозорининг уюшган, махсус ташкил этилган шакллари бўлиб, улар фаолияти белгиланган тартибқоидаларга биноан юритилади. Мардикор бозори ва яширин ишловчи фирмалар тартибсиз, стихияли меҳнат бозорини ташкил этади, уларнинг ишини тартиблаб турувчи

расмий қонун-қоидалар бўлмайди. Цивилизациялашган бозор иқтисодийётига уюшган меҳнат бозори хосдир.

✓ **Молия бозори.** Бу бозор тизимнинг гоят муҳим унсури бўлиб, молия ресурслари (пул ва пулга тенглаштирилган қоғозлар) бозоридир. Молия ресурсларининг бир қисми бозорни четлаб, иккинчи қисми бозор орқали ўтади, мана шу иккинчи қисм молия бозорининг объекти бўлади. Бозор муносабатлари мулкдорлар билан пулга мухтожлар ўртасида юз беради. Пулнинг бозорга чиқарилиши ва ишлатилиши, биринчидан, шахсий истеъмол эҳтиёжларини қондирса, иккинчидан, нулдан пул чиқариб олиш эҳтиёжини қондиради. Шахсий жамғарма бўлган пулни шахсий эҳтиёжни қондириш учун молия бозоридан олиш бир нарса бўлса, уни жамғарилган қанитал бўла туриб, тадбиркорлик учун ишлатилиши, албатта, тамомила бошқа нарса. Шу боисдан молия бозори иккига ажралади: **истеъмолни қондирадиган пул бозори** ва **капитал бозори**. Биринчи бозорга тушган пул ресурси қарзга олиниб, шахсий истеъмол йўлида, масалан, автомашина харид этиш, уй қуриш, саёҳат қилиш учун ишлатилади. Иккинчи бозордаги маблағлар қарзга олинганда ёки сотиб юборилганда капитал сифатида ишга солиниб, фойда келтиради. Шунини ҳисобга олиб капитал бозорини икки майда бўғинга ажратиш мумкин: **есуда капитал бозори** ва **қимматбаҳо қоғозлар бозори**. **Есуда капитал бозори** — пул шаклидаги капиталнинг ҳақ тўлаш (процент бериш) шарти билан қарзга берилишидир. Унинг асосий кўриниши тижорат банклари қарзга пул беришидир. Бу ерда сотиладиган товар бўш турган пул, унинг нархи эса процент ҳисобланади. Бу бозорда олди-сотди юз берганда пул эгаси мулкдан ажралмайди, лекин унинг пулини вақтинча ишлатиш ўзгалар қўлига ўтади.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорида акция, облигация, вексель, чек, депозит, сертификатлар олди-сотди қилинади, ва бозор амалда фонд биржалари, аукционлар ва банклардан иборат бўлади. Бу бозорда ҳам сотувчилар ва харидорлар ўртасида брокерлар ва дилерлар (даллолар) воситачилик қилади. Қимматбаҳо қоғозлар келтирилган даромадига қараб ҳар хил нархда сотилади. Қимматбаҳо қоғозлар бозори миллий ва жаҳон бозорларидан иборат. Қимматбаҳо қоғозлар сотилганда улар сотувчи мулкдан харидор мулкига ўтади, демак мулк эгаси ўзгаради.

Молия бозорининг яна бир унсури **валюта бозоридир**. Бу ерда турли мамлакатлар валютаси олди-сотди қилинади, бозорда корхона, фирма, давлат идоралари ва фу-

қаролар қатнашади. Улардан бири валюта сотса, иккинчиси уни сотиб олади. Валюта бозори амалиётда валюта билан савдо қилувчи банклар ва валюта аукционни кўринишида бўлади. Ўзбекистонда валютани олди-сотди қилиш операциялари билан жумҳурият Марказий банки ва жумҳурият ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки шуғулланади.

Молия бозори пулни ва қимматбаҳо қоғозларни турли соҳалар ўртасида керагича тақсимлаб, иқтисодиёт ўсишига фаол таъсир этади.

✓ **Интеллектуал товарлар бозори** бозорнинг махсус тури бўлиб ақлий меҳнат маҳсули бўлмиш товарлар ва хизматларнинг айирбошланишини билдиради. У цивилизациялашган бозор иқтисодиётида кенг ривожланган бўлади. Бу ерда сотувчилар ва харидорлар махсус товар ҳисобланган илмий ғоялар, техникавий янгиликлар, санъат ва адабиёт асарлари, хилма-хил ахборотларни олди-сотди этиш юзасидан муносабатда бўладилар. Бу товарлар эгалари ёки улардан ваколат олган фирмалар бозорда таклифни шакллантирадилар. Талабгорлар эса турли фирмалар, уюшмалар, давлат идоралари, ҳар хил ташкилотлар ва фуқаролар бўлади. Мазкур бозор ҳам кичик қисмлардан иборатки, улар илмий-техник ишламлар бозори, кино бозори, тасвирий санъат бозори, мусиқа бозори, антиквар буюмлар бозори кабилардан ташкил тонади. Интеллектуал товарлар бозорида илмий-техникавий ишланмалар олди-сотдиси катта ўрин тутаяди. У амалда патент, лицензия ва ноу-хау сотишдан иборатдир. Бу ерда илмий-техникавий янгиликлар харидор мулкига айланиш шарти билан ёки ўз эгаси мулки бўлатуриб, вақтинча фойдаланиш шарти билан сотилади.

Янгиликлар бировлар монополияси бўлмагандагина эркин бозорга чиқаолади. Янгиликлар бозоридаги рақобат уларни яратишни рағбатлантиради.

Бу бозор ишлаб чиқариш новациясига хизмат қилади, яъни у фан-техника ривожига таъсир этади, шу сабабли унинг аҳамияти нафақат умуммиллий, балки интернационал ҳамдир. Илмий-техник ишланмаларга талаб ўта ўзгарувчан, бу бозордаги муносабатлар кўпинча мамлакатлараро бўлади. Илмий-техник ишланмалар маҳсулотнинг муҳим хусусиятларидан бири — унинг нафлик даражасини аниқлаш қийинлигидир. Кўп ҳолатларда унинг пировард натижаси умумий иқтисодий ва фан-техника потенциалини юксалтиришда фойдаланади.

Мазкур бозорда кўпинча **инновация фирмалари** иш

жоритадилар. Улар янгиликни топиш, уни бозорда сотиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан хизмат кўрсатадилар. Бу ишда **инжиниринг** ва **консалтинг** фирмалар ҳам қатнашади. Мазкур бозор фан-техника ривожига катта ҳисса қўшади, янгиликларни керакли жойда самарали қўлланишини таъминлайди. Ўз навбатида фан-техника тараққиёти бу бозорни кенгайтиради; унинг бозор оборотидаги ҳиссасини оширади. Оммавий санъат ривожланиши билан унинг таниқли турлари бозори, масалан, **кино бозори**, **шоу-бизнес бозори** олдинги сафга чиқади. Интеллектуал товарлар бозори энг динамик бозордир, у тез кенгайди; янги-янги сегментларга ажралади. Бунинг сабаби иқтисодиётда интеллектуал меҳнат мавқеининг кучайишидир. Ган шундаки, ҳозирги бозор иқтисодиёти илмталаб ишлаб чиқаришнинг ўсиши, турли хизматлар аҳамиятининг кучайиши билан характерланади. Булар ўз навбатида интеллектуал товарга талабни ошириб юборади.

Бозорнинг ўзи яхлит бўлганидек, унинг турлари ҳам бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади. Меҳнат тақсимоти мавжуд экан, фаолият турлари, албатта, маълум нисбатда бўлиши шарт. Шу боисдан бозор турлари ҳам маълум мувозанатда ривожланади, уларни яхлитликда 14, 15-расмдан кўриш мумкин. Эркин бозорнинг ривожланиши монопол бозор йўлини тўсади, аксинча ҳол ҳам юз беради. Истеъмол товарлар бозорига мос ҳолда ресурслар бозори ташкил топади. Ўз навбатида ресурслар бозоридаги ҳолатга қараб меҳнат бозори, илмий-техникавий янгиликлар бозори шаклланади. Бозор турларининг бир-бирига мослашуви иқтисодий ўсишнинг шарти ҳисобланади, чунки шу орқали иқтисодий мувозанат ташкил топади.

3. Тижорат сарф-харажатлари ва фойда

Тижорат тор маънода савдо-сотиқ билан шуғулланишдир. У азалдан мавжуд. Унга ислом таълимоти катта аҳамият беради. Пайгамбаримиз «ризқнинг ўндан тўққиз қисми тижоратдандир»¹ деб у билан шуғулланишга буюрганлар. Бозор иқтисодида тижорат гоят ривож топади, унинг мукамал шакллари пайдо бўлади.


Тижорат ҳар қандай фаолият сингари, маълум харажатларни талаб қилади. Савдо-сотиқда хизмат қилувчилар иш ҳақи оладилар, товарларни олди-сотди қилиш,

¹ Собир Сайхон, «Тижорат ва бир луқма ҳалол ош», 13-бет.

БОЗОР ТУРЛАРИ


14-расм

1. Субъектлар мавқеи жиҳатдан



15-расм

2. Объектлар жиҳатдан



уларни ташиб келтириш, харидорга элтиб бериш, уларни истеъмол этишни қулайлаштиришда моддий ва меҳнат сарфлари бор. Товарларга кетадиган меҳнат сарфлари ишлаб-чиқариш доираси билан чекланмайди, чунки товарлар ҳаракати ишлаб чиқаришдан бошланиб, бозорда давом этади, товар истеъмол этилиши билан якунланади. Товарни ишлаб чиқаришдан истеъмолгача бўлган ҳаракати, меҳнат сарфини, бинобарин, харажатларни келтириб чиқаради. Савдо-сотиқни воситачилар амалга оширганда турли мулкий муносабатлар келиб чиқади. Товарлар ишлаб чиқарувчи мулкидан тижорат фирмаси мулкига айланган ҳолда истеъмолчига сотилади ёки улар ишлаб чиқарувчи мулкда қола туриб, агентлар, бро-

керлар ёрдамида олди-сотди иши амалга ошади. Буларнинг барчаси харажатларга таъсир этмай қолмайди. Товар мулкдори ўзгарганда тижоратчи фирма товарларини улгуржи нарх билан ўз номига сотиб олиши учун пул ажратиши керак. Товар эгаси ўзгармаганда бу маблағга эҳтиёж бўлмайди, улар харажатга кирмайди. Тижоратчи фирмалар ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлайди, товарларни ташиб, жойлаштириш учун транспорт ва омборга харажатлар қиладилар. Улар товарларни харидор истеъмолига мослаштириш, унга элтиб бериш, товарни истеъмол этиш юзасидан бу техникавий товарга тааллуқли) маслаҳат бериш каби ишлар сарф талаб қилади.

Харажатлар моддий ва меҳнат сарфидан иборат бўлади. Моддий сарфга бинолар ва ишлатиладиган машиналар, транспорт воситаси амортизацияси, ижара ҳақи, ҳар хил материаллар, ёқилғи ва энергия сарфлари кирдики, буларсиз савдо-сотиқни юритиб бўлмайди. Харажатларнинг катта қисмини реклама сарфлари ташкил этади. **Реклама товар ҳақидаги, савдо хизмати, нарх-наво ҳақидаги холнсона ахборотни харидорга етказишдир.** Ахборотсиз товарларни танлаб бўлмайди. Савдо-сотиқ ҳажми кўп жиҳатдан рекламага боғлиқ бўлиб қолади. Шу сабабли тижоратчилар рекламага катта пул сарфлайдилар. АҚШда 1986 йили реклама учун 103 млрд. доллар сарфланди. 1980—1986 йилларда реклама сарфи 1,9 марта ошди. Тўйинган бозорда рекламанинг аҳамияти ортиб боради, унинг харажатлари ҳам кўпаяди. Масалан, АҚШ телевидениясида 1 минутлик реклама эълони 150 минг доллар туради. 1984 йилда «Кока-кола» фирмаси реклама учун 342 млн. доллар сарфлаган, шундан 205 млн. доллар телевидение рекламаси учун кетган. Савдо кўргазмалари ҳам катта харажатлар талаб этади. АҚШда шу мақсад йўлида 1985 йили 85 млрд. доллар сарфланиши харажатда салмоқли ўрин тутди. Бозорда ўз сегментини топиш учун уни яхши билиш зарур. Шунини инобатга олиб тижоратчи фирмалар бозордаги талабни ўрганишга пул аямайдилар. Олди-сотди операцияларини савдо ходимлари юрғазишлар, уларга иш ҳақи бериш учун пул кетади. Тижоратчилар ҳар хил солиқ тўлайдилар, бу ҳам харажатга қўшилади. Тижорат учун харажатларнинг умумий сўммаси билан биргаликда товар оборотининг бирлигига кетган харажат ҳам аҳамиятли бўлади. Бунда ҳар 100 ёки 1000 долларлик савдо-сотиқ ҳажми учун қанча харажат бўлиши аниқланади. Бу савдо-сотиқ ишини серхаражат ёки кам харажатлигини кўрсатиб беради ва ўз

навбатида фойда миқдорига таъсир этади. Савдо-сотиқдаги харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлинади. **Доимий харажатлар** тижоратчилар фаолиятидан қатъи назар олдиндан белгилаб қўйилган ва ўзгармай қоладиган харажатлардир. Буларга бинолар ижараси ҳақи, машина-ускуналарнинг лизинг (ижара) ҳақи, банкка тўланадиган процент, давлатга бериладиган солиқлар киради, уларнинг миқдори олдиндан белгиланган бўлиб, улар маълум давргача ўзгармайди. Масалан, тижорат фирмаси бинони 5 йилга ва ҳар йилига 10 000 доллардан ижара ҳақи тўлаб туриш шарти билан олган бўлса, шу ижара пули миқдори 5 йилгача ўзгармаган ҳолда харажатларга киради. Фирма давлатга ҳар йили 20 000 долларлик солиқ тўлаган бўлса, бу ҳам ўзгармаган ҳолда харажатга қўшилади.

Ўзгарувчан харажатлар шундай сарфларки, уларнинг миқдори ҳар хил омиллар таъсири остида ва тижоратчилар хатти-ҳаракати натижасида ўзгариб туради. Ҳар хил омиллар орасида нарх асосий ҳисобланади. Харажатларни шакллантирувчи моддий сарфлар ресурсларнинг нархига боғлиқ бўлади. Бозорда ресурслар арзонлашса, харажатлар пасаяди, уларнинг нархи ошса, акси юз беради. Худди шундай қонуният иш ҳақи сарфига ҳам ҳосилдир. Иш ҳақи ошса, харажат кўпайиши турган гап. Харажатлар моддий ва меҳнат ресурсларининг тежамли ишлатилишига ҳам боғлиқ, аммо уларнинг тежалиши савдо-сотиқ иши сифатига путур етказиши ҳам мумкин, чунки рақобатли бозорда бу харидорларни бездириб, товар сотиш ҳажмини камайтириб юбориши мумкин. Тўйинган бозорда харидорни жалб этиш, унга қулайлик яратиш, қўшимча хизматлар кўрсатиш талаб қилинади. Бу шубҳасиз харажатларни, бинобарин, нархни оширади, лекин товар сотиш ҳажмини кўпайтириш имконини беради, чунки харидорнинг харид қобилияти юқори бўлган чоғда унга нархдан кўра кўсатилган эътибор ва хизматлар афзал туради. Бунинг натижасида оширилган нархда товар сотилиши қўшимча харажатларни оқлайди.

Савдо-сотиқдаги харажатлар ҳар хил йўллар билан қопланади. Фақат олди-сотди ишларини бажаришга, яъни товарни пулга айирбошланишига хизмат қиладиган харажатлар — соф тижорат сарфи бўлиб, унинг қопланиши товарни харид этиш ва сотиш нархи ўртасидаги фарқ ҳисобидан бўлади. Гап шундаки, ишлаб чиқарувчи ўз товарини сотиб бергани учун тижоратчига фойданинг бир қисмини кечиб беради, яъни товар тижоратчиларга

бозор нархидан арзонроқ сотилади. Товарнинг бозор нархи 100 доллар бўлса, ишлаб чиқарувчи уни тижоратчи фирмасига 95 доллардан сотилади. Натижада ўзи оладиган 20 доллар фойданинг (80 доллар харажат) 5 долларини кечиб беради. Шу 5 долларнинг 4 доллар харажати қопласа, 1 доллари савдо фойдасига айланади. Демак, товарни сотиш харажатини қоплаш ишлаб чиқариш ҳисобидан бўлар экан, аммо бу товарларни ташиш, сақлаш, қадоқлаш, ўраш ёки уларни истеъмолчи дидига мослаб бериш харажатларига тааллуқли эмас. Бу харажатлар товар қийматини оширади, унинг нархига қўшимча бўлиб киради, бинобарин, бу харажатлар товар сотилгач қопланади. Демак, мазкур харажат ўзини-ўзи оқлайди.

Савдо-сотиқ харажатларининг таркиби ўзгариб туради, чунки бозорнинг тўйиниш даражаси ошган сари харажатларнинг янги турлари келиб чиқади, савдода хизмат кўрсатиш маданияти ошади. Турли омиллар харажатларга ҳар хил таъсир этганидан уларнинг таркиби ўзгаради. Харид вақтини тежаш учун янги техникани (масалан, тез ишловчи касса аппаратлари, савдо автоматлари) қўллаш харажатлар таркибида моддий сарфлар ҳиссасини оширади, меҳнат сарфи ҳиссасини қисқартиради. Товарни харидор дидига мослаштириш ҳам меҳнат сарфини ошириб юборади.

Тўйинган бозор шароитида бозорни ўрганиш, унинг сегментларига товарни етказиб туриш, харидорга маслаҳат бериш харажатлари тез ўсади. Муҳими, цивилизациялашган бозорда реклама сарфларининг ҳиссаси ортиб боради. Харажатлардаги миқдорий ва таркибий ўзгаришлар бозор ҳажмининг кенгайишига, харидорлар вақтини тежаш, улар учун товарлар нафлигини ошириш ва шунга таянган-ҳолда аҳолининг қўшимча пулини бозор гирдобига тортишга қаратилади. Бозорга тушган товарлар миқдори ортиши билан харажатларнинг умумий миқдори кўпаяди. Аммо бозор учун харажатларнинг товар сотилиш ҳажмига нисбатан бўлган миқдори бирламчидир. Харажатлар ўсгани ҳолда товарларнинг сотилиши бундан тезроқ ўсиши керак. Шунда товар бирлигига кетган харажатлар камайиб, савдо фойдаси кўпайиши билан ўзини оқлайди. Харажатларнинг ўсиши ёки тежалишини уларнинг бозорни кенгайишига таъсири жиҳатидан қараш зарур.

Бозорда фойда-зарар деган ҳодиса бўлиб туради. Савдо (тижорат) фойдаси ҳам бошқа фойда турлари каби қўшимча маҳсулот қийматининг пулда ифодаланган қў-

ринишидир, лекин у товар муомаласи соҳасига хос бўлади.

Савдо фойдаси ўзининг манбаи ва ҳосил бўлиш механизми билангина эмас, балки ўзлаштириш субъектлари жиҳатидан ҳам муайян хусусиятларга эга. Савдо фойдасини ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг ўзлари ўзлаштириши мумкин. Бунда улар харидор билан бевосита алоқа ўрнатиб, олди-сотдининг ҳамма жиҳатларини (рекламадан тортиб то товарни элтиб беришгача) ўзлари кўтарадилар, шу боисдан савдо фойдасини ҳам ўзлари оладилар. Бу ерда савдо харажатлари ва фойдаси ўз мазмуни жиҳатидан алоҳида кўринишга эга бўлсада, ишлаб чиқариш ва савдо функцияси бир субъект қўлида бўлганидан ишлаб чиқарувчининг умумий харажатлари ва олган умумий фойдаси таркибига киради, ишлаб чиқарувчи ҳам савдо фойдасини, ҳам ишлаб чиқаришдан келган фойдани ўзлаштиради.

Савдо-сотиқ ишларида воситачилар иштирок этганда савдо фойдасини ўзлаштириш ишлаб чиқарувчилардан тижоратчиларга ўтади. Савдо-сотиқда ҳам эл қатори, яъни нормал фойда билан биргаликда ундан ортиқча ёки иқтисодий фойда ва омад фойдаси мавжуд (16-расм).

16-расм.

Фойда турлари

Тижорат (савдо) фойдаси		
Нормал фойда	Иқтисодий фойда	Омад фойдаси

Бозор учун нормал фойданинг бўлиши шарт, аммо капиталнинг савдо-сотиқдан чиқиб кетмаслигини таъминлаш учун иқтисодий фойда зарур ва бу фойда уни фаоллаштиради, бозорга қўшимча равишда ресурслар келишини таъминлайди. Шу сабабли бозорнинг муттасил ишлаб туриши учун нарх ҳеч бўлмаганда нормал фойда таъминланиши керак. Сотувчи бундай фойдани олиши учун нарх харажатларга тенг бўлиши зарур. Гап шундаки, бозор амалиётида нормал фойда савдо-сотиқ харажатларига киритилади. Бозор чакана нархи таркибига товарнинг улгуржи харид нархи, савдо-сотиқ харажати ва тижоратнинг нормал фойдаси кирган бўлади. Масалан, товарнинг чакана нархи 5000 сўм бўлса,

шундан 4500 сўм улгуржи нарх, 350 сўм харажатлар ва ниҳоят 150 сўм харажатга киритилган фойда бўлади. Мазкур нарх товарнинг бозордаги минимал нархи бўлади. Амалдаги нарх бундан ортиқ ҳам бўлиши мумкин. Шундай ҳодиса юз берганда **иқтисодий фойда** ҳосил бўладики, у товар сотишдан тушган пул, яъни кирим пули билан (уни даромад ҳам деб аташади) харажатлар ўртасидаги фарққа тенг бўлади. Савдо пули таркибида ҳам нормал, ҳам иқтисодий фойда бўлганидан сотувчи нархни оширишга интилади, ammo буни бозор кўтарадими-йўқми, бу — талабга боғлиқ.

Савдо-сотилда фойда мавжуд экан, уни ишлаб чиқаришдаги фойдадан фарқи борми? — деган масала мавжуд. Савдо фойдасининг манбаи товар ишлаб чиқаришда жойлашган. Ишлаб чиқаришда яратилган қўшимча маҳсулотнинг бир қисми савдо фойдасига айланади ва уни тижоратчи ўзлаштиради. Ишлаб чиқарувчи товарларини пуллаб бергани учун ўзи оладиган фойданинг бир қисмини тижоратчига кечиб беради. Мана шу қисм ҳисобидан тижоратчининг савдо-сотил харажатлари қопланади ва у савдо фойдасига эга бўлади. Фойданинг ишлаб чиқарувчи билан тижорат ўртасида тақсимланиши ишлаб чиқариш функциясидан товар муомаласи функцияси ажралиб чиқиб, мустақил аҳамият касб этиши билан изоҳланади. Ҳар бир функция фойда таркибида ўз улушига эга бўлади. Бу функциялар ажралмаганда фойда яхлитлигича ишлаб чиқаришнинг ўзида қолади. Масалан, саноат фирмаси ўзи савдо-сотил билан шуғулланганда, ўз товарини ўзи сотганда фойданинг икки қисмга ажралиши юз бермайди, у бутунлигича фирманинг ўзига тегади. Бунда савдо-сотил ишлаб чиқарувчи ишнинг давоми бўлиб кетаверади, ammo ўзининг мазмуни билан муомала фаолияти ҳисобланади.

Фойда ҳақида гап кетганда уни тижорат аҳли фақат ўзлаштиради, уни яратишда муомала соҳасининг ҳеч қандай ҳиссаси йўқ деб ўйлаш нотўғридир. Гап шундаки, муомала соҳасида ишлаб чиқариш жараёни давом этиб, қийматнинг ўсиши юз беради. Бу ерда қўшимча меҳнат бўлиб, у яратган қиймат фойда шаклига киради. Савдо-сотил соҳасидаги меҳнат функцияси фақат олди сотди ўтказишдан иборат эмас. Бу ердаги меҳнат янгидан товар яратмасанда, мавжуд товарларни сақлаш, ташиш, истеъмолчига элтиб бериш, товарни харидор дидига мослаш, унинг истеъмолини қулай қилиб, харидор вақтини тежаш каби вазифаларни бажаради. Бу меҳнат

товарни миқдоран кўпайтирмайди, лекин унинг истеъмол қийматини, наф келтириш даражасини оширади. Шундай экан, у қийматни оширади, унинг бир қисми эса фойдага айланади.

Истеъмолчига ишлаб чиқариш эмас, балки савдо-сотиқ яқин туради. Ўз-ўзидан маълумки, харидор товарни завод, фабрикадан эмас, балки магазиндан ёки дўкондан олади. Харидор талабининг икки-чикир томонлари тижоратда эътиборга олинади ва шу ерда уни қондириш мақсадида товар устида ишлаш давом этади. Қийматнинг савдо-сотиқда ўсган қисми, агар уни бозор тан олса, товар нархига киради, товар сотилгач, пул шаклини олади ва фойдага айланади. Қийматдаги ўсган қисмнинг ҳаммаси фойдага айланмайди, албатта, унинг бир қисми харажатларни қоплашга жетади.

Бозорга келиб тушган тикув машинасининг нархи 500 доллар, бу унинг қиймати деб фараз қилайлик. Муомала соҳасида шу машинани сақлаш, ташиш, созлаш, харидор талабига кўра унга айрим ўзгаришлар киритилиши туфайли қиймат 50 долларга ўсди. Шундан 40 доллар харажат бўлса, қолган 10 доллар шу ерда яратилган фойда бўлади. Албатта, қўшимча 50 доллар машинани сотилиш нархига киради. Аммо шуни ёддан чиқармаслик керакки олдинги 500 доллар таркибида ҳам ишлаб чиқарувчи кечиб берган қиймат бор, фараз этайлик у ҳам 50 доллар бўлиб, шундан 30 доллари сотиш харажатлари бўлса, 20 доллар фойдани ташкил этади. Бинобарин, жами фойда 30 доллар (10+20), лекин унинг манбалари ҳар хил: 10 доллар савдо-сотиқнинг ўзидан, 20 доллар ишлаб чиқаришдан.

Фойда манбаи ҳақида гап кетганда, уни фақат ишлаб чиқаришда яратилган фойда билан чеклаб бўлмайди, чунки харидорнинг пули ҳам манба бўлиб хизмат қилади. Бу, айниқса, иқтисодий фойдага тааллуқлидир. Товарнинг бозори чаққон бўлиб, нарх харажатлардан ортиб кетади. Ортиб келган нархдан харажатлар чегирилгач, қолган қисми иқтисодий фойдани ташкил этадики, унинг манбаи харидорнинг пул даромадидир. Бу даромад иш ҳақи, нафақа, пенсия, ижара ҳақи, қарз проценту, дивиденд кабилардан ҳосил бўлади. Демак, аҳолининг одатдаги даромади ҳам савдо фойдаси манбаи бўлиши мумкин.

Савдо-сотиқдаги фойданинг миқдори уч омилга боғлиқ: 1) **Бозордаги нарх даражасига.** Нарх ортишга мойил бўлса, шунга бивоан фойда ҳам ортади; 2) **Савдо-сотиқ оборотининг тезлигига.** Бозор чаққон бўлса, товарлар тез

сотилади; сотиш ҳажми ортади, фойданинг умумий миқдори кўпаяди; 3) **Савдо-сотиқ, яъни муомала харажатларининг** миқдорига. Фойда миқдори харажатга нисбатан тескари ўзгаради, яъни харажат камайса, фойда ортади ва аксинча.

Ишлаб чиқарувчи фойданинг бир қисмини тижоратчига кечиб берар экан, бу қисм савдо харажатини қоплашга ҳам кетиши аён. Агар харажат кам бўлса, кечилган фойданинг ҳақиқий савдо фойдасига айланган қисми албатта кўп бўлади. Олдинги мисолга қайтамиз, 500 долларлик тикув машинасининг улгуржи нархида 50 доллар кечиб берилган қиймат эди, харажат 30 доллар бўлгандан, унинг фақат 20 доллари фойдага айланган эди. Агар харажат 40 долларга етса, фойда 10 долларга тушиб қолади, аксинча, харажат 25 долларга тушса, фойда 5 долларга ортиб, 25 долларга тенг бўлади.

Савдо-сотиқдаги фойда тижоратчиларнинг ақл-заковатига, тажрибасига, бозорда вазиятни илғаб ола билишига ҳам боғлиқ. Бозорнинг чаққон ёки касод бўлишини кўра билиб, товарларни сотиб юбориш ёки сотмасдан вақт пойлаб кутиб туриш шубҳасиз фойдага таъсир этади. Товарни вақтида пулламадан касод бозорга йўлиқтириш фойдани камайтирса, уни вақтида сотиш фойдани оширади. Ўз навбатида бозор чаққон бўлишини пайқаган ҳолда нарх ошишини пойлаб сотмай туриш, нарх чўққисида уни сотиш фойдани сезиларли даражада оширади. Албатта, бундай имкониятлардан фойдаланиш бозордаги рақобатга боғлиқ, нарх ошишини кутган тижоратчини рақибни доғда қолдириши ҳам мумкин, чунки у ўз товарини вақтида сотиб, талабни қондириш ва бозорни касод қилиши мумкин.

Бозордаги қутилмаган фойдани **омад фойдаси** деб аташади. Уни мўлжаллаш хатарли иш, чунки бундай фойда бирон-бир фаолиятга бевосита боғлиқ эмас, у нархнинг қутилмаганда ошиб кетиши ёки нархи савдо-сотиқ харажатига кирувчи товарлар ва хизматларнинг арзонлашуви орқали юз беради. Масалан, фирма гамлаб қўйган нефть нархи ошади ёки нефть сақланадиган идишлар арзонлашади. Бу фирмага қутилганидан **ортиқча** фойда беради. Бу фойда фирма хатти-ҳаракати натижаси эмас, балки унга боғлиқ бўлмаган омиллар таъсири натижасидир. Бундай фойда ҳаммага ҳам тегавермайди. Шу сабабли бозорда **тегини аниқ бўлган фойдага** интилиш кучли бўлади. Бу рақобат шароитида тижоратчининг фаолиятига боғлиқ ҳолда унга тегадиган

фойдадир. Фойда тегишининг аниқлиги фойданинг ка-
фолатланиши эмас, албатта. Бу маълум шарт-шароит
бўлгандагина тижоратчининг фойдага эга бўлиш имко-
ниятидир. Барибир рақобат бор экан фойда миқдорида
ноаниқлик бўлади, бинобарин, бозор таваккалга иш
тутиш ҳам мавжуд.

Савдо-сотиқда ҳам фойдани максималлаштиришга,
энг кўп фойда олишга интилиш мавжуд.

Фойда миқдорини оширишга интилин товар соти-
лишини кўпайтиришга олиб келади, бу эса харидорга
яхши савдо хизмати кўрсатишни, керакли товар билан
харидор кўнглини олишни талаб қилади. Бинобарин,
савдо-сотиқда фойда топишнинг шarti савдо хизматига
бўлган талабни қондириш ҳисобланади.

Тижоратчилар учун фойданинг умумий миқдори му-
ҳим бўлса-да, фойда нормаси ҳам аҳамиятлидир. Мазкур
норма (ФН) икки усул билан аниқланади. Биринчи усул
— бу олинган жами фойда миқдори (ФМ) (уни
нормал ва иқтисодий фойдага ажратмаган ҳолда) қи-
линган харажатларга (Х) нисбати билан фойда нор-
маси аниқланади. Бунда:

$$\text{ФН} = \frac{\text{ФМ}}{\text{Х}} \times 100$$

Масалан, тижорат фирмаси бир йилда савдо-сотиқ
ишини юритиш учун 10 млн. доллар жорий сарф қил-
ган, шунинг эвазига 1,2 млн. фойда кўрган. Бинобарин,
фойда нормаси $\text{ФН} = \frac{1,2}{10} \times 100 = 12\%$.

Иккинчи усулда олинган фойда савдо-сотиқ ишига
қўйилган капиталга (К) нисбатан процент билан ҳисоб-
ланади:

$$\text{ФН} = \frac{\text{ФМ}}{\text{К}} \times 100$$

Фирма 20 млн. доллар капитал сарфлади. 1,2 млн.
доллар фойда олди. Фойда нормаси $\text{ФН} = \frac{1,2}{20} \times 100 = 6\%$
га тенг бўлади. Биринчи усулда жорий сарфларнинг фой-
далиги, иккинчи усулда қўйилган капиталнинг фойда
келтириши даражаси аниқланади.

Савдо-сотиқдан олинadиган фойда нормал рентабеллик-
ни (фойда олишни) таъминлаши даркор. Бу ерда сарфлан-
ган капитал бирлигига тегадиган фойда бошқа ердагидан
кам бўлмаслиги шарт, акс ҳолда капитал, бинобарин, ре-
сурслар бу ердан шошилиш чiqиб кетади, товар муома-

ласи қийинчиликка йўлиқади. Иқтисодиёт бир меъёрда ривожланиши учун ресурсларнинг керакли қисми савдо-сотиқда сақланиши зарур, буни эса фақат нормал фойда таъминлайди. Агар саноат ёки транспортда рента-беллик, яъни сарфланган капиталга нисбатан фойда миқдори 9% бўлса (масалан, ҳар 1000 доллар капиталга 90 доллар фойда), савдо-сотиқда ҳам фойда олиш шу даражага яқин туриши керак. Аммо бу ерда гап нормал, эл қатори, яъни энг кам деганда олиниши зарур фойда устида кетаяпти. Албатта, ошиқча ёки иқтисодий фойда соҳаларда табақалашган бўлади. Шу сабабли фойданинг капиталга нисбатан умумий миқдори савдо-сотиқда бошқа соҳаларга нисбатан ортиқ ёки кам бўлиши турган гап.

Тижоратчилар фаолиятига қараб савдо фойдаси турлича тақсимланади. Савдо-сотиқ билан махсус фирмалар шуғулланганда фойда уларнинг ихтиёрига тушади, шу ерда тақсимланади. Бу ишни брокерлар, маклерлар бажарганда савдо фойдаси харидор ва сотувчиларнинг комиссия тўлови шаклида ундириладики, улар одатда савдо-сотиқ ҳажмининг 5—10% га тенг бўлади. Бу тўловнинг бир қисми брокерлар идорасига, қолгани уларни ўзларига тегади. Бунда фойда уларнинг шахсий даромадига айланади.

Савдо-сотиқдан тушган фойда савдо-сотиқнинг ривож учун шу соҳанинг ўзига реинвестиция этилиши (қайтадан солиниши), бошқа соҳаларда капиталга айланиши, банкка қўйилиши ёки эгаси томонидан истеъмол учун сарфланиши мумкин. Тижорат иши пул билан бўладиган иш. Шу боисдан пулни ҳам кўриб чиқиш зарур.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА МУСТАҚИЛ ИШЛАШ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Бозор нима деганда савдо-сотиқ бўладиган жойни тушуниш илмий жиҳатдан тўғрими?
2. Ўзбекистон магазинларида 1993 й. аҳолига белгиланган рўйхатга биноан ва маълум нормада ва давлат белгиланган нархда энг зарур озиқ-овқат товарлари сотилади. Буни қандай бозор аломати десак бўлади?
3. Бозор қандай функцияларни бажаради?
4. Бозорнинг қандай турлари бор?
5. Бозор сегментларининг мезонлари нимадан иборат?

6. Ресурслар бозори истеъмол товарлари бозоридан нималар билан фарқланади?

7. Пахта биржасининг брокери биржа омборидан ўз пулига 100 тонна пахта сотиб олиб қўйди, улғужи савдо фирмаси эса 5000 тонна пахтани сотиб олиб, омборга жойлади. Кимнинг тижорат иши қонуний бўлади, саволнинг қўйилишида қандай хато бор? Ўйлаб кўринг.

8. Меҳнат, молия ва интеллектуал товарлар бозорларининг қандай хусусиятлари бор?

9. Тижорат харажатларининг ишлаб чиқариш харажатларидан қандай фарқи бор?

10. Тижорат (савдо) фойдасининг қандай хусусиятлари бор?

11. Савдо фойдасини олишнинг шартлари қандай?

12. Модали устки кийимлар магазинида мол яхши ўтмай қолди. Шундай шароитда магазин эгаси нима қилиши зарурлигини ўйлаб топинг: нархни тушуради, янги товарлар келтиради, ишловчилар малакасини оширади, реклама харажатини кўпайтиради, савдо хизматларини яхшилади. Тошган жавобингиз тўғрими, йўқми, шунини исботлаб кўринг.

XIII БОБ

ПУЛ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТ УЧУН АҲАМИЯТИ

1. Пулнинг функциялари

Бозор иқтисодиёти пул билан тирик. Пул бўлмаган жойда бозор иқтисодиёти йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Бозор иқтисоди товарлар ва товарлашган хизматларнинг ишлаб чиқаришдан бошлаб, то истеъмолчига бўлган ҳаракатидан иборатки, бу ҳаракат пул воситасида амалга ошади. Ишлаб чиқариш ресурслари бозорда пулга харид қилиниб, товарлар яратилади, яратилган товарлар пул даромадларига айирбошланиб истеъмолга ўтади. Товарлар шахсий истеъмолгами ёки инвестиция (ишлаб чиқариш) учун сарф этиладими, барибир пул ёрдамида ҳаракатга келади.

Бозор учун ишлаб чиқариш бор жойда пул ўта муҳим иқтисодий восита бўлади. У ишлаб чиқаришнинг такрорланишига хизмат қилади, иқтисодий ўсишга кўмаклашади. Пул шаклидаги маблағлар бозор орқали ресурсга айланади, ресурслар иштирокида товарлар яратилади, товарлар сотилиб яна пул олинади. Шундай ҳаракатнинг

қайтарилиб туриши иқтисодий жараён юз берганини билдиради.

Хуллас пул такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилади. У доимо оборотда (ҳаракатда) бўлади. Жамиятдаги пул обороти моддий оборотни, яъни яратилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳаракатини билдиради. Буни $ПМ \times ПО = Н \times ММ$ деб ифодалаш мумкин.

ПМ — пул массаси (миқдори); ПО — пул обороти тезлиги; Н — нарх даражаси; ММ — яратилган маҳсулот миқдори. (Масалан, ПМ=10 млрд. сўм; ПО=5 марта (йилига); Н=2,5 сўм; ММ=20 млрд. дона 10 млрд. $\times 5 = 2,5 \times 20$ млрд. 50 млрд. сўм=50 млрд. сўм.

Пулнинг иқтисоддаги аҳамиятини у бажарадиган функциялар белгилаб беради К. Маркс пулнинг беш функцияси (вазифаси) борлигини кўрсатган: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғариш воситаси тўлов воситаси, ва ниҳоят, ҳаҳон пуллари. Ҳозирги назарияларда уларнинг учтаси тан олинди.

Қиймат ўлчови — пул умумий эквивалент бўлиш товар экан, ўзида меҳнатни мужассамлаштиради ва шу сабабли товарлар қийматини ўлчай олади. Пулда ифодаланган қиймат — бу нарх. Товарнинг қанча туришини пул билан белгилаб, у 50 сўм, 10 доллар, 50 динор, 20 марка, 50 иен туради деб айтамыз. Буюмларнинг оғирлиги, эни ва бўйига қараб, килограмм ёки метр билан ўлчагандай, товарларнинг нархи пул булан ўлчанади. Ҳар бир мамлакатнинг ўз ўлчами бор — бу унинг миллий пулидир **Ўлчов бирлиги нарх маспаби дейилади.** Бирлик қилиб АҚШда доллар, Англияда фунт стерлинг, Туркияда лира, Германияда марка, Саудия Арабистонида риёл қабул қилинган ва ҳ.к.

Миллий пул инфляцияга учраб тез қадрсизланганда, товар нархини бошқа, қадри барқарор обрўли пулда, масалан, долларда ўлчайдилар.

Муомала воситаси. Пул олди-сотдида ишлатилади. Пул ёрдамида товарни харид этиш, пулга товар айирбошлаш (П — Т) ёки товарни сотиш товарни пулга айирбошлаш (Т — П) юз беради. Пул иштирок этганда товар айирбошлаш товар муомаласи шаклини олади. Бундан фарқлироқ, бартер — товарни товарга бевосита алмаштириш бўлиб, маълум келишилган нархни тақозо этсада, пул иштирокисиз юз беради. Бартерда товар олишни уни сотишдан ажратиб бўлмайди. Бартер пулсиз айирбошлаш бўлганидан бозор иқтисодиётига тўғри келмайди, шу сабабли пул қадрсизланган, товар топиш муш-

кул бўлган шароитда амалга оширилади. Пул ҳамма товарга айирбошланганидан, ҳамма ерда қабул қилинади. Агар пул бўлмаганда эди, керакли товар топиб олиш учун, ўз товарини бошқа товарга, бошқасини ва яна бошқасига алмаштириш кўп марта юз бериб, ниҳоят керакли товар учрагунча давом этар эди. Пул бундай мушкулликни осон қилади. У керакли товарни тез топиб, танлаб олиш имконини берганидан, айирбош-лашга кетган вақтни, бинобарин, унинг харажатларини тежаб қолади, олди-сотди бевосита товар айирбошлашга нисбатан юқори самарага эга бўлади. Ута тақчиллик юз бериб, бозор алоқалари бузилган шароитда айирбош-лашда талонлар ва купонлар жорий этилади. Булар арзон нархда ва белгиланган миқдорда ҳамда кафолатланган ҳолда товарлар сотиб олиш ҳуқуқи берувчи қоғозлар. Улар пул сифатида чиқарилмайди, лекин муомалада қатнашади. Шу сабабли уларни ҳам сотиш мумкин. Бу қоғозлар харид этишда пул билан фақат биргаликда товар айирбошлашга хизмат қилади. Ўзбекистонда ички бозорни ортиқча пулдан ҳимоя қилиш учун 1992 йилдан бошлаб купонлар чиқарилди. Натижада бозор икки қисмга ажратилди: 1. фақат пул қатнашувчи бозор; 2. ҳам пул, ҳам купон қатнашувчи бозор. Купонлар ва талонлар товар билан татбиқланганидан улар пулга ҳам айланиши мумкин. Масалан, Украина 1991 йил чиқарган «карбованец» деб аталган талонлар пулга айланиб кетди.

Жамғарма воситаси. Бу пулнинг жамланган бойлик шаклига қариб, ўз эгаси учун керак бўлганда харид этиш воситаси бўлиб хизмат қила олишидир. Пул — қоғоз ёки танга бўлгани учун бойлик эмас, балки ўзида меҳнатни мужассамлаштиргани, унга ҳамма нарсани харид этиш ёки уни жамлаб сақлаш мумкин бўлгани учун бойлик ҳисобланади. Пул бойлиқнинг махсус шакли, унинг бир кўриниши, чунки ундан бошқа шакл, кўринишдаги бойликлар ҳам бор. Масалан, уй-жой, ер-сув, ўрмонлар, конлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, машина-усуна, акция, облигация ва ҳ. к. Пул бойлик жамғарининг қулай усули, чунки пулда **ликвидлик** бор, яъни пулни тўлов учун ҳамма ерда унда белгиланган номиналга (ёзиб қўйилган миқдор, кўрсаткичи, масалан, 100 доллар деб ёзилган) қараб тўлов учун қабул қилинади. Пул бошқа ликвидлик воситаларига нисбатан, айтайлик, ер, бино, акция, облигация, сертификатларга нисбатан барқарор восита ҳисобланади, унинг қадри бир хил сақланади (инфляция бўлмаसा), бошқа ликвидлар нархи-қадри ўзгариб туради.

Аммо шиддатли инфляция шароитида пулни жамғариш бемаънилик бўлади. Пулни олиб, бирдан сарфлаш қулай бўлади. Шундай вазиятда жамғармани қадрли пулда бажарадилар.

Гап шундаки, инфляцияга учраган пулнинг харид қобилияти пасайиб боради ва унга ишонч йўқолади, ҳамма ундан қутулишга интилади, унга бошқа қадрли валютани сотиб ола бошлайдилар. Валюта бозорида чайқовчилик кучаяди. Қадрли валюта бу инфляцияга дучор бўлмаган ёки кам даражада унинг таъсирига берилган валютадир. Масалан, Германия маркаси йилига атиги 2% га қадрсизланади.

Жамғарила бориб харид қобилиятини сақловчи барча пул воситалари пул агрегати деб аталади. Бунга нақд пуллар, маълум муддатга ёки муддатсиз банкка қўйилган пуллар, сертификатлар ва бошқалар қиради.

Ҳозирги пул назарияларида пулнинг тўлов функцияси муомала воситаси билан қўшиб юборилади, олтин қўймалар шаклидаги жаҳон пуллари, умуман олтин пуллар йўқолиб, жаҳон пули вазифаларини айрим қадрли валюталар бажарганидан, пулнинг сўнгги тўлов воситаси ва жаҳон пуллари функциялари амалда йўқ деб қаралди. Пуллар турлича бўлади: танга пул, қоғоз пул, чек шаклидаги пул, электрон пул.

2. Пул қадр-қиймати. Пул талаб ва таклиф таъсирида

Пул товар экан, унинг жамият учун, инсон учун нафи, фойдалиги (истеъмол қиймати) бор, шунингдек, қийматга ҳам эга. Пулнинг фойдалиги, бинобарин, кераклиги шуки, у ўз функцияларини бажариб, иқтисодиёт мушкуллини осон қилади, иқтисодий алоқаларнинг воситаси бўлиб хизмат қилади. Пулнинг қиймати ҳам махсус. У металл пулни зарб этиш ёки қоғоз пулни босиб чиқариш харажатларини билдирмайди. Бу харажатлар пул қиймати эмас, пулни муомалага киритиш сарфларидир. Пулнинг қиймати, аниқроғи унинг қадр-қиймати деганда пул бирлигининг харид этиш қурби-қобилияти, яъни унга қанча товар ва хизматлар харид этиш мумкинлигини тушунилади.

Пул қадр-қиймати нархга, нарх эса ишлаб чиқариш харажатларига ва бозорга ташланган пул миқдорига боғлиқ. У харажатлар ва пул миқдорига тескари пропорционал (мутаносибликда) ўзгаради. Бу боғланиш нарх орқали юз беради. Шу сабабдан пул қадр-қиймати нарх

даражасига нисбатан тескари пропорционалдир: нарх пасайса пул қадри ошмади, нарх ошса пасаяди. 1990 йил Ўзбекистонда 10 тийинга бир қути, 1993 йил бошларида 2 сўмга бир қути гугурт олинган. Нарх ошгани туфайли пулнинг гугуртга нисбатан харид қобилияти 20 марта пасайди. Бу мувозанатнинг бузилиши, чунки гугуртни ишлаб чиқариш харажатлари 20 марта ошмади, балки пул массаси кўпайиб кетди. Пулнинг қадрсизланиши унинг ролини сусайтиради, чунки пул ўз функцияларини тўла бажара олмай қолади. Гап шундаки, пул нархни ўлчай олмайди, пулга товар сотиш ўрнига бартер келади, пулни жамғариш иқтисодий бемаъниликка айланади. Шундай шароитда мавжуд пулдан воз кечиб, бошқа пулга ўтиш, яъни пул ислоҳоти қилиш заруратга айланади.

Пул товар экан, у талаб ва таклиф таъсирига берилади. Пул таклифи муомалага чиқарилган маълум турдаги пул миқдоридир. У талабдан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин: кам бўлганда тўлов кризиси юзага чиқади. Масалан, 1992 йил МДХ мамлакатларида корхона-ташкilotлар бир-бирига пул тўлай олмай қолдилар, чунки нақд бўлмаган пуллар обороти секинлашиб, пул етишмай қолди. Демак, пул таклифи унинг муомалага чиққан миқдори билан ўлчанади, бу миқдор эса унинг оборот тезлигига қараб ҳар хил бўлади. **Пулга талаб хўжалик обороти учун керак пулга эҳтиёждир.** Пулга талабни корхоналар, ташкilotлар, аҳоли ва давлат билдиради, чунки улар хўжалик субъектлари, ишлаб чиқарувчи ёхуд истеъмолчилардир. Пулга талаб пул операцияларининг миқдоси ва тезлиги билан ўлчанади. Пул билан муомала қилиш ишлари қанчалик кўп бўлса, шунчалик пул кўп керак бўлади.

Агар пул қанчалик тез айланиб турса (оборот қилса), пулга талаб шунчалик қисқаради.

Пулга талаб деганда пулнинг олди-сотди, тўлов ишларидагина эмас, балки жамғарма сифатида ишлатилиши эҳтиёжини ҳам назарда тутиш керак. Пул жамғарилса процент туғади. Процент ошса маблағни бошқа ердан олиб, банкка қўйиш маъқул. Бу ҳолда акция ва облигация олгандан кўра пулнинг ўзини ишлатиш маъқул. Пулни эгаллаб туриш қулай бўлганидан унга талаб ошади. Аёс ҳолда бойликнинг бошқа тури қулай бўлиб қолади.

Пулга талабнинг миқдорий ўлчами бор. К. Маркс таълимотига кўра муомаладаги пул миқдори икки асосий

омилга боғлиқ: 1) товарлар нархининг суммаси (ТНС) — қанча товар бор, ҳар бир товар нархи қанча, яъни бозорга жами неча пуллик товар чиққан; 2) пул ҳаракати — пул обороти тезлигига (ПО), яъни пул неча марта олди-сотдига воситачилик қилади. Бунда $ПМ = \frac{ТНС}{ПО}$.

Агар $ТНС = 1$ трлн. сўм, $ПО = 5$ бўлса, унда $ПМ = \frac{1 \text{ трлн.}}{5} = 200$ млрд. сўм.

Хўжалик оборотида пулнинг доимо ҳаракатда бўлиши, пул ўз функцияларини узлуксиз бажариб туриши пул муомаласи дейилади.

К. Маркс иқтисодиётга зарур пул миқдорини пул муомаласи қонунига биноан аниқланишини қайд этган. Бу қонун пул миқдорига таъсир этувчи омиллар ҳаракатини билдиради. Бу қонун таърифи қуйидагича: муайян даврда муомалага зарур бўлган пул миқдори барча товарлар нархи суммасига (йиғиндисига) тўғри пропорционал, пул обороти тезлигига тесқари пропорционал ўзгаради.

Бозор иқтисодиёти ривожланган сари пул муносабатлари мураккабланиши, ўзаро боғлиқ пул оқими кучаяди. Товарлар, акция, облигация сотиб олиш, банкдан пул қарз олиш кучаяди. Бойлик шакллари кенгайди, уни сақлашнинг альтернатив (муқобил) усуллари пайдо бўлади. Уни нақд пул, банк счётидаги пул, олтин буюмлар, умуман қимматбаҳо буюмлар, акция ва облигациялар, ниҳоят, моддий шаклда сақлаш имкони пайдо бўлади. Бойликнинг қандай шаклда сақланиши ва қандай тарзда ишлатилиши пул миқдорига таъсир этади. Бундай боғланишни пулни миқдорий назарияси тарафдорлари ва кейинчилар¹ ҳисобга олишган. Миқдорий назариячилар пулга талабни уч нарсага боғлиқ деб қарашади: 1) нархларнинг мутлақ даражасига; нарх юқори бўлса, пул кўп талаб қилинади; 2) ишлаб чиқариш миқёсига, яъни ишлаб чиқариш кенгайса, аҳоли даромадлари кўпаяди; уларни тўлаш учун кўпроқ пул керак бўлади; 3) пул обороти тезлигига, яъни пул йилига неча марта даромад бўлиб қайтади ва неча марта олди-сотдига хизмат қилади. Шуларга кўра $ПТ = \frac{НД}{ЯМ} : ПО$.

Бунда $ПТ$ — пулга талаб; $НД$ — нарх даражаси; $ЯМ$ —

¹ М. Кейнс — инглиз иқтисодчиси ва унинг издошлари.

яратилган реал маҳсулот ёки реал даромад; ПО — пул обороти тезлиги.

Кейнсчилар, пул миқдорига таъсир этувчи омилларга қўшимча тарзда яна уч омилни кўрсатиб ўтадилар: тўлов учун пул зарурлиги; ҳар эҳтимолга қарши пулни вақтинча бўлса-да жамғариб, керак бўлиб қолганда бирдан ишлатишга интилиш; бойликни зарар кўриш хатаридан асраш учун пул шаклида сақлаш. Кейнсчилар пул миқдорига бойлик эгаларининг субъектив хатти-ҳаракатлари, интилишларини ҳам таъсир этишини инobatга олганлар. Энг сўнгги назарийтчилар, масалан, монетаристлар¹ пул миқдорига таъсир этувчи омилларга айтилганлардан ташқари банк проценти (реал) даражаси ва инфляция суръатларини киритадилар. Улар процент даражасини пул миқдорига икки хил таъсирини инobatга оладилар, биринчидан, процент нормаси пайсага, қарзга пул олиш кўнаяди, ишлаб чиқариш кенгайиб даромадлар ошади. Албатта, бу ўз-ўзидан пул миқдорини оширади. Процент камайганда бойликни банкда пул шаклида эмас, балки, масалан, акция, облигация шаклида сақлаш қулай бўлади. Процент ошганда бойликни пул шаклида сақлаш кучаяди, пулга талаб кенгайди, аммо пул ишлаб чиқаришга кам қўйилиб, даромад камаяди, пулга талаб қисқаради.

Инфляцияга келсак, у пул миқдорини тўғридан-тўғри оширади, чунки пул бирлигининг қадри тушиб, хўжалик обороти учун тобора кўпроқ пул талаб қилинади. Энг сўнгги пул назарияларида бойлик ортиши билан уни пул шаклида сақлаш иштиёқи ҳам кучаяди, иқтисодий конъюнктура яхши бўлса, пулга талаб ортади, конъюнктура ёмонлашса, акс ҳодиса юз бериши қайд этилади.

Кўриб чиқилган ҳамма назарияларда пул миқдори ишлаб чиқариш ҳолатига, нархга, пул обороти тезлигига боғлиқ эканлигига эътибор берилади. Пул миқдорининг ишлаб чиқаришга алоқаси пулнинг товар билан таъминлаш зарурлигини, пулнинг махсус товарлигини ва шу жиҳатдан бойлик бўлишини кўрсатади, унинг айланиши ишлаб чиқаришдаги омиллар — ресурслар ва шунингдек, яратилган товар-хизматлар ҳаракатини билдиради.

¹ Уларнинг бош назарийтчиси М. Фридмен (АҚШ).

3. Инфляция ва унинг бартараф этилиши

Соғлом бозор иқтисодиёти пулга талаб ва пулга таклиф мувозанатда бўлишини билдиради. Аммо мувозанат бузилиб ҳам туради, бу пул миқдорига таъсир этувчи омилларнинг яндан чиқиш натижасидир. Биз юқорида кўрганмиздек, ишлаб чиқариш ҳажми, пул миқдори ва пулнинг айланиши тезлиги ва, ниҳоят, нарх ўртасида узвий алоқа мавжуд. Ишлаб чиқариш ўсмаган ҳолда пул миқдори ўсса, бунга жавобан нарх ошади. Агар ишлаб чиқариш ўсиб, пул кўпаймаса, нарх пасаяди. Ишлаб чиқариш кўпайиб, нарх ошган ҳолда пул тез айланса, пул миқдори қисқаради. Керакли пул миқдори фақат нархга қараб эмас, балки иқтисодиёт аҳволига ва пул тезлигига қараб белгиланади. Иқтисодий юксалиш юз берганда пул кўп бўлса, унинг товар билан таъминланиши ортади, пул қадри тушмайди. Аммо пул тез айланиб борса, унинг бир қисми ортиқча бўлиб қолади. Ғарб иқтисодчиларининг ҳисобига кўра 1854—1982 йилларда дунёда 30 та иқтисодий цикл-тебраниш бўлиб, унинг доирасида 18 марта ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва 33 марта юксалиши юз берди. Шу даврларда ишлаб чиқариш кенгайиб, қисқариб турди ва шунга қараб пул миқдори ўзгарди.

Нархнинг пул миқдорига таъсири қисқа даврда сезилмайди, узоқ даврда намоён бўлади. Агар пул миқдори иқтисодий ўсишга монанд равишда кўпайса, у қадрсизланмайди.

Ишлаб чиқариш ҳажми, пул миқдори ва пул обороти ўртасидаги мувозанат бузилса, инфляция юз беради.

Инфляция — муомалада керагидан ортиқча пул пайдо бўлиб, нарх-наво ўсиб, пул қадр-қиймати, яъни харид қобилиятининг пасайиши, пулнинг обрўсизланишидир. Инфляция нарх-наво индексининг ортишида, аниқроғи қимматчиликда ифода этилади. Инфляция унинг ҳар ойлик ёки ҳар йиллик суръатлари билан ўлчанади. Бунинг учун нарх-наво индекс белгиланади, яъни маълум йилдаги нархлар 100 деб қабул қилинади ва кейинги йилдаги нархларнинг ўзгариши шунга нисбатан ўлчанади. Масалан, 1990 йилги нархларни 100 деб олсак, 1991 йили у — 134 га, 1992 йил — 167 га, 1993 йил — 198 га тенг бўлади. Шунга қараб инфляция даражаси (ИД) ёки суръати аниқланади;

$$\text{ИД} = \frac{198-134}{134} \times 100 = 32,2\%$$

Инфляция сабаби нима? Сабаб иқтисодийда, аниқроғи ишлаб чиқаришнинг ўзида. Шунинг учун инфляцияни иқтисодий танглик билан бир вақтда юз бериши бежиз эмас. Ишлаб чиқариш суестлашиб, бозор талабидан орқада қолади, ишлаб чиқариш ҳамма ресурслардан фойдалансан-да, товар таклифлари пулни тўйдира олмайди, товарга чанқоқ пуллар ўз ташналигини қондира олмайди. Бу пуллар шахсий истеъмол учун, ишлаб чиқариш истеъмоли (инвестиция) учун ва, ниҳоят, давлат истеъмоли учун ажратилади, шунингдек, пул ташқаридан кибриб, экспорт талабини оширади. Товарлар ва хизматларнинг жами талабдан орқада қолиши нархни ошириб, пул бирлиги қадрини туширади. Бу одатда ортиқча талаб чақирган инфляция деб юритилади.

Бинобарин, пул миқдори асосан ишлаб чиқариш ҳолатига боғлиқ экан, уни сунъий равишда кўпайтириш, яъни экспансион пул сиёсатини юргизиш пул қадри тушиб кетишига асосий сабаб бўлади. Бу ишга давлат катта ҳисса қўшади. Давлат ўз харажатларини даромадлари билан қонлай олмайдиган шароитда бюджетда тақчиллик (дефицит) ҳосил бўлади. Буни давлат ортиқча эмиссия, яъни пул чиқариш ҳисобидан қоплайди. Пул кўпайиб, талаб ошади, натижада инфляция келиб чиқади. МДХ мамлакатларидаги инфляцияга давлатнинг ортиқча пул эмиссияси катта ҳисса қўшди. Масалан, пул эмиссияси Россияда 1993 йил ой сайин қуйидагича ўсди (фонз — ҳисобда): феврал—156,4, март—75,2, апрел—262,5, июнь—160,1. 1992 йил июнь ойидан 1993 йил июн ойигача пул эмиссияси 13 марта кўпайди. Товарларга талаб ортиқча бўлмаса-да, умумий нарх даражаси ўсиб, инфляция юз бера олади. Бунда таклиф инфляцияси пайдо бўлади. Унинг сабаби ўртача ишлаб чиқариш харажатларининг, яъни маҳсулот бирлигига кетган харажатларнинг ортишидир. Харажатлар ошганда муайян нархда товар сотиш фойдани қисқартиради, чунки улар тескари пропорционал ўзгаради.

Шундай шароитда ишлаб чиқаришни кўпайтириб, товар таклифини оширишга қизиқиш бўлмайди. Нарх ошгандагина, шунга қараб, товарлар таклифи кўпайиши мумкин. Харажатларнинг ортиши иш ҳақини иш унуми олмаган ҳолда ошириш туфайли кўпайишидан ҳам келиб чиқади. Шунингдек, бу ҳодиса ҳам ашё, ёқилғи ва материаллар нархининг кутилмаганда ошиб кетиши, хусусан сотувчи томонидан юқори нарх ўрнатилиши натижасида ҳам келиб чиқади. Масалан, 1993 йили Россияда

энергия омиллари (нефть, кўмир) нархининг ортиши Ўзбекистонда ишлаб чиқариш харажатларининг ошиб кетишига олиб келди.

Инфляция асосан уч хил бўлади:

1. **Ўрмаловчи, эвида бўладиган инфляция.** Бунда нарх-наво секин, ўрмалаган ҳолда орта бошлайди, иқтисодий ўсиш бўлиб туради, ишсизлик катта бўлмайди, инфляция суръатлари 2—3% атрофида бўлади.

2. **Сузиб юрувчи инфляция.** Бунда нарх-наво тезроқ ўса бошлайди, иқтисодий ўсиш суръатлари сусаяди, ишсизлик кўпая боради. Инфляция йилига 8—12% атрофида бўлади.

3. **Югурувчи инфляция ёки гиперинфляция.** Бу ҳаддан ташқари инфляция, нарх-навоининг шиддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши, пул топишига интилишнинг минимал даражага келиши билан характерланади. Гиперинфляциянинг яна бир белгиси корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли нима қилиб бўлса ҳам қадрли пул — валюта йиға бошлайди. Валюта қадрсизланган пулни муомаладан сиқиб чиқара бошлайди. Агар валюта етишмаса, пулсиз бир товар бошқасига тўғридан-тўғри (бартер орқали) айирбошланади. Гиперинфляция шароитида нарх-навоини мутлақо тартибга солиб бўлмайди. Нархлар ойига 40—50% атрофида ўсади. Гиперинфляция оқибатида мавжуд пул тизимининг тамомила барбод бўлиш хавфи туғилади, чунки пул ўз функцияларини бажармай қўяди. Ҳамма қадрсизланган пулдан қутилиш учун шовилинч равишда ҳозир кераксиз товарларни ҳам ола бошлайди. Нарх тез ўсади, шунга биноан аҳолининг пул даромади ҳам ўсади, натижада яна пул кўпаяди. Пул даромади ва нархлар бир-бирини етаклаб, юқорилашиб кетаверади. Беқарорлик туфайли пул, ишлаб чиқаришга қўйилмасдан қимматбаҳо буюмга айирбошланади, пулга ишонч йўқлигидан молия-кредит издан чиқади. Хуллас, гиперинфляция иқтисодий ҳалокатдир.

Инфляциянинг энгил турлари иқтисодий ўсиш шароитида юз берса, оғир турлари иқтисодий тургунлик ёки танглик шароитида содир бўлади. Инфляциянинг иқтисодий танглик билан биргаликда юз бериши **стагфляция** деб аталади. Инфляция иқтисодиётда турли оқибатлар қолдиради. Бу инфляциянинг қандай шароитда боришига боғлиқ. Агар инфляция бозор товарларга тўйинган вазиётда сушт кечса, пул қадрининг пасайиши талаб-аҳтиёжни қондириш учун кўпроқ пул топишга ундайди.

Пулга интилиш ишлаб чиқаришни олға суради. Яъни тақчиллик, яъни товарлар оммавий тақчил вазиятда шиддатли инфляция юз берса, қиммат бўлса-да, пулга товар топилмаса, ишлаб чиқаришни олға тортувчи куч бўлмайди, чунки корхоналар, ташкилотлар ва айрим кишилар ортиқча пул топишга интилмайди, чунки барибир пулга товар етишмайди. Бундай ҳол иқтисодиёт учун ҳалоқатлидир. Инфляцияни тез даф этмай туриб, иқтисодий стимуллар ҳаракатга келмайди. Собиқ СССР таркибига кирган, яъни МДХ давлатлардаги 90-йиллар бошидаги инфляция иқтисодий ўсишни бўғувчи инфляциядир.

Инфляция аҳолининг турли қатламларига ҳар хил таъсир этади. Қатъий белгиланган даромад олувчилар — нафақа, пенсия, стипендия, ижара ҳақи, хайрия пули эгаларининг, шунингдек, давлат бюджети молиялаштирувчи ташкилотларда маош олувчиларга тегадиган пулга нисбатан нарх-наво тез ўсади. Агар уларнинг даромади нарх ўсишига қараб тўла индексациялаштирилмаса, уларнинг турмуш даражаси пасайиб кетади. Айни пайтда ишлаб пул толувчилар турмуши пасаймасдан, ҳатто юксалиши ҳам мумкин. Айниқса, бу бизнесменларга хос. Нарх ҳаражатга қараб ёки ундан тез ўсса, фойда бир меъёрда қолади ёки ортади. Янги талабгир товарлар чиқарувчи корхоналар ҳам ютқазмайди. Улар товарнинг нархи бошқаларникидан тезроқ ўсади. Шунга қараб иш ҳақи ва фойда ҳам кўпаяди. Инфляция шароитида пул жамғармалари ҳам қадрсизланади, чунки уларнинг реал қиймати, яъни уларга олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори камаяди. Пулга тенглаштирилган қоғозлар суғурта полислари, акциялар, облигациялар, чеклар, сертификатлар реал қиймати ҳам пасаяди. Тўғри банкка жойлаштирилган пул ва қимматли қоғозлар даромад келтиради, лекин уни инфляция ютиб юбориши мумкин. Шиддатли инфляция чоғида қадрсизланган жамғармани оз бўлса-да қоплаш учун у индексацияланади, яъни унинг суммаси оширилади. 1991 йил Ўзбекистонда банкдаги аҳоли жамғармалари 40% миқдорида оширилди. Инфляция шароитида қарз берганлар ютқазса, қарз олганлар ютади, бу ҳам пул қадрининг пасайишидан келиб чиқади. Бу қутилмаган инфляция шароитида юз беради. Агар инфляция бўлишидан ҳамма оғох бўлса, қарз берилганда унга тўланадиган процент миқдори инфляцияни ҳисобга олиб белгиланади. Айтайлик, агар инфляция бўлмаса, банк 7% эваздан қарз.

беради. Агар йилига 5% га тенг инфляция кутулса, пулни ҳисобга олиб, банк қарз учун унинг 12 (7+5) % ыга тенг процент талаб қилади. Қарз берувчилар ютқазмаслиги учун қарз қадрсизланаётган пулда эмас, қадри барқарор, ҳеч бўлмаганда секин қадрсизланаётган пулда берадилар, ва шу пулда қарзни қайтариб оладилар. Қадрқиймати барқарор, бинобарин, обрўли пул билан қарз берилганда, қарздордан ундириладиган қарз ҳақи ҳам юқори бўлади. Масалан, қадрсизланган 100 бирликка тенг пул қарз қилинса, у 120 бирликда қайтарилади, агар қадри барқарор 100 бирликка тенг пул олинса, у 130 бирликда қайтарилади. Пул қадрсизланганда давлат қарзи ҳам қадрсизланади.

Инфляция оқибатларини альтернатив тарзда «ютиш ёки ютқазиш» деб қараб бўлмайди. Кишиларнинг моддий аҳволи икки ёқлама. Оиланинг ўзида бир киши қарз олса, иккинчиси қарз беради. Бир киши пулни ишлатиши ёки ишлатмаслиги мумкин, бировлар эса пул қадри пасаядиган ёки қадри ошиб борадиган соҳага жойлаштиради. Шу боисдан инфляция оқибати зиддий, ундан айни бир вақтда ҳам ютқазиш, ҳам ютиш мумкин. Инфляциядан фарқлироқ дефляция нарх-наво пасайишини, пул қадрининг ортишини билдиради. Шу сабабли инфляциядан ютқазганлар дефляциядан ютиб чиқадилар.

Инфляция иқтисодга путур етказгандан уни тугатиш ёки юмшатиш учун давлат антиинфляция сиёсати олиб боради. Бу сиёсат икки йўналишда боради: 1. **Ишлаб чиқаришни жонлантириш.** Товарлар ва хизматлар кўп яратилса, ортиқча пулларнинг ташналиги қондирилиб нарх-наво, бинобарин, пул қадри барқарорлашади. Шу сабабдан ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чоралари кўрилади. Ишлаб чиқаришга солинган фойда солиқдан озод қилинади, ишлаб чиқаришга арзон кредит берилади, янги ишга қўл урган корхоналарга бюджетдан субсидия ажратилади фирмалардан олинадиган даромад солиқлари камайтирилади, экспорт-импорт бўйича имтиёзлар берилади. 2. **Пул массасининг ортишини чеклаш ёки тўхтатиб қолиш, пулга талабни қисқартириш.** Шу мақсадда пул даромадлари (иш ҳақи, нафақа, пенсия, хайрия тўловлари) назорат қилиниб, уларнинг ўсиши чекланади ёки тўхтатилади. Ортиқча пулни товар бозоридан чиқариб, қантариб қўйиш учун депозитлар (қўйилган пуллар) учун банк тўлайдиган процент оширилади. Пул банкда жамланиб, товарларга талабни қисқартириб туради, уни ишлаб чиқаришга юбориш имкони пайдо бў-

лади. Масалан, АҚШда 80-йиллар бошида банклар йилига депозитлар учун 15—18% тўлайдиган бўлдилар. Бу бозордаги пулларнинг кўп қисмини депозитга айлантирди. Муҳими дунёдаги пуллар АҚШ банкларига оқиб келди, улар ишлаб чиқаришга қўйилиб, иқтисодий жонланиш юз берди. Пул оқимини қисқартириш учун бюджет тақчиллиги ва унга боғлиқ пул эмиссияси жиддий чекланади ёки тўхтатилади. Буни тақчилликсиз молиялаштириш дейилади. Зиддийинфляция тадбирлари пулни даволаш йўли, соғлом пул — соғлом иқтисодиёт демакдир. Пул қадр-қийматининг барқарорлашуви уни топишга интилишни кучайтиради, бу эса иқтисодий ўсишни юзага келтиради.

4. Валюта муносабати

Иқтисодий алоқалар давлатлараро доирага чиқиб, байналмилаллашиб боради, пулни халқаро иқтисодий муносабатлар воситасига айлантиради. Бу бир пулни иккинчи пулга айлантиришни тақозо этиб, ягона жаҳон пулини талаб қилмайди. Масалан, АҚШ билан Германия ўзаро савдо қилганида қандайдир янги пул керак эмас. Бунинг учун доллар маркага айирбошланса бўлгани. Миллий доирада амал қилувчи, қадр-қиймати шу мамлакат бойлиги билан таъминланган пул валюта дейилади. Валюталар бир-бирига айирбошлаганда валюта муносабати пайдо бўлади. Бу муносабат ҳукуматлар, фирма-корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар ўртасида юз беради. Пулнинг пулга сотилиш нархи валюта курси дейилади. Шу нархга кўра валюталар бирлиги ўртасидаги нисбат валюта паритети дейилади. Масалан, бир долларнинг 120 иенга сотилиши долларнинг валюта курси, улар ўртасидаги нисбатнинг 1:120 бўлиши валюта паритетидир.

Валюта курсини белгиловчи омил турли давлатлардаги нархлар нисбати, яъни ҳар бир валютанинг харид қурби, қадр-қиймати ҳисобланади. Бу ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ. Юсак ривожланган мамлакатлар валютасининг курси юқори бўлади. Масалан, сўнгги 30 йил давомида Германия ва Япония иқтисодиёти тез ривожланиб борганидан марка ва иенанинг харид қобилияти ортди ва шунга кўра уларнинг долларга нисбатан курси юқорилашиб борди. Пулга нимани ва қанча харид этиш имкони ёки мамлакат

ичида ва ташқарисидаги нархлар нисбати валюта курси учун объектив асосдир.

Аммо валюта бозоридаги реал курсга бундан ташқари муайян валютага бўлган талаб ва таклиф нисбати ҳам таъсир этади. Агар нархлар нисбатига қараб ташкил топган валюта курсини унинг дастлабки нархи десак, талаб-таклиф шакллантирган пировард бозор нархи ундан юқори ёки паст бўлади. МДХ мамлакатларида бозорга ўтиш давридаги валюта бозорига хос нарса ҳар иккала нархнинг бир-биридан тез йироқлашувидир. Агар пулга нима беришни назарда тутиб, Россиядаги рублнинг долларга нисбатан валюта курсини 1992 йил декабрь ойига ҳисобланганда қуйидагилар келиб чиқади: озиқ-овқат нархига қараб, 1 доллар=31,7 рубль, кийим-кечак нархига қараб, 1 доллар=60 рубль, капитал қурилишидаги нархга қараб, 1 доллар=52 рубль. Умуман ҳамма товарлар ва хизматлар эътиборга олинганда 1 доллар=45 рубль бўлади. Амалда эса 1 доллар валюта бозорига 450 рубль бўлади. Доллар амалий нархнинг дастлабки нархидан 10 баробар юқори бўлишига сабаб, унга ўта юқори талабнинг бўлиши ва бозорга чиққан долларнинг камлигидир.

Иқтисодий сустлик ва қийинчилик вазиятида қимматчилик ва тақчиллик туфайли ортқча пул ўзига жой топа олмай қолади. Иқтисодий беқарорликда пулни ишлаб чиқаришга қўйиш ўта хатарли бўлади, истеъмолчилар даромадларини жамлаш учун пул бўлса-да, товарлар етишмайди. Пул товар бозоридан чиқиб валюта бозорига келади. Бу ерга илгари экспортда юрган пуллар ҳам кириб келади. Олдин валютага қизиқмаганлар ҳам пулни сақлаб қолиш учун валюта бозорига чиқиб, уни шопинг сотиб олабошлайдилар. Чунки пулни ишончли асрашнинг бошқача йўли қолмайди. Биринчидан, пул массасининг ошиши, иккинчидан, валютанинг тезаврацияси (бойлик тўплаш) воситасига айланиши унга талабни оширади, бинобарин, хориж валюта курси ошади, қадрсизланган пул курси янада насаяди.


Ўзга валютага талаб давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг кенгайишидан ҳам келиб чиқади. Чет эл товарларини сотиб олиш, чет элдаги транспорт ва алоқа хизматларидан фойдаланиш, четга капитал ва иш кучини чиқариш, бошқа давлатлар ёки халқаро ташкилотлардан қарз олиш, хорижий туризм—буларнинг ҳаммаси бошқа валютага талаб қақиради. Шу сабабли валюта курси пул қадр-қийматига боғлиқ бўлса-да, ундан анчагина фарқ

қилади. Иқтисодий барқарор мамлакатлар пулининг валюта курси ҳам барқарор бўлади, тез ўзгармайди. Масалан, 1993 йил февраль ойи бошида валюта бозорида 1 доллар курси 124,60 шен, 1,6410 марка, 0,6930 фунт стерлинг, 5,5515 француз франки, 1523,75 итальян лирасига тенг бўлди. Бу 1992 йил февраль ойидаги курсдан кўп фарқ қилмайди. Аммо 1993 йилда рублнинг доллардаги курси 1992 йилга нисбатан бир неча баробар камайди (17-расм).

- 240 -

17-расм

Ўзбекистонда АҚШ долларининг
рублдаги расмий курси
(доллар = рубль)



Валюта курсининг пасайиши товарлар экспортини, кўтарилиши эса импортини қулай қилади. Товарни ташқарига чиқариб, мамлакатдаги нархга нисбатан бир неча баробар арзон сотиш ҳам маъқул бўлади. Масалан, костюм ички бозорда 500 сўм туради дейлик, ташқи бозорда шундай костюм нархи 60 доллар. Валюта курсига кўра 1 доллар = 60 сўм. Доллар ҳисобида костюмнинг ички бозордаги нархи $500:60=8,25$ доллар.

Шу костюм четда ички бозордагидан 6 марта арзон сотилганда ҳам ютиб чиқиш мумкин ($60:10=8,25=1,75$ доллар).

Давлат валюта курсини ўзгаришидан миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш, унинг ривожига шароит ҳозирлаш учун фойдаланади. Давлат томонидан расмий равишда валюта курсининг пасайтирилиши девальвация

дейилади. Масалан, 1 доллар = 120 иен бўлса, иен девальвация этилгач, унинг курси пасайтирилиб 1 доллар = 130 иен бўлиб қолади. Валюта курсининг расмий оширилиши ревальвация дейилади. Агар 1 доллар = 120 иен бўлса, иен ревальвациясидан сўнг 1 доллар = 105 иен бўлади.

Валюта курси икки турга бўлиниши мумкин: 1) қатъий ўзгармайдиган курс — валюталар нархи барқарор туради; 2) сузиб юрвчи курс — валюталар курси ўзгариб туради, аммо маълум чегарада юз беради, яъни курс чексиз ошиб ёки камайиб кетмайди.

Валюта курси таъсирида экспорт ёки импорт устиворлиги таъминланади, бозор ўзгариб, ресурслар оқими ҳам ўзгаради. Валюта курсининг ўзгаришлари бевосита иқтисодиётга таъсир этганидан уни ўзгартириш билан иқтисодиётга тартиб берилади.

Валюта курси пул қадрини ифодалайди. Халқаро миқёсдаги ўз қадрига ва обрў-эътиборига қараб, валюталар икки гуруҳга бўлинади:

1. Конвертирланган валюта — бошқа валюталарга эркин алмаша оладиган пул.

2. Конвертирланмаган валюта — бошқа валюталарга алмаштириш учун қабул этилмайдиган пул.

Валютанинг қайси гуруҳга кириши унинг барқарорлигига боғлиқ. Масалан, француз франки конвертирланган бўлса, рубль конвертирланмаган пул. Франк ҳамма жойда бошқа пулга алмашади.

Рубль эса фақат МДХ мамлакатлари ички бозорида бошқа валютага алмашади, лекин бу ҳам чекланган. Валюта аввал мамлакатнинг ўзида алмашилади. Бу ички конвертирланиш. Сўнг у умуман конвертирланган пулга айланиши мумкин.

Конвертирланган валютанинг ўзи икки хил бўлади. Биринчиси — эркин конвертирланган валюта — бу чекланмаган миқдорда ва ҳамма пул операцияларини бажариш учун ҳамма валюталарга эркин алмашадиган пул. Бундай хусусият қадр-қиймати барқарор, ишончли равишда бойлик билан таъминланган пулларга хос. Улар жумласига АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, Германия маркаси, Япония иени, Швейцария франки каби пуллар киради. Улар амалда жаҳон пуллари ҳисобланади. Иккинчиси — одатдаги конвертирланган валюта — бу фақат маълум пул операцияларини ўтказиш учун, чекланган миқдорда бошқа валютага алмашадиган пул. Бу пул ўз-ўзидан жаҳон пули эмас, унинг амал доираси чекланган.

Масалан, Швецария франки эркин конвертирланган бўлса, француз франки бундай эмас, у чекланган тарзда конвертирланади.

Бозор иқтисодига ўтаётган мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда конвертирланган валютанинг бўлмаслиги, унинг жаҳон бозорига, хусусан, капитал бозорига чиқишига тўқинлик қилади. Конвертирланган валюта йўқ жойга хориж капитали ошиқмайди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг шarti энг аввал пулни ички конвертабеллигини таъминлаш — миллий пулни хорижий валютага мамлакат ички бозориди эркин айирбошлашни таъминлашдир. Сўнгра эса пулни ташқи валюта бозориди конвертирлаш зарур бўлади. Шундай валютанинг юзага келиши жаҳон иқтисодиётига қўшилишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Конвертирланган валюта ишончли равишда экспорт-импорт операцияларини ўтказишни кафолатлайди, бу эса товарлар ва пул оқимини мослаштириб, бозорда мувозанат бўлишини таъминлайди.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА МУСТАҚИЛ ИШ

ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Нима сабабдан пул бозор иқтисодиётининг ғоят муҳим воситаси ҳисобланади?
2. Пулни бойликнинг бошқа турларидан афзаллиги нимадан иборат?
3. Турли назарияларда пулга талаб қандай белгиланади?
4. Пул қадр-қиймати нималарга боғлиқ?
5. Инфляция сабаби нима, унинг турлари қандай фарқланади?
6. Инфляцияни қандай йўллар билан бартараф этиш мумкин?
7. Конвертирланган валютанинг қанақа турлари бўлади?
8. Қуйидаги валюталарнинг қайси бири эркин конвертирланган валюта эканини аниқлаб кўринг: Канада доллари, Австралия доллари, Ирландия фунт стерлинги, Швейцария франки, Франция франки, Англия фунт стерлинги, Швеция крони, Голландия гульдени, Туркия лираси, Саудия Арабистони риёли, Финляндия маркаси.
9. Япония ички бозориди «Тойота» автомашинаси 1,8

млн. иен туради. АҚШ да эса у 15 минг доллардан сотилади. Долларларнинг валюта курси: 1 доллар=120 иен. Долларнинг валюта курси 25% камайди. Ҳисоблаб кўриб хулоса қилинг: валюта курсининг ўзгариши «Тойота» нинг экспортига қандай таъсир этди.

XIV БОБ

ТАЛАБ ВА ТАҚЛИФ

1. Товарлар ва хизматларга талаб

Бозорда бир томондан товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар, иккинчи томондан бу товарларни истеъмол қилувчилар ҳаракат қилади. Истеъмолчиларнинг бозордаги ҳаракати талаб шаклида намоён бўлади. **Талаб — бу энг аввало бирон-бир товар ёки хизматларга бўлган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлишидир.** Талабнинг асоси эҳтиёж бўлар экан, эҳтиёж бўлиб талаб бўлмаслиги ҳам мумкин. Талаб реал (амалий) бўлиши учун товарни сотиб олишга етарли пул бўлиши керак, ҳақиқат бўлмайдиган эҳтиёжни бозор ҳисобга олмайди. Демак, талаб — бу шунчаки эҳтиёж эмас, балки тўловга қобил, пул билан таъминланган эҳтиёждир. Масалан, кимнингдир пальто сотиб олиш хоҳиши бўлса-ю, бироқ бу хоҳиш харид қилиш қобилияти билан мустаҳкамланмаса, яъни зарур миқдорда пули бўлмаса, хоҳиши рўёбга чиқмайди, унинг пальтога бўлган эҳтиёжи бозорда юзага чиқмайди, яъни талабни ташкил этмайди.

Айрим харидор, қандайдир истеъмолчилар гуруҳи ёки бутун жамият харид қилиб олишни хоҳлаётган аниқ тайин товар ҳажми талаб қилинган товар миқдори дейилади. Истеъмолчилар сотиб олишни хоҳлаётган товарлар ҳажми билан харидорлар томонидан реал сотиб олинган товарлар миқдорини фарқлаш керак, чунки улар мос тушмаслиги ҳам мумкин. Кўп ҳолатларда харидорлар реал харид қилиб олиши мумкин бўлганига қараганда, баъзи бир товарларни катта миқдорда хоҳлайдилар, бу хоҳиш эса уларнинг шу товарларни сотиб олиш учун зарур пулга эга эканлигини, яъни унинг хоҳиши хаёл бўлмасдан амалий бўлишини кўрсатади.

Талаб қилинган товарлар миқдорини бир қанча омиллар белгилайди: товар ёки хизматлар нархи, харидорлар

диди, таъби; истеъмолчилар даромади; ўринбосар товар ва хизматчиларнинг нархи; мавжуд товар ва хизматларни харид қилиб олувчиларнинг умумий сони; инфляция аҳтимоли ёки таҳмини.

Юқорида кўрсатилган омиллар таъсирида талабнинг ўзгариб туриши содир бўлади. Бу ўзгаришда асосий масала, туб негиз талаб ва товар нархнинг ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Чунки санаб ўтилган омиллар орасида нарх ва харид қобилияти талабнинг тез ўзгаришига олиб келади. Талаб билан нархлар ўртасидаги ўзаро таъсирни ҳар қандай товар бозорида кузатиш мумкин: мисол учун мол гўштини олайлик. Бунда ҳамма сотувчилар сифати бир хил гўшт сотадилар ва аҳолининг даромадлари, анъаналари, дидлари, айрим жойдаги яшовчиларнинг маълум сони ўзгармай қолаверади деб фараз қилайлик, мисолимизда фақат гўштни нархи ўзгаради. Дастлаб айрим истеъмолчи талабнинг ўзгаришини кўриб чиқамиз.


7-жа двал

Якка талабнинг нархга боғлиқлиги

1 кг гўшт нархи (сўм)	Талаб қилинган гўшт миқдори (кг)
50	1
40	2
30	4
20	6
10	8

Жадвалда кўринадими, истеъмолчи 1 кг гўшт нархи 50 сўм бўлса, 1 кг — 10 сўм бўлса 8 кг сотиб олади, яъни нарх қанча паст бўлса, аҳтиёж доирасида шунча кўп гўшт сотиб олинади. Албатта, бошқа ҳар қандай аҳтиёждек, гўштга бўлган аҳтиёж ҳам қониқишнинг муайян жисмоний чегарасига эга. Агар у қондирилган бўлса, нархнинг ҳар қандай камайтирилиши кишини яна гўшт сотиб олишга ундай олмайди. Аммо нарх пасайган сайин шахсий талабнинг ортиб боришга мойиллиги аниқ.

7-жадвалда келтирилган маълумотларни графикка кўчираемиз. Х ўқи бўйлаб талаб миқдорини, У ўқи бўйлаб нархни жойлаштираемиз А, В, С, Д, Е нуқталарини бирлаштириб талабнинг эгри чизиғи йўналишига эга бўламиз (18-расм).



18-расм. Талаб ҳаракатининг чизма ифодаси.

Жадвал ва расмдан кўришиб турибдики, товарнинг (гўштнинг) нархи қанча юқори бўлса, унинг шунча кам миқдорига талаб қўйилар экан. Демак, маълум бир товарнинг нархи қанча ошса (талабнинг миқдорига таъсир этувчи бошқа омиллар ёки шароитлар ўзгармас бўлганда шу товарнинг камроқ ҳажмига талаб қўйилади; аксинча, товар нархи пасайса, унга талаб ортади. Қисқаси, нарх билан талаб миқдори ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. Ана шу акси алоқа талаб қонуни дейилади. Бу қонуннинг асосида нималар ётишини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

1. Одатда, кишилар мавжуд товарни унинг нархи юқори бўлган шароитда ҳақиқатан ҳам камроқ харид қилиб оладилар. Истеъмолчилар учун нарх, харидни амалга оширишга халақит қилувчи тўсиқ бўлиб ҳисобланади. Бу тўсиқ қанчалик юқори ва мустаҳкам бўлса, харидорлар кам миқдорда маҳсулот харид қиладилар, нарх тўсиғи қанчалик кам бўлса, шунчалик кўп миқдорда маҳсулот харид қилинади.

Бошқача сўз билан ифодаланганда, юқори нарх истеъмолчиларда харид қилиш хоҳишини сўндиради, наст нарх эса бу хоҳишини кучайтиради.

2. Ҳамиша маҳсулот харид қилувчи, ҳар бир шахс маҳсулотнинг кейинги бирлигидан камроқ қониқиш, наф ёки лаззат олади. Масалан, харидорга оёқ кийими керак, унинг учун бир жуфт оёқ кийимнинг нафлиги ўта юқори, чунки у яланг оёқ юра олмайди. Иккинчи жуфт оёқ кийим, уни алмаштириб туриш имконияти беради, лекин унинг нафлиги пастроқ, чунки харидор яланг оёқ эмас, уни киядигани бор. Учинчи ва тўртинчи жуфт оёқ кийимнинг нафлиги пасайиб бораверади, чунки эҳтиёж тўйдирилган сари товарнинг истеъмолчи учун нафлиги пасаяди.

Шу сабабли истеъмолчилар маҳсулотнинг қўшимча бирлигини нархи пасайиб борган шароитдагина харид қилиб олишади.

Умуман, индивидуал истеъмолчиларнинг хулқ-атвори улар эҳтиёжларининг қандай қондирилишига, у ёки бу товарнинг қандай наф келтиришига боғлиқ. Наф деб товар ва хизматни истеъмол қилишдан келадиган қониқишга айтилади. Умумий ва меъёрли наф (фойдалилик) ни фарқлаш керак. Умумий наф деб маълум товар ёки хизматлар бирлиги мажмуи тўпламини истеъмол қилишдан олинадиган қониқишга айтилади. Меъёрли ёки чегарали наф эса мавжуд товар ёки хизматнинг қўшимча бирлигини харид қилиш натижасида умумий нафга ўсим бўлиб қўшилган нафни билдиради.

Мисол учун, айтайлик, истеъмолчи жаҳон классиклари китобларини шахсий кутубхонага йиғади. Бу ерда умумий наф кутубхонадаги классиклар китобларини ҳамма тўплами ҳисобланади, бу наф ҳар бир янги китобни сотиб олиш билан ошиб боради. Меъёрли наф—кейинги ҳар бир харид қилинадиган, айтайлик А. Навоий асарларининг навбатдаги тўнлам ёки жилдларини харид қилишдан келадиган нафга айтилади. Агар истеъмолчи А. Навоий асарларини кейингиларини харид қилиб олманган бўлса, унда маънавий неъмат бўлган китобнинг меъёрли нафлиги жуда юқори бўлиб қолаверади. Шахсий кутубхонани шакллантириш жараёнида ўнинчи ва юзинчи китобнинг нафлиги бир хил бўладими? Шубҳасиз йўқ. Чунки кутубхонада китобларнинг тўпланиб бориши эҳтиёж ўткирлигини, чанқоқлигини пасайтириб боради. Шунга мувофиқ юзинчи китобнинг меъёрли нафлиги ўнинчи китобга қараганда паст бўлади. Шундай қилиб бошқа товарларнинг истеъмоли ўзгармасдан қолган ҳолда бирон-бир товар ва хизматга эҳтиёж тўйиниб бориши билан бу неъматнинг кейинги бирлигини истеъмол қилишдан

қониқиш пасаяди. Бу барча товарларга хос бўлиб, **меъёрий нафликнинг пасайиб** бориши қонуни деб қаралади. Меъёрий нафликнинг пасайиб бориши мавжуд неъматнинг навбатдаги бирлигини харид қилиб тасарруфидаги товарларни кўпайтирадиган харидор учун улар қадри-нинг пасайиши билан боғлиқ. Табиийки, ҳар бир истеъмолчи ўзига келадиган умумий нафликни оширишга интилади. Умумий нафликни орттириш принципи қуйидагича: ҳар бир истеъмолчи товарлар тўпламини харид қилишда даромадини шундай тақсимлаши керакки, у ёки бۇ товарга сарфланган охириги пул бирлигидан (сўм, доллар, франк) оладиган наф бир хил бўлсин.

3. Маҳсулот нархининг пасайиши истеъмолчи пул даромадини реал харид қобилиятини оширади. Шу тўғрисида у **мавжуд маҳсулотни олдингига қараганда** кўпроқ харид қилаолади. Юқори нарх ақсинча ҳолатга олиб келади. Юқори нархлар шароитида қиммат товар ўрнига анча паст нархдаги, аммо ўхшаш бўлган товарни сотиб олишга рағбат пайдо бўлади. Истеъмолчиларда қиммат маҳсулот ўрнини арзон товарлар билан алмаштиришга мойиллик мавжуд. Масалан, мол гўшти нархининг пасайиши истеъмолчи даромади, харид қобилиятини оширади ва унга мол гўштини кўпроқ сотиб олиш имконини беради. Мол гўштининг нархи паст бўлганда уни қўй гўшти ўрнига ҳам, парранда гўшти ўрнига ҳам харид қилиб олади. Паст нарх шароитида истеъмолчида юқори нарх шароитига нисбатан кўпроқ маҳсулот харид қилиб олиш хоҳиши бўлади. Демак, товар нархи ошиши билан айрим харидорлар сотиб олишни умуман тўхтатади ва ўринбосар товарларни истеъмол қилишга ўтади, харидорларнинг бир қисми эса истеъмолини қисқартиради. Буларнинг барчаси талабнинг пасайишига олиб келади.

Ҳар бир истеъмолчининг шахсий талаби ўзига хос ўзгаради, улар шакл жиҳатдан бир-бирини такрорламайдди. **Жами бозор талаби** ёки муайян бозордаги умумий талаб эса барча истеъмолчилар талабининг йиғиндисидир. Бинобарин, жами талабнинг эгри чизиғи нархларнинг муайян даражасида барча истеъмолчилар сотиб оладиган товар миқдорининг ифодаси сифатида шаклланади (унинг график ифодаси 19-расмда берилган).

Гўшт мисолига қайтамыз: 1 кг 50 сўм нархида барча истеъмолчилар 1, 40 сўм бўлса 2, 30 сўм бўлса 4, 20 сўм бўлса 6 тонна, бордию нархи 10 сўмга тушса 8 тонна гўшт сотиб оладилар. Шартли мисолимизда келтирилган маълумотларни жадвалда жамлаб, унинг асо-

Жами талабнинг нархга боғлиқлиги


1 кг гўшт нархи, (сўм)	Жами талаб қўйилган гўшт миқдори, тонна
50	1
40	2
30	4
20	6
10	8

сида график тузиш мумкин (8-жадвал ва 19-расмга қаранг).

Талаб ўзгарувчанлиги. Нархнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда талаб ўзгаришининг даражасини ҳам билиш муҳимдир. Нархга яраша талабнинг ўзгарувчанлиги (НТБ) унинг кўрсаткичи ҳисобланади:

$$\text{НТБ} = \frac{\Delta T}{T} : \frac{\Delta H}{H}$$

бунда T — нарх ўзгаришидан аввалги талаб; ΔT — нарх ўзгариши натижасида талаб ўзгариши; H — товарнинг



19-расм. Жами талаб ҳаракатининг чизма ифодаси.

ўзгаришидан аввалги нархи; ΔH — нарх ўзгариши. Маълумки, нарх ва талаб қарама-қарши йўналишда ўзгаради. Бу ерда эса бизни нарх ўзгарувчанлигининг мутлақ миқдоригина қизиқтиради. Агарда дастлабки нарх 1 деб қабул қилинадиган бўлса, унда учта вариант келиб чиқиши мумкин: 1) агар талаб нархга қараганда кўпроқ даражада ўзгарса, унда нарх ўзгариши $/H\dot{U}/ > 1$; 2) талаб билан нарх бир хилда ўзгарса, унда $/H\dot{U}/ = 1$; 3) агар талабнинг нисбий ўзгариши нархнинг ўзгаришига қараганда камроқ даражада содир бўлса, унда $/H\dot{U}/ < 1$. Ўзгарувчанлик кўрсаткичи нарх билан талабнинг мутлақ ўзгаришини эмас, нисбий ўзгаришини қийёслайди. Кўрсатилган учта ҳолдан биринчиси талаб ўзгарувчан бўлади, иккинчиси — талабнинг ўзгарувчанлиги бирга тенг, учунчиси — талаб ноўзгарувчан ёки қатъий бўлади.

Айрим олинган бир товарнинг ўзига истеъмолчиларнинг турли гуруҳи талаби ўзгарувчан ёки ўзгармас бўлиши мумкин. Лекин шундай товарлар борки, уларга бўлган талаб ҳаммаша ва аҳолининг барча гуруҳлари учун амалда ўзгарувчан эмасдир. Биринчи ҳалда ҳаёт учун бирламчи бўлган, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари ана шу хил товарлар гуруҳига киради. Айтайлик, нон нархининг ошиши уни камроқ сотиб олишга келтирмайди, чунки у ҳаёт учун ғоят зарур озиқа. Одамлар нон истеъмол қилишни камайтирмаслик учун бошқа товарларни сотиб олишни қисқартирадilar. Иккинчи томондан, нонга бўлган эҳтиёжнинг жисмоний чегараси бор.

Масалан, бошқа овқатлар сероб шароитда нон истеъмоли жон бошига 1 йилда 100—120 кг бўлади. Демак, нон нархининг пасайиши уни ҳаддан зиёд кўп, масалан, 300 кг истеъмол қилишга олиб келмайди.

Муайян жой ёки социал гуруҳ учун анъанавий бўлган истеъмол буюмлари ҳам шундай товарлар жумласига кирадики, уларга бўлган талаб ҳам ўзгармасдир. Масалан, Ўзбекистонда гуруҳни шундай деса бўлади. Бу маҳсулот нархининг пасайиши ҳам, ошиши ҳам уни истеъмол қилишда, демак, унга бўлган талабда катта ўзгаришларга олиб келмайди.

Талабнинг ўзгарувчанлиги фақат товар нархигагина эмас, балки бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқ:

1. Харидор диди. Мавжуд товар тури учун истеъмолчилар дидидаги ижобий ўзгариш ёки афзал кўриш шу товарга бўлган талабнинг ортисига сабаб бўлади. Бош-

қача сўз билан айтганда харидорнинг диди қандайдир товар фойдасига ўзгарса, унга бўлган талаб ортади. Аксинча, истеъмолчилар дидидаги салбий ўзгариш талабнинг пасайишини келтириб чиқаради.

2. **Харидор даромади.** Даромад ошса кўпгина товарларга талаб ортади, унинг ўсишига қараб истеъмолчилар нархи қиммат бўлса-да, кўпроқ сифатлироқ товарларни харид қиладилар. Аксинча бўлса, бундай товарларга талаб қисқаради. Даромаднинг ўзгариши билан талаб тўғри мутаносибликда ўзгарадиган товарлар олий тоифали товарлар ёки **нормал товарлар** бўлади. Кўп товарлар нормал товарлар қаторига кирса-да, бироқ бир нечта истиснолар мавжуд. Қачонки даромад маълум даражадан ошса, истеъмолчилар камроқ нон ёки картошка харид қилишлари мумкин, чунки ошган даромад уларга юқори оқсилли озиқ-овқат маҳсулотлари, масалан, тухум, гўштни сотиб олиш имконини беради. Шунингдек, даромадларнинг ортиши шакарга бўлган талабни қисқартиради ва кўпроқ бадавлат истеъмолчилар кўпроқ яхши конфектлар истеъмол қилишга ўтадилар. Даромадлар камайганда талаб ортадиган товарлар **паст тоифадаги** товарлар дейилади. Масалан, тадқиқотларга кўра даромад ўсиши билан крахмали кўп бўлган маҳсулотлар истеъмоли камайиб, хўл мева ва сабзавотларни истеъмол қилиш кўнаяди. Шунинг учун ҳам даромад ўсиб бориши билан талаб кенгайиши ва талаб қисқаришига олиб келадиган товарлар фарқ қилинади. Ривожланган мамлакатларда даромадлар ортиб боришига қараб, хизматларга бўлган эҳтиёж кўпайиб борса, ривожланаётган мамлакатларда узоқ муддат фойдаланиладиган товарларга эҳтиёж юқори эканлиги ҳам маълумдир.

Талаб ўзгаришига даромад самараси ҳам таъсир этади. Агар товар нархи пасайса, унда шу маҳсулотни харид қилувчининг реал даромади ёки харид қобилияти ортади. Реал даромаднинг ортиши сотиб олинган товарлар миқдорининг ўсишида кўринади. Масалан, ҳафталик пул даромади доимий равишда 2 минг сўмни ташкил этсин, унда ҳар бири 2 минг сўмлик кўйлақдан бир дона харид қилиб олиш мумкин. Агар кўйлақ нархи 1 минг сўмга қадар тушса, 1 дона кўйлақ харид қилиб олгандан кейин яна 1 минг сўм пул қолади. Бунга бошқа товар олиш мумкин. Демак кўйлақ нархининг пасайиши истеъмолчи реал даромадини оширади, яъни у кўпроқ миқдорда товар харид қилиш имконига эга бўлади. Бундай ҳол **Даромад самараси** дейилади.

Шубҳасиз, даромад талабга таъсир этади, чунки у харид қилиш қобилиятини оширади. Бу боғлиқликни даромадга яраша талаб ўзгарувчанлиги (ДТб) кўрсаткичи ёрдамида аниқлаш мумкин. Бу кўрсаткич қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$ДТб = \frac{\Delta Т}{Т} : \frac{\Delta Д}{Д}$$

бунда Д — истеъмолчиларнинг дастлабки даромади; $\Delta Д$ — даромаднинг ўзгариши. ДТб бирдан ортиқ ҳам, кам ҳам бўлиши мумкин, чунки даромад ўзгаради. Даромад билан талаб бир йўналишда ўзгариб борса, унда $ДТб > 1$, агар, қарама-қарши йўналишда ўзгарса, унда $ДТб < 1$. Даромаднинг ўзгариши талаб ўзгаришига асло таъсир қилмаслиги ҳам мумкин. Унда даромадга яраша талабнинг ўзгарувчанлиги бирга тенг бўлади. ДТб ҳажмининг мутлақ миқдори 1 дан кам, унга тенг ёки кўп бўлиши мумкин. Шунга боғлиқ ҳолда талаб тегишли равишда ўзгармас (бирга тенг) ёки ўзгарувчан бўлади.

3. **Ўринбосар ҳамда бир-бирига боғлиқ товарлар нархи.** Талабнинг ўзгаришига ўринбосар товарларнинг бўлиш ёки бўлмаслиги муҳим таъсир кўрсатади. Агар товарнинг ўринбосарлари кўп бўлса, нарх бўйича унга бўлган талаб ўзгарувчан ва аксинча керакли ўринбосар товарларга эга бўлмаса, нарх бўйича талаб ноўзгарувчан бўлади. Агар ўринбосар товарлар нархи ошса, унда шу товарнинг ўзига бўлган талаб ортади. Масалан, сарийёғ ва маргарин бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар ҳисобланади. Сарийёғнинг нархи ошса истеъмолчилар уни кам миқдорда харид қилишади ва бу ўз навбатида маргаринга бўлган талабнинг ортишини келтириб чиқаради. Аксинча, сарийёғ нархи тушса истеъмолчилар уни кўпдаб харид қилишади. Бу эса маргаринга бўлган талабнинг қисқаришини келтириб чиқаради. Иккита маҳсулот бир-бирининг ўрнини босса, улардан бирининг нархи билан бошқасига талаб ўртасида тўғри алоқадорлик мавжуд.

Маҳсулотларнинг шундай йиғиндилари борки, улар бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланиб, «қадами» бир юради. Уларга талаб бир вақтда қўйилади, яъни улар боғланган талабга эга. Айтишлик, агар бензиннинг нархи past бўлса, автомашинада кўп юрилади, кўп йўл ўз навбатида мотор мойига бўлган талабни кўпайтиради. Аксинча, бензин нархининг ошиши мотор мойига бўлган талабни камайтиради.

Демак, бензин ва мотор мойига бўлган талаб бир-бирига боғлиқ, улар бир-бирини тўлдирувчи товарлардир. **Иккита товар бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланса, улардан бирининг нархи билан иккинчисига талаб ўртасида тескари алоқадорлик мавжуд.**

4. **Харидорлар сони.** Бозорда харидорлар сонининг кўпайиши талаб ортисига олиб келади. Улар қанчалик кўп бўлса, талаб шунчалик юқори бўлади.

5. **Кутиладиган ўзгаришлар.** Ҳозиргисига нисбатан товарларнинг келгуси нархи, товарларнинг нақд бўлиши ва бўлгуси даромад истеъмолчилар талабини ўзгартиради. Нархнинг ошиши эҳтимоли истеъмолчиларни ҳозирнинг ўзида товарларни сотиб олишга ундайди. Агар нархлар ошади деган тахминлар бўлса, унда харидорлар даромадларини келажакда йўқотмаслик учун талабни кўпайтирадilar, улар товарларни кўпроқ сотиб оладилар, жорий харажатларни қисқартирмай уларни оширишга мойил бўладилар. Аксинча, нарх тушиши ва даромаднинг камайиш эҳтимоли товарларга жорий талабни пасайишга олиб келади.

Талабга минтақавий, миллий, байналмилал омиллар ҳам таъсир этади. Минтақавий омилга иқлим шароити, ишлаб чиқаришнинг тузилиши, маҳаллий урф-одатлар, миллий омилга мамлакат доирасида эҳтиёжнинг юксалиш даражаси, умуман истеъмол даражаси, миллий, диний анъаналар ва кўникмалар; байналмилал омилга, биров мамлакатдаги янги товар истеъмолининг бошқа мамлакатлар аҳолисига етиб бориб, уларнинг талабига таъсир кўрсатиши, халқаро товар рекламаси ва ахборотларнинг мавжудлиги ва бошқалар киради. Натижада бир мамлакатда яратилган товарларга талаб, шу товар йўқ, яъни ишлаб чиқарилмайдиган мамлакатда ҳам талаб уйғотади.

Товарларга ва хизматларга талаб ўзининг характери ва ҳаракати жиҳатидан ўсаётган, барқарор қондирилган, қондирилиши кечиктирилган, нормал ва ваҳима талабларга бўлинади.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт давомида эҳтиёжлар ҳам юксалиб боради, талаб ҳам ўсади. Ривожланган бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатларда ишлаб чиқариш тўхтовсиз ўсаётганлиги тўғайиб у ерда товарларга бўлган талаб барқарор қондирилган. МДХ мамлакатларида кейинги пайтларда эса ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиб кетганлиги сабабли ҳатто ҳаёт учун бирламчи, энг зарур товарларга бўлган талаб ҳам етарли

даражада қондирилмай қолмоқда, уларни қондириш муддати орқага сурилиб, кечиктирилмоқда.

Кечиктирилган талаб носоғлом иқтисодиёт ва мувоzanати бузилган бозорга хос. Кечиктирилган талаб ортиб бориши иқтисодий тангликни, инқирозни янада чуқурлаштиради, инфляцияни кучайтиради, уни жилловлаб бўлмаслик хавфини туғдиради. Корхона, ташкилотлар ва аҳоли қўлида тўпланган пул товар бозорига тазийқ ўтказиб, нархни оширишга сабаб бўлади. Кечиктирилган талаб умуман талаб таркибини ўзгартиради. Бир товарга талаб қондирилмаса, у бошқа товарга, одатда, ўринбосар товарга ёки мутлақо бошқа товарларга кўчади. Сотилиши кўпайиб, сероб бўлган товарлар ҳам тақчил товарга айланади. Кечиктирилган талаб занжири аке таъсирлар орқали умуман бозорда талабни издан чиқаради. Кечиктирилган талабни қондириш чораларини топиш иқтисодиётни соғломлаштиришнинг шарт-шароити ҳисобланади.

Ваҳима талаб бозордаги шов-шув ва ваҳима таъсири остида сунъий пайдо бўладиган ва шиддат билан ортиб борадиган талабдир. Ваҳима талаб одатдаги нормал талабга нисбатан ортиқ талаб ҳисобланади. Бундай талаб бир томондан, аҳоли орасида миш-мишлар тарқатиш ва реклама воситасида муайян товарга ўта юқори баҳо бериш орқали истеъмолчи руҳиятига таъсир этиш йўли билан, иккинчи томондан, товарларга бўлган ғоят катта қизиқиш, қимматчилик ва қаҳатчилик хавфи, пул алмашиш эҳтимоли, ҳар хил шов-шувлар таъсирида пулдан тезроқ қутулиш ва товар захирасини кўпайтиришга интилиш оқибатида юзага келади. Ваҳима талабни савдо аҳли ҳар хил миш-мишлар тарқатиш орқали ҳам юзага келтиради. Ваҳима талабнинг пайдо бўлиши бозор нархини кўтариб юборади, товарлар талашиб олинади, товар талаби, тақчиллиги ғоят кучайиб кетади. Ваҳима талаб иқтисодда учраб турадиган ҳодиса. Лекин у ўткинчи характерга эга бўлиб, узоқ давом эта олмайди.

2. Товарлар ва хизматлар таклифи

Талабнинг қарши томонида таклиф туради. Таклиф ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва муайян пайтда бозорга чиқарилган ёки келтириши мумкин бўлган жами товарлар ва хизматлар миқдоридир. Ишлаб чиқарувчилар бозорда сотишга мўлжалланган то-

вар ҳажми таклиф қилинган товарлар миқдори дейилади. Товарлар таклифнинг ҳажми сотишга чиқарилган товарлар суммаси билан белгиланади.

Товарлар ва хизматлар таклифи ишлаб чиқариш миқёси ва унинг таркибига боғлиқ. Бироқ товарлар таклифи яратилган маҳсулотлар миқдорига тенг бўлмаслиги мумкин, яъни товарларни таклиф қилиш ва неъматлар ишлаб чиқариш ҳажмлари бир хил бўлмаслиги мумкин. Яратилган маҳсулотнинг фақат бозорга чиқариладиган қисми **товар маҳсулоти** дейилади, унинг бозорга чиқарилмайдиган қисми таклифни юзага келтирмайди. Мисол учун давлат, жамоа ва деҳқон хўжаликларида картошка етиштирилади. Бу хўжаликлар етиштирган картошканинг 10% ни уруғлик учун ўзида олиб қолади. Картошканинг бу қисми товар бўлмайди, таклифни ташкил этмайди. Картошканинг қолган 90% товар бўлиб сотилади, яъни таклифни юзага келтиради.

Товарлар таклифни маҳсулотнинг **товарлик даражасига**, шунингдек, **бозорга етказиб беришга** ҳам боғлиқ.

Таклиф қилинган товарлар миқдорига қатор омиллар, жумладан, товар нархи, ресурслар нархи, ишлаб чиқариш технологияси, солиқлар ва субсидиялар, бошқа товарлар нархи, нарх ошиш эҳтимоли, товарни ишлаб чиқарувчиларнинг сони кабилар таъсир этади. Бу ўринда бизни товар таклифни нималар белгилаши қизиқтиради. Дастлаб таклифнинг нархга боғлиқлигини қараб чиқамиз. Бунда бошқа омиллар ўзгармас деб ва уларнинг таклифга таъсирини инобатга олмаймиз.

Гўшт мисолига қайтамиз. Худди талаблар каби таклифларни ҳам хусусий ва умумий таклифларга ажратиш мумкин. Дастлаб гўшт нархи ўзгарганда айрим сотувчи қандай иш тутишини кўриб чиқамиз.

9-жадвал


Якка таклифнинг нархга боғлиқлиги

1 кг гўшт нархи (сўм)	Таклиф этилаётган гўшт миқдори (кг)
10	100
20	200
30	400
40	600
50	800

1 кг гўшт нархи 10 сўм бўлса, сотувчи 100 кг, 50 сўм бўлса, 800 кг таклиф қилади дейлик. Бу шартли маълумотларни графикка ўтказамиз (20-расм).

20-расм

Таклиф ҳаракатининг
чизма ифодаси



Е, Д, С, В, А нуқталарни бирлаштириб, таклиф эгри чизиғи деб аталган чизиққа эга бўламиз. Бу эгри чизиқ таклиф қилинган товар ва хизматлар (бизнинг мисоли-мизда гўшт) миқдори билан уларнинг нархи ўртасидаги боғланишни кўрсатади. Эгри чизиқнинг «юқорига йўналиши» таклиф қонунини ифодалайди: **товар учун нарх қанча юқори бўлса, бозорга ишлаб чиқарувчилар томонидан шу товарнинг кўплаб миқдори таклиф қилинади, негаки товар сотувчи олаётган пули (тушум) товарнинг нархи ошиши билан кўпайиб боради.** Бу ҳолат уларни мавжуд товар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга ундайди. Бу ўз навбатида товар таклифини ўстиради. Демак, нарх ошишига мувофиқ равишда таклиф миқдори ҳам ортади, нарх пасайиши билан таклиф ҳам қисқаради.

Бундай ўзига хос боғлиқлик **таклиф қонуни** деб аталади.


Албатта, таклифни кенгайтириш харажатларни ҳам кўпайтиради. Агар қўшимча товарларни сотишдан тушган тушум уларни ишлаб чиқариш ва бозорга келтириш харажатларини қопламайдиган бўлса, нарх ошишига қарамай, **таклиф кўпаймайди.** Бошқа томондан, агар нарх пасайган ҳолда ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари янада кўпроқ камайса, унда товарни **таклиф қилиш кўпайиши мумкин.** Айрим бир тадбиркор фаолиятига тўғри келадиган таклиф қонуни жами бизнесменлар фаолиятига нисбатан ҳам ўз кучини сақлаб қолади. Шу сабабли жами таклиф асосан хусусий таклифларга оид омилларнинг амал қилишига бўйсунди:

10-жа д в а л

Жами таклифнинг нархга боғлиқлиги

1 кг гўшт нархи (сўм)	Жами таклиф этилаётган гўшт миқдори (тонна)
10	1
20	2
30	4
40	6
50	8

Агар бир килограмм гўштни нархи 10 сўм бўлганда сотувчилар сотиш учун 1 тонна гўшт қўйсалар, нарх 50 сўм бўлганда 8 тонна қўядилар.



21-расм.
Таклиф ҳаракатининг чизма ифодаси.

Таклиф эгри чизиғи (S) (21-расм) ботиқлигини шундай изоҳлаш мумкин: қачонки товар нархи оша бошла-са, уни ишлаб чиқаришга шунча кўп тадбиркорлар жалб бўлади. Натижада таклиф қилинадиган товарларнинг миқдори анча кўпаяди. Агар нарх янада ошиб бораверса, пайти келиб «тўйиниш» бошланади, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни зарурати тутади ва ишлаб чиқарилган товар миқдори маълум даражада нархга боғлиқ бўлмаган равишда барқарорлашади.

Таклифнинг ўзгарувчанлиги. Товар нархига қараб, таклифнинг ўзгариш даражасини аниқлаш учун нархга мувофиқ таклиф ўзгарувчанлиги (НТф) кўрсаткичи қўлланилади, у қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқи-лади:

$$\text{НТф} = \frac{\Delta T}{T} : \frac{\Delta N}{N}$$

бунда T — нарх ўзгаришидан олдинги товар таклифи; ΔT — таклиф ўзгариши; N — товарнинг дастлабки нар- хи; ΔN — нарх ўзгариши.

Нархга яраша таклифнинг ўзгарувчанлиги таклиф билан нарх нисбий ўзгаришларининг бир қисмига тенгдир. Ушбу кўрсаткич кўпроқ $1 < \text{НТф} < +\infty$ интервалида бўлади, яъни НТф одатда бирдан каттадир. Интервалнинг маъноси шуки нарх билан таклиф бир йўналишда ўзгаради. Аммо амалда баъзан нарх билан таклифнинг ўзгариши қарама-қарши йўналишда содир бўлади. Сотувчиларнинг мутлақ кўпчилиги бозорда товарларнинг ё бир, ёки бир неча, лекин унча кўп бўлмаган турларини таклиф қилади. Агар шу товарлар нархи пасайиб борса, тadbirkорнинг соф даромади камаяди. Даромаднинг камайиши сотувчини товар таклиф қилишни кўпайтиришга ундаши мумкин. Бундай ҳолда $\text{НТф} > 1$.

Нархга яраша таклифнинг ўзгарувчанлиги мутлақ миқдор жиҳатидан 1 дан кўпроқ, унга тенг ёки ундан камроқ бўлиши мумкин. $\text{НТф} > 1$ бўлганда таклиф ўзгарувчан бўлади, агар $\text{НТф} = 1$ бўлса — ноўзгарувчан бўлади. $\text{НТф} < 1$ бўлганда — мутлақо ноўзгарувчан бўлади. Бу нархнинг ҳар қандай ўзгариши таклифда ҳеч қандай ўзгаришга олиб келмайди деган гап.

Бозорда таклиф қилинадиган товар ҳажмига нафақат унинг нархи, балки бошқа қатор омиллар ҳам таъбир эътадики, уларни кўриб ўтамиз:

1. Ресурслар нархи. Ишлаб чиқариш харажатлари билан таклиф ўртасида яқин алоқа мавжуд. Таклиф ишлаб чиқариш харажатларига боғлиқ. Ресурслар нархининг пасайиши харажатларни камайтириб, товар ишлаб чиқаришни кўпайтиради. Таклиф ортади. Мисол учун, уруғлик шולי ва ўғитнинг нархи пасайса, гуруч таклифи ортишини (албатта, об-ҳаво қулай-келганда) кутиш мумкин. Аксинча, ресурслар нархининг ошиши товар ишлаб чиқаришни қисқартиради, чунки харажатлар кўпаяди. Таклиф қисқаради. Масалан: темир рудаси ва кокс нархининг ортиши пўлат ишлаб чиқаришдаги харажатларни кўпайтириб, унинг таклифини қисқаришига олиб келади.

2. Ишлаб чиқариш технологияси. Такомиллантирилган технологияни киритиш маҳсулот бирлигини кўпроқ ва самарали ишлаб чиқариш имконини беради. Чунки ресурслар сарф-харажати камаяди ва маҳсулот кўпроқ чиқарилади. Бу товар таклифини кўпайтиради.

3. Солиқлар ва субсидиялар. Солиқларнинг ортиши, айтайлик, даромадга ёки мол-мулкларга солиқнинг ор-

тиши ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтиради ва таклифни қисқартиради. Агарда давлат қандайдир товарни ишлаб чиқаришга субсидия берса, у ҳақиқатан харажатларнинг бир қисмини қошлаб, тадбиркор учун уларнинг умумий миқдорини пасайтиради ва товар таклифини кўпайтиради.

4. Бошқа товарлар нархи. Бошқа товарлар нархининг ўзгариши ҳам таклиф ўзгаришларига олиб келади. Бугдой нархининг пасайиши фермерни кўпроқ жўхори етиштириш ва сотувга қўйишга ундаши ёки аксинча, бугдой нархининг ошиши фермерларнинг жўхори таклифини қисқартиришга мажбур этиши мумкин.

5. Нархнинг ошиши аҳтимоли. Келажакда маҳсулот нархининг ўзгариши аҳтимоли ҳам ишлаб чиқарувчини бозорда ҳозирнинг ўзида маҳсулот тақдим қилиш хоҳишига таъсир этиши мумкин. Фермерлар жорий йил ҳосилини бозорга чиқаришни келгуси йилда нарх ошиши аҳтимолини кутган ҳолда тўхтатиб туриши мумкин. Бу жорий таклифнинг қисқаришини келтириб чиқаради. Айниқса, ишлама саноатнинг кўп тармоқларида нарх ошиши аҳтимоли фирмаларни ишлаб чиқариш қувватини оширишга ундайди ва бу таклиф кўпайишига сабаб бўлади.

6. Товар ишлаб чиқарувчилар сони. Товар ишлаб чиқарувчилар қанчалик кўп бўлса, таклиф қилинадиган товар миқдори шунчалик кўч бўлади. Тармоқдаги фирмалар сони ортиб бориши таклифни кўпайтиради, чунки товар ишлаб чиқариш кўпаяди.

Шунингдек, таклиф ўзгарувчанлигига товарнинг узоқ вақт сақланиш хусусияти, узоқ вақтга сақлаш имконияти ва сақлаш қиймати ҳам таъсир этади. Шу боисдан узоқ вақт сақлаб бўлмайдиган товарлар учун (мисол учун, ҳўл мева, сабзавот) таклиф камдан-кам ўзгарувчан бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг хусусияти ҳам таклифга таъсир этади. Агар ишлаб чиқарувчи нарх ошиши туфайли товар ишлаб чиқаришни кенгайтирса, ёхуд унинг нархи пасайиши туфайли бошқа маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўтса, бу товар таклифини ўзгартириб юборади.

Айтиш жоизки, таклифнинг ўзгарувчан бўлмаслиги товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда бирон-бир тўсиқнинг борлиги, энг аввало табиий ресурсларнинг етишмаслиги билан боғлиқдир. Масалан, борди-ю, деҳқончилик қилишга яроқли ерлар миқдори чекланган бўлса,

ернинг нархи қанчалик ошмасин, уни таклиф қилишни ошириб бўлмайди.

Ноёб санъат асарлари ҳам таклифи ўзгармайдиган товарлар жумласига киради. Мисол учун, Ўрта аср Шарқининг машҳур мусаввири Беҳзоднинг яратган миниатюралари бошқа машҳур муаллифлар яратган барча асл расмлар, ҳайкаллар, асл нусха асарлар каби ягонадир. Ана шу тарихий буюмлар ҳар бирининг нархи қанчалик ўзгармасин, уларни таклиф қилиш кўпаймайди.

Ижодий қасб соҳиблари — шоирлар, ёзувчилар, расомлар, мусиқачилар ва бошқалар меҳнати маҳсулини таклиф қилиш ҳам ноўзгарувчан ҳисобланади. Улар меҳнатига бериладиган ҳақ қанчалик юқори ёки паст бўлмасин, барибир улар истеъдоди, бинобарин, улар меҳнати маҳсули қобилият доирасида ўзгармайди.

Вақт омили ҳам таклифга таъсир этади. Ишлаб чиқарувчи нарх ўзгаришига дарҳол жавоб бера олмайди. Талаб кескин ўзгарганда бир лаҳзада таклифни анча кўпайтириш мумкин эмас. Бунинг учун қўшимча ходимлар ёллаш, жиҳозлар, хом ашё ва бошқаларни сотиб олиш керакки, бу фақат маълум вақтдан сўнг ишлаб чиқаришни оширади. Бу ҳолат узоқроқ вақт мобайнида таклиф кўпроқ ўзгарувчан бўлишини кўрсатади.

Товарлар таклифи фақат мамлакат ёки регион доирасидаги ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмасдан, балки товарлар экспорти ва импортига ҳам боғлиқ. Экспорт ички бозорда товарлар таклифини қисқартирса, импорт уни кўпайтиради.

3. Иқтисодий ресурсларга талаб ва таклиф

Иқтисодий ресурсларга талаб ҳам товарларга бўлгани каби шаклланади. Бироқ, унинг ўзига хос хусусиятлари бор. Иқтисодий ресурсларга талаб биринчи навбатда шу ресурсларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқариладиган товарларга бўлган талабга боғлиқ. Товарларга талаб ортishi ёки камайишига қараб шу ресурсларга талаб кенгайди ёки қисқаради. Масалан, станок ишлаб чиқариш кенгайса, ресурс бўлмиш металлга талаб ортади.

Иқтисодий ресурсларга талабнинг ўзгарувчанлиги уч омил билан белгиланади:

а) пировард маҳсулотга талабнинг ўзгарувчанлиги. Мавжуд ресурсни қўллаб (бошқа шарт-шароитлар ўз-

гармас бўлса), яратилган тайёр маҳсулотга талаб ўзгарувчанлиги қанча юқори бўлса, бу ресурсга талаб шунчалик ўзгарувчан бўлади. Товар нархининг ўсиши товарга бўлган талабни қанча пасайишга олиб келса, ўз навбатида бу товарни ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларга талаб ҳам шунча камаяди ёки аксинча;

б) **ресурслар ўрнини алмаштириш** — бир ресурс нархи ошганда унинг ўрнини боса оладиган бошқа ресурс бўлса, биринчи ресурсга бўлган талаб ўзгарувчанлиги юқори бўлади. Қўлланилаётган ресурс ўрнига бошқа арзонроқ ресурсни тўғридан-тўғри ёки ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш орқали қўллаш уларни ўрин алмаштиришини билдиради. Мисол учун, бензинга бўлган талаб ўзгарувчанлиги двигателни газ ёки дизел ёқилғиси билан ишлатиш ёки камроқ бензин сарфлайдиган двигатель моделини ишлаб чиқишга ундайди;

в) **умумий сарф-харажатлардаги ресурслар ҳиссаси**. Ресурсга талаб ўзгарувчанлиги, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш сарф-харажатларида унинг ҳиссаси қанча эканлигига боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари таркибидagi бир ресурс бошқа ресурсларга нисбатан таққосланганида катта ҳисса эғалласа, айти шу ресурс нархининг ошиши харажатларни кўпайтирганидан унга талабни пасайишини келтириб чиқаради.

Мисол учун фирма оёқ кийими ишлаб чиқаради. Айттайлик, оёқ кийимини ишлаб чиқариш умумий сарф-харажатларида чарм харажати 50%, бўёқ харажати 10% ни ташкил этсин. Фараз қилайлик, чарм нархининг 10% кўтарилиши тайёр маҳсулот (оёқ кийими) нархини 5% ошишига олиб келади ($50\% \text{дан } 10\% = 5\%$). Ёки бўёқ нархининг айти шундай 10% ўсиши оёқ кийими нархини фақат 1% оширади ($10\% \text{дан } 10\% = 1\%$). Бошқача айтганда, ишлаб чиқариш умумий сарф-харажатида мавжуд ресурс ҳиссаси қанча катта бўлса (албатта, ўрнини алмаштириш имконияти йўқлигини ҳисобга олганда), бу ресурсга талабнинг ўзгарувчанлиги шунча юқори бўлади.

Иқтисодий ресурслар таклифи. Ресурсларнинг жами таклифи муайян бир даврда тамоман аниқ бўлади. Мисол учун, қандайдир бир йилда иш кучи «А» млн. кишини, экилган майдон «Б» гектарни ташкил қилди, «В» млн. тонна нефть қазиб олинди ва ҳоказо. Албатта, ресурслар миқдори кескин бўлмаса-да, ўзгаришларга дучор бўлади. Шубҳасиз, кўплаб табиий ресурслар чеклан-

ган. Бироқ, бу билан улар қатъий ўзгармас деган маъно келиб чиқмайди. Янги қовларни очиш, табиий ва сунъий ресурс ўринбосарларини ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд, бироқ чекланган бўлгани ҳолда ўзгариб туриш барча ишлаб чиқариш ресурсларига хос.

Капитал, яъни машиналар, жиҳозлар, ишлаб чиқариш биволари таклифи қатъий чекланган эмас, чунки уларни ишлаб чиқариш мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг омили сифатида ернинг таклифи ҳам қатъий эмас. Ер миқдори чекланган бўлса-да, бироқ унинг таклифини ирригация, мелиорация ва бошқа тадбир билан кўпайтириш мумкин.

Меҳнат таклифини аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми чеклайди, аммо у кўп омилларга, яъни иш ҳақи, иш куни ва иш ҳафтасининг узунлиги, меҳнат шароити ва бошқаларга боғлиқ. Демак, меҳнат таклифи ҳам маълум доирада чекланган бўлса-да, бироқ у ўзгариб ҳам туради.

4. Талаб ва таклиф мувозанати

Талаб ва таклиф бозорнинг икки томони сифатида ҳар хил омиллар таъсирида ўзгариб туради, уларнинг боғланиши нарх орқали бўлади. **Талаб ва таклифнинг мос келиши** бозор иқтисодиётининг энг муҳим талабидир, чунки фақат шундай шароитда иқтисодий ўсиш юз беради.

Ҳар бир харидор муайян пул суммаси эвазига кўпроқ ва сифатли товарлар олишга, яъни мумкин қадар арзон сотиб олишга интилади. Сотувчи эса бунга тескари мақсад қўяди: у ўз товарини мумкин қадар қимматга сотишга интилади. Шу сабабли бозорда сотувчи нархи ва харидор нархи мавжуд бўлади. Бироқ сотиб олиш ва сотишдан иборат ҳар қандай аниқ фаолият сотувчи билан харидор ўртасидаги битим натижаси бўлмиш битта нарх бўйича амалга оширилади.

Бозорда товар нархининг шаклланишига талаб ва таклиф қандай таъсир этади? Буни ойдинлаштириш учун шартли гушт мисолига қайтамиз. 8-жадвалдаги (товар нархи ва талаб муносабати) ва 10-жадвалдаги (товар нархи ва таклиф муносабати) маълумотларни бир жадвалга келтирамиз.

Талаб ва таклифнинг нархга боғлиқлиги


1 кг гўшт нархи (сўм)	Талаб қўйилган гўшт миқдори (тонна)	Таклиф қилинган гўшт миқдори (тонна)	Талабнинг (+) ва таклифнинг (-) ошиб кетиши (—)
10	8	1	+7
20	6	2	+4
30	4	4	±0
40	2	6	-4
50	1	8	-7

Жадвалдан кўринадикки, фақат 1 кг гўштнинг нархи 30 сўм тургандагина қўйилган талаб ва товар таклифи миқдори тенг. 30 сўмдан кам бўлганда, мисол учун, 1 кг гўшт 10 сўм турса, товар (гўшт)нинг етишмаслиги кўришиб турибди (талаб=8 тонна, таклиф=1 тонна). Бундай ҳолатда талабнинг ортиқлиги (7 тоннага) юз беради. Аксинча, қачонки нарх 30 сўмдан юқори бўлса, айтайлик 40 сўм бўлса, бозорда ортиқча гўшт бўлади. Бундай ҳолатда талаб=2 тонна, таклиф=6 тонна. Демак, бу ерда таклифнинг ортиқлиги (4 тоннага) кузатилади. Бу нимага олиб келади? Айтайлик, таклиф талабдан ошиб тушсин, масалан, 1 кг гўшт 40 сўм турсин. Икки тонна гўшт истеъмолчилар томонидан сотиб олинганидан сўнг, ишлаб чиқарувчиларда 4 тонна гўшт сотилмасдан қолади. Қандайдир фавқулодда ҳодиса юз бериши ҳисобга олинмаса, одатий ҳолатда гўштни сотувчи 1 кг гўшт нархи 30 сўмга келгунига қадар уни тушира боради, яъни бунда талаб ва таклиф тенглашади. Демак, таклифнинг ошиб кетиши товар нархининг пасайишини келтириб чиқаради («нархга юқоридан тазйиқ қилинади»). Шунга ўхшаш талабнинг ошиб кетишида товар нархининг ўсиши содир бўлади («нархга қўйдан тазйиқ қилинади»).

Агар 1 кг гўшт нархи 30 сўмга тенг бўлса, таклиф қилинган гўшт миқдори харидорлар сотиб ола биладиган гўшт ҳажмига тенг бўлади. Шунинг учун ҳам бу ҳолда нарх ўзгаришини келтириб чиқарадиган сабаблар йўқ. Бозорда таклиф қилинган товар миқдори билан талаб қилинган товар миқдори тенг бўлган шароитдаги нарх мувозанат нархи дейилади. Шу нарх бўлгани ҳолда талаб қилинган товар ҳажми миқдорий мувозанатни билдиради.

Содда қилиб айтганда, агар зарур товарга бўлган талабни ифодаловчи пул суммасини товарнинг мавжуд миқдорига бўлсак, мувозанат нархи ҳосил бўлади, бунда бозорда товарнинг ортиқчилиги ҳам, етишмовчилик ҳам бўлмайди. Буни қуйидаги расмда тасвирлаш мумкин (22-расм).

Бозор мувозанати




22-расм. Талаб ва таклиф

Расмдан кўришиб турибдики, нарх 30 сўм, гўшт миқдори 4 тонна бўлган шароитда талаб ва таклиф A нуқтада тенглашади. Шундан сўнг тенглик бўлмайди, нарх ҳам номувозанат ҳолатига ўтади. Талаб ва таклифнинг мувозанатга тушиши ва ундан чиқиб кетиши нарх ва харид қобилиятидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади.


Нарх ўзгарувчанлигининг мувозанатга таъсирини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Айтайлик, бозорда бир ой давомида килограмми 3 сўмдан 200 тонна картошка сотилди. Картошка эгаларининг сотишга мўлжалланган картошкаси ҳали кўп. Деҳқон ўз даромадини кўпайтириш учун картошка таклифини кўпайтиради ва унинг нархини 1 кг учун 2,8 сўмга туширади. Нархни пасайтириш натижасида картошка сотиш кўпаяди ва кейинги ойда 210 тонна сотилади. Картошка етиштирган деҳқон тўғри қарор қабул қилдими? Бу саволга жавоб бериш учун картошка талаб ва таклифи эгри чизигига мурожаат этамиз (23 а-расм).

Мувозанат нархидаги ўзгаришнинг таълифга таъсири

23а-расм.



23б-расм.



* 23-а расмдаги вертикал рақамларни 4,0; 2,0; 2,8; 3,0 деб ўқиб керак.

Мувозанатлашган нархни 3 сўмдан 2,8 сўмга қадар пасайиши таклиф кўпайишини билдиради (бизнинг ми-солимизда талаб ўзгармасдан қолади) ва эгри чизиқ S ўнга қараб силжийди, (S_1) A_1 ва B_1 нуқталарда муво-занатлашишга эришилар экан $QD=QS$ тенг. Демак, бу нуқталарда QD ва QS сотилган картошка миқдорига тенг.

Қабул қилинган қарор тўғрилигини баҳолаш учун картошка етиштирган деҳқон даромадини сотилиш нарх-ларига қараб ҳам ҳисоблаб чиқамиз. Картошка нархи 3,0 сўм бўлганда даромад (пул тушуми): $200 \text{ минг кг} \times 3,0 \text{ сўм} = 600 \text{ минг сўм}$; нарх 2,8 сўм бўлганда даромад: $240 \text{ минг кг} \times 2,8 \text{ сўм} = 588 \text{ минг. сўм}$. Демак, картошкани сотиш 10 тоннага кўпайишига қарамасдан нархнинг па-сайиши натижасида деҳқоннинг пул тушуми 12 минг сўмга қисқарди. Бу шунинг учун ҳам содир бўлдики, нарх ўзгариши талаб қўйилган картошканинг кўпайиши-га кам таъсир эди. Бундай ҳолат нарх бўйича талаб ноўзгарувчанлигини билдирди.

Агар нархни худди шундай пасайтирган ҳолда, ай-тайлик, 250 тонна картошка сотилса, яъни сотиш 50 тон-нага кўпайса, деҳқоннинг даромади қандай ўзгарган бў-лар эди (23б-расм). Олиқган даромад: $250 \text{ минг кг} \times 2,8 \text{ сўм} = 700 \text{ минг сўм}$. Бундай ҳолда товар (картошка) иш-лаб чиқарувчиларнинг нархни пасайтиришдаги қарорини тўғри деб айтиш мумкин, чунки улар даромадни 100 минг сўмга кўпайтирди. Мувозанатлашган нархнинг пасайиши талабнинг анча ортишига олиб келди. Бундай ҳолда нарх бўйича талаб ўзгарувчан ҳисобланади.

Талаб ва таклиф ўзгаришининг тўрт қоидаси бор:

1. Талабнинг ортиши мувозанатлашган нарх ва муво-занатлашган товар миқдорининг ўсишига олиб келади.

2. Талабнинг камайиши мувозанатлашган нарх ва мувозанатлашган товар миқдорининг пасайишига олиб ке-лади.

3. Таклифнинг кўпайиши мувозанатлашган нархнинг пасайишини ва мувозанатлашган товар миқдорининг ор-тишини келтириб чиқаради.

4. Таклифнинг қисқариши мувозанатлашган нархнинг ортишини ва мувозанатлашган товар миқдорининг ка-майишини келтириб чиқаради.

Бозор қатнашчилари ҳар бирининг мақсад-муддаоии ўз хусусий манфаатлари билан қувватланади ва умуман, иқтисодиётнинг бир бутун ҳолда муваффақиятли «ишлаб туришига» қаратилмайди. Бир-бирига боғлиқ бўлмаган ёки бир-биридан беҳабар қабул қилинадиган барча қа-

рорларни ўзаро мувофиқлашувини бозорнинг юраги — **бозор механизми** амалга оширади. У алоҳида хўжалик юритувчи субъектларнинг хатти-ҳаракатларини бир-бирига етказиш ҳамда буларни мувофиқлаштиришни нархлар тизими ва рақобат кураш орқали таъминлайди.

Нарх истеъмолчилар учун ҳам, ишлаб чиқарувчилар учун ҳам бозордаги шароит ҳақида ахборот берувчи сигнал бўлиб хизмат қилади. Нархлар хўжалик юритувчи субъектлар ўз хусусий манфаатини кўзлаб танлаган савъий-ҳаракатларини солиштириб кўришида восита вазиффасини ўтайди. Нархлар орқали сон-саноксиз индивидуал иқтисодий савъий-ҳаракатлар умумлашади ва мувозанатлашади.

Нарх юқори бўлганда талаб қисқариши, яъни таклиф талабдан анча ортиқча бўлиши ва нарх паст бўлганда талаб таклифдан кўп бўлиши бозор учун табиий бир ҳолдир. Талаб, таклиф нархнинг ва харид қобилиятининг ўзгаришига қараб тебраниб туради. Бу ҳаракат талаб билан таклиф тенглашгунча давом этаверади. Тенглашиш юз бергач, таклиф ва талаб миқдоран ва таркибан бир-бирига мос тушади. Бундай ҳолат **бозор мувозанати** деб аталади. Бирон бир товарга доир талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга **жузъий** мувозанат деб аталади. Аммо товарлар дунёси юят бой бўлиб, товарлар бозори ўзаро боғлиқ қисмлардан иборат. Бир ерда мувозанат бор ёки йўқлиги турли хилдаги товарлар нархларининг нисбати ўзгариши ёки ўзгармаслиги билан белгиланади: Бугун 20 сўмга 1 кг гўшт, 10 литр бензин, 2 метр мато сотиб олиш мумкин деб, айтайлик. Агар маълум вақт ўтгандан кейин (айтайлик 3 ой ўтгач), 20 сўмга сотиб олиш мумкин бўлган ушбу товарлар миқдори яна ўша (1:10:2) нисбатни ташкил этса, бу нархлар нисбати ўзгармаган бўлади. Бирмунча вақт давомида барча товарлар нархларининг нисбати ўзгармаса, бу ўша даврдаги бозорлар тизимининг **умумий** мувозанати маъносини билдиради. Борди-ю, турли товарлар нархларининг нисбати ўзгарса, ўзаро боғлиқ бозорлар мувозанатсизлик ҳолатида бўлади.

Шундай қилиб, бозор мувозанати бозордаги талаб ва таклифнинг ҳам миқдор, ҳам таркиб жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келишидир. Агар шундай мувофиқлик бўлмаса, бозор мувозанати издан чиққан бўлади. Талаб ва таклиф узоқ вақт бир-бирдан ажралиб қолса, бозор ўзининг меъёридаги ҳолатини, қиёфасини йўқотади.

Бозор мувозанати талаб ва таклифнинг мутлақ ва

абдий мослиги эмас. Бундай мослик умуман олганда барча товарларга нисбатан ва узоқ даврга хос бўлиши мумкин. Жузъий, яъни айрим товарларга нисбатан мосликнинг бузилиши муқаррар. Чунки эҳтиёжнинг юксалиши оқибатида янги талаб пайдо бўлади ва у дарҳол қондирилмайди. Бозорнинг ишлаб туриши талаб, таклиф, нархлар ва бошқа миқдорий кўрсаткичларнинг ўзгариши орқали намойн бўлади.

ТАҚРОРЛАШГА ОИД САВОЛЛАР ВА МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Эҳтиёж билан талабнинг фарқи борми?
2. Талабга қандай омиллар таъсир этади?
3. Товарларнинг умумий ва меъёрий нафлигининг фарқи нимада?
4. Талабнинг ўзгарувчанлигини қандай тушувиш керак?
5. Товарнинг ўринбосарлари кўп бўлиш ёки бўлмаслигига қараб, нарх бўйича талаб қачон ўзгарувчан ва қачон ноўзгарувчан бўлади?
6. Даромаднинг ортиши паст тоифадаги товарлар талабига қандай таъсир этади?
7. Даромаднинг камайиши нормал тоифадаги товарлар талабини қандай ўзгартиради?
8. Характери ва ҳаракати жиҳатидан талабнинг қандай турлари бор?
9. Таклифнинг ўзгариб туриши қандай омиллар таъсирида содир бўлади?
10. Иқтисодий ресурсларга талаб ва таклифнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
11. Иқтисодий ресурсларга талабнинг ўзгарувчанлигини қандай омиллар юзага келтиради?
12. Бозордаги мувозанат нималар билан характерланади?
13. Айтайлик, бозорда картошкага бўлган жами талаб ва жами таклиф бир ойда қуйидагича маълумотлар билан тавсифланади:

Талаб, минг. кг	1 кг картошка нархи, (сўм)	Таклиф, минг. кг	Талабнинг (—) ва таклифнинг (—) ошиб кетиши
600	4	50	—
500	5	100	—
400	6	200	—
300	7	300	—
200	8	400	—
100	9	500	—
50	10	600	—

а) бозор нархи ёки мувозанатлашган нарх қандай бўлади? Миқдор мувозанати (картошканики) қандай? 4-устуни тўлдириш ва нима учун жавобингиз тўғрилигини асосланг;

б) келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, картошкага талаб ва таклифни графикда тасвирланг. Бу маълумотларни график ўқларига аниқ қилиб жойлаштириш. Мувозанатлашган нархни «Р» ва миқдор мувозанатини Q ҳарфи билан белгиланг;

в) нима учун картошка 4 сўм бўлганда нарх мувозанатлашган ҳолатда бўлмайди? 10 сўм бўлганда нимага у мувозанатлашмайди? «Ортиқчалик нархларни ўстиради етишмовчилик эса уларни пасайтиради». Сиз шу фикрга қўшиласизми?

XV БОБ


НАРХ-НАВО

1. Нарх ва унинг функциялари

Нарх бозор категорияси бўлиб, товарлар айирбошланганда юз берадиган муносабатларни англатади. Нарх назарий жиҳатдан олганда товар қийматининг пулдаги ифодаси, қийматнинг бозордаги кўриниши. Хўжалик юртиш амалиётида эса нарх муҳим иқтисодий восита, дас-так деб қаралади. Маълумки, қиймат ишлаб чиқариш категорияси бўлиб, ишлаб чиқаришнинг ўзидаги меҳнат сарфланиши билан боғлиқ муносабатларни ифода этади. Товарнинг яратилишида моддийланган ва жонли меҳнат сарф этилади, уларнинг мажмуаси қиймат демақдир. Аммо қиймат ҳар қандай меҳнат сарфи эмас. Қиймат товарни яратишга кетган ижтимоий зарур меҳнат сарфи, аниқ-роғи аҳтиёжни қондира олгани сабабли бозорда тан олин-

ган меҳнат сарфидир, чунки меҳнатнинг бир қисмини, агар у керакли бўлмаса, бозор инкор этади ва шу қисм қийматни яратишда иштирок этмайди. Бозорда турли меҳнат сарфлари умумий, яъни ижтимоий зарур меҳнат сарфига келтирилади ва шу сарфнинг пулда ифодаланиши нархни ҳосил қилади. Меҳнатнинг индивидуал сарфлари турлича бўлади. Бир индивидуал меҳнат тўла тан олинса, бошқаси қисман, учинчиси эса умуман тан олинмаслиги мумкин. Индивидуал меҳнат сарфларининг ягона сарфга келтирилишини қуйидаги мисолда кўриш мумкин (24-расм)

Ижтимоий меҳнат сарфи



24-расм.

24-расмдаги пунктир чизиғи АВ орқали тан олинган сарфлар чегараси ўтади, яъни ҳамма ерда 50 га тенг сарф тан олинган.

Устунлардан маълумки, биринчи ҳолда меҳнат сарфининг 10 бирлиги тан олинмади, иккинчисида ҳамма сарф тан олинди, учинчисида тан олинган сарф ўртачадан 10 бирликка кам бўлди, тўртинчисида меҳнат сарфининг 30 бирлигига тан олинмади.

Тан олинган 50 бирликка тенг меҳнат сарфи нарх учун асос бўлади, бундан ортиқча сарфни бозор қабул қилмади ва у нархга қўшилмади. Меҳнатнинг тан олиш ёки олинмаслиги товарнинг барча меҳнат сарфини қоплайдиган пулга сотилиши ёки сотилмаслигидир. Бизнинг мисолда биринчи ҳолда товар 60 бирликка эмас, 50 бирликка сотилди, иккинчи ҳолда товар 50 бирликка тушса, шу нархда сотилди, учинчи ҳолда товар 40 бирликка тушган бўлса, ундан ортиғига — 50 бирликка сотилди, ниҳоят, тўртинчи ҳолда товар 80 бирликка тушган бўлса-да, 50 бирликка сотилди. Келтирилган мисолда биз

нархнинг асосини тошдиқ ва у тан олинган меҳнат бўлишини кўрдик. Аммо бу бозордаги амалий нархлар тан олинган меҳнатнинг ёки қийматнинг айнан ўзи деб қараш нотўғри. Нарх биз юқорида кўрган асос атрофида туради, бозор ҳолатига қараб, ундан юқори, паст ёки унга тенг бўлиши мумкин, чунки унга меҳнат сарфидан бошқа омиллар ҳам таъсир этади.

Нарх бамисоли барометр каби бозор ҳолатини кўрсатиб туради, нарх пасайиб кетса, товар бозори касодликка йўлиққан бўлади, товар нафсиз бўлиб, уни бошқа товар билан алмаштириш ёки унинг сифатини тубдан яхшилаш зарурлиги кун тартибига қўйилади. Нархнинг иқтисодий мазмунини унинг функциялари (вазифалари) яққол кўрсатиб беради. Нарх, нимага тегишли бўлишидан қатъи назар (товар, хизмат, иш кучи, қарз пули нархми, бунинг фарқи йўқ) беш асосий функцияни бажаради:

Бозор мувозанатини таъминлаш функцияси. Бунда нарх бозордаги талаб ва таклифнинг ҳажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради. Бозор нархи — бу мувозанат нархи бўлиб, икки нарсани таъминлайди.

Биринчидан, бозорда ўтмай қолган товарлар тўпланмайди, улар сотилиб кетади. Иккинчидан, бозорда товар тақчиллиги юзага келмайди. Фараз қилайлик, бозорда эркаклар костюмининг мувозанат нархи 140 долларга тенг. Бу дегани 140 доллар пули бор одам костюмни бозордан топа олади, уни қидириб юрмайди. Айни вақтда 140 доллардан сотиб фойда оладиган кишилар, бу костюмни ишлаб чиқаришлари мумкин. Бу ерда нарх ишлаб чиқариш билан товар муомаласи ўртасида мувозанат ҳосил этади.

Ҳисоб-китоб, ўлчов функцияси, Нарх қийматнинг пулдаги ифодаси деб айтамыз, чунки қилинган сарф-харажат, кўрилган фойда-зарар, бажарилган иш ҳажмининг ҳаммаси маълум нархлар асосида ҳисоб-китоб қилинади. Ишлаб чиқариш ва унинг натижаларининг натурал-моддий, қиймат-пул ўлчови бор. Натурал-моддий кўрсаткичларни таққослаш ёки умумий кўрсаткичга келтириб бўлмайди. Масалан, 1 м² газлама, 1 жуфт оёқ кийим, 1 м³ газ, 1 кВт-соат электр энергияси, 1 тонна пахта, 1 м² уй-жой каби кўрсаткичларни жамлаб, умумий кўрсаткич олиб бўлмайди. Уларнинг умумий ўлчови пул, унда ифодаланган нарх бўлиши мумкин. Харажатеъиз ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ёки банк иши бўлиши мумкин бўл-

маганидек ишлаб чиқаришда маълум нархда сотиб олинган ресурслар сарф этилади. Машина-ускуна, хом ашё, ёқилғи, ҳар хил материал ва иш кучининг нархи бор.

Уларнинг миқдорини ўз нархларига кўпайтирилса, харажат ҳажми келиб чиқади. Яратилган маҳсулот миқдорини унинг ҳар бири нархига кўпайтмаси ишлаб чиқариш ҳажмининг пулдаги ифодасини кўрсатади. Ҳисобкитоб учун жорий ва таққосий нархлар қўлланади. Жорий нархлар амалдаги нархлар, улар билан йил давомидаги ишлар ҳисобланади, масалан, миллий маҳсулот, экспорт-импорт ҳажми ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш динамикаси, миллий даромад, реал иш ҳақи ва реал фойда таққосий ҳисобланади. Бунда маълум йил (бу база йили) асос қилиб олинади ва иқтисодий динамика шу йилдаги нарх билан ҳисобланади, чунки жорий нарх инфляция тўғрисида ўзгариши мумкин. Нарх инфляция таъсиридан ҳоли этилгандагина, у реал иқтисодий натижани кўрсата олади. Гап шундаки, иқтисодиёт пасайган шароитда нархнинг тез ошириб бориши ишлаб чиқариш ҳажмининг пулдаги ифодасини сунъий равишда ошириб юборди. Масалан, ҳозир 100 минг тонна бугдой олинди, ҳар тоннасининг нархи 7 минг сўм. Демак бугдой ишлаб чиқариш ҳажми 700 минг сўм ($100\ 000 \times 7$). Бундан 5 йил олдин 120 минг тонна бугдой олинган бўлиб, ҳар тоннаси 4 минг сўм бўлган. Демак бугдой ишлаб чиқариш ҳажми 480 минг сўм ($120\ 000 \times 4$) бўлган.

Амалда бугдой ишлаб чиқариш 20 минг тоннага қисқарди, лекин унинг жорий нархда ҳисобланган ҳажми 220 минг сўмга ортиқ бўлди ($700 - 480 = 220$). Агар олдинги нархда ҳисобланса, бугдой қиймати амалда 700 минг эмас, балки 400 минг сўмга тенг бўлади.

Иқтисодий регулятор функцияси. Нарх бозор иқтисодиётининг асосий воситасидир. Товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодиётининг моддий асоси, унинг бозор билан алоқаси нарх-наво орқали юз беради. Нархдаги ўзгариш бозор ҳолатини (конъюктурасини) билдиради, бу эса талаб-таклиф нисбатига боғлиқ. Талабнинг ортиши муайян товарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлигини билдиради, аксинча товар таклифининг кўпчилиги уни ишлаб чиқариш ортиқча бўлиб, қисқатириш зарурлигини кўрсатади. Нарх товар ишлаб чиқарувчи фаолиятга ўз-ўзидан эмас, балки унинг даромади орқали таъсир этади. Муайян ишлаб чиқариш харажатлари сақланган ҳолда нарх юқори бўлса, фойда ортади, нарх пасайса,

аксинча фойда камаяди, ҳатто зарар кўриш ҳам мумкин. Фойда ёки зарар кўриш ишлаб чиқарувчилар фаолиятига таъсир этади. Фойда кўрган корхона ривож топади, зарар кўргани эса синиб, ёпилиб жетади. Рақобатда омон қолиш учун корхона бозордаги нарх даражасига мослашуви керак. Нарх ошса, ишлаб чиқариш кенгайтирилади, капитал фойда яхши келган томонга қараб оқади. Товарлар кўпайиб, бозор тўйгандан сўнг нарх пасаяди, муайян товарни ишлаб чиқариш қулай бўлмай қолади, чунки фойда қисқара бошлайди. Капитални бошқа соҳага, яъни товарининг нархи юқори, бозори чаққон, соҳага кўчириш зарур бўлади. Нархдаги ўзгариш корхонани яхши ишлашга, харажатни пасайтирган ҳолда, янгиликни ўзлаштиришга, яъни новацияга ундайди. Масалан, тикувчилик фирмаси бозорда аёллар кўйлаги нархи 60 доллар бўлганда, 1000 дона тикар эди. Шу нархда кўйлак сотилса, фирма унинг ҳар биридан 10 доллар, жами эса 10 000 доллар фойда олар эди. Бозорда талаб ошиб, кўйлак 65 доллардан сотилса, фойда 15 000 долларга етади, фирма кўйлак тикишни 1200 донга етказди, олган фойдаси яна 3 000 долларга ($200 \times 15 = 3\,000$) ортади. Демак, нархнинг ортиши ишлаб чиқаришни кенгайтиради. Фирма бозорга қўшимча равишда яна 100 та кўйлак чиқарди, унинг умумий миқдори 1 300 га етказилди. Аммо бозор тўйингани учун нарх пасая бошлайди ва ҳар бир кўйлак учун 55 долларни ташкил этди, дейлик, бир кўйлакдан фойда 15 доллар эмас, фақат 5 доллар, жами эса 6 500 долларга (1300×5) тушиб қолди. Энди фирма нархни ҳисобга олган ҳолда янги технология киритиб ёки ресурсларни арзонга топиб харажатларни камайтиради ва нарх пасайган шароитда ҳам яхши фойда кўради. Ёки фирма бошқача йўл тутади: кўйлак ўрнига костюм чиқаради. Хуллас, нарх фирмаларни бозорбоп товарлар чиқаришга мажбур қилади. Бинобарин, нарх ишлаб чиқаришни тартиблаб, уни ўзгартириб туради, ривожини таъминлайди, нархнинг регуляторлик функцияси мана шунда.

Рақобат воситаси. Маълумки, бозор иқтисодиётига хос нарса рақобат ҳисобланади. Рақобат турларидан энг муҳими нарх воситасида кураш. Фирмалар ўз рақибларини енгиш, уларни бозордан сиқиб чиқариш учун нархни ўзгартириб турадилар. Бир хил ёки ўринбосар товар чиқарувчи фирмалар харидорни олдириб олиш учун нархни пасайтиради, зарар қўрмаслик учун товарларни ишлаб чиқариш, таниш, сақлаш ва сотиш харажатларини ҳам

қисқартиради. Аммо вақти келганда нарх харажат билан боғланмаган ҳолда ҳам пасайтирилади. Нарх муҳим иқтисодий дастак бўлганидан уни тез-тез ўзгартириб туришдек усул рақобатда кенг ишлатилади.

Социал ҳимоя функцияси. Нарх аҳолининг айрим тоифаси ёки халқни қимматчиликдан сақлаш вазифасини ўтайди. Одатда аҳолининг ночор ва камбағал қатламларига товарлар арзонлаштирилган нархда сотилади. Булар социал дотациялашган нархлар бўлиб, уларни молиявий жиҳатдан давлат бюджети ёки турлича хайрия маблағлари таъминлайди. Аҳолининг ночор қатламларига арзонлаштирилган нархда озиқ-овқат, кийим-кечак сотилади. Масалан, Ғарб мамлакатларида аҳоли эски кийим-кечакни хайрия қилиб турли ташкилотларга беради, бу кийимлар ўта арзон нархда камбағалларга сотилади. Аммо бозор иқтисодиётида социал-хайрия нархлари асосий эмас, улар онда-сонда учраб туради, чунки социал ҳимояга мухтожлар пул бериш орқали таъминланади, бу пулга улар бозор нархида товарлар оладилар. Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида айрим мамлакатларда социал ҳимоя вазифасини ўтовчи нархлар кенг қўлланади, улар давлатнинг ёрдамига таянади.

Дотацияланган нархларни давлат белгилайди. Бундан мақсад аҳолининг кенг қатламларини энг зарур истеъмол моллари билан минимал даражада таъминлашдир. Масалан, Ўзбекистонда 1991 йилдан бошлаб ун, гуруч, қанд-шакар, гўшт, совун, ўсимлик мойи, чой, макарон каби товарлар дотацияланган арзон нархларда ва чекланган миқдорда сотила бошлади. 1992 йили Ўзбекистон Республикаси бюджети берган дотация қуйидагича бўлди: нон нархига — 29,2 млрд. сўм, ун нархига — 37 млрд. сўм, шакар нархига — 31,8 млрд. сўм, гўшт нархига — 80 млрд. сўм. Дотацияланган нарх социал ҳимояни таъминласа-да, иқтисодий ўсишни рағбатлантирмайди, чунки нарх ҳамма учун бир хил, шу нархда сотилган товар ҳам ҳамма учун тенг миқдорда бўлади. Аммо мазкур нархлар аҳолини ҳимоялаб туриш учун вақтинча зарур бўлади, сўнгра улар эркин бозор нархлари билан алмаштирилади, социал ҳимоя пул бериш орқали амалга оширилганда нархлар аҳолига моддий кўмак бериш вазифасини бажармай қўяди. Хуллас, нарх бозор иқтисодиётининг воситаси сифатида ўзаро боғланган муҳим вазифаларни бажаради.

2. Нарх-навонинг ташкил топиши

Бозор сотувчи билан харидор ўртасидаги иқтисодий муносабат бўлганидан нархнинг шаклланишида ҳар икки томон иштирок этади. Харидор — бу товар ва хизматларни истеъмол этувчилар—фуқаролар, ишлаб чиқаришни юргизиш учун ресурсларни сотиб олувчи фирмалар, шунингдек давлат ташкилотларидир. Сотувчилар — булар товар эгалари бўлмиш фирмалар, иш кучини сотувчи ишчи ва хизматчилар, капитал, иморат, иншоот ва ер эгаларидир. Айтилган субъектлар бир вақтнинг ўзида ҳам сотувчи, ҳам харидор мавқеида бўлади. Уларнинг нархни шакллантиришдаги иштироки бозорнинг турига боғлиқ. **Эркин бозор — бу рақобатли бозордир.** Бу ерда сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам кўпчилик бўлиб, улардан ҳеч бири ўз билганича нархни ўрната олмайди. Нарх рақобат жараёнида ташкил топади. Масалан, бугдой, гуруч ёки пахта бозорида сотувчилар минглаб фермерлардан иборат, харидор фирмалар ҳам сон мингта бўлади. Эркин бозорда товар таклифи ишлаб чиқарувчи томонида бўлади, у сотувчи вазифасини ўтайди. У бозорда харидорга ўз нархни таклиф этади, харидор эса талаб қилувчи сифатида товарни ўзига мақул нархда харид эта олади. **Харидор-сотувчи алоқасидан бозор нархи шаклланади, бу мувозанат нархидир.**

Рақобатсиз бозор ҳам борки, у ерда маҳсулоти бозордаги талабни ўзгартиришга қодир бўлган айрим фирмалар фаолияти нарх-навога сезиларли таъсир этиши мумкин. Масалан, нефть бозорида нефть қазиб олишни ўз қўлида жамлаган фирмаларнинг бозорга нефть чиқариши нарх-навога дарров таъсир этади. Ироқ Қувайтни босиб олган пайтда (1991 йил) нефть конлари вайрон этилиб, Қувайт нефти бозорга ҳаят кам чиқабошлади. Натижада 1 тонна нефть нархи 80 доллардан 120 долларгача етиб борди.

Эркин рақобат бор жойда товарнинг бозор нархи юзга келади. Аммо бу нарх қотиб қолмайди, бозор ҳолатига қараб тез ўзгариб туради. Масалан, қимматбаҳо қоғозлар бозори бўлмиш фонд биржаларида сотувчи ва харидорлар ҳаят кўпчилик бўлгани ҳолда нархлар кунига бир неча марта ўзгаради.


Иқтисодиётда шундай омиллар борки, улар бозорнинг турларидан, харидор ва сотувчиларнинг хоҳиш-иҳтиёридан қатъи назар нарх учун объектив асос бўлади. Шундай омил товар қийматида. Нархнинг шаклланишида

товарни ишлаб чиқаришдан тортиб, истеъмолга еткунгача бўлган меҳнат сарфлари иштирок этади. Бунга ишлаб чиқариш ва тижорат харажатлари киради. Жамийи харажатлар нарх таркибига киради. Товар қийматига қўшимча маҳсулот қиймати ҳам кирадики, у товар сотилгандан сўнг товар эгаларига ва уни сотишни уюштирган фирмаларга фойда шаклида тегади. Нарх шундай даражада бўлиши керакки, товар сотилгач, эл қатори ишлаган корхона ўз харажатларини қоплаб, бундан ташқари нормал фойда ҳам олиши керак.

Қиймат нархнинг объектив асоси бўлса-да, уни шакллантирувчи ягона омил эмас. Шу сабабли нарх бошқа омиллар таъсирида қийматдан юқорига ёки пастга қараб ҳаракат қилади.

Буни қуйидаги чизмада кўриш мумкин (25-расм):

Қиймат ва нархнинг ҳаракати



25-расм.

Графикда АЕ қиймат бўлса, ВД нарх ҳаракати чизиғидир. Улар ўз ҳаракатида О нуқтада, яъни 5-нуқтада урилади. Шу ерда қиймат ва нарх мос бўлади, 5-нуқтага қадар нарх қийматга яқинлашиб келади, ундан сўнг эса яна узоқлашади. АЕ ва ВД чизиқлари оралигидаги масо-

фа қиймат билан нарх узинасидаги фарқланишни ифода этади.

Нархни шаклантирувчи энг муҳим омил талаб ва таклиф нисбатидир. Унинг ўзгариши нархни ҳам ўзгартириб юборади. Талаб эҳтиёждан келиб чиқса-да, унинг айнан ўзи эмас. Талабга кўп нарсалар таъсир этади. Биринчидан, харидор ўз дидига кўра бир товарни бошқасидан афзал кўради, унга устунлик беради, бинобарин, уни харид этишга мойиллик билдиради. Иккинчидан, харидорнинг мана шундай феъл-атворидан қатъи назар, харид этиш қобилиятини унинг даромади, аниқроғи ўз даромадидан харид этиш учун ажрата оладиган пули белгилайди; учинчидан, харидорнинг диди ва харид қобилияти жамланиб, унинг истемол танловини белгилайди, яъни у ўз эҳтиёжини қондириш учун қандай миқдорда ва қайси хилдаги товарларни олиши мумкинлиги аниқ бўлади. Харидорнинг афзал кўриши маълум товарлар мажмуаси билан чекланади, аммо бу қайси эҳтиёжнинг бирламчи бўлишига боғлиқ. Масалан, овқатланиш эҳтиёжи кийини эҳтиёжидан олдинда боради, ўз навбатида кийиниш, саёҳат ёки томоша эҳтиёжидан устун туради. Агар айрим товарлар ёки товарлар гуруҳи эҳтиёжни бир хил даражада қондирса, харидор уларга бефарқ қарайди, бинобарин, бу билан талаб ошиб, нарх кўтарилиб кетмайди. Товарлар кўп ва хилма-хил шароитда уларнинг истемоли ортган сари бефарқлик кучаяди. Шундай шароитда кўпгина товарлардан бирини танлаб олиб, уни афзал кўриш юз беради. Бир товардан воз кечиб, унинг ўрнига бошқасини харид этиш юз беради, яъни товарларнинг ўринбосар бўлиши юзага келади. Аммо бу маълум чегарада юз беради, чунки бир эҳтиёжнинг қондирилиши бошқасини йўқ қилмайди. Бир турдаги эҳтиёжлар доирасида товарлар бир-бирининг ўринбосари бўла олади. Масалан, овқатланишда бир хил маҳсулот бошқасининг ўрнини босади, лекин у ҳеч қачон транспорт хизмати ёки кийим-кечак ўрнини боса олмайди. Фақат муайян эҳтиёжни қондириш доирасида ўринбосарлик содир бўлади. Транспортда трамвай, троллейбус, автобус ёки такси ўзаро ўринбосар бўладилар. Тўйинган бозор шароитида бир товарга нормал талаб бўлса, унга мумкин бўлган ортиқча талаб бошқасига кўчади. Бунда ҳар хил ўринбосарлик келиб чиқади масалан, қўйлак олиш ўрнига томошага борилади. Ўринбосарлик бор жойда, товар танлови индивидуаллашади, чунки кишиларнинг диди ва қўлидаги пули ҳар хил бўлади. Масалан, музлатгичнинг қайси би-

рини таялаш харидор учун унинг нимаси маъқуллигига боғлиқ. У музлатгичнинг ташқи кўринишими, энергия сарфими, хизмат қилиш муддатими, ёки повқинсиз иш-лашими, ихчам бўлишими — ҳуллас, нимасидир ёқади. Бу масаланинг бир томони, бошқа томони эса харидорнинг **қурбига** боғлиқ.

Шунга қараб, товар таялаш юз беради. Аммо унинг юзага чиқиши учун харидорнинг пули етарли бўлиши шарт. Кишининг қурби унинг истеъмолини чеклаб туради. У харид этиш қобилияти сифатида нархга таъсир этади. Қурби баланд харидор ўзи афзал кўрган молни юқори нархда ҳам ола билади, аксинча, харид қобилияти кучсиз харидор буни қила билмайди. **Харидорнинг товар таялашдан иборат иши унинг харид қобилияти доирасида энг нафли молларни топишга интилишини билдиради.** Товарнинг наф келтириш хусусияти — истеъмол этиш жараёнида эгасида қониқиш ҳосил эта олиши, яъни харидорнинг индивидуал дидига қараб эҳтиёжини қондира олишидир. **Товарнинг наф келтириши қанчалик юқори бўлса, шунчалик нарх қийматдан юқорига қараб интилади ва ҳатто унинг қийматдан ўзилиши ҳам юз беради.** Аммо бундай ҳол кам учрайди, чунки товарлар гоёт кўп бўлганидан айрим товар нафлиги ўта юқори бўлмайди, ўринбосар товарлардаги нафлик уни тутиб туради.

Нархнинг товар нафлигига монанд ошиб бориши чексиз эмас, албатта, чунки наф келтириш меъёрининг ҳам энг охириги чегараси бўлади. Шу чегарадан ўтгач, товарнинг нафлиги пасая боради, бинобарин, **нафликнинг энг юқори нуқтаси товар истеъмолидан энг юқори қониқиш билан аниқланади.** Шундан сўнг кўшимча харид этилган ва истеъмол қилинган товар нафлиги пасаяди. Демак нафликнинг нархга таъсири маълум вақтгача бўлиб, унинг давомида нарх ошади, сўнг эса пасаяди, чунки нафлик камаяди. Масалан, муайян шахс учун кофенинг нафлиги кунига 3 стакан билан чекланади, шунга қадар унинг нархига харидор чидайди, тўйиниш ҳосил бўлгач, нафлик энг юқори нуқтага чиқади, сўнг у пасаяди, натижада кофе нархини харидор тан олмайди.

Шу нарса қонунийки, **товарнинг нафлиги қанча юқори бўлса, унинг нархи ҳам шунча баланд бўлади.** Масалан, янги қимёвий модда яратилди. Унинг қиймати 1 тонна ҳисобида 200 минг доллар. У хўжаликнинг кўп соҳаларида ишлатилиб, катта самара келтиради, у 5 млн. тонна ишлаб чиқарилганда энг юқори самарага эришилади. Шунга қадар янги модданинг қиймати 200 минг доллар

бўлгани ҳолда нархи 250, 300, 400, 500, 600 ва ҳатто 700 долларга етади. Моддани ишлаб чиқариш модда нафлигининг юқори нуқтасидан ўтгач, нарх пасаяди.

Харид қобилиятининг чекланганлиги туфайли харидор ўз қўлидаги пулга жамланганда юксак қониқиш ҳосил этадиган товарларни олади, бу товарлар нафлигининг максимизацияси ёки нафликнинг энг юқори нуқтаси дейилади. Бунда нафлик ўз-ўзидан эмас, балки сарф қилинган пулга нисбатан қаралади, масалан, ҳар бир доллар сарфи қандай қониқиш ҳосил этгани ҳисобга олинади. Шу 1 долларлик харид берадиган қониқиш камайгач, нафлик пасайишга мойил бўлиб, нархни ҳам пасайтиради.

Товарнинг нафлиги билан унинг нархи ўртасидаги боғланишни қуйидаги чизмада кўриш мумкин (26-расм).



26-расм.


Графикдан маълумки, нафлик 1 дан 5 қадар ортиши билан нарх 10 дан 30 гача ортиб борди. Бунда нарх ҳаракати 0 нуқтадан А нуқта томон борди. Нафликнинг энг юқори чўққисига (5 нафлик) энг юқори нарх (30 нарх) ҳос бўлади. Шундан сўнг нафлик пасая боради, у қайтадан 1 тенглашса, нарх олдинги ҳолатига тушиб, 10 га тенг бўлади. Бунда нархнинг тескари, яъни нагга қараб ҳаракати, яъни АВ чизми бўйича ҳаракат юз беради.

Нафлик товарнинг хоссаси билан чекланмай, уни истеъмол этиш вақти билан ҳам ўлчанади. Меҳнат унумдорлиги юқори бўлиб, вақт бирлигида бойлик қанчалик кўп яратилса, шунчалик вақтнинг қадри юқори бўлади. Бу истеъмол вақтига ҳам тааллуқли. Товарлар истеъмол учун қанчалик қулай бўлиб, вақтни тежаса, уларнинг нархи шунчалик юқори бўлади. Қулайлик ҳосил этиш учун кетган харажатга нисбатан нарх юқори бўлиши ҳам мумкин. Масалан, 1 кг суяксиз гўшт 6 доллар туради. Шу гўштни қиймалаб, керакли масаллиғ қўшиб, 10 дона бифштекс тайёрлашга кетган меҳнат сарфи 3 долларга тенг. 10 та бифштекс қиймати 9 доллар. Лекин у харидор учун бифштекс пиширини вақтини тежасани учун нархи 10 доллар бўлса ҳам сотилади. Вақтни тежаш товар нафлигининг муҳим белгиси. Харидор учун вақт қадри, масалан, менежер, врач, инженер, ишчи, уй бекаси, фаррош, пенсионер учун ҳар хил. Шу сабабли улар нарх даражасига турлича ёндошадилар. Масалан, менежер вақти тизиз, у бир кун Москвада бўлиб, ишини битказгач, эртаси қуни Тошкентда бўлиши керак. Ишни вақтида бажарса 50 минг сўм топади. У самолёт билетига 10 минг тўлаб, Москвага боришни ва қайтишни афзал кўради, чунки бу нафли (50—(10×2)=30 минг). Аммо пенсионер учун поездда Москвага бориш нафли, чунки билет 2 минг сўм туради. Пенсионернинг вақти бемалол, пул топиши вақт билан боғлиқ эмас. Айтайлик, врач аёлнинг вақти тизиз, у бемор кўриб пул топади, уй бекасининг вақти бемалол, пул топадиган иши йўқ. Врач товарга телефон орқали буюртма бериб, қиммат бўлса-да, келтириб берганига рози бўлади. Уй бекаси бундай қилмайди. У арзон товарни қидириб топади. Бу ўринда бир хил товарнинг нархи ҳар хил бўлиши турган гап. Вақтнинг қадри ортиши билан истеъмол учун қулайлик бериш харажатлари кўнаиб, улар товар нархини шакллантиришида фаол қатнашади. Нархни рақобат ҳам шакллантиради. Рақобатда ютиб чиқиш ёки ютқазини нарх белгилашга ҳам боғлиқ. Рақобатлашувчи харидорлар кўп бўлса, юқори нарх ташкил топади. Агар сотувчилар кўп бўлиб, улар рақобатлашса паст нархлар вужудга келади.

Рақобат курашида харажатларни қопламайдиган, бинобарин, зарар келтирадиган ўта паст нархлар ҳам пайдо бўлади.

Нархнинг шаклланишида қатнашувчи омиллارни умумлашган ҳолда қуйидаги схемадан кўриш мумкин (27-расм).

Нарх омиллари




27-расм.

Нарх омилларининг ҳаракати бир йўналишда бормай, уларнинг нархга қарама-қарши таъсир этиши ҳам юз беради. Айтилган омиллардан бири нархни кўтарса, бошқаси пасайтиради. Бир омил таъсирини бошқаси нейтраллаштириб туради. Масалан, қийматнинг пасайиши нархни арзонлаштиради, талабнинг ортиши уни қимматлаштиради. Нафликнинг юқори бўлиши баланд нархни тақозо этса, рақобат кураши уни пасайтиради. Хуллас, нарх турли омилларнинг зиддий таъсири остида шаклланади. (28-расм).

Устунлардаги рақамлардан маълумки, нарх даражаси ҳар хил (120, 90, 140, 80), шу билан бирга уни шакллантирувчи омиллар ҳиссаси ҳам бир хил эмас. Бинобарин, улар нархни шаклланишига ҳар хил таъсир этадилар. Биринчи ва учинчи ҳолда қиймат таъсири кучли, иккинчи ва тўртинчи ҳолда эса кучсиз. Тўртинчи ҳолда нафлик нархга кучли, учинчи ҳолда эса кучсиз таъсир этган. Талаб ва таклиф нисбатига келсак, уни нархга таъсири иккинчи ва тўртинчи ҳолда сезиларли бўлган, бошқа ҳолларда унча катта эмас. Рақобат нархга иккинчи ҳолда энг кучли, тўртинчи ҳолда энг кучсиз таъсир этган. Нарх шаклланиши омиллари таъсири бир йўналишда бормаганидан уларни нархнинг ўзгаришидаги роли ҳам бир хил бўлмайди. Нархга таъсир этувчи омиллар бозор характерига қараб ҳаракатга келади. Бозорнинг бир қисми эркин бўлса, бошқаси рақобатсиз, аксинча назорат

Турли омилларнинг нархдаги ҳиссаси



28-расм.

ратли бўлади. Бозорда товар таклифи танҳо бир фирма ёки озчилик фирмалар қўлида тўпланса ва харидорлар кўпчилик бўлса—бу **монополияни** келтириб чиқаради. Агар товарларни таклиф этувчилар кўп бўлиб, харидор танҳо ёки озчилик бўлса, бу **номополияни** пайдо қилади. Монополия ва монополия бозор устидан ҳукмдорлик бўлиб, рақобатни чеклайди. Эркин бозорда сотувчи ва харидор кўпчилик бўлганидан улардан ҳеч бири танҳо нархга таъсир эта олмайди. Аксинча, бозорда зўравонлик бўлса, сотувчи ёки харидор ўз измини ўтказиб нарх шаклланишига таъсир этади. Монополия шароитида ҳам нархни ошириш чегараси мавжуд бўладики, уни бозордаги талаб ўрнатади. Гап шундаки, бозор товарни маълум нархгача кўтаради, нарх ошиб кетса, бозор касод бўлади. Масалан энгил автомобилнинг «Форд-мустанг» маркасининг оммавий бозор кўтарадиган нархи 15—20 минг доллар. «Форд» компанияси монополист бўлса-да, бозор билан ҳисобланишига мажбур. Агар у нархни 25 минг долларга кўтарса, 200 минг ўрнига 100 минг автомобиль сота олади, натижада олган фойда миқдори қисқаради. Демак, «Форд» шу ишни қилмайди. Монополия нарх белгиланганда харажатларга нисбатан максимум фойда олишни кўз-

лайди. «Форд» ўзининг «Форд-мустанг» марказини ишлаб чиқаришга 14 минг доллар сарфлаган дейлик. Нарх белгиланганда у мана шу 14 минг устига яна 4 минг доллар қўядики, шундан 500 доллар солиқ бўлса, қолган 3,5 минг доллар максимум фойда бўлади. Бозор кўтаришига қараб **фойдани максимумлаштириш қондаси нарх белгиланганда** қўлланади, лекин бари бир талаб билан ҳисоблашнинг таъғри келади. Талаб эластик бўлганидан нарх ошиб кетса, у қисқаради, товар кам сотилади, фойда миқдори қисқаради, бинобарин, фойда максимумланмай қолиши мумкин. Бунинг устига монополия мутлақ ҳоким эмас, чунки монополиянинг бошқа монополия тимсолида рақибни ҳам бор. Агар у нархни оширса, рақиб нархни пасайтириб, харидорни оғдириб олиши мумкин. Олдинги мисолга қайтсак, «Форд» автомобиль нархини айтганимиздек 25 минг долларга кўтарса, унинг қудратли рақибни «Тойота», автомобиль нархини 20 минг доллардан 18 минг долларга тушириб «Форд»ни бозордан маҳрум этиши мумкин. Монополияланган бозорда ҳам рақобат (у чекланган бўлсада) нарх-навоининг шаклланишига таъсир этмай қолмайди. Монополияланган бозорда фирмалар қанчалик кўп бўлса, шунчалик рақобат нарх белгиланганда кучли таъсир этади, монопол зўравонлик оз бўлади. Аммо фирмаларнинг ўзаро тил бириктириши ҳам юз беради, бунда уларнинг биргаликдаги ҳокимияти ўрнатилади. Фирмалар келишган ҳолда юқори нарх белгилаб, ишлаб чиқаришни қисқартирган ҳолда ҳам юксак фойда кўра оладилар. Албатта, бу эркин бозор қондаларига зид, аммо иқтисодий ёнда юз берадиган реал ҳодисалардир. Шу сабабли давлат антимонопол қонунлар орқали бозордаги зўравонликни чеклашга интилади.

Агар монополия шароитида нархни оширишга мойиллик бўлса, монополия шароитида бунинг тескариси юз беради. Харидорлар озчилик бўлиб, бозорда уларнинг ҳукми ўтади. Монополия ҳокимиятини таъминловчи куч — бу товарлар таклифининг ўзгарувчан бўлмаслиги ёки бунинг кучсизлигидир. Бунда товар таклифи нархга нисбатан бефарқ бўлади ёки унинг ўзгаришига суст жавоб беради. Нарх ошишига жавобан товар таклифи кўпаймайди, нарх пасайса, қисқармайди ҳам. Бу монополия мавқеидаги харидорларга қўл келади. Улар танҳо ёки чекланган харидор бўлганидан сотувчига ўз измини ўтказиб, нархни туширишга эришадилар. Монополияда сотувчи нархни устуни бўлса, монополияда харидор нархни устунилик қилади.

Боворда мавқеи кучли фирмалар нархни ўзгартириш орқали харидорнинг ортиқча пулини олишга интилади-лар, буни устама истеъмолни қўлга киритиш деб юрити-лади. АҚШда буни истеъмолчи доллари учун кураш дей-дилар. Товарларни маълум миқдорда чиқариб эл қатори нархда сотиш нормал фойда келтиради. Аммо фойдани ошириш учун турли гуруҳ харидорларга уларнинг харид қобилиятини ҳисобга олиб, ҳар хил нархда товар так-лиф этилади. Бир гуруҳ учун одатдаги нарх, иккинчиси учун арзонлаштирилган нарх, учинчиси учун оширилган нархдаги товар таклиф этилади. Харидорни иноватга олиб табақалаштирилган нархлар **диверсификациялашган нарх-лар** деб аталади. Бу нархлар энг аввал харидорнинг ха-рид қобилиятига қараб фарқлантирилади. Масалан, рес-торанда айнан бир таом нархи тушлик пайтида 50 марка бўлса, кечқурун 80 марка бўлади, чунки тушлик қилиш-га оддий одамлар, кечқурун эса пулни аямайдиганлар келади. Худди шу таомни ресторан камбағаллар яшай-диган мавзедаги ўз филиалида 45 маркага сотиши мум-кин. Нархни мана шундай ўзгартириб туриш товар со-тиш ҳажмини кучайтиради, фойдани оширади.

Нархлар истеъмол ҳажмига қараб ҳам табақалашти-рилади. Истеъмол маълум даражагача самарали бўлади, чунки товар нафлигини энг юқори чегараси бор, шунга қадар нарх ошади. Шундай харидорлар борки, улар маъ-лум миқдордаги товарларни маълум вақт мобайнида юқо-ри нархда олишлари мумкин. Масалан, гул етиштирувчи иссиқхона эгаси иссиқхонани исситиш учун кеч куз ва қиш мавсумида газни юқори нархда олишга тайёр бўла-ди ва у айтайлик биринчи 100 м³ газни 50 долларга, ке-йинги 100 м³ ни 100, учинчи 100 м³ ни эса 150 долларга олишга тайёр. Шунинг назарда тутиб газ берувчи фирма нархни ҳар хил қилиб белгилайди. Нарх товарлар тури-га қараб ҳам табақалаштирилади. Оммавий товарлар нар-хи наст бўлгани ҳолда, нуфузли, обрўталаб товарлар нархи юқори бўлади. Масалан, оммабон костюм нархи 120 доллар бўлса, махсус буюртма билан ёки кам миқ-дорда пулдорлар учун махсус тикилган костюм 300 дол-лар туради. Иккинчи тоифа костюмнинг ҳар бири кўп-роқ фойда келтиради. Нархни товарларга қараб табақа-лаштириш товарни кўпроқ сотиб, харидор пулини чақириб олиш, унинг бир қисмини фойдага айланттириш воситаси ҳисобланади. Нархлар талабнинг кучайишига ва паса-йишига қараб ҳам фарқлантирилади. Талаб ўз чўққи-сига боргунча нарх юқори белгиланади, маълум вақтдан

сўнг пасайтирилади. Янги кинофильмга қизиқиш ортаган сабабли кино чиптаси биринчи ҳафта қиммат соҳилса, иккинчи ҳафтадан эътиборан арзонлаштирилиши мумкин. Дам олиш мавсуми келиб, таътилга чиқиш кўпайган пайтда авиакомпаниялар самолёт чиптаси нарҳини оширадилар, мавсум ўтгач, нарх қайта ўз ҳолига келади.

Монополлашган бовордаги рақобат шароитида фирма-лар кўзга ташланмаган усулда нарх ҳақида бир битимга келадилар. Бир фирма биринчи бўлиб ўз нарҳини ўрнатади. Буни нарх белгилашдаги пешқадамлик дейилади. Бошқалар пешқадам белгилаган нарҳни ҳисобга олиб, унга яқин қилиб нарх қўядилар. У ёки—харажатни ҳисоблаш усулини бир хил қилиш ҳам қўлланади, яъни ишлатилган хом ашёни арзон олинган даврдаги эски нарҳига биноан эмас, балки ҳозирги, оширилган нарҳда ҳисоблаб, харажатга қўшадилар. Бунда харажат ортади, бинобарин, нарх ҳам ошиши турган гап. Масалан, 1992 йили компания пахта толасининг ҳар тоннасини 1200 доллардан олган, уни сақлаш учун 100 доллар сарфлаган. Шу пахта 1993 йили ишлатилганда фирма унинг қийматини шу йилги нарҳда ҳисоблайди, яъни 1 тонна пахта 1300 доллар, сақлаш харажати 100 доллар—жами 1400 долларни харажатга қўшади. Натижада харажат 100 долларга ошади. Амалда бу харажат эмас, нарх ўзгаришидан келган даромад. Аслида у харажатдан чегирилиши керак.

Монополия мавқеидаги корхоналар рақиб тазйиқидан ҳоли бўлади. Улар ишлаб чиқаришни кўпайтирмай, яъни товар таклифини оширмай нарҳни кўтариш ҳисобидан фойда кўра оладилар. Лекин нарҳни ошириш истеъмолчининг харид қобилиятига бориб тақалади. Шундай шароитда монополист фирма харажатни пасайтириб, нарҳни арзонлаштиришга ва шу ҳисобдан товарни кўпроқ сотиб, яхши фойда кўришга ҳаракат қилади. Монополист учун фойданинг умумий миқдори ҳам муҳим. У бир товар бирлигига тўғри келадиган фойдани камайтирган ҳолда товарни кўпроқ сотиб, фойда миқдорини оширишдан манфаатдор бўлади. 1 дона магнитофон 100 долларга сотилса, 15 доллар фойда келади, монополист кунига 1000 сотилса, 15 доллар фойда келади, монополист кунига 1000 дона магнитофон ишлаб чиқарса, 15 000 доллар (1000×15) фойда кўради. Агар у магнитофон чиқаришни 900 тага тушириб, нарҳини 105 долларга кўтарса, ҳаммаси бўлиб, 18 000 доллар (900×20) фойда олади. Бир қараш-

да бу маъқул кўринади. Аслида бошқа йўл ҳам бор: магнитофон ишлаб чиқариш 2000 донага ётказилади, нарх эса 5 долларга арзонлашиб, 95 долларни ташкил этади. Бунда фойда миқдори 20 000 (200×10) долларга тенг бўлади. Демак, монопол мавқеи ҳар доим ҳам юқори нарх белгилашни тақозо этмайди, балки нархнинг фойда йўлида ўзгариб туришини аниқлатади. У янги технологияни ўзлаштириб, харажатларни пасайтириш, бинобарин, нархни арзонлаштириш ва ишлаб чиқариш миқёсини кенгайтириш ҳисобидан катта фойда олиш имкониятини ҳам билдиради.

Бинобарин, монополияни ҳар доим ҳам нархни оширувчи омил деб қараб бўлмайди.

Давлат маълум мақсадни кўзлаган ҳолда нархни чегаралайди, яъни қонун йўли билан нархнинг қўйи ва юқори чегарасини белгилайди, сотувчилар шу чегараларга риоя қилишга мажбур бўладилар. Бу билан давлат нархнинг иқтисодий ва социал соҳага кўрсатадиган таъсирини ўзгартириб юборади. Нархнинг юқори чегараси одатда инфляцияни назорат қилиш, пул қадрини тутиб туриш учун қўлланади. Инфляцияни даф этиш мақсадида давлат ҳам нархни, ҳам иш ҳақини музлатиб қўяди. Нархнинг юқори чегарасини белгилаш социал ҳимоя вазифасини ҳам бажаради. Нархнинг ўсишини секинлаштириш ёки тўхтатиб қўйиш орқали пул қадри, бироз бўлса-да, таъминланиб туради. Бундан мақсад аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламни энг зарур истеъмол моллари билан таъминлашни кафолатлашдир.

Нархнинг қўйи чегарадан пасайишини ман этиш, биринчидан, талабни жиловлайди, чунки арзон товарлар керагидан кўп харид этилади. Гап шундаки, арзончилик қўшимча талаб ҳосил этиб, товарларни камайтириб юборади. Бунинг устига у ишлаб чиқарувчиларга зарар келтириб, ресурсларнинг чиқиб кетиши, бинобарин, ишлаб чиқаришнинг қисқариб кетишига сабаб бўнади, келажакда тақчиллик пайдо бўлиб, нарх ошишига олиб келади. Давлатнинг нархга аралашуви бозор мувозанатини бузади. Нархни сунъий тўхтатиб қўйиш пули оз бўлганларда ҳам талаб ҳосил қилади, натижада товарни анча юқори нархда олишга қодир бўлган пулдорлар ҳам тақчилликка йўлиқади. Нарх воситасида товарларнинг пули кўп ва пули озлар ўртасида тақсимланиши бузилади. Натижада меъёрланган тақсимотга ўтилади, яъни товар фақат маълум миқдорда сотиладики, ундан кўп олиш мумкин бўлмайди, масалан, 1993 йили Ўзбекистонда ун сотиш

нормаси шаҳар аҳолиси учун ҳар ойда жон бошига 2 кг қилиб белгиланган.

Нархни ўз ҳолига қўймаслик ортиқча талаб ҳосил қилиб, товарни кўп вақт сарфлаб, навбат кутиб харид этишга олиб келади. 1975 йили АҚШ да табиий газ нархини давлат ўз назоратига олиб, нарх ўсишини чеклаган. Натижада газга талаб 1,5 марта ошган.

Қатъий нархлар товар ишлаб чиқаришни рағбатлантирмайди, чунки олинadиган фойда чекланган бўлади, ҳатто яхши ишлаган тақдирда ҳам фойдани кўпайтириб бўлмайди. Давлат чегаралаган нарх иқтисодий жиҳатдан монополь нархга яқин, у бозор таъсиридан холи бўлади, эркин иқтисодий фаолият талабига жавоб бермайди. Хулоса қилсак, эркин рақобатли бозор ва моноллашган ёки рақобат чекланган бозорда нархларнинг шаклланиши ҳар хил кечар экан. Аммо бундан қатъи назар нархни вужудга келтирувчи умумий омиллар мавжуд, лекин уларнинг нархга таъсир этиш меъёри бозор турига қараб ўзгаради. Нархни шакллантирувчи асосий омиллар бу товар қийматининг миқдори, талаб ва таклиф нисбати, товарнинг наф келтириш даражаси, рақобат ҳолати, давлатнинг нархга аралашувчи, фирмаларнинг нарх белгилаш стратегияси кабилардир.


3. Нарх турлари

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос тизими борки, уни ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо этувчи, аммо ҳар хил мақсадларда қўлланувчи нархлар мажмуаси ташкил этади. Нархнинг шаклланиш жараёни мураккаб, унинг иштирокчилари гоё кўпчилик, нархлар ҳар хил вазифаларни бажаради, шу сабабли нархларнинг тури кўп (29-расм).

Нархнинг иқтисодиётдаги ўрни беқиёс катта бўлганидан унинг ҳар бир туридан оқилона фойдаланиш тадбиркорлик учун муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли корхоналар ва фирмалар нарх белгилашга катта эътибор берадилар. Улар ўзларининг нарх стратегиясини ишлаб чиқишда уч мақсадни кўзлайдилар — товар сотишни кўпайтириш, фойдани кўпроқ олиш, ўзининг муайян мавқеини сақлаб қолиш.

Товар сотишни кўпайтиришдан уч натижа кутилади:

а) товар сотишни кўпайтириш орқали бозорда ўз ҳисса-



29-расм

сини ошириш, имкон бўлганда бозорни ўз назоратига олиш; б) ҳар бир товарни (товар бирлигини) сотишдан тушадиган фойдани камайтиришга рози бўлган ҳолда товарларни қўллаб сотиш орқали келадиган ялпи фойдани ошириш; в) товарни қўп сотиш натижасида унинг ҳажмига нисбатан савдо-сотиқ харажатларини қисқартириш.

Бозордан рақибларни суриб чиқариб, ўз мавқеини муқтаҳкамлаш учун фирмалар махсус нарх қўллайдилар, уни бозорга кириб олиш нархи ёки демнинг нарх деб аташади.

Бу нарх рақибни синдиришга қаратилганлигидан давлат уни тақиқлайди, шу сабабли фирмалар уни **яширин қўллайдилар** ва бу иш расмий нархнинг бир қисmini кечиб юбориш шаклида бўлади. Нархларни пасайтириш янги бозорларни қўлга олишга хизмат қилади. Нарх муқим равишда мўлжалланган фойда миқдорини таъминлайдиган қилиб белгиланади. Маълумки, фойданинг нисбий ва абсолют (мутлақ) миқдорлари бор. Нисбий фойда бу бир товар сотилишидан келган фойда. Абсолют фойда фойданинг умумий миқдори бўлиб, фойданинг нисбий миқдорига ҳамда сотилган товарлар сонига боғлиқ. Фир-

ма нарх қўйганда товар сотилишини қисқартирмаган ҳолда юқори нарх ҳисобида қанда қилмай фойда олишни мўлжаллайди. Бу мақсадга эришиш учун нуфузли нархлар жорий этилади. Аммо бу нархлар иш бериши учун бозорда рақобат чекланган, энг яхшиси монопол бозор бўлиши шарт. Мазкур бозорда товар нархи эмас, балки унинг маркаси обрўли бўлиши ҳал қилувчи омил бўлади. Бу ерда талаб нархга боғлиқ бўлмайди, шу сабабли нарх кўтарилиши товар сотилишини кескин камайтирмайди. Маълум бир гуруҳ истеъмолчи оладиган нуфузли товарлар борки, уларнинг эгаси бўлиш мартабага эришиш билан баробар туради.

Ривожланган мамлакатларда ўзига тўқ аҳоли учун дала ҳовлига эга бўлиш, машҳур курортларда дам олиш, танилган моделъерлар тайёрлаган кийимни кийиш, яхтага эга бўлиш, янги моделдаги автомашинада юриш — нуфузли ёки обрўталаб истеъмол ҳисобланади. Масалан, Финляндияда оила учун обрўталаб истеъмол, албата, қўйидагиларни ўз ичига олади: жон бошига алоҳида хонаси бўлган квартира, икки қаватли дала ҳовли, иккита енгил автомашина, автоматик газ плитаси, икки камерали музлатгич, автоматик кир ювиш машинаси, электрон печка, икки дона телевизор, видеоаппаратура, магнитофон ва транзистор кабилар. Ўзбекистонда 80-йилларда мартабали автомашина оқ рангли 2106 маркали «Жигули» ёки ГАЗ 24 — «Волга» автомашинаси бўлган. 90-йилларга келиб марка ўзгарди. Энди мартаба учун хорижий маркалар, яхшиси «Вольво», «Мерседес», «Тойота» ва ниҳоят «Форд скорпио» каби машиналар эгаси бўлиш керак. Мартабали истеъмол нуфузли нархларни юзага чиқаради. Улар одатдаги нархлардан юқори бўлади, чунки харидор учун нарх эмас, товарнинг эгаси бўлиш муҳим, шу сабабли айрим тоифа аҳоли нархнинг бетига қарамай, обрўталаб товарни ола билади. Бунда «пул кетса кетсин, обрў кетмасин» қабалида иш қилинади. Масалан, АҚШда Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмаси яратган автомобиль моделлари модага кирганда уларга нуфузли нархлар белгиланган. Мазкур фирма машиналарининг нархи моделига қараб 25—27 минг доллар бўлган, ваҳоланки, оддий оммабоп машиналар нархи ўртача 12—15 минг долларни ташкил этган. Нуфузли нархлар абадий эмас, у бозорга ўрнашиб, обрў ортириш учун керак, чунки нарх юқори бўлса, маҳсулот ҳаят сифатли деб қаралади. Бозор қўлга олингач, нархни тушириш

мумкин, чунки нуфузли нархларни оммавий истеъмолчи кўтара олмайди.

Фирмалар нархдан ўз мавқеини сақлаб қолиш, рақобатдан бутун чиқиш учун ҳам фойдаланадилар. Бунда шароитни ҳисобга олиб, рақиб хатти-ҳаракатини назарда тутиб, нархни тез-тез ўзгартириб туришга тўғри келади, аке ҳолда товар сотиш ҳажмини ва фойдани бир меъёردа тутиб қолиш қийин бўлади. Нархларни қўллашда товарни ишлаб чиқариш харажатлари ва рентабеллик даражаси, бозордаги талаб, унинг ўзгариши ва, ниҳоят, бозорда нарх билан рақобатлашувнинг бориши ҳисобга олинади. Харидор чўнтагидаги пулга қараб, маълум давргача ўзгармайдиган қатъий стандарт нархлар ёки ўзгарувчан нархлар қўлланади. Шундай товарлар борки, харидорлар уларнинг нархи ўзгармаслигини афзал кўрадилар, масалан, коммунал хизмат, транспорт хизматининг нархи (тарифи). Шу сабабдан нарх қатъий қолган ҳолда харажатларнинг ўсган қисми тежамкорлик орқали қопланади, аниқроғи истеъмолга қулайлик яратиш билан боғлиқ харажатлар камайтиради. Масалан, конфет нархи ўзгармагани ҳолда уни оддий қоғозга ўраш, арзон пакетга жойлаш, қадоқлашни содда қилиш йўли тутилади, автобусда юриш нархи (кира пули) ўзгармагани ҳолда автобусдаги қулайликлар камайтиради, унинг қатнови қисқартиради, қатновга катта автобуслар чиқарилади, автобусларга кўп йўловчи олинади, уларнинг тўхташ бекатлари камайтиради.

Ўзгарувчан нарх белгиланганда, биринчидан, харажатларнинг, иккинчидан, бозордаги талабнинг ўзгариши ҳисобга олинади. Нарх оширилиб ёки пасайтириб турилади. Ҳамма учун бир хил бўлган умумий нархлар билан биргаликда, айрим тоифа харидорга мўлжалланган маҳсус (масалан, нуфузли) нарх белгиланади. Нархлар харид миқдорини ва харид вақтини ҳам кўзда тутаяди, товарлар кўп сотиб олинса нарх туширилади. Мавсум бошида нархлар ошиб борса, мавсум охирида улар камаяди. Масалан, ёз охирлаб қолганда ёзги мавсум товарлари арзонлаштирилади. Нархларни қўллашда истеъмолчининг руҳияти ҳам эътибордан четда қолмайди. Нарх сўм ва тийинларга қадар аниқликда қўйилганда харидор уни аниқ ҳисобланган, адолатли нарх деб ўйлайди, у албатта пул қайтими олишга кўниккан бўлади. Шу сабабли нархни умумлаштирмай, майдалаб белгилаш харидорга маъқул тушади. Масалан, харидор 5000 сўмлик товарни олишга қодир, ҳатто 5200 сўм бўлса ҳам олишни

мумкин, лекин унга товар нархини 4986 сўм 70 тийин бўлгани маъқул тушади. Шундай нархга харидор жазман бўлади.

Харидор тасавурида ҳар доим товар нархи унинг сифатига мос бўлади. Шу сабабли нарх сифатдан кескин йироқлашиши мумкин эмас. Аммо нарх ва сифат алоқадорлигидан фойдаланиб нархни ошириш имкони бор. Бунда сифат ўзгармагани ҳолда нарх оширилади, сифат ёмонлашган ҳолда нарх сақланади, ва ниҳоят, нарх сифатининг яхшиланишига нисбатан кўпроқ оширилади. Учинчи усул тонишга қўл келади, чунки харидор сифат билан нарх фарқини илғаб ола билмайди. Учинчи вазиятни мисол билан кўрайлик. Автошина 1000 сўм туради, унда 30 минг км. юриш мумкин. Сифат оширилиб, шинада 50 минг км юриш мумкин бўлади. Сифатни аниқ ҳисобга олганда янги нарх 1700 сўм бўлиши керак. Нарх эса 1800 сўм қилиб белгиланади. Харидорнинг ўзи ҳеч қачон нарх қанча бўлишини билмайди. У автошинанинг ҳақиқий сифатини, агар йилига 10 минг км дан юрса, 5 йилдан сўнг билиши мумкин. Нарх ва сифат мослигини бузиш рақобат шароитида хатарли иш ва бунга айрим ҳолда қўл урадилар. Бозорни кенгайтириб, товарларни кўпроқ сотиш мақсадида товарни кўп харид этганларга нархнинг бир қисми кечилади, яъни нарх арзонлаштирилади.

Савдо-сотиқда **прейскурант нархлар** ҳам ишлатилади. Бу нархлар сотувчи учун мўлжал нарх, харидор учун билдиргич ёки маълумотнома нарх. У фирмалар прейскурантларида (нарх кўрсаткичларда) эълон қилинади ва товар нархининг қайси сумма атрофида бўлишини кўрсатади. Аммо ҳақиқий нарх прейскурант нархдан юқори ёки паст бўлиши мумкин. Бир хил ёки ҳар хил товарлар борки, уларнинг нархи тенг бўлиши мумкин эмас. Нархлар албатта фарқланади, чунки харажатлар, товарнинг нафлиги ва бозордаги талаб бир меъёрда эмас. Нархлар фарқининг миқдорий ифодаси **нарх диапазони** дейилади. Диапазон нарх оралиғининг пулдаги ўлчами (ифодаси) бўлади. Нархлар диапазони улар ўртасида сезиларли фарқ бўлишини талаб қилади, чунки шундай бўлмаса, товарлар сифатидаги фарқни илғаш қийин, қўлдаги пулга қараб нархи маъқул товарни танлаб бўлмайди, бинобарин, товарнинг сотилишини кўпайтириб бўлмайди. Диапазон нархлар ўртасидаги миқдорий нисбатни ҳам билдиради. Нарх диапазони **қуйи, ўртача ва юқори** нархларни ўз ичига олади. Диапазон қанчалик кенг бўлса,

товар муомаласи шунчалик тез кечади, чунки талаб билан нарх ўзаро боғланади. Диапазон доирасида нархнинг ўзгариб туриши, бир нархдан бошқасига ўтилиши харид ҳажмини ўзгартиради.

Товар ишлаб чиқаришдан истеъмолга етиб боргунча бир неча нархларга дуч келади. Дастлаб, улар улгуржи нархда сотилади. Улгуржи нарх ишлаб чиқарувчи томонидан катта миқдордаги товарларни бир йўла кўтарасига харид этувчига сотилган найтда қўлланадиган нархдир. Улгуржи нархлар ишлаб чиқарувчи учун харажатларни қоплаш ва маълум миқдорда фойда кўришни таъминлаши керак. У, албатта, қийматдан паст бўлиши зарур. Улгуржи нархлар товар биржаларида, савдо уйларида ёки сотувчи билан харидорнинг бевосита алоқасида қўлланади. Улар контракт нарх шаклида бўлади. Контракт нарх ҳар икки томоннинг розилиги билан белгиланган ва уларнинг шартномасида қайд этилган нархдир. Бу нарх контракт амал қилган даврда, одатда, ўзгармайди, чунки у олдин келишилган бўлади, унинг бузилиши икки томондан бирининг лабзсизлигини билдиради. Мазкур нархлар кўпинча миждоз фирмалар ўртасида, ҳам миллий, ҳам халқаро бозорда қўлланади. Айтайлик, Ўзбекистон АҚШ ёки Канада бундойини олганда контракт нарх билан кўтарасига харид этади. Бу нарх халқаро бозор нархига яқин туради.

Чакана нархлар билан истеъмол товарлари бевосита аҳолига сотилади. Чакана нархга улгуржи нарх, савдо қилувчи фирманинг харажатлари ва оладиган фойдаси киради. Чакана нарх савдо фирмасининг зарар кўрмай ишлаши, фойда кўриниши таъминлаши зарур, аёс ҳолда, фирманинг фаолияти унинг ўзи учун нафсиз ишга айланади. Масалан, Тошкент марказий универмаги «Юлдуз» фирмаси тиккан эркаклар костюмининг ҳар донаси улгуржи нархда 250 сўмдан олади. Ҳар бир костюмни ташиш, сақлаш ва сотиш учун универмаг 50 сўм харажат қилади. У эл қатори ишлаб туриш учун ҳар бир сотилган костюм ҳисобидан 25 сўм фойда кўриши зарур. Айтилганлар бўлиши учун костюмнинг чакана нархи 325 сўм ($250 + 50 + 25$) бўлиши керак. Амалда чакана нарх талаб ва таклифга қараб юқори ёки паст бўлиши мумкин. Давлатнинг нархларга аралаштиришдек фаолияти лимитланган ёки чегараланган нархлар ва дотацияли нархларни пайдо қилади. Давлат нархларнинг юқори ва қуйи чегарасини белгилайди, улар шу доирада ўзгариши мумкин. Бундай нархлар ёрдамида давлат инфля-

цияни жиловлайди, нархларни назорат қилади. Дотацияланган нарх бу давлат бюджет ҳисобидан махсус арзонлаштирган нархдир, уни бозор касод бўлганда фирмалар арзонлаштирадиган нархлар билан адаштирмаслик керак. Дотацияли нархлар даромади паст оилалар, бева-бечоралар, ишсиз ва ногирон қабиларни минимал даражада таъминлаб туриш учун ишлатилади. Давлат товарларни арзон сотганларга бюджетдан дотация беради. Махсус арзонлаштирилган, аммо дотацияли бўлмаган нархлар ҳам борки, уларни белгилашда фирмалар, хайри-аҳсон ташкилотлари қатнашади. Мазкур ҳомийлар одатдаги нарх билан арзонлаштирилган нарх ўртасидаги фарқни ўз ҳисобидан қоплайдилар.

Бозор кўлами жиҳатидан олганда, минтақа-ҳудудий, миллий ва халқаро ёки байналмилал нархлар мавжуд. Ҳудудий нарх унга таъсир этувчи омилларнинг маълум ҳудуд доирасидаги таъсиридан ҳосил бўлади. У фақат маълум ҳудудий бозорга хос бўлади. Масалан, Ўзбекистонда қовун-тарвузнинг муайян жойларга (Андижон, Марғилон, Тошкент, Жиззах ёки Термизга) хос нархи мавжуд. Миллий бозор нархи бир мамлакат доирасида амал қилувчи ва уларнинг хусусиятини ақс эттирувчи нархдир. Масалан, лимон ёки анельсининг Греция, Италия, Куба, Марокашга хос нархлари бор. Миллий нарх мамлакат доирасидаги ижтимоий сарф-харажатларни, миллий бозордаги талаб ва таклифни, товар нафлигини, уни шу жойда нақадар қадрланишини ҳисобга олади. Жаҳон бозори нархи муайян товарга кетган интернационал сарф-харажатларни, товарни жаҳон стандарти талабига мос келиш даражасини ва, ниҳоят, талаб ва таклиф нисбатини ҳисобга олади. Жаҳон нархи, албатта, миллий нархдан фарқланади.

Нархлар турли-туман бўлсалар-да, улар ўзаро боғланган, чунки улар жамиятдаги моддий ва меҳнат ресурсларининг ишлатилиш самарасини, уларнинг эҳтиёжларга хизмат қилишини кўрсатади. Иқтисодиётда нархлар мувозанати ёки нисбати деган ҳодиса бор, уни нарх паритети деб ҳам юритилади. Иқтисодиёт ягона бўлганидан нархлар зашжирли реакция каби бир-бирини юзага чиқаради. Масалан, руда нархи металл нархига, металл нархи машина нархига, машина нархи кийим нархига киради, чунки бу нархлар харажатларни шакллантиради. Бозорда ташкил топган нархлар нисбати товар айирбошланганда ҳосил бўлган эквивалентликни — миқдорий тенгликни билдиради, яъни бир товарнинг қанчаси бош-

қа товарнинг қанчасига тенглаштирилганини билдиради. Масалан, бозорда 1 кг пахта нархи 4 кг буғдой нархига, битта автомашина нархи 100 та костюм нархига тенг бўлади. Биринчи ҳолда нарх нисбати 1:4, иккинчисида эса 1:100 га тенг бўлади. Бозорга шундай товарлар чиқариладики, улар кўпчилик ишлатадиган энг муҳим моддий ресурслар ҳисобланади. Уларнинг нархи, аксарият кўпчилик товарларнинг харажатини шакллантиришда қатнашади. Булар металл, нефть, кўмир, газ, ёғоч, буғдой, пахта каби товарлар бўлиб, улар ашё сифатида хўжаликнинг кўпгина соҳаларида ишлатилади. Улар нархнинг ўзгариши бутун нархлар нисбатини ўзгартиради. Энергия омили бўлган ёқилғи товарлари нархнинг ўзгариши қадарки энергия истеъмол этилса, шу ердаги товар нархини ўзгартиради. Маълумки, индустриал ишлаб чиқаришда энергия қўлламайдиган корхона йўқ. Шу сабабли энергия омиллари нархидаги силжишлар нархларни оммавий равишда ўзгартириб юборади.

Нархлар нисбати унга таъсир этувчи омилларнинг ҳар хил амал қилишидан келиб чиқади. Айниқса, бу жаҳон бозори нархларида яққол кўринади. Бу ердаги ва миллий бозордаги нархлар нисбати ҳар хил бўлади. Масалан, Ўзбекистон миллий бозоридаги нархлар нисбатига олтинни оз ёки кўп ишлаб чиқариш таъсир этмайди, чунки уни ашё сифатидаги истеъмоли гоаят кичик. Аммо Ўзбекистон олтинни экспорт қилганда, жаҳон бозоридаги нарх нисбатига таъсир этмай қолмайди.

Бозордаги нархлар даражаси ва нисбати бозор ҳолатини баҳолайди.

Нархлар даражаси уларнинг ўлчамидир. Нарх даражаси икки турга бўлинади:

1) мутлақ даража — бу нархнинг умумий миқдори бўлиб, муайян товарнинг қанча туришини кўрсатади. У нарх омилларидан ташқари пул қадрига ҳам боғлиқ. Пул қанча қадри бўлса, у шунча паст бўлади ёки аксинча. Масалан, муайян марказдаги автомашина 4000 динор, 15 000 доллар, 80 000 франк, 25 000 марка, 150000 сўм туради. Бу ўринда мутлақ миқдор ҳар хил, лекин бу ўз-ўзидан арзончилик ёки қимматчиликни кўрсатмайди. Буни билиш учун мутлақ нархнинг олдинги ва охириги даражасини солиштириш зарур;

2) нисбий даража — бу нархнинг харид қобилиятига нисбати, аниқроғи ундаги ҳиссасидир. У нарх харид пулининг неча фоизини ташкил этишини билдиради. Нарх даражаси ўта табақалашади, чунки харидорларнинг харид

қобилияти бир-бирдан катта фарқ қилади. Деҳқоннинг бир ойда топган пули 200 сўм деб фараз қилайлик, 1 кг гўшт нархи ўртача 20 сўм. Демак, гўшт нархининг бир ойлик даромаддаги ҳиссаси 10% бўлади, $20 \times 100 : 200$. Гўшт нархи шундай бўлган ҳолда тижоратчининг ойлик даромади 2000 сўм бўлса, энди шу нархнинг бир ойлик даромаддаги ҳиссаси 1% га тенг бўлади ($20 \times 100 : 2000$). Деҳқон учун гўштни нисбий нархи қиммат, тижоратчи учун эса арзон. Нархнинг харидор даромадига нисбатан арзон ёки қиммат бўлиши бозор учун муҳим, чунки бу харидорларни танлаш имконини беради. Нарх даражаси бозор ҳолатини белгилаб, савдо-сотилг иштирокчилари учун қулай ёки ноқулай бўлади. Нархларнинг юқорилашуви сотувчи учун маъқул бўлса, унинг пасайиши харидорга қўл келади. Вазиятга қараб нарх даражасининг ўзгариб туриши бозор иқтисодиёти учун табиий бир ҳолдир.

БОШҚОТИРМА САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Тижорат магазинига кириб қўйлак олмоқчисиз. Сиз қўйлакларни кўриб нархи билан танишаётганингизда сиздан сотувчи неча сўмлик қўйлак олмоқчисиз деб сўрайди. Ўйлаб кўринг, бу савол билан у нима демоқчи?
2. Деҳқон бозорида иккита картошка сотувчи билан савдолашдингиз. Улардан бири 3 сўм сотаётган картошкани 100 кг олишингиз учун 2,8 сўмдан беришга рози бўлди, иккинчиси рози бўлмади. Бунинг сабаби ҳақида нима дейсиз?
3. Трактор ишлаб чиқариш учун кетадиган металл нархи 30% ошди, бошқа сарфлар ўзгармади, аммо трактор нархи ҳам ўзгармади. Нега шундай бўлди?
4. Машҳур рок мусиқа ижрочилар гуруҳининг йиллик даромади 50 млн. доллар, шундан 35 млн. доллари қўшиқларнинг магнитофон ёзуви ва пластинкаларини сотишдан тушган пул, 5 млн. доллар товарларни реклама қилишдан келади, 10 млн. доллар концертларга чифта сотишдан тушади. Чифта нархи 50 доллар, чайқовчилар уни 100 доллардан сотишади. Шундай шароитда талабалар уюшмасининг илтимосига биноан чиптани талабаларга 30 доллардан сотишади. Нега шундай қилишади? Бир ўйлаб кўрингчи.
5. Нима сабабдан давлат рақибни синдириш ва бозор-

дан суриб чиқаришни кўзлаган ўта паст нархларда товар сотишни ман этади?

6. Нима учун дўкандор яхши танийдиган кишисига 1 кг холва нархини 17 сўм деса, бошқа танимаган харидорга 20 сўм дейиши мумкин?

7. Нарх товар нафлигининг қайси нуқтасига қадар ортади, сўнгра пасайишга мойил бўлади?

8. Сизда XVII асрда тўқилган ноёб гилам бор. Уни 15 минг сўмга сотишни кўнглингизга тугиб қўйсангиз. Гиламингизга учта харидор чиқди. Улар мўлжалингизни билмаган ҳолда 12 минг, 16 минг, 17 минг сўм беришмоқчи. Гилам қайси нархда сотилади?

9. Фараз қилиб кўрайлик, қайсидир мамлакатда биринчи йили нафақахўр ишчи ва хизматчилар даромадининг 58,3% овқатланишга сарфланади, кейинги йили унинг 62,5% шу мақсадда сарфланади. Нафақахўр деҳқон даромадининг эса тегишли даврда шу мақсадда сарфланиши 59% ва 66% бўлди. Буни нархдаги қандай ўзгаришлар билан изоҳлаш мумкин?

XVI БОБ

РАҚОБАТ

1. Рақобатнинг моҳияти ва шакллари

Рақобат умумижтимоий категория бўлиб, ижтимоий жараёнлар қатнашчилари ўртасидаги яхшироқ яшаш шароити учун бўладиган курашни англатади. У кишилик жамияти ҳаётининг ҳамма жабҳаларига хос бўлиб, одамлар ўртасидаги ўз имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, айрим соҳаларда ўз устунликларини намоён қилиш, фаровонроқ ҳаёт кечириш, жамоа ўртасида обрўлироқ бўлиш учун бўлган курашни ақс эттиради. Кишиларнинг иқтисодий фаолияти бошқа фаолиятларнинг асосини ташкил қилгани учун кишилик жамияти ҳаётида иқтисодий соҳадаги рақобат муҳим рол ўйнайди. Иқтисодий соҳадаги рақобат ишлаб чиқариш муносабатларининг субъектлари /ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, тадбиркорлар, ёлланма ишчилар ва ҳоказолар/ ўртасида қулайроқ ишлаб чиқариш шароитига /арзон ишлаб чиқариш ресурслари ва ишчи кучи/ эга бўлиш унумлироқ техноло-

гия, иш жойи, яхши бозорни қўлга олиш, умуман, юқори даромад олиш имконияти учун олиб бориладиган курашдан иборат.

Иқтисоддаги рақобат кўп қиррали ҳодиса бўлиб, яхши даромад кўриш, ўз қобилиятини тўлароқ ишга солиш, ўзи машғул ишни ривожлантириш, ўз соҳасида имижга эга бўлиш учун курашни билдиради.

Иқтисодий рақобатнинг асосини кишиларни мулк эгалари сифатида алоҳидаланиши ташкил этади. Чунки ҳар бир мулк эгасининг ўз манфаати бор. Унинг барча фаолияти шу манфаатига бўйсундирилган бўлади. Бу маънода рақобат ишлаб чиқариш муносабатлари субъектлари манфаатларининг тўқнашувидан иборат. Рақобат энг аввал тадбиркорликка хос, шунинг учун К. Маркс уни капиталнинг ички табиати деб атаган.

Рақобатнинг бўлиши учун иқтисодиёт субъектларининг алоҳидалашган ва мустақил бўлиши кифоя қилмайди. Бунинг учун товар-пул муносабатлари ҳам бўлиши керак. Шу сабабли натурал хўжалиқда ишлаб чиқарувчилар алоҳида бўлсалар-да, иқтисодий рақобат бўлмайди. Маъкур хўжалиқ ўзини-ўзи таъминловчи хўжалиқ бўлиб, бозор алоқаларига киришмайди, бу ерда яхши харидор топиш ёки ресурсларни қулай шарт билан сотиб олиш учун кураш бўлмайди. Бозор хўжалиқ субъектларининг беллашув майдони, чунки шу ерда алоҳидалашган манфаатларнинг тўқнашуви юз беради. Бозор иқтисодиётининг илк белгилари пайдо бўлиши билан унга хос рақобат ҳам юзага келади. Бу иқтисодиёт ривожига мос ҳолда рақобатчилик муносабатлари ҳам такомиллашиб боради. Бозор рақобати тарихан 4 босқичдан ўтади. **Биринчи босқич** — бу натурал хўжалиқдан бозор иқтисодиётининг дастлабки шаклларига ўтиш бўлиб, бу даврда рақобат майда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида боради. Булар ўз меҳнатига таяниб ва тирикчилик ўтказиш мақсадида товар ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Бу босқичда рақобат маҳаллий бозорлар доирасида боради, у бир турдаги товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида бўлади. Рақобатда голиб чиқиш воситаси тажриба тўплаб меҳнат маҳорати ва ошириш бўлади.

Иккинчи босқич — бу капиталистик эркин рақобат босқичидир. Бу босқич товар хўжалигининг оммавий тус олиши билан, майда товар ишлаб чиқариш ўрнига йирик машиналар тизимига ва ёлланган меҳнатга таянган товар ишлаб чиқаришнинг келиши билан характерланади. Рақо-

батни чеклашлар бўлмайди, у эркин курашга айланади, бу кураш маҳаллий бозорлар доирасидан чиқиб, миллий бозор миқёсида юз беради. Рақобат шиддатли боради, унинг иштирокчилари кўпчиликдан иборат бўлади. Рақобатда ғолиб чиқишнинг шарти янги техникани жорий этиб, меҳнат унумдорлигини ўстириш, янги товарларни ишлаб чиқариш бўлади.

Учинчи босқич — бу монопол рақобат босқичи бўлиб, у янги ҳокимликка интилувчи йирик корхоналарнинг курашидир. Рақобат иқтисодни монополлашган ва монополлашмаган соҳаларида алоҳида боради, аммо бу соҳалар ўртасида ҳам кураш кетади. Рақобатда енгиб чиқиш шартлари иккинчи босқичдагидек бўлади, аммо ўзаро курашда бозорни эгаллаб олиш, сиёсий ҳокимиятдан фойдаланиш кабилар кенг қўлланади. Бу босқичда монопол рақобат етакчи бўлса-да, эркин рақобат йўқолиб кетмайди, у иккинчи қаторга сурилади. Иқтисодиётда монопол рақобат соҳаси ва эркин рақобат соҳаларига ажралиш бўлади.

Тўртинчи босқич — янгича эркин рақобат босқичи бўлиб, у аралаш иқтисодиётга хосдир. Бу босқичда рақобатчилар ғоят кўпчилик бўлиб, улар йирик корпорациялар, ўртача, майда ва ўта майда корхоналардан иборат бўлади. Рақобат доираси кенгайиб, у ишлаб чиқаришдан ташқари, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам фаоллашади, у молия бозорига шиддат билан кириб боради, ҳатто саёҳат бизнеси, шоу /томоша/ бизнес, спорт бизнеси, ҳарбий бизнес кабиларни ҳам ўз дамига тартади. Рақобатлашув байналмилаллашиб, халқаро бозор доирасида ҳам юз беради. Энг янги техника-технологияни қўллаш, бошқарини компьютерлаштириш, товар таркибини зудлик билан янгилаш, энг малакали иш кучига эга бўлиш, информациядан фойдаланиш ва, ниҳоят, замонавий маркетинг хизматини уюштириш рақобатда енгиб чиқиш шартига айланади.

Рақобатни унинг характерига қараб ҳам баҳолаш мумкин. Қайси босқичда юз беришидан қатъи назар рақобат 2 типда бўлади, яъни у тартибсиз ёввойи рақобатдан ва қонун-қоидалар билан тартибга солинувчи цивилизациялашган рақобатдан иборат бўлади. Турли босқичларда ҳар иккала рақобат типининг нисбати ҳар хил бўлади. Цивилизациялашган рақобат аралаш иқтисодиётга хос бўлади, аммо у бирдан эмас, балки секин-аста рақобатнинг асосий типига айланади. Бу бозор муно-

сабатининг ривожланишидан келиб чиқади. Аралаш иқтисодиёт бозор ва нобозор муносабатининг яхлитлиги бўлганидан бу ерда рақобат билан биргаликда партнёрлик алоқалари ҳам амал қилади.

Рақобат иштирокчиларининг социал-иқтисодий мақоми бир хил эмас, шу сабабдан уларнинг бевосита мақсади ҳам фарқланади. Тадбиркорнинг мақсади кўпроқ фойда кўриш, ишчиники яхши иш ҳақи олиш, ер эгасиники ердан кўпроқ даромад олиш, пулдорники пулидан кўпроқ пул чиқариб олиш. Рақобат бу фақат индивидуал манфаатни эмас, балки жамоанинг биргаликдаги манфаатини ҳам кўзлайди. Айрим кишининг манфаати бир томондан алоҳидалашган, иккинчи томондан жамоа манфаатига бирлашган, шу орқали юзага чиқади. Ишловчилардан ҳар бири яхши иш жойи учун курашади, улар жамоа доирасида эса унинг манфаати йўлида ва биргаликда бошқа жамоалар билан рақобатлашади. Рақобат хўжаликнинг ҳамма соҳасида боради, унда иқтисодий фаол кишилар қатнашади.

Бозор хўжалигидаги рақобат ким бўлишидан қатъи назар яхши ишлаганларни ютиб чиқишини билдиради. Шу жиҳатдан у бозор иқтисодиётини **харакатлантирувчи куч** ҳисобланади, иқтисодий ресурсларни тежамли ишлатишга, товар ва хизматларни кўплаб ва сифатли ишлаб чиқаришга ундайди. Унинг рақобат кучи фақат ишлаб чиқаришнинг ўзини ўсишга ундаш эмас, балки иқтисодий муносабатларни ҳам такомиллашувга мойил этишдир. У хўжалик юритишнинг энг самарали усулларини юзага келтиради, иқтисодий алоқаларнинг энг маъқулини топишга мажбур қилади.

Рақобат иқтисодий ўсишни таъминлайди, бу эса ўз навбатида рақобат доирасини кенгайтиради, янги рақобатчиларни юзага келтиради, чунки тадбиркорлар сафи кенгайиб боради. Рақобат бозорнинг ҳамма турларида амал қилади. Тадбиркорлар товар бозорида сотувчи сифатида, ресурслар бозорида эса харидорлар сифатида рақобатда бўлишади. Ишчилар меҳнат бозорида яхши иш жойини эгаллаш учун курашадилар. Рақобат ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасида ҳам боради, бу сотувчи ва харидор рақобатида кўринади. Сотувчи қимматроқ сотишга интилса, харидор арзонроқ сотиб олишни мўлжаллайди. Бу молия бозорида ҳам бўлади. Пулдорлар ўз пулини қарзга берганда қарз ҳақини /процентни/ оширишга интиладилар қарз олувчилар уни пасайтиришга

ҳаракат қиладилар. Ер эгалари ерга ижара ҳақини оширишни мўлжаллайдилар, ижарачилар эса аксинча уни пасайтириш чораларини кўрадилар. Хуллас, рақобатлашув иқтисодий фаолиятнинг ҳамма турларига хос бўлади, у бозорнинг ўзида ва бозордан ташқарида боради. Бозорда рақобат бевосита юз бера, бозордан ташқарида хусусан ишлаб чиқаришда унга ҳозирлик кўрилади, рақобатга ғолиб чиқиш чора-тадбирлар амалга оширилади. Бозорда нархни ўзгартириш, савдо рекламасини ташкил этиш орқали беллашув юз беради. Бозор рақобатни шарт-шароити қандайлиги ҳақида ахборот беради, унга асосланиб чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Бу ўринда маркетинг алоҳида рол ўйнайди. Маркетинг воситасида бозор сегментлари синчиклаб ўрганилади, у ерда узоқ муддатда бўладиган ўзгаришлар ҳисобга олинади, айниқса, товарлар ва хизматларга бўлган талаб миқдори ва таркиби чуқур таҳлил этилади, унга хос тебранишлар аниқланади, булардан ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Рақобат курашида ўз муҳолифининг бозордаги мавқеи, унинг ишлаб чиқариш имконларидан огоҳ бўлиш катта аҳамиятга эга. Шу сабабдан рақобатга тайёрланиш фирма стратегиясида муҳим ўрин тутади.


Ишлаб чиқаришни рақобатга ҳозирлаш, у ерда бозор-боп, рақобатга қобил, ҳаётий цикли узун товарлар ишлаб чиқаришни билдиради. Аралаш иқтисодиёт шароитидаги рақобат курашида ишлаб чиқаришдаги новация алоҳида аҳамиятга эга бўлади, бу эса ўз навбатида инвестицион фаолиятни талаб қилади. Новация биринчи навбатда янги товарларни яратиш, бор товарларни модернизациялашни, ишлаб чиқариш ва тижорат харажатларини камайтиришни билдиради. Албатта, булар янги технологияни топиб, жорий этиш орқали юз беради. Шу боисдан рақобатда ютқазмасликнинг шarti новация учун пулни аямаслик ҳисобланади. Фирмалар сарф-харажатида фан-техника ангиликларини жорий этиш сарфлари салмоқли ўрин тутган шароитда ғалабага ишониш мумкин. Шу боисдан илм-маърифат ва янги технология учун фирмалар катта пул сарфлайдилар. Йирик фирмалар рақобатни назарда тутиб илмий тадқиқот ва новация ишлари билан доимо шуғулланидилар. Рақобатда қўл баланд келишининг яна бир шarti малакали ва ўта юксак малакали ишчилар ва мутахассисларга эга бўлишдир. Шу сабабдан фирмалар меҳнат бозорида харидор сифатида рақобат қилиш билан чекланмай ўз қўлидаги ходимлар малакасини оширишга,

уларни янги касбга ўргатишга ҳам маблағ сарфлайдилар. Бунда улар инсон капиталига қилинган сарф пулини энг қулай жойлаштириш деб қарайдилар. Ҳозир рақобатлашувда инсоний омилга бирламчи аҳамият бериш оммавий тус олган, айниқса, буни Япония мисолида кўриш мумкин. Японияда фирма ходимларининг иш сифатини ошириш тўғрисида уюштирилганки, улар рақобатдош товарлар ишлаб чиқаришни мўлжаллайди. Бу ерда фирма ходимлари ўртасидаги ҳамжиҳатликка катта эътибор берилиб, социал низоларга йўл берилмайди, менинг фирмам иккинчи уйим, оилам деган қабилида иш кўрилади. Япония фирмалари ҳамма чоралар билан иш кучининг қўнимли бўлишига эришадилар. Инсон омилни тўла ишга солиш туфайли улар халқаро бозордаги рақобатда ҳам ютиб чиқадилар. Рақобатда бозор хўжалигига хос иқтисодий танлов тамойили амал қилади. Бу ерда беллашувчилардан бири ютиб чиқса, бошқаси ютқзади. Шу сабабдан рақобат иқтисодиёт субъектларини қатъиян табақалашувига олиб келади. Бу энг аввал фойда нормаси, инвестиция имконияти, капитал миқдори, қарзни тўлаш қобилияти ва, ниҳоят, иш ҳақини ҳар хил бўлишида кўринади. Рақобатда ютиб чиққанлар иқтисодий жиҳатдан кучайиб кетсалар, ютқазганлар зайфлашади, ҳатто хонавайрон бўлиб банкрот ҳолига тушадилар. Банкрот бўлиш бу ўзининг мажбуриятлари ва тўловларини бажаришга қодир бўлмаслиқдир. Банкрот бўлган фирмалар ёпилади, сотиб юборилади ёки иқтисодий бақувват фирмаларга қўшилиб кетади. Иқтисодий табақаланишнинг икки зиддий оқибати бор. Биринчидан, ўз ишини уддалай олмаган фирмаларнинг синиши энг ишбилармонларни тавлаб олиб, иқтисодни уларнинг ишончли қўлига бериш бўлса; иккинчидан, бу зўрлари янада зўрайиб кетиши ва монополлашув тенденциясини юзага келтирадики, натижада эркин рақобат чекланиб қолади. Шу боисдан давлат ўзининг антимонопол тадбирлари билан синган фирмалар ўрнига янгиларини пайдо бўлишига қўмаклашади, чунки корхоналарда кўп жойда рақобат қизғин боради. Бинобарин, рақобат самара бериши учун рақобатчилар ўртасида мувозанатни таъминлаш зарурки, бу монополлашувнинг олдини олиши керак бўлади. Рақобатнинг кучи бозор хўжалиги ривожига қараб ортиб боради. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, қайси жамиятда рақобат муносиб ўрин эгалласа, шу ерда ишлаб чиқарувчи кучлар тез ривожланади, ишлаб чиқариш муносабатлари уларга мос ҳолда тажомиллашиб боради ва жамият аъзоларининг турмуш даражаси юқори бўлади.

Товар хўжалиги эндигина ривожланаётган пайтда рақобатчилик иқтисодий ҳаётда муҳим рол ўйнамаган, чунки у жамиятда ноиқтисодий чеклашлар, рақобат учун ёниқ соҳалар бўлган эди. Монотизимнинг капиталистик кўриниши шаклланган шароитда рақобат оммавий тус олади, унинг доираси беқиёс кенгаяди. Эркин рақобат даврида рақиблар курашининг икки асосий шакли амал қилади: тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобат.

Тармоқ ичидаги рақобат деганда бир тармоққа кирадиган фирмалар ўртасида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай шароитлари ва яхши фойда олиш учун курашини тушувилади. Ҳар бир тармоқда корхоналарнинг техника даражаси ва меҳнат унумдорлиги даражалари турлича бўлганлиги сабабли, улар чиқараётган товарларнинг индивидуал қиймати ҳам ҳар хил бўлади. Бироқ, бизга маълумки, товар хўжалигида қиймат қонунининг амал қилиши сабабли турли индивидуал қиймат ижтимоий бозор қийматига келтирилади. Бунга сабаб тармоқ ичидаги рақобат курашидир. Фараз қилайлик, бозорга бир хил товар яратувчи уч гуруҳ товар ишлаб чиқарувчилар бор: А, В, С /30-расм/. А гуруҳидаги товар ишлаб чиқарувчилар техник имкониятлари ва юқори иш малакалари туфайли ўз товарлари индивидуал қийматини 6 бирликка туширишга эришдилар ва бозорга шундай товарлардан 100 тасини олиб чиқдилар. В гуруҳи индивидуал қиймати

Бозор қийматининг юзага келиши



8 бирлик бўлган товарлардан 500 тасини, С гуруҳи эса индивидуал қиймати 10 бирлик бўлган 200 та товарни бозорга олиб чиқдилар.

Бу ҳолда шу турдаги товарнинг ижтимоий зарурий ёки бозор қиймати 8 бирлик бўлади. Бу дегани ўртача арифметик $(6+8+10):3$ миқдор дегани эмас. Бу ерда бозорга олиб чиқилган товарларнинг асосий қисмининг ишлаб чиқариш шароитлари ҳисобга олинади: бизнинг мисолимизда товарларнинг 62,5% ининг индивидуал қиймати 8 бирликка тенг. Агарда С гуруҳи олиб чиққан товарлар рақобат қилаётган товарларнинг асосий қисмини ташкил этганда эди, унда товарларнинг бозор қиймати 10 бирликка тенг бўлар эди. Мисолимиздаги товарларнинг бозор қиймати бўйича сотилиши А, В, С гуруҳлардаги товар ишлаб чиқарувчилар учун турлича оқибатларга олиб келади: А гуруҳи 2 бирлик қўшимча фойда олиб, ишлаб чиқаришни янги техника билан қуролаштириш йўли билан харажатларни камайтириш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятига эга бўлади. В гуруҳи эса бундай имкониятларга эга бўлмайди. Оддий тақрор ишлаб чиқаришни таъминлаш имкониятига эга бўлади. Уларнинг тақдир кўп жиҳатдан бозор ҳолатига боғлиқ бўлиб қолади: у қўлай келса, уларнинг иши ўнгланиб, бойиб кетишлари, ноқулай келса синишлари мумкин. С гуруҳи эса 2 бирлик зиён қилиб, ўз харажатларини қонлай олмай синадилар. Кўриниб турибдики, тармоқ ичидаги рақобатда юлиб чиқишнинг фақат биригина йўли, яъни фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали харажатларни камайтириш йўли бор. Демак, тармоқ ичидаги рақобат фан-техника тараққиётини рағбатлантириш вазифасини бажарар экан.

Тармоқлараро рақобат. Тармоқлараро рақобат деганда турли тармоқ фирмалари ўртасида энг юқори фойда олиш учун олиб бориладиган курашни тушунамиз. Капиталнинг хусусияти шуки, у доимо ҳаракатда бўлиб, ўз соҳибига фойда келтириб туриши керак. Капитал соҳиблари эса уларни фойдалироқ соҳаларга жойлаштиришга ҳаракат қиладилар. Улар учун нимани бозор кўтарса, шунини ишлаб чиқариб кўпроқ фойда олиш муҳимдир.

Тармоқлараро рақобат кураши капитални яхши фойда келтирадиган соҳаларга жойлаштириш учун боради. Қарда фойда кўп бўлса, шу ерда ресурслар оқиб ўтади, чунки шу ердаги товарга талаб кўп бўлиб, у қондирилса, яхши фойда кўриш мумкин. Юқори фойда учун кураш тадбиркорларни ўз капиталини фойда кам тармоқдан у кўп тар-

моққа кўчиришга мажбур қилади. Фойда юқори тармоққа бошқа тармоқлардан капиталларнинг оқиб келиши натижасида бу тармоқда ишлаб чиқариш кенгайди ва тақлиф кўпаяди, бозор тўйинади, товарларнинг меъёрий нафлиги пасаяди. Олдин фойда катта бўлса, сўнгра у қисқаради. Яна капиталнинг кўчиши учун фирма ўз ихтисосини ўзгартириши шарт эмас. У диверсификацияни амалга оширади, яъни ишлаб чиқариш таркибини ўзгартиради. У эски ишлаб чиқаришни қисқартириб, янги ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланади ёки ўз капиталининг бир қисmini бошқа фирмалар капиталига қўшиб юборади. Рақобатлашувчи фирмалар ўзига керакли моддий ресурсларни ўзлари ишлаб чиқара бошлайдилар. Масалан, машинасозлик фирмаси ўзини металл, керак деталлар билан таъминлашга, автомобил фирмаси эса ўзини автошиналар, электр асбоблари билан таъминлашга қўл уради. Рақобат моддий ва меҳнат ресурсини тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаб, уларни керакли соҳаларга ўтишни таъминлайди. Бу билан ишлаб чиқариш таркиби янгиланади, иқтисодий ўсish юз беради. Эркин рақобат шароитида товарларнинг, капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати йўлидаги тўсиқлар олиб ташланди ва ягона умуммиллий /кейинчалик эса жаҳон/ бозори шаклланди. Эркин бозор шароитида рақобат хўжаликка рағбат берувчи бош дастакка айланди, иқтисодий ўсish жадаллашди. Аммо рақобат қураши ва капиталнинг йириклашуви натижасида монополистик корхоналар пайдо бўлади. Монополистик корхона деганда, у ёки бу тармоқда, ёхуд у ёки бу бозорда ўзининг иқтисодий қудрати туфайли нархлар ўрната олиш имкониятига эга бўлган корхоналар ёки уларнинг бирлашмаси тушунилади. Улар нархларни хоҳлаганича белгилаш имконияти эркин рақобатни чеклаб қўяди, техникани ўстиришга бўлган интилишни сўндиради, майда корхоналар товарларини монопол паст баҳода сотиб олиб, уларга ўз товарларини монопол юқори баҳода сотиш йўли билан иқтисодий ташаббусни бўғади. Монополиялар рақобатни чекласаларда, уни йўқота олмайдилар, лекин унинг характери ни тубдан ўзгартириб юборадилар. Тарқоқ ва майда капиталларнинг эркин рақобати ўрнига тармоқлар миқёсида, миллий иқтисодиёт ва жаҳон кўламида иш юритувчи йирик монополиялар ўртасидаги рақобат келади ва у ҳал қилувчи рол ўйнай бошлайди.

Иқтисодий бақувват, йирик монополиялар, ўтмишдаги кичик корхоналарга қараганда, миллий ва халқаро меҳнат тақсимотида чуқурроқ ўрин эгалладилар. Моно-

Полийлар кенг статистик маълумотлардан, тармоқ ва макроиқтисодий моделлардан фойдаланган ҳолда бозорларни, хом ашё манбаларини, ресурсларни, капитал ва ишчи кучини, техник имкониятларни тахминий ҳисобга оладилар. Бундай ҳисоблар асосида ишлаб чиқариш, инвестициялар, илмий изланишлар ва тажриба конструкторлик ишлари, кадрлар тайёрлаш ва бошқа соҳалар аниқ таҳлил этилади. Бунга таяниб қисқа муддатли режалаштириш, истеъмолчилар билан келишувларга борилади. Лекин монополиялар ўзларининг бу фаолиятида муқаррар равишда кескин рақобатга киришадилар. Монополиялар ҳукмрон шароитда рақобатнинг қуйидаги турлари ажралиб туради:

- 1) Бир тармоқ монополиялари ўртасидаги рақобат.
- 2) Турли тармоқ монополиялари ўртасидаги рақобат.
- 3) Турли мамлакатлар монополиялари ўртасидаги рақобат.
- 4) Монополиялар билан аутсайдерлар (монополлашмаган ўрта ва майда корхоналар) ўртасидаги рақобат.
- 5) Аутсайдерлар ўртасидаги рақобат.

Рақобат, унинг турларидан қатъи назар, пировард натижада, юқорироқ фойда олиш учун олиб борилади. Рақобатнинг ҳамма турларида кураш кескин боради. Айниқса, жаҳон бозоридаги рақобат жуда шиддатли кечади. Масалан, Американинг автомобиль, электроника ва бошқа концернлари қанчалик зўр беришига қарамай, япон товарларининг ўз бозорларига киришига тўсқинлик қила олмадилар. Яна шуниси муҳимки, Япония ва Ғарбий Европа компаниялари бевосита АҚШ ҳудудида ўз ишлаб чиқаришини ташкил эта бошладилар. Ўз навбатида АҚШ компаниялари ҳам дунёнинг бошқа минтақаларида, биринчи навбатда ривожланган мамлакатларда ўз мавқеаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар.

2. Рақобатнинг усуллари

Рақобатнинг икки усули бор: нарх воситасида рақобатлашув, нархдан фойдаланмай рақобатлашув. Эркин рақобат даврида рақобат курашининг бош усули товарни рақибиникидан нарстроқ нархда сотиш бўлган. Бу усулни қўллаш учун корхона бошқалариникидан кўра унумлироқ технологияни қиритиши, малакалироқ ишчиларни ёллаши ва меҳнатни яхшироқ ташкил этиши керак. Фақат шу ҳолда-

гина, унинг товарини индивидуал қиймати бозор қийма-
тидан паст бўлиб, бу нархни тушириш имкониятини бера-
ди. Иқтисодиётнинг монополлашуви рақобат кураши усул-
ларини ҳам ўзгартиради. Энди нарх воситасида амалга
оширилувчи рақобат усуллари ўрнини нарх билан боғлиқ
бўлмаган усуллар эгаллай бошлайди. Рақобат курашида
маҳсулот сифати, маҳсулотни сотиш шарт-шароитларини
яхшилаш ва реклама қилишнинг аҳамияти ортиб боради.
Ҳозирги даврда бир турдаги маҳсулотларнинг кўпайиши
уларни сотишни рақобатлантирувчи реклама ва бошқа
ҳаракатларни келтириб чиқаради. Кўп фирмалар ўз маҳ-
сулотининг рақобатчиларникидан яхшилигини ўзлари-
нинг товар белгилари ва фабрика муҳрлари орқали кўр-
сатишга ҳаракат қилмоқдалар. Фирром рақобатга хос усул-
лар ҳам учраб туради хусусан ўзга товар белгилари, ўзга
обрўсидан фойдаланиб товар сотишлар ҳам бор. Бозорда
қўшимча хизмат кўрсатиш орқали харидорни ўзига жалб
этиш кенг тарқалган.

Дунё автомобиль бозоридаги рақобат шунга олиб кел-
дики, ҳозир автомобиль сотувчи фирмалар ҳар бир авто-
мобилни миқоз дидига мослаш билан боғлиқ бўлган 1000
га яқин техник операцияни бепул бажариб беради. Бу
билан товар сотишда харидорга қулайлик бериш орқали
рақобатлашиш юз беради.

Йирик корпорациялар нархни тушуриш ёрдамида ра-
қобатчисини бозордан ўзи зиён кўрмаган ҳолда сиқиб
чиқариши амримаҳол бўлганидан, у бозордаги вазиятни
ўзгартириш учун ўзининг ишлаб чиқариш қувватларидан
фойдаланишни камайтириб товар таклифини қисқартира-
дилар. Шу сабабли, ҳатто инқироз даврларида ҳам, нарх-
лар барқарорлигича қолаверади.

Рақобатда маҳсулотнинг сифатини ошириш, истеъ-
молчиларга кафолатли ва қўшимча хизматлар кўрсатиш,
кенг реклама ва бошқаларнинг ролининг ошиши объектив
равишда фан-техника тараққиёти билан боғлиқ, чунки
истеъмолчиларнинг маҳсулот сифатига талаби кучайиб
боради. Бу ҳол ҳозирги зомон концернларида илмий-кон-
структорлик ишларини олиб боришни талаб қилади. Шу-
нинг учун уларда катта илмий потенциалга эга бўлган
илмий лабораториялар, турли-туман кашфиётлар патент-
лари жамланади, бу уларнинг рақобат қобилиятларини
оширувчи муҳим омилга айланиб қолади.

Нархсиз рақобат монополиялар бор жойда ҳам муҳим
ўрин эгаллайди, чунки:

- 1) нархни пасайтириш товар сотишни кўпайтириш им-

кониини бермайди, чунки рақиб ҳам нархни пасайтиришни мумкин, бундан ҳеч ким ютмайди. Бас, шундай экан, товар сифатини ошириш, савдо хизматини яхшилаш йўлига ўтилади, бу билан товар сотишни кўпайтириш мумкин;

2) йирик фирмалар кучли бўлганлиги сабабли маҳсулотни янгилаш, уни модернизациялаш ва рекламага катта пул сарфлай оладилар.

Нарх билан борлиқ бўлмаган рақобат усулларининг қўлланиши ўзаро курашда нархдан фойдаланилмайди деган гап эмас. У кўпроқ яширин тус олмақда, яъни товарлар эълон қилинган нархлардан арзонга сотилади, бундан бошқалар огоҳ этилмайди. Бу, айниқса, мавсумий товарлар сотишда қўлланади. Нарх воситасидаги рақобат жаҳон бозорига ҳам кириб борган. У ерда нарх билан рақобат қилиш нўлат, газлама, электроника, кимёвий ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорларига хосдир.

Рақобатнинг айтилган усулларидан ташқари фирром усуллари ҳам қўлланиб туради. Бу усулларга саноат жосуслиги (яъни рақибининг молия режалари, янгилик— «ноу-хау»лари ва бошқа сирларини ўғирлаш); рақибини хом ашё базаларидан, транспортдан маҳрум қилиш; рақиб корхонасида диверсиялар уюштириш; оммавий ахборот воситаларидан рақиб маҳсулотларининг обрўсини тушуриш учун фойдаланиш ва ҳоказолар қиради. Бу усуллар табиатан ёввойи бозор иқтисодиётига хос бўлади, аралаш иқтисодиёт шароитида уларни цивилизациялашган усуллар сиқиб чиқаради. Бозор учун кураш белгиланган тартиб-қоидаларга биноан боради. Рақобатнинг ёввойи усуллари ман этилади, уни қўллаганлар имиджини йўқотади, уларни қонунчилик йўли билан жазоланади.

3. Мукаммал ва номукаммал рақобат

Рақобат турли иқтисодий шароитда кечади. Бу шароит фирмалар сони, маҳсулотлар тури, нархлар устидан назорат, турли соҳаларни монополашув даражаси, нархсиз рақобатнинг mavжудлиги ёки йўқлиги, ахборот олиш имкониятларининг хилма-хиллигини билдиради.

Бу реал ҳаётда бозор тизими ҳар хил бўлиб, у рақобатга таъсир этишини кўрсатади. Бозор тизимлари мукаммал ва номукаммал деб аталадиган иккита турга бўлинадди, шунга қараб рақобат ҳам фарқланади. Мукаммал рақобат деганда, шундай рақобатлашув вазияти тушуниладигани, унда бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўплаб майда ва ўрта корхоналар mavжуд, улар кураш доираси

кенг, улар учун мавжуд тармоққа кириш ва ундан чиқиш ҳамда ахборот олиш эркинлиги кафолатланади. Мукамал рақобатга мисол қилиб **соф рақобат** тизимини олишимиз мумкин. Соф рақобат тизимининг асосий хусусияти шундан иборатки, бозорда ўз маҳсулотини таклиф қилаётган, бир-биридан мутлақо мустақил иш кўраётган кўп сонли сотувчилар мавжуд бўлади.

Бу тизимнинг яна бир хусусияти рақобатчи фирмаларнинг бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришларидир. Турли фирмалар маҳсулотларини бозорда харидорлар бир хил қабул қиладилар. Товарлар **бир** хил экан, маҳсулот сифатини фарқланттириб, реклама ўтказиб, сотишдаги имтиёзларни қўллаб, нархсиз рақобат йўлидан бориб бўлмайди. Мукамал рақобатли бозорда нарх талаб ва таклиф асосида шаклланади ва бу билан ҳамма сотувчилар ҳисоблашишга мажбурдирлар. Сотувчилардан ҳар бирининг бозорга чиққан товардаги улуши кам бўлгани учун, улар бозор нархига таъсир кўрсата олмайдилар ва мавжуд нарх билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар.

Мукамал рақобат шароитида у ёки бу тармоққа янги фирмаларнинг эркин кириб келиши ва мавжуд фирмаларни эркин чиқиб кетиши мумкин, чунки бу йўлда ҳеч қандай юридик, технологик ва молиявий тўсиқлар бўлмайди. Бу шароит эркин рақобатни чеклашга имкон бермайли.

Номукамал рақобат деганда маълум даражада чекланган рақобат тушунилади. Унинг учта тури бор, монополистик рақобат, олигополия ва, ниҳоят, соф монополия рақобати. Буларни олдинги бобларда бозор турлари сифатида кўриб чиққанмиз. Энди уларга рақобат кураши жиҳатидан баҳо берамиз.

Улар ўртасидаги асосий фарқлар 12-жадвалда берилган.

Монополистик рақобат деганда шундай бозор ҳолати тушуниладики, кўп сонли унча йирик бўлмаган ишлаб чиқарувчилар айнан бир хил бўлмаган, лекин ўхшаш товарларни харидорларга таклиф қиладилар. Бу тизимнинг соф рақобатдан сезиларли фарқи шуки, бу ерда ишлаб чиқарувчилар унча кўпчилик бўлмайди, лекин улар ўзаро тил бириктираолмайдилар. Ҳар бир фирма бозорнинг маълум бир қисмини назорат қилгани учун унинг бозор нархига таъсири чекланган бўлади. Фирмалар ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш ва нархни сунъий равишда кўтариш тўғрисида махфий битимга келиши қийин бўлади. Улар бир-бирларидан мутлақо мустақил ҳаракат қилиш-

Рақобат жиҳатидан бозор моделларининг хусусиятлари¹

Характерли хусусиятлар	Бозор тизими /рақобат/ моделлари			Соф монополия
	Соф рақобат	Монополистик рақобат	Олигополия	
Фирмалар сони	Жуда кўп	Кўп	Бир неча	Битта
Маҳсулот тури	Стандартланган	Табақалашган	Ихтисосланган ёки табақалашган	Ноёб, ўринни босувчи маҳсулот йўқ
Нарх устидан назорат	Йўқ	Тор доирада бор	Ўзаро бир-бирларига боғлиқлик туфайли чекланган, яширин келишувда сезиларли	Сезиларли
Тармоққа кириш шароити		Нисбатан осон	Сезиларли тўсиқлар мавжуд	Ўлиб бўлмайдиган тўсиқлар мавжуд
Баҳосиз рақобат	Йўқ	Ўқсман бор, асосан реклама, савдо белгилари ва маркаларига таянилади.	Бор. Айтиқса, маҳсулот табақалашганда бу тизимга хос.	Бор. Ассосан фирманинг жамоат ташкилотлари билан алоқасини режлама қилиш орқали.
Маълумот олиш имконияти	Маълумот олиш имконияти ҳамма учун тенг	Маълум чеклашлар мавжуд	Маълум чеклашлар мавжуд	Маълум чеклашлар мавжуд
Мисоллар	Ўнчилоқ хўжалиги	Чакана савдо, кийим-кечак, пойабзал ишлаб чиқариш	Ўнчилоқ хўжалиги	Жамоат хизмати қилувчи маҳаллий корхоналар

¹ Р. Макконнелл, Л. Брю. «Экономикс», 2, 66-бет.

лари мумкин, чунки айрим рақибининг қўллаган тадбирлари бозор аҳволига унчалик таъсир қилмайди. Монополистик рақобат тизимининг яна бир хусусияти шундаки, фирмалар бозорга бир хил маҳсулотнинг турли кўринишларини олиб чиқадилар, яъни товарлар ўзининг сифати, сотилиши юзасидан кўрсатиладиган хизматлар, сотиш шарт-шароитлари жиҳатидан табақалашади. Харидор сотувчини танлаш имкони бор. Шу сабабдан уни ўз товарига жалб этиш учун кураш кетади.

Нархни ўзгартириш билан бир қаторда маҳсулот сифати, реклама ва товарни сотиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатишдан фойдаланилган ҳолда ҳам рақобат қилинади.

Монополистик рақобат бор тармоқларга янги ишлаб чиқарувчининг кириб бориши осон бўлади. Бунинг учун маблағ бўлса бас, чунки бошқа тўсиқлар бўлмайди.

Номукамал рақобатнинг яна бир тури олигополия шароитидаги рақобатдир. Унинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, курашда озчилик қатнашади. Товар ва хизматлар бозорида кам сонли фирмалар ҳукмронлик қилса, бу ерда олигополия рақобати бўлади. Олигополия ҳукмрон тармоқларда ҳам стандартлашган, ҳам табақалашган маҳсулот ишлаб чиқарилади. Стандартлашган маҳсулотларга пўлат, рух, мис, алюминий, қалай, цемент, техник спирт каби моддий шакли аниқ маҳсулотлар киради. Табақалашган маҳсулотта ҳар турли истеъмол буюмлари (масалан, турли маркали автомобиллар, кир ювиш машиналари, сигаретлар, маиший электр асбоблари) кабилар киради.

Олигополия тармоқларида йирик уч-тўрт фирма маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий қисмини назорат қилади. Масалан, АҚШ автомобиль саноатида «катта учлик» — «Дженерал моторз», «Форд» ва «Крайслер» ҳиссасига сотилган автомобилларнинг 90% тўғри келади. Худди шундай мавқега Япониянинг «Тойота», «Хонда», «Ниссан» каби автомобиль компаниялари эга. Олигополия тармоқларига янги фирмаларнинг кириб келиши қийин, чунки у ердаги фирмалар билан беллашув учун гоаят катта пул керак, у кўпчиликда бўлмайди. Бу тармоққа бир амаллаб кириб қолган кичикроқ фирма технологик устунликларга эга бўлган йирик фирмалар билан рақобат қилаолмай бу тармоқни тарк этади. Зўр беллаша олгани учун олигополия бор жойга фақат кучли фирмалар келиши мумкин, чунки улар рақиб қўйган тўсиқлардан ўта олади. Бундай-

лар эса кам бўлади. Хуллас олигополия шароитида чекланган рақобат бўлади.

Номукамал рақобатнинг яна бир тури бу соф монополия шароитидаги рақобатдир. Соф монополия деганда маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда фақат битта фирманинг фаолият кўрсатишини тушунамиз. Бу ерда бутун бир тармоқ фақат битта фирмадан иборат бўлади. Фирма ишлаб чиқарадиган маҳсулот ғоят ноёб бўлиб, унинг яқин ўринбосарлари бўлмайди. Харидор олдида икки йўл бор — товарни монополист айтган нархда сотиб олиш, ёки сотиб олмастик. Бу ерда соф монополист маҳсулот ёки хизмат турига қараб реклама билан шугулланиши ёки шугулланмаслиги ҳам мумкин. Агар у масалан, жавохиротлар ишлаб чиқарса, реклама билан шугулланади, агар коммунал хизмат билан шугулланса, рекламанинг кераги йўқ, аҳоли реклама бўлса ҳам, бўлмаса ҳам бу хизматлардан фойдаланишга мажбур. Соф монополия бор тармоққа бошқа фирмаларнинг кириши йўли тўсиб ташланган. Бу тўсиқларга ғоят катта капитални кераклиги, табиий ресурсларни эгаллаб олинганлиги /масалан, конни/ патент, лицензиялар /руҳсатлар/ олиш мумкин бўлмаслиги, фирмом рақобат билан йўл бермаслик кабилар кирази. Соф монополия давлат мулки асосида ҳам бўлади. Буни Ўзбекистонда ҳам кўриш мумкин. Ҳаво транспорти фақат «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компаниясидан, авиация саноати фақат «Тошкент авиация бирлашмасидан» иборат, пахта териш машиналари ишлаб чиқариш танҳо Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи қўлида тўпланган. Соф монополия ўзи чиқарган товар бозорида рақобатни чеклаб қўяди. Аммо, у миллий бозорда харидор сифатида рақобатга киришади. Моддий ресурсларни қулай нархда харид этиш, малакали иш кучини жалб этиш, техник янгиликларни киритиш борасида бошқалар билан рақобатда бўлади. Соф монополия мавқеида фирмалар миллий бозорда ва халқаро бозорда ўзи каби кучли фирмалар рақобатига дуч келади. Масалан, АҚШнинг «Форд» автомобиль компаниясини Япониянинг «Тойота», Германиянинг «Мерседес бенц», Франциянинг «Пежо» фирмалари билан тўқнашмасдан ҳеч бир иложи йўқ.

Юқорида кўриб чиқилган бозор тизимлари ва рақобат турларини аниқ чегаралаш қийин. Айниқса, олигополия ва монополистик рақобат бор бозорлар тутаниб кетадилар. Олигополистик тизимлар жумласига, масалан, АҚШда қайта ишлаш саноати тармоқлари, хусусан, алюминий ва

сигарет ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасида эса, телевидение ва узоқ масофали телефон алоқаси қиради. Монополистик рақобат эса, хизмат кўрсатиш соҳасининг кўпгина тармоқларига хос.

Булар жумласига: ресторанлар, техник хизмат кўрсатиш станциялари, аҳолига хизмат кўрсатадиган банк соҳалари қиради.

Бир соҳанинг ўзида ҳар хил рақобат шакли мавжуд бўлади. Айниқса, бу олигополия ва соф монополияга хос. Мисол учун АҚШда журналларнинг нашр этилиши монополистик рақобат тизимига кирса, ҳафталик газеталарнинг нашр этилиши олигополия тизимига қиради, чунки бу ерда «Тайм» ва «Нью-суик» нашрлари етакчи роль ўйнайди.

Мукаммал рақобат тизими мезонларига тўла жавоб бераоладиган бозорларни учратиш ҳам жуда қийин. Бироқ шундай бозорлар ҳам борки, улар мукаммал рақобат талабларига бошқалардан кўра кўпроқ мос келади. Мисол учун, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва баъзи моддия бозорларини олиш мумкин. Шу билан бир вақтда соф монополия тизимига мос келадиган бозорни ҳам топиш қийин. Ҳатто ўз бозорларида етакчи роль ўйнайдиган фирмаларнинг ҳам доимо бир-икки майда рақобатчиси бўлади. Соф монополия ноёб маҳсулотга эга бўлиш билан боғлиқ. Аммо ноёбликни ўзи абадий эмас. Чунки ноёб маҳсулотнинг ўринбосари ва ундан ноёброғи ҳам яратилиб турадики, бу билан монопол мавқе эил кетади. Масалан, АҚШда узоқ масофали телефон алоқаси соф монополия тизимига кирар эди, лекин «ЭмСиАй» ва бошқа фирмаларнинг бу тармоққа кириб келиши, экспресс-почта ва сунъий йўлдош алоқаларидан фойдаланиши бу бозорни олигополияга айлантирди.

Реал ва идеал бозор тизимларини назарияда фарқлан-тирилади. Бозор тизимидаги идеал рақобат турлари — мукаммал рақобат, олигополия ва соф монополия шароитидаги рақобатдир. Реал ҳаётда эса, улар чирмашиб ва туташиб кетган тарзда учрайди, бир соҳанинг ўзида улар ёнма-ён турадилар.

Реал ҳаётда ҳеч бир тизимга идеал мос тушадиган бозорлар бўлмаслиги ҳам мумкин. Назарияда рақобат турларини ажратиш олиб таҳлил этиш, уларни идеал белгиларини изоҳлаш, булар амалиётда соф шаклда бўлган деган гап эмас, чунки иқтисодий воқелик назариядан бой бўлади.

Олигополия ва монополистик рақобат, мукаммал рақобатни фарқлантириш реал бозорларнинг хусусиятини тасвирлаш имкониятини беради. Шу жиҳатидан бунинг амалий аҳамияти ҳам бор. Миллий ва жаҳон бозоридаги рақобатнинг мақсади ва усуллари бир хил бўлса-да, улар маълум жиҳатдан фарқланади ҳам. Биринчидан, миллий бозордаги рақобатда ҳамма фирмалар қатнашади. Жаҳон бозоридаги рақобат асосан қудратли халқаро фирмалар ўртасида боради. Ҳозирги жаҳон бозори трансмиллий, яъни халқаро корпорациялар рақобати билан ажралиб, туради. 1990 йили уларнинг дунёдаги савдо обороти 5,5 триллион долларни ташкил этиши бунинг далилидир. Иккинчидан, фирмалар миллий бозордаги рақобатда ўз кучига таянадилар, жаҳон бозорида улар бундан ташқари давлатнинг кўмагига, унинг сиёсий таъсирига ҳам таянадилар. Бу ердаги рақобатга ҳам социал барқарорлик таъсир этади. Масалан, АҚШда фирма ичида низо чиқармасликка катта эътибор берилади, бу ишга давлат ҳам аралашади, чунки социал низолар халқаро бозордаги рақобатда ютиб чиқишга халақит беради деб қаралади.

4. Рақобатлашиш муҳитининг вужудга келиши ва уни сақлашда давлатнинг роли

Рақобат бозор иқтисодиётининг гоят муҳим хусусияти. У амал қилиши учун маълум шарт-шароит муҳайё бўлиши талаб қилинади. Рақобат фақат бозор иқтисодиёти муҳитида бўлиши мумкин, чунки шундагина у зарурат бўлади, шунингдек, унга йўл ҳам очилади. Бас, шундай экан бозор муносабатларининг юзага келиши айни бир вақтда рақобатчиликнинг шаклланишини билдиради. Бозор иқтисодиётининг шаклланишидаги классик йўл Ғарб мамлакатларида бўлиб, у ерда рақобатчилик муҳити узоқ йиллар мобайнида, давлатнинг иштирокисиз, ўз-ўзидан, яъни стихияли юз берган. Шу йўсинда эркин рақобат пайдо бўлган. Иқтисодиётда монополизация тенденциялари пайдо бўлиш муносабати билан эркин рақобат чекланади, шу сабабдан соғлом рақобатчилик муҳитини яратишда давлат ҳам қатнашади. Бунинг давлатнинг антимонопол сиёсатида кўриш мумкин. Бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратишга эмас, балки уни сақлаб қолишга, кези келганда қайтадан тиклашга, рақобатнинг маданийлашган усуллари қарор топтиришга қаратилади.

Давлатнинг хусусий монополияларни жиловлашга

қаратилган тадбири 1890 йилда АҚШда қабул қилинган «Шерман қонуни» бўлиб, у тарихда антитрест қонуни деб ном олган. Кейинчалик бу қонун бир неча марта монополияларга қўйилган талабларни жиддийлаштириш учун қайта кўриб чиқилган. Монополияларга қарши қонунчилик ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган маъмурий чоралар бошқа мамлакатларда ҳам улар шароитлари тақозо этган шаклларда амал қилади.

Антимонопол қонунчилиги асосан қуйидаги уч йўналиш бўйича шаклланади, 1. Ишлаб чиқариш тизими (таркиби)ни бошқарувчи қонунлар ёки улар моддаларини аниқ белгилаш. Уларга кўра одатда ҳеч бир корпорация у ёки бу турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг армидан ортинги нazorат қилишга ҳақи бўлмайди. Бундан мақсад шуки, ҳеч бир корхонага юқоридати меъёрдан ортиқ товар ишлаб чиқаришга йўл берилмайди, маҳсулотнинг қолган қисмини, албатта, бошқа корхона ишлаб чиқаради, демак улар ўртасида рақобат таъминланади.

2. Барча йирик корпорацияларнинг иштирокчилари бошқа корпорацияларнинг акцияларини маълум чекланган миқдордан ортинга эга бўла олмасликлари керак. Айтайлик, А машинасозлик корпорацияси мавжуд. Унинг Президенти В металлургия комбинати акцияларига ҳиссадор. Агарда унинг ҳиссаси В корxonанинг фаолиятини назорат қилиш имконини берадиган даражага етиб қолса, бунда В корхона А корxonанинг таъсирига тушиб қолади ва бошқа машинасозлик корxonаларига, яъни ўз рақобатларига ҳам ашё етказиб беришни ҳам ўз қўлига олиб, уларга ўз таъйиқини ўткази бошлайди, натижада машинасозлик соҳасида рақобат бузилади, у монополия бошлайди.

3. Нархларни талаб ва тақлиф мувозанати белгиланган даражадан юқори ёки паст тутиб туришни, нарх хусусида келишиб олишни ман қилувчи антикартель қонунларни жорий этиш. Картель деганда монополиялар ўртасидаги бозорларни бўлиб олиш ва у ердаги нархларни келишиб олиш юзасидан тузилган қисқа муддатли иттифоқларни тушунилади. Айтайлик, бир тармоқда ҳукмрон бўлган 3—4 монополия бозорни таъсир доираларига бўлиб олиб, нарх-наво ҳақида келишиб оладилар. Нарх ҳамма ерда бир хил бўлиши керак. Агар келишувчилардан бирортаси битимни бузса, яъни ўз товарларини ўзининг таъсир доирасида бўлган бозорларда арзонроқ сота бошласа, уни бошқа ердаги харидорлар ҳам келиб сотиб ола бошлайдилар. Арзонроқ бўлса ҳам кўпроқ товар сотилиши бу кор-

хонага кўпроқ фойда келтиради. Бошқа корхоналар эса, мўлжалидаги товарларни сота олмайди ва керакли фойдани ола билмайди. Бу ҳолда картель битимни бузган корхонага жарима солади ва унинг олган фойдасини зарар кўрганларга тақсимлаб беради. Шу сабабли, картель қатнашчилари битимга қаттиқ риоя қиладилар. Бундай картель битимлардан фақат истеъмолчиларгина зарар кўрадилар.

Бозордаги вазият тез ўзгариб туради, уни ҳисобга олиш қийин, шу боисдан антимонопол қонунлар ўзининг ноаниқлиги билан ажралиб туради. Рақобатни чеклаш борасида конкрет аҳвол шундайки, бу қонунларни кенг талқин қилишга тўғри келади. Бу, айниқса, антикартель қонунларга тааллуқлидир. Бу ерда қонун ва давлат қарорларининг талаби картелларни тақиқлаб қўйишдан бошлаб, то маълум муддатга (бир йилгача) уларга рухсат беришгача бўлган талабни ўз ичига олади.

Антимонопол қонунларни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ қилиш бозор муносабатларига ўтаётган ҳар бир мамлакат учун ҳаётий заруратдир, чунки эркин рақобатга йўл бермай туриб бозорни шакллантириб бўлмайди.

Антимонопол қонуларнинг роли уларнинг ўзларида эмас, балки уларни амалга оширишга қодир бўлган махсус маъмуриятнинг ишчанлигидадир, чунки у корхоналар таркиби ва акцияларини тақсимлаш масалаларига аралашади ва баъзи ҳолларда бажарилиши мажбурий бўлган, баъзи ҳолларда бажарилиши мажбурий бўлмаган тавсиялар беради. Агар тавсиялар мажбурий бўлмаган ҳолда ҳам корхона ағалари улардан кўз юма олмайдилар. Антимонопол фаолият рақобатни рағбатлантириш орқали иқтисодий прогрессни таъминлайди.

Япониядаги антимонопол қонунларнинг амал қилиши бунинг яққол мисоли бўлиши мумкин. Бу ерда иккинчи жаҳон урушидан кейин монополиялар ҳақидаги қонуннинг бажарилишини назорат қилувчи адолатли битимлар Қўмитаси тузилган бўлиб, у кенг ваколатга ва мустақилликка эгадир. Бу Қўмита томонидан қайд қилинган ва суд томонидан тасдиқланган қонунбузарчилик қаттиқ жазоланади, қонунбузар корпорациялар катта зиён кўриши мумкин.

Давлатнинг фаол антимонопол сиёсати, унинг айрим корпорациялар манфаатларидан юқори туришини билдиради. У миллий иқтисодиётда рақобат аллақачон шаклланиб бўлган мамлакатларда рақобатчиликни такомиллаштиришни таъминласа, бозор иқтисодиётига ўтаётган мам-

лақатларда (булар жумласига собиқ социалистик мамлакатлар ҳам киради) рақобатчиликни янгидан шакллантириши керак бўлади. Тоталитар тизимдан чиққан мамлакатларда социалистик мусобақа деб ном олган муносабат ўрнига соғлом рақобатни келтириш зарур бўлади. Шу сабабли рақобатта шарт-шароит ҳозирлаш бу ердаги бозор ислохотларининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Буни Ўзбекистон мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда иқтисодий субъектларни рақобатчиликка жалб этиш муаммоси бор. Албатта, рақобат давлатнинг фаолиятсиз ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Давлат рақобатнинг зарурлигини англаган ҳолда унга йўл бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, уларни амалиётга жорий этади. Ўзбекистонда бозор ислохотларига янгиликларнинг киритилиши бунинг далили бўлаолади. Республикада давлат мулки ҳисобидан нодавлат мулкларини шакллантириш жадаллаштирилди. Шу мақсадда корхоналарни акционерлаш, уларни очиқ акционер жамиятига айлантириб, улар акцияларини ҳаммага сотиш хусусий корхоналарга солиқ, экспорт-импорт, бож тўловлари, кредит лицензиялар юзасидан енгилликлар бериш, уларни маъмурий тазйиқлардан ҳоли этиш, хусусий мулкчилик дахлсизлигини барча чоралар билан таъминлаш қабилар амалга оширилади. Рақобат усулларининг нисбати бозор ҳолатига боғлиқ. Тўйинмаган, бинобарин, товарларни танлаб олиш имкони ва кишиларнинг харид қобилияти чекланган шароитда нарх ёрдамида рақобатлашиш афзалликка эга бўлади, чунки нархнинг талабнинг ўзгарувчанлигига таъсири кучли бўлади, яъни нархни пасайтириб, товарни кўп сотиш ва нархни ўз вақтида пасайтирмаган рақибни бозордан сиқиб чиқариш мумкин.

Ҳар тарафлама тўйинган, товар турлари гоят кўп бозорда товарларни танлаб олиш имкони катта бўлади, харидорлар кўпчилигининг харид қобилияти юқори бўлади, улар таркибида пулдор кишилар ҳиссаси ортиб боради, нуфузли истеъмол учун нархини суриштирмай товар харид этиш юз беради. Шундай шароитда нархсиз рақобат устиворликка эга бўлади, лекин барибир бозор иқтисодиётига ўтиш халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида соғлом рақобат учун муҳит яратилишини билдиради. Бу ўтиш жараёни ҳар хил кечади. Ўзбекистон бошқа МДХ мамлакатлари каби тоталитар тизимдан эркин иқтисодиётга ўтиши муносабати билан бу ерда рақобатни тамомла янгидан вужудга келтириш зарурати келиб чиқади, чунки олдин мавжуд бўлган социалистик мусобақа деб аталган нарса бўлиб, унга хўжалик субъектларининг номигагина

беллашуви хос эди, чунки корхоналар давлат қаноти остида кун кўришган. Корхоналар давлатлаштирилиб, мустақилликдан маҳрум этилган, бинобарин, рақобат учун шароит бўлмаган. Аммо рақобатнинг айрим аломатлари мавжуд бўлган, чунки иқтисодийда унинг давлатлаштирилмаган сектори сақланган. Бунага томорқа хўжалиги, яширин тадбиркорлик билан шуғулланувчилар кирганки, улар бозорга қараб ишлашган. Давлат режалаштирган товар айирбошлаш билан бир қаторда режалаштирилмаган тартибсиз бозор ҳам сақланган, унга деҳқон бозори ва чайқов бозорлари кирган. Бу бозор ҳукмрон мавқега эга бўлмаган, бинобарин, рақобат иқтисодий муносабатларнинг ҳукмрон унсури бўла олмаган. Бозордаги алоқалар ўрнига давлат режалаштирган алоқалар устунлик қилган. Ўзбекистонда хусусий монополиялар рақобати ҳам бўлмаган, шу сабабли бу ерда Ғарб мамлакатларида бўлгани каби, монополлашган рақобатдан эркин рақобатга ўтиш масаласи келиб чиқмайди, Ўзбекистонда рақобатни умуман инкор этувчи давлат монополиясидан давлатлашмаган, турли хўжалик шакллариининг мувозанатига асосланган ва эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтиш юз беради. Бу ерда рақобатчилик муносабатларини аввал шакллантириш, сўнгра уни такомиллаштириш мумкин. Энг аввал рақобат қилувчилар, яъни мустақил товар ишлаб чиқарувчилар пайдо бўлиши керак, чунки рақобатнинг асосий шarti алоҳидалашган, ўз манфаатига эга, мулкий масъулияти бор ва тадбиркорлик хатарини зиммасига олувчи хўжалик субъектларининг мавжудлиги, уларнинг бозор орқали алоқа қилишидир. Рақобатчилик иқтисодийдаги демократизм шароитида бўлиши мумкин. бу эса ўз навбатида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, уни хусусийлаштиришни талаб қилади, аммо бунинг ўзи етарли эмас, чунки жамиятда бозор муҳити ҳам бўлиши керак. Ўзбекистон тажрибаси кўрсатганидек, рақобатга йўл очилиши учун хусусий ёки жамоа мулкни қонуний деб эълон қилиш кифоя қилмайди. Қонунларда мустақил ва тенг деб қайд этилган мулк шакллариининг амалдаги реализацияси таъминланмагунча, рақобатбоп хўжалик юзага чиқмайди. Бинобарин, рақобатчилик ўзи тақозо этадиган иқтисодий вазият пайдо бўлмагунча, у ҳаракатга келмайди, ишлаб чиқаришни ўстирувчи кучга айлана олмайди. Рақобатнинг асосий воситаси нарх бўлади, айниқса, бу нархсиз рақобат ривожланмаган пайтда дарҳол сезилади. Бозор иқтисодийга ўтиш даврида нархсиз рақобатга шароит бўлмайди, шу боисдан нархларни

либераллаштириш, яъни уларни эркин қўйиб юбориш ва бозорда шакллантириш рақобатнинг асосий талаби ҳисобланади. Шунинг назарда тутиб, Ўзбекистонда давлат назорати остидаги нархлардан келишилган нархларга, улардан эркин бозор нархларига ўтиш юз беради. Эркин нархлар эркин тасарруф этиладиган товарларга тааллуқли бўладилар. Бас, шундай нархни бўшатиб юбориш билан биргаликда давлат буюртмаларини қисқартириб, товарларни эркин бозорга чиқариш, уни ўз эгалари томонидан билганича сотишни уюштириш керак бўлади. Шу муносабат билан Ўзбекистонда маҳсулотга давлат буюртмаларини қисқартириб, уни тобора кўп қисмини бозор орқали сотишга киришилади.

Бозор эркин иқтисодий фаолиятни талаб қилганидан, жамият рақобатчиларга бир хил имконият яратиб беради, хўжалик субъектларига ўзини синаб кўриши учун бир хил шароит ҳозирлайди, давлат рақобат қондаларига риоя этилишини ўз назоратига олади, айрим ёки бир гуруҳ тадбиркорларнинг монопол мавқеда бўлишига йўл бермайди.

Ҳозирги босқичдаги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни, албатта, цивилизациялашган рақобатнинг вужудга келишини билдирадигани, бу табиатан аралаш иқтисодиёт белгисидир. Бу жараён давлат иқтисодий монополизмини чеклаш, умуман, антимонопол йўл тутишни талаб қилади, чунки бусиз рақобатлашиш вазияти пайдо бўлмайди. Шунинг назарда тутиб, Ўзбекистонда «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган.

Қонунга кўра атайлаб бозорда тақчиллик ҳосил этиш, нархларни монополлаштириш, рақобатчиларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик қилиш, рақобатнинг ёрроқ усулларини қўллаш ман этилади. Қонунни бузганлар рақибга етказган зарарни қоплашлари, жарима тўлашлари шарт, улар ёрроқлик билан олинган фойдадан маҳрум этилади. Бу қонун рақобатчилиқ тизимига хизмат қилади.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Рақобатнинг моҳияти нима?
2. Рақобатнинг қандай босқичлари мавжуд?
3. Рақобатнинг асосий шакллари қандай?
4. Бозор тизими ва рақобат ўртасида қандай боғланишлар бор?
5. Мукамал ва номукамал рақобат нима?

6. Соф рақобат ва соф монополиянинг умумий ва фарқли томонлари қандай?
7. Монополистик рақобат ва олигополиянинг ўхшашлик ва фарқли томонлари қандай?
8. Мулк шакли рақобатни белгилайдими ёки рақобат мулк шаклиними?
9. Рақобатнинг социализмнинг ҳалокатига алоқаси борми?
10. Давлатнинг рақобатга муносабати қандай бўлиши керак?
11. Антимонопол фаолият деганда нимани тушунасиз?
12. Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқларида соф рақобат, монополистик рақобат, олигополия ва соф монополия каби рақобат турларига мисол келтира оласизми?
13. Юқоридаги мисолларнинг қайси бири мукаммал ва номукаммал рақобат турларига киришини аниқланг.
14. Ўз мисолларингиздан реал ва идеал рақобат турларига намуна топинг.

XVII БОБ

АГРАР МУНОСАБАТЛАР

1. Аграр муносабатларнинг моҳияти

Бозор муносабатлари иқтисодиётнинг ҳамма жабҳаларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини ҳам ўз ичига олади. Мазкур тизимда аграр муносабатлар алоҳида ўрин тутади. **Ер билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар аграр муносабатлар дейилади.** Бу муносабатларнинг объекти ер бўлса, унинг субъектлари ер эгалари, ерда хўжалик юритувчилар, виҳоят, ерга меҳнат тўкувчи кишилар ҳисобланади. Аграр муносабатлар ўта кўҳна, иқтисодий муносабатларнинг энг қадимий шакли, чунки инсоннинг иқтисодий фаолияти ерни ишлашдан бошланган.

Бозор тизими аграр муносабатларга янгича мазмун беради. Ернинг товарга айланиши, ерга хилма-хил мулкчиликнинг пайдо бўлиши, ернинг тадбиркорлик объекти бўлиши, ернинг гаровга қўйилиши, виҳоят ер учун пул шаклида рента ундирилиши, агробизнеснинг махсус фао-

лият турига айланиши бозор тизими билан боғлиқ. Аграр муносабатларнинг объекти бўлмиш ер махсус ресурс бўлганидан унинг хусусида ҳам ўзигагина хос бўлган иқтисодий алоқалар келиб чиқади. Ер ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг умумий шarti. Ердан ташқарида ишлаб чиқаришнинг бўлиши мумкин эмас. Инсоният ҳали коинот мақонида ишлаб чиқаришни уюштирганича йўқ. Ерда қишлоқ хўжалиги юритилади, саноат, қурилиш корхоналари жойлашади, ер устидан ва остидан йўллар ўтади, ер қаърида қазилма бойликлар жойлашган, ерда ўрмон хўжалиги юритилади, турар-жой ва маданий-маиший бинолар қад кўтаради ва ҳоказо. Шу сабабли ҳар қандай иқтисодий фаолият маълум даражада ер билан боғланган деб айтамеиз.

Қишлоқ хўжалиги учун ер асосий ишлаб чиқариш омили вазифасини ўтайди. Маълумки, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш икки ёқлама характерга эга: биринчидан, иқтисодий жараён бўлса, яъни инсон меҳнати натижасида юз берса, иккинчидан табиий-биологик жараён бўлиб, маҳсулот етиштириш табиий омилига, масалан, ўсимлик ёки ҳайвонларда кечадиган биологик ўзгаришларга, иқлим шароитига, об-ҳавонинг қандай келишига, тупроқнинг табиий хоссаларига боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги инсоннинг табиатга бўлган муносабати билан кишиларнинг ўзаро муносабатлари яхлитликда боришини талаб қилади ва иқтисодиётнинг **аграр секторини** ташкил этади. Бу соҳада **асосий ресурс ер бўлиб, у ҳеч бир тенги йўқ, танҳо ўзига хос хусусиятларга эга.** Аммо ер энг чекланган ресурс, уни меҳнат билан яратиб бўлмайди. Кўпгина ресурслар бир-бирининг ўрнини боса олади. Масалан, меҳнат ресурсини машина билан алмаштириш мумкин. **Ернинг ўрнини эса ҳеч бир ресурс боса олмайди,** шу жиҳатдан у ўта ноёб ва асосий ресурс ҳисобланади. Унинг асосийлиги шундаки, ер бошқа ресурсларга қўшимча сифатида амал қилмайди. Масалан, саноатда станокларга қўшимча ресурс сифатида компьютер ва унинг программалари қўлланади. Ерни бошқа ресурс билан алмаштириб ҳам бўлмайди, аммо унинг муқобил ишлатиш усуллари ғоят кўп бўлади. Шу сабабли ер талаб мутгасил ошиб боради. Бу талаб ер билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ва ернинг унумдорлигига қараб ўзгаради.

Ер чекланган, уни ишлаб чиқариб бўлмайди, аммо фойдаланиладиган ерларни уларга инвестиция сарфлаб кўпайтириш мумкин. Масалан, қўриқ ерларни суғориш

ва ботқоқ ҳамда зах ерларни қурутиш орқали экин майдони табиатан чекланган бўлса-да, шу доирадан чиқмаган ҳолда яроқсиз ерлар ҳисобидан қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни кўпайтириш мумкин. Ер ресурси чекланганлигидан **ернинг таклифи ноэластик, яъни ўзгармайди** бўлади. Бу билан ер бошқа ресурслардан жиддий фарқланади. Маълумки, агар талаб ошса, бунга жавобан таклиф ҳам кўпаяди, лекин ер бу қоидадан истисно этилади, чунки ер табиат меваси бўлганидан уни меҳнат билан кўпайтириб бўлмайди. Ер ҳаммабон **ресурс**. Унда деҳқончилик қилиш, ундирма саноат юргизиш, қурилиш қилиш мумкин. Ундан ҳар хил мақсадда ва ҳар хил йўл билан фойдаланиш мумкин. Ер табиат маҳсули бўлганидан унинг сифати жиддий табақалашади, ер участкалари турли табиий-иқлим минтақаларида жойлашади, тупроқнинг таркиби ҳар хил бўлади. Шу сабабдан ерларнинг табиий ҳосилдорлиги кескин фарқланади. Ўта яхши, яхши, ўртача, ёмон ва, ниҳоят ўта ёмон ерлар мавжуд. Қишлоқ хўжалигида ернинг сифати меҳнат унумдорлигининг муҳим омили ҳисобланади. Бу соҳадаги унумдорлик, бинобарин, ишлаб чиқариш самарадорлиги тупроқнинг таркиби, ернинг иқлим шароити ва, ниҳоят, ер участкаларининг жўғрофий жойлашувиغا боғлиқ. Ер қаъридаги қазилма бойлиқлар захираси, уларнинг геологик шароити, сифати ҳам бир-биридан фарқланади. Ер ўзи билан боғлиқ ишлаб чиқариш шароитини ўта фарқлантиради. Ер танқислиги ресурсларнинг бошқа соҳалардан қишлоқ хўжалигига ёки ундурма саноатга ўтишини чеклайди, кўшимча ресурсларнинг кириб келишига халақит беради. Ер унумдорлик қувватининг табиий шароитларга боғлиқлиги қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш инкониетларини чегаралаб қўяди.

Назарияда тупроқ унумдорлигининг пасайиш қонуни деган қонун олга сурилади. Унга биноан ердаги ҳосилдорликнинг ўсиш меъёри мавжуд, ҳосилдорлик чексиз ўса олмайди. Агар ҳосилдорлик ўсиши чекланмаганда эди, бир гектар ерга узлуксиз ресурс сарфини ошириб борган ҳолда, олинган ҳосилга ер юзидаги аҳолини боқиб мумкин бўлар эди. Аммо бундай имкон йўқ. Гап шундаки, ерни 100 марта ҳайдаш, керагидан 10 марта кўп ўғит бериш ёки 5 марта кўп уруғ экиш билан ҳосилдорлик ўсиб қолмайди. Айтилган ресурслар маълум меъёردа сарфланса, ҳосил маълум меъёردа ортиши мумкин. Ер ҳосилдорлигини ўстириш имкони чекланганлиги сабабли янги ерлар очилади, экин майдони кенгайтирилади. Ҳосилдор-

ликни ошира бориш доирасида ернинг сифати яхшиланади, яъни ернинг табиий кучига куч қўшилади.

Ерга икки хил монополия мавжуд бўлади. Биринчидан, ер қадр-қиймати билан ресурс сифатида мулк монополиясида туради, яъни эгаси йўқ ер бўлмайди. Ер чекланган миқдорда бўлганидан уни мулк сифатида кўпайтириб ҳам бўлмайди. Бундай ҳодиса ерга маблағ сарфлашни унинг эгасига боғлиқ қилиб қўяди. Ер эгасининг мулкдор сифатида манфаати бор, яъни у ўз еридан наф кўриши керак. Шу сабабли ер ишлатиш учун текинга берилмайди, эгасига ундан фойдаланиш ҳақини тўлаш зарур. Иккинчидан, ер хўжалик юритиш объекти сифатида эгаллаб олинади, яъни ерда турли хўжаликлар ташкил топади, яроқли ер бўш турмайди. Хуллас, яроқли ерлар доим банд бўлади. Ер ресурс сифатида эгалари қўлида бўлар экан, улар бошқа ресурс эгалари сингари уй хўжаликлари таркибига киради. Бинобарин, уй хўжаликлари ўртасида муносабат ер хусусида ҳам бўлади. Ер мулк бўлганидан мулкдорнинг розилигисиз уни ишлатиб бўлмайди. Ундан фойдаланиш учун унинг эгасига ҳақ тўлаш керак. Ер ўз эгасининг мулки бўлиб қолгани ҳолда вақтинча бошқа мулк соҳиби, хусусан тадбиркор томонидан ишлатилиши мумкин.

Ердан ҳақ тўлаш шarti билан маълум муддатда фойдаланиш юзасидан келиб чиққан иқтисодий алоқалар ижара муносабатлари дейилади. Ер эгаси ижарага берувчи, ерни ишлатувчи эса ижарага олувчи бўлади. Уларнинг муносабати ижара битими билан қонулаштирилади. Ижара мулк эгасини ўзгартирмайди, аммо ижарачи ернинг мулкдори бўлмаса-да, мутасқил хўжалик юрита олади, ижара муддати давомида ердан фойдаланиш унинг ихтиёрида бўлади. Ердан қандай фойдаланиш, нимани ва қанча етиштириш, кимга сотиш, кимдан қарз олиш, ресурсларни қаердан топиш — булар ижарачининг ўз иши ҳисобланади. Унинг вазифаси ер эгаси билан алоқаси вақтида ижара ҳақини тўлаб туришдан иборат бўлади. Ижарачи қўлидан келганича бойлик орттириши мумкин, тушган даромадни мустақил тақсимлайди ва ишлатади, бошқа иқтисодий субъектлар билан алоқа қилади. Ижарачи эркин хўжалик юритувчи бўлганидан иш юзасидан бўлган мажбуриятларни ўз зиммасига олади, ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилади. Ижарачи ерга маблағ солади, ерда тадбиркорлик юритиб, фойда кўради, ўз манфаатига эришади. Ер эгаси ҳам ижара ҳақи олиб манфаатини юзага чиқаради, яъни мулки унга даромад кел-

тиради. **Ердан фойдаланганлик учун унинг эгасига тўланадиган ҳақ рента дейилади.** Рента моҳиятан қишлоқ хўжалигидаги қўшимча маҳсулотнинг ер эгасига теккан қисмидир. Ерда ишловчилар меҳнати ҳам қўшимча маҳсулот яратади, унинг қиймати маҳсулотнинг бозор нархига киради. Маҳсулот сотилганда харидорлар шу маҳсулот эквивалентини (унга тенг пулни) тўлайдилар, бинобарин, унинг қиймати пул шаклига киради ва шу ҳисобдан рента тўланади.

Рента муносабатлари ерга бўлган мулкчилик билан ерни ишлатиш бир-биридан ажралган шароитда пайдо бўлади. Ер эгаси ернини ўзи ишлатмасдан тадбиркорларга ижарага берганда улар орасида рента муносабати вужудга келади. Ерни ўз эгаси ишлатган шароитда унга ердан келадиган фойда тегади, чунки бунда қўшимча маҳсулот сақланади, лекин у рента шаклига қирмайди. Бу маҳсулот ерга ресурс сифатида эгалик қилувчи ва тадбиркор мулкдорга тегадиган фойда бўлиб қолаверади. Бинобарин, қўшимча маҳсулотнинг одатдаги фойда ва рентага ажралиши ернинг ижарага берилиши билан боғлиқ.

Рента миқдори ернинг табиий ҳолатига боғлиқ, чунки бу харажатларга, бинобарин, ерни ишлашдан келадиган фойдага таъсир этади. Ер участкалари сифат жиҳатидан фарқланадилар. Шунга қараб, ерга сарфланган моддий ва меҳнат ресурслари ҳар хил натижа беради. Нарх ўзгармаган ҳолда харажатларнинг турлича бўлиши ерга қўйилган ресурсга тегадиган фойдага ҳам таъсир қилади. Табиий унумдорлиги ва жойлашувига кўра ер участкалари ўта яхши, яхши, ўртача, ёмон ва ўта ёмон бўлади. Ер етишмаганидан ёмон ва ўта ёмон ерлар ҳам экилади, чунки яхши ва ўртача ерлардан олинган ҳосил бозор талабини қондира олмайди. Айтилган ерлар экилиши учун уларга капитал қўйган тадбиркорлар ҳеч бўлмаганда нормал фойда олишлари керак, бунинг устига рента ҳам беришлари шарт. Акс ҳолда улар хўжалик фаолияти билан шуғуллана олмайдилар. Бозорда талаб бўлганидан ҳатто энг ёмон ерда етиштирилган ва бозорга чиқарилган маҳсулотлар ҳам сотилиб кетади, тушган пул ҳисобидан рента тўлови ҳам қопланади.

Нарх рента тўлаш имконини берад экан, харажат таркибига кирадиган ер рентасини харидорлар кўтарадилар. Улар ер эгаларига ер мулки учун ҳақ тўлайдилар. Шу маънода рента жамият зиммасига тушган юк ҳисобланади. Ер танқислигидан жамият рента тўлашдан иборат сарфни ўз зиммасига олади.

Ерга талаб ҳар доим ортиб боради, ер таклифи эса ўзгармайди, натижада ердан фойдаланиш ҳақи бўлган рента ўсишга мойил бўлади. Бошқа ресурслар нархи рентадан фарқлироқ ҳам насайиши, ҳам кўтарилиши мумкин. Бу уларнинг таклифини ўзгартиради. Аммо рента қанчалик ошмасин, ер таклифи ҳеч бир кўнаймайди, чунки у табиатан чекланган. Масалан, станок нархи 5 минг сўмдан 7 минг сўмга ошса, унинг таклифи ҳам ортади. Агар 1 га ер учун бериладиган рента 500 мингдан 1 млн. сўмга қадар ошса, барибир бу билан ер миқдори ўзгариб қолмайди. Рента ноёб ресурс бўлган ер учун жамият унинг эгасига берадиган пул бўлар экан, у ҳаммининг зиммасига тушади.

Рентанинг шаклланиши мураккаб кечади. Буни англамоқ учун унинг турлари қандай пайдо бўлишини кўриб чиқамиз.

2. Рента турлари

Рента ерга бўлган мулкнинг иқтисодий реализацияси, яъни амалга ошишидир. Ер эгаси манфаати юзага чиқиши учун у ўз участкасини ишга солиб, пул топиши керак бўлади. У ўз ерида деҳқончилик қилади, корхона ёки ҳар хил хўжалик, турар-жой биноларини қуради, ерни ижарага беради, уни сотади ёки гаровга қўйиб, пул олади ва шу пулни ишлатади. Ерни ишлатишнинг бир-биридан фарқ қиладиган муқобил усуллари кўп. Бу усуллардан қай бирини танлаш ер эгасининг иши. Албатта, мулкдор ўз манфаатидан келиб чиққан ҳолда, ўзи учун энг қулай усулни танлайди. Бозор иқтисодиёти тизимида ерни ишлатишдаги кенг тарқалган усул уни ижарага бериб, рента олишидир.

Рента турлари кўп, жумладан, абсолют (мутлақ), дифференциал, монополь рента, қурулиш участкаларидан ва ундирма саноатда олинадиган рента кабилар унинг кўринишларидир. Уларнинг ҳаммаси ерга капитал қўйилиб, меҳнат сарфланиши натижасида келадиган ва ер эгасига тегадиган даромаддир.

Абсолют рента ер участкаларининг сифатидан қатъи назар ер мулк бўлгани учун унинг эгалари оладиган рента. Мазкур рента ҳамма ерлардан олинади, лекин миқдоран ёмон ва ҳатто энг ёмон ерлардан олинган рентага тенг бўлади. Масалан, ҳар бири ўн гектардан келадиган учта ер участкаси бор, уларни шартли равишда А, В, С участ-

калари бор деб белгилаймиз. Энг ёмони «С» участкаси бўлиб, у ердан 500 минг долларга рента олинади. «А» участкасидан эса 800 минг доллар рента олинади, шундан 300 минг доллар бу ернинг сифати учун, қолган 500 минги умуман ер учун. «В» участкасидан 700 минг доллар рента олинади. Шундан 200 минг доллар ер сифати учун, 500 минг доллар умуман ер учун. Ҳамма участкалардан 500 минг доллар миқдорида олинadиган рента абсолют рента ҳисобланади ва у ёмон ердан олинadиган жами рентага тенг бўлади. Сифатли ерлардан олинadиган абсолют рента умуман рента миқдоридан кам бўлади. Бизнинг мисолда «А» участкасидан олинadиган 500 минг доллар < 800 минг доллардан, «В» участкасидан олинadиган 500 минг доллар эса < 700 минг доллардан. Рентанинг қолган қисми, яъни 200 минг ва 300 минг доллар унинг бошқа турларига тегишли бўлади.

Ер танқис бўлган шароитда унинг мулк бўлиши ва банд этилиши, ердан олинadиган маҳсулотларга талабнинг ортиб бориши абсолют рента олиш имконини яратади. Талаб ошган шароитда ёмон ва ҳатто ўта ёмон ерлар ҳам эжилади. Сифатсиз ерлар эжилиши учун улардан олинган маҳсулот нархи қилинган харажатни қоплаши керакки, унинг таркибида тадбиркорнинг нормал фойдаси ва рента ҳам бўлади. Қимматга тушса-да, бозор шу маҳсулотни кўтаради, чунки у талабни қондиради.

Бу маҳсулотнинг одатдагидан юқори нархда сотилиши абсолют рентани ҳосил қилади, ер эгаси эса уни ўзлаштиради.

Дифференциал (табақалашган) рента ернинг сифати-га қараб олинadиган ва рентанинг абсолют рентадан ортиқча бўлган қисмидир. Ер сифатининг ҳар хил бўлиши, яъни тушроқнинг унумдорлигидаги фарқлар уни яратадиган омилдир. Тушроқ ҳосилдорлиги икки хил бўлади: табиий ва иқтисодий. **Табиий ҳосилдорлик** тушроқнинг химиявий ва физикавий хоссалари бўлиб, уни табиат инъом этган. Халқ тилида ориқ ер, семиз ер деган тушунча қўлланиши бежиз эмас, албатта. Ернинг ҳосилдорлиги табиатан ҳар хил бўлганидан, ерга сарфланган бир миқдордаги ресурслар турлича натижа беради. Ернинг сифатига қараб, муайян миқдордаги моддий ва меҳнат ресурслари сарфланган ҳолда, турлича яши ҳосил олинади. Масалан, 100 бирликка тенг ресурс сарфланган ҳолда «А» участкасидан ҳар гектарига 40 центнердан, «В» участкасида 30 центнердан буғдой олинади. Ҳосилдорликдаги фарққа қараб рента ҳам тафовутлашади.

Тупроқнинг иқтисодий ҳосилдорлиги ерга қўшимча ресурс сарфлаш, ишлов бериш орқали, унинг сифатини ошириш, унумдорлигини кўтаришни билдиради. Иқтисодий ҳосилдорликни табиат эмас, балки фан-техника ютуқлари ва меҳнат инъом этади. Иқтисодий ҳосилдорликни ошириб бориш чексиз эмас, албатта. Ерга сарфланган қўшимча ресурс ҳосилдорликни маълум чегарага қадар ошира олади.

Шу доирада рента ҳам фарқланади. Гап шундаки, қўшимча ресурс сарфига нисбатан ҳосилдорлик маълум даражада ўсади, кейинчалик у ўсмайди.

Дифференциал рентанинг (диф. рента) ўзи дифференциал рента I ва дифференциал рента II дан иборат бўлади. **Дифференциал рента I тупроқнинг табиий ҳосилдорлигига ва ер участкасининг жойлашувига қараб олинадиган рентадир.** Маълумки, ер участкалари табиий ҳосилдорлик жиҳатидан фарқланадилар. Айтганимиздек, сифати ўта яхши, яхши, ўртача, ёмон ва ўта ёмон ерлар бор. Ўта ёмон ёки ёмон ерлар эшилганда улардан олинадиган маҳсулотларга кетган ишлаб чиқариш харажатлари нарх учун асос бўлади, яъни бозор нархи орқали улар қопланади. Бундан ташқари нархга абсолют рента ҳам киради, чунки энг ёмон ер ҳам текинга берилмайди. Ўта ёмон ердан яхши ер сари борилганда индивидуал харажатларнинг камайиши юз беради. Гап шундаки, ёмон ерларда сарфга нисбатан ҳосил кам олинса, яхши ерларда, аксинча, қўй олинади. Турли ерлардан олинган ялли ҳосилдаги фарқ маҳсулот бирлигига кетган сарфларни ҳам фарқлантиради. Бинобарин, ўртача ишлаб чиқариш харажатлари ҳар хил бўлади. Шундай шароитда ўта ёмон ёки ёмон ердаги харажатлар маҳсулотларнинг бозор нархига киради, ўртача ва яхши ерлардаги харажатлар эса ундан пастроқ бўлади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бозор нархи бир хил, аммо ўртача харажатлар эса ерга қараб, ҳар хил бўлганлиги сабабли, бозор нархига асос бўлган ёмон ердаги харажатлар билан **бошқа сифатлироқ ердаги харажатлар ўртасидаги фарқ диф. рента I ни пайдо қилади.**

Бу мазмунан иқтисодий фойданинг бир тури, лекин у ер эгаларига теккани учун рентага айланади.

Саноат маҳсулотидан фарқлироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулоти харажатларига моддий ва меҳнат сарфи ҳамда нормал фойдадан ташқари рента ҳам киради. Маҳсулот шу харажатлар негизидаги нархларда сотилганида ўта ёмон ерларда диф. рента I бўлмагани ҳолда (чунки у

нархга асос бўлади), бошқа сифатли ерларда шундай рента вужудга келади (13-жадвалга қаранг).

Жадвалда ерлар миқдоран тенг, уларга тенг миқдорда ялпи сарфлар қилинган, нархни ўта ёмон ер харажати белгилайди, шу харажат таркибида абсолют рента мавжуд деб олдик. Жадвалдан кўринадики, ерларнинг табиий ҳосилдорлиги турлича бўлганидан ерга харажатлар тенг бўлса-да, турлича ҳосил олинган, шунга кўра ўртача (1 центнер ҳосилга ҳисобланган) харажатлар ҳам турлича бўлган. Шундай шароитда ўта ёмон ерда диф. рента I ҳосил бўлмаган. Айни вақтда ернинг сифати ошган сари рента ҳам кўпайиб бориши юз беради. Бозорда талаб қисқариб, ўта ёмон ерни ишлатиш аҳтиёжи қолмаса, энди нархни ёмон ер шароити белгилай бошлайди ва бундай ерда диф. рента I бўлмай қўяди. Агар ёмон ер ҳам экилмай қолса, ўртача ер шароити нархни белгилайди, бу ердан ҳам диф. рента йўқолади. Диф. рента I мавжудлигидан ернинг сифатига қараб унинг ижара ҳақи ҳар хил бўлади. Диф. рента I бўлмаганда эди, ҳамма жойда ижара ҳақи бир хил бўлиши мумкин эди. Реал ҳаётда бундай нарса йўқ.

Диф. рента I ни фақат ернинг табиий унумдорлигига боғлаб бўлмайди, албатта. Уни юзага чиқарувчи яна бир омил — бу ер участкаларининг жойлашув ўрнидир. Улар бозорга нисбатан ҳар хил масофада жойлашади, уларнинг транспорт билан боғланиши ҳам ҳар хил бўлади, яъни узоқ ёки яқин, улар арзон ёки қиммат транспортдан фойдаланишни тақозо этади. Масалан, тупроқ сифати бир хил бўлган А, В, С участкалари бор, уларда пахта етиштирилади. А участка автомобиль йўлининг ёқасида ва пахта пунктига 5 км масофада жойлашган, В участка катта йўлдан анча ичкарида ва пунктга нисбатан 15 км масофада жойлашган. С участкаси чўл биқинидаги янги ўзлаштирилган ерда, пунктга нисбатан 50 км масофада жойлашган. Ернинг жойлашган ўрни шароитига қараб айтилган участкалардан пахтани пунктга ташиб етказиш харажатлари ҳар хил бўлади. Бир тонна пахтани ташиш А участкасида 1 минг сўм бўлса, В участкада 3 минг сўм ва, ниҳоят, С участкада 10 минг сўм туради. Транспорт харажатлари умумий сарфга таъсир этиш орқали диф. рента юзага келтиради. Бизнинг мисолимизда ернинг жойлашув ўрнига қараб диф. рента А ва В участкаларида пайдо бўлади.

Диф. рента II — тупроқнинг иқтисодий ҳосилдорлиги натижасидир. Ерга кўшимча маблағ сарфлаб, унга ишлов бериш орқали ҳосилдорликни ошириш натижасида олин-

Дифференциал рента II нинг ҳосил бўлиши

Ер сифати	Ер миқдори, га	Ялиқ ҳосил, ц	Жами харажатлар, минг сўм.	Ўрғача харажатлар 1 ц ҳисобидан, минг сўм	1 ц маҳсулотнинг бозор нархи, минг сўм	1 ц учун ҳисобланган диф. рента, минг сўм	1 га ер-га ҳисобланган диф. рента, минг сўм
1. Ўта ёмон	1,0	15,0	120,0	8,0	8,0	0	0
2. Ёмон	1,0	18,0	120,0	6,67	8,0	1,33	23,94
3. Ўрғача	1,0	20,0	120,0	6,0	8,0	2,0	40,0
4. Яхши	1,0	22,0	120,0	5,45	8,0	2,55	56,1
5. Ўта яхши	1,0	25,0	120,0	48	8,0	3,2	80,0

ган рента диф. рента II бўлади. Тупроқнинг табиий им-юниятлари доирасида ерга маблағ сарфлаш ҳосилдорлик-ни маълум меъёр даражасида оширади, ўртача харажат-ларни камайтиради. Маблағ сарфини самарали ишлатиши-га қараб, турли хўжаликларнинг индивидуал харажатлари табақалашади. Бозор нархи бир хил бўлиб, харажатлар-нинг ҳар хил бўлиши ерга яхши ишлов берган хўжалик-ларда диф. рента II ни ҳосил этади. Бунда тупроқнинг табиий эмас, балки иқтисодий ҳосилдорлигидаги тафовут-лар рента ни юзага келтиради.

Хўжалик юритиш амалиётида рента турлари биргалик-да юради, уларни бир-биридан ажратиш қийин. Шу сабаб-ли назарий жиҳатдан диф. рента II нинг ҳосил бўлиш механизмини кўриб чиқамиз. Бунда ер сифати бир хил, дастлабки маблағлар тенг, ammo ерга қўшимча сарфлан-ган маблағ миқдори турлича, бу маблағлар тўла ишлати-либ, харажатлар таркибига ўтади деб фарз қиламиз (14-жадвалга қаранг).

Жадвалдан кўринадики, А участкасида диф. рента II юзага келмади, чунки ерга қўшимча маблағ сарфлан-мади. Аксинча В ва С участкаларига қўшимча маблағ сарфланганидан ҳосилдорлик юқори бўлди, ўртача хара-жатлар пасайди, натижада диф. рента II пайдо бўлди. Ammo С участкасида маблағлар самаралироқ ишлатилгани учун бу ерда диф. рента II кўп бўлди ($40,0 > 18,0$).

Диф. рента II моҳиятан қўшимча сарфлар келтирган қўшимча иқтисодий фойда, лекин у ер эгасига ўтгандаги-на рентага айланади. Ерга унинг эгаси ёки ижарачи ил-гари қўйган капитал унинг сифатини яхшилайти. Ерга сарфланган маблағ ерга сингади ва унинг унумдорлигини белгиланган меъёрда оширади. Сифати ошган ер қайта-дан ижарага берилганда унинг эгаси диф. рента II ни ҳам ижара ҳақи таркибида олади.

Монопол рента алоҳида табиий-иқлим шароитига эга бўлган, ўта ноёб маҳсулот етиштирилаётган ер учун унинг эгасига тўланадиган рентадир. Фақат ана шундай ерлар-да камёб маҳсулотлар (масалан, чой, кофе, цитрус ўсим-ликлари меваси, махсус ёғоч — қизил ёғоч) етиштирила-ди. Уларга талаб катта бўлгани ҳолда таклиф оз бўлади, чунки уларни ишлаб чиқариш махсус, кам учрайдиган ер иқлими шароитини талаб қилади. Мазкур товарлар таклифи ўзгарувчан (эластик) бўлмайди, чунки нархнинг ўзгариши уларни оз ёки кўп ишлаб чиқаришни таъминлай олмайди. Шу боисдан камёб маҳсулотлар монопол нархда сотила-дики, бу нарх уларни ишлаб чиқаришга кетган харажат-

Дифференциал рента I ning ҳосил бўлиши

Сифати бир хил эр участкалари	Ер миқдори га	Ерга қилинган дастлабки сарфлар, минг сўм	Ерга қилинган қўшимча сарфлар, минг сўм	Ҳосилдорлик, га/д	Ялпи ҳосил, ц	Жами харажатлар, минг сўм	Бир ц ҳосил харажати, минг сўм	Бир ц маҳсулот нархи, минг сўм	Жами диф. рента II, минг сўм	Бир га учун ҳисобланган диф. рента, минг сўм
A	8,0	800,0	—	20,0	160,0	800,0	5,0	5,0	0	0
B	6,0	600,0	200,0	30,0	180,0	800,0	4,4	5,0	108,0	18,0
C	5,0	500,0	300,0	40,0	200,0	800,0	4,0	5,0	200,0	40,0

лардан анча юқори бўлади, натижада ер эгалари монопол рента олиш имкониятига эга бўладилар. Бундай рента шароити ноёб ерлар учун бошқаларга қараганда юқори ижара ҳақи белгиланишида ифода этилади. Мазкур рента йўқолиши ҳам мумкин, чунки фан-техника тараққиёти туфайли айрим ерлар ўзининг ноёб хусусиятини йўқотади, бундай ерларда етиштириладиган маҳсулотларни бошқа ерларда ҳам етиштириш имконияти пайдо бўлади, бунга мос навлар яратилади, сунъий иқлим шароити яратилади ва ҳоказо.

Илгарилари лимон фақат махсус илиқ денгизлар қирғоғидаги ерларда етиштирилган. Шу боисдан мазкур ерлар монопол рента берган. Фан-техника ривожини туфайли лимон Ўзбекистонда ҳам етиштирила бошлади, бинобарин, бу билан махсус денгиз бўйи ерларининг монопол ҳолати тугатилди. Аввал ҳурмо фақат Сурхондарёда етиштирилган эди.

Унинг бошқа ерларда ҳам ўсадиган навларининг пайдо бўлиши Сурхон воҳасининг шу соҳадаги монополиясини чеклаб қўйди.

Ер ундирма саноат учун ҳам энг муҳим ресурс ҳисобланади. Ер қаъридаги бойликлар унинг қадрини оширади, чунки ер ости бойликлари бўлмаса, ундирма саноат ишлай олмайди. Ернинг мулк бўлиши ва бойликка эгалигини ундирма саноатда ҳам рента бўлишини тақозо этади. Ерда бойлик бўлганидан ер эгаларига рента тўлашпди, акс ҳолда бу бойлик ишланмайди. Қазилма бойликни ердан ажратиб бўлмайди, унинг устидаги ва остидаги бойлик ер билан биргаликда мулк бўлади. Мулк эгасига, ундан фойдаланганлик учун тадбиркорлар рента тўлайдилар. Ундирма саноатдаги рента тупроқ ҳосилдорлигига эмас, балки ер қаъридаги қазилма бойликларга, уларнинг сифатига, қазиб олиш харажатларига боғлиқ бўлади. Шубҳасиз, саёз жойлашган, таркиби бой, геологик шароити яхши, ташиб олиш осон бойликлар мавжуд ердан катта рента олинади, чунки бойликларни ундириб, қайта ишлаш кам харажат талаб этади.

Қурилиш участкалари учун ҳам рента тўланади. Биноиншоотлар муаллақ турмай, ер устида қад қўтарадилар. Қурилиш деҳқончилик ва саноатга нисбатан ерни ишлатишнинг муқобил усулидир. Қурилиш учун тўланадиган рента ерни бошқа усулда ишлатингдан жаладиган рентадан кўп бўлган тақдирдагина ер қурилиш учун ижарага берилади. Қурилиш участкасидан ундириладиган рента миқдори фақат тупроқ сифатига эмас, балки ернинг жой-

лашув ўрнига ҳам боғлиқ. Агар, ер қанчалик шаҳар марказида, экологик шароити яхши бўлса, ёхуд у коммуникациялар (транспорт, алоқа воситалари, йўллар, сув ва иссиқлик қувурлари ва ҳ. к.) билан яхши таъминланган бўлса, рента шунчалик юқори бўлади, чунки булар қурилиш харажатлари ва қурилган бино-иншоотларни ишла-тиб туриш сарфини қисқартиради.

Рента ўз турларидан қатъий назар уни тўловчилар учун харажат бўлса, ер эгалари учун даромад бўлади. У бир жиҳатдан доимий харажатларни шакллантирса, иккинчи жиҳатдан қатъий белгиланган даромадни ташкил этади.

Бозор иқтисодиётига пул шаклида бериладиган рента хос. Аммо рентани, натура-махсулот тарзида тўлаш ҳам онда-сонда учраб туради. Бундай ҳолат ҳосилбай ижара қўлланганида юзага келади. Бунда ерни экувчи тадбиркор унинг эгасига рентани пул билан эмас, балки ҳосилнинг ўзаро келишилган улуши билан тўлайди. Бундай усул нархлар ўзгаришини ҳисобга олади, ҳосилдорликни оширишга ундайди. Тарихан мазкур усул XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда кенг тарқалган, ўзбек деҳқонлари ерни ҳосилбай ижарага олишган, ижара шартига қараб, рентани ялпи ҳосилнинг тўртдан бири, учдан бири ёки тенг ярми миқдоридан ер эгаларига тўлашган. Бундай деҳқонларни Фарғона водийсида чорикор, Хоразм воҳасида яримча деб аташган. Ҳосилбай рента тўлаш Ўзбекистонда ҳозир ҳам қўлланиб келади, аммо бу бозор алоқаларининг ҳали заифлигини кўрсатади.

Хуллас, рента назарий тушунча сифатида мураккаб аграр муносабатларни ифода этади. Унинг турлари ва тўланиш шакллари кўп қиррали алоқаларни англатадики, булар ер эгалари билан ерни амалда ишлатувчи тадбиркорлар ўртасида юзага келади.

Рента тўлови, юқорида айтилганидек, ижара ҳақи шаклига киради, аммо миқдоран унга тенг эмас. Гап шундаки, ижара ҳақиға рентада ташқари ерга унинг эгаси солган капиталга тегадиган процент ва амортизация ҳам киради. Бир гектар ерга белгиланган ижара ҳақи 1 млн. сўм деб фараз қилсак, шундан 0,7 млн. сўм рента бўлса, қолган 0,2 млн. сўм ерга солинган 2 млн. сўмлик капиталга тегадиган процент бўлади (агар, у йилига 10% даражада бўлса) ва, нихоят, 0,1 млн. сўм амортизациядан иборат. Ернинг ижара ҳақиға асбоб-ускуна, машина механизмлари белгиланган ижара ҳақиға боғлиқ бўлмаган рента киради, рента миқдори эса ҳар хил.

Ерга талаб унинг таклифидан ҳар доим кўп бўлади. Уни нафақат деҳқончилик, балки саноат, транспорт, уй-жой, маданий-маиший қурилиш ҳам юзага келтиради. Ерни қишлоқ хўжалиги юритишдан бошқача, муқобил ишлатиш доирасининг кенгайиши, унга бўлган талабни муттасил ошириб боради. Натижада бозор қонунлари таъсирида ерга **ижара ҳақи тез ўсишга мойил бўлади**. Бундан ташқари ер сифатини ошириш учун унга капитал сарфлаш кўпаяди, бу ҳам ижара ҳақини оширади. Натижада ер мулки даромад топишнинг қулай воситасига айланади. Аммо, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳиссасининг қисқариши, ерни ўз эгаси томонидан кўпроқ ишлатилиши, рента миқдори ошганлигига қарамай, унинг миллий даромаддаги улушини камайтиришга олиб келади.

Ер бозор муносабатлари гирдобига тортилади, у товар сифатида олди-сотди қилинади. Ер бошқа ресурслардан, масалан, иш кучи, машина-механизмлардан фарқлироқ ҳудудлар ёки давлатлараро силжиб, ҳаракат қилмайди. Аммо у муқобил усулларда ишлатилади. Бунинг учун у олди-сотди қилиниши ёки узоқ муддатли ижарага берилиши керак. Бозор муносабати ерни ҳам товарга айлантиради, аммо ер нархи бошқа товарлар нархидан фарқланади. Ер меҳнат маҳсули эмас, балки табиат инъомидир. Уни инсон яратмаган, лекин уни ўзлаштиришга, сифатини оширишга меҳнат сарфлаган. Ерни меҳнат яратмаганидан унинг қиймати йўқ, **лекин унинг нархи бор**. Ер нархини шакллантиришда уни ўзлаштириш ва сифатини ошириш харажатлари иштирок этади. Аммо уни юзага келтирувчи асосий омил унинг муқобил ишлатилишидир. Ер, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ишлатилади. Шу боисдан унинг нархига рента миқдори таъсир этади. Ер эгаси тadbиркорлик қилмай, ўз мулкидан келган даромад билан қаноатланади. Шунинг ҳисобга олсак, ер эгаси уни шундай нархда сотадики, бундан тушган пул банкка қўйилганда, рентага тенг миқдорда процент келтириши керак. Бунда ер нархи рента миқдорига нисбатан **тўғри мутаносибликда ўзгарса, процент даражасига нисбатан тескари мутаносибликда ўзгаради**. Бундай боғлиқлик қуйидаги формулада ифода этилади:

$$E_n = \frac{P}{\Pi} \cdot 100$$

E_n — ер нархи, P — рента, Π — процент.

Масалан, бир гектар ер учун 12 минг доллар рента тўланади, аynи вақтда банкка қўйилган пул йиллига 10% туғади. Шу шартлар бўлса, ер нархи қуйидагича бўлади: $Ен = 12\ 000:10 \times 100 = 120\ 000$ доллар. Демак, ер эгаси уни 120 минг долларга сотганда, шу пулни муқобил ишлатиш (банкка қўйиш) орқали рентага тенг ($12\ 000 = 12\ 000$) пул топиши мумкин. Рента ва процент нисбати ер нархни белгилаш учун асос. Аммо ерга талаб ўзгариши натижасида нарх шу асосдан юқори ёки пастга қараб йироқлашади. Бизнинг мисолда бир гектар ер амалда 150 000 доллар ёки 110 000 доллар туриши мумкин.

Ерни муқобил ишлатиш имкони ортиши билан ерга талаб кучаяди, натижада ер нархи ўзининг асосидан ажрала бoшлайди, яъни ер нархи рента ва процент белгилайдиган миқдордан ортиб кетади. Айниқса, бундай ҳол ер, саноат ва транспорт, уй-жой ва маданий-маиший қурилиш учун ишлатилганда юз беради. Шу сабабли йирик шаҳарларда ер ўта қимматлашади, айниқса, бу жараён ер танқис мамлакатларда тез боради. Бунга мисол қилиб Токио шаҳрида ернинг гоаят қиммат туришини кўрсатиш мумкин.

Ер нархи узлуксиз ўсиб боради, чунки юқорида айтганимиздек, ерга талаб ошган шароитда унинг таклифи ўзгармайди, ер миқдоран кўпайиб қолмайди.

Рента сингари ернинг нархи ҳам табақалашади, чунки унинг сифати ҳар хил. Шаҳарларда ер нархи учун унумдорликнинг аҳамияти йўқ, чунки ер деҳқончилик қилиш учун сотиб олинмайди. Шаҳарларда ер участкасининг жойлашуви, уларнинг коммуникация билан таъминланганлиги муҳим. Шу боисдан ҳар тарафлама қулай жойлашган ер участкалари қиммат туради. Одатда шаҳар марказида ер қиммат бўлса, унинг чеккасида ёки қишлоқ жойда нисбатан арзон туради. Хуллас, ноёб ресурс бўлган ер қадрининг ошиб бориши уни қимматлаштиради, шунингдек, ундан ўта оқилона фойдаланишни юзага келтиради.

3. Агробизнес ва унинг таркиби

Агробизнес деганда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бизнес тушунилади ва у бозор тизимининг таркибий қисмларидан бирини ташкил этади. Кенг маънода, бунга қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган, бизнес турлари киради. Агробизнес ривожланган бозор иқтисодиётига хос. Таркибан унга қишлоқ хўжалигининг ўзидаги, шу соҳа

маҳсулотини қайта ишлаш ва истеъмолга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятлари кирди. Агробизнеснинг мақсади бозорни керакли маҳсулотлар билан қанда қилмай ва тўла-тўқис таъминлаш орқали фойда кўришдан иборат. Агробизнес широкчилари — бу тадбиркор фермерлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи саноат тадбиркорлари ва, ниҳоят, шу маҳсулотни сотиш билан шуғулланувчи тижоратчилардир. Булардан ташқари агробизнес доирасига банклар, сугурта ва моллиа компаниялари ҳам қўрилади. Агробизнес илгарилари қишлоқ хўжалиги билан чекланса, кейинчалик у агросаноат интеграцияси натижасида агросаноат комплексини қамраб олади. Агар дифференциация саноатнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиши бўлса, интеграция уларни бир-бирига қирмашиб кетиши ёки уларнинг синтезидир. Бундай ҳодиса қишлоқ хўжалиги ҳамда машиналашган ишлаб чиқариш асосига кўчган, қишлоқда ҳам техника революцияси қўл оч ёзган шароитда юз беради.

Юксак машиналашган ишлаб чиқаришда вертикал интеграция юз беради, яъни қишлоқ хўжалиги ўзидан юқоридаги саноат тармоқлари билан бирика бошлайди. Қишлоқ хўжалиги ўзининг маҳсулотини қайта ишловчи ва сотувчи соҳалар билан, шунингдек, ўзига керакли моддий ресурсларни етказиб берувчи соҳалар билан интеграцияланади. Айтилган соҳалар яхлитликда амал қила бошлайди, қишлоқ хўжалиги ҳам саноат асосига, яъни энг мукамал технология замирига кўчирилади. Меҳнат унумдорлиги кескин ошиб, агробизнесдан фойда кўнади. Агробизнес фаолияти биринчидан, аҳолини етарли миқдорда сифатли озиқ-овқат билан, саноатни эса қафолатланган тарзда ҳам ашё билан таъминлайди. Маца шу шарт бажарилганда фойда кўрилади. Агробизнес гуллаб-яшнаши учун у амал қилувчи соҳаларга катта инвестиция сарфланади, фан-техника ютуқлари жорий этилади. Агробизнес МДХ мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам мавжуд, у агросаноат комплекси асосида ривож топади. 1990 йили шу комплексида Ўзбекистонда ишловчиларнинг 45% банд бўлди, асосий фондларнинг 40% ишлатилди, яъни маҳсулотнинг 50%, миллий даромаднинг эса 35% яратилди.

Агробизнеснинг бирламчи бўғини фермер (деҳқон) хўжалиги ҳисобланади, чунки у қишлоқ хўжалиги маҳсулотини яратади. Бу хўжалик ўз ерида ёки ижарага олишган ўзга ерида юритилади, аммо ерга фермер мулки кенг ривожланган бўлади. Бу хўжаликда мулк соҳиби ва

ишлаб чиқарувчи айнан бир шахс ҳисобланади, мулк меҳнатдан ажралмай, у билан бевосита боғланади. Кўп ҳолларда фермер хўжалиги фермернинг ўзи ва оила аъзолари меҳнати билан ёлланма меҳнат билан биргаликда қўлланишига асосланади. Фермер хўжалиги **кичик бизнес** намояндасидир. Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида **оилавий фермер** хўжаликлари кенг тараққий этади. Улар юксак даражада ихтисослашган ва замонавий фан-техника ютуқларига таянган хўжалик ҳисобланади, улар юксак меҳнат унуми ва сифатли маҳсулотни таъминлашга қодир бўлади. Фермер хўжалигининг яшовчанлиги унинг афзаллигидадир. Бу хўжаликнинг самарадорлиги, бивобарин, афзаллиги қуйидагилар билан изоҳланади:

1. Фермер хўжалигида меҳнат ва мулк бевосита қўшилади, фермер ўз мулкида ўз меҳнати билан ишлайди. Ёлланма меҳнат қўшимча аҳамиятга эга. Фермер ўзи учун ишлайди.

2. Фермер хўжалиги мутлақо мустақил, бирон бир тарзда монополашмаган хўжалик, унинг фаолиятини бозор қонунилари бошқаради.

3. Фермер хўжалигида тадбиркорлик ва меҳнат функцияси узвий ўўшилади. Бу ерда ишбилармонлик ва меҳнатсеварлик биргаликда амал қилганидан иқтисодий маънафаат ва масъулият ягона фаолиятнинг икки томонини ташкил этади.

4. Фермер хўжалиги соҳиб-деҳқон хўжалиги бўлганидан, бу ерда кам фойда билан ҳам қаноатланиш мумкин, чунки у давлатнинг ёрдамига таянади.

5. Фермер учун унинг хўжалиги фақат даромад манбаи эмас, балки унинг уйи, оиласи истиқомат қиладиган жой, унинг ишонган таянчи. У ўз хўжалигини ўта қадрлайди, шу сабабли унинг ривожини учун ўз меҳнатини аямайди.

Айтилган афзалликлар туфайли фермернинг ўз меҳнати ёлланма меҳнатга нисбатан юқори самара беради. Шу сабабли иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда фермер меҳнати устивор аҳамиятга эга. Масалан, АҚШда 1987 йили фермер хўжаликларида ҳаммаси бўлиб 2 млн. 636 минг киши ишлаган, шундан фақат 888 минг киши ёки 33,5% ёлланма ишчилар, қолган 66,5% фермерларнинг ўзи ва оила аъзолари бўлган.

Фермер хўжалигини шакллантириш бозор иқтисодиётига ўтишнинг шарт ҳисобланади. Шу билан қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш бозор ислоҳотининг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистонда фермерлаштириш

тоталитар тузумдан мерос қолган ва ночор аҳволга тушган давлат хўжаликларини фермерлар уюшмасига айлантириш ва улар таркибида фермер хўжаликларини ташкил этиш, шунингдек, ишлаб турган давлат ва жамоа хўжалигидаги ресурсларнинг бир қисми ҳисобидан фермер хўжалигини уюштириш тарзида боради. Ўзбекистонда 1991 йили 1968 та фермер хўжалиги бор эди, 1992 йил келиб, улар сони 5942 тага етди. Ўзбекистонда фермерлаштиришнинг хусусияти шундаки, фермер хўжалиги хусусий ерда эмас, балки давлат мулки бўлган ерда вужудга келади. Ўзбекистон республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонун»ида деҳқон хўжалиги мустақил хўжалик субъекти, тадбиркорлик шаклларида биридир¹ деб қайд этилади. Унга биноан деҳқон хўжалиги бошқа мулк шаклига тегишли қорхоналар билан тенг ҳуқуқли ишлаб чиқарувчи ҳисобланади, уни юритиш учун ижарага ер ажратиб бериш, уни қўллаб-қувватлаб туриш зарурлиги қайд этилган. Қонунга кўра деҳқон хўжалиги мулкида турар-жой, хўжалик бинолари, асбоб-анжомлар, техника ва транспорт воситалари, жамланган пул маблағлари туради. Бу мулк давлат ҳимоясида бўлади. Мазкур қонун деҳқон (фермер) хўжалигини ташкил этиш ва ривожлантиришни тартиблаб туради. У қишлоқни фермерлаштиришга кенг йўл очади.

Фермер хўжалиги қишлоқдаги асосий товар ишлаб чиқарувчи, у агросаноат интеграциясида иштирок этади.

Фермер хўжалигидан ташқари агробизнес турлари ҳам бор. Улардан бири **агрофирмадир**. Агрофирма муайян турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва уни саноат усулида қайта ишлашни қўшиб олиб берадиган қорхонадир. Бу қорхона истеъмолга тайёр бўлган маҳсулот яратади. Масалан, чорвачиликда сутни етиштириш, уни қайта ишлаб, истеъмолга тайёр ҳолга келтириш билан шуғулланади. Агрофирмаларда инвестиция ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам саноатга тааллуқли бўлади, ҳар икки соҳага хос ресурслар ишлатилади, ходимлар малакаси кенг бўлиб, улар саноат меҳнати билан ҳам шуғуллана олади. Агрофирмалар кичик оилавий хўжалик асосида ҳам ташкил тошади. Бу ерда кичик хўжалик кичик завод билан бириқади.

Агробизнеснинг йириклашган тури — **бу агросаноат бирлашмаларидир**. Бундай бирлашма бир неча хўжалик

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1992, № 10, 55-бет.

ва корхоналар фаолиятини интеграциялаштиради. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг бир неча ўзаро боғланган турлари, уларга хизмат кўрсатувчи ва тижорат иши билан шуғулланувчи корхоналар бирлашади. Масалан, мевачилик ва сабзавотчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар, улар маҳсулотини қайта ишловчи заводлар, цехлар, тайёр маҳсулотни сотувчи магазинлар, уларнинг ҳаммасига ресурс етказиб турувчи бўлинмалар бирлашмани ташкил этадилар. Фермер хўжалигидан фарқлироқ бирлашмалар танҳо индивидуал хусусий мулкка асосланмайдилар. Бирлашма иштирокчиларининг мустақил индивидуал мулки билан биргаликда умумий жамоа-корпоратив мулки ҳам бўлади.

Агробизнес ишига фермерлар **ассоциацияси** (уюшмаси) ва **иттифоқлари** ҳам хизмат қилади. Улар кўнгилли ва пайчилик маблағига асосланган уюшма бўлиб, ўз аъзоларига хизмат кўрсатади, уларнинг манфаатини ҳимоя қилади.

Агробизнес турлари муайян мамлакатнинг шароитига қараб, ҳар хил даражада ривожланади, тадбиркорликнинг нуфузли турига айланади. Агробизнес юқори меҳнат унумдорлигига асосланади. Шу сабабли, фермерлар сони қисқарган ҳолда, улар етиштирган маҳсулот кўпаяди. АҚШда 1910 йилда жами ишловчиларнинг 35% қишлоқ хўжалигида банд бўлса, 1987 йилга келиб, фақат 2% банд бўлди. Ишловчилар ҳиссаси 17,5 марта камайган ҳолда, маҳсулот етиштириш жиддий кўпаяди. Айтилган 2% ишловчилар мамлакатни маҳсулот билан тўла таъминлаган ҳолда, уни экспортга ҳам етказиб беришади, АҚШ иқтисодчиларининг ҳисоб-китобларига кўра, 1820 йили АҚШ қишлоқ хўжалигидаги битта ишловчи 4 кишини боқа олган, 1987 келиб, у 96 кишини боқа оладиган маҳсулот яратган¹. Аммо агробизнес даромадларида фермерлар улущининг камайиши юз беради. АҚШда бир ишловчига тўғри келадиган фермер даромади бошқа иш билан шуғулланувчилар даромадига нисбатан қуйидагича бўлди: 1960 йили — 75%, 1975 йили — 101,3%, 1981 йили — 80%, 1987 йили — 85,2%. Фермерлар даромадининг кўп ҳолларда паст юриши фермерлар маҳсулоти билан улар сотиб оладиган ресурслар нархи паритетининг (нисбатининг) бузилишидир. Бунинг асосий сабаби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг аҳоли даромадига нисбатан эластик бўлмаслигидир. АҚШда 80-йилларда аҳоли даромади 10%

¹ Кембелл Р. Макконелл, Стенли Л. Брю. «Экономикс», стр. 242.

ортгани ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмоли фақат 2% ортган. Аҳоли истеъмол учун қилган сарфларда озиқ-овқат харидининг ҳиссаси пасайиб кетиши мумкин. Масалан, 1992 йили АҚШ даги оила харажатларида озиқ-овқат сарфи атиги 12% ни ташкил этди.

Агросаноат комплекси юксак даражага чиққанида аҳолини тўла-тўғис қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлайди. Шундай шароитда уларга талабнинг ортиши фақат аҳоли сонининг ўсишига қараб юз беради. Жон бошига маҳсулотлар хариди ўсмаганидан талабнинг ортиши аҳоли сонининг ўсишига мос келади. Албатта, бундай қонуният ривожланган мамлакатларга хос, кам ривожланган мамлакатларда озиқ-овқатга талаб тез ўсади, чунки аҳолининг тўқлиги ҳали таъминланган эмас. Шу сабабдан аҳоли истеъмолида озиқ-овқат сарфининг ҳиссаси Японияда 16,1%, Германияда 19,8%, Швецияда 17,4% бўлгани ҳолда, Туркменистонда 31,9%, Қирғизистонда 24,8%, Хиндистонда эса 44,4% ни ташкил этади (1990 й.).

Маҳсулотга талабнинг эластиклиги гоят кучсиз бўлиши ривожланган бозор иқтисодиётига хос бўлганидан фермер маҳсулотининг нархи сезкин ўсади, аммо бунга нисбатан фермер сотиб оладиган товарлар нархи тез ўсади, чунки уларга талабнинг эластиклиги анча кучли бўлади. Яхши ҳосил кўтариш туфайли маҳсулотларнинг кўпайиши улар нархининг пасайишига олиб келади. Бу ўз навбатида фермерлар даромадини камайтиради, чунки уларнинг харажати қисқармайди. Мазкур харажатлар таркибида доимий (ўзгармайдиган) харажатлар ҳиссаси катта бўлгани ҳолда ўзгарувчан харажатлар ҳиссаси кичик бўлади. Натижада ресурслар нархининг ўзгариши фермер харажатларига кучли таъсир этмайди, чунки доимий харажатлар илгаригидек қолаверади. Бундан ташқари фермерлар ўз маҳсулотини рақобатли, яъни нарх эркин шаклланадиган бозорда сотади, керакли ресурсларни эса рақобат чеklangан бозордан олади, шу бозорда нархни бир гуруҳ фирмалар назорат қилади, шу сабабли ресурслар (масалан, ўғитлар, гербицидлар, ёқилғи, техника, қурилиш моллари) нархи нисбатан юқори туради. Масалан, АҚШ да 1910—1914 йилларда фермер маҳсулоти билан у харид этадиган товарлар нархининг паритети тенг бўлган (1:1), 1987 йилга келиб, паритет бузилган (0,54:1), яъни фермер маҳсулоти паритети деярли 2 марта қисқарган. Паритетнинг бузилиши фермерлик қилишдан олинадиган даромадни қисқартиради, шу сабабли фермерлар

асосий ишдан ташқари бошқа иш билан шуғулланиб, қўшимча даромад топадилар. АҚШ да 1987 йили фермер хўжалигининг даромади 43 037 доллар бўлган, шундан фақат 21 545 доллари (49,7%) қишлоқ хўжалигидан келган. Фермерлар фаолиятининг ўзлари учун кам нафли ишга айланиши шундан дарак берадики, бозор иқтисодиёти қонунари таъсири остида талабнинг чекланиб қолиши, унумдорликни ошириш, маҳсулотни кўп ишлаб чиқарувчига зарар келтириши мумкин. Бу бозор муносабати зиддийлигини билдиради. Бу зиддият давлат иштирокида ҳал этилади. Ривожланган мамлакатларда давлатнинг қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш дастурларида фермерларга кўмаклашиш чора-тадбирлари белгиланади. АҚШда булар қуйидагилардан иборат:

1. Давлат фермерлар маҳсулоти ўта арзонлашиб кетиб, улар хонавайрон бўлмаслиги учун мазкур маҳсулот нархининг энг қуйи чегарасини белгилайдики, улардан паст нархда уни соғиш мумкин бўлмайди. Буни фермерларни қўллаб-қўлтиқлаш нархи деб аталади.

2. Давлат ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотиб олиб, унинг ғамламасини уюштиради. Давлат харид этган миқдорда маҳсулот таклифи қисқаради, бу қишлоқ хўжалиги маҳсулоти нархларини барқарорликда тутиб туриш имконини беради.

3. Давлат ортиқча маҳсулотни бозорга чиқармай турган фермерларга уни сақлаш сарфини қоплаш учун субсидия беради. Шунингдек, субсидия экин майдонини давлат тавсиясига биноан қисқартирган фермерларга ҳам берилади.

4. Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспортини субсидия берин, солиқларни қисқартириш орқали рағбатлантиради, айни вақтда импорт учун бож пулини кўпайтириш, импорт миқдорини чеклаш орқали миллий қишлоқ хўжалиги товарлари бозорини ҳимоя қилади.

5. Давлат қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган фан-техника муаммолари сарфини ўз зиммасига олади, бу билан фермерларни бир қатор сарфлардан ҳоли қилади. Бу эса фермер хўжаликлари харажатларининг тежалишига ёрдам беради.

Хуллас, давлатнинг чора-тадбирлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида талаб-таклиф мувозанатини таъминлашга ва фермер харажатларини қисқартиришга қаратилади. Бу ривожланган бозор иқтисодиётидаги аграр муносабатларда давлат ўзининг иқтисодиётини тартиблаш чоралари билан фаол қатнашишидан дарак беради.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА МУСТАҚИЛ ИШИ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Бозор муносабатлари аграр тизимга нималарни киритади?
2. Ернинг бошқа ресурслардан қандай фарқи бор?
3. Рента муносабати деганда нимани тушуниш керак?
4. Абсолют рента дифференциал рентадан нима билан фарқланади?
5. Дифференциал рентанинг ҳосил бўлиш механизми қандай?
6. Тупроқ ҳосилдорлигининг меъёри нимадан иборат?
7. Нима сабабдан монопол рента йўқолиб кетиши мумкин?
8. Ижара ҳақининг таркиби қандай?
9. Ер рентаси 15% ортди, банк тўлайдиган процент 1,5 марта ошди, йиллик инфляция 15% ни ташкил этди. Шундай шароитда ернинг нархи қандай ўзгаришини ҳисоблаб кўринг.
10. Дифференциал рента II ни ифодаловчи жадвалга тақлид этган ҳолда ўзингиз эркин рақамлар танлаб, мустақил равишда жадвал тузинг. Шу асосда диф. рента II ни ҳисоблаб чиқаринг.
11. Фермер (деҳқон) хўжалиги нима учун юксак меҳнат унумдорлигига эришган ҳолда маҳсулотларнинг тўқинлигини таъминлай олади?
12. Бозор муносабатининг фермер хўжалигига зиддий таъсири нимадан иборат?

XVIII БОБ

МОЛИЯ ВА КРЕДИТ

1. Молия ва унинг функциялари. Молия бозори

Молия-кредит муносабатлари пул маблағлари билан боғлиқ муносабатлардир. Бозор иқтисодиёти асосини товар-пул муносабатлари ташкил этади. **Молия категория** сифатида халқ хўжалигида пул ресурсларини ҳосил этиш, уларни тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги иқтисодий муносабатларни билдиради.

Ҳар қандай иқтисодий фаолият маблағ, пул талаб қилади. Ишлаб чиқариш қаерда бўлмасин, барибир молияни юзага келтиради. Гап шундаки, маҳсулотлар ва хизматлар фақат тақсимлангандан сўнг истеъмол этилиши мум-

кин. Улар қиймат шаклида тақсимланганда дастлаб турли мақсадларни мўлжаллаган пул ресурслари ҳосил бўлади, улар товарларга айирбошланиб, шундан сўнг истеъмол қондирилади. Масалан, қиймат шаклидаги маҳсулот тақсимланганда уни яратиш учун сарфланган меҳнат қуроллари қийматини ифодаловчи қисми амортизацион фонди шаклига киради. Бу эса молиявий ресурсга айланади, йиғилиб боради ва унга янги машиналар олиниб, эскирганлари ўрнига тикланади. Маълумки, умумжамият эҳтиёжлари давлат йўли билан қондирилади. Булар жумласига атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, муҳофаа, ижтимоий тартибни сақлаш, бир қатор номоддий соҳаларни пул билан таъминлаш, аҳолининг ночор қатламларини боқиб ва бошқалар киради. Мазкур эҳтиёжларнинг қондирилиши давлатнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ. Аммо бундан молиянинг зарурлиги давлатнинг мавжудлигидан келиб чиқади, молиявий муносабатларни фақат давлат яратади деб ўйлаш нотўғри. Давлат молияни яратувчи эмас, балки унинг иштирокчисидир. Агар молияни яратувчиси давлат бўлганда эди, нодавлат молия бўлмас эди. Аслида бундай эмас, давлат ишларидан ташқарида ҳам масалан, тадбиркорликда, оила доирасида ҳам молия алоқалари мавжуд. Шубҳасиз, молия иштирокчилари ҳар хил, лекин молияни молия қиладиган умумий асос бор. Бу маҳсулот қийматининг тақсимланишидир. Маҳсулот ишлатиш учун тақсимланганда пул шаклидаги молиявий фондлар ҳосил бўлади, улар табиатан молиявий ресурс ҳисобланади.

Молиявий ресурсларни ташкил этишда ва ишлатишда иштирок этувчилар молиявий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади. Молия иштирокчилари бўлмиш корхона, ташкилот, фуқаро ёки давлат маҳсулот тақсимланганда олган ҳиссаларига тенг миқдорда пул фондларини уюштиради, бу маълум мақсадни кўзлайди, яъни ишлаб чиқаришни ўстириш, аҳолини социал ҳимоя қилиш, давлатни бошқариш, муҳофаани мустаҳкамлаш, резервлар ҳосил этиш кабиларни мўлжаллайди. Молиявий муносабатлар улар субъектларнинг моддий ишлаб чиқариш ёки номоддий соҳада фаолият кўрсатишига қараб, ҳар хил бўлади. Албатта, улар энг аввал, ишлаб чиқаришнинг ўзида яъни корхонада, сўнгра ишлаб чиқариш билан бошқа турли-туман соҳалар ўртасида, ниҳоят, оилада пайдо бўлади. Молия муносабатларининг объекти пул ресурслари ҳисобланади, лекин улар, албатта, моддий маҳсулотнинг маълум қисмини ўзида ифода этади.

Молия муносабатларига хос бўлган белгилар ва хусусиятлар молиянинг функцияси — вазифасида ифодаланади. **Молиянинг функцияси — бу молия моҳиятининг хўжалик фаолиятидаги аниқ кўриниши, унинг ифодасидир.** Юқорида айтганимиздек, молия маҳсулот қийматини тақсимлаш орқали пул фондларини ҳосил этиш ва уларни ишлатишни билдирар экан, шунга кўра у тақсимлаш, рағбатлантириш, социал ҳимоя, иқтисодий информация функцияларини адо этади.

Тақсимлаш функцияси — молия воситасида жамиятда яратилган ялпи миллий маҳсулот ва унинг асосий қисми бўлмиш миллий даромад хўжалик субъектлари ўртасида тақсимланиб, пул фондларига айлантирилади. Ишлаб чиқаришнинг ўзида юз берадиган тақсимлаш **бирламчи тақсимлаш** деб аталади, унинг натижасида бирламчи даромадлар юзага келади: фойда, иш ҳақи фонди, социал суғурта учун ажратмалар, амортизация пули ташкил топади. Масалан, ишлаб чиқаришда 100 млрд. сўмлик маҳсулот яратилса, унинг қиймати тақсимланиб, 60 млрд. сўм амортизация фондига 20 млрд. сўм иш ҳақи, 15 млрд. сўм фойдага, 5 млрд. сўм социал суғуртага ажратилади. Амортизация фонди ишлаб чиқаришни қайта тиклашга кетади, ҳеч қачон у иш ҳақи сифатида берилмайди ёки суғурта учун сарфланмайди. Шунингдек, амортизация вазифасини иш ҳақи фонди бажара олмайди. Бирламчидан сўнг иккиламчи тақсимлаш ёки **қайта тақсимлаш** юз беради, бир марта тақсимланган маҳсулот қиймати молия воситаларида, масалан, солиқлар ва ҳар хил тўловлар ёрдамида қайта тақсимланади. Бунда молиянинг ўзаги бўлмиш бюджет асосий ролни ўйнайди. Олдинги мисолга қайтсак, тақсимлаш туфайли ҳосил бўлган 20 млрд. сўмлик иш ҳақи фондининг 5 млрд. сўмга тенг қисми даромад солиғи шаклида, олинган 15 млрд. сўмлик фойданинг эса 8 млрд. сўмга тенг қисми тўловлар шаклида давлатга тетади. Давлат ўзига теккан 13 млрд. сўмни қайта тақсимлайди, хусусан ундан 2 млрд. сўмни ишсизлик нафақасига, 5 млрд. сўмни мудофаага, 5 млрд. сўмни бошқариш ишига ажратади ва ҳ. к. Даромад қайта тақсимланганда молиявий алоқалар қайтадан ишлаб чиқариш ва бошқа соҳа, турли корхона, тармоқлар ўртасида, корхона билан давлат, корхона билан аҳоли ўртасида юз беради.

Рағбатлантириш функцияси молия воситалари орқали хўжалик субъектларини иқтисодий фаолликка ундашдан иборат. Иқтисодий рағбатлантириш воситаси тақсимотдир. Аммо бундан тақсимлаш ва рағбатлантириш функ-

цияси айнан бир нарса деб хулоса қилиб бўлмайди. Гап шундаки, тақсимлаш ҳар доим ҳам рағбатлантиришни мўлжалламайди. Масалан, молиядан пул ажратиб, кишиларни бепул ўқитиш, даволани, ногиронларга, кўп болаларга нафақа тўлаш ишлаб чиқаришни рағбатлантирмайди, албатта. Аммо, молияда рағбатлантирувчи жиҳат ҳам мавжуд. Бу молия тизимида ишлатиладиган солиқлар, тўловлар, субсидиялар ва субвенциялардир. Солиқдан имтиёз берилиши қорхона ва ташкилотларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун кетадиган инвестицияни кўпайтиради, ишловчиларга кўпроқ мукофот беришни таъминлаб, уларни яхши ишлашга ундайди. Бож пулини камайтириш орқали экспорт рағбатлантирилади, импорт қисқартирилади. Керак бўлганда зарарни қовлаш учун субсидия бериш қорхонани молиявий соғломлаштириш воситаси бўлади.

Социал ҳимоя функцияси — жамият аъзолари маълум қатламларининг минимал тирикчилик юритишини молиявий жиҳатдан таъминлаб туриш, яъни молиявий қафолатланишдан иборат.

Жамиятда шундай вочор ижтимоий қатламлар борки, улар объектив сабабларга кўра, ўзини-ўзи тўла таъминлай олмайди (ногиронлар, кўп болали камбағал оилалар, ишсиз қолганлар). Уларнинг тирикчилиги махсус ташкил этилган пул маблағлари ҳисобидан, масалан, ишсизлик нафақалари, болалар учун нафақалар, ногиронлик пенсиялари ҳисобидан таъминланади. Бу маблағларни нафақат давлат, балки қорхона, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ўз маблағи ҳисобидан уюштирадилар. Молия воситасида аҳолининг маълум қатламларини фаол ҳимоя этиш билан бирга ҳаммага тегишли бўлган, оммавий социал қафолатлар ҳам бор. Аҳоли соғлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим бериш, атроф-муҳитни соғломлаштириш каби сарфлар борки, улар ҳаммани назарда тутиб молиялаштирилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида нарх кўтарилиши муносабати билан аҳоли кўрган зарар қисман компенсацияланади (қопланади), яъни аҳоли пул даромадлари оширилади. Давлат бюджети дотациялайдиган нархлар ва тарифлар амал қилади. Баъзи товар ва хизматларнинг аҳолига сотилиш нархи унинг ҳақиқий нархидан анча паст бўлади, орадаги фарқ давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Масалан, Ўзбекистонда 1993 йил июнь ойида 1 кг буғдойнинг харид нархи 80 сўм-купон бўлгани ҳолда, 1 кг ун аҳолига 30 сўмдан сотилди.

Молиянинг социал ҳимоя функцияси бозор иқтисоди-

ётининг инсоний бўлишини, унинг аниқ социал мўлжалга қаратилишини билдиради.

Иқтисодий ахборот бериш функцияси хўжалик субъектлари ва, умуман, жамият иқтисодий фаолиятининг молиявий яқунлари хусусида маълумот ва хабарлар бериб туришдан иборат бўлиб, иқтисодиётни бошқаришда қўл келади. Иқтисодий ҳолат молияда ўзининг миқдорий ифодасини топади. Молиявий кўрсаткичлар орқали ишлаб чиқаришнинг қандай боришини кузатиш мумкин. Молиявий фондлар ҳаракатига қараб, ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол бир-бирига нақадар монандлигини билиш мумкин. Корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволига қараб, уларнинг хўжалик фаолияти яхши ёки ёмон эканлиги хусусида хулосага келиш мумкин. Молиявий ахборотга қараб, тадбиркорлар ўз ишининг бориши, ўз шерикларининг аҳволи, рақобатчилар имконидан огоҳ бўладилар. Тадбиркорлик учун ҳолис молиявий ахборот керак бўлади ва уни аудиторлик хизмати таъминлаб туради.

Аудиторлик хизмати — бу корхоналар, фирмалар, компаниялар хўжалик-молиявий фаолиятини таҳлил этиб, ҳисоботлар экспертизасини ўтказиш, уларнинг молиявий аҳволи тўғрисида ҳолисона ахборот етказиб туриш ва хулосалар чиқаришдир. Молиявий ахборот молия менежменти (молияни бошқариш) га хизмат қилади.

Молия функцияларининг юзага чиқиши иқтисодий ўсиш шартидир. Молия орқали ҳосил бўлган пул фондлари самарали ишлатилиши керак — бу деган сўз моддий ва меҳнат ресурсларини керакли йўналишда сарфламоқ демакдир. Мазкур фондлар орқали молия социал-иқтисодий тараққиётга таъсир этади. Чунотчи: такрор ишлаб чиқаришни, иқтисодий ўсишни пул маблағи билан таъминлайди; иқтисодий ва социал ўзгаришларни тартиблайди; самарали хўжалик фаолиятини рағбатлантиради.

Молия ўз функцияларини аниқ молиявий воситалар орқали бажаради, харажатлар, амортизация, фойда, акция курси, дивиденд, солиқлар, тўловлар, боғ ҳақи, сугурта ҳақи, субсидия, дотация, компенсация кабилар шулар жумласига киради. Улар айни вақтда молия ресурсларини ташкил этадилар. Улар орқали хўжалик-молия фаолиятига таъсир этиши мумкин. Масалан, дивиденд миқдорининг ошиб бориши акция чиқарган компания молиявий аҳволининг яхшилигидан дарак беради, натижада акция курси ошади, компанияга ташқаридан пул оқиб келиши ва унинг зўрайиб кетиши таъминланади.

Молия ресурслари ишлаб чиқаришни кенгайтириш

учун пул манбаи бўлиб хизмат қилади. Амортизация фонди ва фойдадан ажратилган пул маблағлари инвестиция учун хизмат қилади, уларни орттириш ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш демакдир. Масалан, инвестициянинг 1% ортиши иқтисодий ўсиш суръатларини 0,4% оширади деб фарз қилсак, инвестиция ресурсининг 5% ортиши 2% ўсиш беради, 7% ортиши 2,8% ўсиш беради ва ҳ. к. Агар инвестиция 3% камайса, шунга кўра ишлаб чиқариш ҳажми 1,2% қисқаради. Молия маблағларининг етишмаслиги ўсишни сусайтиради, чунки техника-технологияни киритишга пул етмайди.

Молиявий ресурслар орасида **фойда асосий ўрин тутadi**, чунки фойда соф даромад сифатида иқтисодий ўсиш манбаи ҳисобланади. Унинг ҳисобида нафақат соф инвестиция фонди, балки, ҳар хил резерв ва суғурта фондлари, шунингдек, социал фондлар уюштирилади. Молия ресурсларини ҳосил этишда тўпланган **миллий бойлик** ҳам қатнашади. Соф олтин, олтин буюмлар, жавоҳирот, умуман, ноёб буюмларни четга сотиш ёки уларни гаровга қўйиб, пул олиш, ер, ўрмонларни, портларни, йўлларни ижарага бериш орқали тўпланган пуллар молия ресурси бўлиб хизмат қилади. Муайян мамлакат ўзининг миллий бойлиги бўлган олтин ёмбилари, олтин буюмлари, тарихий қимматга эга антиквар буюмларини банкларга қўяди, унинг эвазига қарзга пул олиб ишлатади. Қимматбаҳо буюмларни, одатда, Швейцария банки қабул қилади, чунки улар ўз қадрини сақловчи бойлик ҳисобланади.

Молия ресурслари иқтисодиётни қутилмаган ходисалардан, масалан, табиий офатлар, фалокатлардан ёки дунё бозори нарҳининг пасайиб кетишидан ҳимоя қилади. Молиявий ресурслар пул шаклида бўлиб, бу пуллар иқтисодиётда амалий таъсир этиши учун, албатта, моддий жиҳатдан таъминланиши керак, яъни тўпланган пул ортида керакли моддий маҳсулотлар бўлиши шарт. Акс ҳолда, улар пуллигича (қоғозлигича) қолиб, ишлаб чиқаришга наф келтира олмайдилар.

Молиявий ресурслар икки турда бўлади: биринчиси — **микроресурслар** ёки марказлашмаган ресурслар. Улар корхона, фирма, компания, концерн, ташкилот, жамоат уюшмалари доирасида бўлиб, хўжалик субъектларининг ўзига тегишли ёки улар қарзга олган пул маблағларидан иборат. Иккинчиси — **макроресурслар**, улар умумдавлат миқёсида ташкил топади. Улар бюджет ҳисобидан ёки бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан пайдо бўлади, давлат ихтиёрида туради. Микроресурслар корхона, таш-

килот фаолиятига хизмат қилса, макоресурслар умумиқтисодий, умумдавлат эҳтиёжларига қаратилади. Бозор иқтисодиётида макоресурслар **бирламчи**, улар устиворликка эга бўлади, чуққи иқтисодий эркинлик шароитида хўжаликнинг дастлабки бўғини — корхона, фирма, компания ва хўжаликлар молияси иқтисодий ўсиш таянчи ҳисобланади. Аммо макоресурслар иқтисодиётни тартиблашда **асосий роль** ўйнайди, улар давлатнинг иқтисодий вазифасини амалга оширишга хизмат қилади.

Иқтисодий фаолиятни молиялаштириш, молиявий ресурсларнинг турли даражада ташкил топиши ва ишлатилиши ҳар хил бўлиши сабабли уч усул билан амалга ошади. Биринчидан, иқтисодий субъектлар **ўзини ўзи** молиялаштиради. Улар ўз сарф-харажатларини ўзларининг пули билан қоплайди. Иккинчидан, иқтисодий субъектлар ўз маблағи етишмаса, қилинган сарфларни банк кредити ҳисобидан қоплайди. Учинчидан, субъектлар фаолияти учун пул маблағлари зарур бўлган чоғларда давлат ҳисобидан ҳам ажратилади. Давлат бюджетдаги ёки бюджетдақ ташқари ҳосил этилган пул фондларини қайтариб олмаслик шарти билан корхона, ташкилот ва муассасаларга ажратиб бериб, уларни молиялаштиради. Аммо бу бозор иқтисодиётида иккиламчи усул ҳисобланади.

Молиявий ресурслар тоталитар тизимда давлат монополиясида бўлиб, унинг қаттиқ назорати остида ишлатилади. Улар давлат корхоналари ва ташкилотлари қўлида ва асосан давлат бюджетида тўпланади ва тақсимланади. Бундай ҳолат молиявий алоқаларни чеклаб, уни давлат қолинига солиб қўяди. Барқарор иқтисодий тараққиёт учун молия маблағларининг эркин ҳаракати талаб қилинади. Бунга молия бозори орқали эришилади. **Молия бозори миллий ва халқаро хўжалик доирасида пул маблағлари эркин ҳаракатининг махсус шаклидир.** У таркибан қимматбаҳо қоғозлар бозори ва қарзга бериладиган пул бозоридан иборат бўлади. Қарз пули табиатан бир хил эмас. У биринчидан, пулни ишлатиб, даромад топишни кўзлайди, бунда пул капитал шаклини олади, иккинчидан эса, пул шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилади ва оддий тўлов ёки харид воситаси вазифасини ўтайди.

Молия бозорида икки гуруҳдан иборат субъектлар пул билан муносабат қиладилар. Биринчиси — пул эгалари ёки уни сақлаб турувчилар. Бунга аҳоли, фирма, компания ва давлат муассасалари киради. Иккинчиси — пулга

мухтож бўлган субъектлардир. Булар ҳам таркибан пул эгалари каби бўлади. Ҳар иккала субъектлар орасидаги эркин пул муомаласи, яъни ўнинг олди-берди этилиши молиявий бозорни билдиради. Бу бозордаги субъектлар ўртасидаги муносабатлар ҳар икки томон учун манфаатли бўлгандагина юзага келади. Мана шу муносабатларнинг объекти пул маблағларидир. Улар ўз эгалари қўлида вақтинча бўш тургани ҳолда, улар бошқалар учун зарур бўлади. Бу табиий ҳол, чунки жамиятдаги пул оқимлари, яъни пулнинг келиб тушиши ва сарфланиши бир вақтда юз бермайди. Масалан, фуқаронинг келажакда, қарилж чоғида ишлатиш учун тўплаган 10 минг доллар пули бор, пул банкида сақланади. Айни вақтда фермер хўжалигига 10 минг доллар пул зарур. Вақтинча бўш пул фермер учун молия ресурсини ташкил этади, унга эга бўлиш учун у молия бозорида қатнашиши зарур.

Молия бозори иштирокчилари мулк эгаси сифатида ўз бойлигини билганича тасарруф эта оладилар, шу сабабли улар пул юзасидан эркин битимга келадилар. Молия бозорида пулга қимматбаҳо қоғозлар-облигация ва акциялар сотиб олинади. Молия бозорида вексель ва сертификат каби ҳужжатлар ҳам пул синғари муомалада бўлади. Улар ҳам олди-сотди қилинади. Молия бозори амалиётда тижорат банклари, суғурта, инвестиция, молия компаниялари, фонд биржалари, аукционлар орқали фаолият кўрсатади. Молия бозоридаги операциялар махсус воситачилар, ўзига хос диллоблар бўлмиш дилерлар ва брокерлар фирмалари орқали амалга оширилиб, ҳужжатлаштирилади. Молия бозори муассасалари орқасида фонд биржалари асосий ўринда туради. Қимматбаҳо қоғозлар асосан фонд биржалари орқали сотилади. Масалан, Японияда 8 та фонд биржаси бўлиб, бу ерда 1985 йилда сотилган акциялар миқдори 146,3 млрд. пенни ташкил этса, 1989 йилга келиб, 256,3 млрд. пенга тенг бўлди. 1988 йили Япония фонд биржаларида жами облигацияларнинг 95,6% сотилган бўлса, биржалардан ташқарида фақат 4,4% сотилди, холос.

Молия бозори бўш пул маблағларини сафарбар этиб, уларни молиявий ресурсларга айлантиради. У капиталга айланаётган пулни хўжаликнинг турли соҳалари ўртасида эркин кўчиб юришини, молия, ресурсларидан эркин ва оқилона фойдаланишни таъминлайди. Айниқса, бу довақияда ишлаб чиқаришнинг таркибини қайта қуришда қўл келади. Мухими шуки, у аҳоли қўлидаги ўлик, ҳаракатсиз пулни жонли, даромад келтирувчи пулга айлантиради.

Молия бозори орқали молиявий муносабатлар демократиялашади, хўжаликни молиялаштиришда халқнинг пули қатнашади, халқ ўз пулидан даромад кўради. Пулнинг капитал сифатида ишлаб чиқаришга сафарбар этилиши иқтисодий потенциални кучайтиради, фан-техника тараққиётини жадаллаштиради ва шу асосда халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Молия бозори молия ресурсларини ишлаб чиқаришнинг талабига қараб, турли корхоналар, соҳалар ва тармоқлар ўртасида тақсим қилади, улар керакли жойга оқиб бориб, иқтисодий ўсишни таъминлайди. Масалан, электроника маҳсулотларига талаб ошса, улар яхши сотилиб фойда кўп олинади, электроника корхоналари акциялари эгалари бошқаларга қараганда кўпроқ дивиденд олади. Натижада улар акциясининг бозори чаққон бўлади, акциялар кўплаб сотилади, тулган пул капитал сифатида шу соҳага қўйилади. Пировардида электроника жадал ўсиб, иқтисодиётда силжиш юз беради. Бунда корхона, фирма ёки компания молияси ҳам мустаҳкамланади.

Давлат ўз қўлидаги молия ресурсларидан фойдаланиб, бюджетдан молиялаштириш, дотация бериш, солиқлардан озод қилиш, солиқларни енгиллаштириш орқали иқтисодий тараққиётга таъсир кўрсатади.

Молиянинг иқтисодиётга таъсири бир қатор воситалар ёрдамида, борадики, улар биргаликда молия механизминини ташкил этади. Молия механизми молиявий муносабатларини амалда уюштиришнинг шакли, услубидир. Мана шу механизм орқали молияни бошқариш — молия менеджменти амалга оширилади. Бу механизм молиянинг микро ёки макродаражада бўлишига қараб, ҳар хил амал қилади. Масалан, дотация ёки субсидия макромолия механизми воситаси бўлса, амортизация фонди, муқофотлаш фонди микромолияда қўлланилди. Аммо, қандай даражада бўлишидан қатъи назар молия механизми иқтисодий ва социал тараққиётга хизмат қилиши зарур.

2. Молия тизими ва унинг унсурлари

Молия муносабатлари унсурларининг бир-бирини тақозо этиши, ўзаро боғланиши ва яхлитлиги молия тизимини юзага келтиради. Бу тизим бозор иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланади. Жаmiятдаги молия муносабатларининг мажмуаси молия тизими деб аталади. Молия тизимига ҳар хил ёндашиш мумкин. Назарий жиҳатидан

қараганда у таркибан объектив, лекин ҳар хил даражадаги молиявий муносабатлар, уларни ифодаловчи молия механизмлари, молия воситаларидан ва молия сиёсатидан ташкил тошади. Агар молия тизимига такрор ишлаб чиқариш жиҳатидан қарасак, у микромолия ва макромолиядан иборатлигини кўрамыз. Маълумки, микромолия айрим хўжалик субъектлари — корхона, фирма, компания, шунингдек, оила доирасидаги молия алоқаларидир. Бундай тузилиш бозор муносабатлари иштирокчиларининг иқтисодий мавқеидан келиб чиқади. Иштирокчилар мулк соҳиблари, корхоналар, фирмалар ва истеъмолчилардан иборат, улар пул тонадилар, уни тақсимлаб ишлатадилар. Шу йўсинда кичик (микро) доирадаги молиявий муносабатлар пайдо бўлади. Бозор иқтисодиёти учун микромолия бирламчи ҳисобланади. Микромолия муносабатлари икки йўналишда боради: биринчиси — ички молиявий алоқалар, бунда ҳосил бўлган молия (пул) ресурслари жамоа доирасида тақсимланиб ишлатилади. Иккинчиси — ташқи молиявий алоқалар. Бунда пул маблағи хусусидаги муносабатлар бошқалар билан, яъни банклар, биржалар, маҳаллий ҳокимият, марказий давлат ҳокимияти, аниқроғи уларнинг молиявий идоралари билан юз беради.

Корхона ва фирма молияси етакчи, чунки у моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан, эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ. Корхона, фирмалар бирламчи ишлаб чиқариш бўғини, улар миллий бойлик яратадилар, уларнинг фаолияти жамиятнинг иқтисодий аҳволини шакллантиради. Улар хўжалик субъекти сифатида ўз ихтиёридаги пул маблағларини, ўз фаолиятини молиялаштириш ва ташқи молия мажбуриятларини бажариш учун ишлатадилар. Мазкур молия ресурслари қўйидаги манбалардан юзага келади: амортизация ажратмаси, олинган фойда, ишчи хизматчилар берадиган улуш пули (агар корхона сотиб олинса), корхона акцияси ва облигациясини сотишдан келган ва қарзга олинган пул маблағлари, қўрилган зарарни қоплаш учун олинадиган суғурта тўлови, корхона ўзгалардан сотиб олган акция, облигациялардан тегадиган даромад, давлат молиявий ёрдам сифатида берадиган субсидиялар ва ҳоказолар. Корхона яхши ишлаб кўн фойда кўрса, унинг молия ресурслари тез ортиб боради, унинг ўз маблағлари ҳиссаси катта бўлади, чунки ўзи ишлаб топган ресурслар ҳисобидан ўз ишнини молиялаштира олади. Корхона ёмон ишлаб оз фойда олган ёки зарар кўрган тақдирда, унинг ўз молия манбалари тораёди ва қарз олиш ҳисобидан ресурс ҳосил этишга мажбур бўлади. Бу ҳолда

унинг молиявий қарамлиги кучаяди. Корхона ўзининг молия ресурслари ҳисобидан бошқалар олдидаги мажбуриятларини ҳам бажаради: банкка олган қарзини қайта-ради, қарз учун процент тўлайди, солиқлар ва бошқа тўловларни беради, суғурта пулини тўлайди. Корхона ўз кўлидаги маблағнинг бир қисмини ишлаб чиқаришга қайтадан солади (бу реинвестиция дейилади), яъни асосий капитал (фонд)ни янгилашга, янги техника-технологияни қўллашга ишлатади, оборот капитал (фонд)ни ўстиришга сарфлайди. Корхона ўз ресурсини бошқа ишлаб чиқаришга жойлаштиради, даромад топиш учун бошқаларнинг акция ва облигацияларини сотиб олади. У ўз пули ҳисобидан ишчи-хизматчиларни мукофотлаш, уларнинг турли социал аҳтиёжларини қондириш учун фондлар уюштиради. Ниҳоят, корхона ресурси хайрия ишлари учун сарфланади, корхона бошқаларга ҳомийлик қилиш учун ҳам пул ажратади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонага ташқаридан ресурслар жалб этишда қимматбаҳо қоғозлар — акция ва облигациялар чиқариб, уларни бошқаларга сотиш қўл келади. Аксарият фирмалар акционер жамиятлар шаклида бўлади. Улар шерикчиликка асосланади, чунки уларнинг фаолиятида нафақат ўзининг, балки ўзгаларнинг ҳам пул маблағлари қатнашади. Акция ва облигация чиқарувчи корхона, фирма эмитент деб аталади. **Акция — корхонага қўйилган капиталда уни сотиб олганларнинг ҳиссаси борлигини тасдиқловчи ва фойданинг бир қисмини шу ҳиссага қараб дивиденд шаклида олиш ҳуқуқини берувчи қимматбаҳо қоғоздир.** Бинобарин, у ҳам капиталда, ҳам фойдада ҳиссадорлик борлигини билдиради. Акциядан фарқлироқ **облигация фақат қарздорликни билдирувчи қоғоздир.** Облигацияни сотиб олувчи уни чиқарган эмитентга қарз берган ҳисобланади. Демак, облигация эмитентнинг қарздорлигини ва қарз учун процент тўлаши зарурлигини билдирувчи қоғоздир.

Акциялар икки хил бўлади: оддий ва имтиёзли. Оддий акция шундай акцияки, унга тегадиган дивиденд фойдага қараб ҳар хил бўлади, унинг миқдори қатъий кафолатланмайди, аммо у эгасига акционер жамият йигинида овоз бериб, унинг ишени ҳал этишда иштираш қилиш ҳуқуқини беради. Оддий акцияда дивидендни олмай қолиш хавфхатари ҳам мавжуд бўлади. **Имтиёзли акция шундай акцияки, унга тегадиган даромад қатъий процент шаклида олдиндан белгиланади, ва албатта берилади, жорий йилда тегмай қолган даромадни келажакда олишни кафолатлай-**

ди, аммо ўз эгасига акционерлар йигинида овоз бериш ҳуқуқини таъминламайди.

Молия бозорида имтиёзли акциялар харидоргир бўлади. Акциялар ва облигациялар чиқарилганда уларнинг номинал (акцияда кўрсатилган, масалан, 100 доллар, 500 доллар, 1000 доллар ва ҳ. к.) қиймати бўлади, лекин улар бозор нархида сотиладики, нарх номинал қийматдан юқори ёки паст бўлади. Бозордаги талаб ва таклифга қараб акция ва облигацияларнинг бозор нархи шаклланади, уни **бозор курси** деб атайдилар. Бозор курси ёки нархнинг белгиланиши қимматбаҳо қоғоз котировкаси дейилади ва у фонд биржасида амалга оширилади. Қимматбаҳо қоғозларнинг бозорда яхши сотилиши қорхона, фирма учун ўзгалар пулини молиявий ресурсга ва сўнгра капиталга айлантириб, ўзининг молиявий мавқеини мустаҳкамлаб, яхши фойда олиб ишлаш имконини беради. Акция курсига таъсир этувчи омиллар турли-тумандир. Германия мутахассислари фикрига кўра унга иқтисодий, сиёсий ва руҳият омиллари таъсир этади (30-расм).

Фирма эмитент сифатида қимматли қоғоз сотса, харидор сифатида уни бозордан сотиб ҳам олади. Одатда, фирма ўзи билан яқин иқтисодий алоқада бўлган фирмалар, банклар, сугурта ва инвестиция компаниялари акцияларини ва давлат облигацияларини ёки кўпроқ ўз маҳсулотини сотиб олувчи ёки унга керакли ресурсларни сотувчи корхоналар акциясини сотиб олади, чунки улар бир-бирларининг яхши молиявий аҳволидан ўзаро манфаатдор бўладилар.

Бозор муносабати шароитида хўжалик субъектлари молия жиҳатидан ҳам ўз аравасини ўзи тортиши керак, аммо улар фойда кўриб рентабел ишлаши, фойда ҳисобидан ўз молия ресурсларини орттириб боришлари ҳам шарт, бусиз улар рақобатга бардош бера олмайдилар. Демак, молиявий бақувват бўлиш рақобатга чидамли бўлиш демакдир.

Бозор иқтисодиётида пул муносабатлари ҳукмронлидир, лекин нобозор сектори ҳам мавжуд бўлиб, у бозор қонунларига бўйсунмайди. Нобозор секторга аҳолига таъмомила бепул ёки қисман пулли, яъни имтиёзли хизмат кўрсатувчи нотижорат корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар кирадики, улар давлат ёки хайрия ташкилоти пули ҳисобидан молиялаштирилади ва бу инсонийликдан келиб чиқади.

Нотижорат йўли билан ишловчи корхона, ташкилотларни молиялаштириш орқали айтилган хизматлар кўрса-

тилади. Нотижорат ишларни молиялаштириш, бозор муносабатидан ташқаридаги, яъни нобозор алоқалари воситасида ташкил топади. Уларнинг фаолияти бешу ёки қисман пулли хизмат кўрсатиш бўлганидан бу ишни ўзлари тўла молиялаштира олмайдилар. Шу сабабли уларга керакли молия ресурслари уч манбадан олинади. Биринчиси — маҳаллий ва марказий бюджет ажратган маблағлар; иккинчиси — хайрия йўлида аҳолидан йиғилган пул. Бу пуллар етишмаганда давлатдан дотация олиб турилади; учинчиси — ҳар хил хомийлар берган пул, нотижорат корхона ва ташкилотлар ўзлари топган пул. Бу пул битимга кўра уни тўлаган ташкилотга хизмат кўрсатиш шарти билан берилади. Масалан, университет, коллеж, лицей ёки бошқа ўқув юрти корхона, фирма, давлат идораларидан уларнинг ходимларини ўқитиб бериш учун шартномага биноан пул олади. Шундай йўсинда соғлиқни сақлаш, маданият ташкилотлари ҳам бошқалардан пул олади. Нотижорат ташкилотлари ва корхоналари молия ресурслари ўз манбаидан қатъи назар хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қоплашга кетади. Нотижорат секторига тегишли корхона ва ташкилотлар молиявий фаолияти асосан пул сарфлаш билан боғлиқ, лекин у фойда олишни назарда тутмайди.

Молия муносабатларини фақат айрим субъект эмас, балки кўпчилик субъектларнинг биргадликдаги алоқасини ҳам билдиради.

Жамиятдаги молиявий муносабатларда фақат иқтисодий фаолият юритувчилар эмас, балки ижтимоий-сиёсий, маърифат ишлари билан шуғулланувчилар ҳам қатнашадилар. Гап шундаки, ноиқтисодий фаолиятлар ҳам маблағ талаб қилади, чунки уларнинг ҳам ўз сарф-харажатлари бор.


Жамиятда қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, спорт жамиятлари, илмий-маърифий жамиятлар каби ижтимоий ташкилотларнинг ўзига хос молияси бор. Ижтимоий ташкилотлар молияси пул маблағини тўшлаш ва уни сарфлаш юзасидан бўлиб, бу молия уларнинг фаолиятини таъминлаб туради. Унинг манбаи ташкилот аъзоларининг ташкилотга кириш пули ва бадал пулидан, тижорат фаолиятидан келган даромад, шунингдек, хомийлар ажратган ёки хайрия қилинган маблағлардан иборат бўлади. Бу ерда бюджетдан молиялаштириш мутлақо бўлмайди, унинг ўрнида ўзини молиялаштириш ва хомийлик молиялаштириши мавжуд

бўлади. Ижтимоий ташкилотлар молия ресурси унинг айрим аъзоларига қарашли эмас, балки уларнинг умумий низомида кўзда тутилган фаолиятни амалга оширишга хизмат қилади.

Молия тизимининг яна бир унсури махсус фондлар ва хайрия фондларидир. Махсус мақсадли фондлар молияси турли хўжалик субъектлари ва фуқароларнинг пул маблағини аниқ бир мақсад йўлида бирлаштириш ва ишлатишни билдиради. Уларнинг маблағи корхона, фирма, ташкилот, давлат идоралари, айрим фуқароларнинг ҳомийлиги орқали ташкил топади. Мазкур маблағлар фойда топиш учун ишлатилмайди, улар аниқ бир мақсадга эришиш учун сарфланади (масалан, «Орол фондининг мақсади Орол денгизини қутқариш, Оролбўйи аҳолисини ҳимоя қилиш, «Улуғбек» фондининг мақсади иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашдан иборат). Махсус фондлар халқаро миқёсда ҳам уюштирилади, улар молияси турли мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан тушган пул маблағларидан иборат (масалан, ипсониятнинг омон қолиши ва ривожланиши фонди).

Хайрия фондлари молия тизимининг махсус унсуридир. Хайрия учун уюштирилган молия фондлари икки белгиси билан ажралиб туради. Биринчидан, бу фондлар фақат кўнгилли равишда ажратилган ва миқдори қонун йўли билан ҳеч бир чекланмаган маблағдан иборат, у маблағ эгасини ҳоли-қудратига қараб берилади. Иккинчидан, бу фондлар фақат хайрия-савоб ишлари учун сарфланади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда хайрия молияси кенг тарқалган. Масалан, АҚШда 1990 йили 50 мингга яқин ҳар хил хайр-эҳсон фондлари бўлган. Улардан энг машҳурлари — «Форд», «Рокфеллер», «Карнеги», «Франклин» фондларидир. Ислоом мамлакатларида вақф фонди мавжуд. Бу ислом дини ривожини кўзлаган фонд бўлиб, унинг маблағлари мусулмонларни кўнгилдан чиқариб, ихтиёрий равишда хайрия этган пул маблағлари ва моддий шаклдаги буюмлардан иборат бўлади. Вақф фондига ер, иморат, китоблар, антиквар буюмлар, жавоҳир буюмлар, пул ва бошқа бойликлар кирди. У махсус мулк — вақф мулки объекти ҳисобланади. Вақф фондига банклар хизмат қилади. Масалан, Туркияда махсус «Вақф банки» мавжуд. Ўзбекистонда ҳам мулк тўғрисидаги қонунга биноан мол-мулкни турли хайрия ишларига ажратишга рухсат берилган. Бу ерда махсус «Маҳалла», «Наврўз», «Орол» ва «Улуғбек» фондлари ташкил этилган.

АКЦИЯ КУРСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР



30-расм.

Суғурталаш молия миносабатининг махсус тури ҳисобланади. Суғурта фонди ғоят кўпчиликдан иборат суғурта иштирокчиларининг пул маблағидан ташкил топади. Иштирокчилар икки гуруҳга бўлинади: суғурталашга аҳтиёжмандлар ва суғурталашни амалга оширувчилар. Маҳсулотнинг бир қисми ўзининг қиймат шаклида суғурталаш учун ажратилиб, пул фондига айланади, яъни суғурта фондиди ташкил этади. Мана шу фондиди ташкил этиш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан бўлган муносабатлар суғурталашнинг моҳиятини ташкил этади. Бу фонд аҳтимоли бор зарарни қоплаш учун ажратилади. У суғурталашга муҳтожлар қўлидан суғурта пули сифатида зарарни қоплаш кафолатини зиммасига олган суғурта фирмаси қўлига ўтади. Масалан, «Хулқар» фирмаси юборган юқини суғурталаш учун 10 млн. сўм ажратган. Суғурталовчи «Умид» компанияси шу пулни суғурта ҳақи сифатида олади. Агар юк йўлда йўқолса, кўрилган зарарни «Умид» ўз ҳисобидан қоплайди. Бу ерда суғурта учун ажратилган пул қайта тақсимланади.

Суғурталаш объекти бир хил эмас, албатта. Унга моддий шаклдаги мол-мулк (бино, асбоб-ускуна тайёр маҳсулот, санъат асарлари), тадбиркорлик ишига қўйилган пул, оилавий даромад ва ҳатто инсоннинг ҳаёти киради. Агар моддий бойликлар мол-мулк суғуртаси орқали ҳимоя қилинса, инсон, унинг турмуш хотиржамлиги социал суғурта орқали ҳимоя қилинади. Суғурта тармоқларига мол-мулк, социал, шахсий жавобгарлик суғуртаси, тадбиркорлик хавф-хатари кабиларни суғурталаш киради. Тадбиркорлик суғуртасида инвестицияга, яъни бирор ишга қўйилган пулни суғурталаш муҳим. Бунда пулнинг ўзини сақлаш, ундан зарар кўриш ёки фойданинг кам чиқиши суғурталанади.

Ҳамият аъзоларининг меҳнатга яроқсиз ва ўзини-ўзи боқа олмайдиган тоифаларини таъминлаш учун миллий маҳсулотнинг бир қисми ажратилади. У пул шаклини олиб, **социал суғурта** фондига айланади. Шу фондиди яратиб тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан пайдо бўлган молия муносабатлари социал суғуртанинг мазмунини ташкил қилади. Социал суғурта фонди уч манбадан — давлат, корхона ва ташкилот маблағлари, шахсий маблағлардан ташкил топади.

Инсонни молия воситасида ҳимоя қилишда **тиббий суғурта** ҳам қатнашади. Суғуртанинг бу тури кишиларнинг соғлиғини сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга хизмат қилади. Тиббий суғурта маблағи бюджет

пулдан, корхона, фирма ва компаниялар мажбурий равишда ажратилган пулдан, фуқаролар кўнгилли равишда ўз шахсий даромадидан берадиган маблағлардан ташкил этилади. Мазкур молиявий фонд ҳаммага минимал тиббий ёрдам бериш, суғурталанган кишиларнинг сихат-саломатлигини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга қаратилади.

Миллий бойликни сақлаш ва кўпайтириш мақсадида мол-мулк суғуртаси учун маблағ ажратилади, у мол-мулк эгаси қўлида бўлади ва суғурталаш юз бергач суғурталовчи субъектлар ихтиёрига ўтади. Мол-мулк суғуртасида фуқаролар ҳам қатнашади, бунда улар шахсий даромадининг бир қисми суғурта пули бўлиб ишлатилади. Мазкур молиявий манба ҳисобидан фуқаролар шахсий мол-мулки суғурталанади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини суғурталаш ҳам мавжуд. Суғурта компанияси ёки фирмаси ишбилармонлар фаолиятини ҳам суғурталайдилар. Бунда фойдани кам олиш, уни умуман олмасдан, зарар кўришдан, битимларнинг амалга ошмай қолишидан, келадиган пулнинг вақтида тўшмаслигидан, савдо-сотиқнинг узилиб қолишидан суғурталаш юз беради. Суғурталаш тадбиркорлик ишини маълум даражада кафолатлаганидан унинг ривожига далда беради.

Суғурта хизматлари ҳам товар бўлади, шу сифатида улар айирбошланиш учун молия бозорига чиқади. Мазкур бозорнинг бир қисми — бу суғурта бозоридир. Унинг объекти суғурта хизмати бўлса, уни амалга ошириш юзасидан субъектлар ўртасида алоқа келиб чиқади.

Суғурта пули тўпланиб, катта капитал ҳосил қилади ва бу капитал ишлаб чиқариш томон йўл олади. Оммавий суғурталаш орқали аҳолининг пули молиявий фондларга айланади, бинобарин, молия муносабатларида кенг халқ оммаси иштирокини таъминлайди, молияга демократик тус беради.

Давлат молияси. Давлат бир қатор социал-иқтисодий ва сиёсий вазифаларни бажариши учун унинг ихтиёрида пул маблағлари бўлиши шарт ва унга давлат молияси орқали эришилади.

Давлат молияси миллий даромад ва миллий бойлик қийматининг бир қисмини давлат, унга қарашли корхона, ташкилотларнинг пул фондига айлантириб, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, жамият аъзолари умумий эҳтиёжини қондириш, мамлакатни идора этиш учун тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги муносабатлардир. Дав-

лат молияси таркибан давлат бюджети, бюджетдан ташқари уюштирилган пул фондлари, давлат кредити ва давлат корхоналари молиясидан иборат. Бу ерда макро ва микромолия муносабатлари чатишиб кетади. Агар давлатга тегишли корхона молияси амалда микромолия бўлса, айтилган бошқа унсурлар макромолияни ташкил этади.

Давлат молияси даромадлар ва харажатларнинг яхлитлигидан иборат. Давлат даромадлари — бу миллий даромадни ва бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг давлатга теккан қисмидир. У бевосита давлат ихтиёридаги ва давлат корхоналари қўлидаги даромаддан иборат бўлади. Давлат даромадлари ички ва ташқи манбалардан тушади, ammo асосийси ички манбадир. Ички манбанинг уч шакли мавжуд: солиқлар, заёмлар ва эмиссия.

Солиқлар — миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир. Солиқ бюджет ва бюджетдан ташқари пул фондларини ташкил этишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Солиқлар уч хил функцияни бажаради: **фискаль**, яъни давлат бюджетига муқим равишда пул тушириб туриш; **хўжалик фаолиятини рағбатлантириш**; **аҳоли айрим тоифаларини социал ҳимоя қилиш**. Солиқлар молия таркибига кичик бир тизимни ташкил этади. Солиқ бу иқтисодий субъектлар ўртасидаги, аниқроғи солиқ ундирувчи ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатдир. Амалда бу **субъектлар** солиқ инспекцияси, корхона, фирма, компания ташкилот ва айрим фуқаролардан иборат. Уларнинг алоқаси даромаднинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш хусусида юз беради. **Солиқ объекти** солиқ солинадиган даромад, мол-мулк ёки иқтисодий фаолият бўлади. Унга фойда, экспорт суммаси, иш ҳақи, қўшилган қиймат, ер, иморат, транспорт воситаси кабилар киради. Ундирилган солиқ суммасининг солиқ объектига нисбатан ҳажми **солиқ нормаси** деб юритилади. Солиқ нормаси даромад суммаси, мол-мулк қиймати ёки унинг моддий миқдорига қараб белгиланади. Масалан, даромад солиғи унинг маълум улушига тенг бўлади (5%, 10%, 15% ва ҳ.к.). Солиқ нормаси олдиндан қатъий, яъни ўзгармас миқдорда ёки прогрессив, яъни солиқ объекти миқдорига қараб ортиб борувчи шаклларда белгиланади.

Молия **солиқ имтиёзларини** ҳам ўз ичига олади, унга солиқдан озод этиш, солиқ миқдорини камайтириш, солиқ тўлаш шартини енгиллаштириш кабилар киради. Солиқ

имтиёзлари унинг рағбатлантириш функциясини кучайтиришга қаратилади. Солиқ тўлаш хўжалик субъекти билан давлат ўртасидаги иқтисодий алоқанинг асосий шакли, даромаднинг хўжалик субъекти билан давлат ўртасида тақсимлаш воситаси ҳисобланади. Солиқлар молия ресурслари миқдорига таъсир этади. Агар давлатнинг молия ресурсларини оширишга зарурати бўлса, солиқлар кўпайтирилади ва аксинча, корхона, ташкилотларнинг фаолигини ошириш керак бўлса, солиқ имтиёзлари берилади. Шу сабабдан, солиқларнинг миллий даромаддаги ҳиссаси ўзгариб туради. Солиқлар хилма-хил бўлади. Масалан, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қуйидаги асосий солиқлар киритилган: қўшилган қийматдан олинадиган солиқ, акция солиғи, экспорт ва импорт солиғи, республика ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётган хом ашё ресурслари ва маҳсулотларга солинадиган солиқ, жамоа хўжалиги аъзоларининг меҳнат ҳақи фондидан олинадиган солиқ, корхонанинг мол-мулкига солинадиган солиқ, аҳолидан олинадиган даромад солиғи, ер солиғи ва ҳ.к.

Давлат заёмлари давлатнинг аҳоли, корхона, фирма ва ташкилотлардан қарз олиши ҳисобига ўз молия ресурсини ҳосил этиш воситасидир. Давлат харажати даромадидан ошиб кетган шароитда орадаги камомад заём билан тўлдирилади. Давлат марказий ва маҳаллий заёмлар чиқариб, уларни сотади ва заём ҳисобидан процент, яъни қарз ҳақи тўлашни зиммасига олади. Заёмлар муддати келгач, давлат уни қайта сотиб олади ёки янги заёмларга алмаштиради.

Эмиссия давлат томонидан қўшимча қоғоз пулларни чиқариш ва қўшимча кредитни уюштиришдир. Шу сабабли пул ва кредит эмиссияси мавжуд бўлади. Давлат солиқлар ва заёмлар ҳисобидан ўз харажатларини қоплай олмаган шароитда эмиссияга қўл уради. Заёмларни сотиб туриш қулай усул, аммо заёмлар ўтмай қолиб, молиявий аҳвол тавглашиши мумкин. Шунда эмиссия нажот йўли деб қаралади, аммо у инфляцияни чуқурлаштирувчи омил ҳисобланади.

Юқорида айтилган уч турдаги тушумлардан ташқари давлат сотиб олган акциядан келган дивиденд, давлат пулини банкка қўйишдан тушган процент, давлат мол-мулкидан келган ижара ҳақи, давлат мол-мулкани сотишдан келган пул кабилар ҳам молия ресурсига киради.

Даромадлар давлат харажатларини қоплаш манбаи ҳисобланади.

Давлатнинг харажатлари давлат ихтиёридаги молия ресурсларини давлат фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжларни қондириш учун сарфланишини билдиради.

Давлат ўз вазифаларини бажариши учун харажатлар қилиши зарур. Булар таркибида давлатнинг инвестиция учун ажратган, социал вазифаларни бажаришга қаратилган, давлатни бошқариб туриш, мудофаа учун кетадиган харажатлар асосий ўринда туради. Умумдавлат харажатлари аниқ мақсадларга қаратилади ва режалаштирилади, сўнгра улар сарфланиб кетади.

Умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилади. Давлат бюджети, бу умумжамият миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида ҳосил бўлувчи ва сарфланувчи молиявий ресурсларни англатади. У даромад ва харажат қисмларидан иборат бўлади. Бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда, мулк шаклидан қатъи назар, ҳамма иқтисодий субъектлар иштирок этадилар, уларнинг иштироки солиқлар тўлаш шаклида юз беради. Бюджетнинг харажатлари умумдавлат молия фондини ташкил этган тушумларнинг тақсимланиб, маълум мақсад йўлида ишлатилишидир.

Бюджет харажатлари ишлатилишига қараб, тўрт хил бўлади: а) ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кетадиган сарфлар, хусусан, инвестиция сарфлари; б) социал-маданий сарфлар, яъни давлатга қарашли социал-маданий хизмат соҳаларини, чунончи соғлиқни сақлаш, социал таъминлаш, маориф ва маданиятни пул маблағлари билан таъминлаб туриш сарфлари; в) давлат бошқариш харажатлари ёки ҳар хил тоифадаги давлат идоралари харажатлари; г) мамлакатни мудофаа қилиш ёки ҳарбий харажатлар. Бюджет даромадлари унинг харажатларини қоплаши шарт. Ўзбекистон бюджети даромади ва харажатларини 15-жадвалдан кўриш мумкин.

Агар бюджет даромадлари харажатларни қоплай олмай, камомад ҳосил бўлса, бюджет тақчиллиги юзага келади. Аммо ҳар қандай тақчилликни хатарли деб бўлмайди. Агар тақчиллик ҳажми яратилган миллий маҳсулот қийматининг 2—5% га тенг бўлиб, ундан ошиб кетмаса, бу иқтисодиёт учун нормал ҳол ҳисобланади. Даромад ва харажатни мувофиқлаштириш орқали тақчиллик бартараф этилади, даромад кўпайтирилади ёки харажат камайтирилади. Аммо асосий йўл — бу иқтисодиётни ўстириш орқали бюджет даромадларини оширган ҳолда камомадни нормал ҳолга келтиришдан иборат.

Бюджетдан ташқари молия фонллари ҳам макромо-

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети
(1992 йил)**

	млн. руб. ҳисобида	% ҳисобида
1	2	3
I. ДАРОМАДЛАР	145458,3	100,0
жумладан:		
1. Қўшилган қийматдан олинадиган солиқ	38437,3	26,9
2. Республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган хом ашё ресурслари ва маҳсулотларга солинадиган солиқ	33658,6	23,6
3. Акциялар	9485,3	6,6
4. Оборот солиғи	1037,9	0,7
5. Даромадга (фойдага) солинадиган солиқ	22524,4	15,8
6. Кооператив ва ижтимоий ташкилотлар даромадига солинадиган солиқ	1893,5	1,3
7. Аҳолига соғиладиган давлат заёмлари	6234,4	4,4
8. Аҳолига солинадиган давлат солиқлари	10776,1	7,6
II. ХАРАЖАТЛАР	193890,2	100,0
жумладан:		
1. Халқ хўжалиги	68729,1	36,1
2. Социал-маданий тадбирлар:	77982,5	41,0
а) маориф ва фан	48285,2	25,3
б) соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия	21448,4	11,3
в) социал таъминот	1572,8	0,8
г) кўп болали ва яққабош оналарга бериладиган давлат нафақалари	96,4	0,1
д) аҳоли фаровонлигини таъминлаш	6579,7	3,5
3. Давлат ҳокимияти ва бошқарини органларини таъминлаш	2820,6	1,5

лия таркибига киради. Иқтисодий ва социал тараққиёт ўта марказлашмаган ва давлат томонидан қатъий чегараланмаган шароитда қайта тақсимлавиши осон бўлган, аммо макродаражада (умумжамиат ёки ҳудудий даражада) ишлатилувчи молия фондлари талаб қилинади. Бу бюджетдан ташқари фондлар бўлиб, улар маълум мақсад

учун, лекин мустақил ишлатилади. МДХ мамлакатларида бу фондга социал суғурталаш фонди, пенсия фонди, давлатнинг аҳолини иш билан таъминлаш фондлари кирди. Бошқа мамлакатларда йўл қурилиш фонди, табиатни муҳофаза қилиш фонди, тарихий ёдгорликларни сақлаш фонди, фермерларга қўмақ бериш фонди, корхоналарга молиявий ёрдам (санация) фонди, новация фонди ва бошқалар мавжуд. Бу фондлар айрим дастурларни амалга ошириш учун махсус ташкил этилади.

3. Кредит ва қарз проценти. Кредитлаш турлари

Агар молия барча хўжалик субъектларининг ўзига тегишли пул маблағлари хусусидаги алоқаларини англатса, кредит, бундан фарқлироқ, ўзга мулки бўлган пулни қарзга олиб, ишлатиш борасидаги муносабатларни билдиради ва бозор муносабатларининг бир унсури ҳисобланади. Молия билан кредитнинг умумийлиги шуки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам пул маблағлари юзасидан бўлган муносабатларни англатади, уларнинг фарқи эса пул маблағларини жамлаш ва ишлатиш усулининг ҳар хил бўлишидан келиб чиқади. Молияда ўз мулки бўлган пул ресурсларини хоҳлаган вақтда, ҳеч бир харажатсиз ишлатиши мумкин. Кредит эса ўзгалар пул маблағини ҳақ тўлаган ҳолда вақтинча ишлатиб туриш ва муддати келганда қайтариб беришни англатади. Кредит товар-пул муносабатларига хос бўлган ва пул ҳаракатини билдирувчи категориядир.

Кредит деганда вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатларни тушуниш керак. Кредит муносабати икки субъект ўртасида юзага келади: бири пул эгаси, яъни қарз берувчи; иккинчиси пулга муҳтож, яъни қарз олувчи.

Қарз берувчи қарздорга айланиши ва бунинг акси ҳам юз беради. Айни бир субъект бир вақтнинг ўзида ҳам қарз берувчи, ҳам бошқалардан қарз олувчи бўлиши мумкин. Масалан, банк аслида пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида воситачи, айни вақтда унинг ўзи бўш пулни қарзга олади, сўнгра уни бошқаларга қарзга беради.

Кредит субъектлари ҳар хил, буларга корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифа аҳоли киради.

Кредитнинг объекти ҳар қандай пул эмас, балки фақат вақтинча бўш турган, эгаси томонидан ишлатилмай

ва қарзга берилиши мумкин бўлган пулдир. Бўш пул уч хил бўлади: а) тадбиркорлар ёки катта пулдорлар қўлидаги пул, яъни пул капитали; б) аҳоли қўлидаги пул — эртами-кеч ахтиёжни қондириш учун тўпланган пул, эгаси қўлида капитал эмас, балки истеъмолни қондириш воситаси; в) давлат ихтиёридаги пул. Бу ҳам пул капитали (давлат қорхонаси учун), ҳам умумий истеъмоли пулидир. Айтилган турдаги бўш пуллар ссуда фондиди (қарз фондиди) ташкил этади ва унинг юзага келиши объектив тарзда муқаррардир. Маълумки, бозор иқтисодиётига хос нарса — бир томонда алоҳидалашган ва рақобатлашувчи кўплаб ишлаб чиқарувчиларнинг борлиги ва иккинчи томонда талаби ҳар хил истеъмолчиларнинг туришидир. Уларнинг фаолияти олдиндан келишилмайди, уларни бозор боғлаб туради, яъни бозор мувофиқлаштируви орқали хўжалик субъектлари алоқаси юзага келади. Талаб ўзгарувчан бўлганидан, ишлаб чиқариш фаолияти ҳам ўзгарувчандир. Айрим қорхоналар ва тармоқлар доирасидаги капитал ҳаракати алоҳидалашади, бозордаги ҳолатга қараб капитал турли шаклга киради, турли ҳаракат босқичида туради. Айни бир вақтнинг ўзида у пул шаклида, ресурслар шаклида ва товарлар шаклида бўлади. Бир ерда у кўпроқ пул шаклида бўлса, бошқа ерда товарлар шаклида бўлиши мумкин. Капиталнинг пул шаклига кириб, ундан бошқа шаклга ўтиб туриши турли соҳаларда бир-бирига мос тушмайди ва турли вақтда юз беради. Масалан, бир ерда товар шаклидаги капитал пулга айланса, бошқа ерда у пулдан ресурсга айланаётган бўлади. Капитал ҳаракатининг алоҳидалашуви туфайли бир ерда пул бўш бўлса, бошқа ерда у етишмай қолади. Бўш пуллар қўлидаги манбалардан келиб чиқади: 1) амортизация пулининг унинг муддати тугагунча тўпланиб бориши. Амортизация пули ҳар йили ажратилади, у кўп йилдан кейин ишлатилиши сабабли, маълум давр бўш туради. Масалан, станок амортизация пули йилига 2000 доллар, станок 5 йилда тўзиб бўлгандан сўнг янғиси олинади. Шунга қадар 4 йилда тушган 8000 доллар пул бўш туради; 2) ишлаб чиқаришни ўстириш учун фойдадан инвестиция пули муқим ажратиб борилади, лекин бу пул маълум миқдорда йиғилгандан сўнг инвестиция қилиш мумкин. Масалан, қорхона янги цех қуриши учун 100 млн. сўм зарур, ҳар йили фойдадан 20 млн. сўм ажратилади. 5 йилга қадар ажратилган пулни ишлатиб бўлмайди, чунки у ҳали камлик қилади. Шу сабабли ҳар йилги ажратмадан йиғилган пул бўш тура-

ди; 3) хом ашё, ёқилғи ва материаллар учун олдин сарфланган пул товар сотилиши билан эгасига қайтиб келади, лекин уларни янгидан сотиб олиш шу вақтнинг ўзидан юз бермайди. Масалан, тўқимачилик комбинати газламани сотиши туфайли пахта толаси учун сарфлаган пули ҳар ойда 50 млн. сўм миқдоридан қайтиб келади. Аммо уни ишлатиш пахтани териб, толаси ажратиб олиганидан сўнг юз беради. Бинобарин, мавсум келгунча хом ашё пули бўш туради; 4) фойдадан ажратилган социал фондлар пулининг келиб тушиш вақти билан ишлатилиш вақти ҳам тўғри келмайди, натижада пул бўш қолади. Масалан, «Мицбуси» компанияси пенсияга кетиши пайтида бир йўла тақдирлаш учун ҳар бир ишчиға 5 млн. иен пул ажратиши керак. Бу пул пенсияга чиққунга қадар йил сайин йиғилиб боради ва бўш туради; 5) иш ҳақи пулини келиб тушиш ва сарфланиши бир вақтда юз бермайди. Маълумки, товар сотилгач, пул тушиб тураверади, иш ҳақи ҳар кун эмас, ҳар 15 кундан сўнг берилади. Натижада иш ҳақи фондининг пули ҳам бўш туриши мумкин; 6) фуқароларнинг истеъмолчи сифатида қариликни таъминлаш, қимматбаҳо товар олиш, уй қуриш, саёҳат қилиш ёки катта маросим ўтказиш учун жамланган пули бўлади, у етарли миқдорга боргунча ёки ишлатиш фурсати келгунча бўш туради. Масалан, ишчи 40 ёшидан бошлаб, қариликни ўйлаб, ҳар йили ўз даромадидан 1500 доллар ажратиб боради. Шу пул 20 йил жамланиб, 30 000 долларни ташкил этгандан сўнг пенсияга чиққан эгаси томонидан ишлатилиши мумкин. Шунга қадар у бўш туради. Бошқа мисол, хизматчи «Форд» маркали автомашина олмоқчи, у 25 000 доллар туради. Хизматчи ўз маошидан ҳар йили 5000 доллар ажрата олади. Бу пулга машина келмайди. У ҳар йили пул жамғаради. Пул 25 000 долларга етгунча ишлатилмай туради; 7) давлат бюджетига пул даромадларининг келиб туриши ва уларнинг сарфланиши ҳам бир вақтда юз бермайди. Йил бошида бюджетга тушган 50 млрд. франк пул. йилининг охирларида ишлатилади. Шу сабабли, у ҳам бўш туради; 8) турли-туман хайр-эҳсон ва суғурта пулларининг ҳосил бўлиши ва ишлатилиши ҳам турли вақтда юз берганидан, унинг бир қисми сарфланмай, бўш туриб қолади.

Хуллас, жамиятдаги пул ресурслари ҳаракатининг нотекис бўлиши, бир қисм пулнинг бўш қолиб, қарз фондига айланиши учун имкон беради. Албатта, бу ҳодиса бўш пулнинг таклифини билдиради. Аммо кредит пайдо бўлиши учун пулга талаб ҳам бўлиши керак. Бу талаб-

ни иқтисодиётнинг ўзи юзага чиқаради. Бир ерда пул бўш қолгани ҳолда бошқа ерда инвестиция, айланма капитални ошириш, резерв ҳосил қилиш ёки тасодифий харажатларни қоплаш учун пул зарур бўлади. Масалан, «Локхид» компаниясининг 1 млрд. доллар пули ҳозирчалик бўш турса, «Форд» компаниясида шу суммадаги пул зарур бўлади.

Пул бор экан, уни қарзга олиш ёки қарзга бериш табиий бир ҳол. Ҳозирги бозор иқтисодиётида қарзга пул олиш одатдаги иқтисодий воқеага айланган. Фирмалар ускуна, машина, хом ашё, ёқилғи сотиб олиш, иш ҳақи тўлаш учун, фермерлар уруғлик, ўғит ва техника сотиб олиш учун, давлат ўз сарфини қоплаш учун, хизматчи саёҳат қилиш учун, талаба ўқишга пул тўлаш учун қарз олади. Демак, пулга талаб бор.

Бўш пуллар ҳисобидан ссуда фонди ҳосил бўлиб, унга талаб юзага келгач, кредит муносабатлари пайдо бўлади. Кредит тўрт хил вазифани адо этади. **Биринчиси** — пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (масалан, вексель, чек, сертификат ва ҳ. к.) юзага чиқариб, уларни хўжалик оборотига жорий этиш (вексель — қарзнинг мажбуриятномаси, чек — банкдаги пулни беришни талаб қилувчи ҳужжат, сертификат — пул тўланганлиги, қарз берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат). **Иккинчиси** — бўш пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантириб, пулни пул топади деган қоидага амалга ошириш. **Учинчиси** — қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб туришини таъминлаш. **Тўртинчиси** — қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Бозор иқтисодиётидаги кредит муносабатлари табиатан фарқланувчи икки турдаги муносабатларнинг яхлитлигини билдиради. Гап шундаки, қарзга олинган пул, биринчидан, капитал сифатида ишлатилади, бунда фойда олиш, пулни кўпайтириш назарда тутилади. Шу сабабли ссуда (қарз) капитали борасидаги муносабатлар пайдо бўлади. Бунда пулнинг мулк сифатидаги ҳолати унинг ўзгалар қўлида капитал бўлиш ҳолатидан ажралади, ўзга мулки ўзга қўлида капиталга айланади. Иккинчидан, қарзга олинган пул шахсий ёки умумий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Бунда пул оддий харид воситаси вазифасини бажаради, пул пулни топади деган қоида амал қилмайди. Пул эгаси учун қарз олувчи пулни қандай ишлатишининг ҳеч бир аҳамияти йўқ, у қарз

ҳақини олса бўлди. Аммо кредит икки томонлама муносабат бўлганидан, қарзни ким олиши ва қандай ишлаши муҳим, чунки бу кредитнинг функциясини билдиради, пулни қайтариш муддатига ва шартига таъсир этади.

Кредит пул бозори маҳсули, бу ерда пул маблағини олди-сотди қилиш юз беради, холос. Пул бозори кенг маънода молия бозоридирки, унинг таркибида капитал бозори ҳам бор. Капитал бозори фақат капитал сифатида амал қилувчи пул бозоридир, унинг таркибига одатдаги функцияни бажарувчи пул бозори, масалан, истеъмолни қондириш учун қарз олиш кирмайди. Капитал бозори қимматбаҳо қоғозлар бозори ва қарз капитали бозорини қамрайди. **Қарзга бериладиган пул ссуда дейилади.** Агар қарзга берилган пул ишга солиниб, янгидан пул топиш, даромад олиш учун ишлатилса, у ссуда (қарз) капитали шаклини олади. Агар қарз шахсий истеъмолни қондиришга хизмат қилса, одатдаги пул қарзи бўлади холос, чунки унда капитал белгиси бўлмайди.

Кредитнинг асосий шarti — бу қарз учун ҳақ тўлаш. Бу ҳақ қарз қилинган суммага нисбатан процент ҳисобида олинганидан уни **қарз проценти** деб юритилади. Қарз проценти пул бозорида амал қилади. Бозорга чиқарилган пулнинг нархи процент бўлади. Бошқа товарлардан фарқлироқ қарз пулининг нархи — бу унинг маълум тўлов эҳтиёжини қондиришдек хоссасидан фойдаланганлик учун бериладиган ҳақ бўлади. Қарз пули капитали сифатида ёки одатдаги тўлов, ёки харид воситаси сифатида ишлатилади.

Мана шунинг учун ҳам қарздор пул эгасига процент тўлайди.

Қарз капитали учун бериладиган процент моҳиятан уни ишлатиш туфайли яратилган **қўшимча маҳсулотнинг**, аниқроғи қарз олувчи уни ишлатиб тошган даромаднинг **бир қисмидир.** Пул эгаси шу қисмни мулкдор сифатида ўз пулидан бошқалар фойдаланганлиги учун талаб қилади. Қарз пули истеъмол учун ишлатилганда процент даромаднинг бир қисми бўлмайди (чунки даромаднинг ўзи бўлмайди), балки истеъмол харажати шаклини олади ва қарздорни келажакда истеъмол учун ажратган маблағи ҳисобидан қопланади. Масалан, тадбиркор 10 000 доллар қарз олса, унинг 500 долларга тенг процентини тошган фойдаси ҳисобидан беради. Агар шунча пулни ишчи олиб автомобиль харид этса, 500 доллардан иборат процентни ўз иш ҳақидан тўлайди.

Процент миқдори ёки даражаси олдиндан белгиланади. Процент даражаси (ПД) қарз процентининг (ҚП) берилган қарз миқдорига (ҚМ) бўлган, процентларда ифодаланган нисбатидир:

$$ПД = \frac{ҚП}{ҚМ} \times 100$$

Агар 120 млн. долларга тенг қарзга 6 млн. доллар процент тўланса, қуйидагича бўлади; $ПД = \frac{6 \text{ млн.}}{120 \text{ млн.}}$

$$\times 100 = 5\%$$

Процент даражаси унга таъсир этувчи омиллар ҳаракати туфайли ўзгариб туради.

Улардан асосийси қуйидагилар:

1. Пул бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбати, яъни бозорда қандай миқдорда қарз пулига талаб бөр ва унга нисбатан қандай миқдорда қарзга бериладиган пул чиқарилган. Талаб ошса, процент ортади, таклиф ошса, у камаяди.

2. Қарзга олинadиган пулни **ишлатишдан** қутилиdиган наф, аниқроғи шу пулнинг **истеъмо**л қиймати. Қарз пули тадбиркор учун кўп фойда келтирса ёки **истеъ**молчи эҳтиёжини тўлароқ қондирса, процент юқори бўлади, акс ҳолда у пасайиб кетади. Бунда пулни ҳозир ишлатишдан ва келажакда **ишлатишдан** тегадиган наф таққосланади. Агар ҳозир пулни 8% ҳисобидан қарз олиб, келажакда ундан 20% ҳисобидан фойда кўрилса, қарз олувчига шу процент маъқул бўлади. Агар қутилган фойда 7 ёки 10% бўлса, процент мутлақо маъқул бўлмайди.

3. Қарзни тўлаш муддати ва шarti. Агар қарз узоқ муддатга берилиб, уни секин-аста кичик-кичик қисмларга бўлиб, бемалол қайтариш мумкин бўлса, қарздор юқори процентга рози бўлади. Агар қарз қисқа вақтга берилса ва уни бир йўла тўлаш шарт бўлса, қарздор паст процентни маъқул кўради. Гап шундаки, қарз қанчалик узоқ муддатга берилса, шунчалик уни ишлатиб даромад кўриш мумкин ва шу ҳисобдан процент тўлаш енгил бўлади.

4. Қарзнинг қандай пул билан берилиши. Агар қарз эркин конвертирланган валютада берилса, процент юқори белгиланади, агар у оддий валютада берилса, процент нисбатан паст ўрнатилади. Конвертирланган пул обрў-

эътиборли бўлганидан уни ишлатиш осон, ундан тезда яхши даромад кўриш мумкин.

5. **Инфляция даражаси.** Инфляция юз берса, қарзга берилган пул эгасига қайтиб келгунча ўз қадрини қисман йўқотади. Бундай пул эгаси ютқазади. Шу сабабли процент инфляцияни ҳисобга олиб ўрнатилади. Агар одатда процент 8% қилиб белгиланса, инфляцияни ҳисобга олиб, банклар уни 15% белгилайдилар. Бунда орадаги 7% инфляция берадиган зарарни қоплаши керак. Процент инфляция шиддатига нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгаради.

6. Пулни қарз беришдан кўра бошқа йўсинда ишлатишдан тушадиган даромад. Бунда пул эгасининг афзал кўриш принципи амал қилади. Агар акция дивиденди юқори бўлса, процент пасаяди ва аксинча. Агар акцияга 15% дивиденд берилса, процент ундан юқори бўлиши шарт. Акс ҳолда пул эгаси уни қарзга бермай, акция сотиб олишни афзал кўради.

7. Қарз бериш хатари даражаси. Агар қарзнинг қайтиб келиши кафолатланса, процент паст, агар бу хатарли бўлиб, қарз қайтиши шубҳали бўлса, процент юқори бўлади. Одатда молиявий бақувват ва нуфузли фирмалар учун процент паст белгиланади ва аксинча, молиявий аҳволи беқарор миждозлар учун юқори процент тайинланади.

Юқори ва паст процент ўртасидаги фарқ пул эгалари учун маълум даражада қарз бериш хатарини камайтиради, чунки бир ерда процентнинг камлиги, бошқа ерда унинг ортиқ бўлиши билан қопланади.

Кредит алоқалари пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда улар тўғридан-тўғри муомалага киришади. Иккинчи ҳолда улар алоқаси воситачилар орқали юз беради. Шунга қараб кредитнинг икки шакли келиб чиқади. Биринчиси, **тижорат кредити.** Бунда товарларни насияга сотиш орқали улар эгаси харидорга қарз берган бўлади. Товарлар маълум муддатда пулни тўлаш шарти билан насияга берилади. Товарни насияга олувчи унинг эгасига вексель беради. Насияга сотиш орқали берилган қарз суммаси товарнинг эл қатори нархи ва миқдорига боғлиқ бўлади. Масалан, 100 минг дона товар насияга ҳар бири 10 доллардан берилади. Бунда товар эгасининг харидорга берган қарзи 1 000 000 долларни $(100\ 000 \times 10)$ ташкил этади. Тижорат кредитида процент насияга сотилган товар нархига устама шаклини олади, шу сабабли, товар

насияга эл қатори нархдан юқори нархда берилади. Масалан, товар нақд пулга ҳар бири 10 доллардан сотилса, насияга 11 доллардан берилади. Мана шу 1 доллар устама процент бўлади. Бизнинг мисолда 100 минг товар устамаси 100 минг долларни ташкил этади ($100\ 000 \times 11 = 1\ 100\ 000$; $1\ 100\ 000 - 1\ 000\ 000 = 100\ 000$).

Бевосита кредитнинг оммавий кўринишларидан бир қимматбаҳо товарларни (автомашина, уй, телевизор, компьютер, яхта, видеомагнитофон ва ҳ.к.) аҳолига насиясига сотишдир. Бундай кредит товарларни бўлгуси даромад ҳисобига сотиш учун қўлланади. У тўйинган, товарлар етарли, бинобарин, тақчиллик йўқ бозорда қўланади.

Билвосита кредит пул эгалари маблағларини кредит ташкилотларининг воситачилигида қарз олувчиларга берилишидир. Кредит ташкилотларининг бош бўғини **банклардир**. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти» тўғрисидаги қонунда «Пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қайтаришлик, тўлашлик ва муддатлилик шартлари асосида ўз номидан жойлаштириш учун тузилган муассаса банкдир»¹ — деб қайд этилган. Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари пулни унинг соҳибларига процент тўлаш шарти билан ўз қўлида жамлайдилар ва ўз номидан қарзга бериб, процент оладилар. Бунда уч субъект (пул эгаси, кредит ташкилоти ва қарз олувчи)нинг кредит алоқаси пайдо бўлади. Воситачилар орасида **тижорат банклари** марказий бўғин ҳисобланади. Ўзбекистон жумҳуриятининг «Банклар ва банк фаолияти» тўғрисидаги қонунга кўра, тижорат банклари акцияли, пай асосида ташкил топган ва хусусий банклар бўладики, улар «кредит-ҳисоб-китоб ва ўзга хил банк хизматини кўрсатадилар»². Тижорат банклари бозор иқтисодиётининг таянчидир. Банклар ҳатто кичик-кичик пул маблағларини ҳам процент тўлаш орқали ўзига жалб этади. Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур деганларидек, майда пул суммаси банкда жамланиб катта пулга айланади ва ундан қарз берилади. Банклар қарзни ишончли, пулни, самарали ишлатишга қодир хўжалик субъектларига қарз берадилар. Улар ўз навбатида бу пулни инвестиция учун сарфлаб, иқтисодиётни ўстиришга эришадилар. Банк ишончли мижозларни танлаган ҳолда, қарз-

¹ Ўзбекистон Республикаси. Қонунлар ва фармонлар. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 78-бет.

² Уша ерда. 94-бет.

ни уларнинг мол-мулки ёхуд бошқа бойлиги гаровга қўйилган шароитда беради. Масалан, банк фермерга 1 млн. доллар қарз берса, унинг гаровга қўйилган ери қиймати шу суммадан кам бўлмайди. Банкдан қарз олиш учун давлат ёки бошқа ишончли фирма кафил туриши ҳам мумкин.

Банкдан қарз олиш учун олтин ёмбилари, жавоҳирот, антиквар (нодир), бинобарин, қимматбаҳо буюмлар, акция ва облигациялар ҳам гаровга қўйилади. Масалан, Ўзбекистон ўз олтинини чет эл банкига гаровга қўйиб, валюта шаклида қарз олиши мумкин. Тижорат банклари тадбиркорлик учун фирмаларга қарз берса, истеъмолчиларга товар сотиб олиш учун қарз беради. Иккинчи ҳолда **истеъмолчи кредити** пайдо бўлади. Масалан, АҚШда банклар истеъмолчиларга кредит карточкалари беради, уларга нархи 2500 долларга қадар товарлар харид этилади, харид пулини банклар магазинлар берган сўтга қараб тўлайдилар. Бундай кредит ғоят имтиёзли бўлади, унинг проценти бошқача қарз процентидан кам бўлади, ҳатто процентсиз ҳам бўлиши мумкин.

Талабаларга ўқиш ҳақини тўлашлари учун махсус қарз берилади. Бу қарз учун энг кўп бўлганда 8% белгиланади. Қарз йилига 2500 доллар, охириги курсда эса 5000 доллар миқдориди берилади. Бундай қарзни талаба ўқишни тугатиб, ишлаб пул топгач узади.

Банклар давлатга ҳам қарз беради, ҳам ундан қарз олади. Бунда давлат **кредити** пайдо бўлади. Қарз ва унинг проценти бюджет ҳисобидан қайтарилади. Давлат кредити шароитида қарз берувчилар камдан-кам ҳолларда банклар бўлади. Кўпинча бу вазифани аҳоли, фирма, корхона ва ташкилотлар ўтайди. Давлат қарзни турли шаклда, энг аввал давлат **заёмлари** (заём — русча қарз демакдир) шаклида олади. Заём давлатнинг қарздорлик гувоҳномаси бўлиб, у қарзни вақти келганда қайтариб олиш ва процент тўлашни кафолатлайди. Заёмларни марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар чиқаради. Заёмлар қарз ҳақи тўлаш жиҳатидан процент тўланадиган, ютуқ чиқадиган, ҳам ютуқ, ҳам процент бериладиган ва баъзан процентсиз ҳам бўлади. Заёмларнинг кўнгилли обуна бўладиган ва мажбурий тарқатиладиган турлари ҳам бўлади. Заёмларнинг бир қисми қимматли қоғоз бўлиши заём облигацияси чиқариб сотиш орқали юз берса, бошқа қисми облигациясиз бўлади, яъни қарз олди-бердиси махсус битим билан тасдиқланади. Облигациясиз заёмлар давлатлараро амалиётда учрайди.

Хазина мажбуриятлари давлатнинг қарздорлигини тасдиқловчи махсус қоғоз бўлиб, давлат томонидан фақат аҳолига сотилади. Хазина мажбуриятлари бўйича йиғилган қарз пули давлат бюджетига тушади. Улар юзасидан фақат процент тўланади.

Аҳоли омонатларини давлат қарзига айлантириш ҳам бор. Бунда банклар (омонат кассалари) да йиғилган аҳоли пули тўғридан-тўғри давлат бюджетига қарз сифатида ўтказиб берилади, пул ағалари розилиги олинмайди. Бу пулга қарз мажбуриятини билдирувчи қоғозлар тарқатилади.

Кредит муносабатларида давлат фақат қарздор вазифасини ўтамай, қарз берувчи ролини ҳам бажаради. Давлат ўз маблағлари ҳисобига банкда қарз фондиди ташкил этади, хазинадан қарз ҳам беради. Хазина қарзи давлат бюджетидан корхона, фирма ва ташкилотларга уларнинг молиявий санақияси (соғломлаштирилиши) учун сарфланади. Мазкур қарз ҳам маълум муддатга, қайтариб бериш ва процент тўлаш шarti билан берилади. Аммо процент ройт имтиёзли бўлади ва даромад олишни кўзламайди. Давлат ўз қарзидан воз кечиши ҳам мумкин.

Давлат харажатларини қоплаш учун қарз олавериб, йирик қарздорга айланади. Давлат қарзи ҳар хил йўл билан тартибланади. Эски заём қарзларини янги қарз билан, янги чиқарилган заём билан қопланади. Муддати келган заёмларни давлат қайтадан сотиб олади. Давлат қарзини тўлаш имкони бўлмаса, заёмларни қайта сотиб олиш муддати чўзилади. Ички қарздан фарқлироқ давлат ташқи қарзидан бош торта олмайди, аммо уни тўлаш муддатлари, процент олиш шартлари қайта кўрилиши мумкин. Халқаро кредит бор экан, ташқи қарз бўлиши табиий. Аммо ҳамма гап унинг миқдори билан мамлакатнинг валюта тушумларида. Валюта тушуми яхши бўлса, катта қарздан ҳам қутулиш мумкин. Қарз кам бўлса, лекин валюта топишнинг тайини бўлмаса, мамлакат ташқи қарзни уза олмайди. Ўта қолоқ ва камбағал мамлакатлар борки, уларнинг ташқи қарзи кечиб юборилади ва бу уларга ёрдам бўлади.

Тижорат банклари ягона кредит ташкилоти эмас, албатта, улардан бошқа яна қарз-омонат уюшмалари, суғурта компаниялари, молия компаниялари, инвестиция компаниялари, кредитлаш иттифоқлари, ўзаро қарз бериш фондлари, давлат ва хусусий пенсия фондлари каби молия воситачилари ҳам иш кўради. Булар банклардан таш-

қарида кредит фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлари ҳисобланади. Улар банклар билан рақобатда бўладилар.

Кредит муносабатлари молия-кредит ташкилотлари ўртасида ҳам бор. Улар фақат ўз миқозларига эмас, балки бир-бирига ҳам қарз берадилар. Кредит алоқалари ёнот мураккаб ва турли-туман, уларда миллионлаб кишилар иштирок этадилар, уларга турли воситачилар хизмат қилади. Юқорида кўрсатганимиздек, кредит воситачилари, биринчидан, банклардан иборат бўлса, иккинчидан, банкдан ташқарида иш кўрувчи уюшма, компания ва тттифоқлардан иборат. Уларнинг барчаси фаолиятини банклар банки бўлмиш марказий банк тартиблайди, одатда у давлатга қарашли бўлади. Ўзбекистон жумҳуриятининг «Банклар ва банк фаолияти» тўғрисидаги қонунига биноан Марказий банк «Республиканинг давлат, эмиссион ва захира банки ҳисобланади».¹ Бу банкка пул муомаласи, кредит бериш, ҳисоб-китоб қилиш ва валюта муносабатлари соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Банкларда катта миқдордаги пул тўпланади ва кредит орқали тақсимланади. АҚШда 1985 йили 22 та тижорат банки бўлиб, уларнинг ҳар бирида 22 млрд. доллар маблағ бўлган. Улардан энг улкани бўлмиш «Ситикорп оф Нью-Йорк»нинг маблағи 170 млрд. долларни ташкил этган. Шуниси диққатга сазоворки, барча тижорат банклари маблағи 2275,8 млрд. доллар бўлса, бошқа молия воситачилари маблағи 3159 млрд. долларга тенг эди (1987 й.).

Кредит ташкилотлари пул ва капитал бозорининг фаол иштирокчиси бўлиб бозор иқтисодиётида мустақил роль ўйнайди. Улар ўз миқозларига хизмат кўрсатгани учун даромад оладилар. Банк фойдаси банк тўлаган процент билан у олган процент ўртасидаги фарқдан, унинг харажатлари чегирилгандан сўнг қолган суммага тенг бўлади. Банк даромадининг асосий манбаи процент ҳисобланади. Банк берадиган ва оладиган процент ўртасидаги фарқ маржа деб юритилади. Банклар процент сиёсатини ишлаб чиқадилар, процентни ўзгартириш орқали пул оқимида таъсир этадилар. Кредит сиёсатини ишлаб чиқишда марказий банклар етакчилик қиладилар. Кре-

¹ Ўзбекистон Республикаси. Қонунлар ва фармонлар. Тошкент, «Ўзбекистон» 1992, 81-бет.

дир ташкилотлари ҳам рақобатда, ҳам ўзаро алоқада бўладилар, фаолиятларини мувофиқлаштирадилар. Кредит ташкилотлари бозор инфраструктурасининг муҳим унсури сифатида пул бозори иштирокчиларига турли-туман хизматлар кўрсатадилар.

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР ВА ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Жамиятда 125 млрд. долларга тенг миллий маҳсулот яратилиб, шундан 60 млрд. доллари миллий даромадга айланди, қолгани қоплаш фондиди ташкил этди, унинг 40 млрд. доллари амортизация ажратмаси эди. Давлатнинг бюджет харажати 36 млрд. доллар бўлгани ҳолда даромади 32 млрд. долларни ташкил этди. Орадан 10 йил ўтгач, миллий маҳсулот 220 млрд. долларга етди, шундан 117 млрд. миллий даромад, қолгани қоплаш фонди бўлиб, унинг 70 млрд. доллари амортизация эди. Шундай вазиятда давлат бюджетининг даромади 67 млрд. доллар, харажати 80 млрд. долларга етди. Ҳисоб-китоб қилиб аниқланг, бюджет қачон соғлом бўлган? Дастлабми ёки 10 йилдан кейинми?

2. Электростанция асосий фондлари қиймати 10 млрд. сўм, унинг ҳар йилги амортизация ажратмалари 200 млн. сўмга тенг. Тўқимачилик комбинати асосий фондлари 2 млрд. сўм, ҳар йилги амортизация ажратмалари 200 млн. сўмдан иборат; заргарлик фабрикаси асосий фондлари 3 млрд. сўмни ташкил этади, ҳар йилги амортизация ажратмалари 100 млн. сўмга тенг. Ҳисоблаб кўриб, хулоса чиқаринг ва жавоб топинг: қайси корхона амортизация пули неча йил қарз фонди бўлиб хизмат қила олади, бунинг сабаби нимада?

3. Мижозлар банкка 100 млн. доллар пулни 17% ҳисобидан қўйдилар. Шу пулни банк 25% ҳисобидан 3 йилга қарзга берди. Ўртача йиллик инфляция 3% ни ташкил этди. Пулни қарзга олиш ва қарзга бериш сарфлари 2 млн. долларни ташкил этди. Ҳисоблаб кўрингчи, инфляцияни назарда тутсак, банк олган маржа ва фойда реал қанча долларни ташкил этди?

4. Қуйидаги саволларга жавоб топинг:

а) Нима сабабдан молиянинг турли функциялари бор, улар ўзаро қандай боғланади?

б) Молия бозори, пул бозори, қимматбаҳо қоғозлар бозори, қарз капитали бозори, умуман, капитал бозори

деган тушунчаларнинг қандай умумийлик ва фарқли томонлари бор?

в) Махсус мақсадли фондлар билан хайрия фондларининг қандай фарқи бор?

г) Молия тизимининг қандай унсурлари бўлади?

д) Молиявий муносабатлар билан кредит муносабатларининг фарқи борми?

е) Молия ресурси нима, унинг манбалари қандай?

ж) Солиқ тизими нималардан иборат?

з) Суғурта бозори нима, унинг объекти ва субъекти қандай?

5. Қуйидаги тест саволларига берилган тўғри жавобларни танлаб олинг:

а) Қайси корхона, ташкилот капитал бозорига хизмат қилади: тижорат банки, фонд биржаси, товар биржаси, савдо уйи, меҳнат биржаси, суғурта компанияси, ўзаро ёрдам кассаси, истеъмолчига кредитга мол берувчи магазин, валюта аукционни.

б) Харидорлар қайси қимматбаҳо қоғозни афзал кўрадилар: оддий акция, имтиёзли акция, компания заёми облигацияси, давлат заёми облигацияси, чет эл заёми облигацияси, чек, вексель, хазина мажбуриятлари.

Тошпириқларнинг тўғри бажарилишини дарслик ёрдамида ўзингиз текшириб кўринг.

ХІХ БОБ


УМУМИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРТИБЛАНИШИ

1. Макроиқтисодиётдаги доиравий ҳаракат

Ҳар қандай иқтисодиёт доимо янгилашиб, доиравий ҳаракатда бўлади. Бу ресурслар ва яратилган товарлар ҳамда хизматларнинг ҳаракати тарзида юз беради. Илгари айтиб ўтганимиздек иқтисодиёт фирмалар (корхоналар) ва уй хўжаликлари фаолиятидан иборат бўлган икки таркибий қисмдан ташкил топади. Маълумки, фирмалар—корхоналар (завод, фабрика, фермер хўжалиги, жамоа хўжалиги, ва бошқалар) товарлар ва хизматлар яратадилар, бунинг учун ресурсларни сарфлайдилар. Шу ерда ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракати бошланади. Иқтисодиётнинг бошқа томонида уй хўжаликлари туради, улар оилаларга бирлашган истеъмолчилардан ташкил топади. Яратилган товарлар ва хизматлар оила-

да истеъмол этилгач, уларнинг ҳаракати тугалланиб яна янгидан бошланади. Истеъмол этиш учун эса товар ва хизматлар уй хўжалиқларининг пул даромадларига айирбош этилади. Уй хўжалигида яшайдиганлар ишлайдиган ва ишламайдиган кишилардан иборат. Ишлайдиганлар фирмаларда ишлаб чиқарувчи бўлсалар, уй хўжалигида истеъмолчи вазифасини ўтайдилар.

Истеъмол яратилган турли-туман товарлар ва хизматларнинг кишилар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун ишлатилишини билдиради. Иқтисодий бу маҳсулот ва хизматларнинг фирмалар ва уй хўжалиқлари ўртасидаги ҳаракати демакдир, чунки улар шу жараёнда ишлаб чиқаришдан истеъмол сари боради. Шу икки нуқта оралиғида тақсимлаш ва айирбошлаш жараёнлари туради. Уй хўжалиқларининг икки жиҳати бор. Биринчидан, улар истеъмолчи сифатида товарлар ва хизматлар сотиб олсалар, иккинчидан, фирмаларга ресурслар етказиб берадилар. Маҳсулот ва ресурсларнинг фирмалар билан уй хўжалиқлари ўртасидаги ҳаракати узлуксиз боради, уни тўхтатиш мумкин эмас, чунки бу истеъмолни тўхтатиб туриш билан баробардир, инсон эса истеъмолсиз яшай олмайди. Мазкур ҳаракат жамият ҳаётининг энг муҳим шarti, уни умумиқтисодий доиравий оборот ёки макроиқтисодий оборот (ҳаракат) деб аташади, чунки бу ҳаракат доирасига барча иқтисодий субъектлар тортिलाди ва у бутун жамият миқёсида юз беради. Уни қуйидагича тасвирлаш мумкин (31-расм).



31-расм. Иқтисодий оборот.

Расмда бир-бирига йўналган икки оқим тасвирланган. Улардан бири ресурслар, яъни ишлаб чиқариш омиллари оқими бўлиб, соат стрелкасига акс ҳаракатда кўрсатилган. Иккинчиси эса, товар ва хизматлар оқими бўлиб, унинг ҳаракати соат стрелкаси ҳаракати тарафида юз беради. Ресурслар уй хўжаликларидан ишлаб чиқариш (фирмалар) томон ҳаракат қилади, бу ҳаракат ресурслар бозори орқали юз беради. Уй хўжаликлари ўз ресурсларини мулкдорлар сифатида бозорга чиқарадилар. Ресурслар шу ерда фирмаларга сотилади. Фирмаларнинг ресурсе учун сарфлаган пули улар учун ишлаб чиқариш ҳаракати бўлса, уй хўжаликлари учун даромад (пул тушум) бўлади. Ресурсе учун тўланган пул унинг эгаларига ҳар хил шаклда (иш ҳақи, фойда, процент, рента шаклида) тегади. Бу ресурсларнинг турига боғлиқ. Ресурсе иш кучи бўлса иш ҳақи, капитал бўлса фойда, ер бўлса рента тегади. Ресурсе учун унинг эгалари олган пулнинг бир қисми ўз истеъмолини қондириш учун кетади, яъни истеъмол товарлари ва хизматларни харид этиш учун сарфланади, бинобарин, бу пул истеъмол бозорига чиқади, товарларга бўлган талабни билдиради. Мазкур пулга товарлар ва хизматлар сотиб олингач, у фирмаларнинг пул тушумига (даромадига) айланади. Ишлаб чиқаришни янгилаш зарурати шу пулга ресурсе олишни талаб қилади, бинобарин, у қайтадан ресурсе бозорига чиқади. Бу ердаги рақобат ва ресурсларнинг нафлиги таъсири остида уларнинг нархи шаклланади, улар қайтадан сотиб олинади, уларнинг ҳаракати янгидан бошланади. Макроиқтисодий доиравий оборотда истеъмол янгидан бошланади. Макроиқтисодий доиравий оборотда истеъмол янгидан ресурслар ҳосил этади, яъни иш кучи, капиталнинг тикланиши ва ўсиши юз беради. Хуллас, ресурслар ва маҳсулотлар бозор орқали узлуксиз доиравий ҳаракатда бўладилар. Аммо айтилган икки оқим бир-бирига мос келгандагина иқтисодиёт равон ривожланади. Бундай мослик бўлиши учун оқимлардаги турли унсурлар муайян мувозанатда бўлиши керак. Икки оқимли ҳаракат доирасида иқтисодий субъектлар ўз манфаатини кўзлаб иш юритадилар, улар керакли товарлар ва ресурсларни бозордан ўз билганича танлаб оладилар, лекин улар ўз хатти-ҳаракатларини олдиндан келишиб олмайдилар, балки бозорга биноан иш кўрадилар, бозор уларни бир-бирига боғнайди. Иқтисодий алоқалар макроиқтисодиётда унинг турли томонлари ўртасида мувозанат бўлишини талаб қилади. Макроиқтисодий жараён ғоят мураккаб, у

миллионлаб товарлар ва хизматлар яратилишини, уларни миллионлаб аҳтиёжи ҳар хил кишилар истеъмол этишини билдиради. Иқтисодий оборотга экспорт ва импорт таъсир этади, даромадлар дарҳол ишлатилмай, уларнинг бир қисми жамғарилади ва инвестицияга хизмат қилади, бойлик тўплаш юз беради.

Маҳсулотларни шартли равишда **ишлаб чиқариш воситаларига ва истеъмол буюмларига ажратиш мумкин**. Биринчи турдаги маҳсулотни яратган соҳалар ишлаб чиқаришнинг **биринчи (I) бўлинмаси**, яъни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш деб аталади. Истеъмол маҳсулотларини яратувчи соҳаларни **иккинчи (II) бўлинма**, яъни истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш деб юритилади. Бундай бўлишни назарий таҳлилда қўлланади. Ҳар иккала бўлинмада ресурслар ишлатилади, ammo яратилган маҳсулотларнинг иқтисодий аҳамияти бир хил эмас. I бўлинмада ресурслар яратилади, ўз-ўзидан маълумки, улар ресурслар бозорига тушади, шу ерда тақсимланиб яна қайтадан ишлаб чиқаришга оқиб келади. II бўлинма маҳсулоти товарлар ва хизматлар бозорига келиб тушади, шу ерда тақсимланиб, кишиларнинг истеъмолига, яъни уй хўжаликлари ихтиёрига келади. Бу ерда улар меҳнат ресурсларини такроран яратишга хизмат қиладилар. Ўз навлятида ресурслар ҳам ишлаб чиқаришга йўл олади. Иқтисодиёт бир маромда, муттасил ривожланиб бориши учун I бўлинма маҳсулоти **ресурс бозоридаги талабга**, II бўлинма маҳсулоти товар бозоридаги талабга мос бўлиши керак. Ҳар иккала бўлинма биргаликда жами ижтимоий ишлаб чиқариш бўлганидан, уларнинг ялпи маҳсулоти (жами маҳсулот) ҳамма бозорлардаги **умумий талабга мувофиқ** бўлиши керак. Мана шундай умумий мувозанат бўлиши учун хусусий мувозанатлар таъминланиши шарт. Бу такрор ишлаб чиқаришда юз беради.

2. Такрор ишлаб чиқаришнинг асосий пропорциялари

Иқтисодий пропорциялар ишлаб чиқаришнинг турли томонлари ўртасидаги **нисбатлар бўлиб**, уларни таъминлаш иқтисодий ўсишнинг талаби ҳисобланади.

Маълумки, миллий маҳсулот таркибдан турли қисмлардан иборат бўлиб, улардан ҳар бирининг ўз вазифаси бор

ва улар маълум мақсад йўлида ишлатилади. Миллий маҳсулот қиймат (пул) жиҳатидан амортизация ажратмаси, иш ҳақи ва фойдадан иборат. Ишлаб чиқариш соҳасида мана шу қисмларга монанд келадиган маҳсулотлар яратилади. **Амортизацияни ифодаловчи** маҳсулот сарфланган ишлаб чиқариш воситаларининг ўрнини қоплашга ишлатилади, иш ҳақи ифодаси бўлган маҳсулот иш кучини тиклашга, уни кўпайтиришга сарфланади. **Фойдани билдирувчи** маҳсулот асосан ишлаб чиқаришни ўстириш учун қўшимча ресурсларга айланади, қисман эса истеъмолга кетади. Ҳар иккала бўлинмада ҳам маҳсулот мана шундай таркибга эга бўлади Яратилган маҳсулот таркибида ишлаб чиқариш воситаси ҳамда истеъмол буюми бўла оладиган товарлар ва хизматлар мавжуд. Шу боисдан уларнинг истеъмол этилиши натижасида ишлаб чиқариш омиллари тикланибгина қолмай, уларнинг ўсиши ҳам юз беради. Маҳсулот унинг қайси мақсадлар учун ишлатилишига қараб қоплаш фонди, истеъмол фонди, жамғариш фонди каби турли фондларга тақсимланади. **Қоплаш фонди** моддий жиҳатдан илгари сарфланиб кетган воситалар ўрнини қоплашга ярайдиган товарлар ва хизматлардан иборат. Масалан, маҳсулот таркибига кирувчи машина ишлатиш туфайли эскириб тамом бўлган машина ўрнини қоплай олади, янги бино эскисининг ўрнида тикланади. **Истеъмол фондини** ташкил этувчи маҳсулотлар кишиларнинг тирикчилик эҳтиёжини қондира олади, чунки улар биринчи навбатда шу мақсадда яратилган, шу сабабдан ҳам ишлаб чиқариш воситаси бўла олмайди. Масалан, истеъмол фондига кирувчи озиқ-овқат моллари кишиларнинг овқатланиш эҳтиёжини қондиради. **Жамғариш фондига** кирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш воситаларидан-ресурслардан иборат. Уларни қўшимча ресурс сифатида ишлаб чиқаришни ўстириш учун ишлатиш мумкин.

Айтилган фондларни ташкил этувчи маҳсулотлар ресурслар ва товарлар бозорида пул маблағларига айирбошлангандан сўнг ишлаб чиқариш йўлида ёки шахсий эҳтиёжларни қондириш учун ишлатилади.

Маҳсулотнинг турли фондларга ажралиши ҳар иккала бўлинмага хос (31а-расм).


К. Ф. — қоплаш фонди, И. Ф. — истеъмол фонди, Ж. Ф. — жамғариш фонди, ЯММ — ялпи миллий маҳсулот. Бу маҳсулотнинг натурал—буюм сифатидаги таркибий қисмларидирки, уларга пул шаклида ҳисобланган маҳсулотнинг турли қисмлари мос келиши зарур. **Маҳсулотнинг**

Маҳсулот таркиби

К.Ф.	И.Ф.	Ж.Ф.
К.Ф.	И.Ф.	Ж.Ф.

I.

II.



= ЯММ

✓

31 а-расм.

турли қисмлари биргаликда ресурслар ва товарлар бозорига чиқарилган товарлар таклифини билдиради. Энди бу бозордаги талаб қандай эканини билиш учун пул шаклидаги турли даромадларни кўриб чиқамиз. Бунинг учун оддий бир тасвирни чизамиз (32-расм).

Қиймат шаклидаги маҳсулот турли қисмларининг ҳаракати

Қиймат шаклидаги маҳсулот турли қисмларининг ҳаракати




32-расм.

Бу тасвирда Φ — фойда, $ИХ$ — иш ҳақи, $ИХИ$ — иш ҳақининг истеъмол этилган қисми, $ФИ$ — фойданинг истеъмол учун кетган қисми, $ИХЖ$ — иш ҳақининг жамғарилган қисми, $ФЖ$ — фойданинг жамғарилган қисми, A — амортизация ажратмаси.

Шу тасвир асосида пропорцияларни тушуниш учун шартли равишда амортизация фақат бир йил юз беради, унинг ажратмаси банкка ўтмай корхона қўлида қолади деб олайлик, иккинчидан, иш ҳақи ва фойданинг жамғарилган қисми тўла-тўқис инвестицияга айланади деб фараз қиламиз; учинчидан, такрор ишлаб чиқаришда давлат қатнашмайди деб ҳисоблаймиз.

Мазкур шартлар асосида иккала бўлинмадаги маҳсулотнинг пул шаклидаги таркибини қуйидагича ифода-
лаймиз (33-расм).



33-расм.

Ўқуратилган пул шаклидаги маҳсулотнинг ортида муайян моддий шаклдаги маҳсулотлар туради. Маълумки, I бўлинманинг маҳсулоти ишлаб чиқариш воситаларидан, чунончи машина-механизм, асбоб-ускуна, ашё-материал, ёқилғи-энергия ва ҳар хил ишлаб чиқариш хизматларидан иборат.

Булар ишлаб чиқариш истеъмоли учун мўлжалланган, шу сабабли улар ҳар иккала бўлинмада сарфланган воситалар ўрнини қоплаб, жамғаришни моддий жиҳатдан таъминлай олади, бинобарин, мазмунан **инвестицион товар** бўлади. Улар кишиларнинг шахсий истеъмолини қондира олмайди. Масалан, машина, металл ёҳуд нефть ҳеч қачон озиқ-овқат ёки кийим-кечак ўрнини боса олмайди. Бу маҳсулотларни фақат ишлаб чиқаришда қўллаш мумкин. Шундай экан, I бўлинмада ишловчилар ўзлари яратган маҳсулотни ўзлари истеъмол эта олмайдилар. Шу маҳсулотнинг иш ҳақи ва фойдани ташкил этадиган ва шахсий истеъмолга кетадиган қисми бозорда II бўлинма бозорга чиқарадиган истеъмол буюмларига алмаштириши, айирбошланиши керак. Акс ҳолда I бўлинмада ишловчилар ва улар оиласининг тирикчилик эҳтиёжи қондирилмайди.

II бўлинмага келсак, унинг маҳсулоти истеъмол буюмларидан иборат бўлганидан, у шахсий эҳтиёжларни қондира олади, лекин ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш учун ярамайди. Масалан, оёқ кийими, ёғ, шакар ёки гиламни ҳеч қачон ишлаб чиқаришда трактор, станок, тепловоз, қўмир ёки мазут ўрнига ишлатиб бўлмайди. Маҳсулотнинг қоплаш фонди ва жамғариш учун кетадиган қисми, албатта, бозорга чиқарилиб, у ерда I бўлинманинг истеъмолга кетадиган даромадни ифодаловчи маҳсулотига айирбошланиши лозим, акс ҳолда I бўлин-

мада ишловчилар тирикчилик қила олмайди, II бўлинма корхоналарида эса инвестиция юз бермайди, яъни сарфланган воситалар ўрнини қоплаш ва реал жамғаришни амалга ошириб бўлмайди. Шу сабабли ҳар иккала бўлинма бир-бирининг маҳсулотига талаб билдиради ва бир-бирига товарлар таклиф этади. I бўлинма талаби истеъмом фондига, II бўлинма талаби эса қоплаш ва жамғариш фондига тенг бўлади. Бу қуйидаги тенглик шаклига эга:

$$ИФ = II КФ + II ЖФ$$

бу тенгликда бўлинмаларнинг талаби, айти бир вақтда уларнинг таклифини ҳам билдиради. II бўлинманинг инвестиция товарларига талаби (КФ + II ЖФ), айти вақтда уни I бўлинмага билдирган таклифи бўлади. Худди шу нарса I бўлинмага ҳам хос. У ҳам ўзининг истеъмом буюмларига талабини II бўлинмага ўзи таклиф этган инвестиция товарларини алмаштириш орқали қондира олади.

Юқоридаги нисбатни маҳсулотнинг қиймат жиҳатидан тузилишига қараб, қуйидагича тенглик шаклида ёзиш мумкин:

$$ИФ = ИХИ + ФИ \text{ ва } ЖФ = ИХЖ + ФЖ \text{ бўлганидан} \\ I (ИХИ + ФИ) = II A + II (ИХЖ + ФЖ).$$

Бу тенглик шунини кўрсатадики, I ва II бўлинма маҳсулотлари алмашилганда қиймат ва пул жиҳатидан ҳам уларнинг турли қисми бир-бирига тенг бўлиши керак, яъни I бўлинмадаги иш ҳақи ва фойданинг истеъмомга ажратилган қисми, II бўлинмадаги амортизация ва иш ҳақи билан фойданинг жамғарилган қисмларига тенглигининг таъминланиши зарур.

Ишлаб чиқаришда яна бир пропорция борки, у I бўлинманинг жамики маҳсулоти ҳар иккала бўлинмалардаги қоплаш фонди ва жамғариш фондининг йиғиндисига тенг бўлиши керак. Буни қуйидаги тенгликда ифодалаш мумкин:

$$I (КФ + ИФ + ЖФ) = I (КФ + ЖФ) + II (КФ + ЖФ).$$

Бу нисбат шундан дарак берадики, I бўлинманинг маҳсулоти миқдоран ва таркибан иқтисодиётнинг инвестицияга бўлган талабини қондира олиши керак, акс ҳолда иш-

лаб чиқаришнинг моддий асоси тикланмайди ва англамайди, бусиз эса иқтисодий ўсиш юз бермайди. Айтилган нисбатни маҳсулотнинг ишлатилиши ва қиймат шаклидаги ифодасини ивобатга олиб, қуйидаги тенгликка айлантириш мумкин:

$$I(A+ИХ+Ф) = I(A+ИХЖ+ФЖ) + II(A+ИХЖ+ФЖ)$$

Бу дегани I бўлинмадаги амортизация, иш ҳақи ва фойдани ифодаловчи маҳсулот иккала бўлинмадаги амортизация, иш ҳақи ва фойданинг жамғарилган қисмини ифодаловчи маҳсулотга тенг бўлиши зарур. Бу тенглик ишлаб чиқаришни янгилаш учун зарур бўлган инвестиция муаммосининг ҳал этилишини билдиради. Тенглик таъминланганда бозордаги инвестиция товарларининг таклифи ишлаб чиқариш учун зарур маҳсулот ва хизматлар талабига мос тушади. Талаб ва таклиф мувозанатга келади, ишлаб чиқариш равон ўсади.

II бўлинмага келсак, унинг маҳсулоти ҳам маълум пропорцияларни таъминлайди. Унинг жамики маҳсулоти ҳар икки бўлинмадаги истеъмол фондига тенг бўлиши шарт. Шундагина икки бўлинмада ишловчиларнинг тирикчилик талаби қондирилади, иш кучи такроран яратилиб, ишлаб чиқаришнинг янгилианиши юз беради. Бу тенгликни қуйидагича ёзиш мумкин: $II(KФ+ИФ+ЖФ) = I ИФ+II ИФ$. Бу тенгликни ЯММ таркиби жиҳатидан қуйидагича ўзгартириш мумкин: $II(A+ИХ+Ф) = I(ИХИ+ФИ)+II(ИХИ+ФИ)$. Бу тенглик ҳар икки бўлинмада ишловчилар ва тадбиркорлик қилувчиларнинг пул даромади керакли истеъмол буюмларига алмашиб, улар талаби қондирилганлигини англатади.

Кўриб чиқилган тенгликлар мазмунан жамиятдаги ялли талаб ва таклиф мувозанатини билдиради. Бу ўзига хос умумий, яъни макроиқтисодий ҳамда назарий мувозанатдир. Аммо бундан ташқари хусусий мувозанатлар ҳам бор. Мувозанат микроиқтисодий даражада ҳам бўлади ва мувозанат турлари бир-бирини тақозо этади.

3. Мувозанат турлари

Мувозанатланган иқтисодиёт бир меъёردа ривожланади ва фаровонликни таъминлай олади. Мувозанатни таъминлашнинг тарихан икки усули бўлган: бозор усу-


ли ва режали усул. Биринчи усул бозор иқтисодиётига, иккинчиси эса тоталитар-социалистик иқтисодиётга хос бўлган. Соф равишда ҳар иқтисодга усул ҳам тўла мувозанатни таъминлай олмайди. Тарихий тажриба шуни кўрсатдики, бозор механизми билан давлат механизми биргаликда амал қилган, бир-бирини тўлдирган ҳолатдагина мувозанатларни оздир-кўндир бир меъёрга таъминлаб, муттасил иқтисодий ўсишга эришиш мумкин. Мана шундай аралаш усулда мувозанатлаштириш кўпчилик мамлакатларда ўзини оқлади.

Иқтисодиётдаги мувозанатлар тенглик пропорциялари (нисбати)нинг ташқи ифодасидир. Мувозанатнинг кўриниши, тури кўп, чунки иқтисодиётнинг ўзини турли жиҳатлари ўртасидаги мураккаб алоқа-боғланишлар гоёт беҳисоб. Улардан энг муҳими ижтимоий талаб билан тақлиф ўртасидаги мувозанатдир.

Талаб жамики пул билан таъминланган эҳтиёжни билдириб, муайян, вақтда жамиятни ҳаёт кечирishi учун қанча ва қандай таркибдаги товарлар ва хизматлар сотиб олиш зарурлигини билдиради. Шунга мос равишда бозорда керакли маҳсулот ва хизматлар тақлиф этилиши керак. Талаб билан тақлиф мувозанат ҳолатига келганда товарлар сотилиб, эҳтиёж қондирилади, ресурслар тўла тикланиб, ишлаб чиқариш такрорланади. Талаб билан тақлиф мувозанати истеъмол билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқа-боғланишларни билдиради, унга бозордаги нарх-наво механизми орқали эришилади. Нархнинг ҳамма турлари ўзгариб туради, бу эса талаб-тақлифда раволик ҳосил этади, яъни улар нархга жавобан ўзгарадилар, шу йўсинда мувозанатлашувга мойил бўладилар. Бу ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги мувозанатнинг бозордаги кўринишидир. Ҳар доим ишлаб чиқариш бирламчи, истеъмол эса ундан ҳосил бўлади. Ишлаб чиқариш керакли товарлар ва хизматларни яратиб, истеъмолнинг даражаси ва таркибини белгилайди. Ўз навбатида истеъмол борасида эҳтиёж шаклланади ва ўсади, бу эса ишлаб чиқаришда ўзгаришларга тўртки беради. Истеъмол жараёнида эски товарларнинг ишлатилиши камаяди, бу уларни янги товарлар билан алмаштириш талабини қўяди. Айтилган мувозанат ресурсларнинг турли соҳалар ўртасида қайта тақсимланиши орқали юз беради, чунки истеъмол учун аҳамияти қисқарган ёки аҳамияти тамомил қолмаган товарларни яратишда иштирак этувчи ресурслар, янги товарлар яратиш томон йўналтирилади.

Иқтисодиётдаги силжишлар пул даромади ва харажатида ҳам кўринади. Шу боисдан бозор иқтисодиёти учун уй хўжаликлари даромади билан уларнинг харажатлар ўртасидаги мувозанат ҳам аҳамиятлидир. Кишилар ЯММ дан ўз ҳиссасини дастлаб пул шаклида оладилар, сўнгра бу пулни бозорда товарларга айирбошлаб тирикчилик қиладилар. Иқтисодий ўсиш юз бериши учун барча даромадлар маҳсулот, яъни товар харид этиш учун сарфланиши керак, акс ҳолда маҳсулотнинг бир қисми ортиб қолади. Амалиётда шундай бўлиб ҳам туради, даромадларнинг бир қисми истеъмолдан чиқарилиб, жамғарилади. Шу қисм қайтадан ресурсларга айланмайди, натижада ишлаб чиқариш қувватларининг бир қисми бекор туради, ишловчиларнинг бир қисми ишсиз қолади. Шу сабабли ҳар хил йўллар билан товар сотилиши кўнайтирилиб, жамғарилган даромадлар ресурслар ҳаракатига жалб этилади ва аҳоли пул жамғармаларини молия бозори орқали капиталга айлантирилади, яъни улар ишлаб чиқаришга капитал сифатида жойлаштирилади. Демак, мувозанатни таъминлаш учун жамғарилган даромадни инвестицияга айлантириш керак бўлади.

Бозор иқтисодиётида ЯММ нинг ҳаракати пул оқими ҳаракати воситасида юз беради. Шу сабабли пул массаси билан товарлар ва хизматлар массаси ўртасида мувозанат талаб қилинади. Пул ҳаракати, маҳсулот ва хизматлар ҳаракати икки иқтисодий оқим бўлар экан, улар бир-бирига мувофиқ бўлмаса, иқтисодиёт издан чиқади. Пул массаси ҳар доим товарлар массаси билан таъминланиши керак. Агар пул массаси ортиб кетса, айтилган мувозанат бузилади, чунки пул ҳаракати билан маҳсулот ҳаракатида номутовосиблик келиб чиқади. Натижада ишлаб чиқаришдаги бошқа пропорциялар ҳам бузила бошлайди. Мувозанатга эришиш гоят мураккаб муаммога айланади, чунки бундай шароитда халқ хўжалигининг турли қисмлари ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаб бўлмайди. Фақат бозор механизми орқали мувозанатларни таъминлаш қийин бўлади, натижада бу ишга давлатнинг аралашуви зарур бўлиб қолади. Давлат йирик иқтисодий субъектга айланади, миллий даромаднинг катта қисми давлат қўлидан ўтади, давлат шу қисмини тақсимлайди ва ишлатади. Давлат инвестиция билан шуғулланади ва йирик истеъмолчига айланади. Шу боисдан макроиқтисодий оборотда давлатнинг роли кучаяди. Буни қуйидаги расмда кўриш мумкин (34-расм). Расмда шунини кўриш мумкинки, давлат иқтисодий субъ-




34-расм. Давлатнинг иқтисодга таъсири.

ект сифатида бошқа субъектлар билан доимий алоқада бўлади. У фирмалар ва уй хўжаликларидан солиқлар олади, аynи вақтда уларга товарлар ва ҳар хил хизматлар кўрсатади. Давлат пул билан ресурслар ва товарлар бозорига чиқади, у ердан керакли буюмлар ва хизматларни сотиб олади, чунки улар давлат қорхоналари ва идораларининг истеъмолини қондиради. Давлат қўлида катта пул маблағлари тўпланади. XX аср бошларида давлат бюджетига тушган маблағлар ЯММ нинг 5—10% га тенг бўлса, ҳозир у ривожланган мамлакатларда ЯММ нинг 40—50% га етиб қолган. Бу маблағ иқтисодий оборотга киричилади. Давлат ЯММ яратишда ва уни тақсимлаб, истеъмол этишда қатнашиб, иқтисодий мувозанатни таъминлашда иштирок этади. Давлат ўз сиёсати билан ҳам ишлаб чиқаришни ўстиришга, унинг таркибини ўзгартиришга, бинобарин, мувозанатларга таъсир этади.

Иқтисодийнинг мувозанатлашувида қуйидаги идеал натижалар кутилади (35-расм).

1. **Тўла иш билан бандлик.** Ишга талабгорларни иш жойи билан таъминлаб, уларнинг самарали меҳнат қилишига эришишни, шу билан биргаликда келажақда иқтисодийнинг ўсиши учун минимал меҳнат резерви қолишини билдиради. Иқтисодий ривожланган малакатларда тўла бандлик ишга талабгорларнинг 96—98% ишла-

Тўла банд бўлиш



КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР




НАРХЛАРНИНГ
БАРҚАРОРЛИГИ



ИНФЛЯЦИЯ
ИҚТИСОДИЙ ўСИШ

ТАШҚИН ИҚТИСОДИЙ
МУВОЗАНАТ



35-расм. Иқтисодни тартиблаш.

* Инфляциясиз деб ўқилсин.

гани ҳолда уларнинг 2—4% меҳнат резервида туришини билдиради. Тўла банд бўлиш — бу унумли иш билан банд бўлиш, яъни юсак меҳнат унумдорлигини таъминланган ҳолда, барча меҳнат ресурсларидан иқтисодий ўсиш йўлида фойдаланишни билдиради.

2. Инфляциясиз иқтисодий ўсишга эришиш умумиқтисодий барқарорликни билдиради. Иқтисодиёт бир маромда ўсиб боради, шунга мувофиқ равишда пул массаси ортади. Иқтисодий ўсиш фаровонликни таъминлаш учун етарли бўлади ва етарли даражада инвестиция билан таъминланади.

3. Нарх-наво барқарорлигига эришиш нархларнинг қотиб қолиши эмас, балки уларнинг ишлаб чиқариш ҳолати ва пул массасига мос равишда ўзгаришини билдиради. Нархларнинг мутлақ даражаси эмас, балки уларнинг нисбий даражаси барқарорлашуви керак, улар инфляция таъсиридан ҳоли бўлиши талаб қилинади.

4. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ифодаси бўлган тўлов балансида тенглик бўлиши керак. Экспорт ва ташқаридан келадиган бошқа тўловлар суммасига, импорт ва ташқарига кетадиган бошқа тўловлар суммаси мувофиқ бўлиши зарур. Мамлакатнинг хориждаги харажати ўша ердаги даромадига тенглиги талаб қилинади. Ташқи иқтисодий алоқалар мамлакатни абадий қарздор ва қарам қилмаслиги шарт. Ташқи қарз уни тўлай олиш даражасида бўлиши керак.

Айтилган натижалар уларга интилиш бўлишини билдиради, аммо уларга эришиш муқаррарлигини билдирмайди, чунки мувозанатларнинг ўзи абадул-абад бузилмай турмайди. Тараққиёт мувозанатларнинг бузилиши ва тикланиши, яна бузилиб ва қайтадан ҳосил бўлиш жараёнининг узлуксиз давом этишини билдиради. Шу сабабли иқтисодий ўсиш нотекис боради.

Мувозанатлашув иқтисодиётнинг тартибга туширилишини билдирадики, у ҳар хил йўллар билан амалга ошади.

4. Иқтисодиётни тартибланишнинг бозор механизми


Тарихан тартибсиз, ўзи бўларчилиқка асосланган, ёввойи иқтисодиётдан, тартибланиб турувчи, цивилизациялашган бозор иқтисодиётига ўтиш юз беради. Иқтисодиётни тартибланиш — бу ундаги турли бўғинлар фаолиятининг бир-бирига боғланиши ва мос ҳолда ривожланиб боришидир. Иқтисодиётни тартибланиш икки усулда юз

беради. Бире режали тартиблaш. Бунда хўжалик фаолияти ишдан-иғнасиғача бир марказдан туриб режалаштирилади. Нимани, қанча ишлаб чиқариш, уни кимга бериш, ташқаридан нимани олиш — буларнинг ҳаммаси давлат режасида белгиланади. Бу режалар корхона, тармоқ ва соҳалар учун мажбурий, улардан четга чиқиш мумкин бўлмайди. Режали иқтисодиётда эҳтиёж, ишлаб чиқариш ва ресурсларни боғлашга интилиш бўлса-да, бу кутилган самара бермайди. Гап шундаки, режалаштириш орқали корхона фаолиятини жамият талаб-эҳтиёжи билан боғлаш мушкул. Тартиблaшнинг режали усули тоталитар иқтисодий тизимга хос бўлади. Иқтисодиётни тартиблaшнинг бозор механизми, бозор усули ҳам мавжуд. Бу механизм бозор регулятори (тартиблaш воситаси) таъсирига асосланади. Регулятор орасида нарх етакчилиқ қилади. Нарх ўзгаришларига хўжалик фаолиятининг мослашиб бориши иқтисодиётни тартиблaб туради. Тартиблaшни ресурсларни жойлаштириш ва ишлатишнинг талаб-эҳтиёжга монанд юз беришидир.

Бозор механизми талаб ва тақлиф ўйинига, уларнинг мос бўлиш ёки бўлмаслигига асосланади ва нархда ўзини намойён қилади. **Нарх иқтисодий хатти-ҳаракатларни ўзаро боғлаб, иқтисодиётда координация (мувофиқлаштириш) вазифасини бажаради.** Нархнинг ошиши талаб ўсишини билдиради. Уни қондириш учун ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур, бунинг учун ўз навбатида янги ресурсларни ишга солиш, қўшимча маҳсулот олиш, уни сақлаш, ташиш ва истеъмолга етказиш керак бўлади. Бу ишни турли соҳалар ва корхоналар бажаради. Нарх ошиши қўшимча товар ишлаб чиқаришни манфаатли қилади, сабаби шуки, унда қатнашувчилар фойдани кўпроқ олабашлайдилар. Туфли етишмай қолиб, унинг нархи 3 мингдан 40 минг тенгача ошди, деб фараз қилайлик. Бунга жавобан туфли ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур. Бу ўз навбатида туфли яратиш учун керак барча машина, асбоб-анжом, хом ашё, материалларга талабни ошириб, уларнинг нархини ҳам кўтаради, натижада уларни ишлаб чиқаришдан манфаатдорлик пайдо бўлади. Транспорт, омбор хўжалиги ва савдо-сотиқ ишлари ҳам кенгайтирилади. Қарабсизки, турли соҳалар ва корхоналар ҳаракатга тушиб, туфли сотишни кўпайтириш мақсадида ўз фаолиятини бозор орқали боғлайдилар, шу йўсида координация юз беради, бозор воситасида ўзаро ҳамкорлик келиб чиқади. Талаб камайиб, нарх тушиб кетса, маълум маҳсулотни ишлаб чиқариш-

ни қисқартириш, унинг ўрнига бошқасини ишлаб чиқариш ҳаракати бошланади ва шу хусусда ҳам турли корхоналар ва тўрмоқлар фаолиятини координациялаш юз беради. **Нарх регулятор сифатида инстеъмолни ҳам координация этади.** Нарх ошганда харидорлар ҳаракати ҳам ўзгаради, улар товарларни кам оладилар, уларни бошқаларга ҳам қолдирадилар. Нарх пасайганда харидорлар товар нафлиги камайди деб ҳисоблайдилар ва уни бошқа товар билан алмаштирадилар. Натижада шу бошқа товарни ишлаб чиқариш рағбатлантирилади. Бозор иқтисодиёти товар ишлаб чиқаришга асосланган, бу товар ишлаб чиқариш эса ўз навбатида меҳнат рақсимоти-га таянадик, бу ишлаб чиқаришни чуқур ихтисослашувга олиб келади. **Ихтисослашув бозорга мослашни учун турли корхоналар фаолиятининг координациясини талаб қилади.** Ана шу координациялаш ишини нарх бажаради. Агар давлат нархга аралашиб, уни музлатса, яъни уни маълум миқдордан ортиқ бўлишини чеклаб қўйса, бозор мувозанати бузилиб, тақчиллик пайдо бўлиши турган гап. Буни қуйидаги чизмада кўриш мумкин (36-расм).

Нархнинг товар тақчиллиги ва кўпайишига таъсири



36-расм.

Эгри чизидан кўринадики, агар нарх 4 долларда музлатилиб, уни ошириш тақиқланса, 0 нуқтадан пастдаги учбурчак тақчилликни билдиради. Агар нарх қўйиб юборилса ва 7 долларга чиқса, маҳсулот чиқаришда ўсиш юз беради ва бу 0 нуқтадан юқоридаги учбурчакда ифода этилади. Нарх музлатилганда, уни ошириш орқали талаб ва таклифни мувозанатлаб, тақчилликни бартараф этиб, ўз навбатида бу нарх шароитида ишлаб чиқаришни ўстириб бўлмайди, чунки ишлаб чиқарувчи нарх пастлигидан зарар кўриши мумкин. Нарх ўсишини тўхтатиш истеъмолчиларнинг товар топиш учун кетадиган вақтини кўпайтиради, товар сотиш учун кетадиган вақтни эса қисқартиради, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги координация бузилади. Бунга сабаб тақчиллик бўлади.

Эркин бозорда товарлар нарх ёрдамида тақсимланади, яъни товар пулдорлар ва пули камларга ҳар хил, пулига қараб тегади, натижада пул топишга интилиш пайдо бўлади, лекин бу социал тенгсизликни келтириб чиқаради, бойлар товарнинг яхшисини ва кўпини олса, камбағаллар бунга эриша олмайдилар. Бозор нархга қараб капитал ва меҳнат ресурсларни керакли йўналишда қайта тақсимланишини таъминлайди.

Бозорда товарларнинг ортиқча бўлиши ҳам нарх билан боғлиқ. Нарх маъқул бўлмаганидан товарлар сотилмай, ортиқча ҳолига келади. Аммо ишлаб чиқариш миқёсини нарх билан тартибланганда, нарх пасайиши ишлаб чиқаришнинг қисқаришига ёки бошқа товар ишлаб чиқаришига ўтишга олиб келади, бунга ресурслар сафарбар этилади.

Иқтисодий фаолиятнинг бозор механизми таъсири остида тартибланиши асосан микроиқтисодий миқёсда юз беради.

Бу иш иқтисодиётнинг бирламчи бўғини бўлган корхона ва фирмадан бошланади. Яхлит иқтисодиёт мавҳум нарса эмас, балки корхоналар фаолиятининг бир-бири билан боғланиши туфайли вужудга келадиган ягона жараённинг боришидир. Маълумки, корхона, фирмалар фаолиятининг бозор орқали мослашиши **бозор координацияси** деб аталади. Корхона мустақил хўжалик юритувчи бўлса, меҳнат тақсимоти орқали бошқа корхоналар билан чамбарчас боғланган, аммо унинг алоқалари бозор орқали ўрнатилади, алоқалар бозор талабига қараб ҳамоханг боради. Бозор иқтисодиёти учун **микроиқтисодий тартибланиш бирламчидир**, унинг туб белгиси эса иқтисодий фаолиятнинг эркин бўлиши, унинг фақат талаб

доирасида чегараланишида кўринади. Корхонада товарнинг сотилиши ёки сотилмаслигини олдиндан билмай, кўр-кўрона иш бошлаш ёввойи иқтисодиёт белгиси ҳисобланади. Цивилизацияланган бозор иқтисодиётида корхона аниқ мақсадни кўзлаб, харажат-фойдани, кириш-чиқимни ҳисоб-кибот қилган ҳолда бозор учун ишлангани бошлайди. Корхона универсал ишлаб чиқарувчи эмас, албатта. У бир ёки бир неча товар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шу боисдан у ўз товарига бўлган бозор талабини ҳисобга олади. Мазкур талаб корхона иш юритадиган бозор сегментига жойланади ва шу ерда намён бўлади. Мана шунга назарда тутиб, корхона энг аввал нимани ва қанча ишлаб чиқариш зарурлигини аниқлаб, уни ресурслар билан таъминлайди. Бунда маҳсулотнинг капитал, меҳнат ва материал сифими ишлаб чиқаришдаги технология даражасига қараб аниқланади. Технологияга қараб, корхона сермеҳнат ёки серкапитал ишлаб чиқаришни режалаштиради.

Бозор талабига қараб, имкони борича, кўпроқ товар ишлаб чиқарилади, яъни ишлаб чиқариш миқёси кенгайтирилади. Бу билан корхона ўз фаолияти туфайли кўпроқ даромад кўришни мўлжаллайди, бунинг учун ишлаб чиқариш омилиридан фойдаланиш йўли танланади, яъни бунга капитал ёки меҳнат ҳисобидан ёки иккала омил ҳисобидан эришиш режалаштирилади. Корхона фаолиятида ишлаб чиқариш самараси муҳим, аммо унинг ортиб бориши мавжуд технология шароитида чекланган бўлиши ҳисобга олинади. Ишлаб чиқариш омилири маълум нуқтагача яхши натижа беради, шундан сўнг натижа пасая боради. Шунини инобатга олиб, корхоналар айтилган омилиларга самара энг юқори бўлгунга қадар пул сарфлайдилар.

Корхона бозорга ишлаганда, албатта, уни товарга тўйдиришни ўзининг бевосита мақсади деб қарамайди. Унинг мақсади фойда кўриш, лекин бунинг шарт талабни қондириш. Аммо бунинг ўзи кифоя қилмайди. Фойда миқдорини имкони борича кўнайитириш учун харажатлар сони кетмаслиги шарт.

Шу сабабдан корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўз товарининг бозордаги нархига ва харажатларига қараб белгилайди, ишлаб чиқариш омилирини эса харажатларни энг кам даражага келтиришни мўлжаллаб танлайди.

Бунда харажатлар маҳсулот ҳажмига нисбатан режалаштирилади, негаки бозор учун маҳсулот бирлигининг

сарф-харажати муҳим. Корхонанинг ўз сарф-харажатларини қисқартириши унинг фойда топишдан иборат корпоратив манфаатига мос тушибгина қолмай, балки жамиятдаги меҳнат тежамига ҳам кўмаклашади. Бу билан корхона иқтисодий тартибланишга ҳисса қўшади, яъни меҳнат сарфини эҳтиёж даражасига мослаштиради. Фирма рақобатдан бутун чиқиши учун эҳтиёжга кераклик товарларни кам меҳнат сарфлаб ишлаб чиқариши керак. Мана шу заруратни бозор механизми тақозо этади. **Бозор талабига риоя қилишнинг ўзи микрорықтисодни тартиблайди.** Бозор механизми айирбўшлаш орқали ишлаб чиқаришни истеъмол билан уйғунлаштиради. Фирма ёки корхонанинг иш режаси нафақат қисқа, балки узоқ даврга ҳам мослашган бўлиб, унда товарларни бозорга етказиш ва нархларни белгилаш ҳам назарда тутилади.

Энг аввал маҳсулот ишлаб чиқариш режага солинади, бунда истеъмолчини қониқтира оладиган, бозордаги рақобатга чидамли, бинобарин, ҳаётий қийли узун бўлган товарлар яратиш мўлжалланади. Товарни истеъмол этилиш усули ҳам аниқ белгиланади, чунки у харидор томонидан бутунлай сотиб олиниши ёки ижарага олиб, вақтинча ишлатилиши мумкин. Ишлаб чиқариш воситалари яратиш мўлжалланганда ҳам уларни кимлар олиши, қандай усулда ишлатилиши, уларни хизмат қилиш муддати, ҳамлаб қўйиш зарурати кабилар ҳисобга олинади.

Корхона бозор талабига тўла риоя этиши учун нимани ишлаб чиқаришни ҳал этишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунда муайян товар ёки товарлар тур-хили, товарнинг аниқ модели, маркаси ва катта-кичиклиги масаласи ҳам ҳал этилади. Корхона товарлар тур-хилини кенгайтиришига интилади, чунки улар қанчалик хилма-хил бўлса, шунчалик кўп харидор топиш мумкин. Бозорда мустаҳкам ўрин олиш учун корхона ўз товарлари диверсификациясини, яъни аниқ табақалашувини таъминлайди, чунки истеъмолчининг ўзи талаб ва харид қобилияти жиҳатидан табақалашган бўлади. Хуллас, корхона товар тур-хилини кенгайтириб бормаса, иши яхши юришмайди. Бозордаги рақобат корхонани сифатли ва хилма-хил товар чиқаришга ундайди, товарлар нархини эса турлича белгилашни талаб қилади. Рақобат талаби остида корхона шундай маҳсулот таклиф этиши керакки, уни истеъмолчи рақиб корхона товарларидан афзалроқ кўрсин. Афзал кўриш эса товарнинг эҳтиёжга мослигини билдиради. Товардаги эҳтиёжни қондира билиш хусусияти

унинг ҳаётий циклининг узун ёки қисқалигида кўринади. Бу цикл қанчалик узун бўлса, шунчалик товарни янги-мойи наф келтириши кўп бўлади, шунчалик корхона шухрати, бинобарин, оладиган фойдаси юқори бўлади. Шу боисдан корхона товар сифатига катта эътибор беришга мажбур. Бозор корхонанинг илгари чиқарган товарларини модификациялашга, янги товарлар яратишга мойил қилади, бинобарин, корхона доимий равишда новация билан машғул бўлади. Маҳсулотни модификациялаш қисман ёки кенг миқёсда бўлади. Мазкур товарлар бозор талабини қондира олмаса, мутлақо янги товар яратишга ўтилади. АҚШ олимларининг маълумотига кўра, бу мамлакатдаги фирмалар 1980 йилда чиқарган маҳсулотларнинг 70% модификациядаги, 20% қисман янгиланган, ниҳоят 10% тамомила янги маҳсулот бўлган.

Янгилик янгича талабни ҳосил этади, эҳтиёжни ривожлантиради, фирманинг мавқеини мустаҳкамлайди. Янги маҳсулотни яратиш эса фирма учун янги бозорни яратади. Фирмалар ўз мавқеини бой бермаслик учун кўпгина янгиликлар орасидан энг маъқулини танлаб олади, янги товар намуналарининг бозорда сотилишини синаб кўрган ҳолда уни оммавий ишлаб чиқаришга жорий этади. Бозор корхона фаолиятини ўзгараётган талаб-эҳтиёж томон буриш орқали унинг ишини тартибга туширади. Корхона шундай шароитда тусмоллаб, кўр-кўрона иш тутмайди, балки бозорга керакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни олдиндан мўлжалга олади. Корхона товар ишлаб чиқаришни талабга қараб кўпайтириб, зарур бўлмаганда қисқартириб бориши ресурсларнинг самарали ишлатилишини, яъни ресурс сарфига нисбатан талабнинг тўлароқ қондирилишини билдиради.

Бозор механизми маҳсулотни қандай меҳнат сарф қилгани ҳолда ишлаб чиқариш зарурлигини ҳам белгилайди. Бу ҳам тартибланишнинг бир усулидир. Бозорда нархнинг ўзгариб туриши корхона харажатларини нақадар ўринли эканини кўрсатади. Товар корхона мўлжаллаган нархда сотилмаса, у қутилган фойдани ола билмас, бу корхонада сарфлаган меҳнатнинг бир қисми зое кетганини билдиради. Бозор корхонани ўз сарфларини керакли даражага келтиришга ундайди, натижада у меҳнатни тежаш йўлларини қидириб топади. Бинобарин, корхонадаги меҳнат сарфини зарур миқдорга келтириш ҳам ишлаб чиқаришнинг тартибланишини билдиради. Корхона ўз товар нархини ўзгартириш орқали бозор шароити-

тига мослашади, шу мақсадда ўзининг нарх сиёсатини қўллайди. Нархни талабга қараб ўзгартириш товарларнинг туриб қолишини, бинобарин, сарфланган маблағларнинг ҳаракатсиз бўлишига йўл қўймайди. Бозорга қараб ишлаш, фирмалараро алоқаларнинг мунтазам бўлиши ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий ва пул ғамламаларини минимал миқдорга келтиради, натижада ресурсларнинг айланма ҳаракати тезлашади. Бу нафақат фирма, балки жамият учун ҳам фойдали. Бозор муносабатлари корхонадаги тайёр маҳсулот, хом ашё, ёқилғи, асбоб-ускуна ғамламаларини минимумлашувини, уларни керагича ишлаб чиқариш зарурлигини билдиради. Дарҳақиқат, бозор керакли молнинг ҳамма вақт топилшига кафолат беради. Бу ҳам корхонани бир метёрда ишлашга ундайди. Бозор корхона олдида қаттиқ талаб қўядики, у ўз маҳсулотини истеъмолчига айтилган вақтда қанда қилмай етказиб бериши керак. Акс ҳолда у тутуриқсиз ҳисобланиб, обрўсини йўқотади, ишончсиз бўлаб қолади. Бу корхона учун ҳалокат ҳисобланади. Шу бовсдан бозор иқтисодиётида мажбуриятларни бажариш юзасидан қаттиқ интизом ўрнатилади. Фирмалар савдо-сотик ишига ўта масъулият билан қарайдилар, товарни истеъмолчига етказиб беришни ҳам олдиндан режалаштирадилар. Бунда товарни бозорнинг қайси сегментига етиб бориши, сотилиш нархи, қайси усулда сотилиши белгилаб олинади. Фирмалар ўз товарини бевосита ўзлари ҳам истеъмолчига етказиб берадилар. Одатда бу усул ишлаб чиқариш воситаси бўлган товарларга нисбатан қўлланилади. Товарни истеъмолга етказиш йўллари ҳар хил. Фирмалар товар ҳаракатини тезлатиш учун бир вақтнинг ўзида бир неча йўлдан фойдаланишади.

Бозор бу йўлнинг камхарж бўлишини ва молни истеъмолчига қисқа вақтда етказишни талаб қилади, фирма ўзининг савдо-сотик фаолиятини шуни ҳисобга олиб уюштиради. Товар ҳаракати уюштирилганда истеъмолчига яхши хизмат кўрсатиб, уни рози қилишга катта эътибор берилади, рақобатда шундай қилинмаса, харидор пулини ўз товарига қаратиш мушкул. Бозордаги товар ҳаракатида истеъмолчига максимум қулайлик яратиш, товарни харид этиш ва истеъмол қилиш вақтини тежаш мақсадлари кўзланади. Истеъмолчида қониқиш ҳосил этиш фойда олишнинг бирламчи шарти ҳисобланади. Бас, шундай экан бунга эришини учун товар ҳаракатида қатнашувчи бўғинлар (корхона, улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари) ўз фаолиятини бир-бири

билан уйғунлаштириши шарт, аке ҳолда бозорда мақсадга эришиб бўлмайди.

Ишлаб чиқаришнинг бозор орқали истеъмол билан уйғунлашуви ҳам иқтисодни тартибланга хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг тартибланиши индивидуал талаб ва таклифларнинг ўзаро таъсири билан чекланиб қолмайди. Фаолият турларининг мослашуви макроиқтисодий даражада ҳам юз беради.

Ижтимоий талаб ва таклиф ҳам маълум мувозанатда бўлиши шарт, бу жамият эҳтиёжлари иқтисодий ўсиш орқали қондирилишини билдиради. Тартибланишнинг макроиқтисодий жиҳатлари икки йўл билан амалга ошади: биринчиси, бозор механизми воситасида тартибланиш; иккинчиси, давлат иштирокида тартибланиш. **Бозор регулятори ижтимоий ишлаб чиқаришни ижтимоий талабга мувофиқлаштириш орқали иқтисодиётни тартиблайди.** Индивидуал талаб-эҳтиёжлар ўзаро туташиб, ижтимоий талабни ҳосил этса, индивидуал ишлаб чиқаришлар ҳам биргаликда ижтимоий ишлаб чиқаришни вужудга келтиради. Ижтимоий талаб бозорда турли-туман талабларнинг яхлитлашувидир, уларни биргаликда қондириш учун алоҳидалашган ишлаб чиқариш бўғинлари ва соҳалари уйғунликда бўлиши керак. Унга жами иқтисодий фаолият турлари бозор талабини қондириш йўлида уюшиб, ягона жараёнга айланиши орқали эришилади. Иқтисодий регуляторлар микроиқтисодиётни тартиблашда яхши натижа беради, аммо ижтимоий, яъни макроиқтисодий даражада тўла-тўқис тартибланишни таъминлай олмайди. Бозор иқтисодиётида миллионлаб ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар қатнашадики, улар индивидуаллашган. Улар олдиндан келишилмаган хатти-ҳаракатлари билан бозорда иштирок этади. Бозор механизми уларни ўзаро боғласа-да, тўла мувофиқлаштира олмайди. Шу сабабли макроиқтисодий даражада номувофиқлик ҳам бўлиб туради. Фаолият турлари мувофиқлашганда барқарор иқтисодий ўсиш ўзаро мослашув издан чиқса, иқтисодий танглик юз беради. Макроиқтисодиётни тўла тартиблаб бўлмаганидан иқтисодий тангликлар вақт-вақти билан бўлиб туради.

Бозор механизми тўла тартибланиш таъминлай олмагани сабабли иқтисодиётга давлат аралашади, тартибланишнинг давлат механизми ишга тушади.

5. Давлат томонидан иқтисодиётнинг тартибга солиниши

Цивилизациялашган бозор иқтисодиёти мазмуна аралаш иқтисодиёт бўлар экан, бу ерда бозор регулятори ва давлат регуляторлари қўшилган ҳолда ва биргаликда амал қилади. Давлат мулк соҳиби, лекин унинг иқтисодиётда тутган ўрнини унинг мулкдаги ҳиссаси билан ўлчаб бўлмайди. Давлат мулкдор бўлгани учунгина эмас, балки ҳамма субъектлар манфаатини яқинлаштирувчи куч бўлгани учун ҳам унинг иқтисодиётни бошқаришдаги аҳамияти мулкдаги ҳиссасига қараганда анча катта-роқ. Давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви унинг муҳим функциясига айланади. Бу бежиз эмас, унинг илдизи ишлаб чиқаришнинг ижтимоий тус олиши билан боғлиқ. Иқтисодиёт кўпчилик субъектларнинг ўзаро боғланган фаолияти натижасидир. Иқтисослашув натижасида кўпгина меҳнат, бинобарин, ишлаб чиқариш функцияларининг алоҳидалашуви юзага келади, уларни, олдинги бўлимда айтганимиздек, бир-бирига боғлаш, яъни мувофиқлаштириш зарур. Бу ишда бозор механизми тўла-тўқис бажараолмаган вазифаларни давлат ўз зиммасига олади.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоийлашуви муқаррар бўлганидан макроиқтисодий миқдосдаги алоқа ва боғланишларни уюштириш ишини давлат ҳам ўз қўлига олади. Гап шундаки, фирмалар ва ташкилотларнинг корпоратив эгоизми, ўз манфаати борлиги сабабли уларнинг манфаати ҳамisha ҳам умумижтимоий манфаатларга мос тушавермайди. Тадбиркорлик хатари бор экан, фирмалар давлат кўмагига муҳтож бўладилар. Давлат тадбиркорлик эркинлигини, бозор қоидаларига амал қилишни назорат остига олади. У иқтисодиётни тартибга солишда фаол қатнашади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибдан деганда давлатнинг ўз чора-тадбирлари, ўзининг иқтисодий сиёсати орқали такрор ишлаб чиқаришга таъсир этиши тушунилади. Бу таъсир муттасил иқтисодий ўсиш ва оммавий фаровонликни оширишга қаратилади. Аммо унинг кучи ва қўлланиш миқдоси турлича. Агар Франция, Швеция ва Австрияда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кучли бўлса, Германия ва АҚШ да бу аралашув писбатан кучсиз.

Давлат иқтисодиётни тартиблар экан, микроиқтисодий фаолиятни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқаришнинг барқарорлашуви ва ўсишини таъминлаш, умумиқ-

тисодий мувозанатга эришиб, миллий иқтисодиёт келажаги учун йўл очиб, даромадларни қайта тақсимлаш воқеасида социал мувозанатга эришиш кабиларни мўлжаллайди.

Иқтисодиётни тартиблаш асосан тўрт шаклда юз беради: **қонун чиқариш, солиқ солиш, кредитга таъсир этиш, субсидиялар бериш.** Бу ишлар билан давлатнинг махсус маҳкамалари, қонун чиқарувчи органлар шугулланади. Давлат мулкчилиқка, тадбиркорликка, тижорат ишларига, молия-кредит фаолияти ва бошқаларга оид қонунларни ишлаб чиқади ва жорий этади. Бозор муносабатларининг ривожланиши қонун йўли билан кафолатланади, турли мулк шакллариининг дахлсизлиги таъминланади, монополияларга йўл берилмайди, эркин рақобатга шароит яратилади. Қонунбузарларга катта жарима солинади, уларнинг корхоналари ёпиб қўйилади, ҳатто улар жиноий жавобгарликка тортилади. Ўзбекистонда ҳам мулк, тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият, валюта тартиби, кредит-банк тизими, ер, фермер хўжалиги ҳақида ва бошқа қонунлар қабул қилинганки, улар иқтисодиётни тартиблашнинг юридик қоидаларини белгилайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат мулк соҳибни ва тадбиркор сифатида ҳам майдонга чиқади. Иқтисодий эркинлик давлат мулки монополиясини, иқтисодиётга нисбатан давлатнинг зўравонлик сиёсатини инкор этади, иқтисодиёт ўзига хос объектив қонунларга биноан ривожланади, аммо бу давлатнинг мулкдан тамомила ажралиб қолишини билдирмайди. Давлат мулки маълум меъёрда қолади, давлатни ўзига тегишли корхоналар ва ташкилотлар иқтисодий ҳаётда фаол қатнашадилар (16-жадвал). Иқтисодиётда шундай соҳалар борки, уларнинг умуммиллий, ҳатто халқаро аҳамияти катта бўлса-да, бу соҳага пул сарфлаш тадбиркорлар учун қулай бўлмайди, чунки ундан катта фойда олиб бўлмайди, сарф ўзини тезда оқламайди ёки бу соҳаларга гоят катта миқдорда пул талаб қилинади ва бу иш ўта хатарли ҳисобланади. Шундай шароитда катта пул сарфи хатарини давлат ўз зиммасига олади. Бу билан давлат халқ қўлидаги даромадни олиб, хатарли бўлса-да, умумжамият миқёсида зарур бўлган соҳаларга сарфлашга йўналтиради. Бу соҳаларга гоят серкапитал ва кам фойда келтирувчи ёқилғи саноати, энергетика, темир йўл транспорти, алоқа, металлургия, космик саноат кабилар киради. Буларнинг фаолияти-сиз умумиқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмайди. Умум-

Турли мамлакатларда давлат тадбиркорлигининг маҳсулот ва хизматлардаги ҳиссаси (1987 йил, % ҳисобида)

Мамлакат	Почта	Алоқа	Электро-энергетика	Газ саноати	Нефть қазиб олиш	Кўмир саноати	Темир йўл транспорти	Ўйлаб-ёритиш саноати
Буюк Британия	75	75	75	25	75	75	75	75
Франция	75	75	75	—	75	75	75	75
Германия	75	75	75	25	50	50	75	25
Япония	75	75	25	—	25	25	75	25
Швеция	75	75	50	—	—	—	75	75
АҚШ	75	75	25	25	25	25	25	25

иқтисодий, умуммиллий манфаат билан корпоратив манфаатларнинг чиқиша олмаслиги давлат тадбиркорлигини зарур қилиб қўяди. Давлат корхоналари ўз маҳсулотини арзон нархда ва қулай шарт билан корхоналарга сотиб, уларга кўмаклашади. Масалан, Франциядаги «Газ де Франс» давлат компанияси газни истеъмолчиларга арзон нархда сотиш орқали саноатни кам чиқим газ технологиясига ўтказишга кўмаклашган.

Давлат корхоналари атом ёқилғисини арзон нархда сотиб, атом энергетикаси ривожига ҳисса қўшадилар, улар аτροφ-муҳитни муҳофаза қилувчи технология харажатларини ўз зиммасига оладилар, халқ хўжалиги истиқболи учун зарур космик саноат харажатларини қўтарадилар. Айтилган сарф-харажатларни давлат солиқ ундириб олиш орқали қоплайди. Давлат тадбиркорлиги чексиз эмас, у маълум доирада амал қилади, яъни муайян технология шароитида хусусий капитал учун қулай бўлмаган корхоналар доираси билан чекланади. Технология ривожланиб, серчиқим соҳалар ҳам яхши фойда бера бошлагач, улар давлат тасарруфидан чиқиб, хусусий тадбиркорлик объектига айлантирилади.

Давлат тадбиркорлиги зиддиятли тусга эга. Бир томондан, у маълум шароитда иқтисодий ўсиш учун зарур; иккинчи томондан, давлат тадбиркорлиги вақт ўтиши билан самарасиз ҳам бўлади, чунки давлат молияси билан таъминланганидан корхоналар зарарсиз ишлашга

интилмайти, рақобат уларни шунга ундамайди. Шундай вазият содир бўлганда давлат тартиблашидан бозор механизми орқали тартиблашга ўтилади.

Давлат йўли билан тартиблаш иши серхаражат, масалан, АҚШ да бу иш йилига 100 млрд. доллар давлат сарфини талаб қилади. Сарф ўзини оқламай қолиши ҳам мумкин, шу сабабли иқтисодиётнинг давлат сектори қисқариб, унинг ўрнига хусусий сектор ривожланади. Ривожланган давлатларда 60—70-йилларда давлат сектори ўсиб борса, 80-йиллар ўртасидан бошлаб давлат тадбиркорлиги қисқарди, давлат мулкани приватизациялаш авжга чиқди.

Иқтисодиёт жабҳасида давлат истеъмолчи сифатида ҳам бозорга чиқади. Давлат буюртма бериб, керакли молларни қатъий баҳода сотиб олади, бу билан бозор ҳажмига таъсир этади. Давлат буюртмасини бажариш фирмалар учун қулай ишга айланади, чунки товарлар сотилиши, бинобарин, фойда олиниши кафолатланади, тадбиркорлик хатари кам бўлади. Бу бозорни кенгайтиради, чунки қўшимча пул харид воситаси сифатида бозорга ташланади. Масалан, давлат 50 млрд. долларлик буюртма берса, бунга зарур пулни солиқ орқали ундиради. Бу пул ўз эгалари қўлида жамғарилиши эҳтимолдан йироқ эмас, лекин у эгаси қўлидан давлатга ўтгач, харид воситасига айланади, бинобарин, 50 млрд. доллар бозор муомаласига тушиб, уни кенгайтиради.

Бозор тизимида тоталитар тизимдан фарқлироқ, давлат сиёсий зўрлаш орқали эмас, балки иқтисодий воситаларни қўллаш орқали ҳам ишлаб чиқаришга, ҳам истеъмолга таъсир этади. Давлат қўлида солиқлар ва бюджет каби иқтисодий воситалар бўлади. Солиқлар давлат хазинаси (бюджети) ни тўлдириш билан чекланмай, ишлаб чиқаришнинг ўсишини ёки қисқаришини таъминлайди. Истиқболли, экологик тоза технологияни жорий этиш учун давлат уни ишлаб чиқарувчи ва қўлловчи корхоналарни солиқлардан озод қилади ёки улардан оз солиқ ундириш билан қаноатланади. Бу тадбиркорлар ихтиёрида қоладиган фойдани, бинобарин, унинг реинвестиция этиладиган қисмини кўпайтиради. Инвестициянинг 1% ортиши 0,7% иқтисодий ўсишни таъминлайди деб фараз қилайлик. Фирма солиқдан озод этилса, унинг инвестицияси 15% га ортади, бу фирмага $10,5\%$ ($15 \times 0,7 = 10,5$) миқдорида иқтисодий ўсишни таъминлайди. Давлатнинг солиқ сиёсати ишлаб чиқариш структураси (таркиби)ни ўзгартиришни ҳам рағбатлантиради.

Иқтисодий ўсишни таъминловчи янги тармоқлар ва корхоналарга, айниқса, илмталаб соҳаларга давлат солиқдан енгиллик беради, айни бир вақтда эски анъанавий соҳаларни қисқартириш учун уларга солиқлар кўпроқ белгиланади. Масалан, электроника саноатига солиқ имтиёзи берилса, кўмир саноати ёки тўқимачилик саноатига имтиёз берилмайди, аксинча солиқ кўпайтирилади. Керакли ва истиқболли соҳаларни ўстириш учун бу соҳаларнинг даромадидан қатъи назар, уларга енгил солиқ қўйилади. Давлат солиқлари прогрессив характерга эга, яъни улар даромаднинг миқдorigа қараб турлича ундирилади. Бу ҳам ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришга хизмат қилади. Солиқлар миқдори иқтисодий вазиятга қараб ўзгартириб турилади. Иқтисодий танглик юз берса, солиқ камайтирилади, натижада корхоналарнинг инвестициялаш имкони кенгайди, бу эса иқтисодиётни жонлантиради. Барқарор иқтисодий ўсиш шароитида солиқлар миқдори оширилади, бу ишлаб чиқариш ривожига халақат бермайди, чунки фойда кўп бўлиб, унинг солиқдан ортиб қолган қисми ҳам катта бўлади, бинобарин, инвестиция имкони чекланмайди.

Давлат иқтисодиётни тартиблашда бюджет маблағларидан фойдаланади. Бу субсидия бериш орқали амалга оширилади. Субсидия давлат бюджетидан тadbirkorларга аниқ мақсад йўлида ишлатиш учун бериладиган маблағдир. Иқтисодий ўсиш учун зарур, ammo фирмалар учун қулай бўлмаган тadbirlарни ўтказиш, масалан, янги технологияни жорий этиш, экологик мувозанатни таъминлаш, узоқ даврда ўзини оқловчи ишларга пул сарфлаш, фундаментал-назарий тadbirkot ишларини ўтказиш учун давлат субсидиялар ажратади. Субсидия давлатнинг молиявий ёрдами бўлиб, бюджетга қайтариб берилмайди. Субсидия орқали давлат фирмаларга мадад беради, у айниқса, молиявий санация (соғломлаштириш) воситаси сифатида муҳим роль ўйнайди. Субсидия ёрдамида давлат бозордаги таклифга ҳам таъсир этади. Корхоналар маҳсулотни бозорга чиқармай ғамлаб турганлари учун ҳам субсидия оладилар. Шу йўл билан улар товарларни муддатидан ортиқча сақлаш харажатларини қоплайдилар. Жаҳон бозорида миллий манфаатни ҳимоя қилиш учун ҳам субсидия қўлланилади. Дупё бозорида нарх пасайган шароитда товар экспортини тўхтатиб турган фирмалар ҳам давлатдан субсидия оладилар. Масалан, кофе, пахта ёки дон экспортини тўхтатганлар ёки қисқартирганларга давлат субсидия беради

(бу айниқса, АҚШ қишлоқ хўжалигида кўп қўлланилади).

Давлат зарур иш билан шуғулланувчи, лекин янги, ҳали молиявий заиф фирмаларни ҳам субсидия орқали қўллайди. Субсидиялар давлат дастурлари ва тавсияларига биноан иш тутган фирмаларга ҳам берилади. Масалан, кам ривожланган ҳудудларга давлат дастурини бажариш учун капитал солган фирмалар субсидиялар билан сийланади. Хуллас, субсидия иқтисодий тартиб-лашга хизмат қилувчи молиявий воситадир.

Давлат бож пули ва экспорт лицензиялари орқали ҳам иқтисодийга таъсир кўрсатади. Импорт учун бож пулини ошириш мамлакат ички бозорига хорижий товарлар кириб келишини чеклаб, уларнинг рақобати хавфидан миллий бозорни ҳимоя қилади. Масалан, АҚШ ҳукумати ўз автомобиль саноатини ҳимоя қилиш учун Япония автомашиналари импортига катта бож ҳақи белгилаган. Экспорт лицензиялари бозорнинг кенгайишини билдиради. Экспорт ўсса, мамлакатга келадиган валюта тушуми кўпайиб, бу валюта иқтисодий мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлат хорижий капитал соҳибларига мамлакат бойликларини ишлаш юзасидан концессия лицензиялари беради. Бу иқтисодий ўсишга чет эл капитали қўшадиган ҳиссани оширади.

Давлат иқтисодийга кредит тизими орқали фаол таъсир этади. Бунда ссудага бериладиган пул миқдорини ўзгартириш учун процент воситасидан фойдаланади. Мазлумки, кредит муносабатида марказий банклар марказий резерв тизими вазифасини ўтайди, улар давлат таъсирида бўлади. Давлат кредитга бўлган талаб ва таклифни марказий резерв тизими орқали ўзгартиради. Бу иш уч йўл билан амалга ошади.

Биринчи йўл. Давлат марказий резерв тизими орқали банклар маблағининг қарзга бериладиган ва резервда турадиган қисмлари улушини ўзгартиради. Резерв оширилса, кредитга ажратилган маблағ қисқаради ва аксинча, резерв камайтилса, мазкур маблағ кўпаяди. Натичада қарзга бериладигани пул миқдори ўзгаради, яъни пул кўпайса, унинг таклифи ошади, бинобарин, процент камаяди, аксинча, у қисқарса, таклиф камаяди, демак процент ошади. Процентнинг камайиши кредитни арзонлаштиради, унга интилишни кучайтиради, олинган қарз эса инвестицияга жойлаштирилиб, иқтисодий ўсишни таъминлайди. Процентнинг ортиши кредитни қиммат-

лаштириб, унга камроқ ундайди, бинобарин, инвестиция қисқаради, иқтисодий ўсиш сустлашади.

Иккинчи йўл. Марказий резерв тизими ўзи бошқа банклардан оладиган процентни ўзгартиради. У бошқа банкларга наст процент ҳисобидан қарз бериб, уларга молиявий ёрдам кўрсатади. Имтиёзли қарз олиш банкларга қувват берганидан улар кредитлаш ишида фаол қатнашиб, иқтисодий ўсишга таъсир эта оладилар. Аммо айтилган йўл иқтисодиётга кучли таъсир кўрсата олмайди, чунки банклар олган имтиёзли қарз жамики қарз пулининг кичик бир қисмини ташкил этади, холос. Шу сабабдан бошқа таъсирчан йўлга ўтилади.

Учинчи йўл. Давлат марказий резерв тизими орқали ҳазина векселларини (мажбуриятларини) тарқатади, ўз заёмларини сотади ёки қимматбаҳо қозғаларни сотиб олади. Давлат векселларни банкларга ёки бошқа молия ташкилотларига сотиш орқали уларнинг маблағини ўз ихтиёрига олиб, қарзга бериладиган пул миқдорини қисқартиради. Векселларни харид этиш орқали эса, давлат уларнинг қарз пули миқдорини оширади. Худди шундай ҳодиса давлат заёмлари облигациясини сотиш ва сотиб олишда ҳам юз беради. Натижада қарзга таклиф этилган пул миқдори ўзгариб, бу процентга таъсир этади, бинобарин, қарзга олиниб ишлаб чиқаришга солинадиган пул суммасининг кўпайиб ёки камайиб туриши иқтисодиётга таъсир этмасдан қолмайди. Давлатнинг пулга бўлган талаб-таклифни ўзгартириш борасидаги сиёсати **монетар сиёсат** деб юритилади.

Шу сиёсатни ўтказиш орқали давлат иқтисодиётни тартиблайди.

Давлат **антиинфляцион** тадбирлар билан ҳам иқтисодиётга аралашади: инфляцияни юмшатиш учун иш ҳақи ва нархларни тутиб туриш, «музлатиш» йўлидан боради. Уларни ошириш қонун йўли билан тақиқланади ёки маълум доира билан чекланади, масалан, ойига иш ҳақи кўп деганда 10% ошиши мумкин деб белгиланади. Инфляция сустлашуви инвестицияга рағбат беради. Гап шундаки, шиддатли инфляция шароитида пулни ишлаб чиқаришга инвестициялаш ўта хавфли, қўйилган пул натижа бериб улгурмасдан ўз қадрини йўқотиши мумкин. Шу сабабли инвестицион фаолликни чақиритиш учун инфляция шиддатини пасайтириш зарур. Инфляция суръати инвестицияланадиган пулга катта хавф солмайдиган даражада бўлиши зарур. Шунини ҳисобга олиб давлат антиинфляцион тадбирларни амалга оширади.

Иқтисодий тартибловчи воситалардан яна бири давлат томонидан иқтисодий келажакни олдиндан тахминлаш (прогноزلан) ва уни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиб, ҳаётга тадбиқ этиш ҳисобланади. Давлат буюртмасига биноан иқтисодийнинг узоқ ва қисқа муддатларга мўлжаллаган илмий прогнозлари тузилади. Прогнозларда ресурслар, технология, ички бозор ҳажми ва таркиби, экспорт ва импорт, давлат харажатлари, ишлаб чиқариш структураси (таркиби) ўзгаришлари математик моделлар асосида ҳисоб-китоб қилинади, иқтисодийнинг қайси йўналишда ривожланиши аниқланади. Прогнозлар 10—25 йилни, ҳатто 40 йиллик истиқболли ўз ичига олиши мумкин. Масалан, «Келажакда АҚШ ресурслари» деган прогноз тузилган бўлиб, унда 1960—2000 йиллар мобайнида АҚШ иқтисодийнинг истиқболлари белгиланган эди. Прогнозлар билан боғлиқ ҳолда давлатнинг иқтисодий дастурлари ҳам ишлаб чиқилади, улар умумий ёки хусусий характерда бўлади. Дастурларда аниқ бир иқтисодий вазифани ҳал этиш кўзда тутилади (масалан, техника тараққиёти, экологик мувозанати сақлаш, қолоқ минтақалар иқтисодини ўстириш, инвестициялар масалалари бўлиши мумкин. Булардан ташқари умумиқтисодий дастурлар ҳам яратилди. 80-йилларда АҚШ иқтисодий президенти Р. Рейган номи билан боғлиқ дастур асосида рағбатлантирилган. Бу дастурда давлатнинг социал харажатларини қисқартириш, тадбиркорлардан олинadиган солиқни камайтириб, инвестицияни жонлантириш, экспортни кучайтириш кабилар мўлжалланган. АҚШ нинг 90-йиллардаги ривожини Президент Б. Клинтон иқтисодий дастури билан боғламоқда.

Дастурлар иқтисодий соҳада фирмалар фаолиятига оид тавсиялардан иборат бўлади, улар мажбурий эмас, аммо дастурий тадбирларни қабул этиб, уларга биноан иш тутиш давлат томонидан рағбатлантирилади. Давлат тавсияларига риоя этганлар давлатдан қулай буюртма оладилар, уларга субсидия ва лицензиялар берилди, улар солиқдан сийлов олишади ва ҳ. к. Бинобарин, дастурларнинг бажарилиши иқтисодий воситалар билан таъминланади.

Давлат иқтисодийга ўзининг социал сифати билан ҳам таъсир этади. Бу асосан икки йўл билан амалга оширилади. Биринчидан, давлат ўз маблағи билан малакали иш кучини тайёрлашда қатнашади. Давлат ҳисобидан ҳамма учун бепул умумий таълим берилди, маълум

тоифа бепул олий таълим олади, бепул тиббий хизматлардан фойдаланади, имтиёзли уй-жойга эга бўлади. Давлат ҳисобидан аҳолини янги касбларга ўргатиш жорий этилади. Шу сабабли халқ таълими харажатлари, давлатнинг харажатларида салмоқли ўрин тутаяди. Масалан, 1986 йили АҚШ да маҳаллий ҳокимиятларнинг халқ таълимига сарфи 168 млрд. долларни, яъни жами сарфларнинг 43% ни ташкил этади. Булардан ташқари марказий ҳокимият таълим, соғлиқни сақлаш учун 62 млрд. доллар сарф қилган. АҚШ ҳукуматининг таълим ва соғлиқни сақлаш учун қилган жами сарфлари мамлакат миллий даромадининг деярли 8% ни ташкил этган.

Иккинчидан, давлат ўз бюджети доирасида шахсий даромадларни қайта тақсимлаб, бой тоифа ҳисобидан камбағалларни таъминлаб туради. Бу билан синфий кураш бартараф этилади, социал тоғувлик ва муроса қарор топади. Бу эса иқтисодий ўсишга қулай шароит яратаяди.

Давлат ишсизликни қисқартириш чораларини кўриб, аҳолини социал ҳимоя қилади. Давлат маблағи ҳисобида турли жамоат ишлари, масалан, ободончилик, шаҳарларни тозалаш ишлари ўтказилади, давлат иш жойини кўпайтирган, бир жойда икки кишини олиб, қисқартирилган иш қунида ишлатиб, иш ҳақи тўлаган фирмаларга солиқ имтиёзи беради. Пенсияга чиқиш ёшини қисқартириш йўли билан иш жойлари бўшатилиб, уларга ишсизлар қабул қилинади. Давлат ҳисобидан ишсизларга нафақа берилади, моддий муҳожиликда яшовчиларга ёрдам кўрсатилади. Давлатнинг социал дастурларига катта миқдорда пул ажратилади. 1990 йилда ривожланган мамлакатларда давлатнинг социал сарф-харажатларининг ялпи миллий маҳсулотдаги ҳиссаси қуйидагича бўлади: АҚШ да—11,5%, Японияда—11,2%, Германияда—19,3%, Францияда—23,5%, Буюк Британияда—19,7%. Иқтисодиётни тартибланишнинг бозор механизми ва давлат механизми маълум нисбатда бўлгандагина иқтисодиёт барқарор ривожланиб, социал тўқнашувларга ўрин қолмайди. Бу нисбатнинг миқдорий ўлчамлари йўқ, албатта. Бир мамлакатда давлат иқтисодиётга фаол аралашса, бошқа мамлакатда аксинча, бозор механизми таъсирчан бўлади. Тартибланишнинг икки жиҳати назарияда ҳар хил талқин этилади. Бир гуруҳ иқтисодчилар иқтисодиётни давлат томонидан фаол тартибланиши тарафдори бўлсалар, бошқа гуруҳ давлат бозор механизмига йўл бериб, ўзи иқтисодиётга кам аралашсин деб тавсия

берадилар. Аммо барча назарийтчилар иқтисодиёт тартибланиши зарурлигини қайд этадилар. Кўнчилик назарийтчилар иқтисодиётнинг тартибланиши унга хос мувозанатни ҳосил этиб, иқтисодий барқарорлик келтиришини асослаб берадилар.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Умумиқтисодий оборот дегани нима ва унда кимлар қатнашади?
2. Иқтисодиётда қандай мувозанатлар бор?
3. Мувозанатларга қандай усуллар билан эришилади?
4. Мувозанатлангудан қандай идеал натижа кугилади?
5. Бозор координациясини қандай тушунасиз? Унинг амал қилишини мисоллар ва ҳисоб-китоб билан изоҳлаб беринг.
6. Нима сабабдан нарх иқтисодиётдаги асосий регулятор бўла олади?
7. Микроиқтисодиётнинг тартибланиши нималарда кўриниши мумкин?
8. Корхона, фирма ўз фаолиятини нимага қараб режалаштиради? Режада нималарга асосий эътибор берилади?
9. Нима сабабдан фирмалар ўз фаолиятини мувофиқлаштиришга интиладилар?
10. Бозор координациясининг афзаллиги нимада, нуқсонлари қандай?
11. Бозор механизмининг тартибловчи функциясини микроиқтисодиёт доираси билан чеклаш мумкинми?
12. Нима сабабдан давлат иқтисодиётни тартиблашда қатнашади?
13. Давлат иқтисодиётни тартиблашда қандай воситаларни қўллайди?

XX БОБ

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИ

1. Аҳоли даромади ва унинг таркиби

Ҳозирги ривожланган мамлакатлардаги цивилизациялашган бозор иқтисодиёти ёввойи бозор иқтисодиётидан ўзининг социал йўналиши билан фарқ қилади. Бу йўна-

лиш, мўлжал оммавий фаровонликни таъминлаш бўлиб, аралаш иқтисодийнинг бош қонунидан келиб чиқади. Бу қонунга қўра, аралаш иқтисодий шартотида иқтисодий ўсиш ҳамманнинг турмуш фаровонлигини оширишга қодир бўлади ва шунга қаратилади, аммо бунга бозор механизмига хос бўлган воситалар орқали эришилади.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш каби, товар ишлаб чиқариш (бу бозор иқтисодиёти асоси) ҳам шировард натижада жамият аъзоларининг тирикчилик эҳтиёжини қондиришга қаратилади. Аммо бунга ўз-ўзидан эмас, балки ишлаб чиқарувчиларнинг пул топиш ёки имиж (обрў, шуҳрат, нуфуз) га эга бўлишдек манфаатларини юзага чиқариш орқали эришилади. Бозор механизми товарлар тўкинчилигини ҳосил этади. Юксак ривожланган ишлаб чиқариш цивилизациялашган бозор иқтисодиётига хос, унинг етуклигини билдиради. Техника-технология ва иш кучи сифати, менежмент иши шундай даражага чиқадики, у тўкинчиликни таъминлайдиган меҳнат унумдорлигини бера олади. Меҳнат унумдорлиги моддий соҳада ишловчилар сони қисқаргани ҳолда кўллаб ва хилма-хил товарлар ва хизматлар яратиш имконини беради, улар миқдоран ва таркиби жиҳатидан энг зарур ҳаётий эҳтиёжининга эмас, балки юксалиб, янгилашиб бораётган эҳтиёжларни қондиришга қодир бўлади. Юксак ишлаб чиқариш иқтисодиётда инсонпарварлик принциплари амал қилиши учун моддий замин ҳозирлайди. Аммо фаровонликни таъминлашдек инсонийлик қондаси амал қилиши учун жамиятнинг иқтисодий тизимда ҳам сифат ўзгаришлари бўлиши шарт. Маълумки, бозор иқтисодиётининг бир қатор принциплари азалдан ривожланиб келган, улар ёввойи иқтисодий босқичида ҳам мавжуд бўлган, лекин улар иқтисодиётдаги моноструктура туфайли инсонийликни юзага келтираолмаган. Моноструктурага хос бўлган бир мулк ҳукмронлиги ишлаб чиқаришни мулк эгаси манфаатига боғлаб қўйган. Мулкнинг демократиялашуви мулкдорлар доирасини кенгайтиради, хилма-хил мулклар пайдо бўлиб, улар мувозанат сақлашга хизмат қилади. Мухими — **мулкдорларнинг мулкдорларга айланишидир.** Ёввойи иқтисодиётда мулк озчилик қўлида тўплангани ҳолда, кўпчилик меҳнат аҳлининг ўз иш кучидан бошқа мулкни бўлмайдди. Маърифатли бозор иқтисодиётда кўпчиликда бўлган мулк — иш кучининг аҳамияти беқиёс ошиб кетади, малакали иш кучи ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи ўрин тутаяди. Иш кучи соҳиб-

нинг юксак эҳтиёжини қондирмасдан туриб, ишлаб чиқариш ўса олмайди. Иш кучи инсон омили демакдир, уни ривожлантиришга маблағ қўйиш маблағларни жойлаштиришнинг энг қулай усулига айланади. Бундан ташқари иш кучи соҳиблари бешқа мулкнинг эгаларига ҳам айланади. Ишлаб чиқариш ўсиши билан меҳнатчиларнинг даромади уларнинг жорий истеъмоли сарфларидан ортиб қолади, шу ортиқча қисм ҳисобидан акция ва облигация сотиб олиш орқали улар корхоналардаги мулкнинг шеригига айланадилар. Ҳиссадорлик мулкни оммавий тус олиб, аҳолининг тобора кенг қатламлари мулкдорларга айланадилар. Тўғри, мулкдаги ҳисса ҳамма учун бир хил бўлмайди, бинобарин, мулкий тенгсизлик мавжуд, лекин барибир кўпилик ҳар хил даражада бўлса-да, мулк соҳибига айланади. Корхоналар айрим мулкдор қўлидан чиқиб, ишчи-хизматчиларнинг ёки улар оммавий таъжиротининг, масалан, қасаба уюшмасининг мулкига айланади. Меҳнат ва мулк функциясининг оддий фуқаро қўлида жамланиши иқтисодийни инсонийлик принципларига бўйсундиради. Хуллас, ривожланган бозор иқтисодиёти шароитидаги моддий ва мулкий ўзгаришларнинг юз бериши ишлаб чиқаришга фаровонликни оширишдек аниқ социал йўналиш беради. Мазкур мўлжал икки йўл билан таъминланади: биринчидан, мулк соҳибларининг иқтисодий фаоллиги орқали. Мулк эгаси мулк нимадан иборатлигидан қатъи назар (иш кучи, ер, пул, машина, иморат — бунинг фарқи йўқ) ўз мулкнинг самарали ишлатилишини таъминлаб, фаровонлигини ошириб боради, иккинчидан, давлат даромадларини қайта тақсимлаб, ўзига тўқлар даромадининг бир қисmini олиб аҳолининг ночор табақаларига беради. Натижада оммавий фаровонлик ошади. Бозор иқтисодиёти қондаларидан бири бозордаги талабга ишлан, уни қондиришдан иборат. Шундагина пул топиш, бойлик орттириш мумкин. Талаб-эҳтиёжни қондиришдек йўналишда ишлан тадбиркорликнинг муҳим шарт, хусусий манфаатни юзага чиқариш, обрў-эътиборли бўлиш воситаси ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ривожланган жамиятда нуфузли иқтисодий фаолият қонуни келиб чиқади. Бу қонунга кўра, иқтисодий фаоллик негизда пул топиб, бой бўлиш эмас, балки жамиятда нуфузли, обрў-эътиборли бўлиш, ўз нуфузи билан ном чиқариш ва шу йўсинда ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топа билишга интилиш мақсади ётади. Аммо шундай принцип амал қилиши учун иқтисодиёт гоёй ривожланган бўлиши, маълум тоифа аҳоли қўлида

катта бойлик тўпланиб, уни оширишга интилиш мумкинлиги кўнайтиргандан кўра, уни умуминсоний манфаат йўлида савобли иш учун сарфлаш, хайр-эҳсон учун ажратиш, саҳий ва ҳотамтой инсон бўлиш афзал бўлади. **Нуфузли иқтисодиёт қондалари қанчалик кенг амал қилса, шунчалик оммавий фаровонлик юз беради.** Ривожланган мамлакатлар бой бўлганидан, у ерда оч қолиш деган гап умуман йўқ. Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар инсоннинг оч қолишига йўл қўймайди, чунки унинг олдини олиш учун жамият бойлиги етарли бўлади. Қайсики, жамият фуқароси тўқ, бой бўлса, шу жамият бой ва истиқболли жамият ҳисобланади. Фаровонликни моддий жиҳатдан ишлаб чиқаришни таъминлайди, унга эришиш тақсимот орқали амалга оширилади.

Кишилар яратилган маҳсулотдан ўзига тегадиган қисмини пул шаклида, яъни пул даромади шаклида оладилар. Бу даромадга ноз-неъматлар бозордан харид этилади ва шу йўл билан эҳтиёж қондирилади. Ишлаб чиқариш чуқур ихтисослашганидан, кишилар бир-бирларига керакли маҳсулот яратиб, уни айирбонлайдилар. Шундай маҳсулотлар борки, уларни бўлиб-бўлаклаб истеъмол этиш мумкин эмас, улардан фақат биргаликда баҳраманд бўлиш мумкин. Масалан, самолёт, трамвай, автобус ёки сунъий қўл, каналли олайлик, уларни яқка истеъмол этилиши мумкин эмас, улар хизматида биргаликда фойдаланиш мумкин. Айрим киши ўзи яратган маҳсулотни кўн ҳолларда ўзи истеъмол эта олмаслиги ҳам шу маҳсулотдаги ҳиссасини пул шаклида олишини ва унга керакли буюмлар харид этилишини тақозо этади.

Ҳар бир киши истеъмол этадиган буюмларнинг эквиваленти бўлган пул даромади — тақсимот категориясидир. Бозор ҳўжалигида тақсимотнинг ўз принциплари борки, улар ресурсларнинг маҳсулот ва хизматлар яратишдаги ҳиссасини ҳисобга олади. Капитал, тадбиркорлик қобилияти, иш кучи ва ердан иборат ресурслар эгалари ўз ресурсларининг ишлаб чиқариш омили сифатида иқтисодиётга қўшган ҳиссасига қараб даромад оладилар. Даромад олиш учун ресурсларнинг фақат моддий соҳада амал қилиши шарт эмас, улар номоддий ишлаб чиқаришда, турли хизматлар яратишда иштирок этсалар ҳам уларнинг эгалари даромад олишга ҳақлидир, чунки бу билан ҳам жамият эҳтиёжи қондирилади. **Бозор иқтисодиётига хос тақсимот қонунига кўра моддий неъматлар ва хизматлар ресурслар берган пировард натижасига қа-**

раб, уларнинг эгалари ўртасида тақсимланади. Айтилган тақсимот қонунини бозор иқтисодиёти учун ижтимоий адолат принциплари белгилайди. Улар даромадни чеклашни инкор этадилар. Уларга биноан даромадлар ҳар бир ишлаб чиқариш омили самарасига қараб, чексиз ўсиб бориши мумкин. Тақсимот қонунига биноан иш кучи соҳиби иш ҳақи олади, капитал эгаси фойда, пул эгаси процент ва дивидент олади, ер эгаси рента олади, менежер ҳам фойда, ҳам иш ҳақи олади, ўтмишдаги меҳнат ва хизматлар учун пенсия тўланади. Тақсимотнинг бозор принциплари ҳукмрон бўлса-да, жамиятда унинг **нобозор қоидалари** ҳам амал қилади. Ногиронлар, камбағаллар, бошпанасизларга ёрдам кўрсатиш тақсимотдаги ижтимоий хайр-аҳсон принципи бўлиб, унинг бозор қонунларига алоқаси йўқ, балки жамиятдаги инсонийлик муносабатларининг маҳсули ҳисобланади. Бозор тақсимотига **эквивалентлик**, яъни омиллар берган натижага монанд равишда даромад ажратиш хос, аммо **ноэквивалент тақсимот** ҳам мавжуд. Давлат даромадининг бир қисмини ўз ихтиёрига олганда тақсимлаш муносабати юз беради, аммо эквивалентлик бўлмайди, чунки давлат даромаддаги ўз ҳиссасини иқтисодий ўсишдаги хизматларига тенг миқдорда эмас, балки умумдавлат талаб-эҳтиёжини қондириш зарурлиги учун олади.


Ресурс эгаларининг даромади уларнинг ишлатилиш самарадорлигига боғлиқ ва унинг мезонини бозор аниқлайди. Самарадорлик мезони эса бозор талабининг қондирилишидир. Ресурслар ёрдамида талабгир товар қанчалик кўп яратилса, шунчалик пул кўп топилади, шунга биноан даромадлар ҳам кўпаяди. Ресурслар бозор нуқтаи назаридан самарали ишлатилмаса, табиийки, даромад келмайди. Ернинг ҳосилдор ёки қазилмага бой бўлиши ҳали ўз-ўзидан ер эгасига катта даромад бермайди. Даромад ердан олинган ҳосил ёки қазилмага бўлган талабга боғлиқ, уларга талаб бўлмаса, ер қанчалик унумли ва қанча бой бўлмасин, барибир, даромад олинмайди. Масалан, Қувайт нефть қонлари дастлаб тошилганда бозорда шу нефтга талаб бўлмаганидан, даромад келтирмаган. 70-йилларда нефтга талабнинг тез ошиб кетиши Қувайтга катта даромад келтириб, уни бой мамлакатга айлантиради. Ишчи қанчалик унумли ишламасин, у яратган товар бозорда ўтмай қолса, яхши даромад кўра олмайди. Хуллас, **даромад бозорнинг ресурслар сарфини нақадар тан олишига боғлиқ.**

Даромадлар манба жиҳатидан фарқ қилади. Иш ҳа-

қининг манбаи зарур маҳсулот бўлса, фойда, рента, процент ва дивиденднинг манбаи қўшимча маҳсулотдир. Бир субъект ҳар хил манбадан даромад кўриши мумкин. Масалан, ишчи ишлагани учун иш ҳақи, акция эгаси бўлгани учун дивиденд олади. Ер эгасига мулкдор сифатида рента пули тегади, уни банкка қўйиб процент ҳам олади. Менежер ҳам иш ҳақи, ҳам корхона кўрган фойдадан улуш олади, чунки у тадбиркорлик қобилияти учун ҳам даромад кўради.

Даромадлар ўз эгаси ихтиёрига келиб тушиши шакли жиҳатдан ҳам турлича бўлади. Пул даромадидан ташқари **натура даромади** ва имтиёз шаклидаги даромад ҳам мавжуд. Деҳқон (фермер) хўжалигида маҳсулотнинг бир қисми бозорга тушмаган ҳолда, шу ернинг ўзида истеъмол этилади. Бу натурал даромад, айниқса, томорқа хўжалигига хос. Масалан, томорқа соҳиби асосий ишлаган жойидан пул шаклида йилига 12 минг сўм даромад олса, ўз хўжалигидан ҳам 3 минг сўмлик пул даромади олади. Шунингдек, моддий (натура) шаклида 1500 кг ҳар хил маҳсулотни ҳам истеъмол этади, уни пулга чақсақ 2 минг сўм бўлади.


Бепул медицина хизматидан баҳраманд бўлиш, бепул билим олиш ёки касб ўрганиш ҳам **натура-хизмат шаклидаги даромад**. Маълум тоифа аҳоли квартира ҳақи, коммунал хизмат ва транспорт ҳақи бўйича **имтиёзга** эга. Булар ҳам даромад. Айтилган хизматларнинг ҳақиқий нархи билан имтиёзли нархи ўртасидаги фарқни муайян аҳоли гуруҳлари нақд пул шаклида олмайди, лекин арзонлаштирилган хизматлардан фойдаланиб даромад кўради. Аҳоли талон билан арзонлаштирилган нархда товар олганда ҳам даромад кўради. Даромаднинг хилма-хил бўлишини қуйидаги расмдан кўриш мумкин.



37-расм.

Даромад унсурларининг ўзаро муносабати ва уларнинг маълум нисбатда бўлиши даромаднинг таркибий тузилишини ташкил этади. Бу тузилиш турли даромадлар шаклининг ҳиссаси турлича бўлиши билан характерланади. Даромадлар тизимида иш ҳақи асосий ҳисобланади, чунки аҳоли даромадининг катта қисми (АҚШ да деярли 75%) унинг улушига тўғри келади. Иш ҳақи иш кучи эгасининг ўз меҳнати натижаси учун оладиган ҳақи бўлиб, иш кучи соҳибининг тирикчилик воситалари нарҳини ифодалайди. Иш кучи соҳибининг ўзи ва оиласининг тирикчилиги учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва хизматларнинг нарҳи иш ҳақи учун асос бўлади. Аммо яхши наф келтирувчи иш кучига талаб юқори, бинобарин, иш ҳақи ҳам юқори туради. Меҳнат қанчалик юқори унум берса ва у яратган товарлар бозори чаққон бўлиб, нарҳи юқори бўлса, иш ҳақи ҳам шунчалик катта бўлади. Меҳнат натижаси ҳар хил бўлганидан иш ҳақи ҳам табақалашади. Одатда, малакаси юқори, билимдон ва тажрибали киши меҳнати қадрланади ва унга юқори ҳақ берилади. Айни вақтда малакасиз ёки малакаси паст кишининг меҳнатига кам ҳақ берилади, чунки у кам наф келтиради. Ишлаб чиқаришда иш ҳақи меҳнат унумдорлигига тўғри мутаносибликда ўзгаради, яъни:

АҚШ да меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг усиби
(1977 йил индекси = 100^I)



38-расм.

унумдорлик ўсишга мойил, шу боисдан иш ҳақи ҳам ор-тиб боради (38-расм).

Графикдан кўринадик, унумдорлик билан иш ҳақи эгри чизиги деярли бир хил ўзгариб борган. Фақат 1984 йилдан сўнг иш ҳақи унумдорликка nisбатан суsт ўсиб, уларнинг динамикасида фарқ кузатилади. Иш ҳақи билан унумдорлик бир-бирига тенг ҳолда ўзгариб бормайди, албатта, чунки иш ҳақига бошқа омиллар, масалан, ишсизлик таъсир этади. Ишсизлик ишчилар ўртасидаги иш ўрни учун рақобатни кучайтириб, иш ҳақининг иш на-тижаларига nisбатан секин ўзгаришига сабаб бўлади. Айтайлик, меҳнат унумдорлиги йилига 5% ошгани ҳол-да, иш ҳақи 2% ошади, холос.

Ишсизлик бўлмаганда фирмалар эркин меҳнат бозо-рида иш кучини ўзига жалб этиш учун рақобатда бўлади-лар, бу эса иш ҳақини оширади. Агар меҳнат бозорида моносония ҳолати бўлса, яъни иш кучини ёллаш-харид этиш айрим ёки бир гуруҳ озчилик фирмалар қўлида бўлса, иш ҳақи паст белгиланади.

Иш ҳақи унумдорликдан ташқари ишлаш ва яшаш шароити, меҳнатнинг оғир-енгиллиги, нуфузли ёки ну-фузсиз бўлишига ҳам боғлиқ. Иш кучига талаб ва таклиф унинг кўчувчанлигига, яъни ходимларни бир иш жойидан бошқасига кўчиб ўтиш қобилиятига ҳам боғлиқ. Шу орқа-ли иш ҳақининг ҳар хиллиги келиб чиқади. Иш кучи етар-ли ва ҳатто ортиқча жойдан, у етишмаган жойга кўчиб ўтиш ёки ўтмаслик иш ҳақини худудий ва корхоналар бўйича табақалаштиради. Иш кучи етарли ва ортиқ ерда иш ҳақи паст бўлгани ҳолда, етишмаган жойда юқори бўлади.

Мураккаб меҳнат малакали иш кучини, билимдон хо-димни талаб қилади. Шу сабабли иш ҳақи кишининг би-лим даражасига қараб ўзгаради. Фарб олимлари иш ҳақи ишчига инвестиция этилган капитал миқ-дорига боғлиқ деб қарайдилар. Инвестиция инсонга билим, касб бериш, касбий малакани, меҳнат маҳоратини оши-ришга йўналтирилади ва иш кучи сифатини оширгани учун юқори иш ҳақини таъминлайди.

Агар 40 ёшли ва 7 йил ўқиган ишчи йилига 10 000 доллар олса, 50 ёшли ва 16 йил ўқиган шахс 40 000 дол-лар олиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда даромаднинг билимдон-ликка, савияга боғлиқ бўлиши аҳолининг ўз билими ва малакасини оширишга катта сарф-харажат қилишга ун-дайди. Бу ерда ота-она болаларини ўқитишга, уларга

яхши касб беришга пулни аямайди. Билимнинг меҳнат малакасига таъсири кишиларнинг қобилияти орқали амалга ошгани сабабли ҳар доим ҳам билим даражаси ўз-ўзидан иш ҳақини оширмайди. Даромадлар тизимида ер эгаси мулкдор сифатида рентани ўзлаштиради, аммо ер тақлиф ўзгаришларига таъсирчан эмас, чунки у чекланган. Шу сабабли турли мамлакатларда рентанинг даромад сифатидаги аҳамияти ҳам ҳар хил бўлади.

Агар ер эгалари рента олишса, пул маблағи эгалари пулни қарзга олиб, ишлатувчилардан процент олиб, даромад кўрадилар. Процент рентадан фарқлироқ тез ўзгариб турадиган даромад ҳисобланади, чунки у қарзга берилган пул миқдори ва унинг учун олинадиган ҳақга боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойда алоҳида мақомга эга бўлган даромад ҳисобланади, чунки у тадбиркорлик натижаси. Фойда олиш орқали тадбиркорлик қобилияти иқтисодий жиҳатдан юзага чиқади. Олдинги боблардан маълумки, тадбиркор нормал ёки эл қатори фойда кўради, бу унинг ишбилармонлиги учун тегадиган даромад, аммо тадбиркор яхши иш юритса, ортиқча фойда олиши мумкин, бунини иқтисодий фойда деб атаган эдик. Бу фойдани у таваккал қилиб, хатарли ишга қўл ургани учун олади. Тадбиркор ортиқча фойдани монопол мавқега эга бўлганида ҳам олади. Биз биламизки, эркин бозорда рақобат туфайли қўл урилган ишнинг қандай натижа беришини олдиндан билиш қийин. Тўғри, тадбиркор бозор ҳолати ўзгаришларини ҳисобга олишга интилади, маркетингга эътибор беради, лекин бари бир бозорда муайян ноаниқлик мавжуд бўлади. Талаб ва харажатлар ўзгариши мумкин, натижада қутилмаган вазият келиб чиқади, чунки у тадбиркор хоҳиш-иродасидан ташқари ўзгариб кетиши мумкин.

Тадбиркорлик кўп ҳолларда ўзга меҳнатидан фойдаланишга асосланган, шу боисдан у оладиган фойданинг бир қисми ишбилармонлик қобилияти учун олинган мукофот бўлса, бошқа қисми биров меҳнати яратган, лекин тадбиркор ўзлаштирадиган даромад деб қараш мумкин. Тадбиркорлик даромадининг ҳосил бўлиши эксплуатация муносабатидан ҳолли эмас, бозор иқтисодиёти капиталистик шаклда ҳам амал қилиши мумкин.

Кўриб чиқилган даромад турлари шартли равишда чегараланади, чунки уларни аниқ ажратиб мушкул иш. Реал ҳаётда иш ҳақи билан фойда чатишиб кетади ёки рента билан фойда ва ҳатто иш ҳақи бириккан бўлади.

Деҳқончиликни олсак, бу ерда фермер ўз ерида ўз вобситалари билан ўзи ишлайди. У олган даромадни рента, фойда ва иш ҳақига ажратиш қийин, албатта. Агар фермер бировнинг ерини ижарага олиб, унга ўз капиталини солса, ўзи мутлақо ишламай, ўзгаларни ёллаб ишлатса, иш ҳақи, фойда ва рентани табақалаштириш мумкин. Шунда ҳам ноаниқлик бўлади, чунки ижара ҳақининг қайси қисми рента-ю, қайси қисми ер эгасининг ерга солган капиталга тегадиган фойда эканини ажратиб бўлмайди. Даромаднинг бир тури бошқа тури таркибида бўлиши мумкин. Буни АҚШдаги даромадлар таркибида кўриш мумкин.

17-жадвал

АҚШ миллий даромадида турли даромаднинг салмоғи
(% ҳисобида, 1900—1988 йиллар¹)

Ўн йилликлар	Иш ҳақи ва маош	Мустақил иш билан машғул бўлганлар даромади	Корпорациялар фойдаси	Ссуда про- центи	Рента	Жами
1900—1909	55,0	23,7	6,8	5,5	9,0	100,0
1910—1919	53,6	23,8	9,1	5,4	8,1	100,0
1920—1929	60,8	17,5	7,8	6,2	7,7	100,0
1930—1939	67,5	14,8	4,0	8,7	5,0	100,0
1939—1948	64,6	17,1	11,9	3,1	3,3	100,0
1949—1958	67,3	13,9	12,5	2,9	3,4	100,0
1954—1963	69,9	11,9	11,2	4,0	3,0	100,0
1963—1970	71,7	9,6	12,1	3,5	3,2	100,0
1971—1981	75,9	7,1	8,4	6,4	2,2	100,0
1982—1988	73,8	6,8	8,6	9,8	1,1	100,0

Жадвалдан кўринадики, даромадлар нисбатининг ўзгариши даромадлар миқдорининг турли тезлик билан ортиб боришидан келиб чиққан. Бу ўз навбатида иқтисодиётдаги ўзгаришлар билан изоҳланади. Иш ҳақи ҳисасининг ортиши меҳнатдан келган даромаднинг кўпайишигина эмас, балки кўпчиликнинг ёлланиб ишлаши, иш ҳақиға фойданинг ҳам кўшилиб кетиши (бу менежерларга хос) билан боғлиқ. Рента салмоғининг камайиши

¹ Экономикс. М., 1992, стр. 185

ернинг камроқ ижарага берилиши ва ўз эгаси томонидан ишланишидан келиб чиқади. Ссуда проценти салмоғининг ортиши пулдорларнинг кўпайиши ва процент даражасининг ўсиши билан боғлиқдир. Ҳар ҳолда даромад турлари маълум мувозанатда бўлади. Улар ўз манба, шаклланиш усулларига эга. Даромад турларининг нисбати даромаднинг таркибий тuzилишини кўрсатади. Ўсиш жараёнида даромад таркибининг ўзгариб бориши, даромад турларининг ўзаро чатишиб кетиши даромадларга хос қонуният ҳисобланади.

2. Даромадларнинг табақаланиши

Бозор иқтисодиётининг муҳим принципи иқтисодий танлов бўлиб, бунга кўра энг тадбиркор, энг ишбилармон, яхши ишлаб чиқарувчи ва яхши хизмат кўрсатувчи рақобатда ютиб чиқади. Иқтисодий танловнинг ўзи иш натижасига қараб, олинган даромадларнинг турлича бўлишини белгилайди. Тоталитар иқтисодий тизимда танлов бўлмаганидан даромадлар бир текисда тақсимланиб, кишиларни иқтисодий жиҳатдан бараварлаштиришга интилиш етакчи ўринда туради, бой бўлиш тақиқланади, даромадлар маълум миқдор билан чекланади. Натижада яширин тарзда, гайриқонуний йўл билан даромад топишга интилиш пайдо бўлади. Ишлаб чиқаришни ўстирувчи кучли рағбат ва воситалар йўқлигидан тўқинчилик ҳосил бўлмайди, истеъмол неъматлари халқни тўла-тўқис таъминлаш учун етишмай қолади, натижада неъматларни бир текисда тақсимлаб, ҳаммани чекланган миқдорда тирикчилик воситалари билан таъминлаб турилади. Бунинг оқибатида даромадларнинг табақаланиши унчалик билинмайди. Энг юқори ва энг паст даромад ўртасидаги тафовутни давлат назорат этиб туради, унинг катталашиб кетишига йўл қўйилмайди. Бунга эришиш учун тақсимот меъёрини давлат бир марказдан туриб белгилайди, натижада хўжалик субъектларининг даромад белгилашдаги иштироки минималлаштирилади. Корхона, хўжалик ва ташкилотлар доирасида ҳам даромад белгилаш давлат ўрнатган меърдан чиқиб кетмайди ва буларнинг барчаси ижтимоий адолат деб эълон қилинади. Кишиларнинг минимал даражада, лекин бир текисда таъминланиб турилиши уларни иқтисодий фаолликка, бифобарин, даромад топишга ундамайди, катта даромадли бўлиш, бойлик орттиришга ҳавас ҳам, рағбат ҳам бузилади. Бозор иқтисо-

диётда эса тақсимот муносабати тенгликни эмас, балки тенгсизликни келтириб чиқаради ва бу иқтисодиёт ўсишига катта стимул беради.

Бозор иқтисодиётидаги даромадлар тенгсизлигининг икки зиддий жиҳати мавжуд. Тенгсизлик, биринчидан, адолатли, иккинчидан, эса, адолатсиз ҳисобланади. Даромадларнинг иш қобилияти, билим, малака, маҳорат ва умуман салоҳиятга қараб тақсимланишидан келиб чиққан тенгсизлик табиатан адолатли ҳисобланади. Яхши ишлаган ишчи ёки хизматчининг кўп даромад топиши табиий, чунки у ҳаётий неъматларни кўп ва сифатли яратгани учун уларни кўпроқ ўзлаштириши керак.

Тадбиркорлик даромади бўлган фойданинг миқдори ҳам ишбилармонлик қобилиятига, у берган натижага боғлиқ бўлади. Ишнинг кўзини билган, билимдон, тажрибаси катта тадбиркор ўз фаолиятини устумонлик билан олиб бориб, яхши натижага эришади, катта фойда кўради. Катта даромад яхши иш натижаси бўлганидан бу ҳам умуминсоний қоидалар жиҳатидан адолатли даромад ҳисобланади. Мулкдан келадиган рента, процент ва дивиденд каби меҳнатдан топилган даромад ҳисобига жамланган мулк келтирадиган даромадлар ҳам умуминсоний жиҳатдан адолатли ҳисобланади. Ишчи-хизматчи иш ҳақи, тадбиркор фойдаси ҳисобидан сотиб олинган акция ёки облигация келтирадиган даромад (дивиденд ёки процент) ҳам адолатли ва ҳоказо.

Бозор иқтисодиётида адолатсиз даромадлар ҳам бор. Товар ёки фонд биржаларида биржа чайқовчилиги юз берганда брокер ёки дилер бир неча минут давомида акция курсининг тушиши ёки кўтарилишидан миллионлар билан ҳисобланадиган даромад топади. Лондон биржасида олтин нархи бир унцияга 340 доллар бўлганда, у тонналаб сотиб олинади ва нарх 345 долларга чиқиши билан шу заҳоти сотиб юборилади. Бу ҳам мўмай даромад беради.

Бозор иқтисодиётида катта пулдорлар ҳам йўқ эмас, улар ўз пулини банкка қўйиб, ўзлари умуман меҳнат қилмай мўмай даромад топишади. Буни ҳам адолатли даромад деб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти ривожланиб, цивилизациялашган сари ҳалол, бинобарин, адолатли даромадлар салмоғи ортиб боради.

Адолатли даромадлар аҳамиятининг ортиб бориши иқтисодиётнинг инсонийлашувини билдиради. Даромадларнинг тенгсизлиги, уларга таъсир этувчи омиллар кучининг ҳар хиллиги билан изоҳланади. Тенгсизликнинг биологик ва социал жиҳатлари бор. Биологик жиҳатдан

олганда табиат кишиларга турлича қобилият, куч-қувват, ақл-идрок, салоҳият-заковат ато этган.

Кишиларнинг туғма қобилиятидаги тафовутлар уларга турлича даромад топиш имконини беради. Ҳар ким ўзининг рисқу насибасини териб ейди деган гапнинг маъноси шунда бўлса керак. Жисмонан бақувват ва ақл-заковатли инсон унумли ишлаши, аксинча, шу жиҳатлардан заиф киши кам унум бериши турган гап.

Даромад топиш имкониятларининг турли-туман бўлиши тадбиркорлик даромадида ҳам кўринади. Туғма қобилият инсонга наф ва даромад келтириши учун киши яшайдиган ижтимоий муҳит унинг салоҳиятини юзага чиқаришга имкон бериши лозим. Жамиятда билим олиш, касб эгаллаш, малака оширишга шароит бўлса ва иш топилса, даромад топиш имконияти яратилади. Бинобарин, даромадларнинг табақаланиши кишилар туғма қобилиятининг ишга солиниш имкониятларига ҳам боғлиқ. Даромадларнинг табақаланиши иш билан банд бўлишга ҳам боғлиқ. Ишсиз ва ишли кишилар даромадининг фарқланиши турган гап. Оилада қанчалик кўп одам иш билан банд бўлса, ҳар бир ишловчи қанчалик кўп пул топса, оила даромади шунчалик кўп бўлади ёки аксинча. Даромаддаги тафовутларни оила таркиби ҳам келтириб чиқаради. Оилада пултошармонлар кўп бўлса, унинг даромади ҳам юқори, боқимандалар кўп бўлса, унинг даромади кам бўлиши аён гап. Албатта, айтилган омиллар топилган даромад миқдори жиҳатидан табақалашувни келтириб чиқаради. Масалан, беш кишидан иборат икки оилани олайлик. Биринчи оилада бир киши ишлайди, у яхши менежер бўлганидан йилига 200 минг доллар топади, демак, жон бошига 40 минг доллардан тўғри келади. Иккинчи оилада 3 киши оддий хизматчи бўлиб ишлайди, улар топган жами даромад 100 миң доллар. Иккинчи оила жон бошига 20 минг доллар даромад кўради, яъни унинг даромади биринчи оиланикига нисбатан 2 баробар кам.


Бозор иқтисодиётида тасодифлар ҳам оз эмас, улар жумласига тадбиркорлик хатари ва тадбиркорлик омади киради. Тадбиркорликда қутилмаган ҳодиса (хатар) ларга, нархнинг бирдан ўзгариб кетиши, бозорнинг қасодга учраши, экспортнинг чекланиб қолиши, солиқларнинг ошиб кетиши, сиёсий вазиятнинг ўзгариши кабилар киради. Вазиятнинг ўзгариши бозор қонунларидан келиб чиқади. Бу қонунларни тадбиркор бекор қила олмайди, уларга фақат мослашиши ёки мослаша олмаслиги мумкин. Энг

уқувли тадбиркор ҳам хатардан ҳоли эмас. Хатар даражасига қараб фойда камайиши ва ҳатто белни синдирадиган зарар кўрилиши ҳам мумкин. Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик омади берадиган даромад ҳам бўлади. Омад чоғанда, иш юришиб кетиб, даромад тез кўшайиши мумкин. Ҳарбий, сиёсий вазият ҳам хатарга ёки омадга таъсир кўрсатади. Масалан, Ироқ—Қувайт уруши даврида (1991 й.) бу уруш чўзилади, деб катта миқдорда доридармонни сотишни мўлжаллаган фирмалар хатарга йўлиқди, чунки уруш тез тамом бўлиб, дори оз сотилди, фирмалар дориларнинг муддати ўтиб кетишидан қўрқиб, арзон-гаров сотишга, бепул ҳадя қилишга мажбур бўлишди. Айни вақтда вайронагарчилик юз бериб, бу қурилиш материали сотувчи фирмаларга қўл келди, уларнинг нархи тез кўтарилиб, омад фойдасини олишди.

Барча турдаги даромадлар ўсган вазиятда даромад эгаларининг табақаланиши юз беради. Даромадларнинг тенгсизлиги оилаларнинг жами даромади миқдорини ўрта-сидаги тафовутлашувда ҳам ифода этилади. Тафовутлар энг кам даромад билан энг кўп даромад оралиғида бўлади. Даромадлар тенгсизлигининг икки томони бор. Биринчиси — бозор механизмига хос тақсимот орқали қўлга теккан даромад тенгсизлиги. Бу ерда саҳийлик-ҳотамтойлик принципи йўқ, аксинча бозор тан олган иш натижасига қараб тақсимлаш мавжуд бўлиб, у қўлга теккан даромад билан ўлчанади. Иккинчиси — тақсимотнинг нобозор усуллари туфайли ҳосил бўлган бепул овқатланиш, дам олиш, бепул ёки имтиёзли тарзда хизматлардан баҳрамандлик ҳар хил даражада бўлади. Аммо тақсимлашнинг нобозор усули муайян даражада тенгликни келтириб чиқаради. Масалан, ўқиш, дам олиш, даволаниш ёки имтиёзли квартира ҳақи белгиланган истеъмолчиларнинг ҳаммаси учун бир хил тарзда бепул бўлганидан, улар тақсимотда тенгликни ҳосил этади.

Тақсимлашнинг бозор усули юзага келтирган даромадлардаги тенгсизликни Ғарб иқтисодчилари Лоренц эгри чизиги деб аташади. Бу эгри чизиқ даромаддаги ҳисса оилалар ҳиссасига мос бўлиши ёки бўлмаслигини билдиради. Лоренц эгри чизигини қуйидаги расмдан кўрини мумкин (39-расм).

Амалда даромадлар фарқланганидан унинг ҳаракати эгри ёйсимон йўналишда А, В, С, Е нуқталари орқали ўтади. Бу нуқталарда даромад ҳиссаси оилалар миқдоридан ҳиссадан жиддий фарқланади. Бу бозор иқтисодиёти учун табиий. Агар даромадлар бир текис тақсимлан-



39-расм. Даромадларнинг нотекис тақсимланиши.

ганда эди, унинг ҳаракати О нуқтадан Е нуқтага қадар бўлган тўғри чизиқ, биссектрисадан ўтган, оилалар сонидagi улуш билан даромаддаги улуш тенг бўлар эди, яъни 20% оила даромадини 20% ига, бинобарин, 60% оила эса даромаднинг 60% ига эга бўлар эди. Аммо бозор иқтисодиёти буни мустасно этади, чунки у тенгсизликка асосланади. Шунингдек, у даромадларнинг ҳаммасини муайян оилалар қўлида жамланишини ҳам инкор этади. Агар 1% оила даромадни 100% ўзлаштира, мутлақ тенгсизлик юз беради, чунки 99% оила даромадсиз қолиб, очидан ўлиши мумкин. Бундай ҳолнинг умуман юз бериши мумкин эмас, аммо даромадлар тенгсизлиги реал ҳодиса. Масалан, 1986 йили АҚШда 12% оила (камбағаллар) жами даромадларнинг 2%ни олди. Уларнинг даромаддаги ҳиссаси оилалар миқдоридagi ҳиссадан 6 марта кам бўлди (12:2). Бу оилаларнинг йиллик даромади 10 минг доллардан оз эди. Айни бир вақтда бой оилалар 7% бўла туриб, даромадларнинг 21%ни ўзлаштирган. Уларнинг даромаддаги ҳиссаси оила сони ҳиссасидан 3 марта кўп бўлган (21:7). Бу оилалар йилига 75 минг доллар ва ундан ортиқ даромад олишган. Демак, камбағаллар ва бойлар даромади тафовути 7,5 марта бўлган (75 000:10 000). Даромаддаги фарқ бой бўлиш учун интилишни ярагиб, иқтисодий фаолликка олиб боради. Аммо аҳолининг шундай қатламлари борки, улар қанчалик фаоллик қилмасинлар даромадини ошира олмайдилар. Булар қаторига ногиронлар, ишсизлар, кўп болаликларни киритиш мумкин. Улар амалда камбағал бўлишади, уларни қўллаб-

қувватлаш учун тақсимотнинг нобозор усули қўлланади: минимал нафақа тўланади, бепул овқатланиш уюштирилади, текинга кийим-кечак берилади, имтиёзли харид ҳуқуқини берувчи талонлар тарқатилади, арзон квартира ва коммунал хизматлар ажратилади.

Тақсимотнинг нобозор усули келтирадиган даромад умумий тенгсизликни камайтиришга қаратилади. У аралаш иқтисодиёт шароитида инсонийлик қоидалари мавжудлигидан келиб чиқади.

Даромадлардаги тенглик ва тенгсизлик — иқтисодиётдаги зиддият. Тенглик ҳамманинг талаб-эҳтиёжини бир хил қондириш шарт, бу адолатдек туюлади, аммо боқимандаликни майдонга келтиради, фаолликни сусайтиради. Фараз қилайлик, икки киши 6000 фунт стерлинг даромад олади: биринчиси 4000, иккинчиси 2000 фунт стерлинг. Агар улар даромади тенглаштирилиб, ҳар бирига 3000 фунт стерлинг берилса, биринчи кишининг ҳафсаласи совийди, чунки унинг даромади камаяди, иккинчисининг эса пул топишга иштиёқи камаяди, чунки ҳеч нарса қилмаса-да, қўшимча даромад олган бўлади. Даромадлардаги тафовут иш натижасидан келиб чиқади. Уларнинг мавжудлиги иқтисодий самарадорликни оширишга ундайди.

Даромадларни четдан туриб тенглаштиришга интилиш иқтисодий ўсишга салбий таъсир этади. Шу сабабли жамият тенгсизликни тан олади.

Тенгсизлик бор жойда камбағаллик муаммоси ҳаминча мавжуд. Бозор иқтисодиётига, умуман, тўқчилик хос бўлса-да, аммо аҳолининг маълум қатламлари камбағал ҳисобланади. Агар кимнингки даромади унинг энг зарур минимум тирикчилик талаб-эҳтиёжини қондириш учун етмаса, шу камбағал ҳисобланади. Масалан, АҚШда 1987 йили 4 кишилик оиланинг тирикчилик минимуми 11 611 доллар бўлган. Шундан кам даромад олган оила камбағал ҳисобланган. Албатта, камбағаллик мезони мамлакатдаги турмуш даражасига боғлиқ. Бир ерда камбағал оила бошқа ерда бой ҳисобланиши мумкин. Агар АҚШда 6 кишилик оила даромади 1987 йилда 15 509 доллар бўлса, у камбағал ҳисобланган, худди шундай даромад олган оила Того республикасида бой оила ҳисобланади.

Камбағалларга давлат ва ҳар хил хайри-эҳсон фондлари ҳисобидан ёрдам берилади. Бозор иқтисодиётига хос умумий яна бир қоида камбағаллар сови ва салмоғининг

қисқариб боришга мойиллигидир, чунки ишлаб чиқариш ўсиши билан кам даромадли оила ўртача ва кўп даромадлилар қаторидан ўрин олади. Муҳими меҳнатдан топилган даромаднинг ўсиши ҳисобланади. Иш кучи сифати, бинобарин, меҳнат унумдорлиги ошиб бориши билан юқори даромад таъминланади.

3. Турмуш даражаси ва сифати

Ишлаб чиқаришнинг социал самараси кишилар фаровонлигида, яъни турмуш даражаси ва сифатида намоён бўлади. **Кишилар ҳаётининг эҳтиёжларининг қондирилиши меъёри турмуш даражаси дейилади.** Унинг муҳим жиҳати нози-неъматлар истеъмоли ҳисобланади. Фақат яратилган товарлар ва хизматларни истеъмол этиш мумкин. Шу сабабли истеъмол миқдори ва таркибининг ишлаб чиқариш ҳолатига қараб шаклланиши қонуний ҳодисадир. Аммо, бу деган сўз ҳамisha истеъмол ҳажми ишлаб чиқариш ҳажмига мос ўзгариб боради деган маънони билдирмайди. Ишлаб чиқариш даражаси юқори бўлгани ҳолда унга нисбатан истеъмол миқдори кам бўлиши мумкин. Жамғариш ва истеъмол тескари мутаносибликда ўзгаради, яъни жамғариш кўпайса, истеъмол қисқаради ва аксинча. Маълумки, турмуш фаровонлиги миллий даромаднинг ҳажми ва унинг тақсимланишига боғлиқ. Фараз қилайлик, жамиятда яратилган жами маҳсулот 320 млрд. долларга тенг, шундан 150 млрд. доллар миллий даромадни ташкил этади. Даромаднинг 120 млрд. доллари истеъмолга кетса, 30 млрд. доллари жамғаришга кетади. Шундай шароитда жамғаришга 40 млрд. доллар ажратилса, истеъмолга 110 млрд. доллар қолади. Миллий даромад ўсиб, у 170 млрд. долларни ташкил этса-ю, унинг 70 млрд. доллари жамғарилса, истеъмолга 100 млрд. доллар қолади, яъни истеъмол олдингидан қисқаради ($100 < 120$). Агар жамғариш 40 млрд. долларга етса-да (олдин 30 млрд. доллар эди), барибир истеъмолга 130 млрд. доллар қолади ва бу олдингидан кўп бўлади ($130 > 120$). Жамғариш миқдори ўсгани ҳолда истеъмол ҳажмининг ортиши миллий даромад катта миқдорда ошганлиги натижасидир. Хулоса қилсак, **истеъмол ҳажми миллий даромаднинг миқдори ва унинг турли қисмларга тақсимланишига боғлиқ.** Шу икки омилнинг турмуш даражасига таъсири турлича бўлади.

Буни рақамларда кўрамыз.

Турли мамлакатларда аҳоли жон бошига товарлар ва хизматлар истеъмоли (1990 й., АҚШ доллари ҳисобида).

АҚШ	—	16 175	Россия	—	3 735
Швеция	—	13 250	Грузия	—	3 575
Франция	—	12 400	Туркия	—	3 530
Германия	—	12 000	Белорус	—	3 520
Япония	—	10 725	Украина	—	3 470
Англия	—	10 150	Молдова	—	3 151
		Эрон	—	2 950	
		Қозғоғистон	—	2 900	
		Ўзбекистон	—	2 200	
		Тожикистон	—	1 800	
		Покистон	—	1 625	
		Ҳиндистон	—	1 125	

Истеъмол миқдори турмуш даражасининг муҳим жиҳати, унинг давлатлараро фарқланиши мамлакатларнинг иқтисодий даражаси ва уларда истеъмол ва жамғаришга кетадиган маҳсулот нисбатига боғлиқ. Масалан, Япония иқтисодиёт жиҳатидан Швеция, Франция ва Германиядан устун туради, лекин истеъмол жиҳатидан улардан орқада юради, чунки бу ерда бошқаларга нисбатан инвестициянинг маҳсулотдаги ҳиссаси юқори туради, бинобарин, истеъмол ҳиссаси камроқ бўлади.

Ривожланган бозор иқтисодиётига хос қоидалардан бири — миллий даромадда истеъмол ҳиссасининг ортиб боришидир, яъни миллий даромаднинг тобора кўпроқ қисмининг фаровонликка қартилишидир. Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, миллий даромаднинг камроқ қисмиши жамғарган ҳолда (масалан, 10—15%) барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин, чунки инвестициялар илғор техника ва технологияда моддийлашиб, меҳнат унумини ошириб боради, бинобарин, жамғариш самарадорлигининг ортиши истеъмолни кенгайтиришга хизмат қилади. Иккинчидан, иқтисодий ўсишда инсон омилининг аҳамияти беқиёс ортади, бу истеъмолни кенгайтириш орқали иш кучи малакасини оширишга олиб келади, чунки юксак технология сифатли иш кучини талаб қилади. Миллий даромаднинг кўпроқ қисми истеъмолга мўлжалланмаса, барқарор иқтисодий ўсиш юз бермайди. Учинчидан, иқтисодиёт ривожланган сари аҳолининг, бинобарин, истеъмолчилар сонининг кўпайиши сустрелади, бу эса жон бошига яратилган даромадни кўнайтириш омилларидан бири ҳисобланади. Албатта,

даромаднинг ортиши энг аввал ишлаб чиқаришга боғлиқ, лекин бунга аҳолининг ўсиши ҳам таъсир этади. Тўртинчидан, энг муҳими, бозор иқтисодиёти аралаш иқтисодиёт шаклини олган шароитда аҳолининг талаб-эҳтиёжини қондириб, унинг фаровонлигини оширишдан иборат инсонпарварлик тамойили кучайиб боради, бу эса истеъмолни кенгайтиришни тақозо этади.

Айтилган сабабларга кўра ривожланган мамлакатларда, сўнгги 30 йил ичида миллий даромадда жамғариш ҳиссаси 2 марта қисқаради, натижада истеъмол ҳиссаси ортиб, эндиликда миллий даромаднинг деярли 80—85% ни ташкил этади. Бу турмуш даражаси ўсганлигидан далолат беради. Аммо турмуш даражаси учун истеъмол ўз-ўзидан эмас, балки эҳтиёжни қондира олиши жиҳатидан муҳим. Истеъмолнинг миқдори ва таркиби оқилона бўлиб, кишиларнинг соғлом ва узоқ умр кўриши, уларнинг шахс сифатида кáмол топишини таъминлагандагина мақсадга мувофиқ ҳисобланади. У ёки бу товарнинг ҳаддан ташқари кўп истеъмол этилиши юқори турмуш даражасини билдирмайди, чунки **истеъмолнинг сифати** деган ҳодиса ҳам бор. Бу сифат истеъмолнинг миқдори ва таркиби ўртасида маълум меъёрда нисбат бўлишини тақозо этади. Масалан, овқатланишнинг сифат белгиси—бу унинг **балансланган бўлишидир**. Озиқ-овқат истеъмоли шундай миқдорда ва таркибда бўлиши зарурки, у киши организмни барча керакли озуқалар, хусусан, оқсил, мой ва витаминлар билан таъминлаши, инсоннинг соғлом, бақувват, тетик бўлишини, ҳаётда фаоллик кўрсатишини таъминлаши керак. Кўп миқдордаги лекин балансланмаган озиқ-овқат истеъмоли фойда ўрнига зарар келтиради. Мутахассислар фикрига кўра, гўшт ва ундан олинган маҳсулотларнинг оптимал истеъмоли жон бошига йилига ўртача 80 кг бўлиши зарур. АҚШда гўшт 1990 йили жон бошига 120 кг истеъмол этилди, яъни керагидан 1,5 марта юқори бўлди, буни мутахассислар ҳаддан ортиқ зарarli истеъмол деб баҳолайдилар. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига 190—200 кг нон ва ун маҳсулотлари истеъмол этилади. Бу ҳам керагидан ортиқча ҳисобланади. Бошқа маҳсулотлар (масалан, гўшт, сут, тухум, мёва, сабзавот) кам истеъмол этилгандан уларнинг ўрни нон билан қопланади. Бу ҳам балансланмаган овқатланиш натижасидир.

Истеъмолга шундай қонуният хоски, дастлаб унда **миқдорий, сўнгра эса сифат ўзгаришлари юз беради**. Аввал, умуман, товарлар ва хизматлар истеъмоли ўсгани

ҳолда, сўнгра уларнинг сифатлисини таплаб истеъмол этишга киришилади. Бу бозорнинг тўйинишига боғлиқ. Ишлаб чиқариш қанчалик юқори бўлса, шунчалик сифатли истеъмол қатга ўрин олади. Турмуш даражаси фаровонликни истеъмол ва унинг натижаси жиҳатидан ҳарактерлайди. Унинг икки гуруҳдан иборат ўзаро боғланган кўрсаткичлари мавжуд. Биринчи қиймат-пул кўрсаткичлари. Булар жумласига иш ҳақи, нафақа, пенсия, стипендия миқдори, оиланинг ялпи ва жон бошига ҳисобланган барча пул даромадлари, кишиларнинг истеъмолни қондириш учун пул харжлари, жон бошига ҳисобланган миллий даромад ва ундаги истеъмол фонди, аҳолининг реал даромади киради. Булар орасида аҳолининг реал даромади асосийдир, чунки у истеъмолнинг ҳамма жиҳатларини ўзида мужассам этувчи умумлашган, синтетик кўрсаткичдир. Турмуш даражаси ҳақида пул даромадининг ўзи яқка гувоҳ бўла олмайди, чунки пулнинг реал қадри истеъмол товарлари нарҳига ҳам боғлиқ. Шу сабабли реал даромад, биринчидан, пул даромадининг миқдorigа, иккинчидан, даромаддан чегириладиган ҳар хил солиқлар ва тўловларга, яъни пул даромадининг эгаси қўлига тегадиган қисмига, учинчидан, нарх-наво даражасига боғлиқ. Реал даромад пул даромадига тўғри мутаносибликда ва нарх-навога тескари мутаносибликда ўзгаради. Нарх-наво қатъий бўлиб, пул даромади кўпайса, реал даромад ҳам ортади. Пул даромади ўзгармаган ҳолда нарх тушса, реал даромад ортади, агар нарх ошса, у пасаяди. Шунга кўра реал даромаддаги ўзгаришлар пул даромади индексининг нарх-наво индексига бўлган нисбати билан ўлчанади:

$$РДи = \frac{ПДи}{Ни}$$

Бунда РДи — реал даромад индекси, ПДи — пул даромади индекси, Ни — нарх индекси. Масалан, 1983—1993 йилларда пул даромади 1,8 марта, нарх-наво 1,4 марта ўсган бўлса, бунда $РДи = 1,8 : 1,4 = 1,21$. Демак, реал даромад 1,21 марта ёки 21%га ўсган бўлади.

Турмуш даражасининг моддий-натурал кўрсаткичлари ҳам мавжуд. Булар жумласига жон бошига натурал ўлчамда озиқ-овқат, кийим-кечак истеъмоли, бир кишига тўғри келадиган уй-жой сатҳи, рўзғорда ишлатилган энергия миқдори, оиланинг узоқ муддат хизмат қилувчи техникавий товарлар билан таъминланиши кабилар ки-

ради. Аҳоли жон бошига неча кг гўшт, сут, ноён, ун, гу-
руч, қанд-шакар, мева, сабзавот, полиз маҳсулоти, сариег;
ўсимлик мойи, неча литр пиртли ёки спиртсиз ичимлик
истеъмол этилиши, ҳар кишига неча жуфт пойафзал, неча
метр газлама ва газлама ҳисобида тайёр кийим сотиб
олиниши, бир оила ҳисобида неча автомашина, телеви-
зор, магнитофон, видеоаппаратура, музлатгич тўғри ке-
лишини билдирувчи кўрсаткичлар турмуш даражасини
ифодалайди. Аммо бу кўрсаткичлар турли хизматлар
(ўқиш, даволаниш, маиший хизмат, саёҳат, малака оши-
риш ва ҳ. к.)лар истеъмолини муҳими истеъмол сифати-
ни ифодалай олмайди. Истеъмол товарлари хилма-хил
бўлганидан уларнинг сифатини миқдор орқали ифодалаш
қийин. Масалан, оилада 2 телевизор, бир магнитофон ва
автомашина бўлса, уларнинг сифати ҳар хил бўлиши
турган гап. Рангли ва оддий телевизорнинг, «Жигули»
ва «Вольво» автомашинасининг сифати ҳар хил. Уларни
тенглаштириш қийин. Шунингдек, уй-жойни ҳам унинг
ҳажмига қараб, сифат жиҳатидан баҳолаб бўлмайди. Ма-
салан, Ўзбекистон қишлоқларида уй-жой сатхи жон боши-
га шаҳарга нисбатан кўп. Қишлоқлардаги уйларнинг
сифати бирмунча паст, уларнинг қулайликлари ҳам у
қадар юқори эмас. Аксинча, шаҳардаги уйлар мустақкам,
пишиқ қурилган, барча коммунал қулайликлари бор,
аммо уларнинг табиий шароитлари қишлоқдагидан яхши
эмас. Турмуш даражасини тўла тавсиф этиш учун истеъ-
молни солиштирма нархларда (масалан, 1985 й. нархида)
ҳисобланган товарлар ва хизматлар қиймати билан ифо-
далаш тўғри бўлади. Бу қийматга маълум йилдаги нарх-
наво асосида ва жон бошига ҳисобланган, аммо солиқлар
чегирилган реал даромадга яқин туради. Шундай реал
даромад АҚШда 1982 йил нархлари билан ҳисобланган-
да қуйидагича бўлган: 1929 йилда — 498,5 доллар; 1959
йилда — 1067,2 доллар; 1988 йилда — 3476,0 доллар.

Демак, биринчи 30 йилда АҚШда турмуш даражаси
тахминан 2 марта, иккинчи 30 йилда эса 3,5 марта ўсган.
Бу ривожланган бозор иқтисодиётига хос тенденция ис-
боти бўлиб хизмат қилади.

Даромадлар каби турмуш даражаси ҳам изчил таба-
қалашади, бундай табақа-қатламлашни дифференциация
дейлади. Табақалашув айрим кишилар, оилалар, жамоа-
лар, ҳудудлар ва мамлакатлараро юз беради. Табақала-
шув турмуш даражаси кўрсаткичларининг фарқланиши-
дан иборат бўлиб, эҳтиёжларнинг ўзи, ишлаб чиқариш
ҳолати, унинг таркиби турлича бўлишидан келиб чиқади.

Эҳтиёжларнинг табақаланиши ҳам турган гап, бунини бобда кўриб ўтган эдик. Турли эҳтиёж турлича истеъмолни пайдо қилади. Ишлаб чиқариш ҳолатидаги фарқлар эҳтиёжни қондириш имкониятини ҳар хил қилади. Гап бу ерда даромадларнинг ҳар хил бўлишида эмас, балки уларни бозор орқали реал истеъмол буюмига айлантиришда ҳам. Ишлаб чиқариш юқори пул даромади бергани билан пулни ноз-неъматларга айлантириш неъматларнинг бориқлиги, яратилиши ёки яратилмаслигига ҳам боғлиқ. Масалан, нефть ёки газни катта миқдорда қазиб олиш катта пул даромади беради, ammo бу пул юқори турмушни таъминлаши учун керакли товарлар ишлаб чиқарилиши ёки четдан келтирилиши шарт. Бинобарин, турмуш даражаси бозорнинг товар ва хизматларга тўйинишига ҳам боғлиқ. Етишмайдиган товарларни четдан келтириш уларни қимматлаштиради ва уларни истеъмол этишнинг ўсишига ҳалақит беради.

Истеъмол товарларини кўплаб ишлаб чиқариш турмуш даражасини ошириш шарти. Товарлар кўп ишлаб чиқарилган жойда уларнинг истеъмоли ҳам юқори бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш кўп бўлганидан АҚШ ва Голландияда гўшт ва сут маҳсулотлари кўп истеъмол этилади, Кипр Марокаш ва Грецияда эса китрус маҳсулотлари сероб, улар оммавий истеъмол этилади.

Бозор тизимининг энг муҳим хусусиятларидан бири турмуш даражасидаги тафовутнинг бўлишидир. Бу даромаддаги фарқлар билан изоҳланади, чунки нархлар бирхил, бозор эса тўйинган бўлса, пулга товар топиш муаммоси бўлмайди. Бозор тизимида товар топиш эмас, балки пул топиш муаммоси мавжуд бўлади.

Даромаднинг турлича бўлиши натижасида бир оила ҳисобига ва жон бошига тўғри келадиган истеъмол фарқланади. Ammo бу фарқлар умумий турмуш даражаси юқори бўлиб, озиқ-овқат муаммоси ҳал этилган шароитда юзага чиқади. **Ривожланган иқтисодиёт шароитларида тафовутлар оммабон товар истеъмоли жиҳатидан эмас, балки замонавий янги, обрўталаб товарлар истеъмоли жиҳатидан пайдо бўлади.** Кишилар турар-жой шароити, техникавий товарлар истеъмоли, экологик тоза озиқ-овқат харид эта олиш, энг модали кийимларни харид этиш, сифатли хизматлардан баҳраманд бўлиш, пул жамғармаларига эга бўлиш жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилдилар. Оммавий моллар ва хизматлар истеъмоли ҳамма учун етарли бўлганидан бу жаҳада тафовутлар сезилмайди. Бинобарин, аралаш иқтисодиётга айланаётган

бозор тизимида кишилар фаровонлигидаги тафовутлар янгича тус олади. Эҳтиёжлардаги фарқлар сақланар экан, уни қондириш имкони бир хил бўлмас экан, табақалашув муқаррар. Гап шундаки, биринчидан табиий эҳтиёжларнинг ўзи ҳар хил, кишилар жисмонан фарқланади, иккинчидан, эҳтиёжлар юксалиб турганидан, уларнинг янгилигининг қондирилиш даражаси ҳам турлича бўлади. Турмуш даражаси ҳам турлича бўлади. Турмуш даражасидаги фарқларни бозор тизими учун табиий ҳол деб қараш зарур.

Аҳолининг турмуш даражаси унинг харажатларига ҳам таъсир этади. Уни Энгелс қонуни билан изоҳлаш мумкин. Энгелс қонунига кўра, турмуш даражаси ошган сари аҳоли пул харажатларининг тобора кўпроқ қисми саноат молларини (ноозиқ-овқат моллари) харид этиб, истеъмол қилишга сарфланади, шунга кўра, унинг тобора кам қисми озиқ-овқатга кетади. Бу қонунда ифодаланган силжишлар аҳолининг айрим тоифалари, ҳудудлар ва мамлакатлар доирасидаги пул харажатларига хос бўлади. Бой, ўзига тўқ кишилар пул даромади кўп бўлганидан унинг камроқ қисмини сарфлаган ҳолда овқатланиш эҳтиёжини қондира оладилар. Мисолга 2 оилани олайлик. Биринчи оиланинг ойлик харажати 1500 доллар, иккинчисиники 4000 доллар. Ҳар иккала оила 5 кишидан иборат. Уларнинг ҳар бири бир ойда 25 кг гўшт маҳсулоти истеъмол қилади. 1 кг маҳсулот 12 доллар туради. Бинобарин, 25 кг маҳсулотга 300 доллар сарфланади. Бу биринчи оила сарфининг 20% (300x100:1500)ни, иккинчи оила сарфининг эса 7,5% (300x100:4000)ни ташкил этади. Мамлакат қанчалик бой бўлса, халқи фаровонликда яшаса, аҳолининг озиқ-овқат сарфи ҳиссаси шунчалик кам бўлади. 1990 йили АҚШдаги оила бюджетининг маълумотига кўра, аҳоли даромадининг фақат 12% озиқ-овқатга сарфланган. Ҳиндистонда эса 1991 йили бу кўрсаткич 44,4%дан иборат бўлди. Эфиопия ва Афғонистон каби қашшоқ мамлакатларда овқатланиш сарфи 70—80% га етади. Турмуш даражаси юксалишининг яна бир аломати бу оила сарф харажатларида турли-туман хизматлар ҳиссасининг ортиб боришидир, чунки пул даромади энг зарур товарлар харидидан ортиб қолади. Оила камбағал бўлса, замонавий хизматларни сотиб олишга қурби етмайди, имкон борича ўзига-ўзи хизмат кўрсатади. Масалан, тайёр модадаги кийим олишга пули етмаган оила ўзига-ўзи кийим тикади. Оила бой бўлса, у кўпроқ пулли хизматлардан фойдаланади.

Фаровонликнинг ўсишини аҳоли қўлидаги мол-мулк-

нинг миқдорига қараб ҳам билиш мумкин. Кишиларнинг пул даромадлари кундалик тирикчилик харажатларидан ортиб қолиб, жамғарма ҳосил бўлиши, уни капитал сифатида ишлатилиши ҳам турмуш даражасини кўрсатади. Турмуш даражаси юқори бўлган шароитда аҳоли қўлида даромад келтирувчи қоғозлар — акция, облигация, сертификатлар суммаси ўсиб боради.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Нима сабабдан аралаш иқтисод фаровонлиқни оширишга қаратилади?

2. Даромадларнинг таркибий тузилиши қандай бўлади?

3. Даромадлар қандай иқтисодий қонун таъсирида ҳосил бўлади, уларнинг қандай турлари бор?

4. Даромадлардаги тенгсизлик ва тенгликни қандай англаш керак, уларнинг зиддийлиги нимада?

5. Нима сабабдан иқтисодий тараққиёт ва турмуш даражаси мос бўлмаслиги мумкин?

6. Турмуш даражаси ва турмуш сифатининг умумийлиги ва фарқи нимада?

7. 30 йил ичида бир мамлакатда аҳоли жон бошига ҳисобланган пул даромадлари 4,5 марта, нарх-наво 2,3 марта ўсди, бошқа мамлакатда пул даромадлари 3,7 марта, нарх-наво 4,1 марта ўсди. Реал даромад, бинобарин, турмуш даражаси ҳар иккала мамлакатда қандай ўзгарганини ҳисоблаб чиқиб, хулоса қилинг.

8. АҚШ Аляска штатидан келган ёшлар билими етарли бўлмаганидан университетларда ўқиб кета олмаганлар. Буни чорасини кўриш учун даромадлар ўзгартирилган. Кимни ва қандай шаклдаги даромади, қайси йўналишда ўзгартирилганки, бу Аляскалик ёшларни билимдон бўлишига олиб келган? Шунини ўйлаб топишга уриниб кўринг.

9. 1990 йил аҳолининг умумий истеъмоли таркибида озиқ-овқат ҳиссаси турли мамлакатларда қуйидагича бўлди: АҚШ 16,1%, Япония 16,1%, Германия 19,8%, Швеция 17,9%, Ўзбекистон 25%, Туркменистон 31,9%, Эрон 25,4%, Ҳиндистон 44,4%. Шу маълумотлар қандай қонунни тасдиқлайди, улар асосида аҳоли турмуш даражаси қандай эканини шарҳлаб кўринг.

10. Ҳар бирининг жамғарилган пул даромади 100.000 долларга тенг 5 та оила мавжуд. Ҳар бир оилада 2 та

бола бор. Биринчи оила пулни банкка қўйди, иккинчиси пулга акция сотиб олди, учинчиси пулни жавахирот буюмлари сотиб олишга сарфлади, тўртинчи болаларни колледжда ўқитишга сарфлади, ниҳоят бешинчиси болаларни университетда ўқитишга сарфлади. Қайси оила пул даромадини энг оқилона равишда жойлаштирди ва буни қандай исботлаш мумкин?

XXI БОБ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ХАЛҚАРО ЖИҲАТЛАРИ

1. Жаҳон хўжалиги ва унинг асосий белгилари

Бозор иқтисодиёти табиатан байналмилал ва шу сабабдан ҳам миллий доирадан ташқари чиқиб халқаро миқёсга тарқалади. Аммо, бу жараён узоқ давом этиб, тобора янги ва янги мамлакатларни, фаолият турларини, фирма ва компанияларни ўз дамига тартади, гоят мураккаб иқтисодий алоқаларни юзага келтиради. Бозор иқтисодиётининг кўп асрлик тараққиёти натижасида XIX ва XX асрлар бўсағасида капиталистик хўжалик кўринишида бўлган жаҳон хўжалиги вужудга келди. Бир аср давомида у ривожланиб боради.

Жаҳон хўжалиги халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ва уларнинг амалга ошириш воситаларининг бир бутун яхлитлигидан иборат. Халқаро меҳнат тақсимоти бу хўжаликнинг моддий асосини ташкил этади.

Жаҳон хўжалиги ишлаб чиқарувчи кучларнинг асрлар давомидаги ривожланиши, миллий, регионал ва умумжаҳон миқёсида меҳнат тақсимотининг узлуксиз чуқурлашиб бориши, турли мамлакатлар миллий ишлаб чиқаришининг яккаланган ҳолатдан чиқиши ва уларнинг аста-секин давлатлараро хўжалик тизимига кириб боришининг натижасидир. Меҳнат тақсимоти товар ишлаб чиқаришнинг умумий асоси сифатида бозор муносабатларига олиб келади, уларнинг ривожига эса миллий доирадаги хўжаликларни ва алоҳидалашган ишлаб чиқарувчиларни дастлаб ягона ички бозорга, кейинчалик эса умумжаҳон бозори доирасига тартади.

Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши мамлакатлар ўртасидаги фан-техника, ишлаб чиқариш, савдо-иқтисодий алоқаларнинг объектив асоси ҳисобланади ва шу туфайли ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви умумжаҳон жараёнига айланади. Хуллас, **халқаро**

меҳнат тақсимоти — бутун жаҳон хўжалигининг ташкил топиши ва ривожланишининг ҳал қилувчи омилдир.

Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши, турли мамлакатлар ва қитъалар ўртасида мунтазам алоқаларнинг ўрнатилиши тарихан иқтисодиётнинг миллий алоҳидалашувини ишдий чеклайди. Бутун Ер куррасида машиналашган ишлаб чиқариш, энг аввал йирик саноат, алоҳида мамлакатлар хўжалигини бир-бирига боғлаб қўяди. «Йирик саноат,—деб ёзади Карл Маркс,—Ер юзидаги барча халқларни бир-бирлари билан боғлади, барча маҳаллий майда бозорларни жаҳон бозорига бирлаштирди, цивилизация ва тараққиёт учун замин тайёрлади ва шунга олиб келдики, цивилизациялашган мамлакатларда содир бўлган нарсаларнинг ҳаммаси барча бошқа мамлакатларга таъсир кўрсатиши муқддирар».¹

Хўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви жаҳоншумул иқтисодий муносабатларини бутун башариёт цивилизациясининг яхлит таянчига айлантиради. Жаҳон хўжалиги гоёт мураккаб иқтисодий алоқаларни англатади, бу алоқалар халқаро миқёсдаги аралаш иқтисодиётга хос алоқалар бўлиб, мазмунан бир тоифадаги муносабатлар эмас. У икки гуруҳ муносабатларнинг синтезидан иборат. **Биринчиси** — соф бозор муносабатлари. Бу бозорда ташкил топган нарх-наво асосида эквивалент айирбошлаш, ўзаро рақобат, пул билан муомала қилиш, фойда топишга интилиш ва бошқалар. Шундай муносабатлар давлатлараро алоқаларга, фирмаларнинг халқаро фаолиятига ҳам хос. Бу муносабатлар иқтисодий алоқалар тизимида етакчилик қилади, аммо улар танҳо эмас.

Иккинчиси — мунтазам ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш муносабатлари бўлиб, улар эквивалентлик ёки фойда топиш тамоилига асосланмайди. Бу ерда рақобат ўрнига ҳамкорлик, доимий шериклик алоқалари ҳукмронлик қилади ва табиатан ижтимоий, яъни **нобозор** алоқалари ҳисобланади. Халқаро муносабатларда улар иккиламчи, ҳали етакчи мавқега эга бўлмайди.

Халқаро муносабатларнинг табиатини унда иштирок этувчи мамлакатлар миллий доирасидаги муносабатлар белгилайди. Шу боисдан ҳозирги бозор иқтисодиёти аралаш иқтисодиёт бўлар экан, унга хос бўлган икки ёқлама муносабат халқаро доирага ҳам тарқалади.

Жаҳон хўжалиги муносабат тарзида ўз объекти ва субъектига эга. Халқаро миқёсда ресурсларнинг тақсим-

¹ К. Маркс. Ф. Энгельс. Асарлар, 4-том, 175-бет.

ланиши ва самарали ишлатилиши, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, унинг кооперацияси, иқтисодий интеграция, савдо-сотиқ, илмий-техникавий ҳамкорлик, қолоқлик ва қашшоқликка чек қўйиш, экологияга пугур етказмай-диган иқтисодий фаолият юритиш кабилар умумжаҳон муносабатларининг объекти бўлса, турли давлатлар, халқаро ва миллий фирмалар, байналмилал ташкилотлар уларнинг субъекти ҳисобланади.

Жаҳон хўжалиги тараққиётининг ўзига хос бир қатор белгилари уларда маълум қонуниятлар борлигидан дарак беради. Жаҳон хўжалигининг ўзи меҳнат тақсимоги маҳсули, лекин бу хўжалик уни тоборо чуқурлаштириб ишлаб чиқаришдаги байналмилалликни кучайтиради. Бу эса ихтисослашув асосида харажатларни пайсатириш ва маҳсулотлар, хизматлар сифатини ошириш имконини яратади.

Жаҳон хўжалигида иқтисодий алоқалар шакллари ўзгариб, унинг кўринишлари кўнаиб боради, иштирокчилар доираси янги мамлакатлар ҳисобидан кенгайди. Кейинги йилларда бу доирага марказий Осиёнинг ёш давлатлари, жумладан, Ўзбекистон республикаси ҳам кириб келди.

Алоқаларнинг чуқурлашуви халқаро-иқтисодий интеграцияни юзага чиқаради ва интеграция уларнинг энг олий шаклига айланади. Мамлакатлараро, минтақалараро интеграцион алоқалар пировард натижада умумжаҳон интеграцияси билан яқунланади.

Жаҳон хўжалиги тараққиётида иқтисодий ва иқтисодий зўровонлик, тенгсизлик ва эксплуатацияга асосланган адолатсиз алоқаларни цивилизациялашган, яъни тенгликка, барчанинг манфаатини ҳисобга олувчи адолатли алоқаларга айланиши юз беради. Агар ёввойи бозор иқтисодиёти шароитида биринчи гуруҳ халқаро алоқалар ҳукмронлик қилган бўлса, цивилизациялашган бозор иқтисодиёти босқичида иккинчи гуруҳ алоқалари етакчи мавқеда туради.

Жаҳон хўжалиги капиталистик шаклда ривожланган кезларда унга мустамлакачилик муносабатлари хос бўлган. Бундаги иқтисодий алоқаларнинг муҳим жиҳатларидан бири мустамлакаларнинг капиталистик мамлакатлар (метрополиялар) тамонидан эксплуатация қилиниши ҳисобланган. Мустамлакачилик тугатилиши билан жаҳон хўжалигида тенглик ва ўзаро манфаатдорлик қоидаларига асосланган алоқалар пайдо бўлади. Жаҳон хўжалигининг субъекти бўлган турли мамлакатларнинг иқтисодий та-

раққиёт даражаси жиҳатидан **бир-бирига яқинлашуви** бу ҳўжаликка хос муҳим қонуният ҳисобланади. Аммо бу жаҳон миқёсидаги давлатлараро рақобат доирасида боради, кам ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти юксак тараққий этган мамлакатларга айланиши юз беради. 19-аср охирида Англия саноати энг ривожланган мамлакат бўлса, 20-асрнинг 70-йилларига келиб АҚШ, Япония, Франция, Германия, Канада ва Италия ҳам ривожланган мамлакатларни ташкил этди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб уларнинг сафига Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар деб аталмиш Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур, Малайзия ва Таиланд келиб қўшилди. Илгари деярли ҳаммаси мустамлака бўлган бу мамлакатлар иқтисодиёти структурасида яқиндагина ривожланаётган мамлакатлар учун хос бўлган қишлоқ хўжалиги ва ундирма саноат устунлик қилар, жон бошига тўғри келадиган даромадлар жуда паст, ички бозор ривожланмаган эди.

80-йилларнинг охирига келиб, вазият кескин ўзгарди. Осиё мамлакатлари жаҳондаги тараққий этган мамлакатларни ривожланиш суръати жиҳатидан қувиб ўта бошлади. 1990 йили ЯММнинг ўртача йиллик ўсиш суръати Жанубий Кореяда 12,2% ни, Сингапур ва Таиландда 11% ни, Малайзияда 8,1% ни ташкил этди. Жон бошига тўғри келадиган даромадлар даражаси бўйича Сингапур, Гонконг, Тайвань жаҳондаги бой давлатлар қаторига қўшилди.

Бу мамлакатларнинг ташқи савдоси ҳам иққори суръатлар билан ривожланмоқда. 1990 йили уларнинг жами экспорти фақат АҚШ, Германия ва Япония экспорти суммасидан кам бўлган.

Турли мамлакатлар иқтисодий даражасининг яқинлашуви ва тенглашуви цивилизацияланган муносабатлар меваси ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви мамлакатлар иқтисодиётини бир-бирига боғлаб қўяди. Шундай вазиятда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ривожланган мамлакатларнинг кам ривожланган мамлакатларга таъсирини кучайтириб, уларнинг ривожига қўмаклашади. Аммо цивилизацияланган муносабатлар мамлакатлар ўртасидаги тафовутни бирдан бартараф эта олмайди, чунки ўтмишдаги нотекис тараққиёт натижасида бу тафовутларнинг илдизи чуқур бўлади. Шу сабабли цивилизацияланган муносабатларга ўтиш юз берса-да, халқаро иқтисодиёт тизимида катта фарқ бўлади (18-жадвал):

**Жаҳон ишлаб чиқаришида айрим мамлакатларнинг тутган ўрни
(1992 йил)**

	Маҳсулот, млрд доллар ҳисобида		Жаҳон ҳўжалиги ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси, (% ҳисобида)		Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯММ	
	ЯММ	Саноат маҳсулоти	ЯММ	Саноат маҳсулоти	минг доллар	АҚШ даражасига нисбатан (% ҳисобида)
Жаҳон бўйича	26200	6500	100,0	100,0	4,8	21,0
АҚШ	5900	1300	22,5	20,0	23,1	100,0
Япония	2450	850	9,3	13,0	19,5	84,5
Германия	1350	570	5,2	8,8	16,85	73,0
Франция	975	225	3,7	3,5	16,85	73,0
Англия	910	225	3,5	3,5	15,8	68,5
Канада	560	130	2,1	2,0	20,5	89,0
Россия	775	275	3,0	4,2	5,25	22,5
Хитой	2870	570	11,0	8,8	2,45	10,5
Ҳиндистон	1100	200	4,2	3,1	1,25	5,5

Жаҳон ҳўжалигининг яна бир белгиси унинг **миллий иқтисодиётга таъсирининг шиддатли бўлиши ва кучайиб боришидир**. Миллий иқтисодиёт жаҳон иқтисодиётининг таркибий қисмига айланади. Чуқурлашган меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришни халқаро миқёсда ихтисослаштиради, натижада ҳатто улкан ва иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ҳам бошқалар билан алоқа қилмай туриб, ўз эҳтиёжини қондириб қолади, ёки бу иш серхаражат бўлиб боради. Ташқи иқтисодий алоқалар миллий иқтисодиёт раванқининг шартига айланади. Иқтисодиётнинг байналмилаллашуви муқаррар ҳодиса бўлиб, жаҳон ҳўжалигида хилма-хил алоқаларни юзага келтиради.

2. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий шакллари

Халқаро иқтисодий муносабатларда **савдо-сотиқ** етакчи ўринда туради ва бу жаҳон бозорида ўз ифодасини топади.

Жаҳон бозори — халқаро меҳнат тақсимоти орқали бир-бирларига боғланган турли мамлакатлар ўртасидаги барқарор олди-сотди муносабатларидир. Жаҳон бозори товар-пул муносабатларининг халқаро маҳсули, бу муносабатларнинг ўзи эса умуминсоний воқелик. Шунга кўра жаҳон бозори ўз яхлитлигини сақлайди. Умуминсоний алоқаларнинг мавжудлиги жаҳон бозорига барқарорлик бахш этади.

Жаҳон бозори товарлар, хизматлар, молия, илмий ишламалар, меҳнат бозорларидан иборат. Меҳнат тақсимоти қанчалик чуқурлашса, турли мамлакатлардаги ишлаб чиқариш кўлами қанчалик ошса, жаҳон бозори шунчалик кенгаяди, у ерда сотиладиган товарлар ва хизматлар кўпаяди, бозор иштирокчиларининг сони ортади. Жаҳон бозори унга хос инфраструктура орқали амал қилади. Бу инфраструктура халқаро товар биржалари, фонд биржалари, банклар, аукционлар, молия-суғурта, савдо-саноат компаниялари, ишга ёлловчи фирмалар фаолиятида ифода этилади. Жаҳон бозори миллий бозордан фарқ қилган ҳолда ишлаб чиқаришнинг мамлакатлараро ихтисослашувига ва шунга кўра уларнинг бир-бирига товар етказиб бериш зарурлигига асосланади. Бу ерда турли мамлакатлар ишлаб чиқарадиган товарларнинг ҳаммаси эмас, балки мамлакатлараро айирбошланиши зарур бўлган турларигина сотилади. Бинобарин, жаҳон бозорининг товар ассортименти **чекланган** бўлади. Уларга асосан асбоб-ускуна, нефть, кўмир, газ, металл, пахта, дон, чой, кофе, жун, ёғоч каби товарлар киради. Миллий бозордаги кўпгина товарлар жаҳон бозорида бўлмайди.

Жаҳон бозоридаги савдо-сотиқ турли мамлакатлардаги товар ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги **фарққа** асосланади, бу фарқ экспорт ёки импортнинг қулайлигини таъминлайди. Агар товарни мамлакат ичида ишлаб чиқариш харажатлари унинг жаҳон бозоридаги нархидан паст бўлса, экспорт қулай бўлади. Агар бу харажат юқори бўлса, импорт юз беради. Ҳар бир мамлакат ўзи камроқ харажат билан ишлаб чиқарадиган товарларни бошқа мамлакатларга сотишга ва аксинча, жаҳон бозоридан ўзида ишлаб чиқариш учун кўпроқ харажат керак бўладиган товарларни сотиб олишга интилади. Жаҳон бозорида махсус нархлар — контракт нархлари бор, бу нархлар **байналмилал харажатларни**, халқаро миқёсдаги талаб-таклиф нисбатини ва рақобат шароитини акс этиради. Бу ердаги талаб ҳам ўзгаришларга мойил, яъни унинг ўзгариши нархларга таъсир этиш орқали товар таклифи-

да ўзгариш ясаydi. Аммо товарлар таклифи уларни ишлаб чиқаришнинг табиий шароити билан чекланиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалиги товарлари, нефть, газ ёни кўмир таклифи уларни ишлаб чиқариш имкони доирасидагина бўлади. Уларни таклиф этувчилар монопол мавқеда бўлганидан жаҳон бозоридаги рақобат чекланади. Масалан, жаҳон пахта бозоридаги рақобат АҚШ, Хитой, Ўзбекистон ва Миср ўртасида бўлиши мумкин, чунки улар пахтанинг асосий қисмини етказиб берадилар. Нефть бозорида Яқин Шарқ мамлакатлари монополияси мавжуд.

Дунё бозоридаги нархлар ўзгаришида талаб асосий бўлиб, уларга таклифнинг таъсири кучсиз, шу боисдан жаҳон нархлари ўсишга мойил бўлади. Жаҳон нархлари байналминал сарфлар ва халқаро даражадаги талаб-таклифга асосланганидан у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга нисбатан кўп меҳнат сарф қилган ёки товар сифатини жаҳон талабларига етказа олмаган мамлакатлар жаҳон бозорида рақобатлашишига лаёқатсиз бўладилар. Сарфлари ўртача байналминал даражадан кам бўлган ва товари бозорбо ишлаб чиқарувчилар еса ўз товарларини экспорт қилишдан кўпроқ фойда оладилар.

Жаҳон бозоридаги савдо операцияларидан кўриладиган фойда миқдори экспорт ва импорт қилинаётган товарларнинг миллий ва интернационал харажатлари ўртасидаги фарққа боғлиқ бўлади. Унинг самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш ва муомаланинг ижтимоий харажатларини камайтириш, маҳсулотнинг сифатини ошириш, ташқи савдо хизматларини яхшилаш, шунингдек, жаҳон бозоридаги ҳолат ўзгаришларидан усталик билан фойдаланиш ҳисобланади.

Жаҳон бозори миллий иқтисодиёт ривожига кучли таъсир этади. Ҳатто энг тараққий этган мамлакатлар ҳам кўп жиҳатдан жаҳон бозорига боғлиқ бўлади. Масалан, 1991 й. АҚШ ялпи маҳсулотининг 10,7% бошқа мамлакатларга чиқарилса, 12,6% четдан келтирилди. Америка иқтисодиёти какао, кофе, ипак, нефть, никель, қалай, табиий каучук, олмос каби маҳсулотлар импортига тўла боғлиқ.

Турли мамлакатларнинг жаҳон бозорида тутган ўрни, биринчидан, уларнинг иқтисодий қувватига, иккинчидан, улардаги ишлаб чиқаришнинг чуқур ихтисослашувига, яъни нақадар экспортбоп бўлишига боғлиқ. Шу боисдан турли мамлакатларнинг жаҳон ишлаб чиқаришидаги мав-

қеи билан уларнинг жаҳон савдо-сотиқ оборотидаги ҳис-
саси фарқланади (19-жадвал).

19-жа д в а л

Айрим мамлакатлар экспорти (1989 й.)

Мамлакатлар	Экспорт	
	Умумий ҳажми (млрд. доллар)	ЯММ ҳиссаси (% ҳисобида)
Голландия	79	45
Канада	90	28
Германия	243	27
Буюк Британия	107	23
Янги Зеландия	6	22
Италия	98	16
Франция	125	17
Япония	211	11

Жадвалдан шуни кўриш мумкинки, Япония Голландиядан 12 баробар кўп маҳсулот яратгани ҳолда, экспортнинг маҳсулотдаги ҳиссаси Голландияникидан 4 баробар кам. Демак, Голландия жаҳон бозорида Япониядан анча фаол иштирок этади, чунки унинг иқтисоди экспортга ҳаят боғланган.

Жаҳон бозори орқали пул капитали, иш кучи ва технология мамлакатлар ўртасида тақсимланади. Аммо бозор муносабатлари яққаю-ягона эмас, чунки ўзаро ёрдам ва ҳамкорликдан иборат нобозор алоқалари ҳам мавжуд. Булар орасида илм-маърифат-техника ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Шу сабабли турли мамлакатлар улар учун долзарб бўлган фан-техника муаммоларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш, бир-бирига кадрлар тайёрлаб бериш, уларнинг малакасини оширишга катта эътибор берилади. Ривожланган мамлакатларда давлат бюджети ва йирик компаниялар ҳисобидан ҳар хил пул фондлар ташкил этилади, бу фондлардан турли ёрдамлар кўрсатилади. Масалан, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишда кўмаклашув учун Европа тиклаш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки, Европа иттифоқи ҳисобидан кадрларни бепул ўқитиш, хорижда уларнинг малакасини ошириш уюштирилди, турли анжуманлар ўтказилди, давлатлараро битимларга бивоан талабалар ва аспирантлар бепул ўқитилди, Германиянинг К. Аденауэр, А. Гумбольдт, АҚШнинг Б. Франклин, Г. Сорас фондлари ҳисо-

бидан стипендиялар бериледи (Г. Сорас¹ фондидан 1993 й. Ўзбекистондаги ҳар бир энг иқтидорли ёш олимга бир йўла 500 доллардан, жами 100 минг доллар стипендия ажратилди). Халқаро муносабатларда технология янгиликларини баҳам кўриш, имтиёзли шартлар билан уларни айирбошлаш, бир-бирига арзон кредит бериш, иқтисодий алоқалар учун қулайлик яратиш каби ҳамкорлик алоқалари ҳам бўлиб турадики, булар ҳам нобозор алоқаларни ташкил этади.

Дунё алоқаларида давлатлараро капитални тақсимлаш иқтисодий ўсишнинг фаол омили бўлиб хизмат қилади. Иқтисод байналмилаллашган сари капитал фаолияти миллий доирадан чиқиб халқаро мазмун касб этади. Мамлакатлараро капитал экспорти юз беради. Жаҳон хўжалиги ривожининг дастлабки пайтларида капитал саноати ривожланган мамлакатлардан чиқиб, қолоқ мамлакатлар томон йўлланган. Дунё алоқалари цивилизациялашган сари капитал ҳаракати умумжаҳон доирасида юз бериб, унинг оқими ҳар тарафлама бўлади. Ривожланган мамлакатлар ўртасида ҳам капитал экспорти пайдо бўлади. Ҳатто капитал кам ривожланган давлатлардан илғор мамлакатларга ҳам оқиб ўтади. Пул жамғармаларининг инвестицияларга айланиши капиталнинг халқаро миқёсда кўчиб юришини билдиради. Буни қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин (20-жадвал).

20-жа д в а ж

Жаҳон хўжалигида пул жамғармалари ва инвестициялар таркиби.

	Жаҳон ЯММдаги ҳиссаси, % ҳисобида		
	1981—1985	1986—1988	1989—1993
Миллий жамғарма:	22,1	22,3	22,1
Ривожланган мамлакатлар	15,8	17,3	17,5
Ривожланаётган мамлакатлар	6,3	5,0	4,6
Миллий инвестиция:	21,1	21,1	22,0
Ривожланган мамлакатлар	15,5	17,0	18,0
Ривожланаётган мамлакатлар	5,6	4,5	4,0

¹ Г. Сорас — АҚШдаги йирик молия капитали соҳиби.


Байналмилал ишлаб чиқаришнинг ўзи капитал ҳаракатини умумжаҳон миқёсида ва чекланмаган бўлишини талаб қилади. Шундай зарурат трансмилий корпорацияларни (ТМК) юзага келтирадими, улар капитални жаҳон узра тақсимланишини таъминлайдилар, халқаро иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилига айланадилар. ТМК биринчидан, ўз капиталининг келиб чиқиши жиҳатидан, иккинчидан, фаолият доираси жиҳатидан халқаро характерга эга бўлади. ТМК бир неча мамлакат миллий капиталининг бирикишидан ташкил топади ёки у бир мамлакат капиталига таянган ҳолда халқаро миқёсда иш юритади. ТМК қўлида гоаят катта миқдорда капитал тўпланади. ТМКлар жаҳон миқёсида иқтисодиётнинг хусусий секторига қўйилган капиталнинг $\frac{1}{3}$ қисмини назорат қилади ва 2 триллион долларга қадар капитални инвестиция эта оладилар. Уларнинг фаолияти туфайли дунё миқёсида инвестициялар шиддат билан ўсмоқда. 1971—1990 йилларда дунёдаги инвестициялар ҳар йили ўртача 13% ошган бўлса, 1986—1990 йиллар эса 28% кўпайган эди.

ТМКлар айниқса ёш давлатларга катта инвестицияни жойлаштирадилар, улар иқтисодиётни хусусийлаштиришда қатнашиб, бозор иқтисодиёти ривожига кўмаклашадилар. Капиталнинг ТМКлар воситасида бутун дунё бўйича тақсимланиши, уни самарали жойлаштириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди. Шу боисдан 1992 йили уларнинг товар обороти 5,5 триллион долларга тенг бўлди.

ТМКлар фаолияти бош (асосий) компаниялар, иккиламчи компаниялар, компания бўлинмалари ва шахобчалари ишидан иборат. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига кўра 1991 йили жаҳонда 37 мингта ТМК бўлиб, улар ҳар хил мавқега эга бўлган. Улардан 20 таси энг йириклари ҳисобланади, уларнинг биринчи сафида Роялл Дач Шелл, Форд, Женерал Моторс, Эксон ва АВМлар туради. Энг йирик ТМКлар ривожланган давлатлар капиталига асосланган. ТМКлар инвестицияси ёш мустақил давлатлар тараққиётида катта аҳамиятга эга. Ўзбекистонга хорижий капитални жалб этиш қўшма корхоналар ташкил этиш, чет элдан кредит олиш шаклида юз беради. Қўшма корхоналар тузиш портфели инвестицияларига ўхшаб кетади. Ўзбекистонда 1992 й. ишлаб турган 126 та қўшма корхона мавжуд эди. Бу корхоналарга турли мамлакатлардан чиққан капитал қўйилиб, улар хўжаликнинг турли соҳасида иш юритганлар (40,


40-расм

Ўзбекистондаги қўшма корхоналарнинг фаолият соҳалари (1992 й.)



Ўзбекистон қўшма корхоналарига қўйилган хорижийлар маблағида турли мамлакатлар ҳиссаси (1992 й., фоиз ҳисобида)

41-расм



41-расм). ТМҚлар капитал қўйиш шаклини ўзгарттирадilar, натижада турли компанияларнинг биргаликда қўйган капитали (портфель инвестицияси) аҳамияти ортиб боргани ҳолда капитал ҳаракатида яқка тартибда қўйилган маблағ (бевосита инвестиция), хусусий банклар берган қарз (банк кредити), давлат берган қарз (расмий кредит) ҳиссаси қисқаради. Бундай ўзгариш хўжалик фаолиятини хусусийлаштиради, бу эса эркин бозор талабига мос келади (21-жадвал).

21-жа д в а л

Ривожланган мамлакатларда капитал экспорти шакллари салмоғининг ўзгариши (% ҳисобида)

Капитал чиқариш шакли	70-йиллар	80-йиллар	90-йиллар
Бевосита инвестициялар	45	35	20
Портфель инвестициялари	19	53	70
Банклар кредити	21	6	6
Расмий кредит	15	6	4
Ҷами	100	100	100

Дунё иқтисодиётида эркин иқтисодий зоналар алоҳида ўрин тутади. Бу зоналар бозор иқтисодиётининг очиқ иқтисод бўлишидан келиб чиқади. Улар халқаро хўжалик алоқаларида алоҳида мақомга эга.

Эркин иқтисодий зоналар турли мамлакатлардаги хорижий ва миллий тадбиркорлар фаолияти учун имтиёзли иқтисодий шарт-шароитлар яратилган ҳудудлар бўлиб, улар иқтисодий ўсишини таъминлаш, социал ва экологик муаммоларни ечиш учун ажратилади. Эркин иқтисодий зоналар ўзининг фаолияти йўналишига қараб турлича бўлиши мумкин. **Эркин савдо зоналарида** бож бекор қилинади ёки унинг миқдори арзимас бўлади, экспорт-импорт устидан назорат бўлмайди. 1985 йили АҚШда 130 та ана шундай зона мавжуд бўлган. Экспортга мўлжалланган саонат зоналарида хорижий капиталга солиқ имтиёзи берилади, бож пули камайтирилади. Бундай имтиёз миллий капиталга ҳам берилади. Бундай мақсад маълум ерда чет эл капитали фаолиятини кучайтириб, хорижий технологияни жорий этиш, экспортни кўпайтириб валюта топиш ёки импорт қилинадиган товарлар ўрнини босиш учун товар ишлаб чиқариш бўлади.

Банк ва суғурта зоналари ҳам эркин иқтисодий зона туркумига киради, бундай зоналарда банк операциялари ва суғурта ишлари учун имтиёз бўлади ва капиталнинг кириб келишига қулай шароит яратилади. Эркин иқтисодий зоналарнинг махсус тури **технологик зоналар ҳисобланади. Бу ерда янги техника ва технологияни яратиш учун имтиёзлар мавжуд бўлиб, улардан нафақат хорижий, балки миллий корхоналар ва ҳар хил ташкилотлар ҳам фойдаланади. Ниҳоят комплекс характердаги **алоҳида иқтисодий зоналарда** ҳам савдо, ҳам саноат, ҳам технология ишлари учун қулайликлар яратилади. Бундай зоналар алоҳида, ҳамма учун **очиқ ҳудудлар** деб юритилади.**

Эркин зоналарнинг кўпайиши жаҳон миқёсидаги ресурслар доиравий ҳаракатини тезлаштириб, иқтисодий самарадорликни умумжаҳон миқёсида оширишга ҳисса қўшади.

Халқаро кредит умумжаҳон иқтисодий муносабатларининг махсус шаклини ташкил этади. У дунё миқёсидаги қарз бериш ва уни олиш муносабати бўлиб, унда турли давлатлар, ТМҚлар ва халқаро ташкилотлар қатнашади. Халқаро ссуда фонди вақтинча бўш пул маблағлари сифатида йирик банклар ва ТМҚлар қўлида, молия компаниялари ихтиёрида тўпланади. Бу фонд харажатларни қоплаш ва капитал қўйиш учун кредит сифатида ажратилади. Жаҳон бозорининг кенгайиб бориши, капитал экспорти ва импортининг кучайиши, давлатлараро ишлаб чиқариш, кооперация ва интеграцион алоқалар халқаро кредитга талабни оширади, унга умумжаҳон тус бахш этади. Умумжаҳон кредити икки йўналишда боради. Биринчиси **одатдаги кредит** бўлиб, у халқаро пул бозоридаги талаб-таклиф таъсири остида бўлади ва бозорда ташкил топган процент асосида берилади. Бундай кредитни банклар, ТМҚлар ва молия корпорациялари беради. Иккинчиси **имтиёзли ва текин кредит** бўлиб, унга мутлақо процент тўланмайди ёки ўта паст процент бериләди. Бундай кредитни бой давлатлар, ўта йирик компаниялар ва халқаро ташкилотлар махсус халқаро дастурларни амалга ошириш учун беради. Бундай кредитлар жумласига **собиқ социалистик мамлакатларни бозор иқтисодиётига ўтказиш** учун халқаро банклар ва Европа банки берадиган кредитлар киради. Масалан, 1993 йили Европа реконструкция ва тараққиёт банки Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб туриш учун 60 млн. доллар кредит очди.

Имтиёзли кредитнинг икки томони бор. Биринчидан, у пул бозорининг маҳсули, бозор муносабатига алоқаси бор. Иккинчидан, бепул ёки имтиёзли бўлганида унда nobozor муносабати ҳам мавжуд, уни бериндан мақсад пулдан пул чиқариб олиш эмас. У бозор механизми орқали юз берса-да, маълум даражада инсонийлик ва ёрдам муносабатини билдиради.

Халқаро кредит қарздор муаммосини келтириб чиқаради. Қарздорлик табиий ҳодиса, унинг иқтисодий оқибатини қарз миқдорининг ўзи эмас, балки уни узиш имкони белгилайди. Ривожланган мамлакатлар ҳам қарздор бўлиб қолади, лекин уларнинг иқтисодиёти учун бу хатарли эмас. Уларнинг олган қарздан кўра берган қарзи кўп бўлади. Масалан, 1985 йили ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Италия ва Канада)нинг қарзи 2,2 триллион долларга тенг эди, лекин буни тўлаш имкони ҳам етарли бўлган. Агар Японияни олсак, унинг 1985 йили берган қарзи олган қарздан 132 млрд.доллар, Буюк Британияники — 114 млрд. доллар, ГФР ники 48 млрд. доллар зиёд бўлган. Қарзни тўлай олмаслик иқтисодиёти заиф ривожланаётган давлатларга хос бўлади. Уларни қўллаш учун қарзнинг бир қисмини ёки бутун қарз суммаси кечиб юборилиши ҳам мумкин, бу ҳам nobozor муносабатга хос ҳодисадир.

Халқаро кредит миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалиги билан боғлаш воситаси ҳам ҳисобланади ва умумжаҳон миқёсидаги иқтисодий фаолиятнинг яхлитлигини таъминлайди. Жаҳон хўжалигида валюта муносабатлари ҳам бор. Жаҳон миқёсида ягона тўлов воситаси бўлмаса хўжалик алоқаларини юритиб бўлмайди. Бу вазифани жаҳон пули бажаради. Ҳозир шундай пул тарзида АҚШ доллари қабул қилинган. Миллий валюталар курси бири-бирига ва АҚШ долларига қийслашиб уларнинг қиймат нисбати аниқланганда валюта муносабати пайдо бўлади. Давлатлараро ҳисоб-китоб ягона валютада юритилиши учун аниқ белгиланган валюта курси талаб қилинади. Валюта курси оздир-қўндир барқарор бўлиши зарур. Шу боисдан халқаро алоқаларда сузиб юрувчи (тебранувчи) валюта курси маъқул топилган.

Бу маълум чегара доирасидагина ўзгариб турадиган валюта курси бўлиб, уни метъерий деб аташ мумкин. Мазкур курс унинг қуйи ва юқори чегараси доирасида ўзгариб туради. У кескин ўзгармаганидан ҳисоб-китоб ишларини ўтказишга хизмат қилади. Барча валюталар курси АҚШ доллари орқали белгиланади. АҚШ доллари ягона

тўлов воситаси бўлганидан ҳамма валюталарнинг курси долларда ифодаланади. Уларнинг ўзаро курси ҳам доллар орқали аниқланади. Ғарбий Европа мамлакатларида умумий ҳисоб-китоб бирлиги сифатида Эю пул бирлиги қабул қилинган. Эю доллардан фарқлироқ аниқ ҳамма муомалада юрадиган пул эмас, балки ўзаро ҳисоб-китоб учун қўлланидиган пул бирлигидир. Аммо у доллар каби Европа мамлакатлари учун умумий ҳисоб-китоб воситаси бўлганидан бу ердаги миллий валюталар курсини белгилашга хизмат қилади. Масалан, 1993 йил 26 ноябрь кuni Европа мамлакатлари ҳамжамияти расмий равишда I Эюни қуйидаги миқдордаги валюталарга тенг деб эълон қилган эди: 40,73 Бельгия франкига, 1,92 немис маркасига, 0,75 фунт стерлингга, 2,15 гулденга, 7,61 Дания кронасига, 192,56 Италия лирасига, 1,12 АҚШ долларига, 122,09 Япония иенасига, 15320,90 Туркия лирасига.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг олий шакли бу жаҳон хўжалигидаги интеграция алоқаларидир. Иқтисодий интеграция ғоят мураккаб жараён бўлганидан унга хос ходисаларни ҳисобга олган ҳолда уни баҳолаш мумкин.

Жаҳон хўжалигидаги иқтисодий интеграция — миллий бозорлар ва мамлакатлар миллий хўжаликлари ўртасидаги узвий боғлиқлик, ҳамжиҳат ривожланишини таъминлаш, турли мамлакатлар доирасида ресурсларнинг эркин ҳаракат қилиши, яъни умумий бозор ташкил қилиш мақсадларида бирлашувидир. Дунёдаги иқтисодий алоқалар азалдан бор, лекин улар ҳаминша ҳам интеграцияни билдирмайди. Ғоят юксак даражага чиққан алоқалар интеграцияни заруратга айлантиради. Халқаро интеграция учун учта шарт талаб этилади. Биринчидан, машиналашган ишлаб чиқариш чуқур ихтисослашади ва ташқи алоқаларсиз ривожлана олмай қолади. Иккинчидан, турли мамлакатлар иқтисодий даражасида ғоят катта тафовут бўлмайди, уларнинг даражаси бир-бирига яқин туради. Учинчидан, турли мамлакатлар ҳудудий умумликка эга бўлиб, уларнинг тарихан ривожланган алоқалари мавжуд бўлади. Мана шу шартлар борлигидан Ғарбий Европадаги иқтисодий интеграция амалда 60-йилларда бошланиб, ҳозир ҳам давом этмоқда. Шимолий Америкада ҳудудий умумийлик бўлган бир шароитда мамлакатлар иқтисодий даражаси кескин фарқланганидан интеграция кечикиб бошланган. АҚШ, Канада ва Мексика интеграцияси 90-йилларга тўғри келади. Айтилган учта шарт бўлмаса интеграция ривожланмайди. Шу билан Япония

ривожланган бўлса-да, Ғарбий Европа давлатлари ва АҚШ билан интеграциялашмаган.

Интеграцияни бозор иқтисодиётининг фан-техника прогресси шароитидаги ривожланиши келтириб чиқарди, чунки у чуқур ихтисослашув ва иқтисодий тенглашувни таъминлади. Фан-техника революцияси шароитида самарали иқтисодий ўсишни ҳамжиҳатлик билан таъминлаш мумкин бўлади. Замонавий саноат комплексларини, айниқса, технологик мураккаб ва илм талаб ишлаб чиқаришни ўз кучига таяниб ривожлантириш иқтисодий жиҳатдан қулай бўлмайди, чунки бу серкапитал иш бўлиб катта маблағ ва вақтни талаб қилади. Бунинг учун турли мамлакатлар иқтисодий потенциални сафарбар қилиш, улар маҳсулотини сотиш учун умумий бозор яратиш керак бўлади. Шунинг учун турли мамлакатлар бир-бирлари билан интеграция алоқаларини ўрнатиб, ўзларининг молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини бирлаштириб, янги замонавий корхоналарни қуришга йўналтириш фойдали ишга айланади.

Иқтисодий интеграция ишлаб чиқариш, фан-техниканинг етакчи тармоқларида чуқур ва барқарор кооперация алоқаларини шакллантириш, иқтисодий ҳамкорликнинг турли шакллари ривожлантиришни билдиради. У мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириб, ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаради, унга янги хусусият бахш этади.

Интеграция ресурсларининг энг самарали, бинобарин, техника жиҳатидан илғор ишлаб чиқариш соҳаларида тўпланишига ёрдам бериб, бир-бирини ўзаро тўлдирадиган миллий хўжаликларни яратадики, уларнинг яхлитлиги ягона ишлаб чиқариш комплексини шакллантиради. Натижада халқаро ишлаб чиқариш инфраструктураси ва бозор инфраструктураси юзага келади, илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, савдо, молия соҳасидаги ҳамкорлик мунтазам ва доимий тус олади.

Халқаро меҳнат тақсимоти қанча чуқур бўлса ва ишлаб чиқаришдаги кооперация алоқалари қанчалик мустақам бўлса, иқтисодий интеграция шунчалик муваффақиятли ва турли шаклларда ривожланади. Унинг энг мукамал шакли **Европа Иттифоқидирки**, унга 1958 йили асос солинган, 1993 йилга келиб Ғарбий Европадаги 12 мамлакатни бирлаштирди.

Бу уюшманиннг асосий вазифаси иштирокчи мамлакатлар доирасида ресурслар, товарлар ва хизматлар ҳаракатини миллий чегарадан ҳоли равишда эркин кўчиб

юришни таъминлаш, умумий бозорни вужудга келтириш, бозор воситасида товарларни давлатлараро тақсимлаб, аҳоли талаб-эҳтиёжини қондиришдир. Ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши асосида турли мамлакатлардаги турмуш даражаси тенглашади. (Агар уни 1990 йили Германияда 100 деб олсак, Англияда 87,0, Францияда 100,4 га тенг бўлган). Демак, интеграциялашган мамлакатларда турмуш даражаси бир-бирига яқин туради.

Европадаги интеграциянинг яна бир шакли **Европа Эркин Савдо Уюшмаси** бўлиб, унга 6 мамлакат бирлашган, унинг асосий вазифаси давлатлараро эркин савдони юритишдан иборат. Аммо бу «Европа Иттифоқи»дан фарқлироқ интеграциянинг қўйи шакли, чунки у мунтазам кооперацион алоқаларни билдирмайди. Ривожланган мамлакатлар доирасидаги янги интеграцион иттифоқ — **Шимолӣ Америка уюшмаси** бўлиб, АҚШ, Канада ва Мексикани бирлаштиради.

Интеграция самарали жараён, шу боисдан Ғарбий Европа мамлакатларининг кейинги 30 йилда шахдам ривожланишида интеграциянинг ҳиссаси катта бўлган. Европада 18 та интеграциялашган мамлакат бор, у ерда 377 млн. аҳоли, яъни ер қурраси аҳолисининг атиги 7% яшайди. Аммо 1992 йилда умумжаҳон ишлаб чиқаришининг 30%, савдосининг 43% улар ҳиссасига тўғри келди.

Шарқ мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий интеграция шаклларида бири — **Иқтисодий ҳамкорлик** ташкилоти ҳисобланади. Бу иттифоқ 1964 йили Эрон, Туркия, Покистон иштирокида тузилган. Техника — иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилиш мазкур интеграциянинг асосий мақсади ҳисобланади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига 1992—1993 йилларда Марказий Осиё давлатлари ва Озарбойжон қўшилган. Иқтисодий ҳамкорлик мамлакатларида 300 млн. киши яшайди. Уларнинг ҳали ишлатилмаган табиий бойлик ва меҳнат ресурслари кўп.

Жаҳонда ривожланаётган ёш мамлакатларга хос, лекин барқарор бўлмаган бошқа интеграция уюшмалари ҳам бор. Уларнинг иштироқчилари ўтмишдаги мустамлака бўлиб, иқтисодиёти бир ёқлама, яъни хом ашё етказишга ихтисослашган, шу сабабли бир-бирини тўлдириб, ягона комплексни ташкил эта олмайди. Интеграцион алоқаларнинг пайдо бўлиши жаҳон хўжалигига хос воқеалик, лекин улар умумий тус олиши учун ҳамма мамлакатларда шароит муҳайё бўлиши керак.

3. Янги халқаро иқтисодий тартиб

Жаҳон хўжалигидаги муносабатлар эволюцияси уларнинг цивилизациялашган муносабатлар сари бориши бўлиб, бу жараён янги иқтисодий тартиб сифатида шаклланади. Халқаро муносабатларда тенгликка асосланган, барча мамлакатларнинг манфаатларини назарда тутувчи ва адолат қоидаларига асосланган алоқалар янги иқтисодий тартибнинг мазмунини ташкил этади. Янги тартиб уч қоидага таянади. Биринчидан, жаҳон хўжалигидаги алоқалар тартибланиб туриши зарур ва бу ишни турли давлатлар биргаликда сиёсий йўл билан бажарадилар. Иккинчидан, жаҳон хўжалигида яратилган маҳсулотлар давлатлараро тақсимланганда ривожланаётган ёш мамлакатлар манфаати ҳам ҳисобга олиниши шарт ва шуни таъминлайдиган воситалар яратилиши керак; учинчидан, халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг барча бўғинлари демократиялашиши керак, ҳар бир давлат ўзининг тузумидан қатъи назар, шу муносабатларда иштирок этишга ҳақли бўлади. Бу қоидалар илгари мустамлакачилик даврида ташкил топган ва кейинчалик ҳам сақланиб келган тенгсизлик муносабатларига чек қўйиши керак, чунки бундай муносабатлар ҳануз ривожланган ва қолоқ мамлакатлар ўртасида юз беради.

Жаҳон хўжалигида турли мамлакатлар тараққиёт даражасининг яқинлашувига мойиллик бўлса-да, ривожланган ва кам тараққий этган давлатлар иқтисодиёти ўртасидаги фарқ сақланиб қолади ва вақти келганда чуқурлашиб ҳам боради. Бундай аҳволни бартараф этиш учун мамлакатлараро муносабатлар бир томонга фойда бериб, бошқасига зарар келтирмаслиги шарт бўлади. Янги тартибга биноан ишлаб чиқариш, савдо-сотик, кредит, инвестиция, суғурта каби соҳаларни тартибга солувчи халқаро ташкилотлар ишида ёш давлатлар ҳам фаол қатнашишлари керак. Улар ҳам халқаро савдо, инфраструктура, инвестицияни уюштириш ва назорат қилишда иштирок этадилар. Шу борадаги дастурлар ва қонун-қоидалар адолатли бўлиши, ҳаммага маъқул тушиши талаб қилинади.

Янги тартиб бир гуруҳ мамлакатларга афзаллик бериб, бошқаларга сунъий равишда қийинчилик туғдираётган иқтисодий тўсиқларни бартараф этишга қаратилади, чунончи, ташқи савдо йўлига қўйилган божхона тўсиқлари, масалан, юқори бож тўлови, импорт квотаси (меъори) белгилаш кабилар ёш давлатларнинг жаҳон бозорига

фаол кириб боришига йўл бермайди, шу сабабдан уларга чек қўйилиши керак бўлади. Жаҳон бозоридаги тартиб ёш мамлакатларнинг ҳам эркин рақобат қилишини, бозорда монополия бўлмаслигини таъминлаши шарт.

Янги иқтисодий тартиб ёш мамлакатларни иқтисодий асорат ва қарамликдан ҳоли этишга қаратилади. Гап шундаки, жаҳон иқтисодиёти хусусий секторини ўз қўлига олган трансмиллий корпорацияларнинг ривожланаётган мамлакатлардаги фаолияти фақат уларнинг корпоратив манфаатини ҳисобга олади, ёш миллий иқтисодиётнинг ривожига кўтилган ҳиссани қўшмайди. Бундай фаолият камбағал мамлакатлар табиий ресурсларидан катта бейлик ундириб олиб, уларни ўз бойлигининг талайгина қисмидан маҳрум этади. Хорижий капитал ўзи учун қўлай соҳаларга капитал жойлаштириб, миллий жиҳатдан истиқболли соҳаларни сиқиб қўяди. Натижада ёш мамлакатлар ўз иқтисодиётини диверсификациялашда қийналадилар. Шунини ҳисобга олиб, янги иқтисодий тартиб хориж капитали фаолиятини миллий иқтисодиёт тараққиёти билан боғлаш зарурлигини олға суради.

Ёш давлатлар жаҳон бозорига кўпгина ўта муҳим хом ашё товарларини (боксит, қалай, мис, марганец, уран рудаси, кофе, каучук, чой, пахта кабиларни) етказиб берадилар. Айни вақтда мазкур товарлар нархи кескин ўзгариб туради, бинобарин, улар экспортдан келадиган валюта тушумлари барқарор эмас ва бу молиявий қийинчиликлар ҳосил қилади. Бунинг устига бозордаги нархлар паритети ёш давлатлар фойдасига эмас, аксинча, уларнинг зарарига юради. Улар сотадиган товарлар нархи, улар харид этадиган тайёр маҳсулотлар нархига нисбатан пасайиб боради. Экспорт-импорт нархларидаги номутаносиблик муайян миқдордаги импорт товарларини олиш учун тобора кўпроқ экспорт товарлари сотишни талаб қилади. Бундай воқулайликни бартараф этиш учун янги тартиб нархларни барқарорлаштирувчи махсус халқаро пул фонди уюштиришни ва шу ҳисобидан нарх паритетини бирдай тутиб туришни талаб қилади. Бундан ташқари экспорт товарлари нархларини индексациялаш ғояси олға сурилади ва унга кўра экспорт нархи импорт нархининг ўзгаришига қараб белгиланиши зарур, шунда нархлар мувозанати таъминланади, нарх мувозанатисиз экспортчи мамлакатлар манфаатини ҳимоя қилиб бўлмайди.

Ҳозирги дунёда икки гуруҳ, яъни бой ва камбағал давлатлар бор. Иқтисодий даражаларнинг тенглашув қонунига кўра, қолоқ мамлакатлар илғорлар сафига чиқи-

ши учун улар таъсирида бўлиши, улардан ёрдам олини талаб қилинади. Аммо амалиётда бойлар камбағалларга етарли даражада ёрдам бермайди. 80-йиллардаги маълумотларга кўра, бу ёрдам ривожланган мамлакатлар ЯММнинг атиги 0,3% га тенг холос. Бундан ташқари шу ёрдам эвазига уни берган мамлакатларнинг товарини сотиб олиш талаб қилинади, натижада ёрдамни мустақил ишлатиш чекланади, ундан фойдаланиш самараси пасаяди. Бунинг устига берилган ёрдам инфляциядан ҳимоя этилмайди, унинг талайгина қисми олдинги қарзларни узинишга ва улар юзасидан процент тўлашга сарфланади. Натижада ташқи ёрдамнинг самараси анча пасаяди. Янги тартиб бу ёрдамни кўнайтиришни, БМТ таклиф этганидек, унинг ЯММдаги ҳиссасини ҳеч бўлмаганда 0,7% етказишни назарда тутаяди. Ёрдам миқдори оширилган тақдирдагина қолоқ мамлакатлар иқтисодий ўсишига кўмаклашувчи мумкин. Янги тартиб жаҳон хўжалигидаги ички, ривожланган ва кам тараққий этган мамлакатлар ўртасидаги зиддиятни ҳал этишга қаратилган. Ривожланганлар мамлакатларнинг озчилигини ташкил этади, лекин улар қўлида жаҳон иқтисодий потенциалнинг асосий қисми тўпланган, шу сабабдан улар жаҳон хўжалигига ўз таъйиқини ўтказая олади. Аммо кам ривожланган мамлакатлар кўпчилик бўлиб, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидан иборат, улар қўлида ер юзидagi табиий бойликлар ва меҳнат ресурсларининг катта қисми бор. Янги иқтисодий тартиб шу ресурсларни ишга солиб, ёш мамлакатлар иқтисодийи жадал ўстириш ва бу билан умумжаҳон иқтисодий равақига янги ҳисса қўшишга қаратилган. Ер юзидая оралиқ мавқеидаги, яъни **тараққиёти ўртача** мамлакатлар ҳам бор. Бундай мамлакатлар ҳамма қитъаларда мавжуд, уларнинг иқтисодийи ҳам умумжаҳон хўжалигининг ажралмас қисми ҳисобланади. Турли мамлакатлар миллий иқтисодийи ҳар хил даражада бўлса-дая, жаҳон хўжалиги орқали ўзаро боғланган ва бир-бирига таъсир этади, тенглашиб боради. Ўта қолоқ мамлакатлар кам ривожланган мамлакатларга, улар эса ўртача ривожланганларга ва ниҳоят даражаси ўртача ривожланган мамлакатларга айланадилар. Мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши қуйи гуруҳдан юқори гуруҳларга ўтиб бориши муқаррар, лекин **бу жараён узоқ давом этади** ва икки омил таъсиридая юз беради. Биринчидан, мамлакатлардаги ички иқтисодий муносабатлар бозор муносабатлари изига кўчиб, ундан ўсиб чиқадиган аралаш иқтисодийёт иқтисодий ўсишга кучли рағбат беради.

Иккинчидан, халқаро иқтисодий муносабатлар цивилизациялашган муносабатларга айланиб, ҳам миллий, ҳам умумжаҳон иқтисодиётининг ўсишига шароит яратади. Халқаро муносабатларни янги иқтисодий тартиб асосида қайта қуриш жаҳон хўжалиги ривожига янги саҳифа ҳисобланади, чунки у тенглик, ҳамма учун манфаатдорлик, камситишларга йўл қўймаслик, миллий биқиклик, худбийлик ва хунрезликдан воз кечиш, бир-бирига мададкор бўлиш каби умуминсоний орзуларнинг қарор топишини билдиради. Янгича муносабатлар бир қатор умуминсоний муаммоларни ҳал этиши керакки, бундан ҳар бир ва ҳамма мамлакатлар манфаатдор бўлади. Энг аввал инсоннинг индустриалашган (машиналашган) ишлаб чиқариш фаолиятини атроф-муҳитга, янаш шароитига салбий таъсирини бартараф этиш керак. Бу атроф муҳитни ҳимоя қилиш чора тadbирларини биргаликда ўтказишни, табиатга ва инсонга зарар келтирмайдиган технологияни ҳамкорликда яратиш, ҳамма ерда жорий этишни талаб қилади. Инсоннинг иқтисодий фаолияти байналмилал бўлганидан, инсоният ягона ер курашида яшаганидан ҳаётий шароитни биргаликда соғломлаштириш зарур бўлади. Умуминсоний муаммолардан яна бири—ер юзида иқтисодий қолоқлик ва қашшоқликни ҳамжиҳатлик билан тугатишдир. Дунёда ҳамон иқтисоди қолоқ ва халқи қашшоқ мамлакатлар бўлиб, булар озодликка чиққан собиқ мустамлакалардир. Жаҳон аҳолисининг 10% очликка йўлиқиб туради, ҳауузгача саводсизлик, кўпгина касалликларга чалиниш, замонавий маданиятдан йироқда бўлиш каби қолоқлик аломатлари тугатилмаган. Умумжаҳон жамияти бу масалани ҳам мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракати билан ечиши мумкин.

Саноати ривожланган мамлакатлар олдида ҳарбий ишлаб чиқаришни конверсия қилиш, яъни ҳарбий маҳсулот яратишдан тинч ҳаёт учун зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш масаласи туради. Буни ҳал этиш катта сарф, маълум вақт, тажриба ва технологияни талаб қилади. Шу билан у ҳарбий саноати бор мамлакатларнинг ҳамкорлигисиз юз бермайди. Хуллас, ҳозирги дунёда бир қатор муаммолар келиб чиққанки, уларни ҳал этиш барча мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини тақозо этади. Мамлакатларнинг ўзаро ва умумжаҳон миқёсидаги алоқаларининг чуқурлашуви, улар шакллари янгиланиб бориши инсониятнинг иқтисодий умумийлигини кучайтиради, жаҳон хўжалигини янги босқичга олиб чиқади.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ВА МУСТАҚИЛ ИШЛАШ ТОПШИРИҚЛАРИ.

1. Нима сабабдан жаҳон хўжалиги пайдо бўлади?
2. Жаҳон хўжалигининг миллий иқтисодга таъсири қандай?
3. Шу бобда келтирилган 11-жадвалдаги рақамларни синчиклаб ўрганинг ва улар нимани тасдиқлашини мустақил равишда шарҳлаб кўринг?
4. Нима учун халқаро иқтисодий муносабатлар турли шаклга эга бўлади?
5. Жаҳон бозори нима билан миллий бозордан фарқланади?
6. Нима сабабдан дунёда кредитга нисбатан портфель инвестициялари устивор ўсади?
7. Трансмиллий корпорациялар фаолиятига тегишли адабиётни мустақил ўрганган ҳолда, улар таркибига Ўзбекистон фирмаларининг кириши қандай иқтисодий натижа беришини пухта билиб олинг.
8. Жаҳон хўжалигидаги иқтисодий интеграциянинг аҳамияти қандайлиги ва унда Ўзбекистон иштирок этиши имкониятларини аниқлаб кўринг.
9. Очиқ иқтисодий зоналар бир-биридан қандай фарқланади?
10. Янги иқтисодий тартиб нималарни талаб қилади?

Ш Б У Л И М

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯЛАРИ

XXII БОБ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯЛАРИДАГИ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАР

Иқтисодиёт илмининг ривожини акс эттирадиган иқтисодий тафаккур тарихи ғоят бой. Инсоният тарихи давомида иқтисодиётга оид кўпгина ғоялар олға сурилган, улар жамланиб, ҳар хил назарияларни ташкил этган. Шарқ ва Ғарб алломалари иқтисодий ҳодисаларни на-

зарий жиҳатдан таҳлил этиб, иқтисодиёт соҳасида ҳам турли категория ва қонушлар борлигини асослашга урунганлар. Улар моддий ва меҳнат ресурсларининг ишлатилиши, савдо-сотиқ, нарх-наво, ижара, солиқ ундириш, хазина тўплаш ва пул муомаласига оид жуда кўп фикр-мулоҳазалар баён этганлар. Марказий Осиёда Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдурахмон Ҷомий каби мутафаккирлар, Низомул-Мулк ва Амир Темур сингари давлат арбоблари ҳам иқтисодиётга оид кўпгина фикрлар айтганлар. Иқтисодий фаолиятга оид ислом қонун-қоидалари дастлаб Қуръонда жамланган ҳолда битилган. Иқтисодиётга оид айрим фикрлар ва қоидаларни бир-бири билан узвий боғлаб, муайян назария ҳолатига келтириш, назариялардан яхлит таълимот яратиш XVIII асрнинг 2-ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмига тўғри келадик, бу давр бозор иқтисодиёти капиталистик шаклининг пайдо бўлиши билан характерланади. Уша пайтда бозор иқтисодиётининг шиддат билан ривожланиши унинг сир-асрорларини англаш, қонун-қоидаларини ўрганиш ва аниқлашга бўлган эҳтиёжни пайдо қилган. Бу эҳтиёж Ғарбда кучли бўлган. Шу боисдан бу ерда яшаган йирик назариячи олимлар классиклари деб таънинган. Улар жумласига В. Петти, А. Смит, Д. Рикардо каби иқтисодчи олимлар киради. XIX асрнинг II ярмидаги иқтисодий тафаккур тарихи марксизм таълимотининг пайдо бўлиши ва ривож билан ажралиб туради. Бу таълимот ўз даврининг буюк иқтисодчиси деб эътироф этилган К. Маркс таълимоти бўлиб, пролетар сиёсий иқтисоди деб ном чиқарган. XX аср ҳам иқтисодиёт назарияси соҳасида ўз довишмандларини яратди, улар жумласига Ж. М. Кейнс, А. Маршалл, М. Фридмен, Б. Ойкен, П. Самуэльсон кабилар киради. Уларнинг ғоялари ҳозирги замон иқтисодий назарияларининг асосини ташкил этади.

Иқтисодиёт назариясида бир-биридан фарқланувчи жуда кўп оқимлар ва мактаблар майдонга келди. Уларни шартли равишда уч гуруҳга — кейнсчилар, мониторинглар ва социал-либерал назария тарафдорларига ажратиш мумкин. Айтилган гуруҳларнинг олға сурган ғоялари назарияда асосий ўрин эгаллайди ва амалиётда қўлланади. Айтилган ғояларнинг ҳар бири алоҳида эмас, балки қорилма шаклида ҳаётга тадбиқ этилади. Биз олдинги бобларда турли назарияларда олға сурилган фикр-мулоҳазаларни иқтисодиётнинг турли жиҳатларига нисбатан кўриб чиқдик. Бу бобда умумий тасаввур бериш мақсадида

уларни яхлит ҳолда, ягона ғоялар тизими сифатида кўриб чиқамиз.

1. Кейнсчилар таълимоти


Кейнсчилар таълимоти иқтисодиёт назариясида алоҳида ўрин тутади ва нуфузли ҳисобланади, улар олға сурган ғоялар ва тавсиялар Ғарб мамлакатларида амалий жиҳатдан қўлланиб ҳам келган. Кейнсчилар таълимоти деганда Жон Мейнорд Кейнс (1883—1946) ва унинг издошлари ғояларининг мажмуи тушунилади. Унинг асосчиси XX асрнинг буюк иқтисодчиси инглиз олими Жон Мейнорд Кейнсдир. Ж. М. Кейнснинг асосий асари «Иш билан банд бўлиш, процент ва пулнинг умумий назарияси» (1936 й.) деб номланган. Ж. М. Кейнс назариясининг эътиборли жиҳати шундан иборатки, у макроиқтисодий масалаларга бағишланган.

Дастлаб макроиқтисодий таҳлил намунасини қишлоқ хўжалиги ва саноат мисолида ва XVIII асрдаги Франция иқтисодиётига тадбиқан француз иқтисодчиси Ф. Кенэ (1694—1774) яратган. Ундан сўнг бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг капитализмга нисбатан чуқур назарий таҳлилини К. Маркс (1818—1883) ўзининг «Капитал» асарида берган. К. Марксдан сўнгги иқтисодчилар асосан микроиқтисодий муаммолар билан машғул бўлишган, улар айрим фирмалар даражасида иқтисодни ўрганиб, харажатларни пасайтириш, фойдани ошириш, инвестицияларни жойлаштириш масалаларига асосий эътибор беришган, аммо умумиқтисодий масалаларни четлаб ўтганлар, умумиқтисодий масалаларнинг фирмалар иқтисодиётига таъсирини назардан қочиришган. Улардан фарқлироқ Кейнс иқтисодий тадқиқотда янги йўналиш яратди, яъни у макроиқтисодий жараёнларни тартиблан назариясини асослаб берди. У фирмалар корпоратив манфаати жамият манфаатлари билан ҳар доим ҳам уйғунлашавермаслигини, уларнинг фаолиятига умумиқтисодий вазият таъсир этишини ҳисобга олади. У ўз эътиборини макроиқтисодий таҳлилга кўчиради, аҳоли даромадининг жамғарилиши, инвестициялар, истеъмол, муомаладаги пул миқдори, нарх-наво, иш ҳақи, фойда ва процент ўртасидаги алоқа-боғланишларни очиб беради. Кейнсдан олдинги иқтисодчилар миқдорий таҳлилни микроиқтисодий даражада ўтказган бўлсалар, Кейнс уни бутун иқтисодиётга тадбиқ этади. У талаб ва таклиф нисбатига ҳам бошқача ёндашади. Унинг фикрига кўра, иқтисодий муам-

молар ечимини ресурслар таклифидан эмас, балки уларга талабдан қидириш керак. Ҳолбуки Кейнсга қадар кўпчилик олимлар Ж. Б. Сэйнинг (Сэй—француз иқтисодчи олими 1767—1832) товар таклифи ўз-ўзидан товарга талаб яратади деган қондасига амал қилишган.

Кейнс бу қондага танқидий ёндошиб, «асосий психологик қонун» мавжуд деган фикрни олға сурган. Бу қонунга биноан аҳоли даромади ўсиши билан одамларда кўпроқ истеъмолга эмас, балки жамғаришга мойиллик пайдо бўлади, яъни топилган даромадда ишлатилмай жамланган қисмининг ҳиссаси ортиб боради. Шунга кўра жами талаб ўз-ўзидан жами таклифга мос тушавермайди. Кейнс қонунини қуйидагича тасвирлаш мумкин (42-расм).

Талаб ва таклифнинг номувофиқлиги




42-расм.

Графикдан шуни кўриш мумкинки, агар таклиф автоматик равишда талабни юзага келтирганда эди $AC = KD$ бўлиши зарур эди. Жамғаришга мойиллик айtilган тенгликни бузади, натижада $AB = KE$ келиб чиқади, бинобарин, талаб-таклиф нисбати ўзгаради. Кейнс фикрига

Расмдаги пунктир чизиқнинг охири E нуқтадир.

кўра, макроиқтисодий даражада жами талаб ва таклифнинг ўзаро монанд келмаслиги туфайли, уларнинг узилиши юз берадики, уни инфляция ва ишсизлик узилиши деб айтиш мумкин. (43-расм).

Инфляция ва ишсизлик узилиши



43-расм. Миллий даромад.

Графикдан талаб ва таклиф бир йўналишда бормаганлигини кўрамиз. Талаб ҳаракати BE чизигидан, таклиф ҳаракати эса AD чизигидан ўтади. Улар H нуқтасида кесилишади. Улар мос келмаганидан иқтисодиётда узилиш ҳосил бўлиб, уни Кейнс инфляция ва ишсизлик узилиши деб атайди. Агар жами таклиф жами талабдан ортиб кетса, ресурслар, энг аввал иш кучи тўла ишлатилмайди. Буни H нуқтадан юқори томон бошланган пунктирли учбурчакда кўриш мумкин. Агар жами талаб таклифдан ортиб кетса, инфляция пайдо бўлади, яъни инфляцион узилиш келиб чиқадики, уни H нуқтадан паст томондаги пунктирли учбурчак ифодалайди. Шубҳасиз айтилган узилишлар иқтисодий ўсишнинг бир маромда боришига йўл бермайди. Иқтисодий ўсиш AK ўрнига AO чизиги билан чекланадики, $AO < AK$ келиб чиқади.

Кейнс психологик мойиллик натижасида талабдаги ўзгаришга асосланиб, иқтисодиётнинг нормал ривожланиб туриши учун унинг бозор механизми орқали тартибланиши кифоя қилмайди, чунки жами талаб ва таклиф мос келавермайди деган хулосага келади. Шу боисдан унинг фикрича давлат иқтисодиётга аралашини зарур, чунки у талабга таъсир этиши билан унинг самарасини ошири-

ши мумкин. Бунда Кейнс талаб самараси деб, давлатнинг чора-тадбирлари туфайли талабнинг кенгайишини назарда тутлади.

Кейнс назариясида иқтисодий жараёнларни юзага чиқарувчи омиллар таҳлили катта ўрин тутлади. У мазкур омилларни доимий ва ўзгарувчи омилларга ажратади ва ўзгарувчи омилларга давлат таъсирини кучайтиришни ёқлайди. У қуйидагиларни ёзган эди: «Бизнинг пировард мақсадимиз биз яшаб турган хўжалик тизими доирасида марказий ҳокимият томонидан онгли назорат қилиш ва бошқариш мумкин бўлган йўлга ўзгарувчан омилларни танлаб олишдан иборат»¹. Бу билан Кейнс иқтисодиёт ҳукумат томонидан тартибланиши зарурлигини таъкидлайди.

Кейнс таълимотида иш билан таъминлаш ёки ишсизликни бартараф этиш иқтисодий ўсиш учун бош масала ҳисобланади. Унинг ёзишича **иш билан банд бўлиш таклиф самараси билан, таклифнинг ўзи эса, аҳолининг ва инвестиция сарфлари билан белгиланади.** Юқорида зикр этилган асосий психологик қонун таъсирида истеъмол ҳиссаси қисқаришга мойил бўлади. Бундай боғлиқликни истеъмол ўсиши (ΔI)нинг даромад ўсиши (ΔD)га нисбати билан ифодалаш мумкин. Бу нисбат ҳар доим 1 дан кичик бўлади.

$$\frac{\Delta I}{\Delta D} < 1$$

Масалан, $\Delta I = 5$, $\Delta D = 7$. Бунда $5:7 = 0,7$ яъни $0,7 < 1,0$.

Кейнс истеъмолнинг ҳажмини, биринчидан, миллий даромад миқдоридан келтириб чиқарса, иккинчидан, уни истеъмолни қисқартиришга халқ мойиллиги билан боғлайди. Шунга таянган ҳолда, у барқарор иқтисодий ўсиш бўлиши, яъни миллий даромаднинг бир меъёردа ортиб бориши учун иш билан бандликни ошириш керак, бунинг учун янги иш жойларини яратишга инвестиция қилиш керак, бинобарин, аҳоли ўз истеъмолидан орттириб қолган жамғармани инвестицияларга айлантириш зарур бўлади. Кейнсчилар давлат миллий даромаднинг инвестициялашган қисмини ўзгартиришга бевосита таъсир эта олмайди деб ҳисоблайдилар. Улар назарияга иқтисодий ўсишни таъминловчи **мультипликатор** деган тушунчани киритишади. Уларнинг талқинига кўра, мультипликацион жараён қуйидагилардан иборат: инвестициялар, уларнинг

¹ Кейнс Дж. М. Общая теория занятости и денег. М., 1978, с.428

эгаси ким бўлишидан қатъи назар ресурсларни, яъни иш кучи ва меҳнат воситаларини ҳаракатга солиб, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиради, бинобарин, янгидан даромадлар яратилади, улар қайтадан инвестициялашиб, яна ишлаб чиқариш орқали даромад ҳосил этади. Шундай тарзда даромаднинг инвестициялашуви ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди. Мультипликатор кўрсаткичи сифатида унинг **коэффициенти** асосланади, у даромад ўсими (ΔD) ва инвестиция ўсими (ΔI) ўрта-сидаги боғланишни ифодалайди. Шунга кўра, мультипликатор коэффициенти (K) аниқланади. Бунда $K = \frac{\Delta D}{\Delta I}$

Мультипликатор коэффициенти инвестиция даромадни қай даражада оширганини кўрсатади. Кейинс яшаган даврда $K = 2,5$ бўлган, яъни 1 доллар инвестиция 2,5 доллар даромад ҳосил этган.

Мультипликатор фақат иқтисодий ўсишни эмас, балки унинг пасайишини ҳам изоҳлайди. У инвестиция қисқарган шароитда даромадлар қанчага камайишини ҳам кўрсата олади. Мультипликатор ғояси давлат ўз сиёсати билан инвестицион вазиятни ўзгартириб, иқтисодиётга таъсир эта олишини билдиради. Кейнсчилар фикрига кўра, давлат, биринчидан, фирмалар, компаниялар ва айрим кишиларнинг инвестицион фаоллиги учун шароит ҳозирлаши мумкин, аммо унга бевосита аралашмайди, иккинчидан, эса, у бюджет маблағларини инвестицияга йўналтириб, иқтисодий ўсишга ҳисса қўша олади. Кейнсчилар инвестицион фаоллик нафақат даромадлар миқдорига, балки инвестиция самарасининг чегарасига ҳам боғлиқлигига эътибор берадилар. Инвестицион фаоллик унда келадиган даромад энг кўп бўлгунга қадар давом этади, даромад пасая бошлагач, фаоллик ҳам сўна боради.

Кейнсчилар процент миқдорини инвестицион даромаднинг чегараси тарзида қабул қиладилар. **Инвестиция берадиган даромад банк процентидан кам бўлмаслиги керак**, акс ҳолда пулни инвестиция қилгандан кўра, уни банкда жамғариш қулай бўлади. Масалан, инвестицияга қўйилган 100 фунт стерлинг пулдан кутилган фойда 10 фунт стерлинг бўлса-ю, банк проценти 8 фунт стерлингни ташкил этса, инвестиция юз беради, агар кутилган фойда 7 фунт стерлингга тушса, аксинча пул инвестициядан чиқиб, банкда жамғарилади. Демак, процент миқдорининг ортиши жамғаришга мойиллик пайдо қилади, унинг пасайиши эса инвестицияга мойилликни юзага келтиради.

Кейнсчилар процентнинг ўзини ҳам таҳлил этадилар. Улар процент миқдорини пул бозоридаги талаб ва таклиф билан изоҳлайдилар, талабнинг тез ўсиши процентни оширгани сабабли, бу ҳол кўнгилсиз воқеа деб баҳоланади, чунки бу инвестицион фаолликни сусайтиради. Шу сабабли улар **процентни пасайтириш тарафдори** бўлганлар, пул-кредит сибсати процентни ўзгартира олгандагина давлат иқтисодий ўсишга таъсир этади деган хулосага келадилар. Кейнсчилар процентга таъсир этиш қийин бўлган вазиятда хусусий инвестициялар камайиб кетишини инobatга олиб, давлат бюджетидан бериладиган инвестицияларни кўпайтиришни маъқул тошадилар.

Кейнсчиларнинг иқтисодийётни тартиблашда давлатнинг ўрни ҳақидаги ғояларини амалиётда тадбиқ этиш ўз даврида яхши натижа берган. Масалан, 1929—1933 йилги энг даҳшатли кризис даврида Кейнс тавсиялари иқтисодийётни барқарорлаштиришда қўл келган. Давр ўтиши билан Кейнс таълимотига янгиликлар киритилди. Такимиллаштирилган Кейнс таълимоти **неокейнсчилик**, яъни янгиланган кейнсчилик назарияси номини олди.

Кейнс издошлари (А. Хансен, М. Кларк, Р. Харрод, С. Харрис) унинг назарий меросидан икки муҳим хулосага таянадилар: 1) иқтисодийётда мувозанатни таъминлаш учун уни давлат тартиблаши зарур; 2) макроиқтисодий таҳлилни қўллаш изидан бормоқ керак. Янги кейнсчилар Кейнснинг мультипликатор ғоясини кетма-кет қайта кўриб, **акселератор ғоясига** айлантиришган. Маълумки, мультипликатор ғоясига кўра инвестициянинг қандай ишлатилиши жуда муҳим аҳамиятга эга эмас, у иш билан бандликни таъминлаб, даромадни оширса шунинг ўзи кифоя. Янги кейнсчилар инвестициянинг қандай ишлатилишга катта эътибор бериб, **индуцирланган инвестиция** тушунчасини муомалага киритганлар, яъни инвестициялар инновацион фаолият (янгиликни жорий этиш) билан боғлиқ бўлиши ҳамда ишлаб чиқариш диверсификациясини (таркибининг ўзгаришини) таъминласа, иш билан бандлик ва даромадларда ғоят кескин ўзгаришлар ясайдилар. Акселератор (А) инвестиция ўсимининг (ΔI) даромад ўсимини, яъни инвестициядан кейинги (D_2) ва ундан олдинги даромаддаги (D_1) фарққа ($D_2 - D_1$) алоқасини билдиради:

$$A = \frac{\Delta I}{D_2 - D_1}$$

Кейнсчилар назарияси илмий жиҳатдан мукамал

асосланган назария ҳисобланади. Унинг асосий хулосалари қуйидагича: иқтисодиётдаги мувозанатларнинг бузилиши хўжаликни издан чиқаради, давлат ўзининг иқтисодиётга аралашидан иборат фаолияти орқали мувозанатларни тиклашда қатнашади, бу билан иқтисодиётни тартиблаш, унинг ўсишига имкон беради. Кейнсчилар **бозор механизми** давлат иштирокисиз иқтисодиётни тартибга сола олмаслигини атрофлича асослаб берганлар. Улар бозор механизми нуқсонларини давлат бартараф эта олади деб ҳисоблашган.

Кейнсчилардан фарқлироқ, режали хўжалик назариячилари мувозанатни марказлаштирилган режалаш тизими таъминлайди деб, бошқа усулларни мутлақо инкор этганлар. Уларнинг фикрига кўра, мувозанатсиз иқтисодий ўсиш бўлмайди, аммо унга эришишнинг энг самарали усули иқтисодиётнинг ҳамма бўгинларини бир марказдан туриб давлат томонидан режалаштиришдир. Кейнсчилар давлат режалаштиришини эмас, балки иқтисодиётни тартиблаш тарафдорлари ҳисобланадилар. Уларнинг тавсиялари асосида иқтисодиётни тартиблаш хўжаликдаги мувозанатни таъминлашга кўмак берди, иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришилди. Мақсад — барқарорлаштириш қўлга киритилгач, бозор механизми равон йўлга чиқиб олганидан кейин давлатнинг чора-тадбирларига эҳтиёж камайди. Бу ҳолат кейнсчилар таълимотига диққат-эътиборни сусайтириб, фақат бозор механизмининг олқишлаган назарияларни олдинги сафга чиқарди. Шундай назариялардан бири монетаризмдир.

2. Ҳозирги замон монетаризми

Монетаризм иқтисодий назария соҳасида кенг тарқалган машҳур ва нуфўзли оқимдир. Бу оқимнинг кўзга кўринган намоёндаси М. Фридмен ҳисобланади, у Чикаго университетининг (АҚШ) профессори, иқтисод соҳасида Нобель мукофоти соҳиби. Ҳозирги замон монетаризмига бир гуруҳ иқтисодчилар қаламига мансуб «Пулнинг миқдорий назариясига оид тадқиқотлар» (1956 йил) деб номланган асар билан асос солинган. Монетаризм кейнсчилар таълимотига муқобил назария сифатида юзага келган ва соф бозор иқтисодиёти назарияси ҳисобланади. Унинг бош ғояси — иқтисодий ўсишни бозор механизми таъминлайди, бу механизмнинг асосий воситаси пул деган хулосадан иборат. Монетаризм пулни олқишловчи назариядир. Монетаристлар иқтисодий ўсишнинг энг му-

ҳим шарт и инфляцияни даф этиш ва пулни соғломлаштириш, пулни хўжалик муомаласи воситасига айлантириш деб қарайдилар. Уларнинг фикрича, давлатнинг иқтисодиётга аралашishi инфляциянинг кучайиб кетишига сабаб бўлади, шу боисдан унинг иқтисодий фаолияти пул муомаласини тартибга солиш билан чекланиши керак. Кейнсчилар ва монетаристлар иқтисодни тартиблашга ёндашиш бўйича бир-биридан фарқланадилар. Кейнсчилар барқарорликка бозор механизми орқали эришиб бўлмайди, унга давлатнинг аралашуви зарур деб қарасалар, монетаристлар эса аксинча, бу вазифа бозор механизмининг иши, чунки бозор иқтисодиётга ички барқарорлик бера олади деб ҳисоблайдилар.

Монетаристлар назарияда илгаридан маълум бўлган пулнинг миқдорий назариясига бориб туташидиган «барқарор пул» назариясини олға сурадилар. Улар пулнинг барқарорлиги ва иқтисодий фаоллик ўртасида узвий боғланиш борлигини қайд этган ҳолда, иқтисодий кризисларнинг сабабини пул муомаласидаги бузилишлардан ахтарадилар: пулнинг етишмай қолиши иқтисодий ўсишни сусайтира бориб, турғунлик ҳолатини келтириб чиқаради, бу эса аввал юзароқ тангликка, сўнгра эса чуқур иқтисодий кризисга олиб келади. Бинобарин, иқтисодий цикл пул миқдорига боғлиқ, бу ўз навбатида пул эмитенти бўлган марказий банк фаолиятига боғлиқ. Пул-кредит сиёсатини ўзгартириб тангликдан чиқиш ва иқтисодий ўсиш йўлига тушиб олиш мумкин. Монетаристлар иқтисодий оборотдаги бош масала ишлаб чиқариш ва пул массасининг тенглиги бўлиб, шу орқали макрояқтисодий мувозанат ҳосил этиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Улар бундай алоқани айирбошлаш тенграмаси билан ифода этадилар:

$H_d \times I_x = M_m \times P_t$, бунда H_d — нарх даражаси, I_x — ишлаб чиқариш ҳажми, M_m — пул массаси, P_t — пул бирлигининг оборот теълиги.

Бу тенглик бозор иқтисодиётидаги энг муҳим мувозанат, унинг бузилиши иқтисодий тангликни ҳосил қиладди, деб қайд этилади.

Монетаристлар кейнсчилардан фарқлироқ тўла иш билан банд бўлиш иқтисодий ўсишга кучли таъсир этмайди, чунки унинг самараси катта бўлмайди деб ҳисоблайдилар. Айни вақтда улар пул обороти теълиги уни ишлатиш (сарфлаш ва жамғариш) усулларини дарҳол ўзгартирмайди, чунки кишилар иқтисодий саъй-ҳаракатлари руҳий жиҳатдан барқарор бўлишини таъкидлайди-

лар. Монетаризм ривожланган жамиятда истеъмол юқори даражада бўлиб, кишиларнинг эҳтиёжи ва улардаги мойиллик ҳам тез ўзгармайди деган қоидага асосланиб, инсонларнинг пул сарф-харажатлари ҳам олдиндан ҳисоб-китоб қилиниб, нимага ва қанча сарфланиши олдиндан белгилаб қўйилади деб қарайди. Шунга асосланган монетаристлар пул ҳаракати тезлиги ва ишлаб чиқариш ҳажми оз ва секин ўзгаради деган хулосага келадилар. Бас шундай экан, пул миқдорининг ўзгариши нархларнинг умумий даражасидаги силжишларни келтириб чиқаради. Бу хулосалардан монетаристлар қуйидаги боғланиш борлигини асослашга интиладилар: нарх пул миқдорига боғлиқ, нарх эса талаб ва таклифни мувофиқлаштириш орқали иқтисодий ўз-ўзидан тартиблайди, талаб-таклиф мувозанати бошқа мувозанатларни таъминлайди, демак, иқтисодий тартиблаш учун муомаладаги пул миқдорини ўзгартириб, уни нормал ҳолга келтириш зарур, бу ишни эса марказий банк амалга ошириши керак.

Фақат монетаризм эмас, балки бошқа назариялар, жумладан, марксизм ҳам пул массаси билан ишлаб чиқариш ҳажми ўртасида боғланиш мавжудлигини тан олади. Фарқ шундаки, монетаризм буни бош мувозанат деб қарайди. Унинг намоёндалари пул массасига таъсир этувчи чора-тадбирлар давлат инвестицияларидан фарқлироқ дарҳол иқтисодий вазиятга таъсир этади деб қарайдилар. Улар пулга таъсир этишни самарали тадбир деб ҳисоблайдилар, чунки бу реал иқтисодий вазиятга мос бўлади, инвестициялар ишга тушгунча эса шароит ўзгариб, улар яхши натижа бермаслиги ҳам мумкин. Демак, пул массасини ўзгартириш хатари кам тадбир бўлади.

Монетаристлар иқтисодийга амалий жиҳатдан ёндошиб, пул массасини йилига 3—5% оширишни тавсия этишади, аммо бу иқтисодий аҳволдан мустасно равишда юз бериши керак. Пул массасини бундай кўпайтириб туриш кўп йиллик эмиссия тажрибасига таяниб ҳисоблаб чиқилган.

Аммо монетаристлар кейинги пайтларда иқтисодийда юз берган ўзгаришларни, чунончи иқтисодий ўсиш барқарорлашганлиги, уни таъминлашда интенсив омиллар роли ошганлиги, пул обороти тезлашганлиги кабиларни инобатга олиб, пул массасини доимий равишда ва маълум меъёрда ошириб боришни маъқул деб билдилар. Бу меъёр шундайки, пул миқдорининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатига нисбатан 1—2% юқори бўлиши керак. Пулнинг бир меъёрда ўсиб бориши иқтисо-

диётни барқарорлаштириши ва цикли тебранишларни чеклаш имконини беради. Шу сабабли давлат ва унинг назоратидаги марказий банк пул муомаласи борасида қаттиқ сиёсат ўтказиши керак бўлади. Агар 30-йиллардан бошлаб, Ғарб мамлакатлари кейнсчилар тавсиясига эътибор бериб келган бўлсалар, 80-йиллардан бошлаб, монетаристлар ғоясини амалга ошира бордилар. Буни АҚШдаги «рейганомика» сиёсатида, шунингдек, М. Фридмен Буюк Британиянинг М. Тетчер ҳукуматида маслаҳатчи бўлганидан кўриш мумкин. Монетаристлар тавсияларига биноан, бир қатор мамлакатларда қонун йўли билан пул массасининг ўсиш миқдори аниқ кўрсатилади ёки унинг энг қуйи ва юқори чегаралари белгиланади. Монетаризм учун бош масала антиинфляцион сиёсатни асослашдир. Монетаризм тавсиясига амал қилган бир қатор мамлакатларда пул миқдори устидан қаттиқ назорат ўрнатиш инфляция дамини кесиб, унинг шиддатини заифлаштиради, бу эса иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатди.

Кейнсчилар ва монетаристлар назарияларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари бор, албатта. Кейнсчилар назариясига амал қилиш туфайли, Ғарб мамлакатларида ишсизлар сонини қисқартириб, уларнинг ҳиссасини 3—6% га келтиришга мувофиқ бўлинди, аммо инфляцияни жиловлаб бўлмади. Айни вақтда, монетаристлар назариясига биноан, иш тутиш билан инфляция суръатларини сўндиришга эришилди, у нормал ҳолга келиб, иқтисодий фаолиқни оширишга ёрдам берди, аммо ишсизлик ортиб бориб, ўткир социал муаммога айланди, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самараси пасайди. 1955—1985 йилларда АҚШ даги ишсизлик 5,5% дан 9,5% гача кўтарилди, бу кўрсаткич Ғарбий Европада 3,5% дан 10,5% гача етди.

Биз юқорида таълил этган икки назария тавсиялари бир вазиятда қўл келса, бошқа вазиятда иш бермай қўяди. Бу назарияларда ҳар хил шароитлар ўз аксини топган. Агар кейнсчилар назарияси иқтисодий тушқунликдан чиқиб кетишда қўл келса, монетаристларнинг қарашлари иқтисодиёт ўнганган шароитда уни ўстиришга кўмак берувчи тавсияларни асослайди. Ҳар иккала назарий оқим иқтисодиётни тартиблаш заруратидан келиб чиқади. Аммо кейнсчилар асосий эътиборни давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш кучига қаратган бўлсалар, монетаристлар эса иқтисодиётнинг ўз-ўзини тартибловчи кучи бўлиши бозор воситалари бор, давлат эса уларга йўл бериб, иқтисодиётга ғоят кам аралашини маъқул дейдилар. Айтилган икки оқим энг машҳур ва кенг тарқалган

бўлиб, уларнинг ғоялари амалий аҳамиятга эга. Кейинчилар ва монетаристлар иқтисодий ўсиш омилларини бири-бирдан ажратган ҳолда, алоҳида олиб таҳлил этганлар. Аммо иқтисодиётни унга турли ижтимоий муносабатлар, хусусан, социал муносабатлар таъсирини ҳисобга олиб, таҳлил этадиган назарий оқимлар ҳам мавжуд. Улар жумласига институционализм ва либерализм киради.

3. Институционализм ва либерализм

Институционализм ижтимоий ҳодисаларнинг иқтисодий таъсири бирламчи аҳамиятга эга деб ҳисоблайдиган назарийчиларни бирлаштирувчи оқимдир. У АҚШда пайдо бўлган. Унинг йирик намояндалари Т. Веблен, Ж. Т. Коммонс, У. Митчелл, Ж. К. Гэлбрейт, Р. Хейлбронер, Ж. Робинсон ва бошқалар. Институционализм вакиллари ижтимоий ҳаётни ҳаракатлантирувчи куч институт (муассаса)лар деб ҳисоблашади ва уларни оила, монополия, касаба уюшмалари, истеъмолчилар жамияти, хайрия фондлари, турли клублар ташкил этишини қайд этадилар. Уларнинг фаолиятида турли гуруҳ кишиларининг одатлари, анъаналари, ахлоқи, умуман феъл-атвори намоён бўлади деб қарайдилар. Улар иқтисодий категорияларни, хусусан, фойда, процент, рента, дивиденд, пул, кредит, иш ҳақи, нафақа, савдо-сотиқ кабиларни ижтимоий психология кўриниши тарзида талқин қилиб, иқтисодий ҳаётнинг бирламчи белгиловчи ўринда туришини рад қиладилар. Улар иқтисодий воқелик кўринишларини инсон психологияси, ҳуқуқий муносабатлар, демографияга боғлиқ деб қарайдилар. Кейинги институционализм (неоинституционализм) вакиллари фан-техника революциясига эътибор бериб, унинг ўзи мўл-кўлчиликни юзага келтиради, натижада аҳоли социал гуруҳлари ўртасидаги зиддиятлар барҳам топади, жамият социал тотувлик босқичига киради деб ҳисоблайдилар. Уларнинг таъкидлашича, келажак бу «социал оптимал — энг маъқбул даражага келган жамият», бу жамиятни олимлар ва технократия (техник мутахассислар) бошқара олади. Бу билан улар иқтисодий тараққиётда ҳам технократияга устунлик берадилар.

Институционализм вакиллари социал-психологик омилларга афзаллик берсалар-да, иқтисодий ҳодисаларни четлаб ўта олмайдилар. Улар макроиқтисодий таҳлил тарафдори, уларнинг фикрига кўра, ижтимоий тараққиёт-

ни фақат умумиқтисодий таҳлил асосида англаш мумкин, чунки микроиқтисодий ёндашув ижтимоий муносабатларни ҳам умумжамият миқёсида қараб чиқиб, жамиятнинг барча социал гуруҳлари ўртасида гармония (бир-бирига уйғунлик) бўлгандагина ижтимоий тотувлик вужудга келади, бу эса иқтисодий ўсишга қўмаклашади деб қарайдилар. Институционализм вакиллари ҳам кейинчилар каби давлат фаолиятига катта эътибор беришади. Аммо улар давлат бозор хўжалиги алоқаларига аралашмасдан ўзининг сиёсий-ҳуқуқий фаолияти орқали бозор муносабатларининг эркин боришини таъминлашни, иқтисодиётда ёрроқ рақобат ва монополияга йўл қўймаслиги керак деб ҳисоблайдилар. Хуллас, улар давлат ёрдамида бозор иқтисодиёти самарадорлигини ошириш тарафдори. Шу нуқтаи назардан улар иқтисодий цикллارни тадқиқ этадилар, уларга хос белгиларни ўрганадилар, цикллارни бозор иқтисодиётининг табиий ҳолати деб баҳолайдилар, иқтисодиётдаги зиддиятларни давлат ёрдамида ҳал этиш учун макроиқтисодий таҳлил билан шуғулланадилар. Институционализм вакилларининг жамиятдаги социал мувозанатни таъминлаш, давлат иштирокида иқтисодиётни тартиб-лаш ролялари Фарба аралаш иқтисодиётни, демократик ижтимоий тузум ва ҳуқуқий давлатни шакллантиришга муайян ҳисса қўшади.

Назариядаги либерализм оқими Фарбий Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Либерализм асримизнинг 20—30-йилларида шаклланган, ҳозир ҳам нуфузли назария ҳисобланади. Унинг энг йирик вакиллари Л. Мизес, Ф. Хайек, В. Рёпке, В. Ойкен, Л. Эрхард кабилардир. Булар иқтисодий назариядаги Австрия-Германия мактабининг намоёндаларидир. Либерализм эркинлик тарафдори бўлишни билдиради. У назарий оқим сифатида бозор иқтисодиётига хос эркин фаолият юритиш қоидаларига йўл очиб бериш зарурлигини, иқтисодиётда бозор регулятори орқали мувозанатга эришиш мумкинлигини таъминлаш назариядир. Шу жиҳатдан у монетаризмга яқин туради. Мазкур назария кейинчиларнинг давлатни иқтисодиётга фаол аралашуви ҳақидаги роляларни иқтисодий тоталитаризм деб қарайди ва унга қарши чиқади, лекин давлатнинг социал мувозанатни таъминлашдек ва-зифасини маъқул деб биладилар.

Ҳозирги замон либерализмининг **неолиберализм**, яъни янги либерализм кўривиллари мавжуд. Неолиберализмнинг Германияга хос йўналиши **ордолиберализм** номи билан юритилади («ордо» деб номланган йилнома ва ли-

берал сўзларидан). Бу йўналишни социал-бозор хўжалиги назарияси деб ҳам аташади.

Неолибераллар давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашувини иқтисодий тоталитаризмга, аниқроғи — марказлашган режали иқтисодиётга олиб келадики, бу бозор иқтисодиётига хос ташаббусни йўқ қилиб, иқтисодий турғунлик яратади, деб ҳисоблайдилар. Шу боисдан улар эркин бозор хўжалигини сақлаш ва такомиллаштириш тарафдори. Улар чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш иқтисодиётнинг бош масаласи эканлигини қайд қилиб, унга режали иқтисодий тизим орқали эришиб бўлмаслигини ва бунинг бирдан-бир воситаси бозор муносабатлари эканини асослайдилар.

Неолибераллар ҳар қандай иқтисодиётнинг пировард натижада товар ишлаб чиқариш ва бозор алоқаларига асосланган иқтисодиётга айланишини умуминсоний ходиса деб қарайдилар. Уларнинг таъкидлашига кўра, иқтисодиётда чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш механизми талаб қилинади ва бу механизм бозор механизми бўлиши мумкин. Неолибераллар вакилларининг асарларида бозор механизмининг иқтисодий ўсишга таъминлаш мақсадида ресурсларни турли соҳалар ва фаолият турлари ўртасида тақсимлашга қодир эканлиги асослаб берилади. Улар бозор механизми деганда бозорда талаб-таклиф таъсирида шаклланадиган **объектив нархларни** гушунадилар. Бозор нархи объектив мезон бўлар экан, у йўқ жойда ресурсларни самарали ишлатиб бўлмайди. Шу жиҳатдан улар режали иқтисодий тизимни тан олмай, жамият учун нажот йўли бозор хўжалиги бўлишини уқтирадилар. Неолибераллар иқтисодиётни бир марказдан туриб тартиблаш бозор қучларини чеклагани сабабли иқтисодий ўсишга халақит беради, тартиблашнинг ўзи эса бозорсиз амалга ошмайди, чунки бунинг учун зарур бўлган объектив восита нарх бўлиб, уни фақат бозор яратади деган ғояни олға сурадилар. Улар бир марказдан режалаштиришни рад этиш учун қуйидаги далилни келтирадилар: иқтисодиёт талабнинг ўзгарувчанлиги ва технологиядаги янгилликларга боғлиқ, улар эса бир йўналишда бормайди, шу боисдан уларни режалаштириш билан ҳисобга олиш мумкин эмас. Шунга асосланган ҳолда неолибераллар иқтисодиётни бир марказдан туриб режалаштиришни бемаънилик деб баҳолайдилар.

Неолиберализм таълимотида самарали хўжалик фаолиятини моддий рағбатлантириш катта ўрин тутади. Иқтисодий рағбатларни истеъмолчининг товар ва хизмат-

ларни афзал кўриши асосида уларни танлаб олиш имкони юзага чиқаради деб қаралади. Шу сабабли танлашга имкон берувчи вазиятни сақлаш иқтисодий ўсишда бош масала деб билинади. Неолибераллар барча умидни бозор механизмига боғлаб, давлатнинг родини умуман инкор этмайдилар, албатта. Улар давлат фаолиятини унинг қонунчилик иши билан боғлайдилар, давлатга эркин бозор муносабатларини таъминловчи қонун ва тартибларни жорий этиш, уларга риоя этилиш устидан назорат қилиш тавсия қилинади. Неолиберализм тарафдорлари давлат иқтисодиётда ҳамма учун тенг шароит ҳозирлаши керак, эркин рақобатда ютиб чиқиш эса истеъмолчилар танловига жавоб бера билишга боғлиқ деб қарайдилар, давлатнинг қонунчилик ишлари бозор субъектларининг ўзгариб турувчи шароитда мослашиб олишлари учун зарур, акс ҳолда бозор иқтисодиёти издан чиқиши мумкин, чунки унинг субъектлари нима қилишини билмай тангиб қолишлари мумкин. Неолиберализмнинг бозор механизмига устуңлик бериш ҳоляларини кўпчилик назариячилар қўллаб-қувватлайдилар. Аммо ҳозирги иқтисодиёт бу классик бозор иқтисодиёти эмас, у аралаш иқтисодиёт бўлиб, унда турли-туман мулк соҳиблари қатнашади, бу бозор хўжалигини юритиш шакллариининг ҳар хил бўлиши билан ажралиб туради. Аралаш иқтисодиётда давлат мулки ва нодавлат мулки, бозор муносабатлари ва нобозор муносабатлари, рақобат ва режали иш юритиш, тарқоқлик ва уюшган шерикчилик каби муносабатлар мужассамлашган. Шундай шароитда давлатнинг социал-иқтисодий фаолиятдан кўз юмиб ва юз ўгириб бўлмади. Буни неолиберализм назариячилари ҳам ҳисобга оладилар, аммо улар бу масалага алоҳида талқин беришади. Буни ордолиберализмга хос социал-бозор хўжалиги назариясида кўриш мумкин. Социал бозор хўжалиги ёки социал-бозор иқтисодиёти назарияси иқтисодий тараққиётнинг «учинчи» йўлини асослайди. Биринчи йўл соф бозор механизми бўлса, иккинчи йўл иқтисодиётни тартиблаш ва режалаштириш йўли, ниҳоят учинчи йўл уларнинг ўзаро омехтасидан иборат. Социал бозор хўжалиги концепцияси (унинг таниқли вакиллари А. Мюллер-Армак ва Л. Эрхард) иқтисодий тизимларни иккига бўлади: а) соф рақобат тизими; б) марказдан бошқариладиган хўжалик тизими. Уларнинг ҳар иккаласидаги ижобий томонларини бириктириб «учинчи» йўл ҳосил этилади. Социал бозор хўжалиги концепцияси бозор қонунларига устиворлик бергани ҳолда давлатнинг иқтисодиётни тартиблашдан

иборат ишига қуйидагича талқин беради: давлатнинг иқтисодий жараёнларга бевосита аралашishi рад этилади, аммо давлатнинг қонунчилик фаолияти орқали бозор муносабатларига йўл очиб бериши зарурлиги тан олинади, давлат иқтисодий ва социал тартибни сақловчи бош посбон, давлат посбон сифатида ҳаммани назорат қилади, лекин бозорнинг нарх-наво орқали бошқарилиб турувчи жараёнларига аралашмаслиги лозим. Бинобарин, бозор хўжалиги ва унинг қонунлари инкор этилмайди, лекин улар белгиланган доира чегарасида ривожланиши шарт бўлади.

Мазкур назариянинг социал жиҳати ҳам муҳим. Бу шундан иборатки, самарали хўжалик тизимига соф иқтисодий усуллар билан ўтиб бўлмайди, бунинг учун социал қадриятлар ва омиллар ҳаракатга келиши талаб қилинади. Шу муносабат билан биз кўраётган концепцияда **иқтисодий тараққиётнинг социаллиги (инсонийлиги)** деган тушунча бор, у ривожланишнинг умумлашган ёки синтетик жиҳати деб қаралади, иқтисодиётга баҳо бериш мезони ҳисобланади. Социаллик даражаси **«доиравий шароит»** деган ҳодиса чегарасида аниқланади. «Доиравий шароит» деганда барча социал қадриятлар англанади, яъни уларнинг таркибига фақат ҳозирги эмас, балки ўтмишдан қолган қадриятлар ҳам киради. Қадриятлар туркумида **инсоннинг ўз фаровонлигини ошириш ҳуқуқи** алоҳида ўрин тутаяди, бу ҳуқуқ белгиланган тартиб-қондалар амал қилгани шароитда ҳар бир кишининг ўз келажаги учун савий-ҳаракатини билдиради. Аммо бунинг ўз чегаралари бўлади. Инсоннинг фаровонлик сари интилиши унинг субъектив манфаатларидан келиб чиқаяди, аммо бу интилиш жамият манфаатига зид келмай, у белгиланган тартиб-қонда доирасида юз бериши керак. Бинобарин, жамиятдаги **социал тартиб** ҳар бир кишининг ўз жавобгарлигини ҳис этган ҳолда иш кўришини тақозо этади. Шунини ҳисобга олиб, давлатнинг иқтисодий сиёсати, биринчидан, эркин рақобатда шароит яратиш керак, токи бу инсоннинг ўз фаровонлигини таъминлаш ҳуқуқини юзага чиқарсин, иккинчидан, узоқ вақт давомида ягона социал тартиб ўрнатиши керак, бу бутун жамиятнинг ривожлантиришга олиб келсин. Биринчи йўл «рақобат сиёсати» деб, иккинчиси эса «тартибни сақлаш сиёсати» деб аталади. Айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, социал бозор хўжалиги назариясида ҳам институционализм, ҳам либерализм ғоялари жамланади. Мазкур назария социал тартибот доирасида инсон манфаатини иқтисодий ўсиш билан боғлайди. Унинг тарафдорлари социал тартибот

доирасидаги инсон хатти-ҳаракатлари ҳар бир мамлакат, миллат ва элатнинг хусусиятлари таъсирида бўлишини ҳисобга олади, белгиланган «социал доира»нинг ҳар хил бўлиши мумкинлигини эътироф этадилар.

Социал бозор хўжалиги концепциясининг машҳурлиги унинг тавсиялари Германия мисолида синаб кўрилганлигида ҳам деса бўлади. Иккинчи жаҳон урушида енгилган ва харобага айланган Германиянинг тез ривожланиб, иқтисодий ва турмуш даражаси жиҳатидан илгорлар сафидан ўрин эгаллаши «немис мўъжизаси» деб баҳоланишининг ўзиёқ ушбу назария тавсияларининг ҳаётийлигини исботлади. Социал тартиб ғояси фирмаларда шундай муносабат яратганки, бу ерда ҳар бир ходим ўзини масъул ҳис этади ва фирма ишини бошқаришда иштираётган элади. Корхоналардаги тадбиркорлар ҳам мулкий жавобгарликка эгалар. Ҳар иккала томонда мажбуриятнинг бўлиши корхонада **социал уйғунликни** пайдо этади. Демак, социал бозор хўжалиги қоидалари микроиқтисодиётдан бошланади. Германияда ҳар бир иқтисодий субъектнинг ҳаракати умумий манфаатга мос бўлишига ва иқтисодий хавфсизликка катта эътибор берилган, давлатнинг сиёсати эса иқтисодиётдаги кўтарилиш ва пасайишни назарда тутиб, унга жавобан корхоналарнинг тайёр туришини ҳисобга олади.

Социал бозор хўжалиги концепциясида давлат иштирокида даромадларни қайта тақсимлаш орқали турмуш даражасидаги тафовутларни **қисқартиришга** ҳам эътибор берилган. Бунда шу нарса ҳисобга олинадики, фаровонлик учун шахсий масъулиятнинг бўлиши турмуш даражасида кескин фарқларга олиб келади, аммо давлат даромад солиғи ундириш, муҳтож оилаларга субсидия бериш; уларга болаларни тарбиялаш, турар-жойни ижарага олишда кўмаклашув орқали айрилган фарқларни сусайтиради. Назариячилар тавсиясидан келиб чиққан ҳолда давлат кичик ва ўрта бизнесни қўллаиди, кооперативлар ривожига йўл очади, аҳолини социал суғурталашни уюштиради. Булардан ташқари давлат шаҳарлар қурилиши ва ободончилигига, минимал иш ҳақи чегарасини белгилашга алоҳида эътибор беради. Бинобарин, социал бозор хўжалиги концепциясида иқтисодий ўсишнинг социал омилларига катта ўрин берилади ва давлатнинг фаол социал сиёсат ўтказиши зарурлиги асосланади.

Биз юқорида кўриб чиққан назариялар ҳозирги босқичдаги иқтисодиёт илмида салмоқли ўрин тутган ва

машҳур назариялар бўлиб, улардан келиб чиқадиган амалий тавсиялар турли мамлакатларда ва ҳар хил даражада қўлланиб келади. Мазкур назариялар тоталитар тизимдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда ислоҳотларни ўтказиш дастурларига илмий асос бўлиб хизмат қилади. Бу ерда кейнсчилар, монетаристлар ва неолибераллар назариясининг баъзи-бир қоида ва хулосалари бозор иқтисодиётига ўтишда қўлланилмоқда. Кўнчилик ҳолларда асосий эътибор монетаризм концепциясига қаратилмоқда, чунки бу назария либерализм каби бозор механизмини асослаб беради. Аммо ислоҳот дастурларида бошқа назариялар тавсиялари ҳам ўрин олган. Россия ва Польшадаги ислоҳотлар асосан монетаризм ғоялари ва тавсияларига асосланади. Булардан фарқлироқ Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ҳар уч-чала назарий оқимдаги илмий хулоса ва қоидаларни мамлакатимиз шароитига мос келадиган томонларини танлаб олиб, улардан ижодий фойдаланишга асосланади. Аммо бу концепция мавжуд назарияларнинг кўчирмаси эмас, балки уларни янги шароитларда қайта ишлаш ва ривожлантириш маҳсулидир. Ўзбекистоннинг концепциясида монетаризм инкор этилмагани ҳолда социал бозор хўжалиги назариясини қўллаш, шунингдек, кейнсчиларнинг иқтисодиётда давлатнинг родини кучайтиришдан иборат ғояларига амал қилинади. Хуллас, Ўзбекистон концепциясини биронта назарий оқимга боғлаб бўлмайди, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини сўнгги бодан кўришимиз мумин.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Кейнсчилар назариясида ишсизлик ва инфляция зуулишига қандай таъқин берилган?
2. Кейнсчилар назариясидаги мультипликатор ва акселератор ғоялари нимадан иборат?
3. Нима сабабдан кейнсчилар давлатнинг иқтисодиётга аралашувиغا алоҳида эътибор беришади?
4. Монетаризм назариясида пулга қандай аҳамият берилади?
5. Монетаристлар эркин бозор иқтисодиётини қандай қилиб ёқлайдилар?
6. Монетаризм назариясида давлатга қандай ўрин берилади?
7. Институционализм бошқа назарий оқимлардан қандай фарқланади?

8. Социал бозор хўжалиги назариясида иқтисодиётнинг социаллиги қандай изоҳланади?

9. Бозор хўжалиги назариясида тақсимот масаласига қандай қаралади?

10. Ҳозирги замон иқтисод назарияларининг амалий аҳамияти нимадан иборат?

XXIII БОБ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

1. Бозор иқтисодиёти сари боришда Ўзбекистоннинг ўз йўли

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясини ҳозирги замон иқтисодий назарияларига алоқаси бор. Бу концепция тоталитар иқтисодий тизимдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонун-қоидалари ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятларига оид илмий қарашлар мажмуидан иборат. Бу концепциянинг пайдо бўлиши Ўзбекистон Республикасининг сиёсий мустақиллигини қўлга киритилиши билан боғлиқ. Мустақиллик шароитида Ўзбекистон ўз истиқлол йўлини танлаш, унинг концепциясини яратиш имконига эга бўлди. Мазкур концепция Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримов рисоалари, мақолалари ва нутқларида, мамлакат Олий Мажлиси қабул этган қарорлар ва қонунларда, Ўзбекистонлик олимлар ва мутахассисларнинг асарларида атрофлича ишлаб чиқилди. Бу концепция умумлашган ҳолда Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари» рисоаларида баён этилган ва мамлакатимиз иқтисодий тафаккур тарихида ўзига хос саҳифа бўлиб, шубҳасиз эркин илмий изланишлар мевасидир. Бу концепцияни миллий мустақиллик назариясининг ажралмас қисми деб қараш зарур, чунки иқтисодиётни ривожлантирмай туриб миллий мустақиллиқни таъминлаш мумкин эмас. Ўзбекистон учун бош йўл ва мақсад иқтисодиёти ривожланган, халқи фаровон яшайдиган, инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўла тантана қилган, чинакам демократик жамият барпо этишдан иборат. Шундай жамият сари боришнинг шarti бозор иқтисодиётига ўтиш ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришни барқарор ва шахдам ўстириш воситаларини юзага келтириши би-

лан истиқболли ҳисобланади. Гап шундаки, Ўзбекистон, биринчидан, социалистик иқтисодий тизим шароитида, иккинчидан, эса Совет империяси таркибида ривожланди. Бу эса уни қолоқликка маҳкум этди. Ўзбекистон ресурсларга бой мамлакат бўла туриб, иқтисодий тараққиётда кўпгина Шарқ мамлакатларидан орқада қолиб кетди. 1990 йили аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича дунёда 75—80-ўринни эгаллади, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, унинг структураси, таркибининг янгиланиши, яъни диверсификацияси жиҳатидан дунё талабларидан анча орқада қолди.

Мустақил Ўзбекистон иқтисодий янгиланишга муҳтож, бунинг учун эса бозор муносабатларини яратиб керак бўлади. Бутун дунё таърибаси кўрсатганидек, иқтисодий юксалиш учун бозор муносабатига ўтишдан бошқа нажот йўли йўқ. «Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги йўллارини ишлаб чиқди, тартибга солинган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган».¹ Аммо бу йўлнинг ҳамма ерда ўзига хос хусусиятлари бор. Ўзбекистон концепцияси мана шундан келиб чиқади ва бозор иқтисодиётига ўтишда ўз йўли борлигига асосланади. Бу йўл бозор иқтисодиётини Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда изчиллик билан шакллантириб боришни, унга секин-аста, босқичма-босқич, халқни ҳимоя қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаш орқали ўтишни билдиради. Аммо бу бозор иқтисодиётига хос бўлган қандайдир янги миллий қонуниятлар бор ва улар фақат Ўзбекистонга хос деган сўз эмас. Бозор иқтисодиёти умуминсоний истиқбол йўли, инсоният учун умумий қадрият ҳисобланади, унинг ривожланиш қонун-қоидалари ҳам умумий, лекин бу умумийлик хусусийликни инкор этмайди, аксинча, уни тақозо қилади. Бозор иқтисодиёти маъхумлик эмас, аниқ кўринишга эга ва бу ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос шароитида ифода этилади. Шу сабабли муайян мамлакатнинг миллий шарт-шароитини четлаб, уни менсимаган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтиш қутилган натижани бермайди. Ўз йўли деганда Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш ва мустақилликни таъминлаш муаммоларининг биргаликда ҳал этилишини тушуниш зарур. Бу йўл Ўзбекистонни келажакда иқтисодиёти ривожланган, демократия ривож топган,

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», Тошкент, 1993, 22-бет.

социал барқарорлик ҳукм сурган давлатга айлантиришни мўлжаллайди, Ўзбекистон келажаги буюк давлат деган илмий хулосага асосланади. «Республиканинг бозор муносабатларига ўтишида ўз йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгаришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, уни халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратади».¹

Ўзбекистон ўз йўлидан бора туриб, бир қатор муаммоларни ҳал эта олади, чунончи: муттасил ривожланувчи иқтисодиётни яратиш, мамлакат миллий бойлигини ошириб бориш; қудратли иқтисодий салоҳиятга таянган ҳолда халқнинг ҳамма қатламларига фаровонлик, келажакка ишонч бериш; индустриаларнинг ривожлантириш, тадбиркорликка кенг йўл очиш, ҳамма мулк шаклларининг тенглигини таъминлаш; иқтисодий эркинликни таъминлаб, иқтисодий монополизмга йўл бермаган ҳолда рақобатга кенг йўл очиш; ишлаб чиқаришнинг замонавий миллий манфаатга мос бўлган структурасини яратиш; халқаро иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги билан интеграцияланишига эришиш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси шу иқтисодиётнинг туб белгиларини илмий изоҳлаган ҳолда, уларни шакллантириш йўллариини ёритиб беради. Бозор иқтисодиёти кенг маънода эркин, монополлашмаган, юксак ривожланган ва аниқ социал мўлжалга эга бўлган иқтисодиёт деб қаралади, унга иқтисодий фаолият эркинлиги, мулк шакллариининг тенглиги; иқтисодиёт субъектларининг рақобатлашуви, хўжалик юритиш шакллариининг турли-туманлиги, иқтисодиётни тартиблаш зарурлиги, ижтимоий ҳаётда социал ҳамкорлик муносабати бўлиши қайд этилади.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига собиқ социалистик давлатлар сингари ҳаммадан кейин ўтаётганлигини ҳисобга олиб, бозор иқтисодиётининг илк шаклларига эмас, аксинча, уларни четлаган ҳолда ҳозирги даврга хос цивилизацияланган бозор иқтисодиётига ўтади. Ўзбекистон, ўтмишда (масала, XVIII—XIX асрда) мавжуд бўлган ёввойи бозор иқтисодиёти сари бормади, албатта, чунки бу орқага қайтиш бўлади. У тўпланган иқтисодий потенциал ва халқаро тажрибага таянган ҳолда цивили-

¹ Уша асар, 8-бет.

задиялашган тизимига ўта олади ва шу йўлда ўзининг мустақиллик муаммоларини ҳал этади.

Ўзбекистоннинг ўз йўли — бу социал-иқтисодий тараққиёт йўли, янги иқтисодий тизим замирида инсон маънавиятини юзага чиқариш, унинг меҳнатини қадрлаш, аҳолининг ночор қатламларини социал ҳимоялаш мақсадлари ётади. Тарихан тасдиқланган тажрибага кўра, бозор механизми ижтимоий янгиланишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади, чунки у халқнинг ижодий ва меҳнат потенциалини тўла ишга туширади, боқимандалик ва текинхўрлик кайфиятига чек қўяди, иқтисодий ташаббус ва ишбилармонликни ривожлантиради, ҳар бир кишининг миллий бойликни орттиришдаги масъулиятини оширади, ҳар бир кишини бой қилиш орқали жамиятни ҳам бойитиб боради. Бозор муносабатлари ишлаб чиқаришни истеъмолчининг талаб-эҳтиёжига бўйсундиради, янгиликка, тежамли хўжалик юритишга, касбий маҳорат ва ташаббусни қадрлашга ундайди.

Ўзбекистон концессияси бозор иқтисодиётини илоҳийлаштиришдан йироқ, унинг ўз муаммолари борлигини эътироф этади, унга ўтиш узоқ давом этишини, иқтисодий беқарорлик, ишлаб чиқариш муносабатларида бузилишлар бўлиши сингари нохуш воқеалар бўлиб туришини назардан қочирмайди ҳамда давлат иштирокида уларнинг олдини олиш ва ёйилишига йўл қўймаслик чоратадбирларини қўради. Унга кўра бозор иқтисодиёти инқилобий сакрашлар, социал тўқнашувлар орқали эмас, балки тинчлик вазиятида, кетма-кет эволюцион ўзгаришларни ўтказиш орқали шаклланади. Назарий жиҳатдан олганда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишида собиқ социалистик мамлакатлар ва мустамакчиликдан озодлик йўлига чиққан Осиё ва Африка мамлакатларига хос бир қатор белгилар Ўзбекистоннинг фақат ўзига хос хусусиятлари билан синтезланади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Совет империяси асоратидан қутулган ёш мустақил мамлакат, лекин унинг иқтисодиёти кўпгина ёш ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти сингари заиф, бир ёқлама ривожланган, лекин бу иқтисодиёт тоталитаризм қучоғидан мустақил бозор замирида ривожланишга ўтаётган иқтисодиётдир. Мана шу икки ёқлама хусусият Ўзбекистондаги бозор ислохотларига таъсир этмасдан қолмайди.

Ўзбекистоннинг ўз йўлини танлаши реал социал-иқтисодий шароитидан келиб чиқади, у бировларнинг хоҳиш-иродаси эмас, балки объектив заруратдир.

«Етилган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг жиқдийлиги, уларнинг ўзига хос хусусияти шу муаммоларни ҳал этишга алоҳида-алоҳида ёндашувларни белгилаб олиш заруратини тақозо этади».¹

Мустақил Ўзбекистонга тоталитар Совет империясидан қоқоқ ва қарам иқтисодиёт мерос бўлиб қоқди. Ўзбекистон ишлаб чиқариш даражаси жиқатидан кам ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олади. Унинг ишлаб чиқариши кўп жиқатдан аграр-хом ашё характериға эға. Саноати яхши ривожланмаган. Сўнги 30 йил ичида саноатнинг миллий даромадни яратишдаги ҳиссаси ўзгармади. 1992 йили қишлоқ хўжалигида миллий даромаднинг 45 фоизи яратилди, шу соҳа экспорт потенциалининг 80% ни беради. Хом ашё экспорти жами экспортнинг талайгина қисмини ташкил этади. Ишлаб чиқариш структурасида унинг кам унумли тармоқлари салмоқли ўрин тутганидан Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг миқдорий-экстенсив усуллари устиворликка эға. Ёқилғи-энергетика, ашё-материаллар, техника-технология жиқатидангина эмас, балки халқ истеъмолини қондиришда ҳам Ўзбекистон қарам аҳволда қоқиб келган. Ўзбекистондаги ишлаб чиқаришнинг 40% дан кўпроғи ташқаридан ресурслар келтиришға боғлиқ. Республикада истеъмол этиладиган товарларнинг 60% ташқаридан келтирилади. Ҳозирги шароитда ўтмишдаги қарамлик туғайли Ўзбекистон азалдан ташкил топган иқтисодий алоқалардан воз кеча олмайди.

Ўзбекистонда ўзига хос социал-демографик вазият мавжуд. Бу ерда аҳоли сони тез ўсади, унинг таркибида ёшлар ва кўп болали аёллар қатлами катта, аҳолининг анчагина қисми боқиманда, унинг 60% қишлоқ жойларда истиқомат қилади, кам унумли меҳнат билан шуғулланади. Агар бир қатор МДХ мамлакатларида иқтисодий тушқунлик шароитида аҳолининг ўсиши пасайиб кетган ёки ўсиш ўрниға аҳоли сони қисқараётган ҳолда, Ўзбекистонда аҳоли барқарор юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда. Меҳнатға лаёқатли аҳолининг тез ўсиши, унинг саводини ошиши иқтисодий салоҳиятни кучайтиради.

Ўзбекистон аҳолисида ўтроқ яшаш одатлари сақланган, иш кучининг силжиши гоят суст, аҳолининг бир соҳадан бошқасиға ўтиб ишлаши секин кечади, бу эса бозор иқтисодиёти талабиға мос келадиган меҳнат ресурслари ҳаракатчанлигини юзаға келтирмайди. Аҳолининг ўз ери-

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон — бозор муносабатлариға ўтишнинг ўзига хос йўли», Т., 1993, 26-бет.

га меҳри кучли, унинг орасида миллий урф-одатлар, анъаналар кучли томир отган. Кишиларда жамоа бўлиб меҳнат қилиш, ўзаро ёрдам муносабатлари ҳашар шаклига кирган ва аҳоли турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган. Аҳолининг кўпчилиги мусулмон бўлиб, ислом ақидаларига рия қилади. Ислом дин сифатида аҳоли маълум қатлами турмуш тарзига таъсир этади.

Тоталитар иқтисодиёт даврида ўз қадриятларига эга бўлган ижтимоий онг шаклланган бўлиб, унинг муҳим унсурлари социал тенгликка интилиш, кафолатланган меҳнат ва даромадни қадрлаш, бир текис тақсимот кўникмалари ва боқимандалик қайфиятлари қабиладан иборатдир. Шундай вазиятда бозор иқтисодиётига мос келадиган руҳиятни, янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш зарурати пайдо бўлади. Ўзбекистоннинг энг муҳим хусусияти, бу ерда осийча ишлаб чиқариш усули анъаналарининг сақланиб қолганлигидир. Бу—ерни ҳосилбай ижарага олиб, унга ишлов бериш, деҳқончиликни сермеҳнат бўлиши ва сугорма ерда олиб борилиши, майда ишлаб чиқариш ва майда савдо-сотиққа мойиллик, майда деҳқон хўжалигининг юксак даражада товар хўжалиги бўлиши, кўпгина ишларни жамоа билан бажариш (ҳашар), жамоа бўлиб яшаш, маҳалла каби ўз-ўзини бошқариш тизимининг сақланиши, оила ва маҳалла мулкнинг мавжудлиги қабиладан ёрқин намён бўлади.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой мамлакат, унинг иқтисодиётида пахтачилик катта ўрин тутди. Катта ресурсларнинг мавжудлиги Ўзбекистонни инвестиция учун қулай мамлакатга айлантиради. Айтилган хусусиятлар Ўзбекистоннинг ўз йўли бўлишини ҳолисона талаб қилади. Ўзбекистон концепциясига кўра, бу йўл бошқа мамлакатлардаги бозор иқтисодиётига ўтиш моделларини сунъий равишда Ўзбекистонга кўчириш, улардан андаза олиб иш юритиш, бошқалар дастурини кўр-кўрона қўлаб, уларга амал қилиш эмас, балки мамлакатнинг миллий манфаатларини кўзлаган, реал шароитни ҳисобга олган ҳолда ўз дастурига биноан тоталитар иқтисодий тизимдан бозор тизимига ўтишдан иборат.

2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос хусусиятларнинг назарий талқини

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг ўзига хос йўли бозор иқтисодиётига ўтишдаги мавжуд моделларнинг кўчирмаси эмас. Бу мазмунан Ўзбекистоннинг

ўзига хос янги моделдир. Унда, биринчидан, мамлакатнинг хусусиятлари ҳисобга олинса, иккинчидан, бозор муносабатларига ўтиш борасида тўпланган тарихий тажрибани бизнинг шароитимизга ижодий қўллаш зарурлиги назарда тутилади. «Бизнинг қатъий нуқтаи назаримиз — деб ёзади И. А.Каримов,—жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамияки фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда, ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлаб олишдан иборатдир».¹ Ўзбекистон модели Президент И. А. Каримов бозор ислоҳати юзасидан олга сурган беш қоидага асосланади: **иқтисод сиёсатга нисбатан устивор бўлиши зарур; давлат асосий ислоҳотчи бўлмоғи керак; қонунлар ва уларга риоя қилиш устиворлиги; фаол социал сиёсат юритиш; бозор иқтисодиётига секин-аста, босқичма-босқич ўтиб борилиши шарт.**

Иқтисодиётнинг устиворлиги. Бу қоида иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг бирламчи асоси эканлигидан келиб чиқади. Иқтисодиёт қандай бўлса, ижтимоий ҳаётнинг бошқа томонлари ҳам шунга қараб бўлишини тарих тасдиқлаган. Бу ҳозирги даврдаги тажрибадан ҳам кўриниб туради. Ривожланган, цивилизациялашган жамият юксақ иқтисодиётга асосланади. Ҳозирги босқичда давлатларнинг юксақ ривожланган, ўртача ривожланган, кам ривожланган ёки ўта кам ривожланган давлатларга ажратилиши иқтисодий белгиларга қараб бўлиши бежиз эмас, албатта. Ривожланиш даражасини аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш, олинган даромад, истеъмол ҳажми ифодалайди. Халқ фаровон яшashi учун ривожланган иқтисодиёт зарурлиги аксиомадир. Аммо иқтисодий ўсиш экологияга путур етказиб, ҳаётнинг табиий шароитини оғир қилса, фаровонлик ошди деб бўлмайди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши маълум нуқтагача табиат билан ҳамоҳанг боради, сўнгра у билан тўқнашади. Шунда фаровонликни ошириш экология муҳофазасини юзага келтиради.

Мустақиллик энг аввал миллий иқтисодиётни барпо этишни, уни ривожлантиришни, иқтисодий нуфузга эга бўлишни, халқаро иқтисодий муносабатларда фаол қатнашишни билдиради. Сиёсий мустақиллик иқтисодий жиҳатдан таъминланмас экан, тўлақонли мустақиллик, ҳуррият бўлиши мумкин эмас. Қолоқ иқтисодиёт, паст

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т., 1993, 25-бет.

турмуш даражаси сиёсий мустақилликка таянч бўла олмайди. Ҳақиқий мустақиллик муттасил ривожланиб борувчи ва моддий тўкинчиликни таъминлашга қодир бўлган иқтисодий талаб қилади. Шундай иқтисодийёт обрў-эътибор келтиради, чунки иқтисоди заиф давлат умумжаҳон иқтисодий тизимда нуфузли ўрин тутмайди. Аввал иқтисод, сўнгра сиёсат деган гап бежиз эмас, албатта. Ўзбекистон келажаги буюк давлат деймиз. Буюк келажакнинг мустаҳкам пойдеворини яратиб учун олдин иқтисодийётни барқарорлаштириш, сўнгра уни муттасил ўстириб, юқори даражага чиқариш керак бўлади. Иқтисодийётнинг бирламчилиги умумий қонда, Ўзбекистон ҳам бундан мустасно бўла олмайди. Халқнинг эҳтиёжини қондирувчи, унинг келажагини ишончли қилувчи восита бу иқтисодий фаолиятдир. Иқтисодий ўсиш социал аҳиллик ва Сиёсий барқарорликни талаб қилади. Бундан замонамизнинг иқтисодий паҳлавонлари — АҚШ, Япония, Германия тажрибаси яққол тасдиқлади. Сиёсий муҳолифлик, қонли тўқнашувлар ҳеч қачон наф келтирмаган, аксинча, улар иқтисодийётни ҳолдан тойдиради, уни фалаж қилади. Масалан, Тожикистондаги ғуқаролар уруши мамлакатга 300 млрд. рублик зарар келтирди. Миллий аҳиллик бор жойда иқтисодийёт равнақ топади. Аммо бунинг ўзи кифоя қилмайди, албатта, иқтисодий ўсиш учун унга рағбат берувчи куч керак. Бундай кучни иқтисодий муносабатлар яратади. Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг равнақи ёки ҳалокати шу кучнинг бўлиши ёки бўлмаслигига боғлиқ. Социалистик деб аталган тоталитар иқтисодий тизимнинг ҳамма ерда вайрон бўлишига асосий сабаб шуки, у ишлаб чиқаришнинг муттасил ўсиб боришига рағбат бера олмайди, тўкинчиликни ярата олмайди. Аксинча, Ғарбдаги бозор иқтисодийёти деб аталган тузум шароитида рағбатлар бўлганидан ишлаб чиқариш юксак даражага чиқди ва халққа оммавий ғаровонлик келтирди. Бу шуни исбослайдики, бозор иқтисодийётига ўтмай туриб, келажаги буюк давлатга айланиш мумкин эмас.

Иқтисодийётнинг устиворлиги нафақат мустақилликнинг келажаги, балки ҳозирги вазият талаблари билан ҳам изоҳланади. Тоталитар тизимнинг вайрон бўлиши иқтисодий тушқунлик билан бирга борди. Иқтисодийёт ва халқ турмушининг пасайиши мустақиллик натижаси эмас, балки тоталитар тизимнинг мевасидир. Бу тизим кризиси шароитида ишлаб чиқариш ўсишининг сустлашиши юз бериб, кейинчалик бу иқтисодий турғунликка ва, ниҳоят, иқтисодий тушқунликка айланди. 1990 йилдан бошлаб

бошқа МДХ мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам иқтисодийнинг сезиларли даражада пасайиши юз берди. Масалан, 1992 йилда миллий даромад Ўзбекистонда 12,9%, Қозоғистонда — 14,2%, Қирғизистонда — 23,6%, Тожикистонда — 31%га қисқарди. Вужудга келган вазият аввал иқтисодийни барқарорлаштиришни, сўнгра уни ўстириб боришни талаб қилади. Шу сабабли давлат сиёсатида, умуман жамият фаолиятида иқтисодийга устиворлик берилиши шарт.

Давлат асосий ислохотчи. Бу бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган ислохотлар кенг жамоатчилик иштирокида давлат ишлаб чиққан дастурлар асосида, унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида амалга оширилишини билдиради. Бозор ислохотлари умумиқтисодий, умуммиллий ўзгаришлар бўлганидан, уларни айрим жамоатлар, сиёсий партиялар ёки жамоат ташкилотлари амалга ошира олмайди, чунки уларнинг тор корпоратив, партиявий ёки гуруҳий манфаатлари умуммиллий манфаатлардан устун туради.

Ўзбекистон концепцияси миллий иқтисодийни шакллантириш, мустақилликни иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, миллий иқтисодийни ҳимоя қилиш, унинг жаҳон хўжалиги билан интеграциясига эришиш, халқнинг кенг қатламлари манфаатини юзага чиқариш фақат давлатнинг қўлидан келади деган хулосага асосланади. Бозор иқтисодиётини шакллантиришда давлатнинг алоҳида роли унга ўтишнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Ҳозирги босқичда тоталитар тизимдан бозор тизимига ўтиш юз бермоқда, ўта давлатлаштирилган иқтисодийдан эркин бозор хўжалиги сари бориш амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда 70 йилдан зиёд ўта давлатлаштирилган иқтисодий ривожланиб келдики, унга хос белги давлат сектори мавқеининг кучли бўлишидир. Ислохотларга қадар Ўзбекистонда давлат сектори ва амалда давлатлаштирилган кооператив сектори миллий даромаднинг 90% ини яратган. Иқтисодийда давлат монополияси мавжуд эди. Давлатлаштирилган иқтисодийнинг ўзига хос амал қилиш механизми бўлган, бу механизм йиллар давомида шаклланган ва унга таяниб халқ хўжалиги бошқарилган. Давлат ихтиёридаги иқтисодий механизм дарҳол йўқолиб, унинг ўрнига бирдангина бозор механизми пайдо бўлмайди. Давлат механизмини суриштирмай-нетмай, даб-дурустан ишдан чиқариб қўйиш иқтисодийга катта пуғур етказадди. Шу боисдан давлат иқтисодий тизинини бирдан бўш қўйиб юбормаслиги шарт. Бу ишни бозор механиз-

мининг кучайишига қараб амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Тоталитар тизимни бозор иқтисодиётига алмаштириш масаланинг фақат бир томони. Унинг бошқа томони — қандай бозор иқтисодиётини юзага келтиришдан иборат. Ўзбекистон фақат ва фақат цивилизациялашган бозор иқтисодиётига ўтиши мумкинки, унга кўр-кўрона хўжалик юритиш эмас, балки маданийлашган хўжалик юритиш хос. Бу ерда барқарор иқтисодий ўсишнинг шартли иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибланишидир. Мана шундай иқтисодиёт давлат иштирокисиз вужудга келмайди. Ҳатто қарор тошган бозор муносабатлари шароитида ҳам давлат иқтисодиётдан четлантирилмайди. У ўзининг сиёсати билан иқтисодиётга таъсир этиб туради. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистонда асрлар давомида осийча иқтисодиёт ривожланиб келган. Бундай иқтисодиёт, айниқса, мулкчиликда давлат мавқеининг кучли бўлиши билан ажралиб турган. Давлат хомийлигида иш юритиш, давлат билан иқтисодий алоқада бўлиш, давлат фармонларини иттиқорона ва сўзсиз бажариш (амри подшоҳ вожиб тарзида) каби анъаналар кучли бўлган. Давлат раҳбарлигида иш тутишга мойиллик каби хислат ҳозир ҳам сақланган. Ундан тоталитар тизим иқтисодиётни давлатлаштириш учун фойдаланган. Эндиликда бу анъана раҳномалигида иқтисодиётни ислоҳ этишда қўл келади. Бозор ислоҳоти приватизациясиз юз бермайди, чунки давлат мулки монополиясидан хилма-хил мулкчиликка, яъни мулкчиликдаги демократизмга ўтиш керак. Мулкнинг асосий қисми давлатники бўлар экан, бу мулк қонунчиликка мувофиқ равишда бошқа соҳибларга берилиши лозим бўлади. Бу давлатдан мулкчи ислоҳотларни фаол ўтказишни талаб қилади. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига тоталитар тизимдан, яъни хусусий мулк ва тадбиркорлик ман этилган тизимдан ўтади. Шу сабабли бу ерда ўз қўлида катта капитални жамлаган ва иқтисодий хатарли ишга киришиб, унга маблағ сарфлашга шай бўлган тадбиркорлар йўқ. Миллий иқтисодиёт учун зарур, аммо ўзини тез оқламайдиган ишга пул сарфлаш давлат зиммасига тушади. Тадбиркорлар маблағи кам хатарли, тездан фойда келтирувчи тижорат ишларига сарфланади. Шундай шароитда ишлаб чиқаришни инвестициялашда давлат ҳам иштирок қилади. Бозор муносабатлари иқтисодиётда давлатнинг танҳо ҳукмронлигини инкор этади, аммо давлат иқтисодиётдан тамомил четланилмайди, балки маълум доирада иқтисодий фаолият юритади. Бир қатор умуммиллий аҳамият-

га эга соҳалар борки, улар хусусий ёки жамоа тадбиркорлиги асосида ривож топа олмайдилар. Булар жумласига ёқилғи-энергетика комплекси, сув хўжалиги, темир йўл транспорти, мудофаа саноати, экспортга ишловчи корхоналар ва бошқалар киради. Улар давлат ихтиёрида қолади. Хуллас, бозор иқтисодиёти учун давлат тадбиркорлиги зарур экан, шунинг ўзи ҳам давлатнинг ислохотчи бўлишини тақозо қилади. Аммо бу иқтисодиётни юқоридан туриб бошқаришни билдирмайди. Давлат тадбиркорлик тартиб-қоидаларини жорий этган ҳолда, иқтисодиёт субъектларининг қоидаларга қатъий риоя этишларини таъминлайди. Давлатнинг бевосита фаолияти унинг қўлида қолдиган мулк доираси билан чекланади. Давлат иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун хўжалик ишларига бевосита аралашмайди. Давлат иқтисодиётни ўз қўлидан секин-аста, тадбиркорлар синфи шаклланишига қараб, уларнинг қўлига ўтказиши. Давлат бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий бўҳронларга йўл қўймаслик учун халқ хўжалигининг муҳим соҳаларини қўллаб туриши, нарх-наво, солиқ, субсидия ва дотациялар орқали ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқлари ва корхоналарини бир меъёрда ишлашини таъминлаши зарур бўлади. Ислохотларга таяниб иқтисодиётни янгилаш энгил кечмайди ва узоқ давом этади. Шу давр ичида халқ хўжалигининг нормал ишлаб туриш масъулиятини нафақат тадбиркорлар, балки давлат ҳам ўз зиммасига олади. Давлат аҳолининг ислохот ишига, янгича фикрлаш ва ишлашга ўргатиши шарт, муҳими ислохотнинг зарурлиги, унда фаол қатнашиш кераклигини халқ англашига давлат кўмаклашади.

Бусиз ислохотларнинг муваффақияти тўлиқ бўлмаслиги мумкин.

Қонунлар ва уларга риоя этишнинг устивор бўлиши. Бу принцип қонунлар олдида барчанинг бараварлиги, қонунларга риоя этиш ҳамма учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлишини билдиради. Бозор иқтисодиёти қонунчиликка таяниши, унга хос бўлган фаолият қоидалари, иқтисодий муносабатлар қабул қилинган ҳуқуқий қонунларда қайд этилиши зарурлиги Ўзбекистон концепциясида ҳисобга олинади. Улар таркибида бозор муносабатларини тартибловчи, уларнинг маълум йўналишда бўлишини таъминловчи ва иқтисодиётга оид қонунлар алоҳида ўрин тутади. Булар: мулкчилик, тадбиркорлик, молия-кредит тизими, рақобат, антимонопол фаолият, ташқи иқтисодий фаолият, ижара, ерга эгалик қилиш, концессия, солиқлар,

миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш, капитал бозори, сугурта, гаров ва бошқалар тўғрисидаги қонунлардир. Бозор муносабати цивилизациялашган муносабат бўлганидан, у қонун рухсат берган доирада амал қилиши шарт. Ҳар қандай фаолият қонунчилик доирасида бўлиши керак.

Яхлит бозор тизими вужудга келиши учун унинг турли томонларига оид барча қонунлар ўзаро мувофиқлашган бўлиши шарт, қонунлардаги зиддий ва номувофиқларга йўл қўйиб бўлмайди. Қонунлар ҳамма фаолият турларининг узвий боғланишига хизмат қилганда ҳақиқий бозор муносабати келиб чиқади. Шу муносабат билан қонунларни амалга ошириш, уларни таъсирчан қилиш учун зарур бўлган барча дастак ва воситалар яратилиши лозим. Буларсиз бозор иқтисодиёти амал қила олмайди. Хуллас, «ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор хўжалигини тегишли равишда ҳуқуқий жиҳатдан таъминланмасдан туриб, бундай хўжаликни шакллантиришни тасаввур қилиб бўлмайди».¹

Бозор муносабати эркин муносабат бўлганидан, унга демократик тузум ва ҳуқуқий давлат мос келади. Унга ҳос қонунчиликни яратмай туриб, янгича иқтисодиёт пайдо бўлмайди. Аммо қонунчиликни бу билан чекламай, балки уни ҳуқуқий давлатни вужудга келтириш шарти деб ҳам қараш тўғрироқ бўлади. Мухими, қонунга риоя этиш, уни иқтисодий ҳаёт меъёрини белгиловчи куч сифатида ҳамма иқтисодий субъектлар ҳурмат қилиши шарт. Қонунни ҳурмат қилиш, уни оғизда тан олиш эмас, балки унга изчиллик билан амал қилиш, унга сўзсиз итоат этиш, унинг талабларини бажо келтиришдир. Қонунга бўйсунини бозор муносабатларининг муҳим тамойили деб қараш керак. Қонунчилик назар-писанд қилинмаган, қонунлар бузилган жойда тартиблашган бозор иқтисодиёти бўлмайди, аксинча, иқтисодий тартибсизлик, фаолият турларининг бир-биридан ажралиши, иқтисодий парокандалик келиб чиқади. Бозор иқтисодиёти қонунчиликка таянган ҳолдагина цивилизациялашган ва келажаги бор иқтисодиётга айланиши мумкин. Аммо қонунчиликнинг ўзи бир ерда туриб қолмайди, янги қонунлар қабул этилади, эскиларига тузатишлар киритилади.

Фаол социал сиёсат юргизиш. Ўзбекистон концепциясида аҳолининг кенг қатламларини, энг аввал унинг но-

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли», Т., 1993, 67-бет.

чор гуруҳларининг социал ҳимоясини таъминлаш чоратадбирларини кўриш, зарур деб қаралади. Социал сиёсат пассив эмас, балки фаол бўлиши керак, яъни у иқтисодий аҳволдан келиб чиққани билан биргаликда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришни орқали унга кучли таъсир ўтказиши лозим. Бундай сиёсат ҳозирги реал вазият ва келажақдаги ўзгаришларни ҳисобга олади. Биринчидан, муस्ताқил Ўзбекистонга ўтмишдан оғир социал мерос қолган, яъни аҳолининг катта қисми камбағалликда яшайди ва ҳимояга муҳтож. Бу тоифани давлат, фирмалар ва жамоатчилик қўллаб-қувватлаши керак. Иккинчидан, Ўзбекистон аралаш иқтисодиётга айланаётган замонавий бозор иқтисодиёти сари борар экан, унга фаровонликни таъминлашдек социал мўлжал хос бўлади, учинчидан, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзи дастлаб қатъий социал табақаланишни вужудга келтиради, ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари кенгайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни иқтисодий тушкунлик шароитида борганидан камбағаллик муаммоси сақланади. 1990 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда аҳоли 70% нинг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун энг зарур бўлган қуйи даражадан кам бўлган. Бас, шундай экан, корхона ва ташкилотлар маблағи ҳисобидан ўз ходимлари ҳимоясини уюштириш, маълум гуруҳ аҳолига жамоат ташкилотларининг хайрия пули ҳисобидан ёрдам бериш, ҳар бир меҳнатга лаёқатли кишига ишлаб пул топиш эвазига ўзини ва ўз оиласини социал хотиржамлигини таъминлаш каби тадбирлар ҳам социал ҳимоя тизимига киради.

Социал сиёсат ҳар бир жамяятнинг ўзига хос социал ҳимоя механизми бўлишига асосланган ҳолда ҳозирги давр социал муносабатлар соҳасида ҳам ўтиш даври эканлигини ҳисобга олади. Бу даврда тоталитар тизим яратган муносабатлар билан биргаликда туғилаётган бозор тизимига мувофиқ социал муносабатлар қорилиши пайдо бўлади. Шу сабабли социал ҳимоянинг ўткинчи механизми амал қилади — бунда давлат ва нодавлат механизмлари бирикади, яъни барча аҳолининг ва уни танланган гуруҳининг ҳимояси биргаликда амалга ошади, ҳимоя ҳам бюджет, ҳам бюджетдан ташқари молиявий манбалар ҳисобидан уюштирилади.

Ҳимоялаш дастурлари аҳолининг руҳияти ва кўникмаларини эътиборга олиши зарур. Аҳоли орасида бир текис тақсимлаш орқали ҳамманинг тенг бўлишини маъқул кўриш, социал табақаланишни ёқтирмаслик, бой қатламларга ғаразлик билан қараш, давлат ҳеч қачон

халқни ташлаб қўймайди деган тасаввур билан келажакни ўйламай хотиржам бўлиш, ўз тирикчилиги учун жавобгарликни сезмаслик каби ҳиссиёт ва кайфиятлар мавжуд.

Ўтиш даврида миллий бойликнинг бир қисми давлат қўлида бўлиши, давлатнинг бутун халқ манфаатини ифодаловчи куч ҳисобланиши ундан ўз қўлидаги маблағлар ҳисобидан аҳолини социал ҳимоялашни талаб қилади. Тадбиркорлар гуруҳи ҳали заиф бўлганидан улар қўлида катта маблағ бўлмайди, улар ўз маблағини аҳоли социал ҳимоясига эмас, кўпроқ инвестицияларга сарфлашни мўлжаллайдилар. Аҳоли ҳали бой бўлмаганидан хайрия фондлари ҳам ривожланмаган бўлади, улар ҳисобидан вақти-вақти билан аҳолининг фоят кам қисмини ҳимоя қилиш мумкин. Айтилганлар давлатдан социал ҳимоядек масъулиятни ўз зиммасига олишни талаб қилади, лекин бозор муносабатлари ривожланган сари иқтисодиётнинг нодавлат сектори мустақамланиб боради ва унинг ҳисобидан социал ҳимоя тадбирларини ўтказиши мумкин бўлади. Бундан ташқари мазкур секторнинг малакали иш кучига талаби ошади, бу уни социал масалага эътибор беришга ундайди. Давлат сиёсати социал ҳимоя имкониётларини ҳисобга олиб, унинг аҳолини давлат бюджети ҳисобидан ҳимоялаш йўналишида боришини белгилайди. Шаклланган социал сиёсат буни ҳисобга олмаслиги мумкин эмас. Айни вақтда бозор муносабатлари шаклланиши давомида аҳоли табақаланиб, янги социал гуруҳлар, яъни ўзига тўқ, социал ҳимояга мутлақо зор бўлмаганлар ҳам юзага чиқади, аҳоли орасида пул топиб, ўз тирикчилигини яхши ўтказиш иштиёқи пайдо бўлади — социал сиёсат буларни ҳам назарда тутиши керак. Социал сиёсат динамик, яъни жамият социал тузумидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, унга мослашувчан бўлгандагина бундай сиёсатни фаол деб айтиш мумкин. У социал ҳимоянинг янги усулини, яъни инфляция чақирган қимматчиликдан аҳоли харид қобилиятини ҳимоя қилишни ҳам кўзда тутати. Шу мақсадда нарх ошишидан аҳоли кўрадиган зарарни аҳоли даромадини (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва ҳ. к.) ошириш орқали қисман қоплаш, яъни ўрнини тўлдириш амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон концепциясига биноан социал сиёсат таъсирчан, шароитга тез мослашадиган, устивор чора-тадбирларни аниқ белгилаши лозим, у жамиятдаги турли социал гуруҳлар, миллат ва элатлар ўртасидаги тотув-

ликни, социал ҳамкорликни таъминлаши зарурки, бу иқтисодий ўсиш учун қулай шароит ҳозирлайди.

Бозор иқтисодиётига секин-аста, босқичма-босқич ўтилиши. Бозор иқтисодиётига ўтиш мавжуд тоталитар иқтисодиётни таъмирлаш, у ёки бу томонида давр талабига мослаштириш эмас, албатта. Бизнинг концепцияда бу иқтисодиётнинг тамомила янгилиниши, ўзини оқламаган тоталитар режали иқтисодий тизимдан истиқболи амалда тасдиқланган эркин ривожланувчи бозор тизимига ўтишдир. Бу тизимларнинг негизлари тамомила ҳар хил, уларнинг мақсад ва ривожланиш қонун-қоидалари ҳам ўзгача. Тоталитар тизим иқтисодий фаолият эркинлигини инқилобий йўл билан тугатиш, хусусий мулк ва тадбиркорликни таг-томири билан йўқотиш, иқтисодиётни бошдан-оёқ давлатлаштиришга, унинг устидан давлат монополиясини ўрнатишга асосланади. Тоталитар тизим табиатан моноструктурали тизим ҳисобланади. Ундан фарқ қилган ҳолда бозор тизими полиструктурали тизимдир. У хилма-хил мулкчиликка, эркин тадбиркорликка, руҳсат этилган иқтисодий фаолият турлари билан ўз бидганича шуғулланишга, ресурсларнинг чек қўйилмаган тарзда ҳаракат қилишига асосланади. У иқтисодиётда давлат монополияси ўрнига давлатнинг тартибловчи фаолиятини талаб қилади. Тоталитар ва бозор тизими табиатан ҳар хил бўлганидан ўзаро сиғиша олмайдилар, бири-бирини инкор этади. Шу боисдан **тоталитар тизим ўз-ўзидан бозор тизимига айлана олмайди, уни фақат чуқур ислоҳ қилиш билангина бозор тизимига ўтиш мумкин.** Тарихда ҳеч қачон бир иқтисодий тизимдан бошқасига ўтиш бирданига, қисқа вақт ичида ва фармон эълон қилиш билан бўлмаган ва бўлмайди. Бозор иқтисодининг шаклланиши хўжалик алоқаларини шопилинч издан чиқариб, иқтисодий қийинчиликлар яратиб, моддий етишмовчиликлар ҳосил қилиш, эскилик вайроналарида янгилик яратишни билдирмайди. Шу ўринда халқимизнинг «янги уйни қурмай туриб, эскисини бузма, бошпанасиз қоласан» деган ибратли мақолига риоя этиш керак. Бозор иқтисодиёти инқилобий сакрашларни эмас, балки шопилмасдан, аста-секинлик билан иқтисодиётни ислоҳ этишни, яъни узоқ даврда босқичма-босқич эволюцион ўзгаришлар ўтказишни талаб қилади. Гап шундаки, бозор иқтисодиёти гоят мураккаб тизим, у тарқибан кетма-кет шаклландиган ҳар хил унсурлардан иборат, уларни бирдан яратиш бўлмайди. «Холва деган билан оғиз чучимас» деган гап бор. Шунга тақлид тариқасида олсак хусусий мулкка

рухсат бор дегани билан бозор иқтисодиёти пайдо бўлиб қолмайди. Бу иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ўзининг мураккаб механизми бор, уни шакллантирмай туриб янги иқтисодиётни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Бозор иқтисодиётининг таянчи бўлган тадбиркорлик амалда бўлиши учун эркин нарх-наво, рақобат, антимонопол тартиб, иқтисодий субъектлар мустақиллиги, янгича солиқ, суғурта, лицензия, бош тизими кабилар юзага келиши лозим. Бозор иқтисодиёти воситалари бирма-бир ишга тушиши, уларнинг ўзаро созланиши узоқ вақт талаб қилади. Аҳолининг тоталитар тизим шароитида ҳосил бўлган кўникмалари бор, улар бозор иқтисодиёти шароитига мос келмайди. Кишиларни янги шароитда ишлаш ва яшашга ҳозирлаш ҳам вақт талаб қилади, чунки бу ерда гап тоталитар тизим руҳиятидан бозор руҳиятига ўтиш тўғрисида боради. Бу эскирган кадриятлар ўрнига янги кадриятлар келишини билдиради. Бозор иқтисодиётига ўтиш мураккаб, ғоят қийин ва узоқ юз берадиган жараён бўлганидан унинг тугалланиш вақтини олдиндан белгилаб бўлмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шунча ой ёки йил давом этиб, у фалон йилнинг фалон ойида тугайди деб башорат қилиш шундай масъул масалага юзаки, ғайри илмий ёндошиш ҳисобланади. Ислоҳотлар ўтказишга масъулиятсиз қараш ислоҳот ишини йўққа чиқариш билан барабар. Бундай ҳаёт-мамот ишида хом хаёл ғоялар инкор этилган ҳолда, реал илмий ислоҳотлар дастури ишлаб чиқилиши лозим. Бозор иқтисодиётига бирдан ўтиб бўлмаслик бу ишнинг кўп босқичли бўлишини тақозо этади. Бу борада шартли равишда икки турли босқич бўлишини айтиш мумкин.

Биринчи босқичнинг белгилари — бу иқтисоднинг барқарорлаштирилиши, қисман либераллаштирилиши (эркин қўйиб юборилиши), унда икки (бозор ва нобозор) секторнинг амал қилишидир. Бу босқичда кичик приватизация юз беради, бозор инфраструктураси асосан шаклланади, нарх-наво қисман либераллаштирилади, давлат корхоналари сақланиб қолса-да, бозор муносабатларига тортиладилар, хусусий, акционер ва аралаш корхоналар пайдо бўлади, хусусий банклар, суғурта компаниялари, молия ва инвестиция компаниялари ташкил топади. Давлат хўжаликлари, жамоа хўжаликларига айланттирилади, улардан фермер хўжаликлари ўсиб чиқади, фермерлар уюшмаси пайдо бўлади, лекин фермер хўжалиги аграр иқтисодиётда асосий бўғинга айланиб улгурмайди, ер-сув давлат тасарруфида қолади. **Иқтисодиёт устидан**

давлат назорати сақланади. Иқтисодиётда бир томондан режали давлат сектори, иккинчи томондан эркин бозор сектори амал қилади. Кўпчилик табиий ресурслар давлат тасарруфида қолади, лекин уларни ишлатиш юзасидан ижара муносабатлари, уларни хорижийларга концессияга бериш жорий этилади. Хуллас бу босқичда турли мулкчилик пайдо бўла бошлайди, турли мулкчиликка таянган аралаш хўжалик турлари шакллана бошлайди.

Иккинчи босқич белгилари — иқтисодиёт кенг миқёсда либераллаштирилади, ҳамма нархлар эркин қўйиб юборилади, улар устидан давлат назорати минимал даражага келади, оммавий приватизация туфайли, иқтисодиётдаги режали давлат сектори жадал қисқаргани ҳолда эркин бозор сектори шиддат билан ўсиб боради. Бу босқичда кичик приватизациядан катта приватизацияга ўтилади, яъни йирик саноатда ҳам давлат мулки ҳисобидан бошқа мулк шакллари юзага келади. Бозор муносабатига тортилган давлат корхоналари ҳам приватизациялашади. Давлат мулкининг иқтисодиётдаги ҳиссаси минимал даражага келтирилади, табиий ресурслардан муҳими бўлиши ерни ҳам давлат мулкидан чиқариш бошланади, ер ҳам хусусий мулкка айлана бошлайди, у товарга айланиб олди-сотди гирдобига тортилади. Фермер хўжалиги аграр иқтисодиётдаги асосий хўжалик шаклига айланади. Бу босқичда банк тизимидаги давлат монополияси тугатилади, фақат Марказий банк — умуммиллий резерв тизими сифатида давлат ихтиёрида сақланади. Банк тизими асосини нодавлат тижорат банклари ташкил этади. Давлатнинг бевосита хўжалик юритиш функцияси иқтисодиётни тартиблаш функцияси билан ўрин алмашади. Иккинчи босқичда бозор иқтисодиётининг асосий жиҳатлари шаклланиши тугалланади.

Тараққиёт айрилган икки босқич билан чекланмайди, албатта. Улар доирасида бир неча кичик оралиқ босқичлари бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Икки босқичли тараққиёт бозор иқтисодиётига чиқиш йўли, аммо бу Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиёти пайдо бўлиб, у аралаш иқтисодиётга айланди деган гап эмас. Бу босқичлар бозор муносабатлари қарор топганини ва уларга хос механизмлар ишга тушганини, жадал иқтисодий ўсиш учун стимуллар пайдо бўлганини билдиради. Бозор тизими хос, янгича стимуллар ҳаракатга келгач, ишлаб чиқариш тез ўсади, моддий тўқинчилик пайдо бўлади. Шундагина аралаш иқтисодиёт келиб чиқади, унга хос

қонушлар ҳаракатга келади. Буни тарихий келажак деб қараш зарур.

Ўзбекистон конценциясига ўз кучига таяниб ривожланиш ғоясини киритса бўлади. Бу ғоя бозор иқтисодиётига ўтишда хориж ёрдамига кўз тикиб ўтирмасдан мамлакат иқтисодий потенциалини тўла ишга солиб, барча ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда иқтисодиётни тиклашни билдиради. Мазкур қоида хориж берадиган мададни рад этиш эмас, балки уни иқтисодий тараққиётнинг ёрдамчи манбаи деб қарашни ифода этади. Унинг асосий манбаини мамлакатнинг ўзидан топиш маъқул. Кўпгина ёш, истиқлол йўлига чиққан давлатлар миллий иқтисодиётни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишда тамомила чет элдан келадиган молиявий ва моддий ёрдамга, айниқса, хорижий инвестициялар оқимида умид боғлаганлар. Булардан фарқлироқ Ўзбекистон ўз муаммоларини ўзи ҳал этишни афзал кўриши, чет эл ёрдамидан бош тортмаган ҳолда ўзининг ички имкониятларини тўла ишлатиши керак бўлади. Хориж кўмаги Ўзбекистоннинг ўз имкониятларини ишга солишга хизмат қилиши шарт. Ўзбекистон ислохотлар асосида ўз иқтисодиётини янгилар экан, бошқалар билан ўзаро манфаатли асосда иқтисодий муносабат ўрнатади. Шу хусусда Президент И. А. Каримов қуйидагиларни ёзади: «Биз дунё бўйлаб қўл чўзиб тиланчилик қилаётганимиз йўқ, балки ўзаро манфаатли ҳамкорликни ташкил этишга интилянимиз».¹ Бу албатта, бозор иқтисодиёти табиатига мос келадиган халқаро муносабат борлигидан келиб чиқади. Бозор иқтисодиёти — бу ўз кучига таянган, аммо бошқалар билан узвий алоқадаги миллий иқтисодиётни билдиради. У бировлар ҳисобидан кун кўриш, иқтисодий хотиржамлик, мутелик ва боқимандаликни рад этади. Ҳар бир иқтисодий субъект ўз аравасини ўзи тортиши бозор тизимининг муқаддас қондасидирки, у халқаро муносабатларга ҳам хос. Ҳар бир миллий иқтисодиёт ўзи ҳисобидан ривожланади, ташқи муҳит эса бунга қулай шароит ҳозирлайди. Халқаро иқтисодий муносабатлар эквивалентликка, яъни мамлакатлараро олди-берди муносабати тенгликка асосланган.

Ўз кучига таяниш имкони Ўзбекистоннинг иқтисодий потенциалидан келиб чиқади. Ўзбекистон кам ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олса-да, ишонарли

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари». Т., 1993, 33-бет.

салоҳиятга эга, уни самарали ишлатиш иқтисодий ўсиш омили бўлиб хизмат қилади. Шунини айтиш кифояки, Ўзбекистон мусулмон давлатлари орасида илмий салоҳияти энг кучли дейиш мумкин. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат деб таъкидламоқ учун барча асослар бор. Республикада ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими — бу диёрда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди».¹

Республикада минерал-хом ашёнинг 95 тури, 700 та кони бор. Марказий Осиёдаги газ конденсати захираларининг 74%, нефтнинг 31%, табиий газнинг 40%, кўмирнинг 55%, пахта толасининг 75%, гидроэнергетика ресурсининг 14%, меҳнат ресурсларининг 40% Ўзбекистон улушига тўғри келади. Ўзбекистонда 30 та олтин кони топилган, уларнинг олтин захиралари 400 тоннага тенг. Бу ерда дунёда энг соф олтин олинади, олтин қазиб чиқариш бўйича республика дунёда саккизинчи ўринда туради.

Мавжуд иқтисодий салоҳиятни ишга солиш учун уни рағбатлантирувчи куч керак. Бунинг учун иқтисодий ўсишга қувват бахш этадиган бозор муносабатлари юзга чиқиши керак. Ўз кучига таяниш биқик, яққаланиб, ўз қобиғига ўралиб қолган иқтисодиётга, яъни ёпиқ иқтисодиётга ўтишни билдирмайди, аксинча, гап очиқ эркин, бошқалар билан узвий алоқада бўладиган миллий иқтисодиёт ҳақида боради, у жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашади, унинг ажралмас қисмига айланади. Шундай иқтисодиётгина динамик ҳолатда бўлиши, бинобарин, фаровон турмушни муттасил таъминлаши мумкин. Хуллас, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ўз хусусиятларига эга. Унда бозор иқтисодиёти қонун-қоидаларига оид ғоялар Ўзбекистон шароитини ҳисобга олган ҳолда ривожлантирилган. Бу концепция ғоялари Ўзбекистонда бозор ислохотлари ўтказишда қўлланади, давлатнинг иқтисодий сиёсати учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясининг моҳияти нимада?

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон сиёсатининг устивор йўналишлари». Т., 1993, 34-бет.

2. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти сари боришдаги ўз йўлини қандай тушуниш керак?

3. Ўзбекистоннинг қандай хусусиятлари уни бозор иқтисоди сари боришига таъсир этади?

4. Нима сабабдан иқтисодиётнинг устиворлигини таъминлаш зарур?

5. Нима сабабдан давлат асосий ислоҳотчи бўлиши керак?

6. Нима учун бозор иқтисодиётига ўтиш босқичма-босқич бўлиши лозим?

7. Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги социал сиёсатнинг қандай хусусиятлари мавжуд?

8. Ўзбекистоннинг бозор ислоҳотида ўтиш концепциясини ҳозирги замон иқтисодиёт назарияларига қандай алоқаси бор?

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

I боб

Иқтисодиёт назарияси
Иқтисодий воқелик
Иқтисодий шарт-шароит
Иқтисодий стимуллар
Иқтисодий сиёсат
Иқтисодий категориялар
Умумиқтисодий категория-
лар
Формацион махсус кате-
гориялар
Даврий оралиқ категория-
лар
Иқтисодий қонунлар
Умумиқтисодий қонунлар
Формацион-махсус қонун-
лар
Даврий оралиқ қонунлар
Категория ва қонунлар
тизими
Эмпирик босқич
Хулоса-гипотеза
Назарий хулосалар
Қонун-қоидалар
Иқтисодий принциплар
Абстракциялаш усули
Иқтисодиётнинг назарий
моделли
Индуктив усул
Дедуктив усул
Иқтисодий таҳлил
Миқдор ва сифат таҳ-
лили

Умумиқтисодий фанлар
Хусусий иқтисодий фанлар

II боб

Социал-иқтисодий эҳтиёж-
лар
Якка эҳтиёж
Гуруҳий эҳтиёж
Умумжамият эҳтиёжи
Моддий эҳтиёжлар
Социал-маънавий эҳтиёж-
лар
Меҳнат эҳтиёжи
Эҳтиёжларнинг юксалиш
қонуни
Эҳтиёжларнинг янгила-
ниши
Эҳтиёжларнинг байналми-
наллашуви
Эҳтиёжлар структураси
Ресурслар камёблиги
Эҳтиёжни қондириш
усуллари
Муқобил маҳсулотлар
Зиммага тушган харажат-
лар
Натурал истеъмол
Товар истеъмоли
Турмуш даражаси

III боб
Ишлаб чиқариш
Иқтисодий ресурс

Шахсий-инсоний омил
Моддий-ашёвий омил
Меҳнатнинг тежалиш қонуни
Меҳнат қуроллари
Меҳнат шароити воситалари
Моддий маҳсулот
Моддий ишлаб чиқариш
I бўлинма
II бўлинма
Ялпи миллий маҳсулот
Жами ижтимоий маҳсулот
Соф экспорт маҳсулоти
Соф миллий маҳсулот
Зарур маҳсулот
Қўшимча маҳсулот
Миллий даромад
Номинал ялпи миллий маҳсулот
Реал ялпи миллий маҳсулот
Нарх индекси
Меҳнат унумдорлиги
Меҳнат унумдорлиги омиллари
Иш вақти
Такрор ишлаб чиқариш
Ялпи инвестиция
Соф инвестиция
Амортизация

IV боб

Натурал ишлаб чиқариш
Товар ишлаб чиқариш
Якка деҳқон хўжалиги
Жамоа хўжалиги
Давлат хўжалиги
Иқтисодий автаркизм
Натурал маҳсулот
Товар маҳсулот
Товар хўжалиги
Товар ишлаб чиқариш

Меҳнат тақсимоти
Ишлаб чиқарувчиларнинг алоҳидалашуви
Меҳнатнинг ижтимоий характери
Товар
Истеъмол қиймати
Қиймат
Айирбошлаш қиймати
Товарнинг нафлиги
Меҳнат сарфлари
Конкрет меҳнат
Абстракт меҳнат
Оддий меҳнат
Мураккаб меҳнат
Пул
Қийматнинг тасодифий шакли
Қийматнинг кенгайтирилган шакли
Қийматнинг эквивалент шакли
Қийматнинг пул шакли

V боб

Ихтисослашув
Меҳнат тақсимоти
Ижтимоий меҳнат
Меҳнат турлари
Умумий меҳнат тақсимоти
Хусусий меҳнат тақсимоти
Қисман меҳнат тақсимоти
Худудлараро меҳнат тақсимоти
Халқаро меҳнат тақсимоти
Меҳнат тақсимоти қонуни
Меҳнатни алмашлаб туриш қонуни
Иш кучининг иқтисодий ҳаракатчанлиги
Моддий ишлаб чиқариш
Номоддий ишлаб чиқариш
Фаолият алмашуви
Меҳнат кооперацияси

Оддий меҳнат кооперацияси
Мураккаб меҳнат кооперацияси
Халқаро меҳнат кооперацияси
Иқтисодий интеграция
Иқтисодий фаолият
Иқтисодий фаолият дифференциацияси
Регионал интеграция
Халқаро интеграция
Ягона иқтисодий майдон
Дезинтеграция

VI боб

Иқтисодий ўсиш
Реал ялпи миллий маҳсулот
Реал миллий даромад
Микроиқтисодий ўсиш
Макроиқтисодий ўсиш
Иқтисодий ўсиш кўлами
Иқтисодий ўсиш суръати
Иқтисодий ўсишнинг сифат меъёри
Иқтисодий ўсиш омиллари
Меҳнат сарфининг массаси
Меҳнат унумдорлиги
Иш билан тўла банд бўлиш
Меҳнатнинг фонд билан қуролланиши
Инсон капиталига қўйилган пул
Структура силжишлари
Инвестицион ресурс
Иқтисодий ўсишни инвестициялаш
Номинал инвестиция
Реал инвестиция
Қоплаш фонди
Соф инвестиция

Жамғариш нормаси
Ялпи инвестиция нормаси
Инвестиция самарадорлиги
Экстенсив иқтисодий ўсиш
Интенсив иқтисодий ўсиш
Маҳсулот ресурс сизими
Ишлаб чиқариш самарадорлиги
Иқтисодий ўсиш цикли
Тебранма ҳаракат
Цикл фазалари

VII боб

Миллий бойлик
Бойликнинг жамғарилиши
Табиат инъоми бўлган бойлик
Меҳнат инъоми бўлган бойлик
Тикланадиган бойлик
Тикланмайдиган бойлик
Потенциал бойлик
Реал бойлик
Моддий бойлик
Номоддий бойлик
Асосий фондлар
Айланма фондлар
Интеллектуал бойлик
Миллий бойлик обороти
Жамғариш қонуни
Иқтисодий потенциал
Эришилган потенциал
Бўлғуси потенциал
Меҳнат потенциали
Илм-маърифат потенциали
Техника-технология потенциали
Табиий потенциал

VIII боб

Мулкчилик
Эгалик қилиш

Фойдаланиш
Тасарруф этиш
Мулкчилик объекти
Мулкчилик субъекти
Экспроприация
Конфискация
Реквизиция
Иқтисодий манфаат
Индивидуал манфаат
Гуруҳий манфаат
Давлат манфаати
Миллий манфаати
Мулк реализацияси
Реал мулк
Формал мулк
Мулккий жавобгарлик
Мулк типи
Мулк шакллари
Хусусий мулк
Индивидуал мулк
Корпоратив хусусий мулк
Шахсий мулк
Жамоа мулки
Кооператив мулк
Ижарага олинган корхона
жамоаси мулки
Корхона жамоаси мулки
Корхона ва ташкилотлар
уюшмаси мулки
Маҳалла мулки
Ижтимоий ташкилотлар
мулки
Диний ташкилотлар мулки

IX боб

Социал-иқтисодий тизим-
лар
Ишлаб чиқарувчи кучлар
Моддий муносабат
Номоддий муносабат
Ишлаб чиқариш омилла-
рининг бирикиши
Ишлаб чиқаришнинг ички
бўғинлари

Социал-иқтисодий тизим
турлари
Формация
Ишлаб чиқариш усули
Ривожланиш босқичлари
Моноструктурали тизим-
лар
Моноиқтисодиёт
Политизим
Полииқтисодиёт
Аралаш иқтисодиёт
Капиталистик моноиқти-
содиёт
Социалистик моноиқтисо-
диёт
Иқтисодиётни давлатлаш-
тириш
Тоталитар-режали иқти-
содий тизим
Манфаатлар тўқнашуви
Манфаатлар мувозанатла-
шуви
Халқ истеъмолчининг бе-
восита қондирилиши
Фаровонликнинг ўсиш
қонуни
Мулк шакллариининг му-
возанати

X боб

Бозор иқтисодиёти
Товар-пул муносабатлари
Иқтисодий хатти-ҳаракат
Иқтисодий монотизим
Социал мўлжал
Иқтисодий плюрализм
Эркин иқтисодиёт
Антимонопол йўналиш
Товар тақчиллиги
Нархларнинг либералла-
шуви
Рақобат
Фаолиятларни мослашти-
риш

Рақобатга хос бўлмаган
муносабатлар
Интеграция
Манфаатларнинг уйғун-
лашуви
Бозор дастаклари
Социал кафолатлар
Адолат қоидалари
Мослашувчан иқтисодий
тизим
Новацияга мойиллик
Товарлар ва хизматлар
тўқинчилиги
Иқтисодий фаолият эркин-
лиги
Даромадларнинг чеклан-
маслиги
Трансформация
Бозор иқтисодиётига ўтиш
моделлари
Бозор ислохотлари
Мустақиллик стратегияси
Мудкий монополия
Мулкчиликнинг демокра-
тиялашуви
Аграр ислохотлар
Фермерлаштириш
Давлат бузортмаси
Нархлар тизими ислохоти
Келишилган нархлар
Бозор инфраструктураси

XI боб

Бизнес
Тадбиркорлик
Суверинитет
Мурсали муносабат
Ўртанча синф
Ишбилармон
Инновация фаолияти
Бартер
Ягона иқтисодий майдон
(макон)
Автономизм

Иқтисодий федерализм
Халоллик
Корхона (фирма)
Индивидуал меҳнат
Хўжалик автаркияси
Хусусий фирма
Масъулияти чекланган
фирма
Масъулияти чекланмаган
фирма
Коммандит фирмалар
Коммандит
Акционер жамият
Давлат корхоналари
Аралаш фирмалар
Консорциум
Концерн
Фирма шохобчаси
Корпоратив манфаат
Корхона эгалари
Ёлланиб ишловчилар
Ишлаб чиқариш фондлари
Пул капитали
Реал капитал
Капитал доиравий оборо-
ти
Капитал обороти
Ишлаб чиқариш харажат-
лари
Ички харажат
Ташқи харажат
Нормал фойда
Соф фойда
Доимий харажат
Ўзгарувчан харажат
Умумий харажатлар
Ўртача харажат
Меъёрли харажатлар
Менежмент
Менежер
Маркетинг

XII боб

Бозор

Бевосита бозор алоқаси
Билвосита бозор алоқаси
Бозор ҳажми
Тартибланадиган бозор
Тартибсиз бозор
Тақчил бозор
Тўйинган бозор
Бозорнинг тўйиниш дара-
жаси
Бозорнинг функциялари
(вазифалари)
Эркин бозор
Монополлашган бозор
Олигополистик бозор
Соф монополия бозори
Бозор сегменти
Истеъмол товарлар ва
хизматлар бозори
Ишлаб чиқариш ресурс-
лари бозори
Савдо ярмаркалари
Биржа
Савдо фирмалари
Меҳнат бозори
Меҳнат биржаси
Молия бозори
Ссуда капитали бозори
Қимматбаҳо қоғозлар бо-
зори
Интеллектуал товарлар
бозори
Иновация фирмалари
Инжиниринг фирмалар
Консалтинг фирмалар
Тижорат харажатлари
Соф тижорат сарфи
Савдо (тижорат) фойдаси
Нормал фойда
Иқтисодий фойда
Омад фойдаси
Фойда нормаси

XIII боб

Пул

514

Пулнинг функциялари
Пул обороти
Пул массаси
Қиймат ўлчови
Нарх масштаби
Муомала воситаси
Жамғариш воситаси
Ликвидлик
Пул агрегати
Пулнинг қадр-қиймати
Пулга талаб
Пул таклифи
Пул муомаласи
Пул муомаласи қонуни
Пул обороти тезлиги
Инфляция
Талаб қақирган инфляция
Таклиф инфляцияси
Ўрмаловчи инфляция
Сузиб юрувчи инфляция
Гиперинфляция
Стагфляция
Дефляция
Антиинфляция сиёсати
Тақчилликсиз молиялаш-
тириш
Валюта
Валюта муносабати
Валюта курси
Валюта паритети
Тезоврация восита
Девальвация
Ревальвация
Конвертирланган валюта
Конвертирланмаган валю-
та
Эркин конвертирланган
валюта
Одатдаги конвертирланган
валюта
Ички конвертабеллик

XIV боб

Талаб

Талаб қонуни
Умумий наф
Меъерий наф
Меъерий нафнинг пасайиш қонуни
Умумий талаб
Талабнинг ўзгарувчанлиги
Кечиктирилган талаб
Ваҳима талаб
Харид қобилияти
Истеъмолчи диди
Олий тоифали товарлар
Паст тоифали товарлар
Даромад самараси
Даромад бўйича талабнинг ўзгарувчанлиги
Нарх бўйича талабнинг ўзгарувчанлиги
Ўринбосар ва бир-бирига боғлиқ товарлар
Таклиф
Таклиф қонуни
Таклифнинг ўзгарувчанлиги
Иқтисодий ресурсларга талаб
Иқтисодий ресурслар таклифи
Мувозанат нархи
Миқдорий мувозанат
Бозор мувозанати
Жузъий мувозанат
Умумий мувозанат

XV боб

Нарх
Ижтимоий зарурий меҳнат сарфи
Бозор мувозанатини таъминлаш функцияси
Ҳисоб-китоб, ўлчов функцияси

Иқтисодий регулятор функцияси
Рақобат воситаси
Социал ҳимоя функцияси
Мувозанат нархи
Товар қиймати
Талаб ва таклиф нисбати
Товарни афзал кўриш
Товар танлови
Товарга бефарқлик
Харидор қурби
Товар нафлиги
Нафлик максимизацияси
Вақт қадри
Фойдани максималлаштириш
Устама истеъмолни қўлга киритиш
Диверсификациялашган нархлар
Нарх белгилашдаги пешқадамлик
Демпинг нарх
Нуфузли нархлар
Стандарт нархлар
Ўзгарувчан нархлар
Прейскурант нархлар
Нарх диапазони
Улгуржи нарх
Чакана нархлар
Лимитланган нархлар
Дотацияли нархлар
Жаҳон (интернационал) нархлари
Нарх паритети
Эквивалентлик
Нархнинг мутлақ даражаси
Нархнинг нисбий даражаси

XVI боб

Рақобат
Майда товар ишлаб чиқарувчилар рақобати

Капиталистик эркин рақобат
Монопол рақобат
Ёввой рақобат
Цивилизациялашган рақобат
Иқтисодий танлов
Банкрот
Тармоқ ичидаги рақобат
Тармоқлараро рақобат
Диверсификация
Нарх воситасида рақобатлашув
Нархдан фойдаланмай рақобатлашув
Мукамал рақобат
Соф рақобат
Монополистик рақобат
Олигополия рақобати
Антимонопол қонунчилиқ

XVII боб

Аграр муносабатлар
Аграр сектор
Ернинг таклифи
Ерга талаб
Ерга мулк монополияси
Ернинг эгалланиши
Ижара муносабати
Рента
Рента турлари
Абсолют рента
Дифференциал рента
Дифференциал рента I
Дифференциал рента II
Тупроқнинг табиий ҳосилдорлиги
Тупроқнинг иқтисодий ҳосилдорлиги
Ёмон ердаги харажатлар
Монопол рента
Ундурма саноатда рента
Қурилиш участкалари учун рента

Ижара ҳақи
Ернинг нархи
Ерни муқобил ишлатиш
Агробизнес
Агросаноат интеграцияси
Фермер (деҳқон) хўжалиги
Оилавий фермер хўжалиги
Фермер хўжалигининг афзаллиги
Агрофирма
Агросаноат бирлашмалари
Фермерлар ассоциацияси

XVIII боб

Молия
Молиявий ресурс
Молия функцияси
Молиявий муносабатлар субъекти
Тақсимлаш функцияси
Бирламчи тақсимлаш
Қайта тақсимлаш
Рағбатлантириш функцияси
Социал ҳимоя функцияси
Иқтисодий ахборот бериш функцияси
Аудиторлик хизмати
Микроресурслар
Макросурслар
Молия бозори
Пул эгалари
Пулга муҳтож субъектлар
Облигация
Акция
Вексель
Сертификат
Фонд биржалари
Молия механизми
Молия тизими
Микромолия
Макромолия

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3

I БЎЛИМ

ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

I боб. Иқтисодиёт назариясининг предмети ва таҳлил усули.	7
1. Иқтисодиёт назарияси қандай фан ва у нимани ўрғанади?	7
2. Иқтисодий категориялар ва қонунлар	10
3. Иқтисодиёт назариясининг таҳлил усуллари	12
4. Иқтисодиёт назарияси ва бошқа иқтисодий фанлар.	15
II боб. Социал-иқтисодий эҳтиёжлар	17
1. Эҳтиёж ва унинг турлари	17
2. Эҳтиёжларнинг юксалиши	23
3. Эҳтиёжларни қондириш воситалари ва усуллари	28
III боб. Ишлаб чиқариш ва унинг янгиланиши	35
1. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг бирикиши.	35
2. Янги миллий маҳсулот ва унинг таркиби. Меҳнат унумдорлиги	40
3. Ишлаб чиқаришнинг янгиланиш шарт-шароити	47
IV боб. Натурал ишлаб чиқариш ва товар ишлаб чиқариш.	52
1. Натурал ишлаб чиқариш	52
2. Меҳнат маҳсулининг товар шакли	56
3. Товар қиймати ва уни белгиловчи омиллар	60
4. Пулнинг пайдо бўлиши	67
V боб. Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва иқтисодий интеграция	74
1. Меҳнат тақсмоти жараёнида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви	74
2. Иқтисодий интеграциянинг юзага келиши ва чуқурлашиб бориши	81
VI боб. Иқтисодий ўсиш ва унинг омиллари. Ишлаб чиқариш самарадорлиги	90
1. Иқтисодий ўсиш ва унинг аҳамияти	90
2. Иқтисодий ўсиш омиллари	94
3. Иқтисодий ўсиш турлари. Ишлаб чиқариш самарадорлиги	103
4. Иқтисодий ўсиш цикллари	108
VII боб. Миллий бойлик ва иқтисодий потенциал	113
1. Миллий бойлик ва унинг таркиби	113
2. Миллий бойлик ҳаракати	119
3. Жамиятнинг иқтисодий потенциали	124
VIII боб. Мулкнинг муносабатлар	129
1. Мулкчилик нима?	129
2. Мулк — бу ҳам манфаат, ҳам масъулиятдир	133
3. Мулк шакллари	137
4. Приватизация	147
IX боб. Социал-иқтисодий тизимлар	150
1. Социал-иқтисодий тизимларнинг умумий белгилари	150
2. Социал-иқтисодий тизим турлари	154
3. Социал-иқтисодий тизимларнинг хусусиятлари	158
4. Аралаш иқтисодиёт	162

II БЎЛИМ

БОЗОР ИҚТИСОДИЕТИ

X боб.	Бозор иқтисодиётининг ташкил топиши	170
	1. Бозор иқтисодиётининг туб белгилари	170
	2. Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурати	177
	3. Бозор ислохотлари	184
XI боб.	Бизнес ва тадбиркорлик. Бозор муносабатлари тизимида фирма (корхона) фаолияти	191
	1. Бизнес, тадбиркорликнинг моҳияти	191
	2. Фирма (корхона) турлари	199
	3. Фирма фаолияти. Харажатлар ва фойда	205
XII боб.	Бозор ва унинг тузилиши	215
	1. Бозорнинг моҳияти ва вазифалари	215
	2. Бозорнинг тузилиши	222
	3. Тижорат сарф-харажатлари ва фойда	234
XIII боб.	Пул ва унинг иқтисодиёт учун аҳамияти	245
	1. Пулнинг функциялари	245
	2. Пул қадр-қиймати. Пул талаб ва таклиф таъсирида	248
	3. Инфляция ва унинг бартараф этилиши	252
	4. Валюга муносабати	257
XIV боб.	Талаб ва таклиф	262
	1. Товарлар ва хизматларга талаб	262
	2. Товарлар ва хизматлар таклифи	272
	3. Иқтисодий ресурсларга талаб ва таклиф	279
	4. Талаб ва таклиф мувозанати	281
XV боб.	Нарх-наво	288
	1. Нарх ва унинг функциялари	288
	2. Нарх-навонинг ташкил топиши	294
	3. Нарх турлари	306
XVI боб.	Рақобат	315
	1. Рақобатнинг моҳияти ва шакллари	315
	2. Рақобатнинг усуллари	324
	3. Мукамал ва номукамал рақобат	326
	4. Рақобатлашиш муҳитининг вужудга келиши ва уни сақлашда давлатнинг роли	332
XVII боб.	Аграр муносабатлар	338
	1. Аграр муносабатларнинг моҳияти	338
	2. Рента турлари	343
	3. Агробизнес ва унинг таркиби	353
XVIII боб.	Молия ва кредит	360
	1. Молия ва унинг функциялари. Молия бозори	360
	2. Молия тизими ва унинг унсурлари	368
	3. Кредит ва қарз проценти. Кредитлаш турлари	381
XIX боб.	Умумиқтисодий мувозанат. Иқтисодиётнинг тартибланиши	393
	1. Макроиқтисодиётдаги доиравий ҳаракат	393
	2. Такрор ишлаб чиқаришнинг асосий пропорциялари	396
	3. Мувозанат турлари	402
	4. Иқтисодиётни тартиблашнинг бозор механизми	407
	5. Давлат томонидан иқтисодиётнинг тартибга солиниши	416
XX боб.	Аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси	425
	1. Аҳоли даромади ва унинг таркиби	425
	2. Даромадларнинг табақаланиши	435
	3. Турмуш даражаси ва сифати	435

XXI боб. Иқтисодиётнинг халқаро жиҳатлари	449
1. Жаҳон хўжалиги ва унинг асосий белгилари	449
2. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий шакллари.	453
3. Янги халқаро иқтисодий тартиб	466

III БЎЛИМ

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯЛАРИ

XXII боб. Иқтисодиёт назарияларидаги асосий йўналчлар	470
1. Кейнсчилар таълимоти	472
2. Ҳозирги замон монетаризми	478
3. Институционализм ва либерализм	482
XXIII боб. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси	489
1. Бозор иқтисодиёти сари боришга Ўзбекистоннинг ўз йўли	489
2. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос хусусиятларнинг назарий талқини	494
Асосий тушунчалар	509

ЎЛМАСОВ АҲМАД, ШАРИФХЎЖАЕВ МУРОД

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

Олий ўқув юртлари учун дарслик

«Меҳнат» нашриёти — Тошкент — 1995

Муҳаррир М. Тўйчиев
 Бадий муҳаррир Ҳ. Қутлуқов
 Техник муҳаррир Н. Сорокина
 Мусаҳҳиҳа Ф. Темирхўжаева

ОИБ № 1275

Терингга берилди 12.05.94. Босишга рухсат этилди 05.02.95. Ўлчаме 84×108^{1/32} № 2 босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Шартли босма т. 27,72. Шартли бўёқ ўлчами 27,93. Нашр тобоғи 28,6. Нусха 10 000. Буюртма № 465. Ваҳоси шартнома бўйича.

«Меҳнат» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 27—94

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

Ўлмасов А., Шарифхўжаев М.

У70 Иқтисодийёт назарияси: Ноиқтисодий ўқув юр-
ларига дарслик. — Т.: Меҳнат, 1995. — 528 б.

І. Автордош.

65.01я73